Луқмон БЎРИХОН

ЖАЗИРАМАДАГИ ОДАМЛАР

Роман

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2005

84(5Ў)6
Б99

Бўрихон Луқмон.
Б99 Жазирамадаги одамлар: Роман./ /Луқмон Бўрихон. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. — 336 б.

Истеъдодли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи беҳад завқ-шавқ билан ўқилади.

Унда овлоқ чўл қўйнидаги чўлқуварларнинг ҳаётий кечинмалари ифода этилган. Асарнинг ғоят гўзал ва жозибали бадиий тили ўқувчини беихтиёр ўзига ром қилади.

Романнинг бош қаҳрамони — Лолахон. Тақдир тақозосига кўра у овлоқ чўл қўйнига келин бўлиб тушган. Лолахоннинг аччиқ қисмати ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайди. Севги-садоқат, хиёнат ва нафрат каби мангу туйғуларни ёзувчи ўзига хос услубда, катта талант билан тасвирлаган.

84(5Ў)6

Б $\frac{4702620201\text{-}108}{М352(04)\text{-}2005}$ 2005

ISBN 5-635-02308-8

© Луқмон Бўрихон, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005 й.

Бир отим бор, ажабгина,
Думлари гажаккина.
Ҳали келса,..
Кула-кула ўласиз

Тошбиби чечанинг жавоби (но)маълум топишмоқларидан.

Ашур қамоқдан чиқибди. Отам ўз хатида шу ҳақда тўлиб-тошиб ёзган экан. Одатда у салом-алик, уч-тўрт оғиз насиҳатдан нари ўтмас, мен бу битикларни талабалар ётоқхонасининг иккинчи қаватидаги ҳужрамга чиқиб боргунимча ўқиб битқазар, ҳатто хатжилд-қоғозга, отамнинг беҳафсала хуснихатига кўз югуртиб, мактубнинг қай бир шароитда, қай бир кайфиятда ёзилганини ҳам ўзимча тусмоллаб улгурар эдим. Ишқилиб бир ҳурматли домламиз куйиб-пишиб таъкидлагандай, касбий маҳоратни ошириш, ҳадемай қўлга тегадиган дипломни ҳалоллаб олиш пайида бўлар эдим.

«Сиз азизларим, — дейди ўша сочи, қош-киприклари қиров қўнгандай оппоқ домла, — фахрли, ноёб касбнинг этагидан тутяпсизлар. Психология ҳазил гапмас, азизларим. Сизлар руҳшунос, одам кўнглининг инженерлари...»

Домла салмоқлаб-салмоқлаб, узундан-узоқ ваъз қилар, унинг ваъз-насиҳатлари самимийлигиданми, ҳарнечук, биз бўлажак руҳшуносларнинг руҳи кўтарилиб, шунча йилдан бери талабалик тўрвасини беҳудага орқалаб юрмаганимизга чиппа-чин ишониб қолар эдик. Қарабсизки, аудиториянинг ўзидаёқ бир-биримизнинг кийим-кечак, юриш-туришимизни кузатиб, хулқ-атворимизни, кайфиятимизни аниқлашга киришамиз. Машғулотлар тугагач эса кўча-кўйда ён-веримиздан ўтиб қайтаётганларнинг, айниқса, толиба қизларнинг ички дунёсига мўралаймиз.

Мен университетнинг бу бўлимини тасодифан танлаб, тасодифан талаба бўлиб қолган эсам-да, ўқишим ўзимга ёқар эди. Бироқ таътил пайтлари қишлоққа борганимда тенгтўшларим, қариндош-уруғлар таъбимни тирриқ қилишади.

«Хўш, — дейишади юзимга чинакам руҳшуносларга хос синчков тикилиб, — ўқишни битиргач, қаерда ишлайсан? Сенга қандай амал тегади?»

Бу дўсту ёронлар катта шаҳардаги катта ўқишда ўқийдиган нусха келажакда, албатта, прокурор, буғалтер, ҳеч қурса, кеккайган агроном бўлади, деб ўйлашади, бундан бошқасини тан олмасликлари афт-ангорларидан сезилиб ҳам туради. Мен уларга ўқишимнинг, бўлажак касбу коримнинг мазмун-моҳиятини аниқ-таниқ тушунтириб беролмай эсим кетади.

«Оббо, сен-ей, — деди Сафармурод чавандоз обдон сўроққа тутгач. — Бундан чиқди маҳмадоначилик ўқишига илашибсан-да, а? Бу кетишда гўр ҳам бўлмайсан. Отангга ўхшаб чала олимликдан нари ўтмайсан...»

Орадан икки-уч йил ўтиб, тағин у билан бетма-бет бўлган кез Сафармурод аканинг юз-кўзига тикилиб, кайфиятию ўйхаёлларидан башорат қилиб бердиму бу довдир чавандозни бир қур анграйтиб ташладим.

«Тузук, тузук... — дея ғудранди у тақамўйловларини қимирлатиб. — Бундан чиқди ўқишингнинг маъниси бор-ов... Ҳадемай фолчиларнинг нонини ярим қиларкансан-да, а?! Тузук, ишқилиб, одам бўласан...»

Шу-шу Сафармурод чавандознинг таърифи оғиздан-оғизга ўтиб, ҳамқишлоқлар орасида сеҳргарлик мактабининг тупроғини ялаб юрганим ҳақида узуқ-юлуқ миш-миш тарқалди. Олдиқочди гап-сўзларга отам қўл силтаб қўяр, ҳар нечук ўқишимдан кўнгли тўқ эди. Ошкора мақтовга зўр бермаса-да, бўлажак руҳшунос сифатида унинг ҳол-ҳолатини кузатиб шундай хулосага келганман.

Онамнинг-ку кўнглидагини билиш учун эса ҳеч бир касбий маҳорат шарт эмас эди, ўтирсам-турсам-да, меҳрибонларча юзимга термулишларида, «болажоним, келин керак, бошгинангни жуфт қилиш пайти етди» деган бир илтижо бор. Албатта, бу масалада онам раъйимга қараб, бирор-бир кўнгил қўйганим борлигига иқрор бўлишимни кутиб оғзимни пойлайди. Бироқ, мендан ҳеч бир садо чиқмаган ҳозирча. Отам хатларининг бирида онамнинг орзу-ниятлари-ю, келинбоп қиз излаб қишлоқма-қишлоқ изғиб қолганини енгилгина шаъма қилган эди. Ўшандан бери икки ойча вақт ўтди.

Мана, галдаги мактуб. Анча-мунча уриниб қолган хатжилднинг семизгиналигидан, ҳойнаҳой, онам таътилга боришимни ҳам кутмай, отамнинг насиҳатлари ёнига ўзининг арзи ҳолини битиб жўнатган, ҳатто келинликка номзод қизнинг

рангли суратини хатжилд ичига тиқиштирган деган хаёлда эдим. Йўқ, ўзимни ҳам энтиктириб турган тусмолларим чиппакка чиқди. Отам қисқагина салом-аликдан сўнг дарров қишлоқ янгиликларига кўчган экан. Унинг узундан-узоқ, тўлиб-тошиб ёзишича...

Ашур қамоқдан чиқибди!

Ашур... тажанг қиёфа, чайир бўйу баст, ўсиқ-қуюқ сочлар кўз ўнгимда жонланди. Ҳужрамга қамалиб, хатни қайта-қайта ўқиганим сайин ич-ичимдан алланечук ғашлик, маъюслик силқиб чиқар эди. Ўй-хаёлларим шамолда соврилаётган дон-дундай чирпирак бўла кетди. Мен — эрта-индин дипломимни ҳалоллаб олишга чоғланган руҳшунос, ўз руҳимда, ўз юрагимда чарх ура бошлаган ғалаёнларнинг маъно-моҳиятини англаёлмай сарсон эдим. Бу ожизликдан ғаш кўнглим баттар ғашланди. Мактуб, отамнинг беҳафсала сатрлари, гўё дашт жазирамасини келтириб торгина ҳужрамга уфуриб юборгандай аъзои баданимга алланечук лоҳаслик инди. Беихтиёр тўшамалари кирланиб қолган каравотимга беҳол чўзилдим. Ашурнинг ориқ, серпай афт-ангори, серзарда нигоҳлари ҳануз таъқиб этиб турар эди. Ухлаб андак дам олиш илинжида ғижим чойшабга бир неча бор буркандим. Аммо бефойда. Уч-қуйруқсиз хаёллар, олис-яқин хотиралар бутун шууримда айқаш-уйқаш бўлиб кетди...

I

Қишлоғимиз, тўғрироғи, 41-совхозга қарашли посёлка, узоқдан қараганда, пахта пайкаллари ўртасига тўкиб ташланган тош-шағал, темир-терсак уюмига ўхшаб кўринади. Илгари бу ерлар ёвшанзор чўлу биёбон бўлган. Замонлар ўтиб, ҳукумат «оқ олтин» дардида олис-яқиндаги дарёларни жиловлатиб, катта ариқлар қаздириб бу ерларга сув келтирган. Посёлка деганлари андаккина шаҳар маҳаллаларининг нуқси урган қатор-қатор бетон уй-жойлар, тош-шағал тўшалган ариқлару бетон йўл-йўлаклардан иборат бир қишлоқ. Аммо ҳукумат ўз тарғибот-ташвиқотида уларни чинакам шаҳарлар, дея аюҳаннос солиб, чўлларни бўстон этиш иштиёқидаги азаматлар учун ҳамма шарт-шароитлар тахтлиги ҳақида тинимсиз бонг урган. Фаровон турмуш илинжидаги одамларга, айниқса, минг бир машаққат билан кун кўриб юрган тоғликларга худо бергани шу-да; улар ёппа-ёппа чўл томонларга кўчиб келаверишган.

Отам ўша олатасир кўча-кўч йилларини гурунгларда эсларкан, «биз анча-мунча пухталик қилгандик», деб қўяди мийиғида кулиб.

«Қандай пухталик, Эргаш ака?» деб сўрашади қизиқувчилар, бу эски ҳангомани неча бор эшитган бўлишса-да.

— Биз чўллар яшнаб кетганлиги тўғрисидаги миш-мишга дарров ишониб қўя қолмаганмиз, — деб эринмай ҳикоя қилади отам. — Овул оқсоқоллари маслаҳатлашиб Сафармурод чавандозни «разведка»га юборишди. Сафармуродни яхши биласиз, қариллаган полвон бўлсаям чала мактаб кўрган, чаласавод одам. Уни роса ўн-ўн беш кун кутдик. Охири, қорасини кўрсатди, қурмағур. Сафармурод пайдо бўлди-ю, тоғ овулимизнинг ёшу қариси ё, пирим, деб ёқа ушлаб қолди. Аввалги тўнка чавандоздан асар ҳам йўқ, қип-қизил агитатор! У ҳовликиб ёшу қарини мулла Мирзанинг бедапо-

ясига йиғди. Сўнг дабдурустдан қироатини келтириб-келтириб: «Ўртоқлар! — деб чинқириб юборди. — Биз ҳам ҳукуматимиз чақириқларига «лаббай» билан жавоб бериб, шу кеча-кундуз кўч-кўронимизни орқалашимиз керак! Чўлқуварлик белбоғини маҳкам боғлашимиз шарт! Ахир токай икки тош орасида маданият нима, тараққиёт нима, билмай ўтамиз? Етар! Бу ерда на электр, на газ бор, ҳеч қурса, томига шифер қоқилган уй ҳам йўқ. Ана, мен ўз кўзим билан кўриб келдим. Ўв, мулла Мирза, кўп тиржаяверманг, чин айтаяпман, ўзим гувоҳи бўб келдим, чўл деган жойларга шаҳарнинг бир бўлаги кўчириб келинибди. Тайёр уй-жой, мактаб, магазин, клуб, ҳамма-ҳамма нарса тахт. Ахир ғамхўрлик ҳам шунчалик бўлар-да, устига-устак, ҳукуматимиз тинмай чақириб ётибди. Ўзларинг биласизлар, чақирилган жойдан қолмаслик керак! Хуллас, гап шу, насиб этса, иккиуч кун ичида бу ерга бир карвон юк мошинлари келади. Тараддудни кўраверинглар, сўнг армонда қолиб юрманг. Мен у ёқда ҳамма ишни пишитиб, каттаконлар билан гаплашиб қаерга қўним топишимизгача ҳаллаб келдим...»

Отам чавандознинг саргузаштларини унинг ўзи бор давраларда тез-тез такрорлашни, албатта ҳар гал ўзидан пичапича қўшиб-чатиб, кўпиртириб-кўпиртириб, довдир бўйинсасининг ғашига тегишни хуш кўради. Аммо отам ҳазилҳузул билан қанчалар тўқиб-бичса ҳам бу узунқулоқ ҳангомаларнинг тагида ҳақиқат бор эди.

Сафармурод чавандоз — баланд бўй, қорувли, отда кўп юрганиданми, бутларини кериб, айиқдек лапанглаб одимлайдиган, чўл жазирамасида тоза кўмирдек қоп-қорайиб кетган одам. Тақа мўйлови оғзининг ярмигача қоплаб туради. Бир қарашда кўрс, доғули нусхадек туюлса-да, ўлгудек содда, ювош.

Ҳа, у ўшанда чиндан ҳам чўлга борган. Вилоят марказидаги икки-уч идорага кирган, ҳатто беш-олти мажлисларда чўлқуварлик шижоатига тўла тоғликларнинг вакили сифатида қатнашиб улгурган. Ўша мулла Мирзанинг бедапоясидаги йиғиндан сўнг Сафармурод чавандоз ўз ташвиқотчилик фаолиятини тағин авж олдирган. Э воҳки, ўзининг нене кўзларни куйдирган улоқчи тулпорини қўшкўллик бир тожик чавандозга арзон-гаров сотиб юборган.

«Иби, Сафармуродбой, — дебди ўша харидор. — Бекор қили-иб ётибсиз-ов буни, отнинг уволига қоласиз...»

Сафармурод ака пинагини ҳам бузмаган.

«Сиз ғам чекманг, ошно. Биз энди аспалт йўлда мошин минамиз. Керак бўлса, бир йиллик даромадимга бундай йўрғанинг уч-тўрттасини сотиб оламан».

Чавандоз ўз айтганини қилди. Чўлга кўчиб келишгач, роппа-роса беш йилдан сўнг вилоят марказидаги бир армани устадан хўб бўяб-бежалган «Москвич» автомашинасини сотиб олди.

Мен ўша йили мактабнинг учинчи синфига қатнар эдим. Ўша кезлар посёлкамизнинг ичу ташидаги дов-дарахтлар бўй чўзиб, экинзорлар гуркираб, чўллар чиндан-да бўстонга айланаётганидан дарак бера бошлаган эди. Бироқ бундай боғу бўстонлар, ҳув, катта-катта магазинлардаги маникенларга кийгизиб қўйилган қимматбаҳо кийим-кечаклардек аллақандай бефайз ва омонат кўринади. Эрта баҳордан то кеч кузга довур жазирама уфуриб турганиданми, ишқилиб, посёлкамиз қандайдир сарғиш ғубор ичида қалқиб тургандай туюлади.

Одамлар тоғдагидан баттар уқубатли тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетишган эди. Саҳардан шомгача пахта пайкалларида, бир парча томорқаларида ғимирлаб юришади. Электр чироқларидан чароғон, шаҳар фасонидаги бетон уйлару асфальт йўллар ҳам уларни қутқариб қололмаган эди. Бора-бора ароқхўрлик, қартабозлик чўлқуварларнинг аввал эрмагига, сўнг чинакам маданий ҳаётига айланиб кетди. Ичкиликбозлик бўйича Сафармурод, Улаш акаларнинг олдига тушадигани топилмаган.

Улаш ака ширкат хўжалигининг бош агрономи, бу ҳам етмагандай, бош шоири эди. Бир пайтлар туман газетасида бир неча тўртликлари босилганини демасак, у киши асосан оғзаки ижод билан шуғулланади, шекилли, катта-кичик давраларда ҳар икки гапдан сўнг шеърлар ўқиб, монологлар айтиб, гоҳо олқиш, гоҳо сўкиш эшитиб юрарди. Ҳатто кўпгина тўй-ҳашамларда бошловчилик қилганларига, гапни гапга, шеърни шеърга улаб кўпчиликни лол этганларига ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Унинг тиканакдек, сийрак сочлари, дўнг пешонасию япасқи бурни, ориқ юзини баттар ориқ

кўрсатадиган дўрдоқ лаблари, ҳув, кубалик биродарларни эсга солади.

«Сен асли бўкисчи бўлишинг керак эди», деб қоларди баъзан афсусланиб Сафармурод чавандоз.

Уларнинг тағин бир шишадош оғайниларидан бири посёлка мактабининг директори Қалқонов муаллим эса агрономнинг башараси асл адабиётбоп эканини бот-бот таъкидлаган:

«Улашбой, сочни хўб ўстиринг, тегманг, елкангизга тушсин, сўнг Пушкинникидай ўз-ўзидан жингалак бўлиб кетади».

Улаш акалар билан қўшни яшар эдик. Агроном-шоирнинг хотини Зумрад янга — шўх-шаддод, истараси иссиқ, хушрўйгина аёл эди. Унинг кунаро онам билан гоҳ чақчақлашиб, гоҳ ҳасратлашиб ўтирганларини кўп кўрганман ўша кезлари.

«Ичиб-ичиб ўз бошига ўзи етади бир куни, — дер эди у эридан куйиниб, — Эргаш акамга тайинласангиз, жо-он опа, бир насиҳат қилиб қўйсинлар...»

Онам кула-кула бош ирғарди:

«Акангиз аввал ўзини эплаб олсин...»

Ҳа, отам ҳам эл қатори ичкиликка бесуяк эди. Бироқ кўча-кўйда маст-аласт тентираб юрганини, бировнинг суявида дарвозадан кирганини ҳеч эслаёлмайман. Отамнинг ғалати бир одати бор: тўй-ҳашамларда, улфатчиликларда хўжакўрсинга бир пиёла ароқ ичадию уйга қайтгач, меҳмонхонамизга қамалиб, каму кўстини тўлдиришга киришади. Ёлғиз ўзи бир шиша ароқни «майдалаб» юборарди. Одатда бу зормондадан уч-тўрт қултум ютганларнинг гап халтаси очилиб, эзмалиги тутиб қолади. Отам эса ичган сайин уни ўчиб, хира тортган кўзларини бир нуқтага тиккан кўйи хаёлларга ғарқ бўлади, гоҳ хўрсиниб, гоҳ ихраб узоқ-узоқ ўтириб қолади. Охири, гўё ўкириб юбормоқчидек юз пайлари қимирлаб, бурун катаклари пир-пир уча бошлагач, онам уни оҳиста ётқизиб, апил-тапил кўрпага ўраб ташлайди. Андак ўтмай, кўрпа зилзила тутгандек титрай бошлар, бу отамнинг аввал ўксиб-ўксиб йиғлаб, сўнг хуррак отганча ухлаётганидан дарак берар эди.

Отам ўрта бўй, қотма киши. Асабий қимтилган юз пайлари, бақувват ияклари алланечук сержаҳл, тунд кўрсатса

ҳам, гурунгларга жон киргизишда, ҳазилкашлигу ҳозиржавобликда ундан ўзар топилмайди, ҳойнаҳой.

«Гапларингиз қурсин, — деб нолиб қолади онам баъзан. — Эшитсанг асал ютасан, маънисини чақсанг заҳар қусасан...»

«Қичитқи ўт силлиққина, силаган қўлга хуш ёқади, бироздан сўнг қичитиб зориллатади. Эргашбой, сенинг гапларинг шу алафга ўхшайди», — дер эди Чинор Мойлиев — совхозимиз тарихидаги олтинчи директор. Андак ҳовлиқма, андак паришон, устига-устак, чап оёғи оқсоқ бу одам нечук директорлик курсисини эгаллаганига ҳамма ҳайрону лол эди.

«Шу қурғурнинг амал сотиб оладиган пули бўлса менинг тувакларим аллақачон тилладан ясаларди, — дея кариллаган Сафармурод чавандоз. — Рўзғорини қаранг, рўзғорини...»

Рўзғорига разм солганлар эса баттар таажжубланар эди; торгина ҳовлини булғаб юрган тўрт-беш товуқ, бир бош ювошгина сигир, тўрт-беш очофат эчкидан бошқа унинг пичоққа илашар мулки кўзга ташланмайди.

«Тағин битта фили бор», — деб ҳазиллашар экан отам, Мойлиевнинг бор-будини бармоқ букиб санаётганлар тўдасига дуч келган кезлари. Ҳисобчилар аввалига анграйиб, сўнг нимага шаъма қилинаётганини сезишгач, қаҳ-қаҳ уриб кулишган.

«Майсара янга эшитса, хафа бўлади, — дея юзларига жиддий тус берган олтинчи директорнинг марҳаматидан ҳали умидворлар. — Ундай қалтис гапни қўйинг, Эргашбой...»

Бироқ Майсара янга — Мойлиевнинг филдай ҳайбатли, хартум бурунли хотини эшитади, эшитадию хафа бўлмайди.

«Ҳай, ман филдан ҳам калонман, — дейди асли қўшкўллик тожиклардан бўлган бу аёл мағрур қўл силтаб. — Шунчалар калонманки, бутимга ҳазор Эргашбойларнинг бўйи етмайди...»

Бундай гап қулоғига етгач, отам фил устидан кулагандай гарангсийди, ҳазилкашлигию ҳозиржавоблиги иш бермай қолар эди.

Майсара янга — асли гўзал аёл бўлган! Унинг узунчоқ бурни, йирик-йирик кўзлари, қиялатиб қўндирилган дуррачаси остидан булутдек кўпириб-тошиб турадиган жингалак сочлари чўнг қадди-бастига хўп ярашади. Тайин гапки,

у ёшлик кезлари бундан-да сулув бўлган, тайин гапки, нене йигитлар «Майсара» отини эшитгандаёқ ширин-ширин тамшанганлар.

Мен буни қўй оғзидан чўп олмаган холис бир гувоҳдан эшитганман. Ўшанда далада қолиб кетган пахта хирмонини тун бўйи қўриқлаб, гурунглашиб чиққан эдик.

* * *

«У пайтлар тоғдаги беш-олти овулнинг болалари Қўшкўлдаги мактабга қатнашар эди. Сафармурод, Эргаш, Чинор — уччови бир синфда ўқишган. Ўша — ишқ-муҳаббат дарди қўзғалган кезлар, адашмасам, уч оғайни ботирлар мактабни битириш арафасида эди. Майсара эса саккизинчи синфда. Тик қомат, юзлари нақш олмадай қип-қизил, ўктамгина қиз эди, қурмағур. Овулдан Қўшкўлга етгунча, Қўшкўлдан овулга қайтгунча Сафармурод билан Эргаш Майсарани ўзларича талашиб ёқа бўғишар, бир-бирини дўппослар эди. У пайтлар ҳозирги ёшлардек хат ёзиб, хат олишувлар, овлоқ-овлоқда висоллашувлар қайда?! Ановиларга ўхшаб дўппослашиш — қизларга севги изҳор қилишнинг ёлғиз имкони эди. Кечагидек эсимда, отанг билан Сафармурод бир-бирини ур-калтак қилаётган маҳал Чинор уларнинг мактаб тўрваларини ушлаб, мунғайибгина турарди. У нимжонгина, оқсоқ бола эди... А, лаббай, қандай чўлоқ бўлган, дейсанми? Ҳа-а, нодон, буни сенга тушунтириш қийин... Илгари, тоғ аёллари ўримга чиқишганда болаларини хуржунга солиб, эшакка ортиб олишган. Чинор бечора ҳам шуйтиб майиб бўлиб қолган-да... хуржундалигида чап оёғининг тўпиғи жойидан қўзғолиб кетган. Буни биров сезмаган. Бола чинқириб йиғласа, кинналабди, деб қушноч момога югуришган. Ишқилиб, оёғи шундай қийшиқ битиб кетган. Лекин калласи зўр эди Чинорнинг! Айниқса, арифметикани қотиради. Керак бўлса, муаллимлар ҳам ундан ўрганишади. Тўғри, сенинг отанг ҳам чаккимас эди сабоқлардан. Шунинг учун ҳам иккови яқин орадаги шаҳарлар қолиб, пойтахтдаги ўқишга борган-да. Икковиям унуститутга киришган. Сафармурод эса чаласаводлигича қолиб кетди. Унга от бўлса, бас эди. Ўша мактабни битираётган йилларйёқ кўпкари чопарди, ўша кезлариёқ таниқли чавандоз эди. Шунинг учун

ҳам у тентак, Майсара меники бўлади, деб кариллаб юрган, ишонган-да ўзига! Тағин, Майсаранинг чавандоз акаси билан ошначилиги бор эди. Лекин умидлари чиппакка чиқди. Отанг ҳам армонда қолди. Сафармурод билан Эргаш-ку нари туришсин, Майсара қурғур, кўкрагида ёли бор не-не қўшкўллик йигитларни ҳам доғда қолдириб Чинорни танлади! Кечагидек эсимда, баҳорнинг адоғи эди. Ҳаммаёқ ямяшил, ўт-ўлан тиззага уради, гул-чечакларнинг исидан бош айланади. Ҳатто тош қалаб қурилган, пастаккина мактабнинг ичларида ҳам лолақизғалдоқлар гуркираб ўсиб ётар эди. Катта танаффус пайти ўғил болалар қий-чув билан мактаб ортига ўтишди. Эргашнинг анча-мунча шаштини қайтарган Сафармурод энди бир қўшкўллик полвон билан орани очиш учун муштлашувга шайланган эди. Қизлар анча нарида, жондордан ҳуркқан эчкилардек ғуж бўлиб, ур-қалтак майдонига жонсарак қараб туришибди денг. Қўшкўллик полвон ўртага чиқди. Сафармурод ҳам ўртага чиқди. Унинг мактаб тўрваси, серямоқ чопони ҳамишагидек Чинорнинг паноҳига топширилган. Қўшкўллик полвон Сафармуроднинг қаншарини кўзлаб мушт серпади. Сафармурод чап берди, чап бера-бера рақибининг кирланган ёқасидан илиб олди. Шу пайт қизлар даврасидан Майсара отилиб чиқди. «Ағолар, тўхтанглар!» деб чинқирди у. Сўнг чопиб келиб давра ўртасига суқилиб кирди. Ана ҳусну ана малоҳат! Шу қизни деб ғажишиб ётганлардан ҳеч бири уни ҳали бунчалар қабатидан кўрмаган эди. Ана латофату ана тароват! Майсаранинг ойдек юзларини, олов сачраб тургандай кўзларини эслаганим сайин манови қоронғу кеча ҳам ёришиб кетгандай бўляпти. Эҳ, нимасини сўрайсан, нодон бола?! Хўш-ш... Ҳа... Майсара даврага суқулиб кирди. Бошида ироқи дўппи. Ироқи дўппига тўрт ўрим сочи чанбар этиб ўралган. Эгнида енгэтаклари узун-узун адрас кўйлак, кўйлак устидан бахмал нимча кийган. Пахтали бундай оғир нимчаларни у пайтнинг қизлари кўча-кўйда атай кийишарди. Ҳаё бор эди-да, ҳаё! Кенг кўйлакларни кўтариб турган кўкракларни яшириш учун, сидириб бостириш учун шундай қилишарди-да! Ҳозирги ёшлар эса... ай-ай... иложи бўлса, кўйлакдан тошириб қўйсам, дейди-я?! Хўш... Ҳа... Майсара даврага суқулиб кирди. Катта-катта, қоп-қора кўзларида жиққа-жиққа ёш.

Ҳамма анграйган. Ёқалашаётганлар бир-бирини қўйиб юборишди. Майсара эса... ҳеч кимга қиё боқмай... Чинорга яқин борди! Сафармуроднинг оқсоқ жиловдори қўлидаги ашқолдашқолларни тушириб юборди. Улар бир-бирига тикилдилар. Чинорнинг ҳам кўзларидан олов сачрагандай бўлди. Майсаранинг қароқларида ҳалқа-ҳалқа ёшга қоришиб бир табассум қалқди. «Ағожон, мани айиқларга талатиб қўйманг, раҳмингиз келсин», — деди у. Ана ҳангома, мана ҳангома! Не-не йигитлар қолиб, Майсара Чинорга гап қўшди, оғажон, деди, ундан паноҳ сўради! Шу воқеадан сўнг орадан бир йил ўтиб, Чинор Майсарага совчи қўйди. Энди у аввалги Сафармуроднинг оқсоқ жиловдори эмас, пойтахти азимдаги катта бир институтнинг устуденти эди! Шу сабаб бўлдими, ё Майсаранинг фақат шунга тегаман, эсам ўзимни чўққидан ташлайман, деган ваҳимаси кор қилдими, ишқилиб, совчилар учинчи боришда қуруқ қайтишмади. Бешолти қўшкўллик йигитларнинг ори қўзиб, хийла вақт Чинорга тиш қайраб, бир боплаб калтаклашга бел боғлаб юришди. Охири, ўзи майиб-ку, нима зарил ортиқча тер тўкиб, деган қарорга келишди, шекилли, ҳаммасига қўл силтаб, кўпкариларга овуниб кетишди...»

* * *

Ҳикоят шу нуқтага етган пайт холис гувоҳнинг товуши титраб-титраб кетди ўшанда. Ўшанда тун тоқида тўзғиган танноз юлдузлар сирли-сирли им қоқиб, «бу ҳам талашганлардан», «бу ҳам талашганлардан», дея чақимчилик қилаётгандек эди.

Мен эса ҳеч ким билан талашмай, ҳеч ким билан дўппислашмай ғолибликка эришган Чинор ака ҳақида ўйлар эдим. Унинг дўнг манглайи тарафдан тўкила бошлаган серқазғоқ сочлари, сийрак қошлар остидан синчков боқувчи қўй кўзлари, жиддий қимтилган лаб-даҳанлари кўз ўнгимда лип-лип ўтиб турди. Бу кўримсизгина киши назаримда умри бўйи, билиб-билмай, абгор оммани оловларга ташлаб куйдириб-ёндирар эди. Ўша овлоқ тоғлар қўйнида тузук бир мактаб, тузук бир муаллим кўрмай, ўз бошига билимдон болага айланиб, илк бора куйдирди, тоғнинг сара сулувини «ағожонлатиб», тағин куйдирди, кейинчалик, дабдурустдан директорликка тайин-

ланди-ю, бира тўла лов-лов ёндирди. Бу лов-лов ёнишлар алангаси ўша Чинор аканинг бор-будини бармоқ букиб санаб юрганларнинг юз-кўзларида балқиб турар эди.

«Кўрамиз ҳали, — дея ўзаро шивирлашибди ўша тутаб ётган ҳисобчилар тўдаси. — Йил сўнгида планларни бажаролмай, ўз-ўзидан маймоқ оёғи осмондан бўлади, кўрамиз ҳали...»

Кўрдилар! Кўрдиларки, Чинор Мойлиевнинг оёғи оқсаса-да, иши оқсамади. У директорлик машмашасига йўлиққан йили 41-совхоз бутун вилоятда биринчилардан бўлиб пахта планини тўлдириб ташлади! Бироқ куйиб-ёнганларнинг кўнгли тўлмади, олтинчи оқсоқ директорнинг бор-будини ҳижжалаб санаш учун букилган бармоқлар энди титраб-қақшаб қалам-қоғоз тутди.

«Бу чўлоқ чатоқ чиқди, — дея ўзаро шивирлашибди қопқора кулга айланган бу «мазлумлар тўдаси». — Бунинг бир сеҳргарлиги бор-ов... Давай, Фанлар академиясига хат ёзамиз, бизда руҳлар ила сўзлашувчи бир жодугар бор деймиз, олиб бориб би-ир текширинглар деймиз, текшириб-текшириб ўша ёқларда ноёб нусха сифатида олиб қолсаларинг ҳам майли, деб ёзамиз. Илм йўлида садқаи бир одам, деб ёзамиз...»

Ёздилар! Э, воҳки, Фанлар академиясининг манзилини топишолмагандек, афсус-надоматлар ила сирли мактубни марказдаги текширув органларидан бирига жўнатдилар.

«Ул идораларнинг хизмати шулки, — дея бир-бирининг кўнглини кўтарар эмиш «мазлумлар тўдаси». — Адашган хатларни эга-эгасига топшириб, адолат ўрнатиш... ҳе-ҳе-ҳе...»

Ўшанда хатлар чиндан-да тегишли эгаларини топган шекилли, ёза-ёз заҳматкашларини кўп зориқтирмай, совхоз идораси марказдан келмиш бир гуруҳ пўрим зотлар билан тўлиб кетди. Уларнинг афт-ангорига Фанлар академиясининг нуқси урган бўлса-да, ҳеч бирини сеҳру жоду масаласи қизиқтирмас, идора ҳужжатларию ҳисоб-китоб қоғозларини титкилашдан нари ўтмас эди. Қайтам, кутилмаган ташрифдан Чинор Мойлиевнинг ўзи чинакам жодулангандек лолу ҳайрон қотди. Текшир-текшир, сўра-суриштир нақ бир ҳафтача давом этди ўшанда! Бироқ... Э, воҳки, комиссия мактубдаги қусурларнинг ҳеч бирини тасдиқламаган, қайтам, директор ғўрлигига борибми, ё камтарлигиданми, ҳисо-

ботларда кўрсатмаган талай ютуқларга эътибор беришган! Мазлум тўданинг эса на бошқа куйиб-ёнишга, на бошқа шивирлашишга ҳоллари қолибди. Шу сабаб, вақтни бой бермай, мулла мирзаларга кўнгиллари тўлмай, тўппа-тўғри Ғуломхон эшонга юкиниб боришган, ўзларига дам урдириб, оғизларига туфлатиб қайтишган экан. Сўнг ҳеч нима кўрмагандай идора томон чопқиллашиб, панада қолган ютуқлар учун тафтишчилар томонидан олқишланган Мойлиевнинг қўлларини қисиб қутлашган эмиш.

Ўшанда Чинор ака тафтишчилар босқинидан омон-эсон қутулган бўлса-да, ғаламислик хатини кимлар ёзганини билолмай анча пайт гарангсиб юрди.

— Абдулла аканинг қилмиши бу, — деганди отам марказликлардан қолган-қутганини еб-ичиб ўтиришган ўша оқшом. — Башарасидан билиниб турибди.

Абдулла аканинг башараси эса туппа-тузук эди. Соч-соқолини ҳамиша тап-тақир қиртириб, айвони кенг шляпасини кўзларигача бостириб кийиб юрадиган, биққа семиз, тунд-бадқовоқ бу кимса, олди-қочди кинолардаги гангстерларни эслатади. Бироқ, Абдулла ака бор-йўғи бешинчи бригадага бошлиқ эди. Бригадасида эса тўрт азамат, ўзига ўхшаш камгап, камсуқум ўғилларидан ўзга ишламас, тўғрироғи, бадқовоқ бригадир бошқаларни яқин йўлатмайди. Улар асли кўркам бир шаҳарчадан чўл қувлаб келиб қолганлардан, мулла Мирзанинг ибораси билан айтганда «эни бошқа» эди. Абдулла ака хонадонидаги аллақандай шаҳарнамо турмуш тарзи, тилларидаги чучук-чучук талаффуз ана шу бегоналикдан дарак беради. Бой-бадавлат эди Абдулла ака! Қўра-қўра қўй, моллари семириб ётарди. Уй-жойи ташдан кўримсизгина, ичдан данғиллама. Ўша пайтлар унча-мунчанинг тушига ҳам кирмаган видео-аудио жиҳозлар ана шу хонадондан топиларди. Абдулла ака ҳар икки йилда яп-янги машина минар, ҳали оҳори тўкилмаган эскиси бирор-бир пешонаси чарақлаганга арзон-гаров сотиб юборилар эди.

«Хўб, зерикарли нусха-да, — деб нолийди Улаш шоир баъзан бош оғриқни босишга пул тополмай қақшаб турган кезлари. — Ароқ ичмайди, тутун ютмайди, улфатлашиб даврада ўтирмайди... Эй, ўргилдим бойваччалигидан...»

Қаттиқ бош оғриғида айтилганига қарамай, агроном-шоирнинг таърифи рост. Абдулла ака, ҳатто тўй-ҳашамларда

ҳам узоқ ўтириб қолмай, тўёнани топширадию илож топса дарвоза ёнидан қайтади.

«Бу шаҳарлик буқа, — дея кариллаб қолган эди Сафармурод чавандоз кимнингдир тўйида. — Биз билан бирга ўтиришдан ҳазар қилади-ёв... Қўйворинглар мени... би-ир йўғон бўйнини қайириб қўяй...»

Хайрият, ўшанда теваракдагилар шоша-пиша унинг йўғон билакларини қайириб, бир чеккага тортишган, қишлоқдаги яккаю ягона, (отсиз бўлса-да) чавандозни бир балога йўликувдан асраб қолишган эди.

Абдулла акадан кўпчилик ҳайиқар эди. Ҳатто Сафармурод ака ўша тўйда мастликдан алжираб юборган бўлса-да, кўча-кўйда «шаҳарлик буқа»нинг кўзидан панароқ юришга уринади. Бироқ Абдулла ака ҳеч қачон ҳеч кимнинг бурнини қонатмаган, ҳатто овоз чиқариб ҳақоратламаган. Ҳамма унинг сирлиликка бурканган турқу тароватидан, юриш-туришидан қўрқади, қўрққанидан ҳурмат қилади.

Ўша тафтишчилар жўнатиб юборилган, улардан қолган-қутганни еб-ичиб ўтиришган, отам ўз гумонини билдирган оқшом Чинор ака қатъий бош чайқади.

— Бекорларни айтибсан, — деди у сипқориб юборилган бир пиёла ароқ устидан қарсиллатиб олма чайнаб. — Абдулла ака тоза одам, бундай ғаламисликларга аралашмайди...

Чинор ака босқинни даф этган саркардадек оқсоқ оёғини бир ёнга узатганча талтайиб ўтирар, семира бошлаган юзларида мамнунлик, масрурлик балқиб турар эди.

* * *

Директорликка тайинланган йили пахта режасини дўндириб, номи шов-шувларга кўмилган кезлари ҳам Чинор ака бунчалар қувонмаган эди. Қайтам бугун кўрсатган фокусмокуси эртага фош бўлишидан қўрққан кўзбўямачидек ҳорғин ва ўйчан қиёфада Сафармурод чавандоз ҳамроҳлигида бизникига келди. Тўғрироғи, бу икковлон «кунда-шунда»лардан бўлса-да, отам шонли ғалабани ювиш учун ўша кун уларни атай таклиф этган, астойдил дастурхон тузаб, куйдир-пиширга зўр берган эди.

— Бола-чақалар қани? — деб сўради отам ҳовликиб, меҳмонлар дарвозадан кирар-кирмас.

Чинор ака орқасига нописанд имо қилиб қўйди.

Чиндан-да улардан ўн-ўн беш қадам орқада Майсара янга беш яшар ўғилчасини етаклаб, чавандознинг хотини Тошбиби билан ивирсиб келишар эди.

Тошбиби чеча аллақандай бўшанг, хаёлчан аёл. Лекин биз болалар уни жуда ёқтирар эдик. У ҳар хил эртак-чўпчаклар айтиб оғзимизни очириб ташлайди, гоҳо турлик топишмоғу жумбоқлари билан бошимизни хўб қотиради.

«Бу аёл аёлмас, сирли китоб, — деб ҳазил қилади отам. — Сафармуродга тераклилик Али мерган томондан нозил қилинган...»

Узунқулоқ гапларга қараганда, бир пайтлар Сафармурод чавандоз — чақмоқдай бўз йигит, қай гўрдаги кўпкаридан қайта туриб, Теракли қишлоғига етган маҳал кеч кириб қолибди. Бу навқирон чавандозни яхши танийдиган Али мерган уни тунаб кетиш учун уйига таклиф этибди. Ўша тун тузуккина зиёфатдан сўнг Али мерган меҳмон зерикиб қолмасин, деб токчадаги ёстиқдай-ёстиқдай эски арабча имлода битилган китоблардан бирини қўлга олибди. Буни қарангки, Али мерган дуппа-дуруст мулла Али ҳам экан! У алламаҳалгача Сафармурод чавандозга «Жангнома» қиссаларидан ўқиб берибди. Қай бир сарғайган саҳифанинг сатрлари чаплашиб кетган экан, шекилли, бир пайт кекса китобхоннинг кўзлари ожизлик қилибми, ўқишга анча-мунча қийналиб қолибди. Шу орада меҳмонхонанинг печига ўт ёқиш учун кириб келган Али мерганнинг бўй етган кенжа қизи жонга аро кирган эмиш!

«Тошби, қизим, манови бетни ўзинг ўқиб бер, ҳеч кўзим ўтмаяпти», дея зорланибди ота.

Тошбиби қўлидаги тарашаларни печ ёнига қўйиб, қисиниб-қимтинибгина ўтирганларга яқин келибди. Қимтина-қимтина қирқинчи чироқ ёруғига китобни тутиб, ўша ёзуви ола-чалпоқ саҳифани шаррос ўқиб берибди.

Сафармурод чавандоз — чақмоқдек бўз йигит, ёнбош узалган жойида анграйиб қолган эмиш! Чироқ шуъласида порлабгина турган бир жуфт қора кўз, зулукдек қошлар, нақш олмадек юзлар хаёлини ўғрилабди унинг! Қурғур, кенжа қизнинг хушрўйлиги етмагандай, эскича ёзувларни-да ўқийдиган отинлигини айтмайсизми?! Хуллас, ўша тун печга олов

ёққали кирган тортинчоқ сулув чавандознинг юрагига ўт қўйиб кетган экан!

Сафармурод чавандоз — чақмоқдек бўз йигит, шу-шу Али мерганникига ҳар хил баҳоналар билан тез-тез қўниб ўтадиган, кекса китобхонни қўярда-қўймай, айнан ўша «Жангнома»ни ўқитадиган бўлиб қолибди. Ахир, айнан ўша китобнинг айнан ўша сарғайган саҳифаси очилган пайт меҳмоннинг иззати учун мулла Али ноилож отин қизини чақиртиб ўқитаркан-да! Толлилик чавандоз эса китобхонлик баҳона, кенжа сулув қизга ошиқона-ошиқона термулиб олар экан!

Китобсевар чавандознинг маврид-бемаврид ташрифларидан безиллаб қолган Али мерган кунлардан бир куни ўша «Жангнома»ни Сафармуроднинг қўлига тутқазибди:

«Полвон, — дебди қария жилмайиб. — Шу китоб сизга хўб ёқиб қолди. Олинг, бу сизга... Толлингиздаги мулла Абдуғофур бовага ўқитибгина-а юрасиз...»

Сафармурод чавандоз қуллуқ устига қуллуқлар қилиб, ёстиқдай китобни қўлтиқлаб қишлоғига қайтибди. Бир неча кундан сўнг тераклилик Али мерганнинг бўсағасида мулла Абдуғофур бобо ва чавандознинг отаси пайдо бўлибди!

«Мерган, — дебди мулла бобо меҳмондорчилик анча қизиган пайт. — Сиз бериб юборган китобнинг икки-уч варағига ҳеч тишим ўтмади. Сафармурод чавандоз ўқиб берасан, деб тоза гаранг қиляпти. Ана шу бадхат бетни ўқий оладиган бир отин қизингиз бор, деб эшитдик. Шу... шу оқила қизингизга совчи бўп келдик... Эсам, чавандоздан икковимиз ҳам қутулолмаймиз...»

Али мерган қувнаб-қувнаб кулибди! Кулиб-кулиб совчиларга розилик берибди...

Ўша Али мерганнинг ўша отинойи қизи, Сафармурод чавандознинг хаёлпараст хотини Тошбиби чеча ўша куни Майсара янгам иккиси алланелар ҳақида баралла суҳбатлашиб келишар эди.

Мен Майсара янгамни кўргандаёқ паналаб қолдим ўшанда. Кўпчиган хамирдек юзларида қувноқ бир ифода аримайдиган бу хотиндан ўлардек уялардим-да. У уйимизга келган кезлари баъзан мени семиз чангалига липпа илиб олардию «вой, домодимдан айланай...» дея бағрига тортади. Мен эса

унинг қучоғида, катта-катта сийналари орасида, алланечук хушбўйлардан дамим қайтиб, типирчилай бошлайман.

«Сизга куёв бўламан деб айт, кейин қўйиб юбораман», дейди Майсара янга баттар қийнаб.

Онам имо-ишоралар билан нима деб жавоб беришимни тушунтиради. Шундагина қайсарларча қичқираман: «Қизингиз йўқ-ку!..»

«Ҳай-ҳай, — дея бўш келмайди Майсара янга. — Сиз шошмай туринг, домод, туғиб бераман ҳали...»

Мен ёлғондакам йиғлашга тушаман. Охири, ҳайбатли қучоқлар бўшашадию мен пайтдан фойдаланиб ура қочаман.

«Қочиб қутулмайсиз, барибир, куёв», — дея қичқириб қолади Майсара янга изимдан кула-кула.

Ўша ғалабани ювиш учун уч дўст, агроном-шоирнинг таърифича, «Учлар иттифоқи» йиғилган кун ҳовлимиз чинакам тантанали тус олган эди.

— Ҳой, меҳмонлар ичкарига тортингизлар, — онамнинг қийин-қистовига қарамай янгамлар ўчоқ бошида ўзаро чувчувлашганча куймаланиб қолишди. Эркаклар эса ортиқча такаллуфларсиз меҳмонхонага доришди.

Сафармурод чавандоз кўрпачага ўтирар-ўтирмас узалиб дастурхон ўртасидаги бўйни узун шишани қўлга олди. Гўё бундай антиқа идишни умрида кўрмагандай, сиртидаги ёрлиқ қоғозга ўзича синчиклаб-синчиклаб тикилиб, «бемаза нарса экан, дарров бошини олиш керак бунинг» дея ғудранди. Ниҳоят бир пайтлар «шаҳарлик буқа»нинг йўғон бўйнини кўзлаган қўллари билан шишанинг ингичка бўйнидан тутиб, шартта қопқоғини юлқиб, ичидаги суюқликдан уч пиёлага тўлатиб-тўлатиб қуйди.

— Бу... планларни тўлдириб ҳам чиройинг очилмади-очилмади-да, тинчликми, ишқилиб? — сўради отам директордан.

— Эргаш, — деди Чинор ака ҳам ўйдан, ҳам ичкиликдан пешоналари тиришиб. — Шўрлаб кетаяпмиз... чўл қаршилик кўрсатаяпти... тағин, уч-тўрт йилдан сўнг ҳосил олиш нари турсин, уруғ ҳам унмай қолади...

— Қўявер... Келгуси йил планни бажармасанг, кўп бўлса директорликдан олишар... Очингдан ўлмассан...

— Йўқ... йўқ... — дея Чинор ака гапни бўлишга уринди. — Болалар-чи, болалар...

Улар шу алфозда бири қўйиб-бири олиб, баъзан талашиб-тортишиб, баъзан бир-бирини қўллаб-қувватлаб Сув, Тупроқ, Иқлим ҳақида, семиз китобларнинг иси келадиган уч-қуйруқсиз гурунгга шўнғиб кетишди.

Ўшанда мен гоҳ чой ташиб, гоҳо ивирсиб кетган дастурхонни эпақайлаб меҳмонхонада куймаланиб юрар эдим. Сафармурод ака эса «шаҳар кўрган», «катта мактаблар тупроғини ялаган» икки дўстининг гап-сўзларига анграйиб туратура, охири, зерикишдан мудрай бошлади.

— Ўв, чала олимнинг боласи, — дея ёнига имлади мени у. — Бери келинг-чи...

У отамни «чала олим» деб атар эди. Отам чавандознинг, ҳув, агитаторлик қисмати тўғрисида лоф-қоф урган давраларда бу киши ҳам қасос иштиёқида мулла Мирза айтгандай, «пластинка» қўйиб қолади.

«Бизнинг Толли овулимиз, — кариллаб жўнайди Сафармурод ака қарши ҳужумга ўтаркан. — Бир пайтлар би-ир кўкайини кўтариб қолганди-да. Асл жигитимиз шаҳри азимда ўқияпти, деб ёшу қари кўринганга мақтаниб юрарди. Биз чавандозлар ардона қолгандик, чаласавод, ёввойи деб ит ҳам, бит ҳам бир чўқилаб ўтарди. Бизнинг овул... анови.. — чавандоз довдирлигидан керакли сўзни тополмай, чайналиб-чайналиб қолади. — Анови.. бизнинг овул... дуняда бир жигитдан бўлак жигит...»

Даврадагилар сезардики, «пластинка» бир чизиқда қайта-қайта айланиб қоляпти.

«Жигит ўқишни битқазиб қайтдими», дея аллаким керакли луқмани оғзига солиб чавандозни йўрғалатиб юборарди.

«Э-э... ўқиш қаёқда?! Ўша жигит — бизнинг Эргашбой икки йилда шумрайиб қайтиб келди. Нима бўпти, денг... — Сафармурод ака шу нуқтага етганда, бир яйраб қийқириб олади. — Нима бўпти, денг... Буларнинг бир домилласи, бир устудент қизни анови... ҳа, отинг қурғур... Анови... ўқийдиган жойда са-ал... сийпалаб турган экан, бу ишни бизнинг Эргашбой кўриб қопти! Бор-йўғи — шу! Бу... ўша устудент қиз билан Эргашбойимиз тушмагур ҳалиги... суюшган эканми, ишқилиб... толлилик жигитга воқеа оғир ботибди. Ҳе йўқ, бе йўқ, дарров кўч-кўронини кўтарибди, бундай ҳаром

мактабни елкамнинг чуқури кўрсин, дебди. Чинор бечораям чўлоқ ҳолига боқмай вокзалгача тиркашиб келибди, қайт, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйма, дебди. Лекин Эргашбойимизда келиб-келиб ўша пайт тоға феъли қўзган экан... қурғурнинг тоғалари шундай қашқатаёқ ўр-да! Ўқишни ташлаб Эргашбой қишлоққа қайтибди... — Сафармурод ака шу нуқтага етганда даврадагилар аллақачонлар кула-кула юмалаб ётган бўлади, чавандоз ўз ҳикоясининг таъсиридан мамнун тин олгач, рақибининг шахсан ўзига танбеҳ бера кетади. — ...Ўв, ўрнинг жияни-я, ай-ай, хом калла-я... Нима ишинг бор бировларнинг суйкалишиб тургани билан?! Сени Толли эли минг умид билан ўқишга юборганди, устудент қизларнинг киндигидан пастини қўриқлагани эмас...» — Даврадагиларнинг қаҳқаҳаю ваҳ-ваҳаларига Сафармурод аканинг танбеҳлари кўмилиб кетади.

Бир куни мулла Мирзаникида аллақандай маросим баҳона йиғилганларни шу кулдириб ётган чавандозни Улаш агроном-шоир секин енгидан тортиб ўзига қаратган. «Чала олимни бопладим, эзиб, ер қилдим», дегандай мағрур илжайиб турган Сафармурод ака, агроном-шоирнинг ҳамма қатори қорин ушлаб қаҳ-қаҳ урмаётганидан ҳайрон.

«Турқингиз қурсин-э, чавандоз, — дебди Улаш ака хафа бўлгандай. — Одамлар нега кулаётганини биласизми ўзи? Сиз рақибингизни ерга урмадингиз, қайтам кўкка кўтардингиз! Сиз уни бир соатдан бери мақтаб ётибсиз! Одамлар шунинг учун куляпти. Сизнинг устингиздан қаҳ-қаҳ ураяпти...»

Сафармурод ака мулзам тортиб, шоирга жонсарак тикилган: «Энди нима қилай?» «Нега сўлжаясиз, чавандоз, — деган агроном-шоир илжайиб. — Буниси ярамайди, бошқа «пластинка» топинг... »

Йўқ, Сафармурод чавандоз барибир бошқа «пластинка» топишга қурби етмай, отамни «чала олим» дея ўзича боплашдан нарига ўтолмади. Лекин ҳангомаларида жон бор эди унинг!

Бошқалар оғзидан чиққан миш-мишлар ҳам отамнинг ҳамма талабалар ҳурмат қиладиган, «улуғ олим» деб эъзозлайдиган бир профессорнинг ножўя қилмишидан таъсирланиб ўқишни ташлаб келганини тасдиқлар эди.

«Энг ишонган профессоримизнинг аҳволи шу бўлса, бошқалар қандай экан... » деб кўрган-кечирганларини дўсти Чинорга, қишлоқ хўжалиги институтининг студентига оқизмай-томизмай айтиб берибди.

«Энди бу аудиторияда ўтиролмайман, кетаман қишлоққа», дея чамадонни қўлга олибди сўнг.

Неча-неча дўсту ёронларнинг, ҳатто айрим ўқитувчиларнинг «қол» дея берган насиҳатлари беҳуда кетибди, беҳуда.

Шундай қилиб, отам университетнинг тарих факультетида бор-йўғи икки йилча таҳсил кўриб, оқибат Сафармурод аканинг «чала олим» деган «диплом»ини қўлга киритган экан.

Ўшанда дастурхон устида сочилган нон ушоқларию ғажилган суякларни териб олаётганимда Сафармурод ака имлаб чақиришга ҳам қаноатланмай енгимдан тортди.

— Қани... қани... —ғудранганича қабатига ўтирғизди у. — Ўқишлар қандай, ўқишлар? Зўрми... ай, яшшанг... бу...бу, — чавандоз ёлғондакам хавотир билан атрофга аланглаб, киндигимдан пастга қўл юборди. — Булбул қандай, булбул... ай-ай... типирчиламанг-да, ай, тўхтанг... а, бу бошқа гап... Туфу, тиришиб қопти-ку... бу бечораниям қуйруқ билан мойлаб-мойлаб қўйинг-да... ай-ай, ана сўнгра байтал тепсаям майишмайдиган бўлади...

Мен уяту аччиқдан бўғриққанча чавандознинг чангалидан қутулиш учун уннардим. Ўшанда ногоҳ бўсағада кўринган Улаш шоир ва Қалқонов муаллимнинг тиржайган башаралари жонга оро кирди.

— Ассалому алай-кў-ў-ўм, — деди агроном-шоир чўзиб-чўзиб, ивирсиб ўтирганларнинг эътиборини қаратиш учун. — Учлар иттифоқи жам-ку, а?..

Учлар иттифоқи истамайгина ғимирлаб, ис чиққан жойни топиб келганларни қарши олди. Отам ва директор дўсти қизғин баҳснинг бели чиққанидан оғринган, Сафармурод ака эса зерикарли, «ғалдир-ғулдир» якун топганидан енгил тортган эди.

— Ўв, чала олимнинг боласи, — деди у меҳмонлар учун тағин бир чойнак чой кўтариб кирганимда. — Текширувдан ўтдингиз, булбул бинойигина, — чавандоз кўз қисиб, бош бармоғини ҳавода нуқиди. — Ана энди отангиз ҳар нарсани валдираб юрмай, зўр бир от олиб берсин! Ҳувв, Ғуломжон

эшоннинг ўғли Ҳужжатуллохон икковингизга чавандозликни ўргатаман. Хўп? Ай, яшшанг...

Ўшанда отам ёлғон ҳайрат тўла кўзларини пирпиратиб ўз маслаҳатидан ўзи мамнун илжаяётган чавандозга бош-адоқ тикилган, кейин келган меҳмонлар эса қувноқ қийқириб кулишган, Чинор ака манглайини тириштириб, шўр босган далани кузатаётгандай менга паришон термулиб қолган эди.

* * *

Ўша паришон, маъюс кўзлар тафтишчилар тинкасини қуритиб кетган дастурхон атрофида, совхоз идорасининг махсус меҳмонхонасида ўзгача, шўхчан порлади. Масрур ва мамнун қиёфадаги оқсоқ директор ароқ сипқориб, совуб қолган сарқит ошдан иштаҳа билан қошиқлаб-қошиқлаб оғзига тиқди.

Ўшанда мен бизникидан келиб қолган идиш-товоқларни йиғиштириб кетиш учун чекка стулларнинг бирида бетоқат ўтирар эдим.

Идоранинг махсус меҳмонхонаси ивирсиб, тўзғиб кетган. Кенг-мўлгина хонанинг ўртасига қатор қўйилган уч-тўрт стол устига тўшалган оппоқ дастурхон томган-тўкилган егулик-ичкиликлар касридан доғ-дуғ шимиб ётибди. Стол-стулларнинг остига сочилиб кетган попирос қолдиқлари, ғижим-ғижим қоғоз парчалари, бўм-бўш шишалар кўнгилларни беҳузур қилади. Бу ерда ўша «Учлар иттифоқи» тўрт-беш кун тилларини танглайларида тўнғитган тафтиш тафсилотларини муҳокама қилиб ўтирибди.

— Абдуллани мунча мақтаб юбординг, — деди отам стул суянчиғини синдириб юборгудек тарзда ўзини орқага ташлаб, гугурт чўпи билан тишларини ковлар экан. — Барибир унинг эни бошқа, ишониш қийин.

— Бандит у, бандит, — отамни қўллаб-қувватлади стулни «от қилиб» миниб олган Сафармурод чавандоз.

Чинор ака бепарво овқат чайнашда давом этди:

— Эргаш, бировларни «эни бошқа» деб аташ сенга ярашмайди. Бундай иғво гапларни иккинчи эшитмайин... Абдулла ака бошқаларни билмадиму, лекин сени қаттиқ ҳурмат қилади...

— Ай, калла, — деб гапга чил солди чавандоз. — Чала олимлик ҳангомасидан икки оғизгина айтиб берганингда, ана сўнгра кўрардинг ҳурматни...

— Яхшиям эсга солдинг, Сафар, — деди Чинор ака. — У сенинг бу пластинкангни минг марта эшитган экан, шу ҳангомалар чинми, деб сўради. Мен ҳа, чин, дедим... Кейин, биласанми у нима деди, Сафар?

Чавандоз тақа мўйловларини учириб илжайди:

— Хўш... хўш-хўш...

Чинор ака яхна чойдан ҳўплаб-ҳўплаб, атай жавобни чўзди. Чавандоз эса мириқиб бир қаҳ-қаҳ уришга шайланган кўйи унинг оғзига тикилган.

— Хуллас, — деди Чинор ака бепарвогина, — Абдулла ака қойил қолиб, агар чин бўлса, бутун одам экан Эргашбой, деб айтди.

Аллақачон кулгуга лиммо-лим тўлган чавандознинг кўзлари ғилай тортиб кетди

— Нима?! — дея чинқирди у, гўё ўз қулоғига ҳақорат эшитгандай. — Ай, энағар-ей, ай... шаҳарлик буқа-ей...

Чинор ака дўстининг саросимасидан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Отам эса ўзини бепарво кўрсатишга уриниб, ҳамон тиш ковлаб ўтирар, бироқ юз-кўзидан «эни бошқа» одамнинг эътирофидан мамнунлиги сезилиб турар эди.

— Йўқ... барибир, — деди Сафармурод ака, ниҳоят саросимадан чиқиш чорасини топиб. — У шаҳарлик буқа Эргаш билан ҳам бир дастурхонда ўтирмайди, писанд қилмайдида...

Чинор ака норизо бош чайқади:

— Абдулла ака ароқ ичиладиган жойга яқин бормайди, сен айтгандай, ҳазар қилади.

— Ай... нозидан ўргулдим, — дея тўнғиллади чавандоз, ўша тунд одамга тағин қандай таъна-дашномлар ёғдиришини билмай. — Ҳазар қилармиш... Нима, мулла ё эшонми у... Ана, ўзимизнинг мулла Мирза ис чиққан жойдан қолмайди-ку... ишқилиб... биз билан ҳам ёнма-ён ўтираверади, керак бўлса... андак қистасак, озгина-озгина олишдан ҳам қайтмайди...

Ўшанда чавандоз аламидан қақшаб мулланинг таърифини келтириб турган бир пайт, гўё эртаклардаги сеҳрли кўзачадан чиқиб қолган жиндай, эшик ёнида мулла Мирзанинг ўзи пайдо бўлди!

Ихчам ўралган кўкиш салла, кенг-мўл сурп кўйлаги устидан кийилган ҳаворанг яктак, белида салқигина осилиб турган гулдор қийиқ унинг чаққонгина бўйи-бастига яраша-ган. Мулла Мирза етмиш ёшлардан ошган бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимас, гоҳ томорқасида, гоҳ мол-ҳол изидан дала-даштда куймаланиб юрар, устига-устак, идора қоровуллигини ҳам дўндирар эди. Серажин ялпоқ юз, калта бурун, сийрак, кўса соқолли бу қария ёшлик чоғлари бир авлиёнамо эшоннинг эшигида хизмат қилиб юриб, оз-моз савод орттирган. «Ҳафтияк», «Чор китоб»ни ўқиб туширган, эшоннинг вафотидан сўнг уйига қайтгач, бошқа тирикчилик ташвишларига кўмилиб, ўзи тинмай таъкидлаганидай, илмнинг изига тушолмай қолган экан! Бироқ савод орттириб қайтгандан бери элу улус уни муллалик мақомида тутар, тўю маъракаларда тўрга ўтқазиб, ҳурматини жойига қўяр эди. Афсуски, шунча иззат-икромга қарамай, Мулла Мирза рўзғордан тузук ялчимаган, биринчи хотини бир этак болачақани қолдириб қазо қилгач, у қайта уйланган, э, воҳки, икки қизу бир ўғил туғиб берган бу ғариба аёл ҳам узоқ яшамаган, фарзандлари эса не сабабдандир ноаҳил, ўзаро жанжалу гина-кудуратларга кўмилган эди. Мулла Мирзанинг бахтига кенжа ўғил мўмин-қобилгина бўлиб, ота ўшаникида истиқомат қилади, ҳамон нафи тегса тегади-ю, бироқ зарари тегмайди.

Сафармурод ака алам-изтиробда қоврилиб, бош чангаллаб ўтирган пайт қария ҳамишагидек мол-ҳолларни даштдан ҳайдаб келиб, кўра-кўрасига жойлаб, идора қоровуллигини ўташ учун, ўз ибораси билан айтганда, давлатнинг чойчақасини ҳалоллаш учун етиб келган эди.

Унга кўзи тушди-ю, қарияни ўз «улфатига айлантириб» ётган чавандознинг саси чиқмай қолди.

— Э-э, келинг мулла бова, келинг, — дея ўтирганлар қариянинг ҳурмати учун жойларида ғимирлай бошладилар.

Мулла Мирза ҳеч кимни безовта қилмаслик ниятида чаққонгина чопқиллаб келиб, ҳамма билан галма-гал қўл олиб саломлашиб чиқди.

— Оми-ин, — деди у бўш стуллардан бирига омонатгина ўтириб. — Худойим иқболларингизни баланд қилсин, уй-рўзғорингиз тинч, хотиржам бўлсин!

Ўтирганлар қўлларини юзларига енгилгина теккизиб олдилар. Сўнг бирин-кетин қариядан, гоҳ қария улардан ҳолаҳвол сўрай кетишди.

— Ия-ия, — деди мулла Мирза бир пайт менга синчковсинчков тикилиб. — Бу жиян кимлардан... кейинги тўл болаларни таниёлмай қоляпман, соб бўляпман-ов...

Ивирсиб, ичкиликбозлик қилишиб ётганидан қария олдида ҳамон хижолат чекиб турган Чинор ака «Эргашнинг запчаси», деб минғиллади.

Мулла Мирза киргандан бери ўртага чўккан ўнғайсизликни ҳазил-мутойиба билан сидириб ташлашга қасд қилди, шекилли, Сафармурод ака:

— Мулла бова, бизнинг куёв-почча қалай? — деб сўради тагдор қилиб.

Унинг шамасини ўтирганлар дарров англашиб енгилгина ҳиринглашиб олдилар.

— Зўр, чавандоз, зўр! — деди мулла Мирза сийрак соқолларини сийпалаб. — Юрибди ҳанграб-ҳанграб...

Сафармурод ака «куёв-почча» деб ардоқлаётган жонзот қариянинг бақувват, чиройли ҳангиси эди. У бир пайтлар пайкал этагида сузилибгина турган Сафармурод аканинг мода эшагига кўзи тушиб, қулоқлари, бурун катаклари пир-пир учганча ҳанграб юборган, сўнг устидаги мулла Мирзанинг неварасини итқитиб, ўша томон йўртган, пахта пайкалида куймаланиб юрган чавандоз тупроққа қоришиб қолган боланинг айюҳаннос солиб йиғлашини эшитгану ҳаллослаб югуриб келган, бироқ у етиб келгунча, боланинг ҳоли забунини сўраб-суриштиргунча у ёқда чинакам ишқ ўйини авжига чиққан экан.

«Ўлай агар, умримда бундай чиройли томоша кўрмагандим, — дея бир даврада соддалик билан ўзини кулгуга қўйган чавандоз. — Жониворларнинг ҳирқирашиб, тепиб-тишлашиб қўшилишганини кўп учратганман, лекин... буниси бошқача бўлди-да... иккови жим-жим искашди, пича-пича суйкалишди, ҳатто шалпангқулоқларига ўзларича алланималарни шивирлашди, ана сўнгра... яхшиям анграйиб қолганим, эсам, жаҳл устида уларни ажратиб юбориб кўп уволга қоларканман, ана сўнгра...»

Ана сўнгра, вақт-соати етиб, Сафармурод чавандознинг мол-мулки тағин битта чиройликкина куррачага бойиди. Шу-

шу мулла Мирзанинг ҳангисини кўрганда, «куёв-почча», деб ҳазиллашиб юрадиган, жонивор ҳам илтифотларни англаб етгандай, чавандознинг оғили ёнида тез-тез савлат кўрсатадиган одат чиқарган эди.

Ўша оқшом ўша тўзғин дастурхон атрофида чавандоз зўрма-зўракилик билан бошлаган «куёв-почча» ҳангомаси ҳам мулла Мирза кириб келгандан бери ўртада пайдо бўлган ўнғайсизликни ҳайдаб аритолмади.

— Мулла бова, тоғу тошда нима гаплар экан? — дея сўради отам, ниҳоят, қарияга маъқул мавзу топганидан ўзи қувониб.

Мулла Мирза бу ердан икки юз чақиримча олисда қолиб кетган ўша тоғу тошларни ҳануз қўмсаб юрганлардан эди. У қишлоқдаги бир неча қари-қартанг йиғилган жойда дарров ота юрт ҳақида гап бошлар, алланечук соғинч, алланечук илҳақликдан юраклари ҳилвираб турган кексаларнинг кўзларига ёш қуйилиб келар, «ай, аттанг, не куңларга қолдик-а?» дея ўзаро ҳасратлаша кетишар эди.

Отамнинг сўрови мулла Мирзани маъюс-маъюс ўйларга толдирди:

— Э-э, Эргашбой, нимасини сўрайсиз... ҳозир овулларимиз ўрнида қўшкўлликлар мол-ҳолларини боқиб юришибди... Эсиз... эсиз... не-не боғлар бор эди-я, не-не булоқларни ташлаб келдик-а?! Ҳали буларнинг уволи тутмаса, деб қўрқаман, Эргашбой...

— Энди... — деб чайналди Чинор ака. — Ҳукуматнинг сиёсати шундай бўлди-да, мулла бова...Эсам...

— Қўйинглар-э, — дея Мойлиевнинг гапини бўлди мулла Мирза. — Ичи бузилганга арпа уни баҳона бўлмасин-да... Ана, қўшкўлликлар кўчмади-ку, нима, ҳукуматнинг сиёсати уларга сиёсат эмасми? Йў-ў-ўқ, жигитлар, ўзимиз айнидик, ёнбошлабгина еб ётамиз, деган хом хаёлга бордик. Мана... бу ерлар ҳам шўрлаб кетаяпти. Ҳали худо билади, кўч-кўронимизни орқалаб, тағин қайга йўрғалаймиз...

— Сафарни яна бир ҳайиқтириб юборамиз, ўзи жой топиб келади, — деди отам илжайиб.

Чавандоз кўзларини бир ўқрайтиб, беихтиёр дастурхон устидаги шишага қўл узатди, бироқ дарров эс-ҳуши жойига келди, шекилли, узалган панжалари билан дастурхонни чертиб ўйноқлаб қолди.

— Ҳа-ҳа, — деди у минғиллаб. — Шўр деганлари чатоқ экан...

— Айтганча, — деди Чинор ака негадир менга тикилиб. — Ҳалиги тафтишчилардан бир хушхабар эшитдим. Олимлар шўрни буткул ювиб юборадиган дори ўйлаб топишибди, тез орада ишлаб чиқарармиш. — Оқсоқ директорнинг кўзида алланечук ишонч, алланечук қувонч порлаб кетди.

— Ҳим... — отам истеҳзо билан лаб жийирди. — Энди ўша дорининг балосидан қутилолмай гаранг бўлар эканмиз-да...

Шу чоғ бўсағада тафтишчиларни катта йўлгача кузатиб қайтган Файзулла аканинг қораси кўринди.

Новча бўй, оқ-сариқ чеҳрасидан енгил бир табассум ҳеч аримайдиган, кўзлари ҳуркак, лаблари юпқа бу одам хўжаликнинг бош ҳисобчиси ва ... ўша Абдулла бадқовоқнинг акаси эди. Бироқ шундай салобатли амалига қарамай, юриш-туришидан алланечук хокисорлик, мулойимлик ёғилиб турар, давраларга ипакдек эшилиб суқилар, муллага мулла, фосиққа фосиқ бўлиб кўринар, хуллас, отам айтгандай, «размерсиз пайпоқ»қа ўхшар эди. Файзулла ака узоқ йиллардан бери бош ҳисобчилик вазифасини қўлдан бермайди, ҳаммабоп феъл-атвори боисми, ишқилиб, ҳеч бир янги раҳбар уни алмаштиришни истамайди.

Бош ҳисобчи бизга қўшни эди.

«Ҳамсоялардан хўб ёлчиганмиз-да, — деб ҳазиллашади баъзан отам. — Ўнг ёнда бош буғалтер, чапимизда бош агроном! Икковлашиб мендай оддий бир миробни ҳали директорликка кўтариб юборишса-я?!»

Файзулла акалар оиласи ҳавас қилгулик эди. Онам айтгандай, «яхши жойлардан ато этган» уч нафар қизи ўз-ўзларидан тинчиб кетишган, Ўроқ исмли ўғли катта бир шаҳарнинг катта бир институтида ўқийди. Тағин бир ўғли Ашур эса... Сафармурод аканинг ибораси билан таърифлаганда, «совхозимиз ор-номуси» эди! Ўсиқ-қуюқ сочлари, митти, ўйноқи кўзлари, чайир-чаққон гавдаси, урушқоқ, чапани феълидан дарак бериб турувчи бу азамат тўй-томошаларда кураш тушар, ҳатто ўзидан вазни хийла оғир унча-мунча атоқли полвонларни ҳам алланечук усулларга солиб, чалпак қилиб урар, ишқилиб, чавандознинг юксак эътирофини юз фоиз оқлар эди. Мактаб жамоаси, қишлоқдаги бир неча бе-

зори болалар қатори уни ҳам саккизинчи синфни битиргач, авраб-алдаб туман марказидаги ҳунар-техника билим юртига жўнатиб аранг қутулишган. Аммо Ашур туман марказида ҳам тинч юрмас, текканга тегиниб, тегмаганга кесак отиб, жанжал-муштлашувлардан боши чиқмайди.

«Шу болангиз одам бўлади, — деб қолади Сафармурод ака баъзан бош ҳисобчини учратиб қолган кезлари. — Чавандозлик шашти бор-а, чавандозлик, афсус... оти йўқ-да, энди ўзингиз би-ир ғайрат қилсангиз...»

Бундай мақта-мақталар Файзулла акага хуш ёқар, бироқ ўғлининг юриш-туриши баъзан хавотир уйғотар, баъзан эса... ўзидек ювош, ҳуркак бир буғалтернинг шундай дали-ғули, чапдаст, полвон боласи борлигидан ич-ичида фахр-ифтихор ҳислари қўзғолар эди. Ана шу яширин фахрдан, кўча-кўйдагиларнинг мақтов-олқишларидан топилган ҳузур-ҳаловат, охир-оқибат ғолиб келди. Файзулла ака Ашурнинг тўс-тўполонларига, киши билмас панжа орасидан кўз ташлар, пулдан қисмас, ҳар нарсада кўнглига қарар бўлди.

Аммо бош ҳисобчининг катта институтда ўқийдиган ўғли Ўроқ кўп жиҳатдан отасига тортган. Писмиқларча ювош қайтиб юришлари, хушбичим оқ-сариқ юзлари, алланечук назокатли кулишлари қишлоғимиздаги неча-неча қизларнинг эс-ҳушини ўғирлаган эди. Айниқса, у ўша институтга илашиб, икки-уч ойдаёқ олифтагарчиликнинг барча ҳадисларини ўзлаштириб қишлоққа, қисқагина таътилга келган кезлари олис-яқиндаги қизларнинг интиқ нигоҳларига, сирли-сирли мактубларига кўмилиб кетди. Ўроқ Қалқонов муаллимнинг тўққизинчи синфда ўқийдиган қизи — Шабнам билангина хат ёзишар эди. Мен уларнинг почтачиси эдим. Баъзи кунлар бундан унга, ундан бунга беш-олти марталаб мактуб олиб боришга тўғри келса-да, сира эринмасдим, қайтам, Ўроқдай машҳур «акахон»га сирдош эканлигимдан қувониб, ҳеч бир чарчаш билмай, чопқиллаб кетаверардим. Ўроқдан унча-мунча даражаси паст «акахон»ларга хизмат қиладиган дўстларим — Сафармурод чавандознинг ўғли Тўлқин, Чинор аканинг ўғли Дурбеклар менга ғайирлик билан қарашар, бироқ бундай адоватлар умум ишимиз — сирли хатларни овлоқ-овлоқда очиб, ҳеч вақони тушунмасак-да, ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқиб чиқишга ҳеч бир тўсиқ бўлолмас эди.

Ўша оқшом тўзғин меҳмонхонанинг тўзғин дастурхони атрофида бизникидан келиб қолган идиш-товоқларни йиғиштириб кетиш учун отамнинг имосига илҳақ ўтираркан-ман, уйимиз ёнида дўстларим кутиб турганидан, биргалашиб, «ҳалигидақа» бир хатни обдан ўқиб чиқиб, сўнг Тўлқиннинг «акахон»ларидан бирига етказиб беришимиз кераклигидан бетоқатланар эдим.

Файзулла ака хонага кириб келган маҳал шивирладим: «Ота, мен кетавера-ай».

Отам мени эндигина кўриб қолгандай, юзимга бир зум чимрилганча тикилиб турди-да, бош ирғаб розилик берди. Аммо шу орада мулла Мирза билан қуюқ сўрашиб бўлган, юз-кўзларида қандайдир мамнунлик балқиган Файзулла ака қулоғимдан тортиб тўхтатди. Тўхтатдию костюми чўнтакларини узоқ кавлаштириб, жилд қоғози ғалати-ғалати, шапалоқдек шоколадни топиб, қўлимга тутқазди.

— Оббо, буғалтер бова, — деди Сафармурод ака. — Отлиққа йўқ ноёб нарсаларни топасиз, а?!

— Тафтишчилардан ўмарган буни, — деб кулди Чинор ака.

— Бизнинг қўшни Хизр кўрганлардан, — дея илжайди отам. — Оладию олдирмайди.

Мулла Мирза ҳам кўпдан кам бўлмай, мақтовни ошириб-тоширди:

— Файзуллабойнинг ўзи ширин, турмуши ширин, топганиям ширин бўлади-да, ахир...

Ўшанда масрур қиёфада менга жилмайганча тикилиб турган Файзулла акани ўтирганлар бири қўйиб, бири олиб мақтовларга кўмиб ташларкан, бу юввош, хокисор бош ҳисобчининг бошига не бир савдолар тушишини ҳали ҳеч кимса билмас эди...

II

Бешинчи синфни битириб балога қолдим. Ҳаммаси ўша хайрлашув соатидан бошланди. Ўқув йили бошида не-не миннату иддаолар билан тарқатилган, ҳилвирабгина қолган дарслик китобларни биз болалар қий-чув, ур-тўполон оғушида кутубхонага қайта топшириб бўлган ҳам эдикки, уч-тўрт юқори синф ўқувчилари ғўддайганча мактаб йўлагига деворий газета осиб кетишди. Ҳаммамиз ўша ёққа югурдик.

— «Сўнгги қўнғироқ», — дея кимдир деворий газета номини тутила-тутила ўқиди.

Деворий газета ўртасига аллақандай журналдан қирқиб олинган катта бир рангли сурат уқувсизларча ёпиштирилган бўлиб, тевараги ҳар хил табриклару олқишлар, шиорлару шеърлар билан беҳафсала тўлдирилган экан. Биз болалар қирқма суратга анграйиб қолдик. Суратда чип-чиройли кийимлардаги оппоқ, озода биз тенги ўқувчилар муаллимларини ўртага олиб туришар, устозлари ҳам ширин табассум билан уларга бағир очиб ўтирар, гўё «таътил пайти сизларни соғинаман, болалар, сизлар-чи», деяётгандек туюлар эди.

— Шаҳарликларга маза-да! — деди Тўлқин суқ тўла кўзларини суратдан узмай.

Шу пайт мактаб йўлагини синф раҳбаримизнинг ҳайқириғи тўлдириб юборди:

— Ўв... бешинчи синф! Нега у ерда ёпишиб қолдиларинг?! Қани, синфга марш! Мен ҳозир кираман, хайрлашув соати ўтказамиз!

Биз қийқирғу талатўп билан ўзимизни синфхонага урдик. Бироқ «ҳозир кираман» деган Али муаллимдан тағин роса ярим соатча дарак бўлмади. Ниҳоят унинг қоп-қора, дум-думалоқ башараси эшикдан кўринганда синфхона қуюқ чанг-ғуборга бурканган эди. Дафтар варақларидан ясалган «қирувчи самолётлар» ҳар тарафда сочилиб ётар, кимнингдир кўрсатган каратэ усулларининг дастидан муаллим столи майишиб турарди.

Али муаллим бундай аянчли манзарани умрида илк бор кўраётгандай кўзларини олайтиб, гўштдор бурнини шишириб ўшқира кетди:

— Бу нима ола-тасир?! Бу қандай ваҳшийлик?! Ким айтади сенларни бешинчи синфни битириб ақлига ақл, эсига эс қўшилган, деб? Эй, ўргилдим безрайиб туришларингдан! Ахир, уч ой ўтар-ўтмас шу синфхонага ўзларинг қайтиб келасанлар-ку, қирилиб йўқ бўлиб кетмайсанлар-ку, ҳайвонлар!

Биз ўтирган жойимизга қапишганча, «пир» этиб учишга шай ҳуркак қушчалардек сергак тортиб турардик. Синф раҳбаримизнинг ўктам овози ҳалигина қий-чувимиздан зириллаган бетон деворларни баттар зириллатар, қуюқ чанг-ғуборни баттар қуюқлаштирар эди.

Хайрлашув соати тугаб, шоша-пиша ўзимизни эшикка урганимизда Али муаллимнинг ҳайқириғи мени қувиб етди:

— Дўланов, Самад! Сен, шошма!

Мен болаларнинг итар-итаридан аллақачон йўлакка чиқиб бўлгандим. Али муаллимнинг ўзи бостириб ёнимга келди.

— Юр, — деди у ўқитувчилар хонаси томон бошлаб, — ўша ерда гаплашамиз...

Ўқитувчилар хонаси кенг-мўлгина эди. Ярми оқ, ярми кўк рангга бўялган девор бўйлаб қатор тизилган стол-стул устида синф журналлари, китоб-дафтарлар, чойнак-пиёлалар тўзғиб ётибди, хона тўридаги бурчакни эгаллаган сарғиш тус, ойнабанд жавон аллақандай қоғоз уюмларидан майишибгина қолган. Офтобдан ранги униққан пардалари суриб қўйилган, ланг очиқ дераза ёнида икки ўқитувчи аёл бир-бирига ияк тирагудек ўтириб, ўзаро суҳбатлашар, улардан андак берида уч нафар муаллим зўр бериб қарта ўйнашар эди.

— Мана, бизнинг Дўланип! — деди синф раҳбаримиз эшикдан кирар-кирмас, гўё жиноятчини тутиб келган изкувардек тантанавор оҳангда. — Бешинчи синфни фақат «беш» билан битқазди!

— Йўғ-е, — деди қартабозлардан бири ясама ҳайрат билан мени бош-оёқ кузатиб. Қолганлар ҳам андак таажжуб, андак лоқайдлик билан Али муаллимнинг «Дўланип»ига тикилишди.

— Ювиш керак-да, — деб луқма ташлади қартани қайта чийлаётган сап-сариқ, бурни узун муаллим.

— Ана, эшитдингизми, Дўланип? — деди синф раҳбаримиз, ниҳоят, юки енгиллашган ҳаммолдай қад ростлаб. — Устозлар сўзини эшитдингиз, а? Энди бу ёққа юринг...

Али муаллим тағин мени эргаштириб йўлакка чиқди.

— Гап бундай, Самадбой, — деди у атрофга ўзича бир аланглаб қўйиб. — Айтилган сўз, отилган ўқ. Шавла кетса-кетсин, обрў кетмасин. А, тўғрими?

Мен беш синфни битириб, эс-ақлим ногоҳ тўлиб тошганиданми, ишқилиб, алланимабалоларни ғира-шира англаб, шоша-пиша бош ирғадим.

— А, бу бошқа гап!— деди Али муаллим елкамга қоқиб. — Ҳозир уйга ғизилланг... Онангизга айтинг, тўрт-беш кишилик овқатча тайёрлаб жўнатсин, хўп?! Бир соатга қолмай етиб ке-

линг, хўп? Мен очимдан ўлаётганим йўқ, сизнинг, Эргаш акамнинг обрўсини ўйлаяпман. Худди шундай тушунтиринг онангизга ҳам, хўп?! А, яшшанг! Чопинг энди, Самадбой!

Мен алланечук енгил тортиб ташқарига йўналдим. Аммо уч-тўрт қадам қўймасимдан Али муаллим тағин тўхтатди.

— Шошманг, Самадбой! — деди у яна ёнимга келиб. — Эртага сиз ҳашарга келиб юрманг. Аълочилар каникулда мириқиб дам олишлари керак. Бу ёғини болаларнинг ўзлари эплаштиради. Хўп?! Ана, энди югуринг!

Югурдим! Синф раҳбаримизнинг «сиз-сиз»лаб, яқин дўстига инжикқандай сирли имо-ишора қилишлари кўнглимни тоғдай кўтариб юборди.

Мен билан катталардан фақатгина Ўроқ шундай сирли-сирли гаплашар, ўша олис шаҳардан келган кезлари дарров кўз қисиб, пана-пасқамга чорлар эди.

Ўроқ... негадир алланечук нохуш бир ҳис ич-ичимдан силқиб чиқди, унинг отасиникидек оқ-сарғиш, ювош қиёфасини эсладиму ногоҳ Файзулла ака бор бўйи-басти билан кўз ўнгимдан «лип» этиб ўтди, беихтиёр, тўрт-беш кун аввалги унинг ғалати ташрифи хаёлимда жонланди...

Кечки пайт қўшнимиз Файзулла ака бизникига шалви-рабгина кириб келди.

— Эргашбой, ҳов, Эргашбой, — деб овоз берди у дарвоза ёнида бир зум тараддудланиб.

Биз ҳовли четидаги темир чорпояда қур бўлиб ўтирганча кечки хўрак билан андармон эдик. Қўшнининг қораси кўриндию онам ва опам ўринларидан туриб, ошхона томон кетишди.

— Келинг, ҳамсоя, келинг, — деди отам ёнбош ётган жойидан қад ростлаб, сўнг мулозамат юзасидан ўрнидан тура бошлади.

Бу орада анча яқин келиб қолган Файзулла ака:

— Э, овора бўлманг, ҳамсоя, ишдан чарчаб келгансиз, — дея отамга қўл чўзди.

Улар кўришишди.

Мен чорпоя ёнида минғиллаганча ҳоли-жонимга қўймай чақиб қочаётган чивинлар билан олишиб ётардим.

— Буғалтер бовангнинг ёнига ёстиқ келтириб қўй, улим, — деб буюрди отам.

Мен ичкари уй томон чопқилладим.

Ҳув, ўша тафтишчилар кекириб кетишган куни Файзулла ака сийлаган шоколаднинг тоти ҳамон оғзимдан кетмаган эди. Ўшандан бери бу мулойимгина қўшнимизни қаттиқ ҳурматлаб, кўча-кўйда кўриниб қолса саломни қуюқ қилиб, гўё Қорбобони учратиб қолгандай, тағин чўнтакларини ковлаштирармикан, деган илинжда илжайиб тураман.

Мен ичкари уйдаги тахмондан бир жуфт ёстиқни қўлтиқлаб, шоша-пиша чиққанимда онам дастурхонга меҳмон учун қанд-курс қўйиб улгурган эди. Қўшнимиз мулозаматлардан хижолатланиб:

— Оббо-о, ташвишланманг келин, ҳеч нарса керакмас, — дея бош чайқади.

— Кейинги пайтлар кўп кўринмай қолдингиз, буғалтер бова, — деди отам қўшнига чой қуйиб узатаркан.

— Э-э, — дея қўл силтади Файзулла ака.— Давлатнинг ишини биласиз-ку, Эргашбой... Биз ҳам эл қатори эртаю кеч идорада.

Улар яна бир зум жим қолишди.

— Бир маслаҳатли иш чиқиб қолди, — деди Файзулла ака паст овозда.

Отам андак сергакланиб сўради:

— Тинчликми, ишқилиб?

— Тинчликку-я... — деди қўшни чайналиб, ўз саросимасини яшириш учун босиб-босиб чой ҳўпларкан.— Ўроқбойимиз бир ошносидан хат бериб юборибди...

— Қанақа хат?

— Укангиз, қурғур, уйланаётганмиш...

— Уйланса яхши-да, — деб кулди отам. — Тўй қиламиз, ароқ ичамиз... Хосият янгам икковингиз келин излаш сарсончилигидан қутулибсизлар...

Ошхонада ўзича тимирскиланиб турган онам, «уйланиш», «тўй» сўзлари қулоғига чалинди, шекилли, суҳбатга қизиқиши ортиб чойни янгилаш баҳонасида чорпояга яқин келди.

— Ҳали янгангиз... у ёқда, — дея қўшни ўз уйи ёққа ияк билан ишора қилди. — Соч юлиб, қайғуриб ётибди...

— Ия? Нега? — ўсмоқчилади отам.

Файзулла ака лаб буриб, елка учирди:

— Хотинларни биласиз-ку... минг бир хонадонга қиз излаб, совчи бўлиб кириб чиқмагунича кўнгли тинчимайди.

Қандай мегажин илашиб қолди экан болам бечорага, деб ғам чекиб ётибди-да...

Қоронғулик қуюқлашиб, кўк тоқидаги юлдузлар милт-милт жимирлай бошлаган бўлса-да ҳаво ҳамон дим, кундузги жазираманинг тафти ҳали қайтмаган эди. Чивинлар минғиллаганча юз-кўзларга аёвсиз ёпишади.

Мен ҳам тинимсиз қашланиб чорпоянинг бир четида оёқ осилтириб ўтирибман. Онам ёнимда тик қотган кўйи рўмолининг учини ўйнаб турибди.

— Хатда тағин нималар ёзибди Ўроқбой? —деб сўради отам чивин чақиб қочган яланғоч билакларини қашлаб.

— Шу якшанба етиб келинг, ресторанда кичикроқ тўй ўтказиб, келин олиб кетамиз, деб ёзибди... Бошқа ҳеч нарса маълуммас... Қудалар ким... Келин ким... Ўзининг ўқишлари нима бўлди... Бу ҳақда ҳеч нарса ёзмаган...

— «Ота салом, пул тамом» қабилидаги хатлардан экан-да, — деб тағин ҳазилга бурди отам кулиб.

Гапга онам аралашди.

— Вой, — деди у отамга ўпка-гинали қараб. — Ҳазилмазах қилавермай, сал мундай бош қотиринг сиз ҳам... Одамлар жўяли маслаҳат сўраб ўтирибди.

Файзулла ака онам томон миннатдорона кўз қирини ташлаб қўйди.

— Бизнинг маслаҳат ойдай ойдин, — деди отам, — бугалтер бова Хосият янгамни ёнларига олиб шаҳарга боришсин. Нима гаплигини аниқ билишсин...

— Энди... — деб Файзулла ака яна чайналди. — Сиз ҳам борсангиз яхши бўларди-да, Эргашбой... Ишқилиб, шаҳар кўрган, оқ-қорани ажратадиган одамсиз... Йўқ, деманг, ука...

Отам тағин ўйланиб қолди...

Мен ўша оқшомги Файзулла аканинг ғалати ташрифини, отам икковининг алланечук хуфияли гап-сўзларини эсларканман, беш синфни битириб эс-ақлим тўлишиб қолганиданми, ишқилиб, ўша сирли суҳбатнинг мағзини ўзимча чақишга уриниб борар эдим. Бироқ ҳеч бир тайинли хулосага келолмай хунобим ошар, гўё ёнма-ён боришаётгандай, гоҳ Файзулла аканинг ташвишли қиёфаси, гоҳ отамнинг, гоҳ Ўроқнинг илжайган афт-ангори кўз ўнгимда жонланади. Ўша оқшомги суҳбатдаги «келин», «тўй» деган сўзлар қуло-

ғим остида қайта-қайта жаранглагандек бўлиб, негадир уялибгина қўлимдан Ўроқнинг хатини олаётган Шабнамни эслайман. Ўша «келин», «тўй» деган узун-юлуқ сўзлар ичичимда ёқимли бир ҳис, қувонч қўзғайди.

Мен тийиқсиз ўй-хаёллардanми, ё куннинг жазирамасиданми, бўғриқиб уйга етиб келганимни сезмай қолдим. Дарвозамиз ёнидаги гужум дарахти соясида тупроққа беланиб, ўзича уйлар қуриб ўйнаб ўтирган сингилчам мени кўрди-ю, «Ама... телди... ама телди!» деди кўзлари қувонч билан порлаб. Мен унинг вижир-вижирларидан уйга кимдир келганини дарров англадим. Ҳайҳот, беш синфни битириб тўлишган эсақлим бу гал панд бермаган эди! Узоқ бир чўл посёлкасида яшовчи катта аммам даҳлизимизда онам билан чой ичиб суҳбатлашиб ўтирган экан. Эзма, йиғлоқи бу аммам, тўғриси, менга унчалик ёқмайди. Ҳар гал учрашганимизда отамнинг эрта етим қолганию катта ўқишдан ҳайдалганини, икки нафар укамнинг гўдаклигидаёқ нобуд бўлганини такрорлаб-такрорлаб кўз ёшлар қилар, «иним бечора куйганидан ичади-да, келинжон, уни эҳтиёт қилинг», деб тинмай тайинлаб минғирлар эди.

Аммо бу гал ҳеч бир гина-кудуратларга қарамай бешинчи синфни аъло баҳолар билан битирганим, муаллимимизнинг мени яқин олиб инжиқланганлари, «тўй», «келин» деган сирли сўзлар хаёлимда айқаш-уйқаш бўлиб, алланечук қувонч ҳисларига чулғаниб, ҳатто саломлашишни ҳам унутганча ўзимни аммамнинг бағрига отдим.

— Во-ой, инижонимнинг арзандасидан, во-ой, ширингина жиянимдан, — дея аммам мени қучоқларига олиб, юзкўзларимдан чўлп-чўлп ўпа кетди.

— Салом қани, ҳой, овсар, салом... — дея такрор-такрор эслатишга уринди онам, кира солиб аммамга ташланган чоғимдан бери.

Аммам эса эътирозларга эътибор бермай, ҳамон мени силаб-сийпалаб алқайди:

— Бўйгинасидан, жингалак сочларидан... Катта йигит бўляпсизми, Самаджон? Нега бизникига бормай қўйдингиз, ўлай? Ё, бечора аммадан хафамисиз?

Мен, ниҳоят қандайдир ўт-ўланларнинг иси ўрнашган кенг-узун кўйлакнинг этакларидан узоқлашиб, чўк тушиб ўтирдим.

— Бугун бешинчи синфни битирдик! — дедим пайт пойлаб. — Ҳамма дарсдан «беш» олдим...

— Во-ой, ўлай,... во-ой, билағонимдан, — дея аммам тағин алқашга зўр берди.— Отажони билағонда бунинг...: Беш синфни битирдим дедингизми, Самаджон?..

Бир пайт аммам мақтов бисоти тугаб битгандай бир зум саси ўчиб, қат-қат ажинли манглайини тириштириб, серпай бармоқларини гоҳ букиб, гоҳ ёйиб алланималарнидир ҳисоблашга тушиб кетди.

— Самаджон ўн бирга тўлибди-я?— деди у, онамга саволчан тикилиб.

Чойнак қопқоғини ўйнаб, бизни ним табассум билан кузатиб турган онам тасдиқлаб бош ирғади.

— Ана, кўрдингизми...— дея аммам яна қайта менга юзланди. Унинг ҳалигина алқашлардан ял-ял порлаган кўзларига жиддий бир ифода қалқиб чиқди. — Элимизда, ўнга кирдинг— сонга кирдинг, деган гап бор, ўлай, сиз беш синфни битирдингиз, ўн бирга кирдингиз... Энди гўдак бола эмассиз, ўлай... Энди отажонингизнинг қабатида катта ёрдамчи бўлинг, ўлай, ҳар хил бемаза қилиқларни ташланг. эртаю кеч ўйинга овуниб, сандроқлаб юрманг...

Аммамнинг эзма насиҳатлари таъбимни тиррик қилди.

«Аллақачондан бери ёрдамчиман-ку ... —дея ўйладим аччиқ аламдан бўғриқиб. қаршимдаги кампирнинг қовун қоқидек тиришган юзларига норизо тикилганча. — Уй ишларига кўмаклашсам, қўй-қўзиларни боқсам... Яна нима керак ўзи?!»

— Сиздай болалар илгари катта-катта рўзғорларни боқарди, ўлай... Худога шукр, сизларнинг бошингизда отажонингиз бор, онажонингиз бор...

Аммам яна ҳамишагидек кўзимга ёмон кўриниб кетди. Адолатсиз насиҳатларга ортиқ чидаёлмай, нажот сўрагандек онамга термулдим. Бироқ онам ҳам ўйчан бош ирғаб эзма гапларни маъқуллаб ўтирибди.

— Эна, — дея пичирладим аммам чой ҳўплашга андармон бўлганидан фойдаланиб. — Али муаллим овқат тайинлаб юборди.

— Нима?! — дея чимрилди онам. — Қанақа овқат?

Мен бўлиб ўтган ҳангомаларни шоша-пиша, онамни эритиш осон кечиши учун баъзи ўринларини ошириб, баъзиларини яшириб айтиб бердим.

— Дарров рози бўлгансан-да, а?! — деди онам менга таъна билан хўмрайиб. — Эс-ақлинг қаерда қолди, болам? Ахир, нима пиширибберай ўша очофатларга?!

Бизни сийрак киприкли кўзларини пирпиратиб синчков-синчков кузатиб турган аммам жонга оро кирди.

— Ай, келинжон, бир амаллаб тўртта картишкани жиз-биз қилиб бера қолинг. Болажонингизнинг, инижонимнинг бош-кўзидан садақа... Эринманг, келин...

Онам минғирлаб ўрнидан қўзғалди. Мен яна кўзимга бинойидек кўрина бошлаган аммамга миннатдорона илжайиб қарадим.

— Ҳали отажонингиз келса, — деди аммам ҳам мулойим жилмайиб, — беш синфни битирганингизни айтиб суюнчи олинг, хўп?

Мен маъқуллаб бош ирғадим. Бош ирғарканман отамнинг алланечук истеҳзога чулғанган юз-кўзлари бир қур хаёлимдан «лип» этиб ўтди.

Ўша оқшом қўшнимиз хуфияли суҳбат қуриб кетгандан сўнг орадан икки кун ўтиб, отам ҳамроҳлигида Файзулла ака ва Хосият хола олис сафарга отланишди. Отамнинг йўл тараддуди силлиққина битди. У бу шаҳри азимга ҳар куни қатнаб тургандай хотиржам ва бепарво соқол қиртишлади, ювиниб-артинди, сўнг тўй-ҳашамлар учун атайин асраб юрадиган оппоқ кўйлагини, қизғиш шимини кийди-кўйди. Аммо ҳамроҳлари хийла ташвишга йўлиқишди: Файзулла ака гоҳ отамдан, гоҳ бошқа бир кўча кўргандан маслаҳат сўраб-сўраб, охири, куннинг жазирамасига қарамай, алланечук хира товланувчи жигарранг костюм-шим кийиб, аллақачонлар урфдан қолган, тугуни йўғон галстук тақиб олди. Хосият хола эса уйи тўридаги бўғчасидан олис ва серҳашам шаҳарнинг дидига мос либос топгунча минг бир куйиниб, минг бир қарғанди, не-не кўзларни ўйнатувчи, не-не қимматбаҳо кийимлари гоҳ эрининг бир зардали кўз ташлашидан, гоҳ маслаҳатгўй аёлларнинг киноялилаб жийиришидан йўққа чиқар эди. Охири, жўнашга атиги бир чойгум чой қайнагулик вақт қолганда бир қарорга келинди: Хосият хола енги калта ҳарир кўйлак, тўпиққа етиб-етмайдиган лозим кийди, бошига омонатгина дуррача қўндирди. Лекин гўё бировнинг либосини ўғирлаб кийгандай то жўнаб кет-

гунларича ҳовлидан чиқмай биқиниб ўтирди. Файзулла ака эса костюм-шими ярашиқсиз шалвираб, сомондан бўшаган қопдай осилиб турганини сезмай, ўз уст-бошидан кўнгли тўлиб, кўча-кўйда кезиниб турди. Уларнинг ясан-тусанидан хабар топганлар, «оҳо-о, ўзларингиз келин-куёв бўлиб кетибсизлар-ку», дея ҳиринг-ҳиринг кулишди.

Ўша куни кечга яқин кетарманларни туман марказидаги поезд станциясига етказиб қўйиш учун Абдулла аканинг яп-янги «Жигули» автоулови дарвоза ёнига келиб тўхтади.

«Тезроқ бўлинглар», деб ғудранди семиз, тақир бошидаги шляпасини кўзигача бостириб олган Абдулла бадқовоқ отам билан енгилгина саломлашаркан.

Кутилмаган бу сафар сир тутилиб, ими-жимида амалга ошаётган бўлса-да, кўча-кўй аллақачон синчков нигоҳли анграйганлар билан гавжумлашиб улгурган эди. Ниҳоят, «Жигули» эшиклари тарс-турс ёпилиб, зардали-зардали қўзғалди. Изидан қуюқ чанг-тўзон ва... миш-миш, шивир-шивир кўтарилди. Чанг-тўзон дим, иссиқ ҳавода бир зум муаллақ тургач, тарқаб битди, аммо миш-мишлар қуюни эса бутун қишлоқ бўйлаб тарқалди.

Эмишки, Файзулла аканинг арзандаси Ўроқ шаҳарлик катта бир амалдорнинг қизини алдаб йўлдан урибди, энди, ё шу қизга уйланармиш, ё қамалармиш... Эмишки, Ўроқнинг институтда ўқиши ёлғон экан, у бир идорада ишлаб юриб, шу ердаги уч эрга тегиб , уч марта ажрашган бир танноз жувон билан севишиб қолибди... Энди ўша маъшуқа аёл, ё менга уйланасан, ё сени ҳам, ўзимни ҳам ўлдираман, деган эмиш...

Бу миш-мишларнинг елвизаги аммамга ҳам тегиб ўтган, шекилли, ёнбошидаги ёстиқларга таяна-таяна:

— Отажонингиз ҳам сарсон бўлди, — деди ўйчан бош тебратиб. — Бемаза бола ота-онани ана шундай оёғидан қаритади-да, ўлай... Илоё, инижонимнинг бахтига сизлар қобилгина фарзанд бўлиб ўсингизлар, ўлай. Ана, Ойсулув аммамизнинг улини қаранг... Уларни танийсиз, а, Самаджон? У ҳам мактабда сиздай аъло ўқиган. Ҳозир катта шоир, газета-журнал ёзади.

Мен узоқ бир туман марказида яшовчи отамнинг Ойсулув аммасини танирдиму бироқ унинг ўқимишли ўғлини ҳеч эслаёлмасдим. Шунинг учун ҳам мужмал елка учириб қўйишдан нари ўтмадим.

— Ай, сиз гўдак-да, — деб давом этди аммам. — Кўрган бўлсангиз ҳам танимайсиз, Шунқорбойни... У ҳам ўша олис шаҳарда ўқиди, иши ҳам ўша ёқда...

Шу пайт ошхона томондан онам овоз берди:

— Сама-а-ад! Ҳув, Самад!

Мен овқат тайёр бўлганидан, аммамнинг эзмаликларидан қутулганимдан қувониб ошхона ёққа ошиқдим.

* * *

Эртаси куни Али муаллим айтгандек мириқиб дам олиш учун уйдан чиқмадим. Мен билан бошлашиб ҳашарга бориш ниятида келган Тўлқин ва Дурбек мақтанишларимни анқайганча эшитишди-ю, бироқ ўйлаганимдек ҳасаду ҳавасдан соч юлиб қолишмади, қайтам, мендан қутулиб қувонишгандек, чув-чувлашиб мактаб томон югургилаб кетишди.

Мен аранг тушгача чидадим. Охири, ичим қизиб, ўлгудек зерикиб мактабга отланиб қолдим. «Қани, бир кўриб қўяй-чи қолоқларни, — дея ўйладим ўз-ўзимни алдаб. — Синфни қандай ясатишибди...»

Кун иссиқ. Кўча бўм-бўш. Том бўғотларида биқиниб олган мусичаларнинг ҳорғин ку-кулаши, олис-олисларда ишлаб ётган трактор нинг кучаниб тириллаши вужудларда аллақандай мудроқ, ланжлик қўзғайди.

Бир пайт кўчамизнинг нари бошида, шағал ётқизилиб, чала-чулпа асфальтланган йўл бўйлаб енгил машиналарнинг кичик бир карвони кўринди. Энг олдинда қизил-кўк, сариқ лентала р билан безатилган оппоқ «Волга», изидан икки «Жигули» ва бир «Москвич» гоҳ тезлашиб, гоҳ оқсаб-оқсаб, ўзун-қисқа сигналлар чалиб келишар эди.

«Келин келяпти!» — хаёлимга лоп этиб урилган ўйдан юрагим ҳаприқиб кетди.

Машиналар шовқин-сурон, чанг-тўзон билан Файзулла аканинг дарвозаси ёнига тизилибгина тўхташди. Эшиклари бирин-кетин, шарақлаб-тарақлаб очилди. Энг биринчи бўлиб, «Москвич» машинасидан дадам, изидан Файзулла ака ва Хосият хола тушди. Ҳаял ўтмай, машиналар тевараги узоқ-яқиндан етиб келган хотин-халаж, бола-чақалар билан гавжумлашиб кетди. Бу орада қолган машиналардан ҳам меҳ-

монлар чувалашиб туша бошлашди. Аммо «Волга»дагилар иссиқдан бўғриқиб кетган бўлишса-да, ҳануз сиру синоатга чулғаниб жилмай ўтиришар эди.

Биз — бир тўп болалар гоҳ у машинанинг, гоҳ бу машинанинг биқинида уймаланиб чувуллашар эдик. Мен негадир ўз-ўзимдан қувонардим. «Келин келди! Тўй бўлади, тўй!» Шу орада «Жигули»ларнинг биридан сидрилиб чиққан пўрим уст-бошли уч йигит, қўлларига созу чилдирмаларини олиб, оз-моз тараддуд кўришгач, тиринг-тиринг мусиқа чалиб ашула бошлаб қолишди:

«Тўйлар мубора-а-к! Эй, ёру жонла-а-ар!»

Худди шуни кутиб туришган, шекилли, «Волга»дагилар жонланиб қолишди. Аввал олифтанамо бир йигит, изидан, оппоқ кўйлак устидан қора костюм кийган, сочлари ҳафсала билан таралган Ўроқ тушди. У кўз ости билан теваракка бир қараб олиб, оппоқ ҳарирга ўралган келиннинг оппоқ, лўппи қўлларидан оҳиста тутиб, машинадан тушишига кўмаклашган бўлди.

«Тўйлар мубора-а-ак! Эй, ёру жонла-ар!»

Келин-куёв ўзларига тегишли меҳмонлар қуршовида жамики тадориклар кўрилган Файзулла ака хонадонига оёқ босишди.

Жазирама тобора зўраяр эди. Гўё тиккага келган қуёш ҳам келин-куёвларга анқайиб қолгану олов тўла баркаши посёлка устига ағдарилиб кетган.

Хосият хола ҳорғину мамнун қиёфада жилмая-жилмая меҳмон аёлларга алоҳида илтифотлар кўрсатиб ичкарига бошлади. Қоп-қора, қуюқ сочлари ўраб-турмакланган, оппоқ, лўппи юзли хушрўйгина икки жувон ўртасидаги лаблари жиддий қимтиниб, қийғоч қошлари чимрилган, озғингина аёл қудағай экан!

Келин-куёв теварагидаги калта сочли, калта кўйлакли, узуноёқ қизлар иссиқдан, ҳануз тарқаб улгурмаган чанг-ғубордан чиройли юзларини бужмайтирар, атрофни норизо-норизо кўздан кечиришар эди. Уларни ғайирлик билан

бош-оёқ кузатиб турган тилли-жағли қўшни аёллардан бири эшиттириб-эшиттириб луқма ташлади:

— Во-ой, қуриб кетсин, қишлоғимиз ёмону йигитларимиз яхши экан-да...

Ашула нағмалари остида ҳамма ҳовлига кириб бўлгач, отам Файзулла акага алланеларнидир пичирлаб уйимиз томон жўнади. Кўп қатори шу ерда ивирсиб турган онам ҳам истар-истамас уйимиз ёққа бурилди. Отамнинг қўлидаги семизгина елим халта менинг ҳам диққатимни тортдию секингина уларга эргашдим...

Отамнинг юз-кўзида чарчоқ ва нелардандир норизолик аломатлари қалқиб турар эди. У оёқлари остида пилдираб, чулдираб юрган сингилчамни бағрига босиб ўзича эркалатди, чўнтагидан бир дона ялтироқ қоғозлик конфет чиқариб сийлади. Яна бир дона конфет менга ҳам тегди. Ширинлик ундирган сингилчам ошхона томон, шоша-пиша егулик ҳозирлаб юрган онамнинг ёнига чопқиллаб кетди. Отамнинг чеҳраси ёришай демасди. У арзанда уст-бошини ечиб, майкачан бўлиб олди-да, обдастадаги сувни сачратиб-сачратиб юз-қўлини ювишга киришди. Бу орада онам пашшалар ғужғон ўйнаб ётган даҳлизга дастурхон солиб, нон, бир чойнак чой, бир коса қатиқ келтириб қўйди. Тағин эҳтиёткорлик билан сўради:

— Кечаги овқатдан қолган оз-моз шавла бор, илитайми, ейсизми?

— Тош бўлсаям ютаман, — деб ғудранди отам.

Мен ялтироқ елимхалта ёнида сабрсизларча кутиб ўтирардим. Файзулла аканинг хонадонидаги шовқин-сурон тобора авжланиб диққатимни қитиқламоқда. Охири отам елимхалтани титкилаб, жиякларига алламбало ҳарфлар билан ёзилган, айвони кенг, ғалати бир кепка чиқариб, менга узатди:

— Ма, ол! Лекин мол-ҳолга яхши қарашасан...

Қувончим ичимга сиғмасди. Кепкани шу заҳотиёқ бошга қўндирдиму даҳлиз тўридаги тошойна ёнига отилдим. Отам дастурхон ёнида чордона қуриб, косадаги қатиққа ташланди.

— Сафарлар яхши ўтдими? — дея гап бошлади онам оҳиста-оҳиста чой шопириб. — Шаҳарлар қандай экан?

— Чидаса бўлади... — деб ғудранди отам истамайгина.

— Тўй қалай ўтди? Келиннинг хонадонида бўлдиларингизми?

— Ҳаммаси бинойидек, хотин...

Онамнинг ҳормай-толмай, силаб-сийпалаб сўрашларига отам узуқ-юлуқ, гоҳ ижирғаниб, гоҳ масхаромуз жавоб берган бўлса-да, барибир, кўп жумбоқлар ечилди-қолди...

Келиннинг исми Лолахон экан! Унинг онаси ўша икки дугонаси қуршовидаги озғингина аёл Ўроқларнинг ўқиш жойида ишлар эмиш. Лолахоннинг отаси кўп йиллар бурун касаллик туфайли вафот этган экан. Кунлардан бир кун Лолахон лаборатория хонасини супириб-сидириб юрган ойисига кўмаклашаётган пайт туйқусдан Ўроқ билан учрашиб... танишиб қолади. Сўз-сўзга, гап-гапга ва ниҳоят юлдуз-юлдузга тўғри келиб...

— Тўй институт қошидаги кафеда ўтди, — деди отам илитилган шавладан сўнг иссиқ-иссиқ чой ҳўпларкан.

Ойим ҳамон эҳтиётқорликни қўлдан бермай сўроқларди:

— Шаҳарликларнинг тўйи тоза данғиллама бўб кетгандир...

Отам бош чайқади. Сўнг:

— Ўзига яраша, — деди эринганнамо. — Келиннинг уч-тўрт қариндоши, қўшнилари, Ўроқнинг курсдошлари қатнашишди... Тўйдан сўнг дарров келинни поездга ортиб жўнаб қолдик... Бугун саҳарлаб ўзимизнинг вокзалга келиб тушдигу Файзулла ака манови машиналарни кира қилди, қай гўрдандир отарчиларни топди... Ҳали кечга яқин тағин бир сурув яллачилар ёприлиб келади... Ишқилиб, то тушгача вокзалимизда сарғайдик... Лекин буғалтер бованинг киссалари қоқ бўлди-ёв...

— Ўлгурлар, мунча тўйни қисталонгга олишибди, — деди ойим негадир илжайиб. — Ишқилиб, тинчликми?

— Тинчлик... Уч ой ўтар-ўтмас ҳаммасини тушунасан, — деди отам ва шу ердалигимни ногоҳ сезиб қолгандай, менга юзланди: — Сен нега анқайиб турибсан? Жўна, қўйлардан хабарлаш...

Мен илжайганча отамга яқин келдим. Ахир, ажойиб совға учун аммам тайинлагандай «инижони»ни хурсанд қилиб қўйишим керак эди-да.

— Ота-а... — дедим эркаланиб. — Бешинчи синфни битирдим... Муаллимимиз мақтади, ҳамма дарсдан «беш» олибман...

— Йўғ-е... — деди отам ясама ҳайрат билан кўзларини пирпиратиб. — Демак, калланг каттарибди-да, а?! Манови матоҳ сенга тўғри келмайди энди. Қани, кепкани бу ёққа чўз-чи!..

Мен бирдан сергак тортиб, чаққонлик билан ирғиб турдиму ташқарига отилдим. Ахир, беш синфни битириб, тўлишиб қолган ақлим панд бермади-да.

* * *

Кеч кириб жазирама шашти анча-мунча пасайган бир пайт тўй — «вечер» бошланиб кетди. Ҳовли, ҳовли тевараги лампа-чироқлар билан чароғон эди. Ҳар хил маросимлар учун оқсоқоллар томондан атай тайёрлатилган узун-калта темир столлар, ўриндиқлар бу кеч Файзулла ака хонадонига «кўчириб» келтирилган, ҳовли ўртасига қатор-қатор жойлаштирилиб дастурхонлар ёзилган, устига турли-туман егуликлар тўкиб ташланган эди. Сафармурод ака бошчилигидаги тўрт-беш киши югуриб-елиб, бақириб-чақириб хизмат қилишмоқда. Ўриндиқлар аллақачон чақирилган-чақирилмаган меҳмонлар билан тўлиб битган. Мева-чева, турли пиширириқлар чиройли идишларга келиштириб-келиштириб териб қўйилган, чўлликларнинг ҳам дид-фаросати шаҳарликларникидан қолишмаслиги алоҳида таъкидланган жойга қуда-қудағайлар ўтқазилган. Ишқилиб, посёлка эли нечоғлик маданиятли турмуш тарзига эришишгани олис шаҳри азимдан ташриф буюрганлар эътибори остида бир қур имтиҳондан ўтишини англаб, пухтагина тараддуд кўрилган эди.

Айниқса, Сафармурод чавандоз! У яп-янги оқиш кўйлак кийиб, Чинор акадан ялиниб-ёлвориб ижарага ундирган ҳаворанг галстукни тақиб олган, соч-мўйлови тузуккина қайчиланиб оро берилган. Обдон қиртишлаб тозаланган жағсуяклари лампа-чироқ ёруғида ялтираб-ялтираб кетади. Бироқ қоп-қора шими хийла тор баданларига чиппа ёпишиб, чок-чокидан сўкилгудек бўлиб турибди.

Базм дастурхонининг тўрини, тайин гапки, келин-куёв ва уларнинг дўст-дугоналари бир саф бўлиб эгаллашган. Улар ўтирган ўриндиқ орқаси катта бир гилам билан тўсилган бўлиб, гиламдаги «Ўроқжон ва Лолахоннинг бахт тўйига хуш келибсиз», деган ёзув, қўш узук тасвири ранг-баранг

электр чироқчаларнинг жимир-жимир ёруғида жозибаланиб-жозибаланиб кўзга ташланади.

Базм дастурхонининг этагидаги чорпоя, чорпоя тевараги чолғу-асбобларига ўралашган ашулачилар тўдасига тегишли эди. Уларнинг баъзилари чорпоя устида еб-ичиб ўтиришар, баъзилари созу чилдирмалар чалиб, хониш изидан хонишга зўр берар эди:

Тўй бўлсину тўй бўлсин,
Шўх-шўх ялла куй бўлсин...

Базм ўриндиқларидан жой тегмаган меҳмонлар — маҳалланинг хотин-халажи, ёш-яланглари ўтирганлар тевараги да давра бўлиб туришар, чув-чувлашиб, гоҳ баланд, гоҳ паст товушларда келин-куёвни, баъзан меҳмонлар ё отарчиларни муҳокама этиб қолишар эди.

Биз болалар катталарнинг неча-неча койишларию пўписаларига қарамай тўйхона оралаб қий-чув билан шаталоқ отиб юрибмиз. Отам келтириб берган кепка обрўйимни хўб ошириб юборган. Тенг-тўшларим кепкани бир кийиб кўриш илинжида бири қўйиб, бири олиб ялинишади, топган-тутганлари билан обдан сийлашади. Бироқ мен кепкага қўшиб калламни ҳам сўрашаётгандек қизғанчиқлик қиламан.

Тўй базми қизигандан қизиб борар эди. Давра ўртасида давракаш жазава билан шеърлар кетидан шеърлар ўқир, келин-куёв шаънига олқишлар ёғдирар, ора-чора дастурхон тевараги да ўтирганларнинг баъзиларига сўз навбатини бериб қолар эди. Илк табрик сўзи, бошловчининг таъбири билан айтганда «шу совхознинг юраги, Чинор Тоштемирович»га берилди.

Чинор ака оҳангжама таъриф-тавсифдан энсаси қотиб, ўрнидан турди-да микрофонни қўлига олди:

— Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, азиз даврамиз қатнашчилари! Бугун совхозимизда катта тўй, катта тантана. Файзулла акамнинг, Хосият янгамнинг қувончлари чексиз. Ахир, олис шаҳри азимдан келин олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Қолаверса, Ўроқбойдек шер йигитларимизга фақатгина гўзал шаҳарнинг гўзал қизлари ярашади. Азиз даврамиз қатнашчилари, Файзулла ака хонадонининг катта шаҳардаги обрўли бир хонадон билан қуда-қариндош

тутунгани овлоқ чўл қишлоғимизнинг улкан шаҳар билан қариндош тутинганидир. Бу... бунда... посёлкамизнинг порлоқ келажагига ҳалиги, адабиётчилар айтгандай... гўзал ишора бор. Истаймизки, шу ишора чин бўлсин, шу икки ёш қўшақариб, бахт-иқболи баланд бўлсин...

Чинор ака гулдурос қарсаклар остида жойига қайтиб ўтирди. Ароққа лиммо-лим пиёласини қўлга олиб ёнида ўтирган казо-казо меҳмонлар тутган пиёлалар билан бир-бир чўқиштирдию тахир суюқликни сипқориб юборди, изидан шоша-пиша бир бўлак помидор олиб оғзига тиқди.

— Бизди мўйсафид чатоқ-да! — деди аёллар орасида тоғдай виқор тўкиб турган Майсара янга.

У Хосият холанинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, базм дастурхонига, қудағайлар ёнига ўтирмаган эди.

«Ман ўтирсам ҳаммаёқни тўсиб қоламан-да, — дея астойдил рад этганди у. — Бошқалар артистларни томоша қилолмай қолади. Тағин, опажон, шаҳарликларнинг тилига кўп тушинмайман, меҳмонлар олдида шарманда бўламан».

Ишқилиб, Хосият хола директорнинг хотинини ҳеч кўндиролмай, охири ўзи икки-уч «шаҳар кўрган» ўқитувчи аёлларни эргаштириб, қудағайлар ёнини ишғол этган, бироқ жонсараклик билан гоҳ дастурхонлар устига, гоҳ ошхона томон қарагани-қараган, юз-кўзлари тўй эгаларига хос алланечук ташвишли ўйларга чулғанган эди. Ўша Чинор ака табрик сўзи айтиб бўлган пайт, у ортиқ чидаёлмай, тевараклни андак таманно, андак қизиқиш билан кузатаётган қудағай томон энгашиб, неларнидир шивирлади, қудағайи жилмайганча, «маъқул» дегандай бош ирғагач, Хосият хола меҳмонларга бетма-бет ўтирган, шаҳарча мулозаматларни келиштириб-келиштириб ижро этаётган муаллималарнинг бирига имо-ишоралар қилиб, алланималар деди-да, уй томон ошиқиб ўрнидан қўзғалди.

Биз болалар ҳам югур-югурдан зерикиб, хотин-халажлар орасига суқилиб тўй базмини томоша қилиб турибмиз.

Қош-кўзингнинг қораси-и,
Шундан кўнглим яраси-и...

Ашулачилар шўх-шўх, баланд пардаларда хониш қилишар, қош-кўзлари беармон бўялган, рақс кўйлаги баданла-

рини сириб, кўкракларини бўрттириб турган ўйинчи қиз давра бўйлаб бир маромда йўрғалар эди.

Чорпояда ашулачилар орасида ўтирган бу инжиқ феъл тўданинг кам-кўстига кўз-қулоқ бўлиб турган Улаш агроном ҳам бу кеч пўримликда Сафармурод акадан қолишмайди. Енгсиз қизғиш кўйлаги, почаси кенг кулранг шими кундан-кун тўлишиб бораётган қоматига анча-мунча ярашган, бироқ қовоқлари солиқ, пешоналари тиришган эди. У шеърни шеърга, гапни гапга улаб тинимсиз жавраётган бошловчига адоват билан тикилади, ҳойнаҳой, ана шу хизматни унга топширишмаганидан дунё кўзига тор кўринмоқда.

— Зумрад, эрингизнинг тоби ҳали жойига келмабди-ёв, а? — деди Майсара янга ёнидаги Улаш агрономнинг хотинига.

— Ўлсин... ҳали шеър-пер ўқийман, деб ўзини тийиб тургандир-да...

— Йў-ўқ, кўп ҳам тийилмаяпти, ана... Тошбибининг эрини тўхтатди, ана... пиёлаларни қўлга олишди...

— Қуриб кетсин...

Улардан сал нарида икки аёл, афтидан, бошқа ёқлардан келишган, посёлкаликлар учун анча-мунча эскирган мавзуда ғўнғур-ғўнғур гаплашишмоқда:

— Келиннинг онаси катта бир институтда ишлармиш, олим эмиш...

— Ҳа... мен ҳам шундай, деб эшитдим. Ёнидаги анови икки жувон овсинларими?

— Йў-ўқ... дугоналари... Вой... ўлгурлар, мунча сузилишади. Кийган кийимларини қаранг, ҳаммаёғи бил-қиллаб кўриниб ётибди... Ёшу қари эркакнинг кўзи шуларда.

— Икковиям ёшгина экан-а?

— Вой, нималар деяпсиз, аммаси, сиз ҳам кун бўйи бўяниб-тарансангиз, улардан ёш кўриниб кетасиз...

Бу орада давракаш тағин уч-тўрт кишига табриклаш навбатини берди. Навбат текканлардан бири, казо-казолар сафидаги тоза, қимматбаҳо кийимли йўғон киши, гўё мажлис ўтказаётгандай совхоз тарихи, совхоз эли ҳақида эзмаланиб, анчагина «ўтлаб кетди», ногоҳ, дастурхон устидаги лиммо-лим пиёласига кўзи тушиб ўзига келдию чайналачайнала муддаога кўчди:

— ... бугун бу икки ёшнинг ... бу икки ёш... — табрикловчи гиламдаги жимирлаб турган ёзувга зимдан кўз ташлаб олди. — Ўроқжон ва Лолахоннинг никоҳ тўйига ташриф буюрган эканмиз, фурсатдан фойдаланиб туман раҳбариятининг, шахсан ўзимнинг номимдан уларга бахтли турмуш, узоқ умр тилайман...

Табрикловчи жойига ўтирар-ўтирмас, гўё ундан қутулишганини қутлаётгандай созу чилдирмалар даранглаб, микрофонлар жаранглаб ашула бошланиб кетди:

Даврага туш, даврага туш
Қанот ёйиб, мисоли қуш...

Ўйинчи қиз лабларида, юз-кўзларида нозу ишвалар билан «қанот ёйиб, мисоли қуш», давра бўйлаб чарх урганича йўрғалар, баъзан-баъзан ширакайф томошабинлар қистираётган пулларга қўйни тўлсаям кўнгли тўлмай, казо-казо меҳмонлар тўпига «мисоли бургут» ёприлиб борар, елкаю кўкракларини дириллатиб, қош кўзлари билан силаб-сийпалаб, охири ўтирганларни чўнтак кавлашга мажбурлар, даврани тобора шўх-ширакайф қийқириқлар, ошкора беҳаё қочириқлар босиб борар эди.

Биз болалар ўйинчи қизнинг қилиқларидан уялиб бир-биримизнинг пинжимизга тиқилар эдик.

Баданига чиппа ёпишган енгсиз-ёқасиз кўйлаги остидан қўл-кўкрак мускуллари бўртиб турган Ашур ва унинг тўрт-беш нафар «жангари»лари давранинг гоҳ у ёнида, гоҳ бу ёнида жанжалга талабгор излашгандек ивирсиб юришар, унда-бунда ғуж бўлиб тўй базмини иштаҳа билан томоша қилаётган қизларга тегажакликлар қилишар эди. Қизлар тўпи ичида бир маҳаллар Ўроқ билан хатлар ёзишиб, аро ерда мени сарсон қилиб юрган ўша Қалқонов муаллимнинг қизи Шабнам ҳам ойдеккина балқиб турибди. Унинг сирдош дугоналари куни-кеча тарқатган шов-шувларга қараганда, тўй қизғин паллага кирган айни пайт, Шабнам хиёнаткорликка қарши ошкора исён кўтариб, қишлоқнинг қоқ ўртасидаги сершох дарахтларнинг бирида мағрур осилиб ётган бўлиши керак эди. Бироқ алдов балосига йўлиққан бу сулув тўй базмини кўзи қиймай, ўз жонига қасд қилиш маросимини кейинга қолдирган, шекилли, базм қизғин тус олган айни

пайт тўй томошаларини кўзлари чақнаб кузатар, ора-чора ёнидаги дугоналари билан шўх-шўх шивирлашар эди.

Даврага туш, даврага туш...

Ашулачининг чақириқларига лаббай дея жавоб берган-дек, икки нафар сўлақмондай-сўлақмондай йигит мастона-мастона чайқалганча, шох ташлаб ўзларича рақс туша кетди. Изидан яна бир сочлари ҳурпайган, терчил, семиз башараси ёғланган этик қўнжидай ялтираб турган нусха чап қўлининг панжаларига қистирган кўкиш қоғоз пулни ўйноқлатиб даврага тушди. Тушдию орқа-олдини кулгули ликиллатганча ўйинчи қиз томон йўрғалаб кетди. Тайин гапки, раққоса ҳам, нозу ишваларини ортиқча исроф қилмай, эсҳушли барча томошабинлар очкўзларча кузатиб турган қиймати катта пулни кичкина қулоқчаси устига қистириб олди.

— Бола-чақасининг бир ойлик насибасини кесди-я, эшак! — деди Зумрад опа лабларини алам билан тишлаб.

— Ҳай... — дея Майсара янга даврага имо қилди. — Ҳай... анови эрингиз-чи? Қўлидаги икки ойлик насибани сизга опкеляптими, а?!

— Вой... вой... шўрим, жо-о-он опа, Чинор акамга айтинг, тўхтатсин анови бойваччани...

Аммо, «бойвачча» — Улаш агроном чайқалганча давра ўртасида ўзи тўхтади, қўлидаги икки дона кўкиш қоғоз пулни ғижимлаганча атрофига аланглаб-аланглаб, давранинг қай бир бурчида чўнтакларни қоқиштириб юрган ўйинчи қизни беҳуда излай бошлади. Шу орада аллақайдандир пайдо бўлган Қалқонов муаллим уни гандираклаганча қучоқлаб олди-да, базм дастурхони томон тортқилади.

— Худога шукр-ёй... — деди енгил тортган Зумрад опа.

Гўё унинг енгил тортганидан хафа бўлгандай, созу чилдирмалар дабдрустдан тинди-қолди. Даврадаги гала-гала ўйинчилар гарангсиганча ўз жойларини излашга тушдилар. Чорпоя ёнида ўралашиб турган Ашурдан кўрсатмалар олган давракаш «маъқул» дегандек бош ирғай-ирғай микрофонни оғзига кўндаланг қилди, сўнг анча-мунча дам олиб, хийла ўктамлашган овозда чинқириб шеър ўқиб юборди:

Тенгдошим, суҳбатдошим,
Ўзингиздир ягона.

Сирларим кимга айтай
Сиздан бўлак дугона?!

— Ҳа, азиз меҳмонлар, азиз даврамиз қатнашчилари! Бу кекса, бу навқирон дунёмизда ҳаёт гўзалликларига мафтун, муҳаббат лаззатидан сармаст, бахтиёр ёшларимиз учун қадрдон дўст, меҳрибон дугоналардан яқинроқ ҳеч ким бўлмаса керак... Дунёда севимли, сирдош дугона тилакларидан ортиқроқ тилак, азиз ва мукаррам дугона табригидан зиёда табрик ҳеч-ҳеч топилмагай... шунинг учун ҳам навбатдаги сўз Лолахоннинг энг сирдош дугоналаридан...

Келиннинг ёнида ўтирган оппоқ қизлардан бири ўз номини эшитиб, ҳеч бир кутилмаган ғаройибот юз бергандай чарос кўзларини пирпиратиб, ғунча лабларига нозик-нозик бармоқларини тегизиб, тортинчоқлик билан ўрнидан турди:

— Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Бугун бизла икки севишган қалбнинг, Ўроқ акамла ва Лолахон дугонамизнинг никоҳ оқшомига йиғилган эканмизла... ҳалиги... шоирлар айтгандай... муҳаббатнинг қанчалар қудратли куч эканлигига ишондик... У шаҳримиз бағридан, бизланинг бағримиздан азиз, гўзал дугонамизни юлиб олиб, мана, олис, жазирама саҳро ичига улоқтирди. — Дугона тобора мотам нутқига ўхшаб кетаётган табригидан ўзи ҳам чўчиб кетди, шекилли, бир зум каловланиб саси ўчди. Сўнг бир тебраниб шеърга кўчдию саросимадан қутилди-қўйди:

Ёшлар чиқди муҳаббатнинг сайлига,
Бири Мажнун, бири ўхшар Лайлига.
Ўйнаб кулсин, даврон сурсин бир умр,
Қўйиб беринг юракларни майлига.

Бир амаллаб табрик сўзини тугатган дугонанинг қўлларидан давракаш микрофонни оларкан, «раҳмат, раҳмат» дея ўзича илжайди, илжайдию бирдан бўғзидан шеър отилиб кетди:

Даврани кенгроқ олинг,
Баҳор, баҳор ўйнасин.
Куйлар чалинг, шўх-шўх чалинг
Дугоналар ўйнасин.

Худди шу даъватга интиқ тургандай, тағин созу чилдирмалар даранглаб, микрофонлар жаранглаб, хониш бошланиб кетди:

Бари гал, бари гал, бари га-ал!
Жонимнинг жонанаси бари га-ал!

Нағмакашнинг ҳормай-толмай чорловлари таъсиридан-ми, ё давракашнинг қийин-қистовга олиши эритдими, ишқилиб, келин-куёв қаторида тизилишиб ўтирган уч дугона талай нозу фироқлардан сўнг даврага тушишди.

Шу орада Чинор ака етовидаги казо-казолар ўриндиқлар орасидан аранг сидрилиб чиқиб базм дастурхонини тарк этишди.

Бари гал, бари гал, бари га-ал!

Ҳеч кутилмаганда Ашур икки шериги билан чорпоя томондан даврага тушди! Тана ҳароратининг ошиши касалликни билдиргандай, Ашурнинг даврага оёқ қўйиши ҳам тўй базмининг тинч, «маданий» қисми хотима топганидан дарак берар эди.

— Энди тўям соб бўлопти, уй-уйга тарқаймиз, — деди Майсара янга эри кетган тараф аланглаб.

— Иби, — деди Зумрад опа боши билан даврага ишора қилиб. — Ўғлингизнинг ўйинини томоша қилмайсизми?

Чиндан-да, Ашур билан майдонга чиққанлардан бири Чинор аканинг тўнғичи Шербек эди.

Шербекнинг полвон келбати, қуюқ қошларию узун бурни тоғаларига тортган бўлса-да, бироқ феъл-атвори... алланечук шоирона эди.

— Озгина кайфи бор-ов, такасалтангнинг, — деди Майсара янга даврадагиларни норизо кузатаркан. — Ҳали уйга борсин отасидан кўрадиганини кўради...

— Қўйинг... аччиқланманг опа... тўй-да бу... — деб юпатган бўлди Зумрад опа.

Томошабинларнинг шўх-шўх қийқириқларию қарсаклари остида уч «жангари» дугоналарни қуршаб олди. Ашурнинг чайир, бақувват қоматини куй оҳангига мослаб-мос-

лаб тебратишлари, алланечук ўзига ярашган, мардонавор йигитларга хос карашмалари, ниҳоят, бутун олам тортишиш қонунини ишга туширди, шекилли, ҳеч кимни назар-писанд қилмай, ўзларича йўрғалаётган дугоналар ҳам учовлон томон юзланишди.

Бари гал, бари гал, бари га-ал,
Сенсан менинг дилбарим, бари га-ал.

Томошалар бошида ўйинчи қизнинг қилиқларидан уялиб бир-биримизнинг орқамизга яширинган биз болакайлар ҳам энди ошкора завқ-шавқ билан қийқириб, қарсаклар чалар эдик.

Базм дастурхонига қараб бўлмайди. Ивирсиб ётган бўш шишалар, идиш-товоқлар, томган-тўкилган озиқ-овқат қолдиқларию мева-чева пўчоқлари кўнгилларни беҳузур қилади. Кимдир папирос қолдиғини чайқала-чайқала ҳозиргина емак еган идиши ичига босиб ўчирар, тағин аллаким носвой юқи текканлаб-лунжини энгашганча дастурхонга артар, томоша бошида ўйинчи қизга «бир ойлик насибаси»ни қистириб юборган ўша йўғон нусха стол тагига энгашганча қусиб ётар эди.

Сафармурод ака бошлиқ хизматчилар тўдаси ҳам бир чеккада сузилиб-эзилиб туришибди, ҳойнаҳой, ортиқ югуриб елишга тобу тоқатлари йўқ.

Кўрсат юзингни девоналарга,
Ақли ҳушидан бегоналарга...

Уч карра қайтарилган «Бари гал»нинг изидан қўққис бошлаб юборилган бу ашула ғуж-ғуж қишлоқ қизларига ўзликни намоён этиш пайти етганига ишора қилгандай бўлди. Шабнам етовидаги уч-тўрт дуркун қиз ортиқча нозу истиғносиз даврага тушишди.

— Қизларимиз бало, — деди Зумрад опа андак уят, андак фахр билан. — Қурғурлар ановилардан йигитларни қизғанишяпти.

Ёнидаги сап-сариқ жувон билан ғўнғиллашиб турган Майсара янга «агроном хоним»нинг гапларига эътибор бермади.

— Иби, опа, қаранг, — деди яна Зумрад опа даврага имо қилиб. — Шербегингизни анови Шабнам қурғур, ажратиб ўзига қаратиб олди. Насиб бўлса, келинингиз ҳам тайин...

— Қани... қани, — деди Майсара янга сергакланиб. — Иби... бу ҳалиги Қалқонуф домуллонинг қизи-ку? Биноййигина қиз, лекин... биров уни хотин қилиб ялчимаса керак-ов...

Тўй маросими буткул издан чиққан эди. Хонишн кетидан хонишлар, қаҳқаҳаю қийқириқлар остида давра маст-аласт ўйинчилар билан тўлиб тошди. Не-не чўнтакларни қоқлаган ўша рақҳоса чорпоядаги тепакал бир отарчига мамнун суянганича, еб-ичиб, ҳордиқ чиқармоқда.

Тўй эгаси — Файзулла ака отам ва Абдулла бадқовоқ билан ошхона ёнидаги ғўлалар устида чўнқайишган кўйи алланималар ҳақида маслаҳатлашиб ўтиришибди. Отамнинг ранг-рўйига қараганда у бу кеч бир қултум ҳам оғзига олмаган, ёнидаги «шаҳарлик буқа»га чиндан-да «бутун одам» эканлигини кўрсатиб қўйган эди.

Мулла Мирза эса ўзи «шайтон нағмалари» деб атайдиган тўй — «вечер»нинг шовқин-суронига эътибор бермай, ҳовли этагида бамайлихотир таҳорат олар, ҳадемай, биринчи даражали анъана, оломон ризолигини кўзлаб берилаётган базм тугагач, иккинчи даражали анъана, худо ризолиги учун енг учида ўтказиладиган «шаръий никоҳ» маросимига астойдил тараддуд кўрмоқда.

Гашлар олди думаним,
Бардар шуна-а гуманим . —

Бу узуқ-юлуқ кавказча ашула бошланар-бошланмас, тўйхонани кучли бир қийқириқ тўлқини тутди. Давра тўла маст-аласт ўйинчилар у ёқ-бу ёққа тисарилиб қолди. Ахир чорпоя томондан Сафармурод чавандоз ва Улаш агроном қутирган буқалардек шатолоқ отиб, жазавали-жазавали тебраниб, ўзларича кавказча рақсга тушиб кетишган эди-да!

Оломон анчадан бери унутган, зерика-зерика икковгинаси гурунглашиб ўтирган келин-куёв ҳам ғаройибот юз берганини сезишиб, бўйларини чўзишганича давра ўртасига англайиб қолишди.

Икки «кавказлик» гоҳ чарх уриб, гоҳ диконглаб қудағайлар ўтиришган ёққа бостириб боришмоқда. Айниқса, Улаш ака нафақат агроном, нафақат шоир, балки чапдаст раққос эканлигини кўрсатиб қўйиш учун бутун ҳунарини ишга солар эди.

Ивирсиб кетган дастурхон орқасида бир-бирига суянган кўйи қизариб-бўзариб, эзилиб-сузилиб ўтирган қудағайнинг икки дугонаси, ногоҳ нажоткорларини учратган тутқунлардек ширин-ширин илжайишди.

— Вой, шўри-им, — дея қўлларини юзига босди Зумрад опа. — Анови... шармандаларни қаранг...

— Қўйинг... аччиғланманг... тўй-да бу, — деб кесатди Майсара янга.

— Вой... вой... тўй бошидаёқ икки сассиқ буқанинг нияти бузуқлигини сезгандим-а... кўзларини лўқ қилиб шу аёлларга тикилишиб турганди...

— Зумрадхон, ғунажин кўзини сузмаса... биласиз, а?! Ҳали Шербеклар даврага тушган маҳали эрларингиз анови аёлларнинг ёнига келиб, чўқиштириб-чўқиштириб ичкиликбозлик қилишганди... Сиз ўйинга овуниб кўрмай қолдингиз...

— Вой... шўрим... Бундай шарманда томошани кўргунча кўзим ўйилсин... Кетдим, опа...

— Ҳай, шошманг... мен ҳам уйга борай, маст-аластларнинг оёғи остида қолиб кетмай, тағин... Дурбек! — деди Майсара янга биз болалар тўпидаги ўғлининг енгидан тортаркан. — Кетдик, ўғлим... Етарли бўлди томоша...

Бу орада «кавказлик»ларнинг муқом билан рақсга таклиф этишларига андак нозланишиб тура-тура, ўша икки жувон сидрилиб даврага чиқишди.

Гашлар олди думаним,
Бардар шуна-а гуманим...

Бир пайт ашуланинг шўх, ўйноқи оҳанги қолиб, «кавказлик»лар ва шаҳарликлар вазмин вальсга туша кетишди. Жуфтлар бир-бирларини силаб-сийпаб ҳар гал қапишишганда тўйхона гулдурос қийқириқлару қарсакбозликлардан ларзага келар эди.

Бир пайт ларзалардан лат егандай, шўх-шўх кавказча нағма тинди-қолди. Давра бўйлаб тўзғиб юрган маст-аластлар бири қўйиб, бири олиб қичқира кетишди:

— Эй... сапожник! Зу-ву-у-ук!

— Музика! Музика-а! Ўв...

— Ўв, энағарлар, вальсга чалишни билмайсанларми?

— Об-бо-о, буғалтер бова бундай тўнкаларни қайдан топиб келган...

Созандаю чилдирмачиларнинг бир-бирига саросимали анграйиши уларнинг чиндан-да «вальс» куйини чалолмасликларидан, ҳеч бир қишлоқ тўйида бундай қалтис аҳволга тушишмаганидан дарак берар эди.

Давра четидаги машшоқлар галаси фалокат чораларини кўриш учун оломоннинг қий-чув, ҳуштакбозликлари остида чорпоядагилар билан шоша-пиша кенгаша бошладилар. Ниҳоят, чорпояда ўтирган тепакал, йўғон зот оғир қўзғолиб пастга тушди. Тушдию машшоқларга имо-ишоралар билан нималарнидир тушунтириб, ўзи ғижжакни қўлга олди. Зум ўтмай, бутун тўйхона бўйлаб вазмин бир куй таралди.

— Ана-а, билар экансизлар-ку, ҳангилар! — дея қувноқ қийқиришди талабгорлар.

Шу пайт ошхона ёнида суҳбатлашиб ўтирган отам ва Абдулла ака гўё устларига совуқ сув сачрагандай, сапчиб туришдию олатасир давра томон йўрғалашди.

— Эй... эй, нима қиляпсанлар, тентаклар, — дея қичқирди отам, маст-аласт тўдани оралаб машшоқлар томон интиларкан. — Эй, тўхтанглар! Нега мотам маршини чаляпсизлар, эй...

Аммо унинг бўғиқ овози оломоннинг шўх-шаън қийқириғига кўмилиб кетди. Машшоқлар бир-бирларига мамнун-мамнун тикилишганича ҳануз чолғуларига зўр беришарди. Тобора авжланаётган мотам мусиқаси тўйхонадан-да тошиб-ошиб, олис-олисларга таралар эди...

* * *

Файзулла ака хонадони келинмас, ҳузури жон олган экан!

Отам икки ҳамроҳи билан олис шаҳарга отланган ўша кундан бери тез орада қишлоғимизда юз-кўзлари хўб бўяб-бежалган, инжиқ феъл, ишёқмас бир танноз пайдо бўлишини башорат қилиб юрган миш-мишчиларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Тўйнинг эртасигаёқ қўшниникига кириб-чиқиб юрган онамнинг оғзидан бол томар эди.

— Ана келину, мана келин... — деди у гоҳ отамга, гоҳ «элакка» чиққан хотинларга. — Ҳусну жамолига боқиб бир ҳузур қилсанг, одоб-ахлоқини, ширин сўзлигини кўриб икки карра ҳузур топасан... югуриб-елиб рўзғорга хизмат қилишини айтмай қўя қолай...

Тайин гапки, матонатли миш-мишчилар онамнинг таъриф-тавсифларига шубҳа билан қарашар, «қўшнисининг шармандали ҳолини яшириб, мақтайди-да», деган ўй-хаёлларга боришар эди. Аммо Файзулла ака ва Хосият холанинг топиб олган ташландиқ лотареяларига, ногоҳ қимматли ютуқ чиққандек кўча-кўйда керилиб, мамнун табассумларга кўмилиб юришлари ҳам онамнинг мақтовлари чиппа-чин эканидан дарак берар эди.

Улар ўша кунги тўй дабдабаси ҳамёнларининг дабдаласини чиқарган бўлса-да, сир бой бермай, ҳамон «тўй муборак», «келин муборак»ка келиб-кетиб турганларни беармон сийлашар, «вечер»имизда бўлмадингиз-да», дея ўзларича ўпкаланишар, изидан ўша тантаналарни таърифлай-таърифлай, зимдан мақтаниб-мақтаниб олишар эди. Мақтанса арзийдиган, Файзулла ака хонадонига шампан виноси кўпигидек олқишу обрў опкелган ўша тўй оқшоми, қишлоқ аҳлига анча-мунча ташвиш ҳам келтирди. Ўша ичкилик дарё мисол оққан базмдан сўнг беш-олти кун неча-неча миришкор деҳқонлар бош оғриғу ич оғриқ балосидан дала-пайкалларига чиқолмади, гараж, омбор, клуб деган неча-неча ишхоналар нақ бир ҳафта одам қадамига зор бўлди. Ҳаммаси гўргаку-я, энг чатоғи, 41-совхоз ўзининг яккаю ягона (отсиз бўлса-да) чавандозидан, бу ҳам етмагандай, агрономидан, йўғ-е... гўзаллик ва муҳаббат куйчиси бўлмиш шоиридан ажралиб қолаёзди!

Базмнинг эртаси куни узоқ-яқиндан келган меҳмонлар тарқаб, тўйхона анча-мунча санжоб тортгач, Сафармурод чавандоз бош оғриғи, ич оғриғи хуружларига қарамай, «Ғиркўк-Москвич»ни Файзулла аканинг дарвозаси ёнига қантариб қўйди. Ёнида ичкилик ва уйқусизликдан қизарган кўзлари алланечук илҳомдан порлаган Улаш — агроном шоир.

«Чавандоз, — дебди ўша куни қозонлар тўнкарилаётган пайт Файзулла ака тақа мўйловни бир чеккага тортиб. —

Қудағайимиз анови дугоналари билан яна икки кунча меҳмон бўлади, таомилини биласиз-ку, чавандоз... Энди... барака топинг, ўзингиз оз-моз хизмат қиласиз... Меҳмонлар зерикиб қолишмасин... мошинангизда у ёқ-бу ёққа айлантириб... томошалатинг, илтимос... Уятга қолмайлик...»

«Буғалтер бова, — деб қўлини кўксига қўйган эмиш Сафармурод ака. — Ўлибмизми хизматингизни қилмай... Хавотирланманг, уятга қўймаймиз...»

Дарҳақиқат, чавандоз Улаш улфати билан «буғалтер бова»ни уятга қўймаслик учун хизматга бел боғлади. Қишлоқ аҳли эса ўз бошига уяту андишадан лов-лов ёниб, мишмишу шов-шувларни урчитиб юборишган эди. Қудағайнинг томоша сайлидан воз кечиб қизи ёнида қолганини, анови икки танноз, шармисор аёл анови икки «пиёниста» билан вақвақалашиб машинага ўтиришганини, аллақаёқларни кечки салқинда томоша қилиш учун жўнаб кетишгани ҳақида ўзаро пичирлашар эдилар. Саёқ эр тўғрисида эшитган Тошбиби чеча хаёлчан, бўшанг қиёфаси баттар паришонлашиб, гўё қизиқ бир чўпчак тинглагандай, шунчаки илжайиб қўйиб қўни-қўшниларининг ҳафсаласини пир қилди. Шаддодгина Зумрад опа эса эри — агроном-шоирнинг ўрнига ҳам икки ҳисса уят оловида қоврилиб, «вой... ўлай, вой... шўрим қурсин» дея кўз ёшга зўр берди.

Ўша икки шаҳарлик аёлни чўлу даштларни кездириб, тун ярмида қайтган Улаш ака ҳовлисига кирди-ю, тарс этган товуш изидан Зумрад опанинг ҳўнг-ҳўнг йиғиси эшитилди.

Биз чорпояда эндигина ўрин-тўшагимизга кириб, уйқуга ҳозирлик кўриб турар эдик. Отам ичкарида телевизорга термулиб футбол томоша қилиб ўтирар, онам эса ошхонада ивирсиб юрар эди.

Қўшнимизникидаги шовқин-суронлан сергакланиб, онамнинг ҳайҳайлашига боқмай деворга тирмашдиму паналай-паналай мўралашга тушдим.

Улаш ака ҳансираганича алланеларни тепиб, алланарсаларни улоқтириб ўзича тўс-тўполон кўтарар, ора-чора «Кетаман... Шаҳарга кетаман... Минг лаънат бундай турмушга», дея бақириб-чақирар эди. Бир пайт айвон устунига суянган Зумрад опанинг «шўрқ-шўрқ» йиғиси шартта тўхтадию ўктамгина овози эшитилди:

— Чинқирманг... болаларни уйғотасиз.

— Биламан, болалар ҳали ухлашмаган. Уларнинг катта қизи — Ойсанам ҳалигина бизникида лақиллаб ўтирган чоғ, синглиси Гулсанам қўярда-қўймай чақириб кетди. Мендан бир синф паст ўқийдиган ўғиллари — Ҳасан-Ҳусан эса отасидан андак аввал бекинмачоқ ўйинидан қайтишган.

— Кетаман... Бош олиб кетаман, — дея бақириб-чақирди хотинининг огоҳлантиришларига эътибор бермай агроном-шоир.— Бу чўлу биёбонларингда умрим елга соврилди, талантим хазон бўлди...Эҳ... кетаман!!!»

Мен, ҳарқалай, агроном-шоир хотинини тағин бир-икки тарсаки тушириб томошани қизитишига умид боғлаб турардим. Э, воҳки, ногоҳ қулоғим тубини қизитиб ўтган отамнинг тарсакиси томоша аллақачон тамом бўлганидан хабар бериб қолди...

Шу машмашаларнинг эртаси куни қўй-қўзиларни ҳайдаб кўчага чиққанимда қўшни дарвоза ёнига совхоз директорининг «Нива» машинаси келиб тўхтади. Чинор ака хизмат уловини ўзи бошқарар, гап-сўзларга қараганда, шофёрларнинг кўз олдида оқсоқланиб чиқиб-тушишга уялар эди.

— Улаш, ҳов, Улаш! — дея чақирди Чинор ака диконглаб дарвозадан кириб борар экан.

Ҳовлида куймаланиб юрган Зумрад опа енгилгина салом бергач, «ҳозир» деганича ичкари кириб кетди.

— Қалайсан, Самад, — деди Чинор ака менга кўзи тушиб. — Отанг ҳалиям ухлаб ётибдими, а?

— Ҳа... кеча футбол кўрган, — дедим мен.

Шу орада соқоллари ўсиб, кўзлари қизарган Улаш кўйлагининг тугмаларини қадай-қадай директорнинг ёнига келиб эшитилар-эшитилмас салом берди.

— Улаш, — деди Чинор ака у билан қўл бериб кўришаркан. — Нега ишга чиқмаяпсиз? Ахир, агрохимия бўйича ҳисобот сўрайвериб раҳбарлар у ёқда қонимни ичиб ётибди, сиз эса...

— Буғалтер бованикида хизматда эдим.

— Ҳозир... дарров идорага ўтинг, — деди директор овозини бир парда баландлатиб. — Етар... Ҳар нарсани баҳона қилишлар...

— Чинор ака... Мен... кетаман... шаҳарга кетаман...

— Қаёққа?! — дея чимрилди Чинор ака. — Сенларга нима бўлди ўзи? Анови чавандоз ҳам кетаймиш... яхши... идорага ўтинг ўша ерда ҳал қиламиз.

«Анови чавандоз ҳам кетаймиш», деган шивир-шивир кун қизимай туриб неча-неча қулоқларни қизитган ўшанда. Бу машмашаларга ишонган баъзи бировлар совхоз сара одамларидан ажралиб қолаётганидан афсусланишди, баъзи бировлар эса лоқайд қўл силкишиб, «бузоқнинг югургани сомонхонагача» дея мириқиб кулишди.

Узунқулоқ гап-сўзларга қараганда «Буғалтер бова»нинг хизматидан қайтган ўша кеч Сафармурод ака ҳам уйига дағдаға билан кириб борган экан!

«Кетаман, — дебди у Тошбиби чечани аранг уйғотиб. — Шаҳарга кетаман... У ёқда эпподиром деган жойда чавандозлик қиламан, еганим олдимда, емаганим кетимда бўлади... Не-не бойваччаларнинг болалари мендай устозга зориқиб ўтирибди...»

Эрининг дийдиёларини уйқусираб эшитган Тошбиби чеча:

«Ҳозир жўнайсизми?» дея сўрабди хаёлчан бўшашиб.

Чавандоз хотинининг муқаррар дод-вой солиб, «кетманг»лаб оёқлари остига йиқилишини кутган, шекилли, кутилмаган сўров анча-мунча ғўлдиратиб қўйибди:

«Йў-ўқ... ҳа... йўқ... умуман».

«Қайси кийимларингизни тайёрлай?..»

Бу оғир савол буткул ҳолдан тойдирганми, ё асов айғирдай далаю дашт кезишлардан чарчаганми, ишқилиб, чавандоз бўшашганча ўрнига чўзилибди.

«Кийимларингиз, — дея оҳиста ўз саволига ўзи жавоб берибди хотини, — кирланиб, тердан шўрланиб кунаро тоғорага киради, ювилавериб бечораларнинг оҳорида оҳор қолмаган... Бундай уст-бош билан шаҳарда нон топиб еёлмайсиз... у ёқларда одамнинг кийим-кечагига қараб гап қўшади... »

Тошбиби чечанинг худди болаларга чўпчак айтиб бераётгандай оҳангларга солиб-солиб минғирлаши элитган чоғи, чавандоз кўп ўтмай хуррак ота бошлабди. Бир пайт чўчиб кўзини очса хотини ҳамон юзига термулиб хаёлчан ўтирган эмиш.

«Нима қиляпсан?» дея сўрабди у ҳайрон бўлиб.

«Сизни томоша қилаяпман...»

«Нега?»

«Ахир, бизни ташлаб шаҳарга кетяпсиз-ку?! Довруғи достон бир чавандоз эрим бор эди, охири, ўзини шарманда қилди, бизни уятга қўйди, улоқиб шаҳарга кетиб қолди, деб эслаб юраман-да».

«Тишлаб-тишлаб оляпсан-а, Биби?!»

«Йўқ, байтал тишлаган жойга туз сепаяпман...»

Улар бир-бирига билдирмай хўрсиниб, жим қолишибди.

«Биби, — дебди Сафармурод ака пичадан сўнг олис юлдузлар милтирабгина турган осмонга тикилиб. — Сен... анови... сен... мени ҳалиям зўр чавандоз ҳисоблайсанми?..»

«Иби... нима деганингиз бу, отаси? Бўлмасам-чи... Илгари, — дебди Тошбиби чеча бу ёғига андак уялиб, — от устида қандай чақмоқдай ўтирган бўлсангиз ҳали ҳам мен учун шундайсиз...»

Сафармурод ака эртакка ишонган боладай мамнун илжайиб кўзларини юмибди. Аммо уйқу қайда?!

«Биби, — дебди у бир маҳал яна олис юлдузларга термулиб, — мошинамни сотиб, бир улоқчи от олсам, майлими?

«Иби... қанийди ундай қилсангиз... Мен ҳам шуни айтмоқчи бўлиб юргандим... Манови, ўлгур, темирнинг соз кунидан бузуғи кўп...»

Э, воҳки, Сафармурод ака ниятига етолмади! Ўзининг «Ғиркўк-Москвич»ини сотиб, пулига улоқчи тулпор ололмади. Йў-ўқ, у шаҳарга кетиб қолмади, шунчаки, «буғалтер бова»нинг ўтинчини ерда қолдирмай, анови икки аёлнинг нозу ишваларини кўзи қиймай, агроном-шоир иккови шаҳарлик меҳмонларни туман марказидаги стансияга элтиб, олис шаҳар томон кетадиган поездга чиқариб қайтишаётган кеч фалокат юз берди.

Ўша оқшом Файзулла аканинг дарвозаси ёнида хайр-хўшлашув маросими чўзилгандан-чўзилган эди. Келиннинг онаси гоҳ Хосият холани, гоҳ Абдулла аканинг хотинини қучоқлаб йиғлар, ҳаммага эшиттириб-эшиттириб, «Сизларга келинмас, қиз бердим, мендан кўрмаган меҳрни сизлардан кўрсин... » дея нолалар қилар, Хосият хола ҳам кўзлари ёшланиб, «Унақа куйинманг, қудағай... Лолахонни ҳеч биримиз қизимиздан кам кўрмаймиз» деб пичирлар эди. Чўлу биёбонларга келиб қолишгандан бери ўйин-кулгудан бўша-

маган икки дугона ҳам алланечук маъюсланиб туришар, аҳён-аҳён теваракдагиларга бир-бир юзланиб, «шаҳримизга борийизла, ҳаммаларийизни кутавуз...» дея назокат билан бош ирғашарди. Куёвбола Ўроқ эса меҳмонларнинг тугун-халталарини «Ғиркўк-Москвич»нинг багажига жойлади. Ўша куни тушга яқин туман марказидаги «академия»сидан қайтган Ашур ҳам хайрлашув маросимида қатнашиб, мускуллари бўртиб-бўртиб чиққан билакларини кўксида чалиштиргани ча бир чеккада ҳушёр соқчидек турди.

Ўша базм оқшомининг эртасигаёқ шошилинч кетишга чоғланган келиннинг дугоналарини у Шербек билан нақ вилоят марказигача кузатиб қўйган экан! Айтишича, Ашур қизлар поезд вагонига жойлашгач, ўша базм оқшоми ўзи билан рақс тушган дугонанинг қўлига, «йўл-йўлакай чой ичиб, бизни эслаб кетасизлар», дея бир чангал пул тутқазган эмиш.

«Ву-у-уй, — дея чувуллашибди қизлар, — Не то-о қивосилару, йигитла-а, қарздор бўп қоламизаю-ю...»

«Ўшанда танг аҳволда қолдик, — дея кейинчалик ҳикоя қилганди Шербек. —Қизлар жўнаб кетишгач, Ашур ўз бошига тинмай тиржаярди. Нега ундай кўтармалик қиласан, шунча пулни ҳавога совурдинг-а, тентак, дедим жаҳлим чиқиб. Ашур эса қўлларини белига тираб ақл ўргатишга тушди, шавла кетса кетсин, обрў кетмасин, анови гўзаллар энди чўл йигитларининг қанчалар мард-танти эканлигини бир умр эслаб юришади, калла, деди. Гапларидан энсам қотди. Энди уйга қандай етиб оламиз, масалан, менда бир тийин ҳам йўқ, дедим. Шу гапимдан сўнг, Ашур ҳам ҳушёр тортиб, бўм-бўш чўнтакларини бир-бир ковлаб чиқди. Мен ҳам куп-қуруқ, энди нима қилдик, деди. Ўзимиз томон кетадиган бирор шафёрдан илтимос қиламиз, опкетар, а, ўлдими, дедим. Ашур юзларини буриштириб, ҳамиша тайёр муштини бурнимга кўндаланг қилди, нима, бир куним аллақандай шопирларингга ялинишга қолдими, кулгу бўлайми, бекорларни айтипсан, деди. Мен эсам нима қиламиз, деб сўрадим. Ашур теваракка аланглаб ўзича чора ахтарди. Вокзалда одам гавжум эди. Биздан андак нари бир чуваккина киши сап-сариқ бочкада ширин сув сотиб ўтирарди. Ашур мени бошлаб тўппа-тўғри шунинг ёнига борди. Сув ичишга

навбат кутиб турган тўрт-беш одамни айланиб ўтиб, ҳалиги кишининг орқа томонидан яқинлашди, менга бир стакан сув беринг, деди. Овози тўла дўқ-пўписа. Сотувчи ориқ, нимжон гавдасини Ашур томон хиёл буриб, бетига бир оз анқайиб тикилди. Масалан, мен кўзимга биров иссиқ кўринса, шундай синчиклаб қарайман. Сотувчи Ашурдан кўз узмай хўп, хўп, деди. Дўстим унга эътибор бермагандай ўзи узалиб стакан олдида, тизиллаб сув отиладиган темирча устига тўнкариб, идишни ювa бошлади. Бу орада сотувчи навбатда турганлардан бирига ширин сувдан қуйиб узатаётганди. Ашур шундоққина идиш ювaётган қўли ёнида сочилиб ётган, намиққан уч-тўрт қоғоз пулни чаққонлик билан ғижимлаб олди. Унинг бу қилмишини бошқалар нари турсин, мен ҳам аранг сезиб қолдим. Сотувчи қайнаётгандай важиллаб турган сап-сариқ ширин сувига Ашур узатган стаканни тўлатди. Тўлата-тўлата ҳамон Ашурга қизиқсиниб-қизиқсиниб қараб қўярди. Ичимдан қиринди ўтди, сезиб қолди-ёв, деб ўйладим. Дўстим эса ҳеч нима кўрмагандек ширин сувни ором ичиб, идишни бўшатди. Шу пайт сотувчи жилмайиб, сиздан пул олмайман, деб қолса бўладими?! Дўстим унга тикилди. Сотувчи, сизни танийман, Ашур полвон сиз, а, Қўшмозордаги курашда ғирром полвонни чалпак қилиб, ҳаммани қойил қолдиргандингиз, деди. Дўстим ҳеч нарса кўрмагандай тиржайди...»

Шербек нелардандир жиркангандай, тупириниб-тупириниб ҳикоя қилган бўлса-да, биз болалар Ашурнинг саргузаштларини ҳайрат билан тинглагандик ўшанда. Унинг ҳангомалари Сафармурод аканинг қулоғига етиб боргач. «Ана обрў, мана обрў, — дея кариллаган кунлардан бир кун. — Ҳатто, Ғуломхон эшонга ҳам муридлари мунча илтифот қилмайди».

Файзулла ака эса ўғлининг шон-шуҳрати кундан-кун ошиб бораётганидан ташвишланиб, ўша Ғуломхон эшонга битта қўй ҳадя қилиб, суқдан тумор ёздириб олган экан.

Аслида Файзулла аканинг ўзи кўз-суқлардан чўчиса арзир эди. Чунки бир-биридан қобил, обрўли фарзандлар, устига-устак, топилдиқ тиллодай ҳузурижон келин уни ва унинг хонадонини яхшию ёмоннинг назарига тушириб, каттаю кичикнинг оғзига сақичдай солиб қўйган эди.

Шаҳарлик меҳмонлар жўнаб кетишган оқшом Файзулла ака, ниҳоят, енгил тортди. Эртаси куни эрталаб, елкасидаги тўй ташвишлари ағдарилганидан бемалол қад ростлаб, тақдирнинг марҳаматидан мамнун кўкрак кериб, гўё бу кунни бетоқат кутгандай, шоша-пиша ўз қадрдон идорасига жўнади.

Мен ҳам бу кунни илҳақ кутган эдим. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар уй-уйларига қайтиб, қўшнимизнинг хонадони тезроқ санжоб тортишини сабрсизланиб-сабрсизланиб кутган эдим.

Охири, орзиқтирган дамлар ҳам етиб келди.

Хосият хола эрини ишга кузатгач, онам билан етаклашиб Қалқонов муаллимнинг анчадан бери касал ётган хотинини кўриб келиш учун жўнашгани нур устига нур бўлди. Мен ўғри мушукдек аланглаб қўшнимизнинг дарвозасидан бош суқдим.

Чошгоҳ маҳали эди. Кун иссиқ. Кўлоблатиб-кўлоблатиб сув сепилганиданми мен қадам босган ҳовли алланечук салқин ва сокин туюлди.

Дарвозадан оёқ оширдиму ялангбош, ялангоёқ, майкачан, шимининг почалари шимарилган Ўроққа кўзим тушди. У катта гужум дарахти остидаги чорпоянинг ўша тўй оқшоми латланган суянчиқларини тузатишга киришган экан.

Ўроқ мени кўрдию оқ-сарғиш чеҳрасига безовталик иниб, қўлидаги теша, аррасини ерга ташлаганича пешвоз кела бошлади.

— Ҳа, сенми? — деди у илжайиб. — Қалайсан, Самад? Ўқишларинг зўрми? Кел...

— Келин кўрмоқчиман...

— Ҳа, шунақами, — деди Ўроқ елкамга дўстона қўл ташлаб. — Энди сен катта йигитсан, Самад. Иккаламиз қалин дўст... Ҳалиги... Ҳалиги ишларимизни бировларга... масалан... масалан... келин-янгангга айтиб юрмайсан-а...

Мен тантанали бош чайқаб, оғзимдан гуллаб қўймасликка ваъда бердим.

Шу пайт гўё бизнинг аҳду паймонимиз поёнига етишини кутиб тургандай, ошхонадан қўлларини бир парча латтага артганича келин чиқиб келди. Оппоқ, тўлишган юзлари, зулукдек қошлари остидаги қоп-қора кўзлари, қип-қизил

лаблари тўла табассум! Қоматига яраширқ атлас кўйлак-лозими, бошидаги қизғиш дуррачаси унинг чинакам шаҳарча дид-фаросатидан дарак бериб турар эди.

— Ким бўлди бу меҳмон, Ўроқ ака? — деди у енгил қадамлар билан биз томон келар экан.

— Бу... қўшнимиз Эргаш аканинг ўғли... Самад... Ажойиб бола... Иккаламиз қалин дўст...

Мен анқайганча келинга қараб турар эдим. Юрагим ўз бошига гурс-гурс ура кетди.

— Ассалому алайкум, — деди келин жилмайганича, чиройлик бир таъзим қилиб.

Мен ҳам шоша-пиша салом бердим. Илжайдим. Ўроқ эса бир менга, бир келинга кўз ташлаб таърифу тавсифдан тинмади:

— Жуда яхши бола... Мактабда аълочи... Беш синфни битирган, эс-ақли тўлишган...

Келин эрининг жаврашларига эътибор бермагандай, билинар-билинмас титраб турган қўлларимни оппоқ, лўппи кафтларига олди.

— Самаджон, — деди у алланечук хушбўйлар таратиб юзларини юзимга яқин келтираркан. — Мени янга қиласизми?

Мен ҳалигина Ўроққа сўз берган чоғимдагидек тантанали бош ирғаб, эшитилар-эшитилмас «ҳа», дедим.

— Ана... ана... — деди Ўроқ ҳовлиқиб. — Ваъда бераяпти, албатта, янга қилади-да, Лолахон янга, дейди... Самад ваъдасида турадиган бола...

Янгам бир қўли билан сочларимни силаганича юзимдан енгилгина ўпиб қўйди. Кўз олдим бир мастона чайқалиб кетди. Ҳовли... уй... ёнимдагилар бир лаҳза узо-о-оқ-узоқларга чекинди, Ўроқнинг лаби-лабига тегмай жаврашлари олис-олислардан ғўнғиллаб эшитилгандай бўлди.

Ўша куни кўрманани, қайтам, мен ундирдим! Эс-ҳушим учиб-қўниб турган бир пайт келин-янга зувва уйига кириб чиқди-да, бир парча занжирчага тақилган, ичидаги ғалати суюқлик қалқиб турган шиша балиқчани қўлимга тутқазди.

— Бу янга қилганингиз учун мендан эсталик, — деди у жилмайганича кўз қисиб.

Ўша кун, ўша лаҳзадан бошлаб ўша жилмайиш, ўша кўз қисиш мени кечаю кундуз таъқиб қилиб юрадиган бўлди.

Мен шаҳарча бичимдаги атлас кўйлакли, калта сочлари устига омонатгина қўндирилган қизғиш дурраҷали, оппоқ юз, чарос кўзли бу келинчакни илгарилари ҳам наерлардадир учратгандек бўлардим, бироқ туну кун уч-қуйруқсиз ўйлар сурсам-да, уни айнан қайда учратганимни ҳеч эслаёлмадим, гоҳо телевизор экранида, гоҳо қай бир рангли журнал саҳифаларида, баъзан... баъзан эса шунчаки хаёлимда, ё тушимда кўргандек бўламан.

Лолахон янгамнинг антиқа ҳадяси ажралмас ҳамроҳимга айланди-қолди. Юрсам-турсам ўша шиша балиқча муқаддас тумордек қўлимда ё қўйнимда бўлди. Антиқа ҳадяни кечалар ҳеч кимга сездирмай тўйиб-тўйиб ҳидладим, ундан ўша учрашув куни жилмайганча бошим узра энгашган келинчакдан анқиган ўша хуш ислар таралаётгандек эди. Ҳатто уйқуда ҳам ўша алланечук хушбўйлар димоғимдан нари кетмас, қанча ҳидласам-да, қонмай, тамшаниб-тамшаниб чиқар эдим. Бир гал чўчиб уйғондим қаттиқ турткилашлардан. Тепамда онам ташвишу ҳадик билан башарамга тикилиб турган экан.

— Ҳа, сенга нима бўлди, Самад, — деди у қўлларини пешонамга босиб. — Иссиғинг йўқми, ишқилиб... Мунча тамшанасан, мунча энтикасан...

Онамнинг безовталаниб уйғотиши бежиз эмас экан. Узунқулоқ гапларга қараганда, уйқусида тамшанган одам ҳаёт лаззатига қонмай эрта ўлиб кетар эмиш, уйқусида тамшанган одам неларгадир илҳақ бўлармишу бироқ етишолмай лаб ялаб қолар эмиш...

Сафармурод ака фалокатга йўлиққан ўша оқшомдан сўнг орадан кўп кунлар ўтиб, Тошбиби чеча онам билан суҳбатлаша туриб, иқрор бўлишича эри шаҳарга кетишга қасд қилиб, дағдаға солган кеча, енгил уйқуга кетиб... тонггача тамшаниб чиққан экан!

— Нега шу тамшанаётган маҳал уйғотиб юбормадингиз, — дея куйинди онам Тошбиби чеченинг бўшанг башарасига тикилиб. — Уйқусираётганни биров уйғотиб юборса, кори-зиёни чекинаркан...

— Билмадим... — деб хаёлчан ерга боқди чавандознинг хотини. — Акангиз чарчаб, кеч қайтганди кўчадан, уйғотишга кўзим қиймади.

Дугонасининг ўша дил иқрорини онам орадан кўп ўтмай, оқизмай-томизмай отамга етказди:

— Сапар ака йўлиққан фалокат эсингиздами?

— Хўш, — деди отам нописанд. — Нима демоқчисан?

— Шу кўргуликнинг сабабларини билдим, —деди онам ишонч билан ва Тошбиби чечанинг айтганларини тўкиб солди.

Отам ҳамон нописанд нон кавшаб, чой ҳўплаб ўтирар экан, димоғида аччиқ-аччиқ кулиб деди:

— Сапарнинг уйқусида нима қилганини билмадиму, лекин у тўнка анови шаҳарлик модаларнинг изидан тамшаниб-тамшаниб қолгани чин ўша оқшом. Сўнг...

— Во-о-ой, — деди онам башорати буткул рад этилганидан хафа бўлиб. — Гапларингиз мунча заҳар... Болалар бор ҳам демайсиз-а...

Биз болалар — опам ва мен ўзимизча беэътибор, талаша-талаша чакки ялардик, бироқ гап-сўзларга қулоқларимиз динг эди.

— Мен билганимни айтдим-қўйдим, — деди отам эътирозларга эътибор бермай. — Керак бўлса, бу ҳангиларнинг аҳволини ҳамма кўрди...

Ўша оқшомги фалокатга мен ҳам гувоҳ бўлган эдим.

Шом пайти эди. Биз болалар қоронғулик тезроқ қуюқлашиб, тезроқ кино бошланишини бетоқат кутиб, ёзги клубнинг ичи-ташида ивирсиб юрардик. Тағин ўн-ўн беш чоғлик бекорчихўжалар иссиғу совуқдан ранглари униқиб, қуриқшаб-майишиб қолган узун ўриндиқларда тўзғиб ўтиришар, валақлашганича писта чақиб, папирос тутатишар эди.

Шу орада бир жуфт ялтироқ темир шарчаларни ғижимлаганича Ашур икки шериги билан пайдо бўлди.

— Ўв, Вали ака! — деб қичқирди у ёзги клуб эшигидан бостириб кирар экан. Зум ўтмай, пак-пакана, Вали ака — киночи йигит илжайганича Ашурнинг қаршисида бўй кўрсатди.

— Қандай кино опкелдингиз? Номи мунча узун... Ўлардай зерикарли-ёв, а?

Киночи йигит полвоннинг кўнглига мос сўз тополмай, чайнала-чайнала деди:

— Амерканики-да...

— Қизиқми? Анақа... анақа жойлари борми?

— Йў-ўқ, — деди Вали ака айбдорларча бош чайқаб. — Сизларга тўғри келмайди, полвонлар...

Ашурларнинг ҳафсаласи пир бўлиб изга қайтишди. Муқаррар бир жанжални кутиб турган киночи йигит уларнинг ортидан қичқириб қолди:

— Бу ҳафтада ҳиндча кино опкелама-ан!

Томошага илҳақ ўтирганлар ҳам, гап-сўзлар қулоқларига чалингач, ўзаро ғўнғиллашиб-тўнғиллашиб ўринларидан қўзғалиб қолишди.

— Расво кино экан-ку... Бир соатдан бери кутиб ўтирибман-а, — деди кимдир.

— Кетдик-э, — дея яна аллаким эшик томон йўналди. — Бундан кўра уч-тўрт қўл карта ўйнаб ташлаганимиз маъқул.

— Яхшиям Ашур полвон келиб қолди... Эсам... овсарланиб ўтираверарканмиз, — деди яна биров.

Шу пайт посёлканинг ўрта йўлида қуюқ чанг-тўзонга бурканиб, гоҳ чапга, гоҳ ўнгга қийшанглаганча «Ғиркўк — Москвич» кўринди!

— Ия-ия... — деди ноумид киноихлосмандлари орасидаги Қалқонов муаллим. — Томошанинг зўри бу ёқда бўлади-ёв...

Кимдир ташвишланиб қичқирди:

— Чавандознинг машинаси-ку?! Нима бало, ҳайдовчи мастми, дейман. Қаранглар... қаранглар!

Қараган қараб улгурди, улгурмаган тарақ-туруқ товушдан чўчиб тушди. Ўрта йўлда ғалати-ғалати қийшанглаётган «Ғиркўк — Москвич» қўққис клуб томон бурилиб кетдию йўл ёқасидаги бетон тўсиққа тарсиллаб урилди. Урилдию ўқчий-ўқчий овози ўчди-қолди.

Клуб ёнида анграйганлар фалокат юз берган ёққа дувва югуришди.

— Тамом, — деди кимдир ҳаллослаб. — Чавандоздан айрилдик!

— Ёнида яна биров борга ўхшайди-ку... Улаш агрономов, — деди аллаким.

Югурганлар етиб боргунча, сувсиз бетон ариқ лабида қия туриб қолган машинанинг икки олд эшиги очилиб, Сафармурод ва Улаш акалар гандираклаганича ерга оёқ босишди. Улар гоҳ тамшаниб, гоҳ энтикиб машинага тикили-

шар, бири латланган тиззаларини, бири рул чамбараги қисган кўкрагини силаб-сийпалар эди.

— Нима гап? Нима бўлди?! — дея ҳовлиқиб сўради Қалқонов муаллим биринчилар қатори етиб борар экан.

Сафармурод ака шилинган чап юзидан силқиётган қонни бир парча латтага арта-арта машинасига имо қилди.

«Ғиркўк—Москвич»нинг ўпирилган ўнг қаноти осилиб турар, ғижимланган қоғоздек копот томи остида синган-ушалган темир-терсак мурватлар сочилиб ётар эди.

Шу пайт совхоз директорининг «Нива» машинаси шитоб билан келиб тўда ёнида чийиллаганича тўхтади. Тўхтадию эшиклари шарақлаб очилиб, пайкаллардаги сув тақсимотини кўриб қайтаётган Чинор ака ва отам отилиб ерга тушишди.

— Сапар, ўзинг соғми? — деди отам ҳазилнамо, бироқ товуши тўла ташвишу ҳадик эди.

Чавандоз қалин мўйлови тақадек осилиб, абжақ машинасига хомуш тикилиб миқ этмай турар, Улаш ака эса оҳ-воҳлаб тиззаларини силаб-сийпалар эди.

— Икковиям ғирт маст, — дея аллаким директор томон шипшиди.

Чинор ака «Ғиркўк—Москвич»ни айланиб кўздан кечираркан:

— Охири ниятингга етибсан-да, Сапар, — деди афсус билан. — Марказдан бу ергача қандай қилиб эсон-омон ҳайдаб келдинг ўзи?!

Бошқалар ҳам гўё шу жумоқ устида бош қотириб туришгандай бири қўйиб, бири олиб ҳайратларини битдай тўка бошлашди:

— Қойил... Қой-йил-л...

— Худо би-ир асрабди-я...

— Чавандоз барибир чавандоз-да... Темирнинг ҳам жиловини тортишни билади...

— Ҳечқиси йўқ, — дея юпатган бўлди Қалқонов муаллим. — Уста Зовур икки кунда аввалгисидан ҳам зўр қилиб беради...

Сафармурод ака эса гап-сўзларга эътибор бермай, ногоҳ қимматбаҳо идишни синдириб қўйиб, отасининг жазосини кутаётган гўдакдай тиришиб-буришганча тобора қуюқлашаётган қоронғуликка сингиб борар эди.

Кўп ўтмай одамлар бақир-чақир билан абжақ «Ғиркўк – Москвич»ни чавандознинг уйи томон итариб кетишди. Отам эса ҳомон инграб турган қўшни — Улаш акани етаклаб жўнади.

— Пуф, — дея отам юзини тескари қаратди. — Қайгўрдан мунча ичдиларинг?

— Хайрлашув жафосига, ҳамсоя... — деди агроном-шоир ғудраниб.

— Тушунарли...

— Эргаш ака... — деди қўшнимиз алланечук йиғламсираган товушда. — Мен кетмасам бўлмайди... Шаҳарга кетаман...

— Тоза юракдан урибди-ёв, анови қанжиқлар, а?

— Ака... сиз...сиз... гўзалликни тушунмайсиз, сиз... муҳаббат нелигини билмайсиз... Кетаман... Шаҳарда фақат ижод билан шуғулланаман, шеърлар ёзаман, достонлар битаман...

— Яхши боринг...

— Эргаш ака... Менга ҳалиги... шаҳардаги катта шоир қариндошингиз бор-ку...

— Шунқор Ҳобилми?

— Ҳа... ҳа... Ўша кишининг адресини берсангиз... Шунқорбойни устоз, деб биламан... Унинг газет-журналларда чиққан ҳамма шеър, мақолаларини доим ўқиб, ёдлаб юрибман... Энди ўзи билан учрашиб, би-ир ҳурмат кўрсатсам, дегандим...

— Хўп... Уйга борайлик... Эртага ёзиб бераман...

Ўша кеч Улаш ака тағин тўс-тўполон кўтарди. «Кетаман! Гўзаллик шаҳрига кетаман...» дея бақириб-чақириб ҳовлисида ивирсиб кезинди.

Ниҳоят, Улаш ака эрталаб кетди! Бош оғриққа «юз грамм» излаб посёлка оралаб кетди. Йўқ, аввал бизнинг дарвозани тақиллатди. Дарвозани эринибгина очган отам:

— Ия, қўшни, сизми? — деди ясама ҳайрат билан агроном-шоирни бош-оёқ кузатиб. — Ҳали кетмадингизми?

— Э-э... Эргаш ака, — деди қўшни шишиб-кўпчиган қовоқларини ишқалаб. — Иш чатоқ... Хотин кетиб қолибди...

— Қаёққа?!

— Билмадим... онасиникигадир-да... Уйдагилар ҳам тумшайиб елка қисишяпти... Ака... юз грамм... сабил бош тарс ёрилай, деяпти...

— Қўшни, биласиз-ку, анчадан бери ичмайман. Бўлса жоним билан берардим...

Улаш аканинг қора́ башараси баттар қорайиб, қизарган кўзлари ҳасратли-ҳасратли сузилганча изига қайтди.

Отам чиндан-да сўнгги пайтлар, Абдулла ака билан «ошқатиқ» бўлган ўша тўй оқшомидан бери ичкиликдан тийилиб қолган эди. Ҳаттo қай бир кун, аллақайси чўл посёлкасида яшовчи қадрдон божаси меҳмондорчиликка келганда ҳам дастурхонга арақ қўймай ҳаммани таажжубга солди.

— Келинглар, шу зормандасиз ширингина ўтирайлик, — деди у.

Меҳмондорчилик ростдан ҳам ширингина, қувноққина ўтганди ўша кун.

Ўша куни отам, ногоҳ антиқа шиша балиқчамни кўриб қолди.

— Нима у? Қани бир кўрай-чи?! — дея ошхона ёнида болаларча қўлимга ёпишди.

Мен ғаройиб шиша балиқчамни отам одатдаги заҳархандаю ғижиниши билан бир чеккага улоқтиришини кутдим. Йўқ, у Лолахон янгамнинг ажойиб ҳадясини алланечук қизиқишу завқ-шавқ билан пича томоша қилгач, меҳмонхона томон кўз учида ишора этиб, «катталарга кўрсатма, тортиб олиб қўяди», дея жиддий тайинлади.

Мен эса катталар тугул, ўз тенгқурларимдан ҳам уни қизғанар эдим. Бир гал Кенгсой томонларда қўй-кўзи боқиб юрганимизда, атиги бир марта силаб кўриш учун ялиниб-ёлвориб шиша балиқчани қўлига олган Тўлқин жиғимга тегиш учун қайтиб бермай, ўзича олиб қочди. Тўлқин — отасидек баланд бўй, қорувли бола. Баъзан Дурбек иккovимиз биргалашиб ҳам уни ерга йиқитолмай доғда қоламиз. Аммо ўша қалтис ҳазил, ошнамга анча қимматга тушди.

Мен шиша балиқчамни опқочиб кетаётган Тўлқинга бир ҳатлаб етдиму ғаройиб бир куч билан уни ерга чалпак қилиб урдим. Тўлқин тиззаларим тагида ҳансираб ётар экан, рангрўйи қув ўчганча нарсамни қайтиб берди. Биздан андак нарида ҳазил-мазах билан кулиб ётган Дурбекнинг ҳам ўзўзидан саси ўчди. Иккаласи ўзаро маъноли-маъноли кўз уриштириб, менга аллақандай ҳайрату ҳадик билан тикилиб қолишди. Мен... мен негадир беихтиёр йиғлаб юбордим ўшанда.

Ўшанда биз ҳурпайишиб, жимжит қишлоққа қайтдик. Қишлоғимиз узоқ-узоқдан жазирама ҳовурида эрий-эрий оқиб кетаётган темир-бетон уюмларидек туюлар, теваракдаги парча-парча пахта пайкаллари бефаросатларча туфлаб юборилган носвой лахталари каби ёйилиб ётар, унда-мунда экинларга имиллай-имиллай ишлов бериб юрган техникалар ўша носвой доғларига ботиб қолган пашшалардек кўринар эди.

Биз дашту далалар бўйлаб чувалашиб кетган осма бетон ариқ — лотокнинг ёриқларидан кўпириб-сизиб ерга тўкилганча кўллаб ётган лойқа сув бўйида мол-ҳолларимизни суғориш учун оёқ олдик.

— Ия, қаранглар, — дея бир пайт қувонч билан қичқириб юборди Тўлқин. — Қаранглар, бизнинг эшак сув ичаяпти!

Чиндан-да Тўлқинларнинг, мулла Мирзага тегишли бақувват, чиройли ҳангини неча-неча марта арқонини узишга мажбурлаган ўша мода эшаги қўй-эчкилар тўпи ичида лойқа сувдан симирар эди.

Ҳалигина даштда юз берган кўнгилсизлик қувончларимиз тафтида эриб битгандай биз учовлон бир-биримизга мамнун жилмайиб термулдик!

— Хайрият... — деди Дурбек узоқ жим юрганидан қуриб қолган томоғини қириб-қириб.

— Яхши бўлди-я... — пичирладим мен ҳам.

Ахир, Тўлқинларнинг мода эшаги уч кундан бери емиш емай, сув ичмай қўйганди-да! Тўлқин уни минмай, кўнглига қараб, шунчаки, қўй-эчкиларга қўшиб боқиб юрар эди. Жонивор, мулла Мирза кўзларида ғилт-ғилт ёш айланиб айтгандай, уч кун аза тутди.

Уч кун бурун эрталаб биз мол-ҳолларимизни дашт томон ҳайдаб кўча чангитганча келар эдик. Қишлоқ адоғига етар-етмасдан мулла Мирза ҳовлисидан югургилаб чиқди. У безовталик билан теваракка аланглай-аланглай яқинлашишимизни бетоқат кутиб турди.

— Ай, болажонларим, — деди у саломимизга алик олиб. — Озроқ кўмаклашиб юборинглар, барака топкурлар.

Мулла Мирзанинг шоша-пиша тушунтиришидан англадикки, қариянинг бефаросат тракторчи ўғли, экин-тикин мавсумида уруғлик чигитдан «тежаб», оғил биқинидаги емхонага тўкиб қўйган экан. Ўтган тун беқарор қолиб бўшаб

кетган ҳанги емхонага дорибди. Уруғлик чигитнинг алла-қандай дориларга қорилганини бефаросат эгаси билмаган бўлса, жониворга йўл бўлсин?! Бечора заҳарли чигитни пок-покиза тушириб, тонгга етмай ўлиб қолибди...

— ... Жигитжонлар, зовургача судрашиб юборинглар, — деди мулла Мирза қат-қат ажинли терлаган юзини яктагининг барига артиб.

Биз астойдил рози бўлдик.

— Мулла бова, — деб қолди Тўлқин бир пайт, эшаги устида маҳкамроқ ўрнашиб. — Бизнинг манави модага торттирсак-чи?

— Биннойи... биннойи... — деб маъқуллади қария.

Мол-ҳолларимизни дарвоза ёнида бурун тортиб турган мулла Мирзанинг невараси қаровига топширдик-да, ичкари кирдик.

Дарҳақиқат, ҳовли этагидаги оғил ёнида ўша ҳанги, қалин, қоп-қора лабларини жийирганча жонсиз қотган, қария уни ўзича уч-тўрт қадам судраган, шекилли, кўкиш, дағал бадани хас-хашак, гўнг-тупроқ гардига булғанган, оёқлари жуфтлаштирилиб узун бир арқонга боғланган эди.

Мулла Мирза бошини сараклатганича ўғлию келин-нева-раларини сонсизликда айблаб тинмай жавранди.

Бир пайт Тўлқиннинг мода эшаги михлангандай таққа тўхтади. Узун қулоқларини диккайтириб, пиёладек-пиёладек кўзларини лўқ қилиб, аллақандай ҳайрату даҳшат билан беш-олти қадам наридаги ҳангининг лошига тикилиб қолди.

— Хих... хих... — дея Тўлқин уни нуқиб юришга қистади. Бироқ жонивор кўзларини лошдан ҳеч узмай, кенг бурун катакларини пирпиратиб, алланечук ҳирқираган товуш чиқариб, жойидан жилмай турди. Тўлқин аччиқланиб қўлидаги халачўп билан эшагини гоҳ бошига, гоҳ орқасига аёвсиз савалай кетди: «Хих... Хих...»

— Тўхта, улим, тўхта, — деди мода эшакни диққат билан кузатиб турган қария. — Урма... Қани орқага бур-чи? Кўчага боғлаб кел...

Тўлқин қайсар эшагини орқага бурар-бурмас, жонивор дарвоза томон юриб кетди. Кета-кета оёқ илиб, орқага, ҳангининг лошига қараб-қараб олишга ҳаракат қилди.

— Ай, жонивор-а, ай... — деди мулла Мирза кўзларида ғилт-ғилт ёш айланиб. —Шугиналарда ҳам кўнгил бор-а?! Ай... худойжанимнинг қудратига қаранглар-а...

Тўлқин мода эшагини дарвоза орқасидаги симёғочга боғлаб қайтди.

— Жигитжонлар, эҳтиёт бўлинглар, — деб тез-тез такрорларди мулла Мирза, тўртовлашиб эшак ўлигини дарвоза томон судрарканмиз. — Ишқилиб, у ёқ-бу ёғи шилинмасин жониворнинг...

Қуёш одатдагидек эрталабданоқ аёвсиз қиздирмоқда эди. Уй ёнидаги дарахт шохларида чумчуқлар асабий чирқиллашади. Бостирма биқинида боғлиқ турган қизғиш сигир «алвидо» дегандай узун «мў-ў»раб қўйди.

Ҳанги лошини судраб кўчага чиққанимизда, худди шуни кутиб тургандай, Тўлқиннинг жонивори яна қулоқлари диккайиб, кўзлари даҳшатдан бақрайиб ҳирқирай-ҳирқирай биз томон бир-икки интилди, боғланган жойида чир-чир айланди.

— Мулла бова, Тўлқиннинг эшаги йиғлаяпти, — деди бир пайт Дурбек симёғочга боғлиқ жонивор ёққа анқайиб боқаркан. — Ана, кўзлари яшовраб йиғлаяпти!

— Йў-ў-ўқ, — дедим мен ишонқирамай, устига-устак, билағонлигим қўзиб. — Кўзига кун тушиб ялтираяпти.

Қария икковимизнинг ҳам гапимизни маъқуллагандай хаёлчан бош ирғаб турар, кўзларида ҳануз ғилт-ғилт ёш айланар эди.

— Жонивор энди уч кун аза тутса керак, — деди мулла Мирза ҳамон ўйчан қиёфада бош тебратиб, афтидан, у аллақайси муллачилик китобларида ўқиганларини эслаб.

Қария ҳақ бўлиб чиқди. Тўлқинларнинг эшаги уч кун емак-ичмакдан бош тортиб, оғир хаёлларга чўмгандай, узун қулоқларини шалпиллатиб, кўзларини ярим юмган кўйи жонсарак юрди. «Ғиркўк — Москвич»нинг доғида куйиб кул бўлган Сафармурод ака тағин бир айрилиқ таҳдид солаётганидан ташвишланиб қолган, «Сен бирор ерда ёмон нарса едиргансан», дея Тўлқинни яхшигина калтаклаб олган эди. Бўлиб ўтган воқеаларни ўғлининг куйиб-пишиб айтиб беришлари эса чавандознинг баттар аччиғини келтирди, холос.

«Энангнинг эртаклари етмаётгандай, сен ҳам сафсата тўқишни ўргандингми, сирри...» дея тағин икки ҳисса

дўппослаганди. Ҳатто бизнинг холис гувоҳлигимиз ҳам юмшатолмади Сафармурод акани.

Ўша эшаги сувга интилган куни Тўлқин учун чинакам байрам бўлди. Аввало, Кенгсойдаги қилмиши касрига мендан ейиши керак бўлган уч-тўрт тепкидан қутулиб қолди, сўнг... уч кундан бери ташвишлантириб юрган жонивор емак-ичмакка майл билдириб, уни отасининг навбатдаги хуружидан қутқарди. Дўстим уйига бемалол керилиб кирадиган бўлди...

* * *

Лолахон келин келинмас, Тошбиби чечанинг эртакларидан чиқиб келган сулув ва оқила малика экан!

Бир пайтлар онамнинг мақтовларига шубҳа билан қараган ўша миш-мишчилар тўдасидан тортиб, қишлоқдаги энг камгап, одамови кампирларгача Файзулла ака хонадонидаги шаҳарлик хилқатни алқашгани-алқашган эди. Кимдир шундай келини, кимдир шундай қизи бўлишини орзулаб, тамшаниб-тамшаниб гапиради. Ҳатто Қалқонов муаллимнинг неча ойлардан бери оғир бир дард билан олиша-олиша ўлим тўшагида ётган хокисор хотини ҳам соппа-соғлардек ўрнидан туриб, довруғи достон шаҳарлик келинчакни муборак этгани Тошбиби чеча ҳамроҳлигида кириб келди. Посёлка эли тўшагида тиришиб ётган чала мурданинг шу пайтгача ҳазиллашгандай, ўрнидан туриб, кўчама-кўча кезиниб юришидан бир карра ажабланишган бўлса, касалманднинг айтганларидан минг карра донг қотишди.

— Мени Лолахон келин тирилтирди! — дебди Қалқонов муаллимнинг хокисор хотини. — Анови куни Хосият опа мен бечора яримжондан хабарлашгани борганди. Қўлидаги тугунчани олдимга ёйи-и-б қўйди. Қарасам, аллатавур-аллатавур пиширикдар. Илгари бунақасини телвузўрда кўрардик, ҳавасланиб-ҳавасланиб кўрардик. Қандайдир иштаҳам қўзиб кўчага интилдим. Хосият опа далда берди, ош бўлсин, енг, сиз учун келиним атай пиширди, деди. Мана, шу... Лолахоннинг кулчасидан татингандан бери жоним қайтди...

Хокисор хотиннинг эътирофларига барча баб-баравар ишонмаган эса-да, бироқ Лолахон келиннинг қўли ширин пазанда эканига аллақачон барча ишониб улгурган эди. Ай-

ниқса, унинг озгина уну озгина шакардан, озгина гўшту озгина ёғдан ўн беш-йигирма чоғли кишини тўйдирадиган хилма-хил тансиқ таомлар тайёрлаши тўғрисидаги миш-мишларни барча қулт-қулт ютиниб чайнашар эди.

— Ана ҳўнару мана ҳўнар, — дея шанғиллабди Дурбекларнинг момоси. — Бизнинг эл эса қозон-қозон гўшт қайнатиб ҳам тўртта меҳмонни эплаб тўйғазолмайди...

Момонинг бу иддаонамо шамаси келини — Майсара янгамга оғир ботган экан. У бир куни бу ҳақида онамга дарду ҳасрат қилгач, онам эса бу жаврашларнинг Майсара янгамга ҳеч бир алоқаси йўқлигини, момо оққўнгилгина, шунчаки қаричиликдан айтганини тушунтириб аранг дугонасини тинчлантирди.

— Ҳай, дугона, — деб қолди бир пайт Майсара янгам сирли жилмайиб. — Зумрадхон ҳамсоянгиз қайтиб келибдими, а?

Онам ҳам сирли-сирли кўз қисиб жавоб берди:

— Ҳа, ўлгур шоир акамиз анови шаҳарлик таннозларга илакишиб бечорани анча сарсон қилди-да...

— Иби... нимасини айтасиз, дугона. Шу беҳаёларнинг касрига Тошбибимиз ҳам эридан ажраб қолаёзди. Чавандоз акам «шаҳарга кетаман»лаб юрак-бағрини қон қилди-я?!

— Ҳа, шоир акани айтмайсизми? Уч-тўрт кун маст-аласт, «кетаман шаҳарга» деб ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чиқарди.

— Ай, айтганча, ака агрўнўм тағин бировга ошиқ бўб қолибдими, а?

Онам ҳамон сирли-сирли жилмайганча тикилиб турган Майсара янгамга бир зум сирли-сирли имо-ишоралар қилгач, иккови ҳам гўё келишиб олгандек, баб-баравар қаҳ-қаҳ уриб юборишди.

Ҳа, Улаш ака, ҳа-ҳа, ўша агроном, ҳа-ҳа, ўша шоир, устига-устак Ўроқларнинг «тўй оқшоми»да моҳир раққос ҳам эканини эл-юрт олдида исбот этмиш ўша тиканак соч, қорамағиз, дўрдоқ лаб қўшнимиз, ҳалиги... шаҳарликлар машмашасидан сўнг тағин бир карра ишқ дардига мубтало бўлгани чин эди. Бу ҳангомани Сафармурод ака ҳижжалаб-ҳижжалаб, гўё шиша тубидаги сўнгги томчиларни ҳам силқитиб олаётгандай, ҳеч бир тафсилотни исроф қилмай, етмаганига ўзидан пича-пича қўшиб гапириб берган.

Ўшанда биз туман марказидан бозор-ўчар қилиб қайтаётган эдик. Тез кунлар ичида бошланиб қолажак янги ўқув мавсумига тараддуд кўриш, зарилман уст-бош, китоб-дафтар сотиб олиш учун отам мени, Сафармурод ака ўғли Тўлқинни эргаштириб олганди. Негадир якшанба бўлишига қарамай, туман марказидан посёлкамизга қатновчи шалтоқ автобусда йўловчилар сийрак эди. Оталар бир ўриндиқда, биз ўғиллар бир ўриндиқда ястаниб олдик.

Шалтоқ автобус кучанганча қариллаб-ариллаб борар эди. Гоҳ катта-кичик экин пайкаллари, гоҳ сап-сариқ яланг-ликлар дераза ёнидан лип-лип ўтмоқда. Назаримда, автобус жазирама остида қизиб-кўпчиб ётган асфальт устида оёқлари жазиллаб-жазиллаб куйганидан чидаёлмай, зориллаб-зориллаб, орқа-олдига қарамай елиб бораётгандек туюлганди ўшанда. Ўшанда автобус тез-тез силкиниб олар, ҳар силкинганида салонни чанг-тўзон пардаси қоплар, ярим очиқ деразалардан шовуллаб-гувиллаб кираётган гармсел ҳам бу ғубор пардаларини тўзғитиб юборолмас эди.

Отам ва Сафармурод ака олд томонимиздаги ўриндиқда гоҳ мудраб, гоҳ ғўнғир-ғўнғир гурунглашиб боришяпти.

— Анови... жанон шу автобусда борганди-да, — деб қолди бир пайт Сафармурод чавандоз сирли ўшшайиб.

Отам чимирилганича сўроқлаганди:

— Қанақа жанон? Нималар, деяпсан?!

— Анови-чи... Улаш қурғурни шоштириб ташлаган...

Отам яна бир зум чимрилиб тургач, тақамўйлов бўйинсаси неларга ишора этаётганини англади, шекилли, юзига енгил бир табассум югириб, деди:

— Ҳа, уми... ишқилиб... ўзлари ҳам шошиб қолмадиларми?

— Жиғимга тегаверма, биласан-ку, бизники аллақачон пас... Ўша куни...

Чавандознинг ҳикоя қилишича, ўша куни Улаш ака иккови магазин ёнидаги сersоя қайрағоч тагидаги ўриндиқда вақт пешиндан оққан маҳали карта ўйнаб, пивохўрлик қилиб ўтиришган. Ахир, бу чўл посёлкасига онда-сондагина пиво келтирилади! Шу эл учун аллақаерлардандир куйиб-пишиб тансиқ ичимлик ўмариб келган дўкондорнинг меҳнатини қадрламаслик инсофданмас, ахир! Шу боис бу икки улфат, инсоф юзасидан, ўн-ўн беш шиша пивони олдиларига олиш-

ган. Қурғур, бу тансиқ ичкилик ҳам ўткиргина экан, магазин ёнига туман марказидан қатновчи автобус тисиллаб тўхтаганида ҳар икки улфатнинг ҳам кўзлари анчагина сузилиб қолибди. Бир пайт... автобус эшигидан уч-тўрт йўловчидан сўнг бир соҳибжамол аёл тушиб келганмиш! Икки улфат ўша тараф анграйганча қотиб қолибди! Аёлнинг қопқора, калта кесилган сочлари елкасида соғлом биянинг ёлидай ёйилиб ётганмиш, ҳаворанг, енгсиз калта кўйлак бўлиқкина қоматини сириб, кўкрагу сонларини бўрттириб-бўрттириб турганмиш, калта кўйлак этагидан кўзга ташланиб турган, умрида кун кўрмаган силлиқ оёқлари мисоли мармар эмиш. Номаълум аёл жазирама тиғидан паналаб-паналаб мўъжазгина чарм сумкасини юзига пана қилганича магазиндан андак наридаги мактаб ҳовлисига тезгина кириб кетибди. Ё, худо, ойдек чеҳрасини яширган бу нотаниш сулув ким?! Кимникини кўзлаган меҳмон у? Ё, шунчаки мактабга иш излаб келган янги муаллимамикан?! Тайин гапки, тайинсиз шундай саволларга жавоб олиш учун улфатлар йўловчиларни тушириб эндигина қайтишга ҳозирланаётган автобус ҳайдовчисини бир ҳўплам пивога таклиф этишган. Кўйлаги тердан ола-қуроқ, тобоқдай-тобоқдай юзлари қопқора ҳайдовчи ҳам ортиқча тихирлик қилмай, жазирамадан нолий-нолий улфатлар ёнига келганмиш.

«Қайгўрдан топиб келдингиз бундай офатижонни, — дея сўрабди агроном-шоир мактаб томон кўз учида ишора қилиб. — Тинчимизни бузди-ку?!»

Аллақачон пиво тўла шишалардан бирининг лабига лаб босиб улгурган ҳайдовчи гап авзоини дарров илғаб сирли-сирли кўз қисган, ниҳоят, лаб-лунжи сипқор-сипқордан бўшагач, бепарвогина қўл силтаб, дебди:

«Марказдан минганди автобусга. Қўяверинглар, тинчи бузилган фақат сизлармас, нариги совхозда тушиб қолган икки эркак ҳам еб қўйгудек термулиб келишди унга. Охири, туша-туша бечоранинг билагидан тортқилаб ўзлари билан олиб кетишмоқчи ҳам бўлишди. Лекин, қурғур, бир қарғаб берганди, ура қочишди. Ну... гўзалгина аёлкан, бай-бай...»

«Вой, аблаҳлар-ей...» — дея жаҳл билан қўлларини мушт қилибди агроном-шоир, ҳатто ҳозироқ бориб ўша шилқимларни дабдала қиладигандай ўтирган ўрнидан туриб ҳам кетганмиш.

Сафармурод аканинг бот-бот такрорлашича, агроном-шоир ҳалиги номаълум сулувнинг хаёлотига шунчалар ғарқ бўлганки, ҳатто ҳайдовчининг уч-тўрт шиша пивони тезгина тинчитиб, омонатгина хайрлашиб жўнаворганини ҳам сезмаган, нуқул «уф» тортиб мактаб ҳовлиси томон умидвор боқканча ўтираверган.

Чавандознинг тағин қайта-қайта қасам ичиб таъкидлашича, у Улаш улфатига ўзича насиҳатлар қилган, бундай бекорчихўжалардек ялпайиб ўтирганимизни Чинор кўриб қолса, керагидан ортиқ дакки еймиз, иннайкейин, эл-юртнинг кўзига балодек кўринамиз деган, улфатини тинчгина иш-ишига тарқашга ундаган. Бироқ Улаш ака ўзича ҳаммасига тупирган, ҳатто Сапар ака, сиз ҳам инсонни тушунмайсиз, соф инсоний туйғуларни қадрламайсиз, дея ўпкагинали минғирлаган эмиш. Шу пайт агроном-шоирнинг соф инсоний туйғулар оловида ёниб бораётган юрагига сув сепмоқчидай челак кўтарганча мактаб ҳовлисида Қундуз муаллима пайдо бўлибди. Икки улфат имо-ишоралар билан ундан «бир минут»га келиб-кетишини илтимос қилганмиш. Қундуз муаллима ҳайрону лол қиёфада иддаоли-иддаоли яқинлашибди.

«Мактабга янги муалима келдими?» дея сўрабди агроном-шоир минг бир хушомаду ялтоқланишдан сўнг мақсадга кўчаркан. Қундуз муаллима гап авзоини дарҳол илғаб, сирли-сирли илжайганча дебди:

«Йў-ўқ... у юқоридан келган комиссия. Янги ўқув мавсумига қандай тараддуд кўрганимизни текшириш ниятида. Хўш-ш... Яна қандай саволлар бор, акалар?..»

Мўлжалдаги сулувнинг охури анчагина баландлиги тоза умидсизлантирган, ҳойнаҳой, агроном-шоир баттар ғуссага чўмиб, анча пайт бош қашлаб қолибди. Чавандоз эса азбаройи улфатига ичи ачигандан, чиқмаган жондан умид қабилида сўз қотибди:

«Қундузхон, ўзингиздан қолар гап йўқ, Улаш акамиз... совхознинг энг обрўли кишиларидан, ҳалиги... мутлоқ иш юзасидан комиссия билан таниши-иб, би-ир суҳбатини олмоқчи эдилар...»

Қундуз муаллима тилла тишларини ярақлатиб-ярақлатиб қаҳ-қаҳ урибди, сўнг терилган қошларини чимира-чимира озғин юзларига ўзича жиддий тус бериб деганмиш:

«Йў-ўқ, тўғри келмайди. Бу ойимтиллалар катта-катта ресторанларда, катта-катта театрларда ҳузурланиб ўрганишган... Оддий иш юзасидан ҳам ўшандай ерларда гаплашишади булар... Билмадим... Улаш акам... бу чўлу биёбонда қандай кўнглини овлайди унинг...»

Қундуз муаллима ҳиринглаб-ҳиринглаб мактаб томон йўрғалабди. Чавандоз эса улфатининг қўлидан тортқилаб, тағин кетишга ундаганмиш, ҳаммасига тупиринг агроном, у сизга арзимайди, деганмиш. Шу орада магазиндан ғилай сотувчи чиқиб келиб бўш шишаларни йиғиштириб ола-ола ҳисоб-китоб даҳмазасини қистириб ўтган. Улфатлар, одатдагидек, насия дафтарига илдириб қўйишни ўтиниб сўрашган, ғилай ҳам тўнғиллай-тўнғиллай рози бўлган.

Бир пайт... бир пайт хушбичим юзларида қув бир табассум порлаб Қундуз муаллима тағин мактаб ҳовлисида пайдо бўлганмиш!

«Акалар... даллоллик ҳақини кимдан оламан? — дебди у таманнолар билан яқин келиб. Сўнг гўё бегона кўзлардан яширинаётгандай теваракка ўзича бир аланглаб олиб пичирлай кетибди — «Акалар, бу ойимтилла ҳам анчадан бери зерикиб юрган экан. Секи-и-ин ниятларингизнинг бир учини чиқаргандим, кўзлари порлаб, оғзининг таноби қочиб кетди. Айниқса, Улаш акамнинг шоир эканини эшитиб қотди-қолди. Оз-моз танийман, газеталарда шеър-мақолаларини ўқиганман. Қани энди шундай талантли улуғ инсонлар билан суҳбат қурсанг, деб хаёли қочди. Хуллас... акалар, элчию совчига ўлим йўқ... Мен агроном акамга совчи бўб келлим...»

Қундуз бир пичирлаб, бир ҳиринглаб ахборотини тугатганида Улаш ака улфатини ҳам унутиб, мактаб ичкарисига учиб киришга хезланиб турганмиш.

«Ишқилиб... — дебди у овози алланечук бўғилиб, — ишқилиб, мактабда бегоналар йўқми? Ҳалиги... одам кўпми, демоқчиман...»

Қундузхон ҳануз илжайганча жавоб берибди: «Ҳамма тушгача ишларини тиндириб кетган, мана, битта мен комиссияга тутилиб қолдим...»

Муаллима гапира-гапира ошиқлар сардорига бир қур ўзича синчков-синчков назар солибди. Омадни қарангки, ўша куни тушгача аллақандай мажлисда қатнашиб келган агроном-шо-

ирнинг уст-боши бинойидеккина, соқол-мўйловлари қир-тишланган эди.

«Фўрмангиз, вўҳ... — дебди Қундузхон бош бармоғини ҳавога нуқиб. Сўнг бирдан эсига тушиб қолгандай сўрабди:

— Ака, ҳалиги... шеър-перларингиздан ҳам ёнингизда борми?..»

Агроном-шоир илжайиб шимининг орқа чўнтагидан ихчамгина тахланган, анча-мунча оҳори тўкилиб қолган қоғозни олиб кўрсатибди.

Сафармурод чавандознинг бот-бот таъкидлашича, бу қоғозни у ўша машҳур тўй оқшоми ҳам улфатининг гоҳ қўлида, гоҳ кўкрак чўнтагида кўрган, афтидан, табрик сўзи айтиш навбати тегмаганидан, агроном-шоир бу қоғозда битилмиш ашъорни халққа маълум қилолмай армонда қолганмиш. Аммо керакли юк ер искамас деганларидай, ўша матоҳ қарангки танг бир маҳал тағин улфатининг жонига оро кирибди.

Ниҳоят, ўз совчиси етовида ошиқлар сардори мактаб ҳовлисига дориганмиш. Чавандоз эса... эндигина катта кўча тараф юзланиб даласига равона бўлмоққа чоғланиб турган ҳам эканки, яна Қундуз муаллима ҳолу жонига қўймай, сас берибди: «Ия, чавандоз ака, йўл бўлсин, сиз ҳам бу ёққа келинг, нима, булар суҳбатлашиб ўтирганда, мен зерикиб ўлишим керакми, ё, сиз... бизни... а?..»

Сафармурод ака нодон жувоннинг нодон сўзларидан хўб азиятлар чекиб, ноилож уларга эргашибди.

Бир пайт... бир пайт ошиғу зорини кутавериб тоқати тоқ бўлганми, ё ҳужжат-қоғозларни титкилай-титкилай бўғриқканидан тоза ҳаво истаб қолганми, ишқилиб мактабнинг қўштабақали кириш эшигидан ўша, барчанинг тинчини ўғирлаган, барчани ўзига шайдо қилган, ўша-ўша кийимию ўша-ўша ясан-тусани билан ўша соҳибжамол текширувчи... йў-ўўғ-ей... Зумрадхон чиқиб келганмиш!

Сафармурод аканинг қайта-қайта қасамлар ичиб, бир ҳиринглаб, бир пичирлаб таъкидлашича, ораларида иккиуч қадам қолгунча, қўшнимиз Зумрад опани таний олмабди, у-ку майлику-я, Улаш ака ҳам ўз «шахсий» хотинини осонликча таний олмабди! Қачонки, юзма-юз келишгач, тўрт боласининг онасини, неча-неча йиллик ёстиқдошини

аранг таниб, ранг-рўйи ўзгариб, япасқи бурнининг катаклари пир-пир учиб, ҳайрату ҳаяжон, уяту жаҳл аралаш-қуралаш бир овозда чийиллаб юборибди:

«Зумрад?! Ўзингми? Бу ерда нима қилиб юрибсан, шармanda?! Шарманда, турқингга бир қара! Йўқо-о-ол! Ичкари кир!..»

Эрининг зардасисиз ҳам Зумрад опа чавандозга кўзи тушгач, аллақачон мактаб ичкарисига ўзини урган экан! Улаш ака хотинининг изидан ваҳшат билан бостириб кирганмиш. Энди уларнинг даҳанаки жанги — айтишуви мактабнинг кимсасиз, бетон йўлагида жаранглаб-жаранглаб эшитила бошлабди.

«Нега бундай қилдинг, ўв, жодугар?!»

«Сизга ёқиш учун, шоир ака. Ахир, сиз шундай ясантусанни ёқтирасиз-ку?!»

«... Бўлди, бас! Уйга юр, ўша ерда гаплашамиз!»

«Иби... бу аҳволда бир қадам ҳам боролмайман. Ўзи шу ерга етиб келгунимча ҳам минг ўлиб, минг тирилдим. Уйдан у-бу кийимларимни...»

Агроном-шоир ғазабу уятдан бўғриқиб, гўё кимдир тепиб юборгандай ташқарига қайта отилиб чиқибди. Чиқибдию қўш табақали эшик ёнида беармон кулиб ётган улфатию совчисига боқмай, қўлларини мушт қилиб ўзича тўнғиллабди: «Кўрсатаман унга, уйга борсин... ҳали кўрсатаман...»

Сафармурод ака ўшанда ҳангомасини тугатаркан, ҳамон тугамаган кулгудан лаб-лунжи бўялган чармдай чўзилиб-чўзилиб, деди:

«Сўнг... уйга бориб кўрсатган-кўрсатмаганидан бехабарман. Шу-шу, қурғур, Улаш уч кеча-кундуз қора бермади...»

Ўшанда мен негадир чавандознинг аччиқ ичакдек чўзилган ҳикоятига ишонқирамадим. Негадир Зумрад опани сочлари кесилган, калта ва тор кўйлак ичида билқиллаган, афтангори хўб бўяб-бежалган ҳолда тасаввур этолмадим. Бу хушчақчақ ва шаддод қўшни аёл, негадир ҳамишагидек узун, кенг халатига ўралашган кўйи, гажак-гажак соч толалари дуррачаси тагидан паришон тўзғиб, хушбичим юз-кўзларида енгил бир табассум қалқиб хаёлотимда жонланиб турар эди.

Зумрад опа алланечук ҳинд киноларидаги гўзалларни эслатиб юборади. Ўзидаги бу ноёб ўхшашликни ўзи ҳам бинойигина пайқаса керак, у қишлоғимиз клубида қачон ҳин-

дий томоша қўйилса дарров етиб келар, экранга яқин олд ўриндиққа ястаниб, ўзига ярашган шўх-шаддодлик билан гоҳ кулиб, гоҳ шанғиллаб ҳамманинг диққатини ўғирлашга уннар эди.

Ўша икки улфат пивога бўкишган, агроном-шоир гўзаллик фитнасига йўлиққан куни ҳам бир пайтлар Вали киночи Ашур ва унинг жамоасига ваъда қилган ҳиндча фильм клубимизга келтирилган, каттаю кичик тезроқ кеч кириб томоша бошланишини жонсараклик билан кутишган эди. Бироқ бу ҳиндий томоша Зумрад опага насиб этмаган экан. Аллақачон оғиздан-оғизга ўтиб, бутун посёлка бўйлаб, чала ёнмиш тезак дудидай тарқалиб улгурган ҳалиги мактаб ҳовлисидаги машмашалардан уялдими, ё баъзи бировлар таъкидлаганидек, эру хотин бир-бирига соғинчли сийловлар кўрсатиб андармон бўлиб қолдими, ишқилиб на Зумрад опа, на ошиқ эри, уч кеча-кундуз бўсаға ҳатлаб ташқари чиқмаган эди.

Ўша кеч ҳинд киноси уларсиз бошланиб кетди.

Ёзги клуб ҳамишагидек томошаталаблар билан тўлиб-тошган, завқу шавқ, ҳайрату ҳаяжон ҳаддидан ошган, барча қаршисидаги баланд бетон деворга қопланган оқ сурп — экранга кириб кетгудай анграйган, ур-тўполон, қий-чув анча-мунча тиниб қолган эди.

Бир пайт... эндигина экранда ўтли бир муҳаббат қиссаси бошланиб, жўшқин бир куй-қўшиқ авж пардасига олган ҳам эдики, клубнинг эшиги қия очилиб, Ўроқ ва Лолахон янгам сидрилибгина ичкари киришди. Юзлаб нигоҳлар экран ёруғида уларни дарров илғади. Ҳалигина экрандаги хушманзара чорбоғ бўйлаб бир-бирини қувлаб, эҳтиросли-эҳтиросли куйлаб ўтган, тиниб-тинчимас ошиқ-маъшуқ сидирилибгина томошабинлар ёнига тушгандай барча бахтиёр келин-куёвга қизиқсина-қизиқсина термулиб қолишди.

Биз болалар одатдагидек орқа ўриндиқларни забт этган эдик. Мен эшикдан кириб келганларга кўзим тушгандаёқ ич-ичимда қувонч қўзғалиб, жонсараклик билан бўш ўрин излаётган Ўроққа, «бу ёққа келинглар», дегандай имо-ишоралар қилдим.

Келин-куёв пайпаслана-пайпаслана, бетон зиналарни оҳиста-оҳиста босиб, унда-бунда тик қотганларга туртиниб-суртиниб биз томон кўтарила бошлашди.

Ўроқ ҳануз шаҳар нуқси кетмаган оҳорлигина кўйлакшимда, Лолахон янгам эса кенг-мўл атлас кўйлак-лозим кийган, калта, қуюқ сочларини қизғиш дуррачаси тагига йиғиб олган эди.

Мен ёнимдаги Дурбекни ҳам бир авраб, бир биқинига турткилаб келин-куёвларга жой беришга кўндирдим. Ўроқ ва Лолахон икковини кузатиб ётганлардан уялишдими ё кинонинг айни қизғин палласини ўтказиб юборишдан чўчишдими, ишқилиб, ортиқча мулозаматсиз, ўзларидан алланечук хушбўйлар тарата-тарата биз бўшатган жойга ёнмаён чўкишди. Лолахон янгам ўтира-ўтира кенг-узун атлас кўйлагининг этакларини йиғиштириб оларкан, мен томон майин жилмайганча, «раҳмат, Самаджон», деб қўйди. Унинг оппоқ, теп-текис тишлари, йирик-йирик кўзлари ғира-шира ёруғда порлаб кетгандай бўлди.

Дурбек икковимиз ён-веримизда серрайганларнинг сафини тўлғазиб, қизғин бир олишув бораётган экранга тикилдик.

Мен ҳануз ич-ичимдан қувонар эдим. Кинодан кўра Лолахонни томоша қилгим келар, шу сабаб беихтиёр, гоҳ энгаша, гоҳ узала томон тикилиб-тикилиб қолар эдим. Менинг бесаранжом туришимни Лолахон янгам ўзича тушунди, шекилли, биз ёққа қиё боқиб шивирлади:

— Самаджон, чарчадингизми? Ўтирасизми? Келинг...

У экрандан кўз узмай ўтирган эри томон анча-мунча сурилди. Мен бўшаган жойга шоша-пиша ўзимни ташладим. Ташлай-ташлай ҳар тарафдан адоватли термулиб ётган тенгқурларимга, айниқса, Дурбек билан Тўлқинга ғолибона-ғолибона қараб олдим.

Айни чоғда теваракни тўлдириб турган-ўтирган, қишлоқнинг бўй қизлари ҳам суюкли томошаларини ҳам унутиб, Лолахондан ҳайрату ҳавас тўла кўзларини узишмас, пайт пойлаб-пайт пойлаб, худди минг йиллар кўришмагандай минг бир табассуму имо-ишоралар билан саломлашишга уринишар эди.

Аслида улар деярли ҳар кеч учрашардилар. Деярли ҳар оқшом қишлоқнинг бўй етган қизлари тўп-тўп бўлиб, Лолахон янгамнинг уйига йиғилишар, шаҳарлик келинчакнинг камтарона сепини қайта-қайта завқ-шавқ билан томо-

ша қилишар, гоҳ пичирлашиб, гоҳ чувуллашиб, Лолахонни саволларга кўмиб ташлашар эди:

«Янга, муҳаббат нима?! Бахт-чи?..»

«Янгажон, бир кўришда севиб қолиш мумкинми?..»

«Ўз севгингиз ҳақида айтиб беринг, илтимос...»

«Ҳеч ким билмасин, янгажон, кеча бировдан анақа... хат олдим... айтинг-чи, дарров рози бўлайми, ё...»

«Янга, севгида шаҳарликлар зўрми, ё қишлоқликлар...»

«Ўпишаётганда аввал юзни тутиш керакми, ё лабни, яширманг, янгажон... »

Янгажон ҳам ҳеч туганмас сўров-саволларга ҳеч эринмай, эмин-эркин жавоб берар, қизларнинг кўнглини топишга тиришар эди. Кўп ҳолларда сирли суҳбат тун ярмидан оққунча давом этиб, тоқати-тоқ бўлган Ўроқ эшик орқасида томоқ қира-қира бўғилавергач, кўзлари ҳамон суҳбат иштиёқида порлаб турган қизлар тамшана-тамшана тарқалишади. Эртаси куни кийинишдаю юриш-туришда аллақачон шаҳарлик келинчакка тақлид қилиб улгурган қиз-жувонлар сафи тағин бир тўп янгилар билан тўлар, тунги сабоқлар самарасидек севиб-севилишлар гуркирагандан гуркирар эди.

Биз болалар яна хат ташувдан бўшамай қолган эдик. Ўроқ астойдил тавсия этган бўлса керак, Шербек мени ўз «почтачи»лик хизматига олди. У Шабнам билан, ҳа-ҳа, ўша хиёнаткорликка ошкора исён сифатида аллақачон ўз жонига қасд қилиши керак бўлган, Қалқонов муаллимнинг қизи билан аҳду паймон қилиб улгуришган эди.

Ўша оқшом ҳам ҳинд киноси бошланишидан андак илгари Шербекнинг галдаги оташин мактубини чапдастлик билан Шабнамга етказдим. Шабнам эса гўё чўнтагига хат эмас, нақ Шербекнинг ўзини жойлаб олгандай, хотиржам сақич чайнаб, қад-қоматидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истаётган каби экран ёруғига атай ўзини солиб, бутун томоша давомида тик турди.

Ўша оқшом ҳиндий томоша қизигандан-қизиган маҳал мен ўзимни беҳад бахтиёр ҳис этар эдим.

Ёнгинасидан жой берган Лолахон янгам экрандан кўз узмай, ўнг қўлини елкамдан ошириб қулайроқ ўрнашиб олишим учун мени ўзига яқинроқ тортди.

Алланечук хуш ислардан алланечук бошим айланиб кўзларим сузилиб кетди. Ҳув, Майсара янгамнинг баҳайбат кучоқлари қанчалар ғашимни қўзғаган бўлса, айни чоғда шаҳарлик келинчакнинг момиқ биқинларига қадалиб ўтириш шунчалар ҳузур бағишлар эди.

Мен беихтиёр бошимни Лолахон янгамнинг елкасига қўйдим. Лолахон янгам эса ҳануз экрандан чақноқ кўзларини узмай, узукли бармоқлари билан сочларимни силай бошлади.

Экранда қоқ манглайида қип-қизил холи бор, узун-узун киприклари қайрилма бир қиз лайливаш-лайливаш қўшиқ куйлаяпти. Куй-қўшиқнинг сеҳрли оҳанглари, авжли-авжли пардалари мени қоп-қора, момиқ бахмалдай қоронғулик оғушига сингдириб юбораётгандай эди. Мен тобора сархуш тортиб, юмилиб-юмилиб бораётган кўзларимни ортиқ бошқаролмай қолдим...

* * *

Ўша йили куз ўрталарида Ашур аскарликка кетадиган бўлиб қолди! Одатда, ҳар чақирув мавсумида қишлоғимиздан, ҳеч қурса, беш-олти бўз бола ҳарбий хизматга сафарбар этилар эди. Аммо Файзулла ака хонадони бахту омаддан сармаст бўлиб ётган ўша куз биттагина Ашур полвонга чақирув қоғози келди. Бу ғалати ҳол шусиз ҳам қўйин-қўнжи шону шуҳратга тўлиб-тошган Ашурнинг тағин обрўсини ошириб юборди.

— Шер йигит-да, шер йигит, — дея мақтанди Сафармурод чавандоз, чайир полвоннинг ҳамишаги мухлиси ва ҳомийси. — Шу, занғар ҳарбийлар ҳам шербаччанинг ўзи беш-олти такасалтангга татишини билишган. Шуйтиб, қолган бўз болаларни бу куз безовта қилмаган...

Аскарликка чақирилдию Ашир кўча-кўйни ҳеч кимга бермай қўйди. Калла суяклари, бақувват жағ-даҳани, сочи устарада тоза қиртишланганидан баттар бўртиб-бўртиб кўринар, оғзида сақич, юз-кўзида нописанд ва лоқайд ифода, «Электроника» магнитофонни қучоғидан қўймай кечаю кундуз чинқиртиб юрар эди. Илгари ичкилик деган зормандани аҳён-аҳёндагина, унда-мунда, баъзи бировларнинг қийин-

қистови билангина оз-моз оғзига оладиган, ўзи бот-бот бодиларча таъкидлаганидек «фўрмаси бузилиш»дан чўчийдиган Ашур полвон ароқхўрликдан бўшамай қолди. Аввалига аскарликка чақириқ қоғози келганини, сўнг сочи устарада қиртишланганини, кетар санаси аниқ тайин этилганини «ювди», шу орада, гоҳ у дўстиникида, гоҳ бу дўстиникида уюштирилган хайрлашув зиёфатларида «кетар жафосига» бўкиб-бўкиб ичди. Бу ҳам камдай, гўё ҳарбий хизматда сўзсиз талаб қилинадиган амалдек, кашандаликни ҳам бинойигина ўрганиб олди. Бўлажак аскарнинг кунаро маст-аласт бақир-чақирлари, уриш-жанжаллари ҳеч кимни ташвишлантирмас, гўё ҳарбий хизматга отланган ҳар бир ёш учун шундай бемазагарчиликлар мумкиндай кулибгина қўйишар эди.

Одатда аллақачон аскарлик муддатини ўтаб қайтганлар, эндигина сафар тараддудини кўраётган бўз болаларни ҳолу жонига қўймай, ҳарбий хизматда ўзини қандай тутиш кераклигини, командирлар билан нечук муомалада бўлиш маъқуллигини эзмаларча тушунтириб толмасди. Бироқ Ашурга ҳеч ким бундай билағонлик қилишга ботинмас, гўё бу чайир, чапдаст йигитча рисоладагидек, гўё унинг «кўзўр» аскарлардан бўлиб, юртдошлари юзини ерга қаратмаслиги тайиндек қўлларини сиқиб-сиқиб қўйишади.

Одатда қулоқ-чаккасини кўмиб турган сочлари қириб ташлангач, бўлажак аскарлар бор-йўқ ҳусну жамолидан айрилиб, очилиб қолган шалпангқулоқларини, савағичдек бўйинларини қизлар олдида кўрсатишга ийманиб пана-паналаб қолишади. Ашур эса енгсиз, атай тор тиктирилган кўйлагининг тугмаларини киндигигача ечиб, қайроқдай-қайроқдай мушакларини намойишкорона ўйноқлатиб, кинолардаги тақирбош бандитлар каби ўз тўдаси қуршовида қиз-жувонлар пахта териб юрган пайкалларда изғиб юрар, мулла Мирзачасига айтганда, «номаҳрам заифа»ларга ўзича ҳазил-ҳузуллар қилар, баъзи бир чаққон теримчилар тўплаган, ўзларидан катта қоп-қоп пахтасини, совчи аёлнинг тугунидеккина қилиб хирмон жойга чиқариб тўкар эди. Бироқ биз — неча-неча ошиқ-маъшуқларни «қўлдан ўтказган», уларнинг сиру асроридан хабардор болалар Ашурнинг, кўрган кўзни қувонтирадиган чақмоқдай йигитнинг, бирон- бир қиз билан «куйдим-ёндим» бўлганини пайқамас эдик.

Одатда йигитларнинг қиз-жувонларга кўрсатган ҳазил-ҳузулларида, тегажоқликларида алланечук яширин меҳр, алланечук интиқлик бўлади. Ашурнинг эса қўполларча қизларни қитиқлаб ўтишида, ҳиринг-ҳиринг гапга тутишида қандайдир ижирғаниш, ошкора нописандлик кўзга ташланади. Қишлоқнинг ор-номуси саналмиш машҳур полвоннинг ана шундай бармоққа санчилган зирапчадек озорли феълини «номаҳрам заифа»лар зийракларча сезишса керакки, Ашур билан ҳуркиб-ҳуркиб, зўрма-зўраки илжайиб муомала қилишар эди. Биз болалар, ҳаммамиз учун ҳурмат-иззатли «акахон»имизнинг бундай совуққонлигидан, бирор қиз билан сирли-сирли кўз уриштириб, бизнинг беминнат «почта» хизматимизга иши тушмаётганидан ҳайрону лол қотган эдик.

Ахир ҳайрону лол қотмай бўладими, ёзнинг ўша жазирама кунлари Ўроқ ва Лолахон ўша олис шаҳри азимдан қимматбаҳо атир-упаларнинг хушбўйига қўшиб, алланечук сирли-сирли, алланечук тотли-тотли ҳис-туйғулар ифорини ҳам келтиришган, ўзлари ҳам пайқамай, бутун қишлоққа, бутун дала-даштга сочиб юборган экан!

Файзулла ака хонадонидаги тўйда дарё бўлиб оққан ароғу винодан кўра, ўша тотли-тотли ҳис-туйғулар ифоридан боши айланиб, кўзи тинмаган, юрак-бағри ўртанмаган ёш-яланг қолмаган экан! Ахир ҳайрону лол қотмай бўладими, фақат Ашур полвонгина ноёб ҳис-туйғулар ифоридан бегона, ўз шон-шуҳрати ифоридан мастлигича қолаверган экан! Ёш-яланглар ўз йўлигаку-я, ҳатто туппа-тузук, сочига оқ оралай бошлаган бола-чақали кишилар ҳам ўша тотли ифорлардан боши айланиб, юракларни ширин ўртовчи майллар измига тушиб қолишган экан! Ўша чавандоз ва агроном-шоирнинг бошидан ўтган-ўтмаган машмашалар ҳали одамларнинг оғзидан тушмай туриб, тағин тез таъсир этувчи микробдай тарқалган «янги ва янги, хилма-хил» мишмишлар шу ҳолдан дарак берарди.

Эмишки, жонажон савхўзимизнинг жонкуяр директори Чинор Тоштемирович анақа... «анақа масалалар»да ҳам жонкуяр чиқиб қолганмиш! Уч-тўрт ой аввал не сабабдандир эрдан ажралиб келган Қундуз муаллима иккови мисли Лайли-Мажнун эмиш!

Эмишки, осонликча бировга тишининг оқини ҳам кўрсатмайдиган Абдулла бадқовоқ туман марказида яп-янги «Жигули»сига суқсургина бир жувонни ўтирғизиб, сирли-сирли илжайиб, чақчақлашиб кетишганини кимдир кўрибди!

Эмишки, мулла Мирза ҳам эрта-индин ихчамгина саллясини пўрим шляпага алмаштириб, сийраккина соқолини қиртишлаб, ҳазрати Лангар ёққа — кўз остига бостирган бир аёлни излаб, ҳай-йу-ҳуйт, дея жўнаб кетаймиш. Алла-қандай катта даврада, Машраби девонадек, кўзларига ёш қуйилиб шундай, деган эмиш! Аммо бу ғирт ёлғон эди. Ахир, ўша давра гурунгини мен ҳам эшитганман.

Шербекнинг хуфиёна учрашувга чорловчи галдаги сирли хатини Шабнамга қандай тутқазишни билмай уларнинг дарвозаси ёнида гарангсиб турардим. Ўша оқшом Шабнамларникида кичик бир худойи-маърака ўтказилаётган эди. Йўқ-йўқ, бу худойининг муқаррар дор сиртмоғидан, тағин муҳаббат қучоғига қайтган қизга сира-сира алоқаси йўқ, бу Шабнамнинг онаси, Қалқонов муаллимнинг хокисор хотини, яъни ким мулла Мирзанинг суюкли қизи оғир бир касалликдан қутулиб, оёққа турганлиги учун, шунчаки, шукрона тариқасида ўтказилаётган маърака эди. Бир неча кун илгари қадрдон тоғлар қўйнидаги ҳазрати Лангар ота қадамжосини зиёрат қилиб қайтганиданми, ё суюкли қизининг дарди аригани-данми, ишқилиб, мулла Мирза ўша маърака оқшоми суяги енгил, анчайин қувноқ, жағи-жағига тегмай гурунгни қизитиб ётар эди. Лампа ёруғидан чарағон ҳовлидаги чорпояда беш-олти киши шўрва ичиб, гап чайнаб ўтиришибди.

— Лангар отага бардамгина бориб келдингизми, мулла бова? — дея сўраб қолди бир пайт чой шопираётган Сафармурод чавандоз.

— Тузук... тузук... ҳозир у ёққа гиёлогларнинг автобусга ўхшагич қора мошинаси қатнайдиган бўпти. Ҳузур қилиб бориб келдим. Лекин... пича чатоқ бўлди-да...

Ўтирганлар андак сергакланиб, мулла Мирзага саволчан тикилишди. Қария эса тиззаларига шаппатилаб, ўзича ҳе-ҳе-ҳелаб кула кетди.

— Ҳа, мулла бова, тинчликми? — дея сўради отам қизиқсиниб-қизиқсиниб.

— Тинчлик эмас, ҳе-ҳе... Эргашбой, тинчлик эмас... Ҳе-ҳе...

Ўтирганлар ўз гапига ўзи ҳузурланиб кулиб ётган қарияга энди тааҗжуб билан қараб туришарди. Отам яна бетоқат гап қотди:

— Мунча чўздингиз, айтинг-да, биз ҳам кулайлик...

— Ай... айтгилиги йўқ... ай... шарманда... ҳе-ҳе... Лангар отадан ҳалиги гиёлўт мошин билан яна қайтиб тушаётиб эдик, ҳе-ҳе-ҳе, биласизлар, қурғур, йўл нотекис, ўйилиб-қазилиб ётибди... Мошиннинг усти зиёратчиларга тўла, ҳе-ҳе... Бир маҳал улов қурғур, лоп этиб бир ариққа тушиб кетиб, ёнбош бўп қолди. Мошиннинг устидаги зиёратчилар чувчувлашиб, остин-устин бўп кетти... Шу десаларингиз... ҳе-ҳе-ҳе... шу десаларингиз... ҳе-ҳе... зиёратчилар ичидаги бир номаҳрам заифа... ҳе-ҳе... хушрўйгина аял бил-қиллаб қучоғимга келиб тушса бўладими... ҳе-ҳе-ҳе...

Мулла Мирзанинг ҳикояти тугар-тугамас ўтирганлар баб-баравар пихиллаганча кулиб юборишди.

— Хийла ачом-ачом бўб ётгандирсизлар-ов, а, мулла бова? — дея савол қилди кулгудан кўзлари ёшланган Сафармурод ака.

Шабнамнинг бобоси чавандознинг саволидан сергакландими, ё қизиқ устида чув туширганини тўсатдан сезиб қолдими, ёнбош ётган жойидан илкис қад ростлаб, тушиб кетган ниқобини қайта таққан қароқчидай, чуваккина башарасига жиддий ва ўйчан тус бериб, «астағфурулло... астағфурулло...» дея бош чайқай кетди. Бироқ ўша «номаҳрам заифа» ҳамон қучоғида типирчилаб ётгандай, ҳамон кўзларини ҳузур билан юмиб, беихтиёр лаб-лунжини ялаб-ялаб қўярди.

— Мулла бова, — дея аранг гап қотди кулгудан юмалаб ётган Чинор ака. — Худо би-ир берган экану йиғиштириб ололмабсиз-да, а?

Қария теварагидаги кулгую гап-сўзларга эътибор бермаётгандай, ҳануз тавбалаганча бош чайқаб, яна ҳамишаги мўмин-қобиллик мавқеини тиклаш учун тиришиб ётарди. Бироқ ғишт қолипдан кўчганди. Ўтирганлар беихтиёр тилидан илинган чолни гап билан ҳар ёнидан турткилай кетди:

— Етаклабгина келавермабсиз-да, а, мулла бова? — деди отам хўриллатиб чой ичаркан.

Шу пайттача хокисор хотинининг тузалиб кетганидан хафадай тумшайиб ўтирган Қалқонов муаллим:

— Буғалтер бованикидан ўтадиган бир вечер-тўй қилардик-да, — деди ҳиринглаб.

— Кечаю кундуз белгинани уқалатиб ётардингиз-да, мулла бова, — деди Чинор ака сирли-сирли кўз қисиб.

Сафармурод чавандоз эса овозини атай баландлатиб-баландлатиб кариллади:

— Мулла бова, ичимизда таҳоратликкина ўзингиз эдингиз, энди сиз ҳам айнибсиз, биз нодонларга йўл бўлсин?!

Ўша оқшом чавандоз ўзича танбеҳ бера-бера қаршисида ўтирган бўйинсаси — Чинор акага негадир қадалиб-қадалиб қараган, 41-совхоз хўжалигининг директори эса, ҳойнаҳой, «анақа... аңақа» жонкуярлиги ҳақидаги миш-мишлар чин бўлса керак, кўзларини у ён-бу ён опқочиб, оқсоқ оёғини гоҳ ёйиб, гоҳ йиғиб жонкуярларча типирчилаб қолди.

Мана, шундай амалдорни-да типирчилатиб ташлаган мулла Мирзадек мўмингина қарияни анча-мунча маломатларга қўйган, ўша алланечук сирли-сирли, тотли-тотли, бош айлантириб, кўз тиндирадиган ҳис-туйғулар ифори Ашур полвонга ҳануз-ҳануз бегона. Аммо у ўз шону шуҳратининг ифорига кўмилиб, боши айланмай, кўзи тинмай юрар эди.

Аскарлик хизматига жўнаб кетишдан атиги икки кун илгари Ашур полвон тағин олқишу таҳсинлар гултожини кийди, 41-совхоз ўзининг ўтда ёнмас, сувда чўкмас, ор-номусни ҳеч қачон қўлдан бермас мард-жасур ўғлонини ҳарбийликка кузатаётганига яна бир карра амин бўлди. Сафармурод чавандоз эса ҳамишагидек бу сержилва шону шуҳратнинг, бу обрў-эътиборнинг бари ўзиникидай, ўзича қувона-қувона типирчилаб юрар, тақасимон қалин мўйловини ўйчан силаб, «эҳ, биттагина от бўлса эди», дея ғудранар, сўнг қаршисида тулпор ўйнатиб турган Ашур чавандозни хаёлида жонлантириб, завқу шавқ билан бош чайқаб илжаяр эди.

Ашур полвонни олис ва оғир сафар олдидан, гўё ҳеч ажралгиси келмаган қадрдондай шону шуҳрат яна бир карра ялаб-юлқаб ўтган ўша кун Тоғай тоға, Тоғай почтачи, йўқ-йўқ, биздай ёлланма эмас, чинакам, давлат идораси томонидан тайинланган почтачи кенжатойига, ўзи камтарона таъкидлаганидек, «супра қоқди» ўғилчасига данғиллама суннат тўйи қилган эди.

Тоғай тоға — каттаю кичикни «жиян-жиян»лаб муомала қилгани учун каттаю кичикка оддий «тоға», бироқ почта хизмати учун, жонкуярларча елиб-югуришни хуш кўрадиган инжиқ касб учун ҳайратомуз кадр, йирик намоянда эди!

«Бу тепса-тебранмас тўнкани гўштга топширсанг, совхўз бир йиллик гўшт планидан қутулади, — дейишади алам билан баъзи бир шошилинч телеграммасини бир ҳафтадан сўнг олганлар. — Турқини қара-я, зардоби силқиётган чакки тўрвага ўхшайди. Кўпчиган бетида биттаям туки йўқ, илдизини ёғ куйдириб юборган-ов...»

Тоғай тоға баъзан дўмбира чертиб, бахшиёна-бахшиёна куйлаб унча-мунчани оғзига қаратиб қолди. Тайин гапки, юксак туйғулар санъатини қадрловчи Улаш агроном-шоир бу бефаросатликка чидаб туролмайди.

«Кийимларига қаранглар-а, — деб қолади у баъзан, гўё барча кўргуликка бахши тоғанинг уст-боши айбдордай. — Бу гўнг халтага лойиқ кийим чиқарадиган фабриканинг ўзи йўқ, шекилли, а? Нукул, марказдаги тотор чеварга кийим тиктириб кияди. Ўзиям, курғур, матоси брезентга ўхшайдия, чокляриям бақувват, бақувват...»

Тоғай тоға ўз ички ва ташқи қиёфасига мос матонат кўрсатиб, унча-мунча майда-чуйда гап-сўзларга эътибор бермайди, бор-йўғи, ювошгина илжаяди, илжая-илжая гўё ичи қораларнинг фисқу фасодидан тозаланаётгандай, қишин-ёзин тер силқиб турадиган қоп-қора, гўштдор манглайини кафти. билан сидириб-сидириб қўяди, илжая-илжая гўё кўролмасларнинг ғийбатидан фориғ бўлаётгандай, қанор каби кенгмўл чолворига илашган гардларни эринибгина қоқиб-қоқиб ташлайди. Сўнг ўзидай оғир карвон, биқинлари ёғ-мойдан исқиртланган кажавали «Урал» мотоциклини пат-патлатиб туман марказига хату хабар учун жўнаб кетади.

Тоғай тоға одатдаги почтачилар каби жонсаракларча уймауй изғиб, хату хабар, газета-журнал тарқатиш ўз ички ва ташқи сиёсатига зидлиги туфайли туман марказига бориб-қайтган кунлари совхоз идораси биқинидаги мулла Мирзанинг тунги бошпанаси — қоровулхонага қулайгина ўрнашиб олар, бир эснаб, бир мудраб идорага кириб чиқаётганларни, катта кўча бўйлаб ўтиб қайтаётганларни кузатиб ўтирар, почта тўрвасидаги хат-хабарга алоқадор бирор киши пайдо бўлса, дарров чақириб омонатини топширар, гоҳо

баъзи дардисар хат-хабарни, эгаси йўлиқмагач, икки-уч кундан сўнг учраб қолган эгасининг қўшнисига, ё қўшнисининг қўшнисига тутқазиб енгил тин олар эди.

Файзулла ака хонадонида данғиллама тўй бўлиб ўтган ўша жазирама ёзнинг жазирама кунларидан бирида не сабабдандир идора ҳовлисида ивирсиб юрган пайтим қоровулхонада ҳарсиллаб-лорсиллаб ўтирган Тоғай тоға имлади:

— Ай, жиян, берман кел!

Қизиқсиниб қоровулхонага яқинлашдим.

— Эргаш қичитқи ўтнинг арзандасимисан, а? Ўхшайсан... Бу ёққа кир!

Мен қоровулхона эшигидан бош сукдим. Тоғай тоға моғорлаб кетган, қотган нону папирос иси анқиётган почта тўрвасини имиллаганича ковлашга тушди. Ниҳоят, қирралари унча-мунча сийқаланган хатжилд чиқариб узатди:

— Манови хатни... ҳалиги... ўзинг доим дум бўлиб юрадиган анови... шаҳарлик келинга тутқаз, хўп?

Мен хатни шоша-пиша қўлга олдим. Тоғай тоға эса ҳануз ўз-ўзига гапиргандай норизо тўнғиллади:

— Буғалтер бовага бериб қўяй десам, қурғур, у ҳам уч кундан бери бедарак. Аллақандай мажлисни баҳона қилиб марказдан бери келмай қўйди. Биламиз, қандай мажлисда юрганини. Ҳозирги катталар...

Мен Тоғай тоғанинг пўнг-пўнгини деярли эшитмадим. Кувончдан қулоғим кар, кўзим кўр эди: «Лолахон янгамга хат!»

Юрагим тошиб, оёқларим чалишиб идора ҳовлисидан чиқдиму уй томон югурдим.

Қуёш аёвсиз ёндиради. Чопганим сайин яланғоч тўпиқларимга иссиқ тупроқ сачрар, енгил гармселдан юзларим тандирдек қизир эди.

Яхши бўлди-да, кўпдан бери Лолахон янгамни қандай севинтиришни билмай юрган эдим. Ахир, у ҳамиша ёнида олиб юради мени. Оппоқ, лўппи бармоқларини қорнимга нуқиб, «сиз кўриқчимсиз, қароқчилардан қутқармасайиз кўрасиз» дея ёлғондакам пўписа қилиб, ҳар хил, ғалати таъмли конфетлар билан сийлар эди.

Мен эса унинг кулганда, чимирилганда қалдирғоч қанотидай қиялаб-қиялаб кетадиган қоп-қора қошларига, хушбичим бурнига, қирмизи лабларига анграйганча илжайиб тураверaман.

Тоғай тоғанинг танбаллигига таҳсинлар айтиб, хатни қўлтиғимга қисган кўйи чопқиллаб борар эканман, Лолахон янгамнинг олдида тағин обрўйим ошишидан, йўқ-йўқ, унга анчайин нафим тегаётганидан, йўқ-йўқ, шу баҳона шаҳарлик келинчакнинг қувончдан ял-ял товланган юз-кўзини кўришдан севиниб энтикар эдим.

Қўшнимизнинг қия очиқ дарвозасидан кирдиму тандир ёнида куймаланаётган, дағал юмуш кийимлари ҳам ярашиб турган шаҳарлик келинчак томон югургиладим.

— Янга, сизга хат бор!

— Кимдан экан? — дея сўради шаҳарлик келин жилмайиб.

— Билмадим...

Ўша хат-хабардан сўнг орадан икки-уч кун ўтиб Файзулла ака хонадонидан тоғдек-тоғдек тугунлари билан оғир бир карвон олис шаҳар сафарига отланди. Бу орада Хосият хола ўзига, тўғрироғи, шаҳарга муносиб ҳамроҳ топиш учун хийла югуриб-елди. Охири Қундуз муаллимани, Абдулла аканинг димоғдор катта келинини бир амаллаб катта саир саёҳатга кўндирди. Ўроқ ва Лолахон ўзларини бепарво кўрсатишга тиришса-да, алланечук ҳаяжон, безовталик барибир юз-кўзларида қалқиб-балқиб турар эди.

Ўша кунлар туман марказидаги «академия»сини бир амаллаб битқазиб келган Ашур кўча-кўйда чапаниларча ивирсиб юрар, қайда тўй, қайда курашнинг дарагини эшитса Сафармурод чавандоз етакчилигидаги бир тўп тарафкашлари қуршовида ўша ёққа шов-шув билан юриш қилар, ҳамишагидек, уст-боши гард-тупроққа ва шону шуҳратга беланиб қайтар эди.

Тоғай тоға данғиллама суннат тўйида, данғиллама кураш томошаси бўлган ўша кун эрта-индин ҳарбий хизматга жўнаб кетиши тайин бўлган Ашурдан мухлислари хийла хавотирда экан. Ахир, чайир полвон сўнгги ўн-ўн беш кун «кетар жафосига», «хайрлашув жафосига» дея неча-неча ароқ шишаси билан олиша-олиша аллақачон ҳолдан тойганди-да! Аммо у мухлисларнинг «ҳозирча фўрмадан чиқиб қолдинг», деб норози бош чайқашларига қарамай, ўз абгор ҳолига боқмай, «пўчта тоғанинг тўйида би-ир кураш тушиб даврани қизитай», дея маст-аласт хархашага зўр берган, охири, катта кураш томошаси бошланиб кетган майдонга —лампа-чироқлар кундуздек чароғон қилиб турган мактабнинг ҳайҳотдек стадионига қараб жўнаган.

Ўша пайтда биз болалар сершовқин ва бесаришта тўйхонани тарк этиб, катта кураш томошаси бўлаётган майдонда ҳозиру нозир эдик.

Тун кеч куз кечаларига хос салқин ва сокин. Қоп-қора осмонда ғужғон ўйнаб ётган юлдузлар паришон мўлтирашади. Кенг-мўл давра қуриб турган ёшу қари, каттаю кичик томошаталаблар ғала-ғовур билан, ёғоч қириндиси қалингина тўшалган ҳоварда бир-бирини гоҳ силкилаб, гоҳ сургаклаб юрган полвонларни қизғин кузатишади. Даврадан жой тегмаганлар томоша майдонига тақаб тўхтатилган юк машиналарию тракторларнинг томларида айқаш-уйқаш ўрнашган кўйи ҳоварга анграйишган.

Биз учовлон — Тўлқин, Дурбек ва мен бир маҳал томошабинларнинг зич ҳалқасидан худди анор доналаридек ситилиб чиқиб қолдик. Тўғрироғи, гоҳо кимнингдир қўпол гавдаси ҳоварни булутдай тўсганидан, баъзи бефаросатлар оёқларимизни босиб-босиб кетганидан, баъзан аллакимлар елкаларимизга тирғалаверганидан безор бўлиб, типирчилай-типирчилай, тисарила-тисарила давра сиртига чиқиб қолдик.

— Қани, уйга марш! — деб пўписа қилди кимдир, биз яна одамлар орасига суқила бошлаганимиздан ғашланиб. — Жўнанглар, болаларнинг олиши тамом бўлди-ку!

Шу пайт олдимиздан гандираклаган кўйи Улаш ака ўтиб қолди. У ҳалигина тўйхонада хотин-халаж учун атай уюштирилган «концерт» томошасини бошқарган, нуктадонлигу шеърхонлик қилиб роса бити тўкилган эди.

— Улаш ака! Шоир ака! — дея баб-баравар унга ёпиша кетдик биз. — Даврага киргизиб қўйинг, томоша қилолмаяпмиз...

Агроном-шоир юз-кўзларимизга чимирилганча бир зум тикилиб турди-да, ғўлдиради:

— Юринглар изимдан...

Биз давранинг нариги биқинига айланиб ўтдик. Улаш ака олиш қизғин бораётган ҳоварга аланглаётган одамлар тўпини ёриб ўта-ўта хириллаб, деди:

— Ўв, полвонларга йўл берайлик!

Томошабинлар беихтиёр сергак тортиб, у ён-бу ён сурила бошлашди. Биз пайтдан фойдаланиб агроном-шоир изидан қоқила-сурила давра ичига ўтиб олдик.

— Шуми полвонлар? — деб тўнғиллади кимдир алданганидан алами тошиб.

Улаш ака овоз келган ёққа бир ўқрайиб қўйди.

Биз полвонлар учун совринлар — турли-туман гиламлару газламалар уюлиб турган жой — қўшхона устидан чиқиб қолибмиз. Қўшхонани ҳануз шаҳарча оҳори тўкилмаган Ўроқ ўзича қўриқлаб ўтирар, гўё тенги йўқ полвондек, гўё шунча соврин-мукофот фақат ўзига тегишлидай юз-кўзлари бахт-иқболдан жилваланар эди.

Ўроқ чиндан-да полвонларнинг полвони эди!

Ўроқ чиндан-да, совринларнинг совринини аллақачон қўлга киритган эди!

Ўроқ бахт-иқболдан минг кулиб, минг қийқирса арзийди! Ахир... ахир, Тоғай тоғанинг тўйидан уч кунча аввал Лолахон янгам унга қўчқордай ўғил туғиб берган эди!

Ўша куни яшин тезлигида тарқалган бу хабарни эшитганлар аввалига завқу шавқ билан қийқириб юборишди, сўнг нафас чиқармай, андак ҳайрату андак таажжуб билан, бармоқларини букиб-букиб, ҳижжалаб-ҳижжалаб ой-кун санашга тушиб кетишди. Бироқ арифметиканинг минг бир усулига солиб, минг қайта санашса-да ҳеч ҳисобини чиқаролмай бошлари қотарди: «Наҳотки, тўққиз ойни олти ойда уддалашган...»

Охири, чин, оташин муҳаббат меваси эрта пишса керагов, деган битимга келишдими, ё Файзулла ака хонадонидан таралаётган бахт-саодат таровати барча шубҳа-гумонларни тумандай тарқатиб юбордими, ишқилиб, бутун маҳалла-кўй, тезкор туғишу туғдириш теварагида ортиқ сафсата қўзғамади, қайтам, Файзулла ака хонадонини мурғак зурриёд билан астойдил, қизғин муборакбод этишди.

Ўша катта кураш томошаси авж палласига чиққан кеча қўшхонани қўриқлаб, табассумларга кўмилиб ўтирган Ўроқ — бахтиёр ота бизларни қабатига таклиф этди. Биз учовлон ҳеч бир такаллуфсиз чоғроққина шолча устига қулайгина чўнқайиб олдик.

Давра гоҳ шавқли қий-чув, гоҳ безовта ғала-ғовур ичида қалқиб турибди. Ўртада енгсиз, ёқасиз, кураш учун атай тикилган калта яктак, кенг-мўл иштон кийган икки норғул-норғул полвон ўзаро олишмоқда.

Даврага отам бош баковул эди. У баковуллик тимсоли бўлмиш чакмонни елкаларига елвагай ташлаб у ён-бу ён юриб, зериккан бир қиёфада курашни кузатмоқда. Бош баковулга кўмакчиликка тайинланган яна бир, бизга нотаниш, яғриндор, ярғоқ бош киши, қўлида хипчин билан ўзича тартиб сақлаб юрар, қизиқ устида ҳоварга суқилиб қолган мухлисларни гоҳ ҳайҳайлаб, гоҳ итариб-суриб жойига қайтарар эди.

Отам аслида кўпкарию курашни хушламайди, «тиррик жанжалкашларнинг эрмаги», дейди ғижиниб. Бироқ худди атайлагандай, қишлоғимизда бўладиган кўпгина кураш томошаларига қўярда-қўймай, уни баковулликка тайинлашади. Аммо бу, отам ўзи киноялн таърифлагандек, «уч соатлик халифа» бўлиш унга алланечук ярашади. Ўзи ҳам сезмай, совуққон, жиддий қиёфага кирар, юлибу мағлуб полвонларни холисона ажрим қилар, унча-мунча «тиррик жанжалкаш»ларни икки оғиз аччиқ-тизиқ гапи билан ҳовридан туширар, гоҳо ҳамишаги ҳазилкашлигию ҳозиржавоблиги қўзиб, даврани гурра-гурра кулгуларга кўмар эди.

Ўша катта кураш томошаси авж палласига чиққан кеча, биз бахтиёр Ўроқнинг қабатига кулайгина чўккан маҳал, «уч соатлик халифа»нинг ана шундай ҳазилкашлиги қўзиб қолди.

— Ҳа-а-аҳ, азаматлар, сустлашманглар! — дея овоз берди отам анчадан бери бир-бирини судраб, дадил-дадил, чаққон-чаққон ҳаракатлар қилмай, ҳаммани зериктириб юборган полвонларга ўзича танбеҳ бериб. — Даврани қизитиб-қизитиб курашинглар! Совринни ҳалоллаб-ҳалоллаб олинглар! Ахир, пўчта тоға бу пулларни ҳалоллаб-ҳалоллаб, бир-бир сўмлаб нафақадан йиққан!

Баковулнинг киноясини бинойигина тушунган томошабинлар орасида гур-гур кулгу кўтарилди.

Чиндан-да, «пўчта тоға» — Тоғай тоға қарияларнинг, болаларнинг нафақа пулини берадиган кунларигина идора қоровулхонасидан қўзғалар. «Урал» мотоциклини пат-патлатиб кўчама-кўча изғир, ҳар бир нафақахўрга омонатини топширгунча, уч-тўрт қоғозга имзо чектириб олгунча ўчоқдай-ўчоқдай башарасида силқиб ётган терни кафти билан сидира-сидира ювош илжаяр, илжая-илжая почта хизматининг бутун заҳм-заҳматини сўзсиз, изоҳсиз тушунтирар,

тушунган нафақахўрлар эса нафақаларидан озгина-озгина «нафақа» ташлаб кетишар эди.

— Ҳа-а-аҳ, бўшашманглар! — дея баковул яна полвонларни тезлади. — Ё, ҳақ камми? Начора, ҳали нафақалар ошган йўқ...

Шу орада худди осмондан қулагандай, шундоққина биқинимизда Сафармурод ака пишиллаб пайдо бўлди. У ҳеч кимга эътибор бермай совринлар уюмига ёнбошлади-да, ҳамон курашаётган полвонлар атрофида ўралашиб юрган баковулни пайт пойлаб-пайт пойлаб имлади. Отам ноқулай чимирилганча яқин келди:

— Ҳа, нима гап?

— Ашур полвон, — дея ғулдиради чавандоз, — харкаша қилаяпти, кураш тушмоқчи...

— Кураш тушмоқчи? Ғирт маст-ку?!

— Йў-ў-ўғ-ей, бир пиёлагина ичганди...

— Барибир, унинг ҳозир олишишга ярамайди, — деди отам бош чайқаб.

— Эргаш... Бир қўйиб олмасак бўлмайди Ашурни, кураш тушса тушсин... Эсам, жанжал чиқариши мумкин...

Шу пайт даврада гурра қийқириқ кўтарилди. Кўпдан бери судрашиб юрган полвонларнинг новчароғи анча-мунча сергакликни йўқотган рақибини чалиб йиқитган эди.

— Ҳалол, — деди отам полвонларга яқин бориб. — Ғолибнинг ҳақини беринг!

Шу орада биз кирган тарафдан одамлар даврасини нописандларча ёриб ўтган Ашур полвон ва икки оғайниси ҳануз совринларга суянганча турган Сафармурод аканинг ёнига бориб чўнқайиб ўтиришди.

Ашур полвон кенг қорасатин чопонга бурканганича тап-тақир бошига айвони кенг кепкани бостириб олган, ўғри мушукникидек аланг-жаланг кўзлари ҳозиргина бир-бирини ёғоч қириндисига қориб ўринларидан туришган полвонларга қадалган эди.

Сафармурод чавандоз тағин пайт пойлаб-пайт пойлаб отамга им қоқди. Отам аччиқланган кўйи келди-да, Ашур полвоннинг қўлидан иддао билан тортиб турғазди. Турғаздию ғала-ғовур, безовталик қўзғалган давра бўйлаб етаклай бошлади:

— Халой-и-иқ, шу полвон баччага талабгор борми?..

Ҳамиша елкаларигача қоплаб турадиган узун, қуюқ соч-дан мосуволиги, устига-устак, кенг чопонга бурканиб олгани Ашурни алланечук ориқ ва нимжон кўрсатар эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик уни танимай, бирор амалдорнинг кураш кўнгли тусаб қолган арзандаси бўлса керак, эсам баковул томдан тараша тушгандай дарров етаклаб қолмасди, деган хаёллар билан туришар эди.

— Қани, шу полвонга... — отам иккинчи бор чорлашга улгурмади. Давранинг икки тарафидан икки талабгор отилиб чиқди. Улар анчадан бери қулай фурсат кутиб ўтиришган шекилли, ҳар иккиси ҳам полвонлик либосида эди.

Отам талабгорлар ичидан бирини танлаб чавандознинг дардисари билан қўл тутқазиб кўриштирди. Ашур кўришар-кўришмас, бир ҳатлаб Сафармурод акаларнинг ёнига қайтдию устидаги чопонини тажангларча ечиб отди. Ечиб отдию кураш кийимидаги чайир, мускуллари ўйноқлаган гавдаси бутун давранинг кўзига чўғдек кўринди.

«Ия, Ашур полвон-ку бу!..» «Тақир бошда танимабмиз-а, ўзимизнинг шер-ку?!» деган ғала-ғовурлар эшитила бошлади.

Бу орада муқаррар ғалабанинг исидан маст даврани бетоқат айланиб юрган талабгор ҳам рақибини таниб тараша-дек қотди. Сўнг ўз устига чапаниларча бостириб келаётган Ашурдан ошкора чўчиб, беихтиёр давра бўйлаб тисарила бошлади. Ҳовардаги вазиятдан завқ-шавққа тўлган томошаталаблар ўртасида гур-гур кулгу кўтарилди.

— Ҳа-а-аҳ, полвонжонлар, шўх-шўх курашинглар, — деди баковул. — Ҳақларингни ҳалоллаб-ҳалоллаб олинглар!

Ҳалигина отилиб чиққин талабгор ҳамон Ашурдан ошкора қочиб юрар, гоҳ томошабинларга, гоҳ баковулга нажот тилагандек жонсарак-жонсарак кўз ташлаб олар, Ашур эса талабгорнинг тўрга тушган товушқондек типирчилашидан ҳузурланиб, атай ҳужумни пайсалга солар, ёлғондакам пўписалар билан рақибини беармон қувлар эди.

— Ғалати полвон экан, — деб қўйди шундоққина тепамизда тик турган серсавлат киши, негадир завқли-шавқли қаҳқаҳаларга қўшилмай. — Қуёндай қўрқаяпти-ю, таслим бўлиб қолишга орланаяпти.

Шу пайт Ашур чаққонлик билан рақибини ўзига бир силтаб тортиб, шаҳд билан белидан ошириб отди. Ота-ота беихтиёр ваҳшиёна ўкириб юборди:

— Ҳапп-па-а-а!

Давра қий-чув, олқишлардан қалқиб кетди:

— Ҳалол!!!

— Баракалла, ота ўғил!

— Мард полвоннинг ҳунари бу!

Чалпак бўлиб тушган талабгор полвон ёғоч қириндисига қоришиб, оғир бир юмушни уддалагандай, давра уни олқишлаб қийқираётгандай бемалол чўзилиб ётар, боши узра порлаган электр чироқнинг сим-сим ёғдуларига беланар эди.

Бу орада олқишу шон-шарафларга кўмилиб, Сафармурод чавандоз етовида жойига қайтган Ашур яна ўша кенг тўнига бурканиб, кепкасини аланг-жаланг кўзигача бостириб, ютоққанча сақич чайнай бошлади.

Ҳурматли меҳмонлар тўдасида бахту иқболдан масруру мағрур чайқалиб ўтирган Файзулла ака бу шов-шувларнинг ўзига сира алоқаси йўқдай бепарво сузилиб, аҳён-аҳён бикинидаги пўрим кишига гап қотиб қўяди.

Даврадаги қий-чув андак босилгач, Сафармурод чавандоз шаҳд билан ўрнидан турди-да, Ашурни яна ҳовар томон тортқилай бошлади. Бутун томошаталаблару баковуллар, ҳатто арзанда полвоннинг ўзи ҳам чавандознинг қилиғидан ҳангу манг эди.

— Халойи-и-иқ! — дея бўғиқ қичқирди Сафармурод ака Ашурни етаклаб ўртага чиқаркан. — Бу жигитни ҳамма танийди, а? Буғалтер бовамизнинг шер ули бу! Қишлоғимизнинг полвони, бизнинг ор-номусимиз! Ашур полвон индин аскарликка жўнаяпти, халойиқ! Шу жигитга оқ йўл тилаб, би-ир дуо берсак, нима дейсизлар?!

Давра довулдек гувиллаб чавандознинг ниятини маъқуллаб қўйди.

— Тоғай тоға, бу ёққа келинг! — деб ҳайқирди Сафармурод чавандоз ҳануз илҳом дулдулидан тушмай.

Қисқа танаффусдан фойдаланиб баковуллар билан алланималарнидир маслаҳатлашиб турган Тоғай тоға чавандозга лапанглаб яқинлашди.

— Пўчта тоға, — деди Сафармурод ака ҳайбатли тўй эгасига Ашурни рўбарў қилиб. — Сиз шу жигитдан келган хат-хабарни қоровулхонага кирмай, ўз қўлингиз билан уйига етказишга сўз беринг...

Давра гуриллаб қулиб юборди.

— Иннайкейин, — дея давом этди чавандоз ёлғондакам жиддий қиёфага кириб. — Бу жигит сизнинг тўйингизни қизитди. Насиб бўлса, сиз ҳам дўмбирагинани черти-иб, достон тўқииб, шу жигитнинг тўйида хизмат қиласиз...

Бизнинг ёнимизда ҳамма қатори ҳиринглаб ўтирган Улаш агроном-шоир алланечук рашк билан бир эмраниб қўйди.

Тоғай тоға ҳануз тинмаган қаҳқаҳаю ваҳваҳалар остида манглай терини сидира-сидира ювош илжайди.

— Садағангиз кетай, муллабова, — деди Сафармурод чавандоз уч-тўрт қариялар қуршовида кўп қатори қаҳ-қаҳ отиб кулиб ётган мулла Мирзани кўзи билан топиб. — Энди ўзингиз би-ир дуо қилинг. Халқ гуриллаб қўшилсин.

Мулла Мирза «дуо сизлардан бўлсин», дея ёнидаги чолларга мулозамат билан гап қотди. Аммо қариялар баб-баравар қўлларини кўкракларига қўйиб бош эгишди: «Сиз... оғзингизда илмингиз бор...»

Ниҳоят, мулла Мирза сийрак соқолларини силаб-силаб ўрнидан турди.

— Оми-и-ин! — деди у атрофига кўз ташлаб-кўз ташлаб, қўлини дуога очаркан. — Ашур полвонни худойжон ўз паноҳига олсин! Яна яхши кунларда ўйнаб-кулиб кўришайлик! Яна полвонжонимизнинг шўх-шўх курашларини томоша қилайлик! Оми-и-ин!

Бутун давра дарёдай гувиллаб юзига фотиҳа тортди:

— Оми-и-ин! Ой бориб омон қайтсин!

* * *

Баҳор Файзулла ака хонадонида биқиниб ётган экан! Баҳор бекинмачоқ ўйнаётган шўх-шаддод келинчакдай тўсатдан отилиб чиқди. Товусдек товланиб кўча-кўйдан чопиб ўтди, еллар билан елишиб, дала-даштни қучоқлаб ўпди. Кенгсойнинг кенг қир-адирлари ҳайитни кутиб ётган камбағалдай яғир елкаларига омонатгина яшил тўн кийди.

Баҳор! Баҳор! Янгаларнинг қийиқ қошидай қалдирғочлар ҳаволарда чарх уриб қолдилар. Ҳаволарни муаттар бир ҳид тутди. Бир ҳидки, жуда-жуда таниш, бир ҳидки, уч-тўрт кунлик келинчакнинг сиймтанидан таралаётгандек бош айланиб, кўзлар тинди.

Бу хуш ифорлар, бу ажиб таравот қиш бўйи Файзулла ака хонадонида кезиниб юрган эди. Чин муҳаббатнинг эрта пишган меваси — жажжи Бахтиёрнинг ширин илжайишлари, шўх-шўх қилиқлари барчага баробар шодлик улашар эди.

«Ашуржонимнинг ўрни билинмай турсин деб, худойжоним неварагинамни эртароқ берди», дея кериларди Хосият хола, ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб.

Хосият хола — Хосият опа, йўқ-йўқ, Хосият янга бўлиб кетган эди ўша кунлари. Сидирғигина ўраб юрадиган рўмолини қия-қия қўндириб, оқ оралай бошлаган сочларини алланечук тўзғитиб, қулоқ-чаккасидан тошириб қўяди. Тераклари салқиб жўнаган кўзларининг сурмаси қуюқлашган, умрида доғланган ёғдан бўлак ёғ кўрмаган юзлари ажабтовур упа-эликлардан силлиқлашган, ишқилиб, Файзулла ака ўз танмаҳрамини ҳамишагидек кампир, дея чақиришга истиҳола қилиб қолган эди.

Файзулла ака ҳам серсавлатгина нусхага айланди. Аввалги хокисорлик андак чекиниб, андак кибру андак таманнога ўрин берди. Ҳув, жазирама ёзда, Ўроқнинг уйланиш даҳмазасини ҳал этиш учун шаҳарга отланганида, озғингина жуссасида шалвирабгина осилиб турган ўша жигарранг костюм-шими энди ҳузур-ҳаловатдан хийла тўлишган қалди бастига ярашибгина қолган эди. «Буғалтер бова» чиндан-да ёшариб бораётганини амалда синаб кўрмоқчи бўлганми, ё неча-неча туппа-тузук сочига оқ оралаган кишиларни ҳам хўб йўлдан урган ўша сирли-сирли, тотли-тотли майллар ифоридан тегиб ўтганми, ишқилиб, Тоғай тоға таъкидлаганидек, ҳар хил баҳоналар билан туман марказида ўралашиб юришга одатланди.

Рўзғорнинг оғир-енгил ташвишлари Ўроқнинг зиммасида эди. Ўроқ мен етказган хат-хабардан сўнг шаҳарга боришганда биратўла ўқишини сиртқига ўтқазиб, зарилман ҳужжат-қоғозларни саришталаб қайтган экан. Орадан кўп ўтмай, Чинор ака уни Улаш агрономга ёрдамчиликка тайинлади.

«Этиям сизга, суяги ҳам, Улашбой, — дебди жонкуяр директор. — Икки йил ичида ерни сизлаб, ўзини сенлайдиган агроном бўлсин шу жигит...»

Аммо шу йигитнинг агрономлик сиёғи сира-сира сезилмас эди. У ҳануз пўрим кийиниб, ялтироқ чарм папкасини қўлтиқлаб, чошгоҳ-чошгоҳ маҳали эринган кўйи идорага йўл олар, аҳён-аҳён Улаш аканинг вайсашларига паришон қулоқ осиб, экин далаларига чиқиб келар, тайинланган топшириқларни ўлда-жўлда тиндириб, гўё йил бўйи адашиб-улоқиб юргандай уйи томон ошиқар, кела солиб пўрим папкасини бир чеккага улоқтирардию жажжи Бахтиёрга интилар, бор дунёни унутиб ўғилчасини ўпиб эркалар, опичлаб кўтарар, охири, арзандаси ими-жимида пўрим уст-бошини булғаб қўйгач, гўё ниятига етгандай, мамнун илжайганча Лолахонга топширар эди.

Лолахон янгам туғиб олгандан бери чинакам лоладай барқ уриб очилди. Ёз бўйи эгнидан қўймаган кенг кўйлак-лозим ўрнига, хипчалашган қадди-қоматини сирибгина турадиган алланечук қизғиш-сарғиш гулдор матодан тикилган либосда бир тутам оловдек ловуллаб юрар эди. Севги ва севинч учқунлари сачрайди унинг юз-кўзларидан. Бу учқунлар чортарафда алангалар қўзғайди, алангаки, унинг тафтидан ҳасаду ҳасрат, фисқу фужур омонат ниқобдек кулга айланиб, кўнгиллар тонгги шудринг каби бир кур тозаради. Шу сабаб каттаю кичик, ёшу қари, аёлу эркак Файзулла ака хонадонига интилади. Шаҳарлик келинчакнинг ширин сўзини эшитишни, келинчаклик эҳтиромини кўришни истайди. Ҳатто бировга осонликча тишининг оқини кўрсатмайдиган Абдулла бадқовоқ ҳам, ҳув, жазирама ёздан буён, ўша дабдабали тўй оқшомидан бери, ёмғир намлаб ўтган қатқалоқдек анчамунча юмшаб, илгари ора-чора зарурат юзасидангина бош суқадиган ўз оғасининг хонадонига энди тез-тез кириб турар эди. У устки кийимларини йўлакда қолдирадиган жанобдек, бутун кибру ҳавосию тунд башарасини бўсағадаёқ сидириб ташлаб, дағал бир товушда салом-аликни ҳам насия қилиб, «Бизнинг эрка келин қани?», «Қани, энажоним?» дея илжаяр эди. Лолахон келин ҳовлининг қай бир бурчида, қай бир юмуш билан банд бўлса-да, елиб келар, самимий бир назокат билан эр ортидан топган қариндоши-

нинг қўяларини кўзига суртиб, енгил-енгил ўпиб қўяр эди. Абдулла бадқовоқ мумдай эриб, атай кўтариб келган совға-саломи билан «эрка келинини» сийлаб қолади.

Умуман, Абдулла ака қўли очиқ, сийловга устагина киши эди. Ўша Тоғай тоғанинг дабдабали тўйидан, тўғрироғи, Ашур полвон аскарликка жўнаб кетган кундан роппа-роса бир ой ўтгач, у кутилмаганда отамни — «бутун одамни» сийлаб юборди.

«Мироб бова, — деди у отамга, қора совуқли кунларнинг бирида уйимизга келиб. — Бизнинг «Жигули»ни олинг. Қурғур, кўнглимиз «Нива» тусаб қолди. Бир ерда дарагини эшитдим, худо хоҳласа, миниб келмасак бўлмайди. «Жигули»ни сизга илиндик...»

Отам Абдулла аканинг марҳаматидан анчагина шошиб, довдираб қолди ўшанда. Ахир, бу тунд кимса дуч келганга ҳали оҳори тўкилмаган машинасини сув текинга, устига-устак, уч-тўрт ойлик насияга бериб юборавермайди-да...

Ўшанда отамнинг ҳам ҳимматга ҳиммат кўрсатгиси келиб кетди. Анчадан бери бирорта шалоқ енгил автоулов илинжида йиғиб юрган пулини шартта Абдулла аканинг қўлига тутқазди, етмаганига қайси бир чўл посёлкасида яшовчи божасидан қарз кўтариб келиб берди. Ишқилиб, Абдулла бадқовоқнинг «об-бо-о, об-бо-о» дея қаршилик кўрсатишига қарамай, бировнинг дўпписини бировга кийдириб бўлса-да, уч-тўрт кун ичида қулинг ўргулсин «Жигули»нинг ҳақини тўлади.

«Тамом, — деган экан ўшанда кутилмаган савдо-сотиқ қулоғига етган Сафармурод чавандоз тиззаларига шапатилаб. — Тамом, Эргаш жўрадан айрилдик... Уни Анови тўнка тоза ўзиники қилиб олди, тамом...»

Сафармурод ака «Жигули» ҳовлимизга қантарилган куниёқ ўғли Тўлқин иккови ҳовлиққанча етиб келди. Отамнинг жон аччиғида ҳайҳайлашларига қарамай, ҳе йўқ, бе йўқ, машина ўриндиғига пишиллаб ўрнашиб, Тўлқин иккимизни орқага ўтирғизиб, «Жигули»ни ўйдим-чуқур йўл бўйлаб елдириб кетди.

Уларнинг ҳалиги «Гиркўк—Москвич»и, жазирама ёзда, клуб ёнида қандай абжақланган бўлса, шундай аҳволда, ҳовлиларининг бир четида товуқларга қўналға бўлиб ётар, ҳатто посёлкамизнинг машҳур, қўли гул устаси — Зовур ҳам уни

неча бор кўздан кечириб, лаб тишлаб бош чайқаган кўйи «бунинг чатоқ... кузови чирик... стойка чирик, йок...», деган на қозоқча, на татарчага ўхшаш ўз лаҳжасида. Сафармурод ака табибдан нажот кутаётган ўларман касалдай, ҳеч вақога ақли етмай, уста Зовурга аянчли таажжуб билан боққан: «Қанақа чирик, уста? Ахир, сотган эгаси мақтаганди, ҳамма ери йилт — янги, деганди. Қанақа чирик? Мен ҳали уч йил ҳам минмадим-ку, нега чирийди?..»

Ўшанда уста Зовур чавандознинг соддалигига енгилгина кулиб, дебди: «Ай, Сапар, армани уста чатоқ, темирларга жон киргизади. У сени алдаган! Бўяб-бежаб сотган, самом деле машина адо бўлган...»

Уста Зовурнинг гапи гап эди. У ҳеч кимни алдамайди. Шунинг учун ҳам Сафармурод ака «Ғиркўк—Москвич»ини ортиқ бошқа устага кўрсатмай, руҳи тушиб, ўз ҳолига ташлаб қўйган, жойи чиқса дардисарни шу ҳолича пуллаб юборишни мўлжаллаган эди.

Машина бошқаришни ўрганишда бўйинсасига бажонидил устозлик қилган Сафармурод ака кейинчалик уйимизда «Жигули»ни «ювиш» зиёфати қизиб турган пайт ичкиликдан қизарган кўзлари негадир ғусса билан сузилиб менга ҳамишаги оҳу зорини такрорлади:

«Отангга шопирликни ўргатдим, ну... ну, сен бола отдан қолма, чавандозликни бил, отангга айт, яхши бир йўрға олиб берсин... Ҳув, Ғуломхон эшоннинг боласи Ҳужжатуллохон икковингга чавандозликни ўргатаман, хўп...»

Мен ҳам ҳамишагидек «хўп, хўп»лаб қутулдим.

Ана шундай насиҳатлари билан Сафармурод ака илгари ўз «шахсий» полвони Ашурга хиралик қилганда, Ашур дарров тажанглашиб, от-потсиз ҳам машҳурлигини исботлашга киришиб кетар, сўнг барибир қадрдон ҳомийси чавандозликдан бошқасини тан олмаслигини англаб етиб, тиржайганча «хўп-хўп»лаб тинчир эди.

Ўша ёғин-сочинсиз, қора совуқли қиш кунлари Сафармурод чавандоз аллақачон ҳарбий хизматни бошлаб юборган Ашурнинг обрўсини яна бир карра ошириб-тошириб қўйган эди. Тўғрироғи, аскарликка жўнаб кетган чайир полвондан пайдар-пай икки-уч хат келгач, анча-мунча ҳафса-

ласи пир бўлган дўсту ёронларни тинчлантирди. Ахир барча баб-баравар Ашурнинг бирор-бир махсус жанговар бўлинмада, ё маълуму машҳур десант қисмларида ҳарбий хизматни ўташига чиппа-чин ишонишганди-да! Бироқ... бироқ пайдар-пай келган хатлар, ул 41-совхозда гулдай очилиб, булбулдай сайраб юрганларга маълум қилардики, чайир полвон аллақандай қалин ўрмон қўйнидаги аллақандай қурилиш баталиёнида ҳормай-толмай ўз аскарлик бурчини ўтаб юрган экан! Чархи кажрафторнинг бундай бедодлигидан хабар топган дўсту ёронлар лаб тишлаб, бурун жийириб ўтирган давраларнинг бирида Сафармурод чавандоз ўзича хуфиёна пичирлабди:

«Тиш-ш... тиш-ш... У хатида шундай, деб ёзишга мажбур... Ашурларнинг баталёни сверх секрет... Бир зарб билан дунёни от тезагидай тўзғитиб жубаради...»

Ўшанда садоқатли ҳомийнинг сирли «справка»сига истагану истамаган чиппа-чин ишонишган, Файзулла акадан тўраган чайир полвон олис-олис ўрмонларда дарахт кесиб юриб ҳам ўз шону шуҳратининг дахлсизлигини сақлаб қолган эди.

Файзулла аканинг ўзи эса бундай шов-шувларга мамнун-мамнун бош ирғаб қўяр, ҳануз силлиққина кийиниб, силлиққина тараниб эл-улусга кўриниш берар, ора-чора Тоғай тоғаларни ғашлантириб, қай гўрдаги мажлисларга икки-уч кунлаб йўқолар эди.

Йўқлайдигани, қайларда санғиб юрибсиз, дейдигани — Хосият хола, йўқ-йўқ, Хосият опа, йўқ-йўқ, Хосият янга эса ўз-ўзи билан андармон эди. «Худойжони Ашуржоннинг ўрнини билинтирмай», муддатидан олдин жўнатган жажжигина неварасининг бешигини тебрата-тебрата ҳам кафтдеккина кўзгусини қўлдан қўймайди. Аҳён-аҳён эрка келинига эркаланиб, унинг рангсиз лаб бўёғидан ўғринча суркаб-суркаб, ўз ҳуснига ўзи тўймай ҳиринг-ҳиринг кулади. Кулганлари гўргаку-я, Хосият... Хосият хола-опа-янга борйўғи икки марта олис шаҳарга бориб келди-ю, «атта-батта», дея чучук-чучук шаҳарча шевада гаплашадиган, каттакичик давраларда ўзининг «теги» асл шаҳарлик эканини тез-тез писанда қиладиган одат чиқарди. Шу сабаб ҳам ўша ёмғир аралаш қор сепалаб ўтган, жажжи неварани кўргали,

муборакбод этгали олис шаҳардан меҳмонлар ташриф буюрган кунлари Файзулла аканинг тан маҳрамини шаҳарлик қиёфалардан фарқлаёлмай аҳли қишлоқ хийлагина шошиб қолди.

Ўшанда Лолахон келинининг «бувилик» муждасидан хурсанд, бир гапириб, ўн кулаётган онаси, жажжи қариндошидан мамнун, йўл азобидан маҳзун холаси ва... сур бетларида қиш қотиб қолган холасининг совуққина қизи — Нури етиб келган эди. Лолахон келиннинг бахт балққан чеҳрасидаги ял-ял табассумлари, ҳа-ҳа, ўша кўрган кишига киннадай, дарров юқиб қоладиган табассумлари ҳам Нурини иситиб, муздек нигоҳларини эритолмади.

Нури — лайлак уясидай бошида оқ тивит рўмол, устида қундуз ёқали пальто, оёғида қўнжи нақ тиззасигача етадиган тоза чарм этик, қадди-басти келишгангина жувон экан! Бироқ, озиб-ёзиб, атай-тутай, қариндошини қўмсаб узоқ йўл босиб келган меҳмонга ўхшамас, ўзини алланечук таппа босар тафтишчилардек тутар, қуда-қудағайларнинг ҳовлижойидан тортиб қишлоқнинг кўча-кўйларигача қандайдир танбеҳли назар ташлар, яхшию ёмоннинг барчасини, лаб буриб, бурун жийириб пинҳона баҳолар эди. Совуқ, аммо бежиримгина лабларидан томиб турган заҳардан чўчибми, ё, ҳув, жазирама ёзда, шаҳарлик таннозлар касрига кечган машмашалардан бўкишганми, ҳар қалай, посёлканинг ошиқ-маъшуқликка ташна эркаклари, алалхусус, агроном-шоиру ака чавандозлар ҳам Нурига шайдо-шайдо анграйишга юраклари уришмади.

— Сулувгина номаҳрам заифа экан, сен «Жигули»нгда би-ир сайр қилдирсанг-чи, — деди Сафармурод ака отамга.

Отам машина исидан мастумустағриқ юрганиданми, ё бўйинсасининг қитиқ-қитиқ гапларидан ми, ишқилиб, ҳузурланиб-ҳузурланиб кулган, орадан икки-уч кун ўтиб, меҳмонларни шаҳри азимга қайтар пайти туман марказидаги поезд стансиясига чиқариб қўйган эди.

Ўшанда «Жигули»га рўбарў бўлишган чоғ, Лолахон келиннинг ойиси, «В-у-уй, сиз ҳам машина олдингизми?» дея ҳайратланганнамо қошларини учирди, холаси «муборак»лаб салон тўрига ўзини урди. Холасининг қизи Нури эса ҳамишагидек лаб буриб, бурун жийириб, истамайгина ҳайдовчи биқинидаги ўриндиққа омонат чўкди, кузатувчилар орасидаги

агроно́м-шоир ва Зумрад опа маъноли-маъноли томоқ қиришди, онам эса бу саргузашталаб қўшниларга тегизиб-тегизиб, машинани ўт олдираётган отамга, «сиз ҳам, тағин шаҳарга суриб юборманг», деб қўйди. Кетарманы кузатувчилар орасида енгил кулгу кўтарилди. Ҳамма бахтиёр, ҳамма қувноқ эди.

Ўша ҳазил-ҳузулли хайр-хўшлашувнинг эртаси куни Қалқонов муаллимнинг хокисор хотини ўлди. Уни на Лолахон келиннинг сеҳрли пиширикlари, на мулла Мирза куёвини қўярда-қўймай ўтказган маърака-худойиси қутқариб қололди. Тоғай тоғанинг тўйидан кейин Ашур аскарликка жўнаб кетгандан сўнг, у бир ҳафта ўтар-ўтмас яна кўрпа-тўшакка михланиб қолган эди. Айтишларича, хокисор хотин жони чиқар маҳали ҳам видо-васиятлар ўрнига, гўё яна дик этиб ўрнидан туриб кетадигандек эрининг юзига кулимсирабгина қараб ётган эмиш. Бурнидан сизиб чиққан қон қоқсуяк ёноғининг чуқурчасида қип-қизил гул шаклида қотиб қолибди.

Қалқонов муаллим хокисор хотинининг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, маъракаларини зўр ғайрат билан ўтказди.

Ўша кезлар 41-совхознинг оқсоқ директори Чинор Мойлиев ташвишу таҳликалардан хийлагина гангиган эди. Ўтган мавсумда давлатга пахта етказиб бериш режаси ўлда-жўлда қолиб, каттаю кичик амалдорларнинг сўкишу ҳақоратларини ўлда-жўлда қолдирмай эшитган, экин далаларининг шўрланиш даражаси аллақанча фоизга ошганидан баттар умидсизланган эди. Шунча ташвишу машмашалар етмагандек оқсоқ директор тез-тез файласуфона мушоҳадаларга шўнғиб, ўзича келажак авлод қайғусини ҳам чекади. Майсара янгам унга бор-йўғи уч ўғил туғиб берган (менга аталган қиздан ҳануз-ҳануз дарак бўлмаган) эса-да, Чинор ака гўё пана-панада чирқираб ётган, тағин тўп-тўп жужуқлари бордай нуқул болаларга қийин бўлишидан гап қўзғаб, ўз бошига изтиробланиб юрар эди.

«Хўш? Хўш-ш? — дея кўпинча отамга тирғалади у. — Қаёққа кетаяпмиз? Ёшларга нима қолдирамиз? Насл-насабимиз шўр тупроқда чирийдими?..»

Отам амалдор бўйинсасининг инжиқ сўровларидан ҳамишагидек ҳазил-ҳузул билан бир амаллаб қутулади. Аммо ўша ёғин-сочинсиз, қора совуқ қиш кунларининг бирида отам осонликча қутулолмай баҳс-мунозарага шўнғиб кетди.

Бизникида машина «ювиш» зиёфати бўлаётган эди ўшанда. Одатдагидек, Чинор ака, Сафармурод чавандоз келишиб, агроном-шоир таърифлаганидек, «Учлар иттифоқи» жамланган ва... Ўроқ ҳам таклиф этилган эди.

Ўшанда зиёфат қизигандан-қизиб, арақ шишалари бирин-кетин бўшайвергач, тил-жағлар эшилиб гурунг авжланди. Анчадан бери, тўғрироғи, «бутун одам» сифатида Абдулла бадқовоқнинг раъйига қарайдиган бўлиб қолгандан буён зорманда ичкиликдан оғзига олмай кетган отам, ўша куни ҳақ йўлида адашиб-улоқиб, яна пири комил ҳузурига қайтган мурид дай эгилиб-букилиб арақ шишасига узалган, бу хатти-ҳаракатдан таажжубланган дўсти Чинор «принцип борми ўзи» дея пичинг қилган, чавандоз эса: «А, бу бошқа гап. Анови буқани қўй, элга қўшил», деб қилпанглаган эди.

Ўроқ пойгакроққа омонат чўккан кўйи зиёфатгамас, хизматга чорлангандек менинг дастёрлигимга ҳам кўнгли тўлмай, меҳмонхонаю ошхона ўртасида лип-лип қатнаб туради. У аҳён-аҳён чавандознинг қийин-қистови билан икки-уч қултум арақ ҳўплар, Чинор Тоштемировичнинг амалдорлик салобати босибми, ҳар нечук «Учлар иттифоқи» даврасига қовушолмай типирчилар эди.

Уй тўрида ёнбош ётган оқсоқ директор унга синчков-синчков тикилиб сўради:

— Қалай энди, ука?

Ўроқ сарғиш киприкларини пирпиратиб, илжайганича дастурхонга термилди.

— Яхши...

— Иш қийинмасми? Улаш гаранг қилмаяптими?

— Йўғ-е...

— Ўроқбой, — деди Чинор ака мастона сузилиб. — Сизни бекордан-бекор унга ёрдамчи қилиб қўйганимиз йўқ. Иш ўрганинг. Дипломни қўлга олган кунингиз шу ўрин сизга...

— Қани... шу зўр гап учун... — деб ғудранди отам бўшаган пиёлаларга «қулт-қулт» арақ қуйиб.

Сафармурод чавандоз ҳам бир бўлак эчки гўштини ютоқиб чайнар экан, бир сўз билан биратўла ҳар икки бўйинсасини қўллаб-қувватлади:

— Тўғри...

Отам қуйиб-қуйиб ҳаммага узатган галдаги «озгина-озгина» ичкилик томоқларни яна бир карра куйдириб ўтгач, Чинор ака косадаги чаккидан ялай-ялай ғулдираганича гап бошлади:

— Ўроқбой, биз илгари бировлардан... шўрнинг шўрини қистирадиган дори ишлаб чиқариляпти, деб эшитгандик. Шу гап чинма? Ҳеч дарак йўқ-ку, бу зормандадан... Шаҳарда нима гаплар бу масалада?

Ҳалигина отам узатган ичкиликдан оқ-сарғиш юзлари гулоби-гулоби тусга кира бошлаган Ўроқ директорнинг сўровидан буткул қип-қизариб, гангиб қолди.

— Билмадим, — деб елка учирди у дастурхондан кўз узмай. — Мен ҳам эшитгандайман... Лекин, билмадим...

Чинор ака ёнбош узалган жойидан илкис қўзғалиб қўйди:

— Ий-я, бу қандай гап? — деди у, гоҳ отамга, гоҳ хўриллатиб шўрва ичаётган чавандозга кўз ташлаб. — Биз студентлигимизда ҳамма нарсага қизиқардик. Билмаган баломиз йўқ эди. Вақт топсак шаҳарда итдек изғирдик. Билимга, янгиликка ўч эдик. Ўроқбой... ия, қизиқ бўлди-ку, а? Мен ҳали ўзингиз ўқиётган соҳадан оз-моз сўрадим...

Ўроқ хижолатдан қутулиш илинжида дастурхон устида сочилган нишхўртларни шоша-пиша териб, овқатдан бўшаган косага сола бошлади. Чинор ака эса уни кўз очиргали қўймай, тобора мастона сузилиб, ғулдиранди:

— ... Масалан, сиз ёш кадр... билимдон устудент... Хўш, энди нима қиламиз? Кундан кунга шўрлаб кетаяпмиз-ку?..

Шу пайт Сафармурод ака бўм-бўш чойнакни атай шақур-шуқур билан пиёлага сириқтириб, иссиқ чой истаётганини билдирди. Қулай баҳонадан қувонган Ўроқ илдам интилдию чойнакни қўлга олиб ташқарига отилди.

Чинор ака унинг ортидан синчков-синчков тикилиб қоларкан тўнғиллади:

— ... бу бодини билимдон хаёл қилиб юрибман-а? Би-ир мириқиб гурунглашайлик, деб зиёфатга атай чақиртиргандим... фу-у...

— Булар ҳали ёш-да, — деб қўйди отам.

— Ёш?! — отам томон чимирилди Чинор ака. — Қанақа ёш, бир боланинг отаси-ку? Бундай пайтимиз ғайратимиз ичимизга сиғмасди бизнинг. Фақат илмнинг кетидан қувардик, ўз устимизда ишлардик...

— Шуйтиб... билиминг тошиб директор бўлдинг-да, — деб гапга аралашди чавандоз киноя билан. — Энди шўрдан қутулишга илму амалинг етмай қолди...

Чинор ака дабдурстдан устига ёғилган пичингларга муносиб жавоб излаб, чавандознинг башарасига бир зум ғижиниб қараб қолди.

— Энди гапни мендан эшитинглар, — дея отам бир-бирига тиш қайраётган икки бўйинсасини ўзича чалғитди. — Мойлиевнинг куйинишида жон бор. Аҳволимиз чатоқ...

Шу орада шарпадек сидирилиб Ўроқ кирди-да, қўлидаги чойнакни дастурхонга қўйди. Отамнинг оғзига қараб турган жўралар унга эътибор ҳам беришмади.

— ...ҳа, чўл қаршилик кўрсатаяпти, — деб гапида давом этди отам ичкиликдан қизарган кўзларини бир нуқтага қадаб. — Чўлнинг бўстон бўлгиси келмаяпти, тамом. Уни ҳеч қачон енголмаймиз. У барибир, қачонлардир, ясама боғу чаманларни ямлаб ютади, чўл барибир аслига—чўллигига қайтади...

— Хўш... Нима қилиш керак? — бетоқат сўроқлади Чинор ака. — Болалар... келажак... нима...

Ҳануз бир нуқтага тикилиб турган отам ўз-ўзига гапиргандай деди:

— Кўчиш керак...

— Кўчиш?! Қаёққа?! — деб хириллади Сафармурод чавандоз Ўроқ узатган бир пиёла чойни олиб дастурхонга қўяр экан.

— Яна тоққа. Ҳамма уй-уйига, капа-капа тўйига, чўлқуварлик ўйини тамом...

— Бекорларни айтибсан, — деб ғулдиради чавандоз. — Тоғда пиширириб қўйгани йўқ.

— Бу ерда ҳам тайёрлаб қўйгани йўқ.

— Ўв... — дея Сафармурод чавандоз қоп-қора хумдай бошини сараклатди. — Ўв, ношукрчилик қилма-я, чала олим, ношукрчилик қилма. Ана клуб, мана, магазин... ароқ мўл... Тайёр уй-жойинг бор... Шу чўлгина сени боқаяпти-ку, чала олим, ўрнинг жияни! Шу чўлгинага келиб «Жигули» миндинг-а...

Отам тақа мўйлов дўстининг оташин агитаторлик хизматини эслади, шекилли, пиқ-пиқ кулиб, деди:

— Эй... бу ер сенга мулла Мирзанинг бедапояси эмас. Тоғда бўлганимда, мунчалар қора меҳнатимга самолёт сотиб олардим.

— Самалўт сотилмайди, чала олим, билмасанг билиб қўй!

— Сотилади.

— Сотилмайди.

Ўроқ узатган бир пиёла чойдан ҳўплаб, мастона сузилганча ёнбош узалган Чинор ака тортишувга аралашди:

— Эй, қизишманглар, — деди у пўнғиллаб, сўнг отам томон қия боқиб, кўрсаткич бармоғини қуюқ оқ оралаган чакка сочлари устига нуқиди. — Калланг айнибди, Эргаш серри. Мунча халқ тоққа қандай кўчади? Мунча халққа шароит қани, иш қани? Ўйлаб гапиряпсанми?

— Ўйладим. Давлатнинг чўлга қилаётган манови бесамар харажатларини тоққа қилса, бу ердагидан кам даромад олмайди, и плюс, чўл ҳам ёнига қолади. Чўл, бу аллақандай нокерак жой эмас, илгари мана шу чўлларда боқилган сурув-сурув қўйларнинг териси олтин баҳосида сотилган, бу ерда ана шундай чорвачиликни ташкил этиш керак.

— Пахта-чи, пахта, — дея шоша-пиша дўстининг гапини бўлди оқсоқ директор. — Давлатга пахта зарур...

— Дунёда ягона қимматбаҳо нарса фақат пахта эмас-ку, тўғрими? Ана, масалан, Кавказ, ҳаммаёғи тоғу тош. Пахта экмайди, шўрламайди, ну... биздан бой, шароитлари зўр...

Отам ҳам Ўроқ узатган пиёладаги чойдан ҳўплаб-ҳўплаб олди. Чинор ака биқинига ёстиқни қулайроқ ўрнатди. Сўнг иккови Табиат, Иқлим, Тупроқ ҳақида, аллақандай семиз-семиз китобларнинг иси келадиган, илмлилар лаҳжасида баҳс-мунозара қила кетди. Тайин гапки, Сафармурод чавандоз уларга пича анқайиб тургач, ичкиликдан тиришиб-буришган башарасига зерикиш оралаб, «бўғилиб ўлинглар» деб тўнғиллади. Тўнғиллади-ю ароғи яримлаб қолган шишага интилди, икки пиёлага тўлғазиб-тўлғазиб қуйди. Баҳс-мунозарачиларга паришон тикилган кўйи омонатгина ўтирган Ўроқ чавандоз узатган, ичкилик қалқиб турган пиёлани ортиқча тихирликсиз қўлига олди.

Мен дастёрларга хос бир чеккада чўк тушганча меҳмонларни қизиқсиниб-қизиқсиниб кузатиб ўтирар эдим. Вақт тунги алламаҳал бўлса-да, уйқум йўқ.

Бир пайт Ўроқ Сафармурод ака томон андак энгашиб нимадир деб пичирлади. Чавандоз эшитмай, чимирилганича қайта сўради. Уларнинг ўзаро ғўнг-ғўнги ногоҳ Чинор ака-нинг диққатини тортди.

— Ҳа, нима гап, Ўроқбой? — деб сўради у ўрнидан қўзғалиб. — Биз ҳам эшитайлик.

Узундан-узоқ ғўлдирашлари бўлинган отам ҳам мастона сузилганича бир зум жим қотди.

Ўроқ қўлга тушган асирдай жавобдан тайсаллади.

— Гапиринг! — бу гал оқсоқ директорнинг овози анчайин таҳдидли жаранглади.

Айни чоғда ҳар икки баҳс бандаси ўзларини куйдириб-ёндириб ётган долзарб муаммоларнинг муқаррар ечимини топадигандай «ёш кадр»га синовчан-синовчан тикилишди.

— Ҳеч гап, — деди Ўроқ аранг, хижолатли илжаяркан. — Бизнинг ўғилчанинг қорни оғриб... Кечалар ҳаркаша қилиб чиқаяпти... Шунга маслаҳат сўраётгандим чавандоз акадан.

Отам ва чавандоз пихиллаб кулиб юборишди. Чинор ака эса андак заҳарханда илжайди-да, асабий қад тиклаб ўтирди:

— Тоза кадр экансиз-ку, Ўроқбой! — деди у алланечук ижирғаниб. — Мен, бечора, насиб бўлса, бош агрономдан ёлчийман, деб ўз бошимга қувониб юрсам... Сиздан яхшигина боғча опа чиқаркан-ку?!

Ўроқ танбеҳларга ҳардамхаёл-ҳардамхаёл қулоқ солар экан, аъло баҳосини олган талабадай мамнун-мамнун жилмайди.

Ўша ёғин-сочинсиз, қора совуқ қишнинг зим-зиё тунида зиёфатнинг сўнгги шишасидаги сўнгги томчилар сўнгги бор томоқларни куйдириб ўтган бир маҳал Чинор ака шунча ташвишу машмашалар етмаётгандай яна бир бош оғриғини қўзғаб қолган эди.

«Энди-и-и, — деди у, барча баҳсу мунозараларга хулоса бичаётгандай чўзиб-чўзиб. — Би-ир таклиф бо-ор... Эргаш сирнинг пойинтир-сойинтир гапларидан қатъий назар, болаларимиз, худо насиб этганича, шу ерда, шу чўлу азимда кун кўради. Энди-и-и, таклиф шулки-и...»

41-совхознинг оқсоқ директори кўпдан бери «совхоз музейи» ташкил этиш ниятида юрган экан! Унинг куйиб-пишиб уқтиришича бўлажак «музей» ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида қаттиққўл отанинг қамчисидай, қаттиқ

таъсир ўтказаймиш, она чўлга меҳру муҳаббат, меҳнатга иштиёқ уйғотармиш, бусиз ёш авлод чўлқувар ота-боболарининг машаққатли, аммо шарафли босиб ўтган йўлини унутиб, худбину такасалтанг тўдага айланиб қолармиш...

Ўшанда оқсоқ директор, бир ёнбошлаб, бир қад тиклаб, гоҳ мастона чайқалиб, гоҳ асабий чайналиб ўз оламшумул режаларини ивирсиган дастурхон устида тўкиб-солаётган бир пайт отам ва чавандоз жонкуяр дўстнинг ғулдирашларини мудрай-мудрай тинглашган, ичкиликдан карахт бошларини ирғаб-ирғаб, лоқайд ўтиришган эди. Ҳойнаҳой, «мастликда айтди-қўйди-да» деган хаёлга борди улар.

Бироқ «мастлик-ростлик» деганлари чин экан! Чинор Тошгемирович Мойлиев ўша бизникидаги зиёфатдан сўнг орадан икки-уч кун ўтиб, идорадаги мажлисларнинг бирида «музей» масаласини жиддий ҳолда кўндаланг қўйган, ўзи тажангларча таъкидлаганидек, совхоз сиёсати даражасига кўтарган эди.

Охири, иш-ташвиш бошланиб кетди.

Ёзги клубнинг орқа тарафи бетон-темир ашёлардан қурилган ҳайҳотдек иморат эди. Унинг мактабга юзланган айвони, қўш табақа эшиги, энлигина йўлаги, йўлакнинг ҳар икки бетида алоҳида-алоҳида эшикли уч-тўрт ҳужраси бўлиб, бу ҳурпайган иморат қўпол ва бесаришта турқи-тароватига қарамай, «маданият уйи», дея тилга олинарди. Ўша бетма-бет ҳужраларнинг бири кутубхона, қолганлари аллақандай маданий-маърифий хизматларга муштоқ, бўм-бўш хоналар эди.

Чинор ака 41-совхозга директор этиб тайинлангач, дарров кутубхонага ёпишган, уни шоша-пиша таъмирлатиб, боғлам-боғлам китоб-журналлар келтирган, ниҳоят, Қалқонов муаллимнинг хокисор хотинига кутубхона мудирлигини топширган эди.

Хокисор хотин касалга чалиниб, ётиб қолгунга қадар, ора-чора кутубхонани очиб, ичу ташини супириб-сидирар, китобларни шамоллатиб-шамоллатиб қайта саришталар, сўнг илму зиёга ташналарнинг йўлига кўз тикиб, чидам билан пича-пича ўтириб берар эди. Охири зерика-зерика, «керак бўлсам чақиртиришар», деган хаёлда уйига жўнар, аҳён-аҳён, жонажон дугонаси Тошбиби чеча эртак-достон китоблар илинжида бўшашган кўйи кириб келса, ҳар иккисига худо берар, «анов-манов» гурунг билан ҳувуллаган кутубхонага файз киритишар эди.

Қалқонов муаллимнинг хотини касалга чалиниб, ўринтўшакка михланиб қолгач, хўжалик маъмурияти бедаво беморнинг бетидан ўтолмаган, кутубхона калитини ундан олиб, бировга топширишга ийманган, охири, кутубхона вақтинчалик танбаланиб, йўлакнинг қўш табақали эшигига каллададай қулф осилган эди.

Ўша «совхоз сиёсати» кўндаланг қўйилган мажлисдан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас, қурилиш-таъмирлаш ишлари битди. Кутубхона биқинидаги ҳужра дуппа-дуруст суробга келтирилиб жиҳозланди, қўйиладиган экспонатлар учун каттакичик сўричалар, ойнабанд шкафлар ўрнатилди. Шоли ортидан сув ичган курмакдай, шу баҳона, кутубхона ҳам бўяббежалиб, баъзи бир жиҳозлари янгиланганди.

Ўша «музей-ҳужра» тайёр бўлган кунлари отамнинг таъби тирриқ бўлди. Ҳаммаси режалари силлиққина амалга ошаётганидан мамнун Чинор ака атай уйимизга келган ўша оқшом бошланди.

— Энди-и, дў-ўст, — деди у, ҳув, зиёфатдагидек чўзибчўзиб. — Ўзинг бир ёрдам қил. Шу-у... савоб ишни охиригача етказ. Қишлоқ оралаб музейжонимизга кўргазмалар йиғ. Қўрқма-а, бошқалар ҳам кўмаклашади, ҳали мажлисда расман айтаман ҳаммага. Энди-и... тўғриси, сендан бошқага ишонч йўқ, эплаёлмайди...

— Нимани йиғаман? — пўнғиллади отам.

Чинор ака дўстининг елкасини илҳом билан силаб қўйди:

— Ўзинг ўйла, масалан, буғалтер бованикида савхўз тузилган йили биринчи экилган чигитдан биринчи кўкарган ғўза бор, о-оппоқ очилган. Уйининг тўрига тумордай осиб қўйибди, уни ол. Масалан, бизникида тобатош бор, яхши гапирсанг энам беради, уни ол, тоғдаги машаққатли турмушдан ёдгорлик сифатида зўр экспонат. Хўш-ш, масалан...

— Масалан, менинг сочим шу ерда оқарди, бир парча кесиб музейингга топширсам-чи? — деди заҳарханда илжайиб отам.

— Ўв... сирри, нимага тизинглаяпсан? Аччиғинг ўзингга сийлов, билдингми! Агар ёқмаса, қилгинг келмаса, маҳтал турганнинг сони минг... Мен, шунчаки... шу иш... тоза сен, Сафар — учовимизники бўлиб қолишини истагандим...

Чинор аканинг чинакам хафа бўлаётганини кўриб, отам анча-мунча шаштидан тушди, аммо узр сўрашга бўйни ёр бермай, хайрихоҳ оҳангда гап бошлади:

— Масалан... Сафарнинг чавандозлик қамчиси ҳали-ҳали қўлидан тушмайди. Шартта тортиб олиб, музейга қўйиш вақти етди-ёв... Айтганча, Чинор, эсингдами, кўчиб келган кунларимиз биринчи қўйилган кино, клуб лиқ-лиқ тўлганди одамга, а, эслайсанми?..

Чинор ака пихиллаганча кулиб юборди. Отам ошкора қаҳқаҳага кўчди. Сўнг кулгудан кўзлари ёшлана-ёшлана гап орасида ўша ҳангомани эслаб ўтди.

Ўшанда, кино бошланар-бошланмас, экранда қасир-қусир, пақ-пуқ отишма бошланиб, қўрқиб кетган аҳли томошабин қий-чув, ваҳима билан ташқарига отилибди, кимдир, пишанг берибми, ё ростакамига ўтакаси ёрилибми, «қароқчи келди-и!» дея ўкириб юборибди. Ўша қоча-қоч, талатўпда қарсиллаб синиб тушган клубнинг қўштабақа эшиги ҳануз-ҳануз Вали киночиникида сақланар экан! Отамнинг фикрича, маданий ҳаёт билан илк тўқнашув сифатида ўша эшик зўр кўргазма бўлармиш!

— Ана, ана, кўрдингми, — деди Чинор ака ҳамон кулгудан ўнглана олмай. — Ҳали уйингдан чиқмай қанча нарса йиғдик. Сен эса нимани йиғаман, деб қайғуриб ётибсан...

Отам хаёлчан-хаёлчан бош қашлаб сўради:

— Эй, раис... айтганча, музейга кимни мудир қилмоқчисан?.. Ёнидаги кутубхонанг ҳам ҳали беэга...

— Бу ёғи ҳал бўлган, — деди Чинор ака, сирли илжайиб. — Буғалтер бова билан хўб маслаҳатлашиб қўйибмиз... Тушундингми?..

— Ҳа-а, тушундим... А, қўлида гўдаги бор-ку!

— Э-э, музей ишга тушгунча ҳали гап кўп. Иннайкейин боласи ишига ҳеч халақит бермайди. Қолаверса, у ерда кун бўйи қадалиб ўтириши шарт ҳам эмас, керак пайти лаббай, деб югуриб борса бўлди-да... Энг муҳими ҳам кутубхонага, ҳам музейга муносиб кадр, тўғрими?

— Тўғри, — деди отам илжайиб.

Мен ҳар хил баҳоналар билан ичкарига кириб-чиқиб, суҳбатга зимдан қулоқ солар эканман, қувончдан қийқириб юборишимга сал қолди ўшанда. Ўшанда улар шаҳарлик келин ҳақида гаплашишганини дарров сездим.

«Лолахон янгам кутубхоначи! Лолахон янгам...», деган севинч садолари калламда чарх урар, ўз-ўзимдан илжайиб, ҳовлию кўчага сиғмас эдим.

Ўша ғуборли қиш кунлари отам «Жигули»сини ғимирлатиб, тарихий кўргазмалар дардида кўчама-кўча, уйма-уй изғиди. Бироқ ҳеч бир кас, ҳеч бир хонадон уни қучоқ очиб кутиб олмас, «музей хизматчиси»нинг баъзан кулиб, баъзан хўмрайиб айтганларига, куйиб-пишиб тушунтиришларига англайганча қулоқ солишса-да, асл муроду мақсадни англаб етишолмас эди. Ҳатто баъзи бировлар гўё бўсағаларида жиноят қидирув ходими тургандай, ошкора таҳлика билан эшикларини ланг очиб, «ана кўринг, ана текширинг, ҳеч вақо яширганимиз йўқ, сиз қидирган кўргазма бизникида йўқ», дея айюҳаннос солишди.

Отам тажангликдан чакка томирлари бўртиб-ўйноқлаб, сўкина-сўкина, қош-қабоғидан қор ёғиб уйга қайтади. У ҳатто қадрдон дўсти Сафармурод аканинг чавандозлик қамчисини «музей» фойдасига мусодара қилиш учун ҳам минг ўлиб минг тирилган.

Ўшанда Сафармурод ака дўсти гўё қовурғасидан бир тилим кесиб беришни сўраётгандай, ўтирган жойидан ўкириб туриб кетган, деворда осилган қамчисини қўшқўллаб қўлтиғига қисган, «бермайман, бермайман»лаб ўзича типирчилаган экан.

«Сафар, — дебди отам ёстиққа қулайроқ ёнбошлаб. — Кел, шу тўнка Чинор би-ир хурсанд бўла қолсин. Мана, мен шунинг кўнгли учун сарсон бўб юрибман, эсам... музей-пузуйини бошимга ураманма, а? Ё, бошқа ташвишим йўқма?..»

Сафармурод чавандоз гўё аста-аста қўлга ўрганаётган асов айғирдай, ҳануз қамчисини қўлтиғида маҳкам қисганича жойига келиб ўтирган.

«... кел, сен ҳам шу... ўзимизнинг дўст учун би-ир хизмат қил. Биласанми, музей Чинорга нега керак? Анови... зиёфатдаги гаплари бари сафсата... У, хабаринг бор, бу мавсум анча қийналди. Бечорани таламаган, ғажимаган ит қолмади. Энди у зўр ташаббус кўтариб, раҳбарлар олдида очко олмоқчи. Тушундингми? Бу ўртамиздаги гап. Кел, қамчинг бекоргаям деворда осиғлиқ турибди. Қайтам, у ерда алоҳида

шкафда сақлаймиз, қайтам, у ёқ-бу ёқдан келган катталар шу қамчи баҳона сен ҳақингда эшитади...»

Ниҳоят, тобора жала ювган дўнгликдай «уқала» бошлаган Сафармурод ака қамчисини отамнинг олдига отиб юборган:

«Ол!.. Чинор учун... э-э... мени биров билди нима, билмади...»

Чавандоз қамчисини «музей хизматчиси»га топширишга топширибди-ю, бироқ тақа мўйловлари маҳзун осилиб, гўё марҳумнинг тобути ортидан эргашган азадордай аввал дарвозагача, сўнг беихтиёр машинамизга ўтириб уйимизгача келган.

Ўша куни кечки пайт уйимизга ширакайф Улаш ака кир совундан бўшаган қоғоз қутини қўлтиқлаб ўшшайганча кириб келди. Ордона музей яна бир ноёб кўргазма ҳисобига бойишини пайқаган, анчадан бери кўчама-кўча, уйма-уй юришдан безиллаб қолган, фидойи меҳнаткашларнинг ўз ихтиёрлари билан ҳиммат кўрсатишларига зору зор бўлиб юрган отам, ҳамсояни халоскор саркардадай қучоқ очиб кутиб олди. Аммо андак ўтмай Улаш ака эзмаларча минғирлаб, ўзининг шеърияту санъатга ихлосу эътиқодини исботлашга тушиб кетдию отамнинг тағин таъби тирриқ бўлди.

Ўша кеч агроном-шоирнинг гапни-гапга, сўзни сўзга бичиб-чатишларидан шу нарса маълум бўлдики, ҳув, идора мажлисида Чинор Тоштемирович совхоз музейини ташкил этиш масаласини кўндаланг қўйганда, агроном-шоир қувончдан қарсаклар чалиб, «офарин, баракалла!» дея ўрнидан туриб кетган экан! Шу-шу қайтиб ўтирмай совхоз тарихини паннoларга битишга киришиб кетибди. Насиб бўлса, бу ноёб асар тез кунлар ичида совхоз музейидан ўз муносиб ўрнини эгаллар экан!

— Қутингизда нима бор? Бомба эмасми, ишқилиб? — дея заҳарханда билан ҳамсоянинг ҳикоясини бўлди отам.

Аммо ҳамсоя жавоб бермади. Тўғрироғи, гоҳо жўшқин, гоҳо эзгин эътирофларнинг, ўпка-гиналарнинг узундан-узоқ калаваси ичида ўзи ҳам адашиб-улоқиб қути ичига ҳеч қайтолмади.

Чувалгандан-чувалган гап калаваси андоқ маълум қилардики, бош агрономликнинг бутун заҳму заҳматларига қарамай, Улаш ака бош шоирликнинг ҳам жиловини маҳкам тутганига ана-мана дегунча беш кам ўн йил тўлибди! Беш кам

ўн йил соф инсоний ҳис-туйғуларни жўшиб куйлабди! Унинг «халқ шоири» унвонини олишига, савил қолгур айрим расмиятчиликлар халал беряптикан, холос! Алалхусус, Тоғай тоға янглиғ бефаросат ва ичи қора почта хизматчиларининг лоқайдлиги туфайли, неча-неча туркум шеърлари, достонлари ноширлар қўлига етиб боролмай, ўлда-жўлда қолиб кетаётгани, азбаройи бандлиги боис Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб келишига ҳеч фурсат тополмаётгани буюк талант эгасини панага босиб турибди экан! Аммо агроном-шоир аҳли нодонлар етказган азиятларга мардона чидаб, Тоғай тоғалар қатағонидан омон қолмиш ашъорларидан бир девон тузибди! Долзарб мавзулар қаламга олинмиш, неча-неча туман газеталарида босилмиш мақолаларидан ҳам бир тўплам — альбўм тайёрлаганмиш! Ҳатто туман марказидаги уста суратқашга шоирона ҳис-туйғуларга тўла рангли суратини ишлатибди! Қайси кун агроном-шоир буюртмани олиб келиш учун фотостудияга бош суқса, ўша машҳур суратқаш ўзи ишлаган суратга ўзи суқлана-суқлана тикилиб турган эмиш! «Ака, — дебди у буюртмачига. — Пушкиннинг нақ ўзи экансизу, аммо... озгина... чўлликларга ўхшаб қопсиз-да, қойил, суратга тушишингизга, талантингизга беш кетдим!» Ҳатто суратқаш ёнида уймаланиб турган уч-тўрт ёш-яланг Улаш шоирни танишиб, ҳаяжон билан муборак дастхатини сўрашган! Афсуски, бахтга қарши ўша пайт талант эгасининг ёнида на қоғоз, на қалам борлиги боис у мухлисларининг хоҳиш-иродасини бажаролмай, анчамунча мулзам тортиб қолибди!

— Бу камтар қутида, — дея ниҳоят мақсадга кўчди агроном-шоир ўша кеч, — жамики камтарона меҳнатим жамланган. Ўйлайманки...

Ўйларканки, йўқ-йўқ, Улаш ака қатъий ишонарканки, у қўшқўллаб жонажон совхознинг жонажон музейига топширган бу арзимас эсдаликлари элу юрт учун беминнат хизмат қилишда давом этар экан!

— Қўшни, қўйинг энди, — деди отам Улаш аканинг беадоқ эзмаликларидан эзилиб. — Ўзингизни кўп чарчатманг, барибир оламиз қутингизни... Кўргазмага зор бўп ётибмиз-ку...

Ниҳоят Улаш ака миннатдорона-миннатдорона мин-ғирлаб чиқиб кетди.

Отам уни дарвозагача бир амаллаб кузатиб қўйиб қайтгач, айвон чироғининг хира ёруғи остида ҳурпайганча турган «камтарона» кутини жаҳл билан тепиб юборди. Худди шу тепкига илҳақ тургандай, кути «дуп» этиб бир тўнкарилиб тушдию ичидаги даста-даста сарғайган қоғоз, икки-уч қалин-қалин дафтар, ёстиқдай фотоальбўм ва моҳир сураткашни қойил қолдирган ўша портрет потирлаб шолча устида тўшалиб қолди.

Отам ҳануз тажанг тортган кўйи сочилиб ётган «санъат дурдоналари»ни ижирғаниб кўздан кечираркан, мийиғида кулди:

— Об-бо-о, Улаш-ей, тарихгаям даъвогар-а, — деди ўзўзича ғудраниб, сўнг шолча устига омонат чўкди-да, қалин дафтарлардан бирини қўлга олиб варақлашга тушди.

Мен ҳам сочилган нарсаларни йиғиштириш баҳонасида отамнинг ёнидан жосусдай сирпаниб ўтиб анчадан бери диққатимни қитиқлаб турган фотоальбўмни қўлга олдим.

— Ия-я?! — ногоҳ бўғиқ товуш чиқарди отам.

У аллақандай ғижим, сарғиштоб варақнинг қинғир-қийшиқ ёзувларига ютоқиб кўз югуртирар эди.

— Ие... онангни сенинг... алкаш шоир! — дея бўкирганича сўкиниб юборди отам. — Ай-й... итдан тарқаган-ей!..

Отамнинг баралла ҳеч тап тортмай сўкинишларидан безовталанган онам ошхонадан отилиб чиқди. Ичкари уй эшигидан Нурия опамнинг ҳам таажжуб тўла афт-ангори кўринди.

Сочқин-тўзғин қоғоз-дафтарлар устига мук тушган кўйи сарғиштоб варақдан кўз узмай ўқиётган отам, ора-чора бўкира-бўкира сўкинади:

— Айй... онангни... исқирт агроном! Аҳ... чўчқа ароқхўр!..

— Бўлди-ей... уялмайсизми? — дея танбеҳ берди онам.

— Эй!.. — онамга ҳайрату нафрат тўла кўзларини қадади отам. — Эй, анови йили Чинорни қон қақшатган тафтишчилар тўдасини эслайсанми? Ўша иғво хатини ким ёзганини билолмай гарангсигандик, эсингдами?

Онам лаб қимтиб, кўзларини қисиб пичирлади:

— Шуми?!

— Шу, — отам ўтмишидан хижолат чекаётгандек тиришиб-буришиб турган қоғозни силкитди. — Шу... Шунинг қораламаси... Ай-й... Энағар...

Онам беадоқ сўкинишларга чек қўймоқчидай тўзғин-сочқин қоғоз-дафтарларни шоша-пиша қутичага тиқа кетди.

Отам жағ пайлари асабий қимтилганча сарғиштоб қоғозни қатлаб шимининг чўнтагига солиб қўйди.

— Уни нима қилмоқчисиз? — сўради онам.

— Эртага Чинорга кўрсатаман. Би-ир шарманда қиламиз, анови ит боласини...

— Қўйинг... — онам истамайгина қўл силтаб. — Энди бефойда... Худодан топсин... Бу ёғи қўшничилик...

Агроном-шоирнинг «камтарона» қутиси уйимизни алғов-далғов қилиб юборган ўша кеч отам гоҳ тажанглашиб, гоҳ хомуш тортиб узоқ-узоқ ўйланиб қолди. Охири, онамнинг айтганларини ҳақ деб билдими, ё Чинор аканинг дуппа-дуруст кайфиятини бузгиси келмадими, ҳар қалай бу машмашалар ҳақида вақтинчалик ҳеч кимга оғиз очмасликка қарор қилгани маълум бўлди.

Чиндан-да ўша кунлар Чинор Тоштемирович ўз режалари силлиққина амалга ошаётганидан димоғи чоғ, вақти хуш юрарди.

У холис хизматга бел боғлаган дўстининг йиққан кўргазмаларини кўздан кечириш учун уйимизга тўсатдан келиб қолар, мум тишлаган отам етовида «тарихий» аш-қол-дашқоллар уюлиб ётган омборхонамизга киришарди. Зах ва аллақандай ачимсиқ бўйларга бўккан омборхона, отам ҳартугул қиш бўйи, кўчама-кўча, уйма-уй беҳуда изғимаганидан гувоҳлик берар эди. Икки дўст ҳув, суҳбат чоғи «йиғиб» қўйган ноёб кўргазмалардан ташқари кимнингдир илк кетмони, кимнингдир чўлга келиб кийган биринчи этиги, тағин бировнинг ғўзапоядан ғаройибгина тўқиган савати, яна... яна... аллакимнинг алланарсаси, агроном-шоир таъкидлаганидек, жонажон музейдан ўз муносиб ўринларини зор-интизор кутиб ётар эди.

— Яхши-и, — деди Чинор ака. — Ҳозирча етарли, Эргаш, раҳмат, ошно... Идорада ҳам биров ярим зўр суратлар бор, ҳали уларни ҳам олиб ка-атта стенд тайёрлаймиз... Раҳмат, ўв, сирри... Энди эрта-индин музейни очамиз, кутубхонаям иш бошлайди. Энди-и, дў-ўст, бу ёғи баҳор...

Ҳа, ҳа, чиндан-да, бу ёғи баҳор эди! Қиш бўйи кечган турли машмашаю ҳангомалар силсиласида лоп этиб баҳор бўй кўрсатганини сезмай қолган эдик.

Баҳор Файзулла ака хонадонида биқиниб ётган экан! Йўқ-йўқ, шу хонадоннинг шаҳарлик келинчагидан таровату латофат, малоҳату нафосат сабоғини олиб ётган экан!

Баҳор кўча-кўйга, дала-даштга ўйноқлай-ўйноқлай чиқиб кетди, бутун борлиқ узра таровату латофат улаша кетди! Унинг беқарор чопқиллашларига, чирой устига чирой сочқилашларига кекса қуёш завқу шавқ билан чарақлаб-ярақлаб боқади. Гоҳо-гоҳо, зор-интизорликдан дармони қуригандай, аллақайлардандир бўғоз булутлар галаси судрала-судрала етиб келишар, соғинчу интиқлик кўз ёшлари ёмғиру жала бўлиб қуйилар эди. Ям-яшил майсалар, новда-ниҳоллар типтиниқ ёмғир томчиларидан марварид-маржонлар тақишади.

Баҳорнинг ана шундай илк ёмғири томчилай бошлаган фараҳли кунида Лолахон янгам илк бор ишга чиқди! Қиш бўйи ёғин-сочиннинг баракаси бўлмаганидан ташвишланиб, кўкдан кўз узмаган умидворлар бу ҳолдан бир ҳикмат топишди: «Шаҳарлик келиннинг шарофати бу...»

Лолахон янгам ўша куни ўз шаънига ёмғир аралаш ёғаётган таҳсину тасаннолардан бехабар, мен билан етаклашиб, «Маданият уйи» сари товусдек товланиб борар эди.

— Келинжон-у-ув, кулмай туринг, айланай, ёмғир тўхтаб қолади-и, — деб қичқирди магазиндан чиқиб келаётган уч-тўрт хотин-халаждан бири.

Йўқ, Лолахон янгам кулди. Аёллар тарафга ҳавойи саломлар йўллади-да, қон-қардош холажонларга эркаланган-дек атай қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кулган сайин ёмғир шариллаб қуя кетди.

Биз чопқиллаганча «маданият уйи» айвонига кириб олдик.

Бу чопқиллашларимиздан атиги икки кун аввал, чошгоҳ-чошгоҳ маҳали, ана шу кенг айвонда бир тўп чўлқуварлар йиғилган эди. Чинор Тоштемирович ўзи бош-қош бўлиб совхоз музейини очиш тантанасини ўтказди ўшанда. Ўшанда у қисқача нутқ сўзлаб, музей нима эканлиги, унинг ёш авлод тарбиясидаги бемисл аҳамияти ҳақида гапирди. Тўпланганлар йўлакнинг ланг очиқ, қизил лента танғилган қўштабақа эшигига бетоқат-бетоқат тикилишди. Туман раҳбариятидан вакил сифатида, атай таклиф этилган сипогина амалдор бундай маданиятсевар чўлқуварлар борлигига ишонмагандек тевараккa аланглар эди. Ниҳоят, ўша амалдор, Чинор Тоштемирович та-

возеларга ўраб узатган қайчи билан йўлакни тўсиб турган лентани шошилмай кесиб, ола-қуроқ қарсаклар остида, шошилмай ичкарига йўл бошлади.

Аллақачон «кутубхона — музей» мудираси этиб тайинланган Лолахон келин ҳам, амалдорлар ортидан ичкари талпинганлар ичида уяту ҳаяжон билан ўралашиб турар эди. Унинг ўрнига вақтинчалик отам тушунтирувчилик қилиб, йўл-йўлакай янги ходимага иш ўргатиб боради.

Ўша чошгоҳ отам ҳар бир музей экспонатининг қошига бориб, одатдаги заҳарханда ҳазил-ҳузуллари билан, ҳар гал таърифу тавсифни бошлаганида, ҳали-ҳали зах ва бўёқ ҳидлари анқиб турган «маданият уйи»нинг бетон деворлари қаҳқаҳаю ваҳваҳалардан беармон зириллади. Ҳатто туман раҳбариятининг вакили бўлмиш амалдор ҳам бутун олифтагарчилигу сипогарчиликни йиғиштириб, сонларига шаппатилаб-шаппатилаб, қоринларини чангаллаб-чангаллаб кулди. Ёнидаги Чинор Тоштемирович ундан-да ўзиб, баралла қаҳқаҳа отар, ҳар қаҳқаҳа отиб силкинганида майиб оёғи баттар майишиб, орқага чайқалиб-чайқалиб кетар эди.

— Манавига қарамасаларинг ҳам майли, — деганди отам, йўғон ёғоч қозиқни кўрсатиб. — Бети қурсин бунинг, тупа-тузук жигитти уялтирмай. Бу — совхозимизнинг моҳир тракторчиларидан бири ўртоқ Мулламирзаевичга тегишли. У моҳир бўлмасидан хийлагина илгари, кўчиб келган йилимиз, бу шарманда қозиқдан бор-йўғи бир кунгина фойдаланган, ҳа-ҳа, бир кунгина. Ҳазилкаш, ҳийлагар устозининг гапига кириб, кечаси қочиб кетмасин деб, трактори-ни шу қозиққа арқонлаб қўйган.

Ўшанда Сафармурод чавандоз ичкарига киргандаёқ томошаталабларни туртиб-суриб тўрга ўтиб кетди. У гурр-гурр кулгуларга қўшилмай, музей бурчагидаги ойнабанд шкафни ҳурпайганича тўсиб, отам ваъда қилгандек, қўш ойна орқасидан ўз муносиб жойини бир тилим орик қовурғадай эгаллаб ётган қамчисига умрида бу хил ғаройиботни кўрмаган каби тикилиб, от боғланган қозиқдек қаққайиб туриб қолган эди.

Агроном-шоир эса ичак узар кулгулардан бўғриққан амалдорлар қабатидан сира ажрамай, жонсаракларча ўз «санъат дурдона»ларини излар, бироқ на девонлари, на рангли суратига кўзи тушмай, тағин Тоғай тоғалар ғаламислигига

йўлиққанини сезган ва барибир бош шоирлик жилови ҳамон ўз илкида эканини таъкидлагандек калта бармоқларини мушт қилиб тукканича оёқлари остига ўқрайган эди.

Ўшанда музейнинг очилиш маросими хийла вақт чўзилиб, қайнанаси қаровида қолган ўғилчасидан хавотирланган Лолахон келин, томошаталаблар тарқар-тарқамас, отам кўмагида шоша-пиша эшикларни қулфлади.

Баҳорнинг илк ёмғири шовуллаб ёғиб турган ўша кун эса йўлакнинг бу калладай қулфини очолмай хийла овора бўлдик.

— Ўлси-ин, — деди Лолахон янгам алланечук тантиқланиб. — Ҳали бу ордона қолгурга ўргангунимча кафтларим минг марта шилиниб тушар-а...

Мен беихтиёр калит тутган оппоқ, силлиқ қўлларга тикилдим. Назаримда, мана шу тирноқлари бўялган нозик қўлларга кўпроқ суйкалиб туриш учун қурғур қулф, атай қайсарлик қилаётгандек эди.

Ниҳоят, қўштабақа эшик ғингшиб очилди.

Йўлакдан ҳамишагидек зах, бўёқ ва ёғоч қириндиларнинг қоришиқ иси анқиб ётарди:

— Уф, иш кўп, — деди илдамгина ичкарилаётган Лолахон янгам ўз-ўзига гапиргандай. — Кутубхонаям, ўлгур, музей ҳам ивирсиган...

Чиндан-да, ўша кунги маросимдан сўнг сўричалардаги китоб-журналлар, шамол совриб ўтгандай анчайин сочилган, музейнинг антиқа-антиқа кўргазмалари, мағлуб қўшиннинг мағлуб аскарлари каби айқаш-уйқаш тўзғиган, бири қийшайиб, бири йиқилган, бетон қопламали ер қўпол пошна изларидан, бефаросатларча туфланган носвой юқидан ифлосланган эди.

— Янга, шаҳарда ҳам музей борми? — деб сўрадим мен.

Чаққон-чаққон ҳаракатлари билан антиқа-антиқа кўргазмаларни саришталашга киришиб кетган Лолахон янгам қўлларини ҳавода силкитиб:

— Ғиж-ғиж, — деди.

— Кўп киргансизми томошага?

— Э-э... нима керак, мияни ачитиб...

Лолахон янгам музейдан апил-тапил кутубхонага ўтди.

— Бахтий уйғонгунча тезроқ тугатишим керак ишни, — деди у ўзини оқлагандай.

Мен Лолахон янгамни кўп-кўп гапиртиргим, кулдиргим, кулганида бўртиб-бўртиб кетадиган ёноқларини томоша қилгим келар эди.

— Янга, китоб ўқишни яхши кўрасизми? — деб сўрадим стуллардан бирини китоб-журналлар тахланган уч қават сўрича тагига кўтариб борар эканман.

— Ҳа, — деди Лолахон янгам стул устига липпа чиқиб. — Қизиқ китоб бўлса ўқигим келади. Ну... вақт йўқ...

Шу пайт йўлакнинг қўштабақа эшиги очилиб, уст-боши ёмғирдан шилта-шалаббо, қўлтиғида бир даста сўлғин ўт-ўланни қисганича Ўроқ ичкари кирди.

— Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз, — деди у оёқлари остида ҳўл излар қолдириб биз томон юрар экан.

Лолахон янгам стулдан енгилгина сакраб тушиб эрига пешвоз чиқди:

— Ассалому алайкум, яхши бориб келдиларингизми?

Ўроқ қўлидаги сўлғин ўт-ўлан дастасини дабдаба билан хотинига топширди.

Лолахон янгам ҳузурланиб, ўт-ўлан дастасига юзини босганича чуқур-чуқур искади. Искай-искай, худди қилиқларидан уялгандай, менга қия кўз ташлади-да:

— Бизла пичан ҳидини ёқтирамиз, — деди жилмайиб. — Айниқса, эндигина қовжираган ўтнинг ҳидини, айниқса... беданикини.

Ўроқ мени ногоҳ пайқаб қолгандай:

— Ия, Самадча, сен ҳам бормисан? — деди ҳўл куртқасини ечиб, стул суянчиғига осаркан. — Мен сени, анови... музей кўргазмаси хаёл қилибман, ҳе-ҳе-ҳе...

Ўроқ ўз гапидан ўзи нашъаланиб ҳирингланди, Лолахон ҳам завқ билан қиқирлаб унга жўр бўлди.

Мен эру хотин ёнида қоққан қозиқдай турганимданми, ё масхаралагандай кулишлариданми, ишқилиб, ўнғайсиз аҳволга тушдим.

— Улаш ака билан Кенгсойгача пиёда кезиб келдик, — деди Ўроқ хотинига юзланиб. — Нуқул шеърдан гапириб, қулоқ-миямни еди.

— Ўзи нима учун борган эдиларингиз?

— Шу... экин-тикин олди... ерлардан ҳол-аҳвол сўрагали-да...

— Хўш... аҳволлари қалай экан?

— Э-э... ернинг ҳолини нима қиласиз, ундан кўра менинг аҳволимни сўрасангиз-чи... Совқотдим. Иситиб қўярсиз...

— Қочинг-ей... Уялмайсизми? — Лолахон ноз билан эрининг елкасига турткилаб қўйди. — Айтганча, полвондан хат келди.

— Яхши-ку.

Эр-хотин мени буткул унутган кўйи бир-бирининг пинжига киргудек тарзда гаплашишарди.

Мен эса негадир юрагим ғаш тортиб, китоблар тахланган сўричага суяниб турардим. Туйқус ёғоч қиррасига қаттиқ тирғалганимданми, алланима биқинимга беаёв ботгандай бўлди. Пайпасланиб, баданимга бигиздай қадалаётган нарса ён киссамда эканини пайқадим. Пайқадиму беихтиёр чўнтагимга қўл тиқдим. Бармоқларимга Лолахон янгам илк кўришган чоғимиз берган совғаси — ўша шиша балиқча илашиб чиқди.

— Нима у? — деб сўради Ўроқ тўсатдан мен томон кўз ташлаб.

Қўлимдагини шоша-пиша чўнтагимга қайта тиқиб:

— Ҳеч нарса, — дедим аранг. Овозим алланечук хира, пўнғиллаб чиқди.

Ўроқ қизиқиши қитиқлаб қўймади, шекилли, ёнимга келди:

— Кўрсат-чи, еб қўймайман...

— Кўрсата қоли-и-инг, Самаджо-он, — дея тантиқланди Лолахон янгам ҳам. — Нима у?

Мен ихтиёрсиз титраётган бармоқларим билан шиша балиқчани ҳалқасимон занжирчасидан тортиб чиқардим.

— Э-э... Анови, сиз берган совға-ю, — деди Ўроқ ҳафсаласи пир бўлиб.

— Ву-у-уй, — деди Лолахон янгам чинакам таажжубланиб. — Ҳали-ҳали сақлаб юрибсизми?! Ву-у-уй, раҳмат, Самаджон, раҳмат...

— Қойи-ил, — деб елкамга қоқди Ўроқ.

Лолахон янгам худди инжиқ гўдакни овутаётгандай қўлимдан ушлаб, деди:

— Йўқолса-чи, ҳеч хафа бўлманг, хўп? Сизга бошқа зўридан бераман, хўп...

— Йўғ-е, — деди Ўроқ ёлғондакам ҳайрат билан сарғиш киприкларини пирпиратиб. — Мунча кўп сийлаяпсиз бу полвонни? Жуда яхши кўрасизми, а?

— Яхши кўраман-да... Самаджон мени қароқчилардан қўриқлаб юради, ҳар куни Бахтишкага қарайди, бугун ҳам гапимни ташламай ёрдамга келди...

Эр-хотин бири қўйиб-бири олиб алқашган сайин тобора ўнғайсизланиб, юрагим баттар ғашланиб борар, алланечук, оли-и-ис-олисларга, ёмғирлар билан қоришиб, шамолдек елганча бош олиб кетгим келар эди. Ҳануз чиройим очилмаётганидан Лолахон янгам ташвишланди шекилли, ҳув, илк кўришган чоғимиздагидек бошим узра энгашиб, уст-бошидан сўлғин, қовжироқ ўт-ўланлар бўйини анқитиб пичирлади:

— Самаджон, чарчадингизми? Уйга кетасизми?

— Ҳа...

* * *

Бахту иқболдан сармаст Файзулла ака хонадонини ҳушёрликка даъват этгандай, тажовузкор тақдир Тоғай тоға тимсолида темир дарвозани тақиллатган ўша баҳорнинг қоқ ўртасида, қоқ туш пайти мен жажжи Бахтиёрни ўйнатиб уларнинг айвонида юмалаб ётар эдим. Математикадан ёзма иш борлиги боис ич оғриғини баҳона қилиб мактабга бормадим ўша куни. Ўша куни Файзулла ака аллақандай муҳим мажлисни деб девоналарча туман марказига жўнаб қолган, Хосият... Хосият хола-опа-янга эса дуррачасини қия-қия қўндириб, онамни ҳам қўярда-қўймай эргаштириб Майсара янгамларникига гап чайнарга кетишган, Ўроқ ва Лолахон бор дунёни унутиб чаҳ-чаҳлашганича, бир-бирини хас-хашакка белаб, Ўроқнинг ўзи зўр ҳафсала, зўр иштиёқ билан бир ҳафтача илгари даштдан келтирган пичанни ғарамлашаётган эди.

Илк баҳор ёмғири эзиб ёққан, Ўроқ Лолахонга бир даста сўлғин ўт-ўлан тақдим этган ўша кун ўз-ўзимча қасамлар ичдим: «Энди ҳеч гаплашмайман, уйига ҳам бормайман». Бироқ орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас не сабаб-

дандир онамнинг қошига келган Лолахон келинни кўрдиму бутун араз, ғашликларим шамол қувган булутдек тарқади-кетди.

— Ҳа, қочоқ, — деди у билагимдан маҳкам ушлаб. — Соғиниб кетдигу, нега бормайсиз бизникига, а? Ё, энди янга қилмайсизми?

Мен Лолахон келиннинг ўпка-гина билан сузилган кўзларига тикилиб, каҳрабодек қорачиқларида ўз аксимни кўрдиму ҳамишагидек қувониб, илжайдим.

— Келинжон, — деди бизни нимтабассум билан кузатиб турган онам. — Кўп эркалатманг буни, талтайиб кетади.

Лолахон янгам онам томон ёлғондакам бир ўқрайиб қўйиб, сўнг менга жилмайганча юзланди:

— Эркалайман, Самаджон мени қароқчилардан қўриқлайди, Бахтийга қарашади, ишларимга ёрдам беради...

Шу-шу ҳамишагидек бир оёғим уйдаю бир оёғим уларникида бўлиб қолди. Яна Лолахон янгамнинг кулгуларидан, эркалашларидан ўз бошимга масту мустағриқ юрар эдим.

Аммо ич оғриғи баҳона мактабга бормай, жажжи Бахтийни ўйнатиб ўтирган куним шоду хандон пичан ғарамлаётган эр-хотинга ўқтин-ўқтин кўз ташлаб қўяр эканман, чиндан да ичим ўқтин-ўқтин, бураб-бураб оғриётгандай эди. Юрак-бағримни яна ўша алланечук алам-ғашлик чулғади.

Мен ўйинчоқларни шақиллатиб, бақира-чақира юмалаб-туриб, мунчоқдек кўзлари мўлтиллаб, оғизчасидан сўлакайлари силқиб ўтирган жажжи Бахтиёрдан кўра ўз-ўзимни овутиб ётар эдим. Шу маҳал темир дарвоза тақиллаб қолди.

Ҳаво иссиқ ва дим эди. Қуёш бошлиқ бевақт ишга қўзғаган қашшангдай тажангларча нур сочмоқда. Ҳовлидаги ямяшил япроқлаган уч-тўрт дарахт учиб-қўниб ўйноқлашаётган чумчуқларнинг чирқиллашларига қулоқ осиб, маъюс мудрашаётгандай эди.

Ўроқ шоша-пиша бориб темир дарвозанинг кичик эшигини очди.

— Ассалў-ў-ўм... — деган таниш товуш кетидан Тоғай тоғанинг қоп-қора ўчоқдай калласи кўринди.

Ўроқ сувга шўнғишга чоғлангандек қовушган қўлларини олға чўзиб борди-да, почта хизматчиси билан қизғин кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди.

— Қани, уйга кирамиз, — деди Тоғай тоғага саволчан тикилиб.

Тоғай тоға гўштдор манглайидаги реза-реза терини кафти билан сидира-сидира:

— Кейин... жиян, — деб хириллади, заҳир почтачилик тўрвасини шошилмай кавлашга тушди.

Ўроқ, ҳойнаҳой, Ашурдан хат-хабар, ё ўғилчасига нафақа пули олишни чамалаган, елкаси оша ҳовлига мамнун кўз ташлаб тамшанди.

— Бунга қўл қўйинг, Умрзоқип, — деди Тоғай тоға ҳилвираб қолган, қалингина қайд дафтарини очиб.

Ўроқ кўрсатилган жойга ручкани ўйноқлатиб-ўйноқлатиб нописандларча имзо чекди.

— Бу сизга, — деди Тоғай тоға ювош илжайган кўйи бир парча қоғозни Ўроққа узатаркан. — Ваёнқаматдан повеска. Индин, соат саккиздан кечикмай боринг! Она-Ватан хизматга чорлаяпти.

Ўроқнинг ранг-қути ўчди. Бир парча қоғознимас, гўё бир ботмон юкни қўлга олгандай эгилиб-букилиб шапалоқдеккина варақдаги ёзувга хаёлчан тикилиб қолди, сўнг нажот сўраган каби елкаси оша ҳовлига аланглади.

— Хафа бўлма, жиян, — деди Тоғай тоға қийшайибгина турган «Урал» мотоцикли томон юрар экан. — Ҳар бир жигитнинг бошида бор бу савдо, икки йилгина давлат бовага хизмат қилиб беради-да...

Аммо «жиян» Тоғай тоғадан биқинига мушт егандай тиришиб-буришиб ҳовлига кирди.

— Ҳа, нима, деяпти? — сўради ўғилчасини эмизиб ўтирган Лолахон янгам хавотир билан.

Ўроқ бўшашибгина кўрпачага ўтирди.

— Армияга чақириқ кепти.

Лолахон янгам хавотир тўла кўзларини эридан узмай, беихтиёр илкис ҳаракат билан ўғилчасини оппоқ сийнасидан ажратди.

— Вой, энди нима қиламиз? — деди у ваҳимали пичирлаб.

Ўроқ димоғида заҳарханда кулди.

— Хизмат қиламиз.

Жажжи Бахтиёр мунчоқдек кўзларини дадасига тикди, «хизмат қилиб қўйгансиз-у», дегандай ғингшиди. Ўроқ эса ўзига талпинаётган ўғилчасига паришон тикилиб қолди.

— Рост, энди нима қилдик? — дея қайта сўради Лолахон янгам.

Ўроқ лаб буриб елка учирди:

— Абдулла амаким билан маслаҳатлашиб кўраман, танишлари кўп, бирор чора топар.

— Шундай қилинг, — деди Лолахон янгам кўзлари умидвор порлаб.

Ўроқ шундай қилган эди.

Ўша куниёқ у экин пайкалларида кўклам ташвишлари билан ивирсиб юрган амакисини излаб топиб дарду достонини тўкиб солган, Абдулла бадқовоқ гўё ўзига чақириқ қоғози келгандай туман марказига яп-янги «Нива»сини учириб кетган эди.

Ўша оқшом қўшни дарвоза ёнида Файзулла ака билан отам ғўнғур-ғўнғур гурунглашиб турар, Ўроқ эса амакисининг йўлларига кўз тикиб, кўча муюлишига довур аланг-жаланг бориб келар эди.

— Ўроқбой, — деди отам тобора қуюқлашаётган қоронғуликда типирчилаб турган шарпага. — Келингинани олиб уйга қамадингиз, кўнглингиз тўқ, а? Энди бемалол хизматга бориб келаверинг-да!..

Ўроқ сарғиш киприкларини пирпиратиб оёқлари остига тикилди, машина «ювиш» зиёфатидагидек хокисор илжайди.

Ўша зиёфат чоғи «боди бола»дан ҳафсаласи пир бўлган Чинор акага кейинчалик отам томдан тараша тушгандай гап бошлаган экан:

«Раис, шу ёш кадрингдан қолма, бош агрономга ялчийсан...»

«Нега?»

«Отасига ўхшаган ... безразмер... — дебди отам кулиб. — Жаҳлинг чиққанда ҳам ювош тортиб туришини кўрдингку... отасига ўхшайди...»

«Ҳазилни қўй, ўтмас Ўроғинг ўзингга сийлов, лекин шу баҳор агрономияда тўнтариш ясайман...»

Ўша баҳор чиндан-да Чинор Тоштемирович ниятига етди. Аммо оқсоқ директорнинг қилмишларидан заррача озорланмаган Ўроқ Тоғай тоға узатган бир парча қоғоздан бир ботмон қайғуга ботиб типирчилаб қолди.

Ниҳоят муюлишдан кичкина чироқлари хира липиллаб «Нива» турганлар томон бурилди.

— Амаким, — деди Ўроқ жони кириб.

Дарвоза ёнида шаҳд билан тўхтаган машинадан Абдулла бадқовоқ бош чайқаб тушди:

— Йўқ, иш битмади, гаплашиб кўрдим...

Унинг узун-юлуқ тушунтиришича туман ҳарбий комиссариатининг амалдорларидан бири қалин дўсти экан. Шу билан маслаҳатлашибди, «жиянни бутунлай опқолиш керак», дебди. Қалин дўст эса афсусланганича бош чайқабди.

«Бунинг иложи йўқ, ўртоқ, — деган эмиш у. — Қишлоғингда иғвогар кўп, устимиздан ёзиб гаранг қилади...»

Абдулла бадқовоқ унақа ёзғувчиларнинг оғзига уришни бўйнига олибди.

Қалин дўстнинг териси ҳам қалингина экан, ялинибёворишлар ҳам кор қилмай, оёқ тираб туриб олганмиш.

«Биз бир омонат ҳарбий хизматчи, — дебди эътирозларга ўрин қолдирмай у. — Бугун бу ердамиз, эртага худо билади, мабодо, ҳожатингизни чиқарсагу эрта-индин бу ердан думимизни тугиб юборса, ўрнимизга келган янги бошлиқ, барибир бу «шилта» ишни қайта қўзғайди, бурунларингизни қонатади, яхшиси қариндошингиз тинчгина хизматни ўтаб келаверсин, зўр етса отпускага келиб кетар...»

Қалин дўстнинг бу маслаҳати Абдулла бадқовоққа ҳам жўяли туюлибди.

— Энди, ука-а, — деди у гангиб турган Ўроққа ботинмайгина, — белни маҳкам боғлаб, эл қатори бориб келаверасиз...

Ўроқ машина эшигига суяниб жим қотди.

— Шу... ўқишингни бекор сиртқига ўтказган экансанда, а? — деди амакиси ҳануз ўз маслаҳатидан ўзи қониқмай. — Кундузгида ўқийдиганларни армияга олишмасдиёв, тўғрими?

Ўроқ миқ этмади.

Файзулла ака гўё бу гап-сўзларнинг ўзига сира дахли йўқдай қўлларини белида чалиштириб, аҳён-аҳён томоқ қириб виқору мамнуният билан чайқалиб турар эди.

— Сиз нима дейсиз, ака? — сўради Абдулла бадқовоқ ундан.

Файзулла ака худди ёв киролмас қўрғонга бекиниб олган жангчидай алланечук ғолибона «ҳе-ҳе»лаб кулди.

— Йигит киши шиппа хизмат қилиб келгани яхши-да, — деди. — Икки йил ўтади-кетади.

Отанинг бу гапи оқ фотиҳа каби жаранглаган эди ўша кеч.

Тоғай тоға тайинлагандек соат саккиздан кечикмай ҳарбий комиссариатга борган Ўроқ кун пешиндан оққан маҳал сочи тап-тақир қиртишланган ҳолда шалпангқулоқлари супрадай шалвираб, шаҳарча оҳори буткул тўкилиб қайтди. Эрининг абгор аҳволини кўрган Лолахон келин беихтиёр кулиб юборган, гўё бу шўх-шаън кулгуларидан ғам-ғуссалари уқалиб тушгандай Ўроқ ҳам яйраб, баралла қаҳ-қаҳ отган жажжи Бахтиёр эса отасини танимай тисарила-тисарала қўрқиб йиғлаган эди.

Ўроқнинг ҳарбий хизматни аллақачон ўтаб қайтган тенгтўшлари унинг жиғига тегишга ҳаракат қилишар, аскарликнинг машаққатли турмуш тарзини ўзларича кўпиртира-кўпиртира таърифлаб қўрқитишар, «энди укачаларингнинг тепкисини еб, олға қадам ташлайсан» дея ғаш кўнглини баттар ғашлашар эди. Шу баҳона баъзи бировлари шу пайтгача аскарлик ҳақда ўйламай шаҳри азимда айшини сурган, бу ҳам камдай шаҳарнинг гўзалу оқила қизини моҳир чавандоз каби тақимига босиб келтирган, бу ҳам камдай бахту иқболдан масту мустағриқ керилибгина юрган Ўроқдан ўч олиб лаззатланишар эди.

Хокисор хотинининг ўлимидан сўнг анча-мунча каловланиб ўша баҳор тағин каллакланган тутдай гуркираб қолган Қалқонов муаллимгина унинг кўнглини кўтарди.

— Э-э, қайғурманг, Ўроқбой, — деди у Файзулла ака ўғлини ҳарбийга кузатиш шарафига тузаган дастурхон устида. — Мен ҳам сизга ўхшаб... ҳиқ... йигирма тўрт ёшимда аскарликка бориб келганман... Зўр бўлади... Ғам чекманг... сизга дарров истаршина унвонини беради...

Ўша зиёфатдаги тағин бир мастона ғулдираб қолган овоз бўлажак аскарга ёрдамга шошилди:

— Хафа бўлманг, Ўроқбой... азиз шогирдим... нодир ғазалларимдан бирини оппоқ қоғозга о-оппоққина қилиб кўчириб бераман, Ғуломхон эшоннинг туморидеккина қилиб бўйингинангизга тақиб юринг!.. Севикли ёрингизни соғинганда бир бор ўқисангиз, хуморингиз босилади...

Даврада ўтирганлар хириллоқ овоз эгасини кўришмасада, тўғрироғи, кўрмасликка тиришса-да, барибир уни танишди. Ахир, танимай бўладими, бу — бош шоирликнинг жиловини маҳкам ушлайман, деб бош агрономликнинг эгаридан тушиб қолган ўзимизнинг Улаш ака эди!

Ҳа, ҳа, ўша кўкламнинг бошларида у бош агрономликдан мосуво бўлган, орага Сафармурод чавандоз аралашиб, ўғитлар бўйича кичик агрономликнинг думига аранг илашиб қолган эди.

Бу «агрономия тўнтариши» одатдаги идора мажлисларининг бирида юз берди.

Улаш ака бош агрономлик вазифасидан чипқон яра янглиғ ситиб ташланганини, ўзи таърифлагандай, чапак чалиб кутиб олган, «барибир шоирлигимни тортиб ололмайсиз», дея ғурурланган бўлса-да, ўша куниёқ Сафармурод чавандоз улфатчилигида бўкиб ичган, «қиёматлиғ оғам бўлдингиз» дея чавандознинг бўйнига осилиб ўксиб-ўксиб йиғлаган, тез орада битилажак қасида шу оғасига бағишланишига қасамлар ичган, афсус бу қурғур қасамлар ароққа аралашиб кетганиданми, ҳар қалай эртаси куниёқ бош оғриққа қўшилиб тарқаб кетган, буткул унутилган эди. Бироқ ўзи буткул унутилишни сира-сира истамаган Улаш ака ора-чора у-бу давраларда пайт пойлаб-пайт пойлаб минғирлаб қўяди:

«Мана, худога шукр, беш-олти йил бош агрономлик қилдим. Қўлдан келганича эл-юртга хизмат кўрсатдик. Кўплаб шогирдлар етиштирдим... масалан... буғалтер бованинг ўғли...»

Собиқ бош агрономнинг бу камтарона эътирофларига бирор кас юрак ютиб эътироз билдирмади. Ахир, унинг беш-олти йил бош агрономлик қилганию гоҳ қўлидан, гоҳ оғзидан келганча хизмат кўрсатгани, «буғалтер бова»нинг ўғли Ўроқнинг уч-тўрт ой орқасидан соядек тиркашиб юргани, демакки, шогирдлик тузоғига тушгани ҳамма-ҳаммаси чин эди.

Чинлиги учун ҳам Улаш ака ўз эътирофларидан ўзи қониқмай, бош агрономлик фаолиятидан ҳафсаласи пир бўлиб, охири тақир бошдан бит қидиргандай бош шоирлик фаолиятидан ҳайратга арзигулик бирор мўъжиза топиб, тезроқ элга ошкор этиш пайига тушиб қолди.

«Ҳеч ким тортиб ололмайди шоирлигимни, — деб минғирлабди у давраларнинг бирида. — Худога шукр... Аҳли но-

донлар етказган азиятларга қарамай туну кун ижод билан бандман. Уч шеърий девон туздим, кўплаб шогирдлар етиштирдим... масалан... масалан... Шербек... Шербек Чинсрий...»

Собиқ бош агрономнинг бу мўъжизакор эътирофи мўлжалга теккан ўқдай ўша ерда ўтирганларнинг кайфини учириб, ҳангу манг қилиб ташлабди! Йўғ-е, Чинор Тоштемировичнинг тўнғичи шоир?! Устига-устак отаси лавозимидан силтаб туширган бош агрономнинг шогирди?!

Ҳа, ҳа, ҳануз бош шоирликнинг жиловини қўймай келаётган Улаш ака бу камтарона эътирофи билан барчани бир кур шошириб ташлади ўша кунлари.

Полвон келбати, қалин қошларию узун бурни тоғаларига тортган Шербекнинг анчайин хаёлпараст, отасига ўхшаб кўрган китобига ёпишиб, ўқиб чиқмагунича тинчимайдиган нусхалигини барча биларди-ю, бироқ унинг шеърлар тўқиб, шоирлар нонини яримта қилишга бел боғлагани ҳеч кимнинг хаёлига келмаган экан! Ҳатто собиқ бош агрономнинг устозлик даъволари қулоғига етиб борган Чинор ака ҳам ҳангу манг қотиб, ўз тўнғичини қийин-қистов билан сўроққа тутибди! Шербек қисиниб-қимтинибгина агроном-шоирникидан қолишмайдиган икки-уч қалин-қалин дафтарларни отасининг олдига қўйган эмиш. Адабиёт илмига ҳам унча-мунча тиши ўтадиган Чинор Тоштемирович тўнғичининг тўқиб-бичганларини ўқиб-ўқиб таажжуб билан елка учирибди:

«Буларнинг мазаси жойида-ку?! А... Улашнинг улуши сезилмайди-ку? У сенга қандай устоз?»

Шербек аввалига камтарона илжайиб жавобдан тайсаллабди, сўнг барибир тан олибди:

«Бир куни сезиб қолганди-да. Шундан бери шеърларимни тиланиб олиб, тўйларда ўқиб юради».

Чинор ака собиқ бош агрономи сўзни сўзга, гапни гапга улаб даврабошилик қилган, шеърлар кетидан шеърлар ўқиган барча тўйларни бир-бир эслаб, баттар таажжубланибди:

«Бу фалончининг шеъри деганини ҳеч эшитмаганманку?! Ё... »

Шербек камтарона илжайиб, елка учириб қўйган эмиш ўшанда.

Ўшанда ота-бола ўртасида кечмиш гап-сўзлар оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа ўтиб, охири агроном шоирга ҳам етиб борган, у бехос осмонга туфлагани бетига тушган бе-

фаросатдай тажанглашган, бироқ ҳануз бош шоирликнинг жилови қўлида эканидан руҳланибми, ҳар нечук давра-йиғинларда гапини бермай, тағин бир камтарона эътироф билан сувдан қуруқ чиққанди:

«Тўғри, — дебди у уч ойлик иш ҳақини олиш илинжида кассирни кутиб ўтирган каттагина тўдада кўкрак кериб. — Тўғри, тилаб олганим чин, мен атак-чечак ижодкорларга бурнимни кўтариб осмондан келмайман, машқлари билан танишиш учун ялиниб-ёлвораман, қисиниб-қимтинмасин, деб алдаб-сулдайман... Тўғри, ановининг тўқиганларини ўқиганман, жаранглатиб-жаранглатиб ўқиганман. Бу фалончининг шеъри, демаганим ҳам чин. Ахир ёш, ўсадиган ижодкор дарров тилга тушиб, талтайиб кетмасин, деб... Мен бечора... уф... яхшилик қиламан, деб... Шербек бир гўдак-ку, ҳали нимани ҳам тушунади...»

Шербек ғойибона пирининг эътирофлари қулоғига чалингач, аччиғланиб мушт туккан, қадрдон дўсти Ашурдан юққан оз-моз кўтармалиги қўзиб, «бошқаси гўргаку-я, гўдак деганини кечиролмайман», дея айюҳаннос солган экан. Гўё шу айюҳанносдан чўчиб кетгандай, чиндан-да унинг гўдакмаслигини, туппа-тузук йигирмага қадам қўяётган йигит бўлиб қолганини тасдиқлашга шошгандай, ўша кун Шербекка ҳам Тоғай тоға аскарликка чақириқ қоғози келтириб берибди.

Орадан беш-олти кун ўтиб мен ҳам бир парча чақириқ қоғозини — хуфиёна учрашувга чорловчи мактубни ўз «почтачилик» хизматимга содиқ ҳолда «акахоним» номидан Шабнамга етказдим.

Шабнам онасининг ўлимидан сўнг хийлагина озиб-тўзиб, ўйчан тортиб қолган бўлса-да, ўша баҳорнинг қоқ ўрталарида гўё марҳума онаси учун ҳам қасосга бел боғлагандай, аччиқ қисматга қасдма-қасд ширингина сулувлигига қайтган, ишқ-муҳаббат шаробидан озиқланиб яна ойдек тўлишиб қолган эди.

Илиқ ва ойдин тунда бу ошуқ-маъшуқ одатдагидек менинг хос соқчилигимда, одатдагидек Сафармурод аканинг бригадасига тегишли пайкалнинг ёнгинасидаги улкан зовур панасида дийдорлашди, бироқ одатдан ташқари бу гал хийлагина вақт йўқ бўлиб кетишди. Мен бетоқатланиб, Лайли-Мажнун сингиб кетган томон беш-олти қадам ташлаган ҳам эдимки, андак нарида, қамишлар қўлбола чайладай чайқа-

либ, ўт-ўланлар кўрпадай тўшалиб ётган ҳоварда аввал Шербекнинг, сўнг Шабнамнинг аранг ердан узилган қадди-басти кўринди.

Ўшанда Шербек ўз ҳудудига белги қозиқ қоқиб чиққан ер эгасидек мамнун чайқалганича, Шабнам эса ўз кўчмас мулкини беихтиёр топшириб, бу битимдан фойда ё зиён топишини билолмаётган бойбичадай қимтинибгина, этакларига илашган хас-хусларни қоқа-қоқа кўналғаларини тарк этишган эди.

Ўша баҳорнинг қоқ ўрталарида қишлоғимиздан ҳарбий хизматга чақирилганлар ичида тетиги Шербек. У кузданёқ қадрдон бўйинсаси Ашур билан аскарликка кетмаганидан афсусланиб, ҳатто ўзини алланечук камситилган ҳис этиб юрар эди. Гўё тақдир унинг ўртаниб-куйинишларини муносиб тақдирлагандай, жонуспар дўстининг суюкли оғаси Ўроқ билан баб-баравар, бир кунда чақириқ қоғози олишни насиб этди.

— Энди-и, Ўроқ ака икков бир ерда хизмат қилсак зўр бўларди-да, —деб қўярди Шербек ўша кунлар. — Ҳар ҳолда шаҳар кўрган, ўрисчани тузуккина билади...

Афсуски, Шербекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ўроқ ва яна уч нафар аскарликка чақирилган тенгқурлари билан тайинланган куни ҳарбий комиссариатга бориб келишдию қошқабоғи осилиб, қадрдон дўстининг суюкли акасини бўралатиб сўкишдан бўшамай қолди.

— Ғирт мижғов, қўрқоқ экан, — деди у уйида хайрлашув зиёфатига йиғилган тенг-тўшлари ичида. — Ашурнинг тирноғига ҳам арзимайди!.. Ҳаммамизни шарманда қилди!..

Шербекнинг куйиб-пишиб ҳикоя қилишича, чақирилганлар ҳарбий комиссариатга йиғилиб, врачлар кўригидан ўтишаётган, сочларни қирдираётган маҳал сувга тушган мушукдек шумшайибгина турган Ўроқ бир пайт тўппа-тўғри бошлиқнинг ҳузурига кириб кетибди. Бир оздан сўнг погонлари ярқираб турган баланд бўй, мўйловдор зобит уни ичкаридан судраб чиқибди.

«Эй, йигитлар, — деган эмиш у чақирилганларга қарата, сўнг бармоғини бигиз қилиб Ўроқнинг бошига нуқибди. — Манави сўтакни кўриб қўйинглар! Армиядан қолдиринг, шу атрофда хизмат қип журай, ёш болам бор, деб кўзининг сийдигини оқизиб кирибди олдимга. Ғирт қўрқоқ, Ватан хоини бу!»

Чақирилганлар бошлиқнинг сўзларини эшита-эшита, ичи тушган пўкак қовундай сарғиш туси баттар сарғайиб, мўлтирабгина турган Ўроққа боқиб гур-гур кулиб юборишган эмиш.

«Шу қилиғинг учун, — дебди бошлиқ Ўроқни туртиб-суриб чақирилганлар сафига қайтараркан. — Шу қўрқоқлигинг учун сени нотинч ерга юбортираман... Ўв, хотин-болачақасини ташлаб кетаётган битта сенмас, ана, сафда бешолти кечиккан призивник бор! Ну... улар сендай номардлик қилишаётган йўқ...»

Шербек ва унинг тенгқурлари Ўроқдан жирканишиб, бирга эканимизни биров билиб қолмасин, деб ундан тайсаллаб-тайсаллаб туришибди. Қайтар чоғи ҳам Ўроқдан ажралиб, бир машинани кира қилиб ими-жимида қайтишибди...

— Тоза шарманда қилди-да, — деди Шербек алам ва номус ўтида қовурилиб. — Бизга қўшилиб кетаётганидан қувониб, йўлбошчига ялчидик, деб ишониб юрсак... Қаранглар-а, шу ерга чақирсак ҳам келмабди, одам иси ёқмайдиган ёввойи у! Ўтиргандир-да, хотинчасининг этагига ўралаши-иб...

Йўқ, Шербек беҳуда куйиб-пишиб Ўроқдан орланган экан! Барибир улар ҳарбий хизматга бирга кетишмади. Аввал Шербек, изидан бир неча кун оралатиб, кетма-кет унинг уч оғайниси, охири Ўроқ сафар тўрвасини орқалади.

Ўша баҳорнинг адоқларида Ўроқ, Шербек ва яна уч нафар тақирбош бирин-кетин жўнаб кетишган, ўринлари ҳувуллаб, не-не юракларга оғир бир ғашлик чўккан эди.

Ўроқ ва Лолахоннинг бошига тушган ташвиш, барчанинг, айниқса, севги саргузаштларига ўч ёш-яланғларнинг диққат-эътиборида эди. Сирли учрашиб, сирли топишган бу сирли эр-хотиннинг, нечук сирли хайр-хўшлашувига барча қизиқар, зимдан-зимдан кузатар эди. Баъзи бир ёш-яланглар уларни худди кинолардаги каби тун бўйи бир-бирига тўймай, бир-бирини қўлтиқлаб кўча-кўйда, дала-даштда сирли-сирли сайр қилиб юришса керак, деган хаёлда алламаҳалгача қўшнимизнинг дарвозасини пойлашди. Йўқ, барча қизиқувчиларнинг ҳафсаласини пир қилиб, бу сирли эру хотин ҳовлидан ҳатлаб ташқари чиқмади ўша кунлар. Фақатгина Ўроқ сафар тўрвасини орқалашга чоғланиб турган

сўнгги кунларнинг бирида ёзги клубда ҳиндча кино қўйиладиган бўлиб қолдию бу сирли эру хотин ҳам барча томошаталаблар қатори кўчага чиқди.

Ўша кеч улар барча интиқ кутгандек, бир-бирини қўлтиқлаб, ялаб-юлқаб эмас, шунчаки, ёнма-ён, шошилмайгина гурунглашиб боришар, теваракда анграйганларга лоқайд-лоқайд кўз ташлаб қўйишар эди.

Ўша кеч ҳам ёзги клуб томошаталаблар билан лиқ тўлди. Ўроқ ва Лолахон каттаю кичикнинг ҳайҳайлашига, олдинги, қулай қаторларга таклиф этишларига қарамай, энг сўнгги қатордаги бурчаккинани эгаллашди.

Мен, ҳув, ёздагидек уларга илтифотлар кўрсатишга тиришдим. Бироқ бу сафар Лолахон янгам менинг куйиб-пишишларимга маъюсгина жилмайиб, қўл силкитиб қўя қолди.

Ҳиндча томоша, ҳамишагидек гўзаллигу нафосат, севгию садоқат, бахт-иқбол ҳақида экан! Олис кўҳна ўлканинг кўркам, хуш манзаралари шундоққина қўл етар жойда жозибаланиб-жозибаланиб турар эди. Сеҳрли куй-қўшиқларнинг соҳир садоси юракларни қитиқлаб-қитиқлаб қочар, ёзги клубнинг очиқ осмони узра мавжлана-мавжлана олис-олисларга таралар эди.

Мен орқа бурчакдаги бир-бирига елка тираб экранга термулган Ўроқ ва Лолахонга ўқтин-ўқтин кўз ташлаб қўяман.

Назаримда бутун экранни ёритган сим-сим нур Ўроқнинг оқ-сарғиш юзларидан ёғилаётгандек, бутун экранни тўлдирган сержилва ранглар Лолахоннинг қароқларидан сачраб чиқаётгандек эди.

Томоша қизғин, эзгин давом этди.

Ўнлаб-юзлаб нигоҳлар ёп-ёруғ, ранго-ранг экранга қадалган.

Бу нигоҳлар интиқ-интиқ излаган, излай-излай тоғу тошларни ташлаб чўлу даштларга сарсон келган, бироқ ҳануз-ҳануз тополмаган фаровон ҳаёт, гўзал турмушни аллақандай ҳинд жодугарлари шундоққина рўпараларида кўз-кўз қилар эди.

Бу энтиккан, бу ўртанган юракларни ҳануз-ҳануз зор-интизор этган Бахт, Севги шундоққина манглай қўяр жойда, бегона башараларда балқиб турар эди.

Бу қимтилган лаблар, бу тек қотган овозлар, ҳасрату надоматлар ўрнига баралла куйлаши керак бўлган, бироқ

ҳануз-ҳануз авж парда — оҳангларини, сеҳрли сўзларини тополмаган Юксак Хаёл, Топ-тоза Туйғу ҳақидаги қўшиқларни шундоққина лаб тегар ораликда, бегона тиллар, бегона лаҳжаларда эшилиб-тўлғаниб хониш қилишар эди.

Томоша қизғин, эзгин давом этарди.

Ўнлаб-юзлаб нигоҳлар Гўзаллик, Бахт, Севги чаппар ураётган экранга ҳайрату ҳаяжон билан қадалганди.

Ҳамма ана шу ёп-ёруғ, ранго-ранг хилқатга сингиб кетишни истар эди.

III

Файзулла ака хонадонига кулфат дориди!

Бу мудҳиш мусибатни гўё кеч кузнинг кечиккан ҳовлиқма шамоли қоп-қора булутлар тўдасига қўшиб олис-олислардан бошлаб келгандай эди.

Ўша бало келган кунга ўтар кечаси узоқ қаттиқ шамол туриб, чанг-қуюн кўтарилди. Ўша тун одамлар уй-уйларига қамалиб олди.

Бироқ кечки пайтлар осонликча остона ҳатлаб кўчага чиқмайдиган Хосият хола қоронғулик қуюқлашган бир маҳал шамолу чанг-тўзонга қоришиб уйимизга кириб келди.

— Қуриб кетсин, — деди у онам билан узоқ аҳвол сўрашгач. — Негадир юрагим сиқилиб кетди. Бир ҳамсоягинамни гапга тўйғазай, деб олдингизга чиқиб келабердим.

Бироқ Хосият хола гапга тўйғазмади. Қайтам онамнинг узундан-узоқ гап-сўзларига ҳам ҳушсизгина бош ирғаб, қоп-қоронғу деразага ўйчан кўз тикиб ўтирди. Кўп ўтмай, онамнинг астойдил норизоликларига қарамай у кўрпачадан оғир қўзғалди.

— Энди мен кулбамга борай, — деди у эшик томон юраркан. — Юрагим алағда...

Ўша кеч Хосият хола хайр-хўшлашиб бизникидан чиқар экан, назаримда, шамол унга йиғлаб тармашгандай, зимзиё зулмат қўлидан силтаб тортқилагандай бўлди.

Ўша тун тонгга яқин шаррос ёмғир қуйиб ўтди. Ҳовлиқма муздек шамол эса чошгоҳгача тентий-тентий этларни жунжиктириб турди. Осмоннинг у ер-бу ерида увада-увада булутлар, сурувдан адашган туялар каби изғиб юришди.

Биз не бир ит азобида Сафармурод чавандознинг пайкалидан йиғиб келинган ғўзапоя уюмларини ҳовли этагига ғарамлаш билан машғул эдик. Онам икковимиз паншахага қистириб узатган ғўзапоя дасталарини отам ғарам устида туриб, чаққон-чаққон ўроғига илдириб олар ва яна шундай эпчиллик билан оёқлари остига босиб ғарамлар эди.

Бир пайт дарвозамиз олдига совхоз директорининг «Нива» машинаси гувуллаб келиб тўхтади. Лаҳза ўтмай, шляпаси чаккасига қийшайиб, Чинор ака теваракка безовта-безовта аланглаб, оқсоқланганича кириб келди.

— Эргаш, — деди у отамга, қўли билан имлаб. — Пастга туш!

Директорнинг салом-аликни ҳам унутиб ҳовлиқиши ғалати эди. Шу сабаб отам ортиқча ҳазил-ҳузулга изн бермай, сирпанганича ғарамдан тушиб дўстига юзма-юз бўлди.

— Буғалтер бованинг уйи куйди! — деди Чинор ака алланечук ғудраниб. — Ўроқбой нобуд бўпти...

— Йўғ-е! — деди отам дўстига ишонқирамагандай тикилиб.

— Ҳа, шундай. Бугун саҳарлаб раҳбариятдан сим қоқишди. Ҳозир мафкура бўйича масъул бир ўртоқ бошчилигида тобутни опкелишади. Энг чатоғи шундаки...

Чинор ака гапини давом эттиролмай ҳаммамизга алланечук мўлтираб, бир-бир қараб чиқди.

— Файзулла аканинг ўзи қаерда? — сўради отам тобора ўйга чўмиб.

— Буғалтер бовани ҳозиргина бир балоларни баҳона қилиб уйга жўнатдим, лекин... энг чатоғи... тобутни очтирмай бир соат ичида кўмдириб юборишимиз керак экан...

— Иби-и, — дея чинқириққа ўхшаш товуш чиқарди, аллақачонлардан бери чала ғарамга суяниб қолган онам.

— Нега? — дея таажжубланди отам. — Ахир... ўлик кўмишнинг ҳам етарли урф-одати бор-ку... Ё мусулмончиликдан тоза чиқиб бўлдикми?

Чинор ака ташвишу ҳадик тўла кўзларини аллақаёқларга опқочиб ғудранди:

— Юқорининг буйруғи шундай. Бу ҳам ҳарбий сир экан. Ўзинг биласан, уларнинг гапини икки қилиб бўлмайди.

Ҳамма минг бир саросимада сукут сақлаб қолишди.

— Энди, Эргашбой вақтни ўтказмайлик, — деди директор яна тилга кириб. — Сен қишлоқнинг гапга етарман беш-

олти оқсоқолини йиғиб, секин-секин буғалтер бованикига бошлаб келавер. Ҳаммасига воқеани тушунтир. Келин, сиз... сиз эса беш-олти хотин-халажни етаклаб Хосият опанинг ёнига келиб туринг. Тезроқ қимирлайлик, ҳали замон ановилар етиб келади...

Чинор ака майиша-майиша дарвозадан чиқиб кетди.

Отам яна бир зум ўйчан қотиб тургач, айвон ёнидаги обдастада юз-қўлини ювди, сўнг гап-сўзсиз ичкари кириб кетди. Онам ҳам миқ этмай шалвирабгина унга эргашди.

Совуқ эпкин этни жунжиктирганича ҳануз изғиб юрар, ғарам теварагидаги ўт-ўлан, япроқ хазонларини супириб-сидирар, аллақайлардандир намга бўккан куйинди исини келтириб димоғларга урар эди.

Кўп ўтмай отам бошига дўппи, эгнига олача чопонини кийиб, шоша-пиша уйдан чиқди-да, дарвоза томон отилди, изидан узун, серпопук рўмолига ўралашганча онам ҳам илдамгина жўнади.

Мен қўлимдаги паншахани ғарамга санчдим-да, ерда тўзғиб ётган ғўзапоя уюмига беҳол ўтирдим. Чинор аканинг ўша алланечук ғудраниши ҳамон қулоқларим остида вошиллаб турарди: «Ўроқ нобуд бўлибди».

Ўроқ... йўқ, негадир ўтган кеч дунёларга сиғмай, безовталаниб юрган Хосият хола кўз олдимда жонланди. Совуқ эпкинданми, ё ич-ичимдан қўзғалган, қандайдир қўрқувга ўхшаш номаълум сезгиданми тиззаларим ўз бошига дир-дир титради.

Мен Ўроқнинг ўша хушбичимгина чеҳрасини эслашга уринардиму нуқул унинг маъюс тортган кўзлари, сочи тоза қиртишланганидан кулгули очилиб қолган шалпанг-қулоқлари хотирамда хирагина жонланар эди.

Мен баттар ҳолсизланиб, ғўзапоя уюми устига ёнбошлаб қолдим. Тепамда бўтана боғлаган кўлмак сувдай кўкиш осмон хирагина қалқиб турибди. Тўзғин-тўзғин увада булутлар, гўё мусибат етган бу гўшалардан тезроқ даф бўлмоқчидай ҳайиқиб кетмоқда. Қуёш хомуш йилтиллаб, истар-истамас нур сочаётгандек эди.

Ғашлик ва дилгирлик исканжасида қанча ётганимни билмайман, бир пайт кўча тарафдан, аввал машиналарнинг гувуллаган, сўнг вошиллаб тўхтаган шовқини эшитилди. Худ-

ди шуни кутиб туришган, ҳойнаҳой, отам етовидаги беш-олти киши қия очиқ дарвозамиз ёнидан шоша-пиша қўшнимизники ёққа ўтишди.

Мен ҳам ҳовлиққанча ўрнимдан туриб кўчага отилдим.

Уйимиз ортида, қўшни ҳовли тўғрисида уч машина — директоримизнинг кўкиш «Нива»си, изидан, белги рақамлари катта амалдорларга тегишли эканидан дарак берувчи оппоқ «Волга», унинг ортидан, ҳарбийларнинг носвойранг юк машинаси тизилиб турарди.

Автоуловларнинг эшиклари шарақлаб-тарақлаб очилдию келувчилар шоша-пиша ерга оёқ қўя бошладилар. Оқ «Волга»дан бирваракайига ҳарбий мундирдаги баланд бўй, яғриндор уч одам ва оппоқ кўйлагу гулдор бўйинбоғи, қоп-қора костюм-шими масъул шахслардан эканини тасдиқлаб турган сипогина киши тушди. Юк машинанинг олдида ҳам ҳаш-паш дегунча, беш-олти нафар узун-калта аскар йигитлар олақарғалардай тизилишди. «Нива» ёнида саросималаниб турган Чинор ака ва Норбўта милиса, чорпаҳил ва сержаҳл участка нозири «Волга»дан тушганлар тўдасига қўшилишди. Отам етовида борган беш-олти нафар ҳам-қишлоқлар эса машиналардан андак берида жонсарак туришар, уларнинг сафи у ёқ-бу ёқдан югургилаб келаётганлар билан тобора қуюқлашарди.

Ҳовлиси биқинидаги шовур-шувур сергаклантирган Файзулла ака ташқари чиқиб, бемаврид бўсағасида тўпланганларга анграйганича туриб қолди.

— Файзулла ака, дарвозани очинг, — деди оқсоқ директоримиз бўғиқ бир товушда.

Эндигина «Волга»дан тушганлар томон довдираганча одимлаётган қўшнимиз бўшашибгина ортга қайтди. Бироқ отам билан Сафармурод чавандоз ундан илдам ўзиб, қўшқопқали темир дарвозага ёпишишди.

Мундирларидаги юлдузчалар нурида кирчил ва хира товланиб турган, афт-ангори сомондек сап-сариқ, кўзлари кўкиш икки ҳарбий, ҳойнаҳой, бизнинг тилни тушунишмаса керак, теваракка алланечук бегонасираб совуқ боқишар, ёнларидаги қора соч, қора мўйлов ҳарбийнинг имо-ишоралар билан пичирлашларига сергак-сергак қулоқ солишар эди.

— Пошли, юринглар, — деб ғудранди оқ кўйлак, гулдор бўйинбоғли масъул ходим, дарвоза ланг очилгач.

Файзулла ака ҳовлисига бостириб кираётган, кўзлари тош қотган тўдага ҳанг-манг боққанича, беихтиёр ичкари томон тисарила бошлади.

Ичкарида, чорпоя устида Хосият холани қуршаб, минғ-ир-минғир қилиб турган аёллар ҳам йиртқичдан ҳуркқан жониворлардек дувва қўзғалишди.

Лолахон янгам қўлида косов тутганича ошхона ёнида ҳайрону лол қотиб қолди.

Лаҳза ўтмай чорпоя теварагида танишу нотанишлар аралаш-қуралаш бўлиб кетган кичик бир давра пайдо бўлди.

Масъул ходим андак ўртага юриб, чорпоя томон ботинмайгина кўз ташлаб олди-да:

— Азиз ўртоқлар, — деди овози титраб. — Файзулла ака, Хосият опа... ўғилларингиз Умрзоқов Ўроқбой... Ватан олдидаги бурчини адо эта туриб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди... Бизнинг, ҳукуматимизнинг чуқур ҳамдардлигини қабул этинг...

Масъул ходим сўнгги сўзларини айта-айта бошидаги шляпасини сириб қўлга олди. Шундоққина биқинида турган ҳарбийлар ҳам серҳашам фуражкаларини ечиб, хомуш бош эгдилар. Худди шуни кутиб тургандай, ҳалигина юк машинаси ёнида тизилган аскарлар уч қулочча келадиган, энсиз бир темир сандиқни тўрт ёғидан озод кўтаришганича дарвозадан кириб келишди.

— Тобут, йўл беринглар, тобут, — дея ҳирқираганча овоз берди кимдир.

Аскарлар устларига оқ бўёқда аллақандай рақамлар, тушуниксиз сўзлар ёзилган темир тобутни оҳиста келтириб чорпоя ёнига қўйишди.

Ҳаммаёқни «уфф», «ваҳҳ», деган бўғиқ саслар босиб кетди.

Масъул ходим сўз бошлаганидан бери бир-бирининг пинжига ваҳима билан тиқилишган Файзулла ака ва Хосият хола ўққа учган мусичалардек илкис чайқалиб темир тобут устига қулашди.

— Ва-а-ай, жа-а-аним! — дея чинқириб юборди Хосият хола совуқ тобутга лабларини босиб.

Файзулла ака эса ич-ичини қўпориб келаётган ўкирикни қувиб чиқаролмаётгандек юз-кўзлари тириша-буриша ўзини отиб ерга урар, бемажол қўллари таянч излагандай

ҳавода тимирскиланар эди. Ниҳоят, унинг каппа-каппа очилаётган оғзидан на ингроқ, на қичқириққа ўхшаш бир товуш ситилиб чиқди:

— А-а... у-у-увв... а-а...!

Хосият хола, ҳануз ичига кириб кетгудек темир тобутни қучиб-ўпиб, атрофида судракланар, сочлари тўзғиб, юзлари шўрхок ёшдан бўз матодай ивиди:

— Бола-ам! Бўйгинангдан... Ҳидгинангдан... Вой, эркатойим...

Аллақачондан бери чув-чувлашга тушган хотин-халаж эр-хотиннинг ҳол-аҳволига боқиб баттар увиллашар, бир-бирини қучоқлаб ҳўнграшар, бу ҳолдан теваракдаги эркаклар ҳам қуйилиб келаётган кўз ёшларини тиёлмай, кафтлари билан артиб-артиб олишар эди:

«Аҳх...»

«Уф-ф...»

«Вах-х...»

Кўзлари жиққа ёш онамнинг қўлидаги кичкинтой Бахтиёржон ерпарчин бўлиб ётган бобо-момосига, гоҳ ажабланғандай термулар, гоҳ юлқиниб-юлқиниб улар томон талпинар эди.

Лолахон!

У совуқ шамол учириб кетган хас каби титраб-қақшаб ошхона бўсағасида ўтирар, қоп-қора кўзларидаги жиққа-жиққа ёш, қоп-қора косада қайнаб-тошаётган симобдай ёноқларига чилп-чилп оқиб тушар эди.

Отам ҳўнг-ҳўнг йиғлаб типирчилаб ётган Файзулла акани, Майсара янгам эса бўзлашлардан буткул ҳолдан тойган Хосият холани ердан турғазиб олишга урина бошлашди.

Хосият хола темир тобутдан ажрашни истамай, силкиниб-юлқиниб қаршилик қила-қила, бир пайт шилқ этиб ўзини Майсара янгамнинг кўксига ташлади:

— Вах, келинжон, вой, болагинам, — ҳирқиради у, худди ваража тутган бемордай титраб-қақшаб. Сўнг туйқус жим қотди.

Шу орада кўп қатори юрак-бағри эзилиб, хомуш тортиб турган ҳарбийлардан бири секингина қўл соатига кўз ташлаб олди.

Масъул ходим эса андаккина босилган қий-чув, талатўпдан фойдаланиб қолишга ошиққандай:

— Азиз юртдошлар! — деди ҳамон бўғиқ ва ҳирқироқ овозда. — Умрзоқов Ўроқбой Ватан учун...

Масъул ходимнинг гапи оғзида қолди. Майсара янгамнинг бағрида ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, титраб-қақшаб ётган Хосият хола бир пайт она йўлбарс каби сачраб туриб кетди.

— А-а-ай! — дея чинқирди у масъул ходимнинг оппоқ ёқаларига беаёв чанг солар экан. — Сен боламни топиб бер! Мунча ватанлаб қолдинг, нега ўзинг ўлмайсан Ватан учун... Нималар деб валдираяпсан-а?! Болажоним ҳали ўзининг уйини ҳам тузук танимасди-ку... Сенлар бошига етдилари-иинг...

Кўзлари ёшдан хира тортган Чинор ака ва Норбўта мелиса аллақачон юз-кўзлари икки-уч тимдаланган амалдорни ғамбода онанинг жазавали чангалидан қутқариш учун нўноқларча уннай кетишди.

Хосият хола ногоҳ уйқудан уйғонгандай бир чўчиб орқага тисарилди, тисарила-тисарила, тағин жазава билан ўзини темир тобут устига ташлади:

— Вой, бола-ам... Очинглар, манавини очинглар, Ўроқжонимни чиқариб ола-ай...

Онанинг сўнгги сўзлари бўғзида қолди. У бир силкиниб жим қотди. Темир тобутга қаттиқ урилиб шилинган манглайидан қон силқиди.

Кимдир бўғиқ овоз берди:

— Сув опкелингла-ар, ҳушидан кетди.

— Вах-х...

— Уф-ф...

Майсара янгам Хосият холани оҳиста кўтариб чорпояга ёнбош ётқизиб қўйди. Яна аллаким унинг юзига пиёладан сув сепа кетди.

Отам маҳкам қучоқлаб турган Файзулла ака ҳамон бир инграб, бир ҳўнграр, гўё қочиб кетмоқчидай талпинар эди.

— Азиз юртдошлар! — дея тағин тилга кирди масъул ходим, алланечук тетиклашган, алланечук асабий товушда. — Қаҳрамон ўғлонимизни, тобутни очмай, ҳозироқ дафн этишимиз шарт. Ҳукуматимиз биз фуқаролардан шуни талаб қилади.

Масъул ходим барча эшитиши учун, кейинчалик ҳар хил гап-сўз, дардисар саволлар бўлмаслиги учун овозини атай баландлатиб-баландлатиб гапирди. Гапира-гапира тағин ташланиб қолишидан чўчибми, ё айтганлари кўпроқ шу мотамсароларга тегишлилигини таъкидлабми, гоҳ Хосият хола, гоҳ Файзулла ака томон қадалиб-қадалиб қараб қўяр эди.

Дарвоза ёнида жонсарак қотган аскар йигитлар ҳарбий амалдорлардан бирининг имосидан сўнг одамлар тўпини беозор ёриб ўтиб, темир тобутни яна оҳиста, озод кўтаришди-да кўча томон йўналишди.

Хотин-халаж ўртасида андак босилган қий-чув, йиғисиғи яна авжланди. Ҳатто эркаклар ўртасида ҳам ошкора ўкириклар, ҳўнг-ҳўнглар эшитилар эди.

— Қабристонга боринглар, қабристонга, — деди Чинор ака ён-веридагиларга пичирлаб.

Одамлар бундай антиқа кўмиш маросимидан таажжубланибми, гоҳ оқсоқ директорга, гоҳ масъул ходимга ёш тўла кўзларини саволомуз қадашди.

— Ҳа, ҳа, ҳамма қабристонга борсин, — деди масъул ходим алланечук асабийлашиб. — Қўрқманглар, керакли ирим-сиримларни ўша ерда бажарамиз.

Барча гувуллаб тобут изидан эргашди. Отам билан Сафармурод чавандоз ҳануз хириллаб бўзлаётган Файзулла ака-ни суяб-етаклаб ташқарига йўналди.

Чорпоя атрофида қолган хотин-халаж чувуллаб юборишди. Худди шу қий-чувдан илкис ҳушига келгандай Хосият хола ҳўнграб ўзини тағин ерга отди:

— Вой, бола-а-ам, Ўроқжоним... Қаёққа опкетаяпсизлар...

Майсара янгам дарвоза томон эмаклаётган Хосият холани турғизиб олиш учун жон-жаҳди билан урина кетди.

Худди шу чоғ ҳануз-ҳануз ошхона бўсағасида, ғижимлаб ташланган дастмолдай бўлиб, кўз ёшларию қора куяга қоришиб ётган Лолахон янгам бўғиқ чинқирганича оёққа қалқди. Қалқдию елкаларида тўзғиб ётган сочларини юлқилаб, ҳовли этагидаги пичан ғарами томон гандираклай-гандираклай чопа кетди.

Икки-уч хотин увиллашган кўйи унинг изидан отилди.

* * *

Етти кун Файзулла ака хонадони аза очди. Етти кун бу ерга узоқ-яқиндан келиб кетаётган боши хам, кўзи нам ҳамдардларнинг оёғи узилмади. Етти кун қўшнимизнинг ҳовлисида оҳу воҳ, йиғи-сиғи саслари тинмади. Айниқса, ўша темир тобут келтирилган мудҳиш куннинг индинига Лолахон янгамнинг тоғаси, холасию онаси, кириб келишган маҳал доду фарёд, ҳўнграшу бўзлашлар қишлоқнинг нариги чеккасигача ваҳимали-ваҳимали эшитилиб турди.

Ўшанда дарвоза ёнида келиб-кетувчи ҳамдардларни кутиб-кузатиб турганлар гўё шаҳарликларнинг азадор қиёфасию йиғи-сиғиси бошқача бўладигандек, қуда-қудағайларга айрича қизиқиш билан анграйишди. Айниқса, қориндор, сергўшт қошу қабоғи орасида кўмилиб кетган кўзлари тузсиз, оппоқ, сийрак сочли хумкалласига омонаттина дўппи илган, олтмиш ёшлар атрофидаги тоғанинг хатти-ҳаракатларини ошкора кузатишди. Ўшанда Файзулла ака энг яқин, энг сирдош биродарига ҳасрат қилгандай қуда тоғанинг қучоғига ҳўнграб отилди.

У ҳатто ўз туғишган иниси Абдулла бадқовоқнинг-да бағрига бунчалар жонуспарлик билан ташланмаган эди.

Абдулла бадқовоқ ўша темир тобут келтирилган машъум кундан бир ҳафтача илгари баҳайбат машинани тўлатиб пиёз юклагану аллақайларгадир гум бўлган, ниҳоят савдосотиқнинг мўмайгина даромадидан чўнтаклари қаппайганича қайтиб кела-кела туман марказида оғасининг мусибатлари-ю, ваҳимали дафн маросими ҳақида эшитган, эшитгану посёлка томон шамолдек елган экан.

Абдулла ака аллақандай киракашнинг «Волга» автоуловидан отилиб тушган бир пайтда биз — Сафармурод чавандоз бошчилигидаги бир тўп хизматчилар эртанги худойига тараддуд кўриб, ўчоққа ўтин, самоварга сув ташиб юрар эдик.

Ўша куни ҳаво иссиқ, осмон кўк кийган мотамсаро аёл каби гезарган, уфқ этакларига илашиб қолган сийрак-сийрак булутлар оғриқдан азобланаётган бемордай тиришиб-буришган эди.

Абдулла ака урф-одат бўйича, баралла товушда «вой, жигарим-ов», «вой, иним-ов», дея айюҳаннос солганича дарвозадан кириши, ён-верида турганлар, бўзловчи қайғунинг зўридан қуламаслиги учун чопа-чопа келишиб икки ёнидан суёв бўлиши, «начора, аччиқ қисмат-да», «тақдирга тан беринг» каби маҳзун иборалар ила овутиши, у эса ҳеч кўнмай, жарангдор бўзловни тағин анча фурсат давом эттириши, ишқилиб, бутун маҳалла-кўй унинг нақадар меҳрибону жонкуяр қариндош эканини кўриб-билиши керак эди.

Бироқ Абдулла ака дарвоза ёнида гўё бировникига киришга чўчиётган бегона каби хийла вақт саросималаниб қолди. Жиққа-жиққа ёш айланаётган кўзлари чала эриган муз парчаларидай хира ва совуқ йилтиллаганича оёқлари остига қадалди.

У ниҳоят кўрдай пайпасланиб ичкари кирди ва довдирай-довдирай чорпоя томон, қорасатин тўни устидан қўш белбоғ боғлаб, бир неча яқинлари қуршовида таёқ суянганча турган оғаси ёққа юринди. Файзулла ака эртадан бери бўзлай-бўзлай чарчаб қолганиданми, ё укасининг урф-одатларни ошкора бузганидан хафа бўлдими, ишқилиб шилқ-шилқ бурун тортганича, истамайгина ўзини жигарининг бағрига берди. Абдулла бадқовоқ акасини бағрига босган кўйи шафтоли данагидай бўртиб чиққан кекирдагини ғилт-ғилт ўйноқлатиб, қачондан бери нақ бўғзигача бостириб келган, теваракдагилар қачондан бери отилиб чиқишини илҳақ-илҳақ кутиб ётган ўкирикни зўр-базўр изига қайтарарди.

Бир пайт у акасини шитоб қучоғидан бўшатдию баркашдек кафтларини юзига босиб гандираклаганча кўчага отилди. Сўнг шу алфозда уйи томон жўнади.

Абдулла ака анчадан сўнг эскигина олача чопонига бурканганча қайтиб келди. Отам уни бир чеккага тортиб, қариндош-уруғлар дарров Ашурни, ҳеч қурса икки-уч ҳафтага аскарликдан чақиртиб келишни талаб қилишаётганини айтди.

Абдулла бадқовоқ юз-кўзларида норизолик учқунлаб пичирлади:

— Энди бу оворагарчиликлардан не наф...

Бироқ шусиз ҳам ўзига ола қараётган маҳалла-кўйдан ғашландими, «Нива» машинасини қуюндек қўзғаб, туман марказига, ҳарбий комиссариат томон елиб кетди.

«Бу шаҳарлик буқадан ановининг одамгарчилиги зўр экан-ей...», дея вайсабди кейинчалик Сафармурод чавандоз.

«Одамгарчилиги зўр анови» — Лолахоннинг тоғаси эди. У ўша куни айюҳаннос солганича қудасига қучоқ очган, гўё машаққатлар билан ёш сиқиб олаётгандай рўмолчасини кўзларига босиб-босиб, «аҳ-ваҳ»лар қилган, сўнг ғамбодалар қатори чорпояга ўрнашгач буткул уни ўчган эди.

Бу тунд, камгап киши то «еттилик» худойи ўтиб, хотин-халаж андак саришта олгунча бизникида тунади. Отам ва чавандоз у билан унча-мунча тил топишиб, апоқ-чапоқ бўлиб қолишди.

— Ай, бола, — деди у бир гал, кечки овқатдан сўнг ёнбошлаб ётаркан. — Памил чойинг борми?

Мен унинг сўзларига тушуниб-тушунмай семиз юзларига анграйиб турганимда шаҳарлик киши костюмининг чўнтагидан кичкина елим халта тўла қоп-қора қуруқ чой чиқариб узатди:

— Ма, ол, қуюқ қилиб битта дамлаб келгин, жа бош оғрияпти...

Қуюқ чой келтирилгач эса меҳмон қўлимга, бир маҳаллар Файзулла ака сийлаган, қоғози ғалати-ғалати шоколадга ўхшаш, ажабтовур конфет тутқазди. Мен қувончдан шаталоқ отиб, бирорта текинтомоқ шерик бўлиб қолишидан қўрқиб ҳовли этагидаги оғил томон югургилаб кетдим.

Ўша тун илиқ ва ойдин эди. Кўк тўла юлдузлар, тўлин ой беармон ва бепарво сайр қилиб юришади. Енгил эсган эпкин аллақайдандир пиширилган сут исини димоғларга келтиради.

Мен бостирмамиз ёнидаги ғўлага эндигина ўтирган ҳам эдимки, шундоққина биқинимдаги девор ортидан, қўшнимиз Файзулла аканинг пичан ғарами ёнидан кимнингдир эзилиб-эзилиб йиғлагани, шўрқ-шўрқ бурун тортгани эшитилди. Лаҳза ўтмай аллаким хас-хазонларни шитирлатиб унга яқинлашгандай бўлди. Сўнг ғўнғур-ғўнғур овозлар эшитилди:

«Ҳа, Лолахон қизим, бу ерда нима қиляпсан? Кечадан бери шу ғарам орқасига уч-тўрт марта ўтиб, узоқ қолиб кетганингни сездим, тинчликми?..»

«Ўзим, шунчаки...»

«Уф... Бўлди-да энди қизгинам... Йиғлама, мен шўрлик онангни хафа қилмай, десанг, йиғлама, жон болам. Била-

ман...Сен бахтиқарога қийин, лекин нима ҳам қила оламиз, жон қизим...»

Жавоб ўрнида яна ҳиқ-ҳиқ йиғи эшитилди.

«Бўлди, қизим. Бунақада ўзингни олдириб, касалга чалинасан, соғлиғингни ўйла, Бахтиёржонни ўйла...»

Назаримда, онаси Лолахон янгамни қучиб сочларини силагандай бўлди. Орага бир зум жимлик инди.

«...Шу ғарамга кўмилиб ётишни яхши кўрардик, —ҳорғин, бўғиқ товуши эшитилди Лолахоннинг. — Ҳамма ухлаб қолганда, иккимиз шу ерга чиқиб келардик. Бизнинг қўрғонимиз бу, деярди куёвингиз. Саҳаргача пичанга кўмилиб ўйнардик, гаплашардик, орзулар...»

Лолахон янгам сўзни сўзга улаёлмай, тағин энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди. Онаси ҳам ортиқ овутмай, қўшилишиб, калта-калта ҳўнграшга тушди.

Тўлин ой, назаримда, пичан ғарами устида тақка тўхтагандай, юзидаги доғлар баттар қорайгандай, заррин ёғдулари тобора хира ва кирчил тортиб бораётгандай туюлди.

«Болажоним... Хоҳлаган пайтинг сени шаҳарга опкетаман...»

«Керакмас...»

«Нега? Ё биздан хафа бўлдингми?»

«Йў-ўқ... Шунчаки... Мен бу хонадонга келиб пақат яхшилик топдим. Начора... Ўзлари ҳайдашмагунча уларни ҳеч қачон ташлаб кетмайман...»

«Сен... ахир, яна оила қуришинг...»

«Булар мени қизим дейишган. Тақдиримни ўзлари ҳал қилишсин. Улар менга ҳеч қачон ёмонлик соғинишмайди, ишонаман.»

«Қизим, ахир мен...»

«Ойижон, сиз кўп диққат бўлманг, бир умр куйиб ўтганингиз ҳам етади. Энди мен учун азоб чекманг».

«Қизим, шаҳарга кетсак...»

«Ойи, шаҳарда мени барибир ширин ҳаёт кутиб тургани йўғ-у. Ойижон, мен... мен... тўғрисини айтсам, шу ерда яна бахт топиб кетишимга ишонаман».

«Қизим, мен шўрликни кечир...»

«Ойижон...»

Аллақайдадир тун ҳашаротлари жон талвасасида чирқиллаб юборишди.

Мен чап қўлимга нимадир чилп-чилп ёпишаётганини ҳис қилиб, маҳкам тугилган муштимни ёйдим. Бу ҳалигина тамшантирган ялтироқ қоғозлик конфет эди...

* * *

Ўша йили қиш анчайин совуқ ва серёғин келди. Посёлкамиз кулранг бир туман ичида ҳорғин ва ўйчан бўзарди. Бир пайтлар омонатгина тўшалган бетон-асфальти ўйилиб, қўпорилиб, ўнқир-чўнқир қиёфага кирган йўллар шилташалаббога беланиб ётар эди.

Кеч кузнинг кечиккан шамолига қоришиб Файзулла ака хонадонига дориган мусибат ҳақида одамлар ҳамон ваҳму даҳшат билан юз-кўзларига гоҳо сирли, гоҳо қайғули тус бериб гапириб юришар эди. Айниқса, ўша масъул ходим бот-бот такрорлаганиданми, ё сирли ўлиб, сирли кўмилганиданми, чинакам қаҳрамон ўғлонлигига шак-шубҳа бўлмаган Умрзоқов Ўроқ тўғрисида андак маҳзун, андак жўшқин оҳангларда ютоқиб-ютоқиб сўзлашишар, сўзлаша-сўзлаша, аллақачон ўз ифтихорларига айланиб улгурган бу жувонмарг йигитга ғойибона ҳурмату эҳтиром кўрсатишар эди. Аммо унинг қаерда, қачон, қандай ажалга йўлиққанини ҳеч ким аниқ-таниқ айтиб беролмади. Бахтга қарши, Ўроқ ҳам камтаринлик юзасиданми, ё уйдагиларни ортиқ хавотирга қўйишни истамайми, хуллас, ўз аскарлик хизматининг сир-асрорини ҳеч бир хатида батафсил ёзмаган экан!

Баъзи бировларнинг миш-мишича Ўроқ аллақандай дарё ортида ҳукумат қўшинлари қандайдир бир ҳовуч бандитларга қарши олиб бораётган урушда қатнашган, қора кунларнинг бирида, афт-ангорини қалин соқол қоплаган қаттол ёв қуршовида қолиб, тириклайин асир тушишни истамай, сўнгги ўқи қолгунча отишиб, охири мардларча ҳалок бўлган эмиш.

Тағин айрим олди-қочди гап-сўзларга қараганда, чиндан ҳам ўша урушда қатнашган сержант Умрзоқов ўз командири томон учган дайди ўққа кўкрак тутиб мардларча нобуд бўлган экан!

Боз баъзи бир башоратчиларнинг баёнотича, ростдан-да ўша жанглар жабҳасида иштирок этган қаҳрамон юртдоши-

миз, муҳим бир ҳарбий кузатувни қойиллатиб қайтаётган пайт мина деган бир ажалга йўлиқиб портлаб кетган эмиш: «...ана сўнг, минага миниб портлагандан бир ҳовуч кул қолади, командирлар, ана сўнг, шу қолган-қутганни темир тобутга солиб жўнатади, ана сўнг, бу балоибадни очиш тақиқланади, ана сўнг», дея ўз балоибад башоратларини исботлашга уринишарди улар.

Ўша темир тобут келтирилган машъум кундан бери бутун посёлка аҳли фахру ифтихор билан номини тилга ола бошлаган қаҳрамон ўғлон етишиб чиққан оила сифатида Файзулла ака хонадони ҳам иззат-икромга кўмилиб кетди. Мабодо давраларда шу оила, шу хонадон ҳақида гап қўзғалса барча баб-баравар маҳзун бир қиёфага кирар, ногоҳ, унинг номусу шаънига тегиб кетмаслик учун ғоят эҳтиёткорлик билан сўзлашар эди. Шунинг учун ҳам, бир гал мулла Мирза озгина бефаросатлик кўрсатиб ҳушёр даврадошларидан балога қолибди. Ўшанда у темир тобут келтирилган машъум куни, талатўпда фалокат босиб ҳарбийлару амалдорлар сафига кириб қолганини, ҳалиги масъул ходим сўзлай-сўзлай бошидан шляпасини сидириб олган чоғ, у ҳам беихтиёр ихчамгина салласини ечиб қўлга олганини, шунчаки куйиниб, довдирлигидан нолиб гапирган экан. Бу ҳангома даврадагиларнинг қаҳру ғазабини қўзғаган, жиккаккина чолни бири қўйиб-бири олиб аёвсиз койишган, хотира ҳурматини, азадор оила қадр-қимматини сақлаш удумидан таҳдидли сабоқлар беришган эмиш. Темир тобут келтирилган машъум кундаги андак даҳриёна қилмиши учун кейинчалик яратгандан авфлар сўраб, анча-мунча енгил тортган мулла Мирза, ўша даврада қуруқ тавба-тазаррулар билан қутулолмай, ўтирганлар учун ажойиб кунларнинг бирида қўй сўйиб, зиёфат уюштиришга ваъда қилиб юборган экан.

«Ановининг ҳам бир таъзирини беришимиз керак», дея тўнғиллабди аллаким ўша даврада.

«Анови» — Абдулла ака эди! Ўша анчайин совуқ ва серёғин келган қиш бўйи оёқларга илашавериб гаранг қилган балчиқдек Абдулла бадқовоқнинг ғийбати одамларнинг оғзига чиппа ёпишди. Барча унинг қиёфасида удумларга нописанд калондимоғни, меҳр-оқибатсиз қариндошни кўрар, бундан беҳад ғазабланишар, тажанглашар эди.

Бироқ ёвузона қилмишлари кундай равшан бу муттаҳамнинг таъзирини бериб қўйишга биров ботинолмас, қайтам, дуч келган чоғлари каттаю кичик беихтиёр у билан қўш қўллаб саломлашишга ошиқар, пана-панадаги сўкишу қарғашлар эса заррача кор қилмас, Абдулла ака яп-янги «Нива»сини зинғиллатиб, шилта-шалаббо йўл бўйида ўзига ола қараётганларга балчиқ сачратганча бемалол ўтиб-қайтиб юраверар эди.

Ўша анчайин серёғин ва совуқ қиш кунларида, қўланса исли тумандай ғийбатлар ғуборида қолиб кетган Абдулла бадқовоқни туппа-тузук оқловчилар ҳам топилиб қолди! Бу — бизнинг қадрдон дўст Тўлқин эди.

— Абдулла ака яхши одам, зўр одам,— деди у якшанбаларнинг бирида Кенгсой томонда қўй боқиб юрган пайтимиз.

Дўстимнинг энтика-энтика гувоҳлик беришича, Абдулла ака баркашдек кафтларини юзига босиб, гандираклаганча ўз жигарининг хонадонидан чиқиб жўнаган ўша маҳал Тўлқин улоққан эчкиларини унинг ҳашаматли ҳовлиси олдидан ҳайдаб ўтаётган экан. Бир пайт кўча бошида оғир бир юкни аранг кўтариб келаётгандай эгила-букила, қалтирай-довдирай пайдо бўлган Абдулла ака қия очиқ дарвозасидан кирар-кирмас ўкириб йиғлаб юборибди.

— Алдасам, тил тортмай ўл-ай, — дея тинимсиз қасамлар ичди Тўлқин. — Ўз кўзим билан кўрдим, икки келини суяб ичкари киргизиб кетганини ҳам кўрдим...

Биз болалар дўстимизнинг тириша-буриша тушунтиришларига ишонқирамадик, негадир ҳаммамиз Абдулла аканинг чиндан-да, катталар бот-бот такрорлагандай, қаттол ва калондимоғ нусха бўлиб чиқишини истаб турардик.

— Бекор гап, — дея билағонлик қилди Дурбек, бурнини шилқ-шилқ тортиб. — Ўша бадқовоғинг чин йиғлайман, деса, ана, буғалтер бованикидан чиқмай йиғларди, йў-ўқ, бунинг кўзига ҳеч қачон ёш келмайди.

Тўлқин тағин типирчилаб ҳимояга ўтди:

— Абдулла ака савхўзимиздаги энг бой, энг зўр одам. У бошқалар олдида йиғлашга уялган... Уйида ўкириб юборганини ўз кўзим билан кўрдим-ку?! Алдасам, мана, нон урсин.

Довдир дўстимиз сўнгги сўзини айта-айта белидаги тушлик учун нон тугилган белбоғини ечиб, қўлига олиб аввал

ўнг манглайига, сўнг ҳаяжонидан тупик кўпириб турган қалин лабларига тегизиб ўпди. Энди Тўлқинга ишонмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди! У бизнинг наздимиздаги энг муқаддас қасамни тилга олди.

Бир пайт эшаги устида ҳардамхаёл-ҳардамхаёл бораётган Ҳужжатуллохон ибн Ғуломхон эшон томдан тараша тушгандай пўнғиллаб қолди:

— Қишлоғимиздаги энг кучли одам Сафармурод чавандоз. Чавандозлар энг зўр, энг ақлли одам бўлади.

Гарчанд эшонвачча Тўлқиннинг отасини кўкларга кўтариб мақтаган бўлса-да, Абдулла бадқовоқнинг оташин ҳимоячиси бундан керилиш ўрнига отасининг, оти тугул ҳали қамчиси ҳам бўлмаган садоқатли шогирдини жаҳл билан бир силтаб эшагидан қулатди. Биз болалар қий-чув кўтарганча жангни аранг тўхтатиб, ҳаммамиз учун қадрдон дўст, бу ҳам камдай табаррук эшоннинг табаррук арзандасини муқаррар майибликдан қутқариб қолдик.

Ўшанда биз болалар ёғоч милтиғу қиличлар билан бошадоқ қуролланган, тезроқ Кенгсойга етиб, сурувни ўз ҳолига ташлаб, уруш-уруш ўйинини бошлаб юбориш дардида ошиққан эдик.

«Уруш-уруш» — ўша марҳум Ўроқнинг темир тобути келтирилган кундан бери, энг қизиқ, энг жиддий ўйинимизга айланиб қолган эди. Биз болалар Ўроқдек жасур аскар бўлишни истар эдик, унинг чиндан ҳам уруш қаҳрамони эканига эса шак-шубҳасиз ишонар эдик. Ҳатто бир гал, ҳаво очиқ куни ёзги клубимизда қўйилган қизиқарли бир кинода, душман қуршовида қолиб, беомон отиша-отиша, охири, ўзи ҳам ўққа учган сарғиштоб аскар кўзимизга ўз қаҳрамонимиздек кўриниб кетди. Одатдагидек орқа ўриндиқларни эгаллаган биз болалар беихтиёр «Ана, Ўроқ!», «Ўроқ Умрзоқов!» дея баравар қичқириб юбордик, ҳатто қуршовдаги аскарга кўмак беришга ошиқиб, ўринларимиздан туриб кетдик.

Ўшанда олдинги қаторлардан бирида ўтирган Қалқонов муаллим шунчаки, Ўроқ ёдига тушибми, ё биздек қаҳрамонлар хотирасига садоқатли, ватанпарвар ўқувчилари борлигидан таъсирланибми, қисиқ кўзларига ёш олган, қўшилишиб қичқирмаса-да, ҳар қалай, танбеҳ бермай, қўлларини силкитганча болаларни қўллаб-қувватлаган эди.

Тўлқин қасам устига қасамлар ичиб ўзича Абдулла акасини оқлаган, Кенгсой даштликларига сурувимиз ўт-янтоқ илинжида ёйилган якшанбада ҳаммамизни ҳаяжонлантирган кинодаги «қуршов» саҳнасини ўйнашга аҳд қилдик.

Келишув бўйича, «сарғиштоб аскар — қаҳрамон Ўроқ» «душманлар» қуршовига тушиб қолиб, отишманинг иложи йўқлиги сабаб қўл жангига киришиши, оқибатда, «пичоқ» тиғидан инграб қулаши, сўнг уни дўстлари тобутга, Ҳужжатуллохон атай келтирган қанор қопга жойлаши, юртига келтириб иззат-икром билан дафн этиши, изидан кичик бир худойи — уйдан олинган емаклар билан тушлик қилиниши, табиийки, қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскар тобут — қанор қоп ичида барча маросимлар тугагунча чидаб ётиши керак эди.

Ўшанда Дурбек ўйлаб топган бу ўйин барчамизга ёқиб тушди. Бироқ, «сарғиштоб аскар — қаҳрамон Ўроқ» бўлишга даъвогарлар кўплиги сабаб анча-мунча тортишиб қолдик. Оқибатда тўдамиздаги энг қорувли, полвон келбат Тўлқин «Ўроқ» ролини илиб кетди.

— Лекин охиригача чидайсан, — дея алам билан чийилладим мен.

Тўлқин жавоб ўрнига ғолибона тиржайди.

Ўша куни ҳаво очиқ эди. Икки-уч кун аввал ёғиб ўтган ёмғир аралаш қордан асар ҳам қолмаган, қир-адирлар илиқ қуёш тафтида қурқшаб, мудраб ётар эди.

Ўйинимиз қизиб кетди. Аввалига эшакларимиз панасида, саёз сайҳонликларда пусиб-паналаб, «пақ-пақ», «тррроқ-тррроқ», дея узоқ отишдик. Сўнг Тўлқин — «Ўроқ»нинг сафдошлари ер тишлагач, бирваракайига у яшириниб ётган тепаликни ўраб келдик. Ниҳоят қўл жанги қизиб кетди. «Тўлқин — Ўроқ» сон-саноқсиз «ёв» қуршовида эканини ҳам унутиб, бутларини керганича айиқдек лапанглаб турар, ҳеч биримизни ўзига яқинлаштирмай илиб отар эди. Қарасак, Тўлқини тушмагур, аллақачон ўйиндан чиқиб кетган, «пичоқ» тиғидан инграб қулаш эсида йўқ, чинакамига чимирилиб, бўғриққанча биз билан олишиб ётар эди. Унинг навбатдаги зарбасидан чалпак бўлиб тушган Дурбек охири чидаёлмай чинқириб юборди:

— Эй, сирри! Нима қиляпсан? Белни синдирдинг-ку?!

Биз — қолган «ёв лашкарлари» ҳам зирқираётган баданларимизни уқалаб, ўжар «душман»га ҳайрон қараб қолдик.

Шу орада унда-мунда «ер тишлаб» ётганлар ҳам ўлгудек зерикишганидан ўринларидан туриб йиғилиб кела бошлашди.

Тўлқин тепаликка бамайлихотир ўтириб олди.

— Нега ўйинни буздинг? Сен қаҳрамонларча ўлишинг керак эди-ку?! — дея алам билан қичқирдим мен.

— Ўлишни хоҳламайман, — деб тўнғиллади Тўлқин хаёлчан хас чайнаркан. — Қаҳрамон бўлиб, орден-медаллар тақиб уйга қайтишни истайман.

Алам ўтида қоврулаётган Ҳужжатуллахон ҳам киноялиҳиринглади:

— Ай... ай... Яна нима?

— Яна... мени қаноргатиқиб, ўзларинг тушликни пақ-қос туширишларингни хоҳламайман.

— Қаҳрамон бўлгандан кейин чидайсан-да, — дея чинқирди Дурбек.

Тўлқин ҳамон хаёлчан хас чайнаган кўйи тўнғиллади:

— Менга унақа қаҳрамонлик керакмас.

— Яна нима хоҳлайдилар? — деб тағин киноялиҳиринглади Ҳужжатуллохон.

Тўлқин ўтирган жойига чалқанча ётди-да, гўё илиқ ҳавони қучаётгандай қулочларини кенг ёйиб ҳайқирди:

— Абдулла акадай бой, зўр одам бўлмоқчиман!

Тўлқин ҳайқира-ҳайқира қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Биз болалар бир-биримизга ҳайрон боққанча ҳамон зирқираб ётган баданларимизни силаб-сийпалаб қолдик.

* * *

Темир тобут очилмай сирлигина кўмилиб кетгани яхши бўлган экан!

Ўша қиш адоқларида, аллақайси туман марказида яшовчи қизи ғалати бир миш-миш топиб келдию мотамсаро Хосият хола оёққа туриб кетди. Мусибат дориган кеч кузданбери у, ҳа, ҳа, ўша, бир маҳаллар ҳузур-ҳаловатдан ял-ял ёшарганча дуррачасини қия-қия қўндириб юрган Хосият хола-опа-янга ўғлининг қайғу-ғамидан кампир тусига кириб қолган эди. Кун узоғи кўк кийимининг этакларига ўралашиб, гоҳ ҳардамхаёл-ҳардамхаёл, гоҳ шўрқ-шўрқ йиғлаган кўйи уйида ўтирар, тез-тез бетобланиб қолар эди.

Ўша қиш адоқларида касалманд онасидан бирров хабарлашгани келган, феъл-атвори Ашурга, тўғрироғи, тоғаларига тортган катта қизи бир тугун дори-дармонга қўшиб, ғалати бир миш-миш ҳам кўтариб келган экан.

«Эна, — деганмиш у овозига андак сирли тус бериб. — Ўроқжон акам тирик!..»

Кўрпа-тўшак ичида бемажол бурканиб ётган Хосият хола бу муждадан андак қад тиклаб, инқ-синқ билан ёнбошлабди, сўнарибгина турган кўзларини ёнғинасида пичирлаётган лабларга қадабди:

«Яна бир қайтар, қизим...»

Қизи тағин такрорлабди. Унинг ҳовлиқиб пичирлашича, очилмай сирлигина кўмиб юборилган темир тобутнинг ичида ҳеч вақо йўқ эмиш. Чиндан-да, балоибаднинг ичида ўлик бор бўлса, ановиларнинг уни кўрсатмаслигида не маъно?!

«Аслида-чи...» — дея тағин теварагига олазарак қараб олибди қизи.

Унинг онаизор юзига юз босгудек энгашиб сирли-сирли сўйлашича, аслида, Ўроқжон йўқолиб қолган, ё хизмат жойидан қочиб кетган бўлиши мумкин экан! Бирор аскар йўқолиб қолса, командирлар ўз каттаконларидан қўрқиб, «ўлди», деган акт тузаркан-у, бўм-бўш тобутни хуфия одамлари орқали жўнатиб юборар эмиш!

«Гапинг чин, — дебди Хосият хола тетикланиб. — Ашуржоним ҳам ҳар хатида, атрофимиз одам йўқолса топилмайдиган қалин ўрмон, деб ёзади. Ўроқжоним шундай ерда адашиб қолдимикан, а? Болажоним бўш-баёвгина эди... »

«Балки қочгандир», дея ўйчан елка учирибди қизи.

Хосият хола тобора жонланиб, қизининг сўзларини маъқуллаганча минғирлаганмиш:

«Чин... чин... болажонимнинг кўнглиям идрабгина турарди, ўғилчасини соғинган, уйини соғинган, қурғур командирлари қўймаган Ўроқжоним би-ир элимга бориб келай, деса. Охири, чидаёлмай, қочиб қолган-да болажоним».

«Тўғри, тўғри...»

Хосият хола бир пайт бир сесканиб қизига юзланиб сўраганмиш:

«Сен қаердан эшитдинг буларни?»

Қизи атрофига сирли-сирли аланглабди:

«Эшитдим, ая, эшитдим...»

Унинг айтишича, ён қўшнисининг олис бир вилоятда яшовчи тоғаси, тутинган оғам деб юрадиган бир кимсанинг узоқ қариндошлари ҳаётида шундай сиру синоат содир бўлган экан. Ўшаларникига аввал темир тобут, орадан роппа-роса беш йил ўтиб, аскардан хат келибди. Хатда ёзилишича, ўша тирилган мурда ҳарбий хизматнинг қийинчиликларига чидаёлмай, ўрмонгами, тоққами, ишқилиб, одам оёғи етмайдиган аллақайгадир қочиб кетибди, ўша ерда овчилик билан шуғулланувчи қандайдир қабила ичида яшириниб юрибди, тушмагур, ҳатто уйланибди, ниҳоят, излар босилиб, ора совугач, секи-ин уйига хабар йўллаган эмиш.

«Ҳозирча улар яширинча хатлашиб тураркан», — дебди қизи энтикиб.

«Худойимдан айланай, худойжонимдан айланай», — дея пичирлаб Хосият хола ҳозироқ арзандаси кириб келаётгандай эшикка мўлтирабгина тикилибди.

Бир пайт унинг хира кўзларида яна ёш қалқиб, ҳўнграб юборишдан аранг ўзини тутиб лабларини қимтибди.

«Ҳа, эна, нима бўлди?» — дея сўраганмиш қизи безовталаниб.

«Бу одамлар Ўроқжонимни, отинг ўчгур, қандайдир урушда қатнашган, деб юришибди-ку».

Қизи ҳаяжон билан тағин пичирлабди:

«Унда... янаям яхши-да... Уруш бор жойда талатўп бор. Инижоним мундай ола-тасирда секи-ин бир чеккага чиқиб кетгандир...»

Хосият хола ўзини ортиқ тиёлмай ҳўнг-ҳўнг йиғлаб қизини қучиб олганмиш:

«Чин, чин, тилингга асал, болам...»

Қизининг ҳам кўз ёшлари булоқдай қайнаб:

«Илоё... илоё, шундай бўлсин», — дея пичирлабди аранг.

Ана шу пичир-пичирлардан сўнг ўша қиш адоқларида Хосият хола анча-мунча тетиклашиб, гоҳ онамнинг қошига, гоҳ Зумрад опаларникига чиқиб, хийла-хийла вақт минғирлаб ўтирар эди.

Файзулла ака ҳам қулоғига етиб келган ўша пичир-пичирларга дуппа-дуруст ишонганиданми, ё ўғлининг доғида похолдай қовжираб, кун сайин тўзғиб бораётган хотини-

нинг қўққис сонга кириб, бардамлашиб қолганиданми, ҳарқалай, андак чеҳраси очилиб, аҳён-аҳён у-бу давра-йиғинларда кўриниш бера бошлади. У кулфат дориган кундан бери озиб-тўзиб, оқ-сарғиш юзлари баттар сарғайиб, шалвирабгина қолган эди. Ўша қиш ўрталаридагина ўғлининг «қирқ»лик худойиси ўтгач, бутун дарду ҳасратини ичига ютиб ишга чиқиб кетди.

— Ай, барака топсин, буғалтер бова, — деди Чинор ака «Жигули»мизнинг олд ўриндиғида маъюсгина чайқалиб ўтираркан. — Ғам-қайғуга қарамай ишга чиқди, бизнинг усиз қийналиб қолганимизни билди. Қайтибгина айтаримизни билмай тургандик... барака топсин, буғалтер бова, тушунди аҳволимизни...

Ўшанда аммамникидан тўй-тўйлаб қайтаётган эдик. «Жигули»нинг орқа ўриндиғида мен, Тўлқин, Сафармурод ака — уччовимиз ястанганмиз.

Машинани бир маромда ҳайдаб келаётган отам оқсоқ директоримизнинг Файзулла акани алқашларига бош ир-ғаб тура-тура ғудранди:

«Ҳа-а, буғалтер бова бебаҳо. Ўроқ бечора омон қайтганда, агрономдан ҳам ялчиб қолардинг...»

Отам одатдаги ҳазил-ҳузулларсиз, чинакам армон билан гапирди. Жувонмарг кетган «ёш кадр» эсига тушибми, ё ҳануз-ҳануз бошига бало бўлган «бош агроном» можароси юрагини ўртабми, ҳарқалай, Чинор ака чуқур-чуқур «уф» тортиб, безовталаниб қолди.

Ҳув, бир маҳаллар, оқсоқ директор ясаган «агрономия тўнтариши» чинакам тўнтаришга айланиб кетган эди. Улаш аканинг ўрнига тайинланган нусха, гоҳ уйида, гоҳ далада-даштда маст-аласт тўнкарилиб ётар, Чинор Тоштемирович унинг амал вазифасини ҳам ими-жимида ўзи бажарар, отамнинг таърифича, бети қолиб, кети билан кулиб юрган дўсту душманларига сир бой бермасликка тиришар эди. Тиришатириша, охири чарчаган, шекилли, ўша мавсум якунланишини ҳам кутмай, пахта йиғим-терими бошланишидан андак аввал, маст-аласт тўнкарилган бош агрономни буткул вазифасидан ҳам тўнкариб ташлади. Ўрнига баъзи бир раҳбарларнинг имо-ишорасига кўра, қўшни совхозларнинг биридан номзод топиб келди.

Улаш аканинг ўрнини эгаллаган нусха амал вазифасини ёлчитмагани етмагандай, идора мажлисларининг бирида Чинор Тоштемировични шармандаю шармисор қилаёзган экан! Шарманда қилганда ҳам гўргаку-я, охирги йиллар ҳам оёғи, ҳам ишлари оқсагандан оқсаб, зўр-базўр эгаллаб турган лавозимининг ҳам тагига сув қуйиб юборишига сал қолган экан!

Ҳаммасига ўша «агрономия тўнтариши» юз берган баҳор, асли давлат пахтасининг маҳрига тушган унумдор ердан бир майдонини Чинор ака, кейинчалик хижолатдан терлаб тушунтиришича, оз-моз чойчақа эвазига Абдулла бадковоққа пиёз-миёз экиш учун ижарага бериб юборгани сабаб бўлган эмиш!

«Ўртоқ Чинор Тоштемирович, — деб қолибди томдан тараша тушгандай, ўша мажлис пайти олд ўриндиқлардан бирида ширакайф ўтирган, чиллакдек орик бош агроном. — Давлат мулкини талон-тарож қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?»

Оқсоқ директор гап ўзани қаён кетаётганини сезиб, ичидан қиринди ўтса-да сир бой бермай, ҳужумга ҳужум билан жавоб берибди:

«Сиз, ҳуқуқдан гапиргунча, ўз вазифангизни бинойигина бажарсангиз яхши бўларди, ўртоқ... Қачон қараса, маст-аласт ер қучоқлаб ётасиз...»

«Тўғри, — дея бош агроном мажлисда ҳозиру нозирларга бир ғолибона кўз ташлаб олибди. — Тўғри, мен ерни қучоқлаб ётаман, чунки уни яхши кўраман, уни ҳеч қачон сотмайман...»

Чинор Тоштемировичнинг дарров уни ўчибди. Худди нажот сўрагандай чоғроқ залда ҳангу манг қотган фаолларга қақшаб-қақшаб кўз ташлабди, айниқса, залнинг орқа бир бурчида ўтирган Улаш акага армон билан термилибди.

Агроном-шоир гўё бундай даҳанаки жангга тобу тоқати йўқдай, хўмрайганча қўлидаги иш дафтарини варақлаб ўтирар экан.

Чиллакдек орик бош агроном тағин бир савол билан Чинор Тоштемировични тоштемир исканжасига олган бир пайт, Улаш ака ногоҳ ўрнидан сапчиб туриб кетган эмиш.

«Муҳтарам акалар, азиз укалар, — дебди у худди тўйда даврақашлик қилаётгандай, — қадрдон дўстлар, жонажон жигарлар».

Кескин вазиятдан ўнғайсизланиб ўтирган аҳли мажлис бу аламзада собиқ амалдор не балони бошламоқчи, деган хаёлда, агроном-шоирга анграйганча тикилибди. Улаш ака бепарво, тағин ўтирганларни муҳтарамдан муҳтарамга, қадрдондан қадрдонга солиб, обдан тинкасини қуритгач, қўққис томдан тараша тушгандай: «Бир шингил шеър ўқиб берсам», дебди ўшшайиб.

41-совхоз тарихидаги олтинчи, оқсоқ директорни фош қилувчи яна бир факт муқаррар юзага чиқишини кутиб турган аҳли йиғин, кутилмаган гап бурилишдан гур-гур кулиб юборган экан ўшанда.

Ўша мажлисдан мутаассир бўлиб қайтган отам, ҳамишаги заҳархандаю ҳазил-ҳузулларини бир чеккага қўйиб, алланечук ҳаяжон билан, иссиқ чойдан ҳўплаб-ҳўплаб, ҳаммаҳаммасини онамга айтиб берган эди:

— ... Шуйтиб, Улашбой ҳаммани кулдириб ташлади. Ҳамма жанжалдан безиб турган экан-ов. Шеър ўқинг-ей, шоирбой, шўх-шўхидан олинг-ей, деб чув-чувлаб қолди ҳамма. Улашбой қора қозондай қайнаб, шеърни шеърга, сўзни-сўзга улай кетди. Ҳамма анграйиб унга тикилган. Ҳатто мен ҳам тахтадай қотиб қолдим. Тўғриси, Улашни писанд қилмай юрардим. Қурғур, чин шоир экан. Ўқиганларини ўзи ёзган, ёзмаганини билмадиму, ну, ҳаммани қойил қилди. Айниқса, Чинорнинг қувончдан типирчилашини айтмайсанми? Шербекка муносиб устозлигини ич-ичида тан олди-ёв. Қўшнимизнинг юраккинаси тоза-да... атай, жанжални бузди, атай. Чинорнинг обрўсини сақлаш учун ярим соатча терлаб-пишди. Э, барака топсин, Улашбой...

Ўшанда отам омборхонамизнинг бир бурчида чанг-гард қоплаб ётган машҳур майиб қутини эпақага келтириб, ичидаги ноёб қўлёзма-ю, «чўллик Пушкин» портретини алоҳида ҳурмату эъзоз билан артиб-қоқиб тозалагач, менга тайинлади:

— Буни дарров Лолахон янгангга етказ. Музейнинг энг зўр жойига териб қўйсин. Ҳали ўзим борсам кўраман. Тушундингми?..

— Тушундим, — дедим мен.

Идора мажлисида бўлиб ўтган ҳангомалар сабаб оқсоқ директор қалтис вазиятдан чиқиб кетган бўлса-да, бот-бот оғриб турадиган тишини суғуриб ташлагандай, кузда бош

агрономни амалидан бўшатиб, бир қур енгил тортди. Бироқ унинг ўрнига тайинланган, қўшни совхоздан «экспорт» қилинган азамат ҳам ғоят қисқа муддатда Чинор Тоштемировичнинг юрагига тоштемирдай ботиб улгурди.

Чинор ака шу сабаб ўша аммамникидан тўй-тўйлаб қайтаётган пайтимиз отамнинг армонли гапидан сўнг, ҳам марҳум Ўроқни эслаб, ҳам бош агрономга ёлчимай ўтаётганидан озорланиб, ғам-ғуссага чўмган эди.

«Ҳа-а, тўғри айтасан, Эргаш, — деди у отамга ўйчан кўз ташлаб. — Ўроқжондан ҳақиқий агроном чиқарди. Уф-ф, илож қанча, умри қисқа экан. Биз бу қаҳрамон йигитни ҳеч қачон унутмаймиз!»

Чинор ака шунчаки савлатли гап қилмаган эди.

Ўша кунлар у қаҳрамон аскарнинг хотирасини абадийлаштириш кўйида астойдил жон куйдирар, 41-совхозга ё бизнинг мактабга Умрзоқов Ўроқнинг номини қўйиш истагида гоҳ туман, гоҳ вилоят марказидаги тегишли идораларга бўзчининг мокисидай қатнаб юрар, Қалқонов муаллим ҳам ўзича унга кўмаклашишга тиришар эди.

Машҳур мажлисдаги ҳангомалардан сўнг машҳурлиги беқиёс ортган, шу баҳона катта шоирлик мақомига тағин маҳкамроқ ўрнашиб олган, кичик агроном Улаш аканинг ташвишлари ҳам ҳеч бир жонкуяр, фидойи зотларникидан қолишмас эди ўша кезлар. Ўша кезлар унинг хийлагина тўлишиб, эт боғлаб қолган қадди-басти яна хипча тортиб, япасқи бурни баттар ялпайиб, тиканакдек сийрак сочининг оқи қуюқлашган бўлишига қарамай, Ватан учун ҳалок бўлган қаҳрамон шогирдининг пок руҳи, хотирасини қўллаб-қувватлаб, янги достон ёзиш дардида илҳом билан тараддудга киришиб кетган эди.

«Бу йирик асарим, — дея узундан-узоқ тушунтиришга тушиб кетарди у, гурунгига қулоқ солувчи бирор кимса топилиб қолса. — Ўроқжон ҳақида, Лолахон ҳақида. Достонимда юксак инсоний туйғулар, ватанпарварлик, жасорат, севги-садоқат тараннум этилади».

Бироқ севги-садоқат тараннум этилган достон агроном-шоирнинг ҳали тараддуди битмай туриб, эл оғзида аллақачон тўқиб-бичиб ташланган эди ўша кезлар.

Ўша кезлар барча гоҳ маҳзун, гоҳ мамнун пичирлаб, ҳайрату ҳаяжон билан Лолахон ҳақида, эндигина йигирма

уч баҳорни қаршилаётган, агроном-шоир таърифлаганидек, қаҳрамон жангчининг буюк беваси ҳақида сўзлар эди.

Эмишки, ўша темир тобут келтирилган машъум кун шаҳарлик келин ҳушсиз йиқилиб, нақ бир ҳафта ўзига келмаган эмиш. Шу-шу одамови, ҳуркак, йиғлоқи эмиш. Шу-шу жин чалгандай ўз-ўзи билан гаплашиб юрар экан.

«Сиз йўқсиз, — дермиш у ҳардамхаёл-ҳардамхаёл, — лекин пок руҳингиз ҳамиша ёнимда, жонимда. Муқаддас севгимизни ҳеч кимга хўрлатмайман, ҳеч қачон хўрламайман, арвоҳингизни чирқиллатмайман, тинч ухланг азизим!»

Эмишки, олис шаҳардан азадорликка келган қудағай ҳам қизининг ҳоли забунини кўриб, йиғлабди.

«Болагинам, — деган эмиш қудағай мотамсаро Лолахонни бир чеккага тортиб. — Ўлган ўлиб кетди. Сен ўзингни ўйла, ҳол-аҳволингга қара, қани илгариги ҳуснинг, кампирга ўхшаб қопсан-ку, болам».

Лолахон илкис онасига юзланиб, кўзларидан дув-дув ёш оқизиб қичқириб юборган эмиш:

«Тинч қўйинглар мени-и-и!!!»

Бу бўзловни азадор хонадонда ғамгин ивирсиб юрган ҳамма эшитибди. Кейинчалик баъзи бировларнинг қасамга таяниб гувоҳлик беришича, Лолахон келиннинг ана шу қайғули қичқириғи уч кун бутун қишлоқ узра жаранглаб турган эмиш...

«Ҳақ рост, ҳақ рост, — деган экан бу миш-мишлардан мутаассир бўлган Дурбекнинг момоси кўзларига ёш олиб. — Лолахон келин фариштадай гап. Бечоранинг бўзловини париштаю малоикалар осмонда уч кун қайтариб турган. Ҳақ рост... майли, уни ўз ҳолига қўйинглар. Эр-пердан гап очиб озор берманглар шўрпешонага, майли, боласи билан овунибгина юраверсин... ҳақ рост...»

Ҳақ рост, момонинг гап-сўзлари фариштаю малоикаларга етиб борган-бормаганини худо биладику-я, бироқ бўй етган қишлоқ қизларининг қулоқларига тезгина чалиниб, сирдош дугонадеккина бўлиб қолган, қувноқ муаллима янгаларидан айрилганларини тағин бир карра ҳис этиб ғуссага чўмишган эди.

«Қизла-ар, — дебди Шабнам туғилган кунини нишонлашга йиғилган дугоналарига маҳзун-маҳзун кўз ташлаб. —

Энди Лолахонга илгаригидек ҳазил-ҳузул қилманглар. Ярасини тирнаманглар. Кўрсаларинг, ҳурматини сақлаб бош эгиб туринглар. Энди хизматини қилиб кўнглини овлайлик».

Ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган баррагина кайвонининг доно кампирларга хос бамаъни-бамаъни насиҳатлари дугоналар даврасидан дувва кўтарилиб бутун қишлоққа ёйилган, эшитганлар Қалқонов муаллимнинг оқила қизига қойил қолиб, таҳсинлар айтишган эди ўша кунлар.

Ўша кунлар кўчама-кўча, уйма-уй изғиб юрган, оғиздан оғизга, қулоқдан қулоққа ўтган сайин совундай кўпириб-тошиб, тобора эртакнамо тус олаётган мишмишларга отам ишонқирамаган, ҳатто дарғазаб бўлган эди.

Ўшанда биз кечки емакдан сўнг, чой ичиб телевизорга термилиб ўтирар эдик.

— Қизинг қаёққа йўқолди кечки пайт? — сўради отам зарда билан ёнбошига ёстиқ тортар экан.

Онам тиззасига бош қўйганча ухлаб қолган сингилчамни бир ёқли ётқизиб қўяр экан, деди:

— Нуриянгиз Гулсанамларникига чиқиб кетганди. Бирга дарс қилармиш.

Отам сўровига жавобни деярли эшитмади. У туйқус телевизорга қадалиб-қадалиб қаради-да:

— Ановини танияпсанми? — деди экран томон ияк қоқиб.

Бу пайт ёришиб турган экраннинг тўр-тўридан узун плашчининг барига чувалашганча бир йигит шеърлар ўқиб яқин кела бошлади. Лаҳза ўтмай, унинг ясама қайғу тўла юзкўзлари бутун экранни қоплаб олди.

— Ҳеч таниёлмаяпман, — деб минғирлади ойим чимирилганча телевизордан кўз узмай.

Отам тантанавор қад ростлади:

— Бизнинг қориндош шоир шу! Шунқор Ҳобил!

— Ҳа-ҳа, анови аммангизнинг ўғли-ку, бу! Ҳув, саратондаям икки-уч марта кўрсатишганди-я, қаранг-а, дарров эсимдан чиқибди.

Отам ойимнинг эътирофларига эътибор бермай, экрандан кўз узмай, жияни титраб-қақшаб ўқиётган шеърга қулоқ солиб турарди.

— Тузук шеър экан.

— Аввалари кўрсатишганда нуқул уруш тўғрисида гапирганди, шекилли, — деди онам ботинмайгина.

— Чин, — гапга аралашдим мен ҳам ҳовлиқиб. — Бир марта газетада ҳам кўп уруш ҳақида ёзган экан. Қалқонип муаллим ўзимизнинг кадр, деб ҳаммага кўрсатиб, мақтаб юрганди.

Отам ҳаммасидан хабардордай сўзсиз бош ирғаганча, чой ҳўплаб ўтираверди. Бироздан сўнг қуруққина изоҳ берди:

— У ҳам Афюнистондаги урушда қатнашган.

— Йўғ-ей?! — деб юбордик онам иккимиз бараварга.

Отам айтган юрт қайдалигини билмасак-да, бироқ «урушда қатнашган», деган изоҳданоқ ҳушёр тортган эдик.

Мен таниқли шоир, устига устак, уруш қаҳрамони қариндошимиз борлигидан, ҳайрату қувонч ҳисларига чулғаниб, улуғ уруғдошимни тағин бир бор кўриб қолиш дардида телевизорга термилдим. Бироқ минг афсус, бу пайт экранни тўлдириб аллақандай масхарабоз типирчилаб ётар эди.

Онам ўйчан қиёфада чойнак қопқоғини ўйнаб ўтирар экан, ваҳимали пичирлади:

— Эсам... қай гўрдадир уруш бўлаётгани чин экан-да. Ўроқ бечора чини билан шу ёқда нобуд бўпти-да?

Иккиси ҳам бир зум жим қотишди. Ҳойнаҳой, хаёллари қўшни Файзулла ака хонадони томон учди.

— Ҳа-а, Хосият опа кўп азоб тортадиган бўлди, — деди отам чуқур бир тин олиб. — Лолахон-ку ҳали ёш, ўзига лойиқ бирор эр-пер топиб кетади.

— Иби, эшитмадингизми ҳали?! — дея таажжуб тўла кўзларини отамга қадади онам.

— Нимани?

— Ахир... — онам кўзларини ерга опқочиб, чайналиб қолди. — Лолахон Ўроқ мен учун ҳали тирик, бошқа эр менга ҳаром деганмиш-ку?!

— Қайгўрдан эшитдинг бундай сафсатани? — деди отам жаҳл билан қад ростлаб ўтираркан. — Лолахон кимга арзу ҳол қилибди?

— Иби, бутун қишлоқда шу гап-ку? Нега менга ўшқирасиз?

Отам узун бир «уф-ф» тортиб, пиёладаги чойини сипқориб юборди-да, димоғида ғудранди:

— Ғирт ёлғон, сафсата бу! Лолахон ҳеч қачон унақа демайди!

— Нега?

— Чунки... чунки, Лолахон ақли соғлом келинчак.

— Иби, ақли соғломлигидан шунақа дегандир-да?

Отам онамга бир ўқрайиб, сўнг менга ўшқирди:

— Ўв, мулла, мунча телевизорга ёпишиб олдинг, дарс парс тайёрламайсанми сен?

— Анови... — деб каловландим гурунгни эшитиб турганимни яшириш учун баҳона излаб. — Шоир акамни яна кўрсатиб қолишини кутиб турибман.

— Сен уни экранда кўрма. Яхши ўқисанг ўзим олдига олиб бориб қўяман.

Ўшанда мен қувончдан лаб-лунжимни йиғолмай қолган эдим. Йўқ-йўқ, отамнинг тантанали ваъдасидан эмас, ҳалигина унинг Лолахон янгамни ажабтовур таърифлагани қулоғимга чалингандан бери ўзимча суюнар эдим.

«Ақли соғлом келинчак», — бу таърифу тавсиф, назаримда, алланечук сирли, алланечук ҳароратли туюлган, кейинчалик ҳам неча-неча кунлар хаёлотимда ажиб бир мусиқадай жаранглаб кўнглимни яйратиб юрган эди.

«Ақли соғлом келинчак» — бу камтаргина уч сўзни ўша кеч ухлаш учун ўрнимга чўзиларканман, беихтиёр дуодай ич-ичимда қайтаргандим. Қайтарганим сайин юрагимга ширин бир ғусса сизиб кирди. Шундагина мен Лолахон янгамни қаттиқ, жуда қаттиқ соғинганимни ҳис қилдим.

* * *

Баҳор келди. Кўк кийган осмоннинг яшовраган кўзидай қуёш яна паришон-паришон порлаб қолди. Туйқус ҳаволарни тўлдириб, қиличқанот қалдирғочлар чарх ура кетди, туйқус, тизим-тизим турналар, «қур-ей-қур-ей», қўшиғини такрорлаб, қатор-қатор, қаҳрамон қўшиндай қайтишди.

Ўша баҳор Хосият хола эсидан оғибди, деган миш-миш ёмғирдан кейинги заҳарли замбуруғдек урчиб кетди.

Қиш адоғларида қизининг лабларидан тўкилган муждалардан сўнг туппа-тузук тетиклашган бу мотамсаро аёл кўк кийимининг этакларига ўралашган кўйи, гоҳ у, гоҳ бу қўшни-

синикига довдир-совдир ўтиб қолар, кўринганни гапга тутиб ўғлининг тириклигию аллақайларда вақтинча бекиниб юргани ҳақида соатлаб эзмаланар, ишқилиб, телбанамо хатти-ҳаракатларию гап-сўзлари билан мишмишлар учун етарли ёқилғи тайёрлаб берар эди.

«Абсурд... чёрт, — дебди агроном-шоир, Хосият холанинг гап-сўзлари қулоғига чалингач. — Ғирт абсурд, хом хаёл... Нима, давлатимиз тоза овсарми, унақа бўш тобутни у ёқ-бу ёққа ташитиб юргали?! Қанчалар харажат, қанчалар ишчи кучи керак бунга?! Йўқ, ғирт бемаъни...»

Юксак ватанпарварлик куйчиси, мотамсаро аёлнинг алжирашлари чин чиқиб, ҳали бошламаган достони чала қолишидан чўчиганми, ё ҳукумат шаъни топталганидан озорланганми, ҳар қалай, оғир-эзгин хаёлларга чўмибди. Чўмачўма, гўё давлат шаънига томган доғни ювиб ташлашга ошиққандай, уч-тўрт пиёла лиммо-лим ароқни кетма-кет сипқориб юборибди.

Ўшанда агроном-шоирни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб ўтирган улфатлар орасидаги тақа мўйловининг туклари ор-номус ҳимоясига шайланган найзалар янглиғ диккайган Сафармурод чавандоз ҳам норизо пўнғиллаган эмиш:

«...Аллақаерларда яшириниб юрибди, дейдими?! Ё, пирим-ей, ё Ғуломхон эшоним-ей... Опанинг бу гапи ҳаммамизга иснод-ку, а? Қаҳрамон Ўроқбойнинг хотирасини булғаш-ку, бу, а? Тўғри, онага қийин, биламиз, фарзанд доғи ёмон. Лекин Ўроқбой энди бутун элу юртнинг боласи, ҳаммамизнинг фахрли жигаримиз. Бўлар-бўлмас гаплар унинг пок номига тўғри келмас-ов... Ишқилиб, худо ҳеч кимнинг эсини кирди-чиқди қилмасин экан...»

Чавандоз дабдурустдан сўзлари алланечук шоирона, олимона, тизилиб-тизилиб келганига ўзи ҳам қойил қолиб, бундай сухандонлик учун кимдан миннатдор бўлишини билмагандай гоҳ агроном-шоирга, гоҳ ичидаги ичкилиги қуриб битган шишага мамнун-мамнун кўз ташлабди.

Хосият хола эса орқаваротдан таралаётган шивир-шивирларни эшитмас, эшитса-да, ҳеч бир эътибор бермас, ҳамишагидек бутун хаёлотига, бутун шуурига ўткир дори каби сингиб кетган ўша муждаларни минғирлаб такрорлашдан чарчамас, қайтам, қайтарган сайин тетиклашиб, ғамдан ти-

ришиб-буришган юз-кўзларига майин бир табассум иниб борар эди.

— Самаджон, болам, — деди у бир гал онамнинг қошига ихраб-сихраб келганида. — Нега бизникига чиқмай қўйдингиз, айланай? Оҳ, Ўроқжоним сизни қанчалар яхши кўрарди-я?! Уф-ф... Бизникига кириб туринг болам, янгажонингизга қарашинг, Бахтиёржонни ўйнатинг, ҳали Ўроқжоним тўлиб-тошиб келиб қолса мақтанасиз, рўзғорингизга ёрдам бериб турдим, дейсиз... Уф-ф... бизникига боринг, айланай...

Ўшанда онам маъноли-маъноли томоқ қириб, менга им қоққан, мен имо-ишораларни дарров англаб, хийлагина шошиб қолган эдим.

— Хўп-хўп, — дедим оёғимга ботинкамни киярканман. — Мана, кетаяпман. Бориб, Бахтиёрни ўйнатаман.

Ўшанда «хўп, хўп»лаб ҳовлидан чиқар эканман, юрагим гурс-гурс уриб, тиззаларим қалтиради.

Мен... мен Лолахон янгамни жуда-жуда соғинган бўлсамда, у билан кўришишдан чўчиётган эдим! Мусибат дориган кундан бери, оғиздан оғизга, қулоқдан қулоққа кўчиб юрган ўша беомон миш-мишлар мени ҳам ўз домига тортганди, ҳойнаҳой, қорачиғларимга сингиб кетган гўзал шаҳарлик келинчак суратини миш-мишлардан бўй кўрсатган, мотамсаро, тўзғин-эзгин бева аёл сурати қурумдек қоплаб қолган эди.

Ҳаво илиқ ва майин. Гуркираб япроқлаган дов-дарахтларнинг шох-бутоқларида қушлар қувноқ ўйноқлашиб, бетиним чуғурлашади. Ўйдим-чуқур йўл ёқаларида, бетон ариқларнинг лабларида барқ уриб кўкарган ўт-ўланлар, эски тўнга тикилган ранго-ранг чироздай, алланечук ярашиқсиз, хунук кўринади.

Қўшнимизнинг қия очиқ дарвозасидан бош суқдим, бутун вужудимни ҳадигу ҳаяжон қамраб олди.

Лолахон!

У айвон бўсағасида ўзини кўзгуга солганича гоҳ чимрилиб, гоҳ илжаяр, гоҳ юз-кўзларини силаб-силаб қўяр эди.

Ногоҳ шарпадан сергакланган оҳу каби мен томон илкис бошини бурди. Кўзлари йирик-йирик каҳрабодек порлаб кетди. Сўнг айб устида ушланган қизалоқдек ожизона илжайиб, қўлидаги пардоз анжомларини айвондаги тўшамча устига киши билмас ташлаб қўйди.

Лолахон беҳад чиройли эди!

Бир пайтлар анча-мунча тўлишиб, хамирдеккина кўпчиган силлиқ юзлари озғинлашиб, кулгичлари чуқурлашган, бежирим ияклари хиёл ингичка тортган, ранг-рўйи ғамғуссадан баттар оқариб, қош-кўзларининг қораси яна-да қуюқлашган, сириб ўралган оқ рўмолию кенг-узун кўк кийими ҳам ўзига алланечук ярашган эди.

— Самаджо-он, — деди у хира бир товушда, мен томон юраркан. — Ўзингизми? Соғиниб кетдигу-у...

Мен шундагина зўр-базўр сасимни чиқардим:

— Ассалў-ўм, янга.

Лолахон келин бош ирғаб алик ола-ола, қўлларимдан тутди.Кўзларида ғилт-ғилт ёш айланар эди.

— Сиз ҳам келмай кетдингиз-а. Ўқишлар қалай?

— Яхши.

— Ўтган душанба кутубхонага бирров чиқиб келгандим, мактаб томон интизор қарадим, кўринмадингизу-у-у...

Лолахон янгамнинг ўпка-гиналарида ҳамишаги тантиқланиш, эркинсираш яққол сезилар, бу ҳолдан гўё арзанда ўйинчоғи яшириб қўйган жойида турганини кўрган боладай қувонар эдим.

— Бахтий қани? — сўрадим илжайиб.

— Ухлаяпти, — деди у ичкари уй томон имо қилиб. — У ҳам сизни соғинган. Ҳали уйғонса ўйнатасиз, хўп.

— Хўп, янга.

Лолахон туйқус юзларини юзимга яқинлаштирди.

— Нима дедингиз? — сўради у яшовраган кўзларини пирпиратиб. — Яна такрорланг, Самаджон.

— Хўп, янга, —такрорладим ботинмайгина.

Лолахон келин арзанда қўғирчоғи яшириб қўйган жойида турганини кўрган қизалоқдек қувониб кетди.

— Ву-ўй, ўзгинамнинг ширингина қайним, — деди мени бағрига тортиб. — Янга, деган тилгинангиздан...

Мен Лолахоннинг севинчидан баттар севиниб, кенг кўйлагининг қатларига юзимни босар эканман, севинчнинг зўриданми, енгил атир-упа исиданми, ё майин бадандан таралаётган ҳароратданми, ишқилиб, бошим айланиб, кўзим тиниб борар, негадир, негадир... қалқиб турган сийналарга қаттиғроқ суйкалгим келар эди.

Лолахон худди бежолигимни сезгандай мени оҳиста қучоғидан бўшатди. Бироқ қўлларимни қўйиб юбормай:

— Сиз яхши боласиз, Самаджон, — деди юзларига паришонлик иниб. — Сиз мени ҳали янга, деяпсиз-ку, бошқаларнинг энди янга қилгилари йўқ. Бировга опа, бировга сингил бўляпман.

— Сизни доим янга қиламан, — дедим яна уни қувонтиргим келиб.

Лолахон бу сафар мен истагандай қувониб, қучоқлай қолмади, шунчаки, хаёлчан жилмайди:

— Раҳмат, Самаджон, раҳмат... — сўнг бироз ўйланиб турди-да, деди. — Сиз Бахтийга қараб туринг, илтимос... Ойижоним ҳам ҳали замон кеп қоларлар. Мен бирров бориб, икковимизнинг кутубхона-музейимизни супуриб-сидириб келай, хўп? Анчадан бери борганим йўқ, уят бўп кетди-я?! Хўп, қараб турасиз-а?

— Хўп, янгажон.

Лолахон ширин бир жилмайиб, сочларимни силаб қўйдида, дарвоза томон йўналди. Кета-кета, қандайдир ижирғаниб кенг-узун кийимининг, оқ рўмолининг у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди.

Мен уни жимгина кузатиб турар эдим. Бир пайтлар иккимизнинг шоду хандон, тайин-бетайин кўча кезишларимиз, гўзал ва оқила шаҳарлик келинчакнинг учраган қизу жувонлар билан сирлашиб-ҳиринглашиб узоқ-узоқ туриб қолишлари, бахту иқболдан ял-ял ёниб солланишлари липлип кўз ўнгимда жонланди.

Ўша баҳорнинг ўша илиқ куни у темир дарвозадан чиқиб, кўча чети бўйлаб одимлар экан, гўё ўша бахту иқболини яна чорлаётгандай чор тарафга умидвор-умидвор қараб қўяр эди.

* * *

Ўша баҳорнинг ўрталарида учинчи чорак таътилидан қайтган биз болалар мактаб ҳовлисига кирдигу анграйиб қолдик, ҳали уйқуси тузукроқ ўчмаган кўзларимиз катта-катта очилди.

Мактаб биноси қаршисидаги бетон ётқизилган майдончага қизғиш ғиштли, бўйи уч қулочлар чамасидаги устун

қурилган, қурилма устига, юмалоқтоб сурп матога ўраб қўйилган алланарса ўрнатилган эди.

— Анови, латтанинг тагида Ўроқнинг калласи бор, — дея ваҳимали пичирлади Дурбек биқинимга туртиб. — Алдасам, нон урсин, қуришаётганда ўзим кўрдим.

— Калласи?! — деди таажжуб тўла кўзлари аланг-жаланг бўлаётган Тўлқин. — Нега уни ўраб ташлашган?

Дурбек бу ёғига ақли етмай елка қисди.

Ақли етганларнинг гап-сўзидан тез орада маълум бўлдики, мактабимизга Умрзоқов Ўроқнинг номи берилибди! Мактаб майдончасидаги антиқа қурилма, қаҳрамон аскарнинг бюст — ҳайкали экан!

Ўша куни биринчи дарс ҳамма синфларда хотира дарси бўлди. Бутун таътил бўйи тузуккина тараддуд кўришган, шекилли, ҳамма синфларда ҳамма муаллимлар, одатдан ташқари, китоб-дафтарларига термилмай қаҳрамон қишлоқдошимиз ҳақида ҳикоя қилишди.

Биз ҳам кўп қатори синф раҳбаримиз Али муаллимнинг оғзидан Умрзоқов Ўроқнинг мактабни аъло баҳо ва намунали хулқ билан битирганини, меҳнаткаш, билимдонлиги боис катта шаҳардаги катта институтга оппа-осон ўқишга кирганини, ниҳоят, тақдир тақозосига кўра, ҳарбий хизматга чақирилганини, мард ўғлоннинг «лаббай» дея ҳеч иккиланмай аскарликка отланганини ва қаҳрамонларча Ватан учун ҳалок бўлганини билиб олдик.

Али муаллим гоҳ парталар оралаб, гоҳ доска ёнида туриб, ҳорғин-ҳорғин гапирар экан, гўё белгиланган вақтдан ортиқ ҳикоя қилиш тақиқлангандай, қўл соатига аҳён-аҳён кўз ташлаб қўяр эди.

— ...Ҳозир, — деди у чуқур бир тин олиб. — Тантанали маросим бўлади. Ҳамма қатнашиши шарт! Қаҳрамон номига муносиб ўқувчилар эканингизни кўрсатинг! Фаоллик, фаоллик ва яна фаоллик!

Али муаллим таҳдидли хотималаган хотира дарсидан сўнг синф хоналаридан чиққач, мактабнинг ичу ташида тантанали маросимга тараддуд қизғин бораётганига гувоҳ бўлдик. Муаллимлару битирувчи синф ўқувчилари у ёқ-бу ёқда жонсаракларча ивирсиб юришар, кимлардир бир неча стул-стулларни ҳовли томон судрашар, баъзилар йўлак бошига алла-

қандай кўргазмали суратларни қовушмайгина илишар эди. Барча-барчанинг анча-мунча сипо тортиб, паст-майин товушда гапиришга тиришишларидан маълум бўлдики, синф хоналарида хотира дарси айни қизиган пайт Чинор Тоштемирович етовида, туман раҳбариятидан бир неча вакил тантанали маросимда қатнашиш учун атай етиб келиб, ўқитувчилар хонасида кўр тўккан экан.

— Дўлануп, буёққа кел! — дея чақириб қолди Али муаллим синфдошлар билан йўлакда пичирлашиб турган пайтимиз.

Мен, ниҳоят, фаоллик фурсати етганини англаб ўқитувчимиз ёнида ҳозир бўлдим.

— Дарров дарвоза ёнига бор! — деди Али муаллим ҳовли томон имо қилиб.

Мен фаол ўқувчиларга хос чаққонлик билан йўлак бўйлаб ташқарига йўрғалаб кетдим.

Мактаб дарвозаси ёнида Қундуз муаллима тағин бешолти нафар фаол ўқувчини ўзига қаратиб турган экан.

— ...ҳаммангиз одоб сақлаб, чуқур ҳурмат билан бош эгиб турасиз, — дея қизғин тайинлар эди у имо-ишоралар билан иззат-икром намуналарини кўрсатиб. — Бетайин қилиқларни йиғиштиринглар ҳозирча.

Мен тўпланганларнинг истар-истамас тушунтиришларидан, ниҳоят англадимки, биз Қалқонов муаллимнинг, шахсан мактаб директорининг етовида Умрзоқов Ўроқ ўсиб-улғайган хонадонга бориб, бу оила аҳлини тантанали маросимга эъзозу эҳтиром билан бошлаб келар эканмиз.

— Айтганларим тушунарли-я?! — деди Қундуз муаллима ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмай.

Шу орада мактаб ичкарисидан чиққан Қалқонов муаллим биз томон шошиб келди.

— Кетдик, болалар! — деди у тўпимизга етар-етмас ҳовлиқиб. — Кетдик! Вақт зиқ!

Унинг митти, қисиқ кўзлари жонсаракликдан баттар қисилган, устидаги чипор костюм-шими, тугуни йўғон қизғиш галстуги шалвираган эди.

— Домла, ҳаммасини тушунтирдим, — деб қўйди Қундуз муаллима.

Қалқонов муаллим кўча томон бошлай-бошлай:

— Яхши, юринглар, болалар, — деб ғулдиради.

Ҳаво иссиқ ва дим эди. Осмонда ҳуркиб кетган ола товуқнинг патидек ола-қуроқ булутлар сочилаб ётибди. Кўкламнинг айни авж палласи эканлигига қарамай, аллақачонлардан бери ёғин бўлмагани сабаб сертупроқ ўйдим-чуқур йўл ёқаларидаги ўт-ўланлар сарғая бошлаган.

Қалқонов муаллим, ҳойнаҳой, азадор хонадондагиларга нималар дейишини хаёлида пишитаётган бўлса керак, беихтиёр қўлларини силтаб-силтаб, лабларини қимтиб-қимтиб қўяди. Биз ҳам, ногоҳ қовун тушириб қўйишдан чўчиб, чурқ этмай боряпмиз.

Кўзлаган манзилимиз яқин эди. Бирпасда етиб келдик.

Қалқонов муаллим, қўққис ёв қўрғони устидан чиқиб қолган чиғдовулбошидай:

— Тиш-шш! — деди ҳавода қўл серпаб. — Уст-бошлар тўғрилаб олинсин! Чанг-чунгларни тоза қоқинглар! Кўзлар аланг-жаланг бўлмасин!

Мен танбеҳларга қарамай, уйимиз томон ўқтин-ўқтин кўз ташлайман. Отам ё онам чиқиб қолиб, фаол ўқувчилар сафида эканимни кўриб қўйишларини жуда-жуда истар эдим.

— Тўзғиб қолманглар, — деб пичирлади Қалқонов муаллим азадор хонадоннинг қия очиқ дарвозасига кўндаланг бўлар экан.

Шу пайт ичкаридан Хосият холанинг анчайин тетик ва қувноқ товуши эшитилди:

— Ай-ай-а-а-ай, ачомлашларидан, — дерди у ҳойнаҳой неварасини эркалаб, — ай, кулишларидан, ҳали дадажони келиб қолса шуйтиб ачом қилади-да бу бола, а... Ай-а-ай, дадажон, тезроқ келинг, денг... Айтинг, момом икковимиз кўп соғиндик, денг... Ора совигунча ҳеч қурса, хат ёзинг, денг... Ай-а-а-ай, кулишларидан бу ширинтойнинг...

Қалқонов муаллим таппа босарнинг айни пайти эканини чуқур ҳис этган изқувардай ичкарига дадил қадам ташлади:

— Ассалому алайкў-ў-ўм.

Айвонда кўкрагини ёстиққа берганча узалиб ётган Файзулла ака товуш келган ёққа аввал лоқайд кўз ташлади-ю, сўнг илкис ўрнидан қўзғалди.

Хосият хола туйқус йиртқичлар тўдасини кўрган она совликдай безовталаниб, неварасини қаттиқроқ бағрига босди. Яшовраган кўзларини очиб-юмиб, гоҳ бизга, гоҳ эрига жавдираб боқди.

— Келинг, домилла, келинг, — деди Файзулла ака бизга пешвоз юрар экан. У ёдга тушган машъум воқеаларни сидириб ташламоқчидай, гоҳ манглайини, гоҳ даҳанини асабий ишқалади.

— Буғалтер бова, узр, безовта қилдик, — деди Қалқонов муаллим Файзулла ака билан қўшқўллаб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач. — Бир катта маросим ўтказаётгандик...

Шу пайт анчадан бери илҳақ излаётганим — Лолахонга кўзим тушиб қолди!

У мол-ҳолларнинг ем-сувидан хабарлашга чиққан, шекилли, ҳовли этагидаги оғилдан андак берида, устига брезент мато қопланган, қиш бўйи анчагина чўкиб қолган пичан ғарами ёнида биз тараф қадалиб-қадалиб қарар эди. Бошида ўша-ўша сириб ўралган оқ рўмол, эгнида кўк кийим, кўк кийим устида омонатгина кийилган ола халат — худди ҳуркиб учишга шайланган чипор кабутардай сергакланиб турибди.

— ...Шуйтиб, бутун оилангизни эргаштириб кетгали келдик, — дея тушунтиришларини тамомлади Қалқонов муаллим.

Файзулла ака ожизгина қаршилик кўрсатди:

— Шу... бормасак илож йўқ-да, а?

— Йў-ўқ, буғалтер бова, ўзингиз биласиз, туман раҳбариятидан атай вакиллар келишган. Ҳаммаси йўлингизга илҳақ.

— Эсам... — деди Файзулла ака ўйланиб. — Сизлар чиқаверингизлар, биз ҳам дарров қўзғаламиз.

— Хўп, хўп, буғалтер бова.

Қалқонов муаллим содиқ хизматкорлардай қўлини кўксига қўйиб, андак орқага тисарилгач, бизга им қоқди.

Ҳаммамиз узун-қисқа бўлиб дарвоза ташига чиқдик.

Кундуз муаллиманинг куйиб-пишиб берган кўрсатмалари савил қолди. Хомаки режа бўйича, ҳовлига кирилгач, биз фаол ўқувчилар икки қатор тизилишимиз, Қалқонов муаллим бир қадам олдинда, ғамгин виқор билан азадор оилани маросимга таклиф этиши керак эди.

— Ҳечқиси йўқ, — дея ҳам ўзини, ҳам бизни юпатди Қалқонов муаллим. — Муҳими, борадиган бўлишди. Кўндиролмай, эсим кетадими, деб қўрққандим.

Анчадан сўнг дарвозадан Файзулла ака, изидан Хосият хола ва Лолахон келин бўшашибгина чиқишди.

Файзулла ака кун иссиғига қарамай қорасатин чопонига бурканиб олибди. Хосият хола ўша-ўша катта оқ рўмолу кўк кийимда, ихраб-сихраб қадам ташлар, анчадан бери кўринмай қолган заранг ҳасса яна қўлида пайдо бўлган эди. Лолахон келин ҳам қайнанаси каби ҳамишаги мотамсаро либосда, ҳурпайибгина боʻрар, инжиқлана-инжиқлана ғингшиётган Бахтиёрни опичлаб олган эди.

— Буғалтер бова, кун ҳам қизиб қолди-я, — деб қўйди Қалқонов муаллим, ўзича ўртадаги ўнғайсизликни кўтариш учун.

Бироқ ўз хаёлдари билан ўзи андармон Файзулла ака унга жавоб бермади.

Бир пайт Қалқонов муаллим секингина биқинимга туртди-да:

— Сен қол! — деб таҳдидли пичирлади. —Ҳовлига фахрий қоровулсан!

Сувга тушган бўлка нондай бўшашиб, йўл бўйида каловланганча тўхтадим. Кўнглим бирдан ғаш тортиб қолди. Азадор оилани қуршаб-қуршаб, гўё асирларни дор тагига ҳайдаб кетаётган аскарлардай мактаб томон жўнаган болалардан кўз узолмадим.

Ичим қизиб, юрагим тошар эди. Охири йўл бўйида қоққан қозиқдай туриб қолганимни Қалқонов муаллим кўриб қолишидан чўчиб, қўшнимизнинг темир дарвозаси ёнига қайтдим.

Кун қизиб кетганди. Сийрак-сийрак булутли осмон чарвиси чала шилинган теридай гезариб, бошим узра шалвирабгина осилиб турибди. Йўл бўйидаги яккам-дуккам довдарахтларнинг ям-яшил барглари, чанқовдан қорайиб-қорайиб, жимирлаб-жимирлаб кўзга ташланади.

Мен дарвоза ёнида хийлагина ҳорғин туриб қолдим. Унда-мунда мактаб томон ошиққанча йўрғалаб бораётган хотин-халаж, сўппайган бекорчихўжалар кўзга ташланади. Ҳатто шундоққина ёнимдан саломимга бепарво алик олганича мулла Мирза ҳам пилдирабгина ўтиб кетди. Андакдан сўнг ўрта йўлда Норбўта мелисанинг мундирини чок-чокида сўкиб юборгудек савлати кўринди. У негадир тантанали маросимга кечикиб-ичикиб, оёқлари чалишиб-чалишиб бораяпти.

Ҳурпайган бароқ қошларию туртиб чиққан бақувват жағдаҳанлари сержаҳл, қаттиққўл нусхалигидан дарак берувчи бу участка нозири, одатда катта-кичик йиғин-маросимларда элдан бурун, семизгина қора чарм папкасини қўлтиғида қисганича пайдо бўлар, иззат-икром билан ажратилган жойга қиё ҳам боқмай, чинакам устувор қонундай тип-тикка турар эди.

Афсуски, шунчалар салобату важоҳатидан беш қизи ичидаги ёлғизгина ўғлига урвоқча ҳам юқмаган. Ўғли Ҳалим, чиндан-да, юмшоқ-ҳалим, пак-пакана,озғин-тўзғин йигит эди. У Шербеклар ҳарбийга кетган баҳор аскарликдан қайтган, қайтгану гўё ўзининг пачаққиналигига қасдма-қасд, баландбўй, бардам-бақувват Моҳигулга кўнгил қўйган эди. Моҳигул — Сафармурод чавандознинг тўнғич қизи, дўсти Тўлқиннинг меҳрибонгина опаси.

«Асли духтариман, — дер экан Майсара янга Тошбиби чечанинг қитиғига тегиш учун. — Манга ўхшаб зўр домод топади ҳали...»

Майсара янганинг ҳазил-ҳузулига фаришталар «омин» деган экан шекилли, Моҳигул қучса қучоғида қурийдиган Ҳалим Норбўта ўғлининг кўнглига кўнгил билан жавоб берган эмиш. Неча-неча ишқий мактублар, сирли-сирли учрашувлардан сўнг, ниҳоят, ўша мактабдаги тантаналардан бир неча кун илгари Сафармурод чавандознинг уйига совчилар танда қўйиб қолибди.

Мен иссиқ ва дим ҳавода бўғриқиб, мулла Мирзаю Норбўта мелисаларни кузатиб қўйгач, тағин ўн беш-йигирма дақиқа фахрий қоровулликка аранг бардош бердим. Ниҳоят, ичим қизигандан-қизиб, юрагим тошиб Қалқонов муаллимнинг қаҳрига қолишдан ҳам қўрқмай, мактаб томон йўрғаладим.

Мен ҳансираганча етиб борган маҳал мактаб ҳовлисидаги тантанали маросим авжига чиққан экан! Ўқувчилару ўқитувчилар, ундан-бундан етиб келган томошаталаблар ўша антиқа қурилма биқинида кенг ва зич давра қуриб туришган, ўлим тўшагидаги касал билан видолашаётгандай, ўртага маъюс-маҳзун термилишган эди.

Мен синфдошларим тўпини топиб, улар орасига ўғри мушукдек суқулдиму майдонга аланғладим.

Ўртада Улаш агроном-шоир безовталарча қилпинглаб турар, сўзлаш навбати теккан шекилли, қўлидаги сарғиштоб дафтарини ҳаяжон билан варақлар эди.

Давра тўридаги қатор стулларда туман раҳбариятидан келган вакиллар билан ёнма-ён, азадор оила аҳли, худди суд ҳукмини кутаётган жиноятчилардай ғам-ғуссага чўмиб ўтиришибди.

Файзулла ака кун иссиғига қарамай ҳануз қора сатин тўнига бурканган кўйи оёқлари остига термилар, Хосият хола яшовраган кўзларига ғижим дастрўмолини босиб-босиб тебранар, Лолахон келин ухлаб қолган ўғилчасини бағрига босганича, устига тоғ қулаган каби эгилиб-букилар эди.

Раҳбарият вакиллари орасида темир тобутни олиб келган масъул ходим ва қора мўйлов ҳарбий амалдор ҳам ҳорғин ва ўйчан қиёфада ўтиришибди.

— Ҳурматли ўртоқлар, — дея ҳирқироқ бир овозда тилга кирди агроном-шоир. У тантанали маросимга муносиб сипо кийинган, соқол-мўйловлари тоза қиртишланиб, тиканакдек сочлари тевараги орасталанган эди. — Азиз ҳам-қишлоқлар, мана, Умрзоқовлар оиласи бошига тушган, йўқ, бутун қишлоғимиз меҳнаткашлари бошига тушган оғир жудолик ҳақда ҳозиргина ҳурматли кишиларимиз бир-бир гапириб ўтишди. Ҳаммамиз қайғудамиз. Шу... шу муборак қайғу менга, ожиз бир қалам деҳқонига чуқур таъсир қилди, достон илҳомини дилимга солди...

Улаш ака гап орасида теваракка, ўтирганлар томон ҳуркак-ҳуркак кўз ташлаб қўйди.

Мен шу орада антиқа қурилма устидаги сурп мато сидириб олинганини, бюст— ҳайкал қуюқ давранинг бир тарафини эгаллаб турганини пайқадим. Ҳайкал Ўроққа, тўғрироғи, Дурбек айтгандай, Ўроқнинг калласига хиёл ўхшар, гўё «айбим нима, тинч қўясизларми, йўқми», деб зорланаётган каби аллақайларга тунд қараб турар эди.

— ... умуман, — дея чайналди Улаш агроном-шоир, пайтдан фойдаланиб, ёзилажак достоннинг маъно-моҳиятини узундан-узоқ тушунтирар экан. — Умуман ҳамма йирик асарлар сингари, масалан... «Хамса» каби беш қисмдан иборат бўлади... насиб этса, пухта тараддуддан сўнг...

Ўртага маъюс-маҳзун термилган қора кўзларда зерикиш аломатлари сезилиб, унда-мунда пичир-пичир, шивир-шивир ўрмалай бошлади. Ҳатто баъзи бировлар зич давра сиртига сурилиб чиқиб, обдан томоша қилиш илинжида бюст

қурилмаси томон юришди. Алалхусус, мулла Мирза антиқа қурилмани анграя-анграя кўздан кечирар экан, шундай ғаройиботни ясаганларга қойил қолибми, ё бюстнинг қизғиш ғиштли пойига ёйиб ташланган, идора томорқасидан ўриб келтирилган ранго-ранг чечакларга ачинибми, бошини сарак-сарак қилар, шу баробарида, ҳув, мусибат кунидаги мусибатли хатосини бехос қайтаришдан қўрққандай, ихчамгина салласини ушлаб-ушлаб қўяр эди.

Даврадаги бесаранжомликни сезган Улаш ака бир эмраниб товушини андак баландлатди:

— Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларга достоннинг эпиграф қисмини ўқиб бермоқчи эдим. Камчиликлари учун олдиндан узр сўрайман.

Улаш агроном-шоир қўлидаги очиқ дафтарига қия-қия боқиб, жўшқин оҳанг билан шеър ўқиб юборди:

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.

Улаш ака шеър оҳангига мос тебрана-терана дафтардан бўш қўлини беихтиёр Лолахон келин томон бир сермаб олди.

Ҳануз-ҳануз ухлаб қолган боласини бағрига босиб бетоқат ўтирган Лолахон келин гўё ўзи ҳақда иғво эшитган маъсумадай тевараккa аланг-жаланг қараб қўйди.

...Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.

Агроном-шоир тағин ўтирганлар ёққа қўлини шамширдай серпади. Серпадию бу гал шу алфозда андак тек қотди. Лолахон келин ўзи тараф беомон узалган қўлга ногоҳ кўзи тушиб, гўё манглайига тамға босилаётган жонивордай беихтиёр бир сесканиб олди. Сўнг сесканганидан уялибми, ё ҳали

битилмаган достоннинг «эпиграф қисми»дан таъсирланибми, қизариб-бўзарган юзини боласининг юзига қўйиб, худди ўксиб-ўксиб йиғлаётгандай жим қотди.

...Буюк зот қошида айланг эҳтиром...

Улаш агроном-шоирнинг овози бўғзида қолиб, ўтирганлар томон илҳом билан тикилган кўзлари чақчайиб кетди.

Ҳойнаҳой, ҳалигина шамширдек узалган қўлларини аллақачон нишонга бехато урган бўлса керак, тебранибгина турган Хосият хола шилқ этиб эри томон қулади. Туйқус ҳушёр тортган Файзулла ака хотинини бир амаллаб суяб қолди. Ўтирганлар ўрнидан туриб, турганлар қўзғалиб азадорлар томон интилди.

— Сув! Сув опкелингла-а-ар! — дея қичқирди кимдир.

Хосият хола Файзулла аканинг қучоғида бемажол ётар экан, яшовраган кўзлари узоқ-узоқларга бемаъно тикилди.

— Ах, сизла-ар, — деб пичирлади у қуруқшоқ лабларини қимтиб-қимтиб. — Охири... боламнинг бошини опкелдингиз-а-а...

Хосият хола бир эмраниб ҳушидан кетди.

* * *

Ўша ёз отам ишга ҳам тиши, ҳам тирноғи билан ёпишди. У хизмат вазифасига кўра, ўзига тегишли ҳудудлардаги сув тақсимотини қатъий назоратга олган. Ярим тунда ҳам ўрнидан ирғиб туриб дала-дашт томон йўрғалаб қолар, унда-мунда пахта пайкалларига қўйилган сувни ўз томорқаси томон бурган миришкор деҳқонларни овлар, албатта, бу мушуксичқон ўйини, отамнинг оппа-осон ғалабаси билан якунланар, қўрамиздаги мол-ҳол «назр-ниёз» қўй-эчкилар ҳисобига кўпайибгина борар эди. Шунча ташвиш камдай, отам Сафармурод ака иккови чавандознинг бригадасига қарашли унумдор пайкалнинг «лаҳм» бир бўлагига ерёнғоқ экишди. Мулла Мирза таърифлагандай, Абдулла бадковоқдан танглайларига туфлатиб, қўл олишганди. Аслида танглайга туфлаган ҳам, қўл берган ҳам оқсоқ директорнинг ўзи эди.

«Кўзларингни каттароқ очинглар, — деган эди Чинор ака икки дўстига, ҳув, аммамникидан тўй-тўйлаб қайтаёт-

ган кунимиз. — Менинг борлигимдан фойдаланиб қолинглар, ана ер, ана сув...»

Меҳрибон дўстнинг васият қилаётгандай маҳзун мингирлашининг сабаблари аён эди ўшанда. «Агрономия тўнтариши»дан бери унинг қиров қўнгандай оқарган сочи энди шитоб тўкила бошлаган эди. Ташвишу таҳликалар кундан-кун зўрайиб, эзгандан эзар, у эса ёв қуршовида қолган ёлғиз жангчидай жони ҳалқумига келиб тевараккa термилар эди. Теваракдагилар эса унга термилишади. Кимдир томорқа сўраса, кимдир техника сўрар, томорқаю техникани ундирганлар эса адолат талаб қилар эди.

Ўша ёз 41-совхоз тарихидаги олтинчи, оқсоқ директор — Чинор Тоштемирович Мойлиев бир гувраниб, ниҳоят, чинакам чинордай қад ростлади. Ўша ёз ер сўраганга ер сотди, сўрамаганга ўзи мажбурлаб олдирди, кеч кузги тўловларни бўйнига қўйди. Техника ё эҳтиёт қисм талабгорлари, эҳтиёт чораларини кўриб, ўзларидан олдин ҳамёнларини идорага киргизиб юборишмаса нон-насибасиз қоладиган бўлишди. Оқибат...

Оқибат, шитоб тўкилаётган соч шитоб тўхтади. Ҳатто ўсмир боланинг сочидай қоп-қора тусга кирди. Бўялган бош мағрур-мағрур кўтарилди.

Ўша ёз Чинор Тоштемировичнинг ишқий кечинмалари ҳам буткул ошкор бўлди. Йўқ, йўқ, аввал Абдулла бадқовоқнинг сири очилди. Ҳамиша изланувчан, ҳамиша топқир Қундуз муаллима ўша ўқув мавсумининг охирларида уч-тўрт кун туман марказига шўнғиб-йўқолиб, ғаройиб бир хабар топиб келибди: Абдулла бадқовоқнинг туман марказида, чиндан-да, ёшгина хотини бор экан! Баъзи бировлар ишонқирамай, лекин рўй-рост қизиқиш билан сўрашибди: «Балки... шунчаки, суйгулисидир?»

«Йўқ, — деб миш-мишларга муҳр босибди Қундуз муаллима. — Етарли далиллар бор! Закунний хотини!..»

Минг бир машаққат билан қўлга киритилган бундай маълумотлар эвазига мукофот талаб бўлганми, ё чўл жазирамасида жизғанаги чиқиб юрган аёлни эр хиёнатидан огоҳ этишни муқаддас бурчи деб билганми, ҳар қалай, Қундуз муаллима кўрган-билган-эшитганларини оқизмай-томизмай Абдулла бадқовоқнинг ўзидан-да тунд, камгап хотинига етказибди.

«Хўш, шунга нима бўпти, — деганмиш бадқовоқнинг бадқовоқ жуфти ҳалоли, қиллинглаб турган хайрихоҳ муаллимага. — Ёш хотини бўлса бордир, сенга нима? Ё, сени ўйнаш тутмаганига ичинг куйяптими?»

«Иби, ўлмаса-а-м, — дея орқага тисарилибди ножоиз сўздан кўзлари ола-кула бўлиб кетган Қундуз муаллима. — Иби, нега ичим куяркан, номусимга туҳмат-ку бу...»

Ҳа, ҳа, туҳмат эди бу, туҳмат! Нега ичи куйсин, а, нега? Аллақандай бадқовоқни бошига урадими? Ахир Чинор Тоштемировичдай оғаси бор-ку?! Ахир уни ўша ўқув мавсуми тугагач, шартта муаллимликдан бўшатгириб, ўз идорасига котибаликка олди-ку?!

«Сув-ҳаво керакмас, сен керак менга, кўз ўнгимда гулдай солланиб турсанг, бас...» — деган-ку ҳовлиққанча бағрига босиб Чинор оғаси.

Ҳа, ҳа, ўша ёз ҳовлиқишлар ҳаддидан ошди. Қундуз муаллима Қундуз котибага айланди-ю, оқсоқ директорнинг «анақа... анақа масалалар»да ҳам жонкуярлиги, аҳли ишқдан экани, ниҳоят, буткул ошкор бўлди. Ҳатто не бир сабабдандир қай бир қора кун, қоқ туш пайти, идорага кириб қолган Майсара янга эрининг ўша муаллима-котиба билан ялашиб-юлқашиб турганини ўз кўзи билан кўрибди. Кўрибдию қон босими ошиб, нақ бир ҳафта кўрпа-тўшакка бурканганча ётиб қолибди. Касал кўргани келган онамга Майсара янга йиғлаб-сиқтаб дарду ҳол қилибди.

«Кетаман, бош олиб кетаман, — деган Майсара янга аллақанча қарғишлардан сўнг мақсадга кўчиб. — Қўшкўлимга кетаман, керакмас менга бундай шарманда эр!..»

«Майли, — дебди онам айёрона бир кулиб қўйиб. — Фақат Зумрадхонга ўхшаб қайтиб келмасангиз, бас...»

Икки дугона бир-бирига бир зум тикилиб, сўнг баравар кулиб юборишибди ўшанда.

«Эй, раис, — дебди отам хўмрайганича Чинор Тоштемировичнинг ҳайҳотдек хосхонасига бостириб кириб. — Ҳаммамизни шарманда қилдинг-ку, а? Ўл-а, бир парча ҳаром этга ёпишмай, ўл-а... Ҳайф сенга ҳукумат ишониб топширган амал...»

Хона тўридаги ўз амал курсисида чўкибгина ўтирган Чинор Тоштемирович оташин дўстига бир зум совуқ ва

хомуш тикилиб турибди. Сўнг гўё эшитганларига муносиб жавоб излагандай ёнидаги қия очиқ пўлат сандиқ ичига қўл юбориб бўйдоргина шишанинг бўғзидан судраклаб чиқибди.

«Ах, — деганмиш у шиша лабига лаб босиб, ичидаги ичкиликдан бир ҳўплаб олгач. — Ах... тинч қўясанларми, йўқми, а? Ахир... одамни тушунасанларми, йўқми, а? Мен... менинг ҳам соф инсоний туйғуларга ҳаққим бордир, ахир?! Мен бечора ҳам гўзал дунёдан улуш олай-да, ё, шўр далада шўрлаб ўлаймми, а, ўлаймми?..»

Бир пайтлар агроном-шоирнинг оғзидан отилгувчи, чинорларнинг ғашини қўзғаб, кулгусини қитиқловчи ҳайқириқлар, айни чоғ дўстининг бўғзидан биғиллаб чиқаётганини кўрган отам ҳайрону лол қотган эмиш. Унинг бақрайиб қолганини ўзича тушунган Чинор ака, «ма, сен ҳам муносиб жавоб топиб ол», дегандай бўйдор шишани дўсти томон суриб қўйибди.

«Эй, раис, — дебди отам бўйдор шишани назар-писанд қилмасликка тиришиб. — Сенинг... соф инсоний туйғуларинг, валлоҳу аълам, уч ўғил туғиб берди. Ҳозир уйингда касал ётибди-ёв...»

Бу орада Чинор ака чаққонгина интилиб пўлат сандиқнинг пастки туйнугидан уч-тўрт дона помидор-бодринг, бир боғлам кўк пиёз олибдию иш столи устига қўйиб улгурибди.

«Кўрамиз ҳали, — дея бепарво илжайганмиш у. — Сен ҳам қўлга тушиб қоларсан, кўрамиз».

Негадир отамнинг дами ичига тушиб кетган эмиш. Чиндан-да бировлар кўриб қолишидан қўрқадиган айби бордай гапни чалғитибди.

«Э-э, — дебди у ҳам бўйдор шиша лабига лаб босар экан. — Қўяйлик шундай бемаза ғинг-шинғни, ишдан гапир, ишдан...»

Ҳа, ҳа, ишдан гапирса арзир эди ўша ёз! Ўша ёзнинг ўша қайноқ кунлари 41-совхознинг миришкор деҳқонлари кўтаринки кайфият, зўр куч-ғайрат билан далаларда жавлон уришаётган эди, аниқроғи, Улаш ака худди шундай, деб ёзган эди! Ҳа, ҳа, ниҳоят, у ёзди! Тўғри, ҳали буюк достонини эмас, ихчамгина мақола битган, муаллиф кейинчалик ўзи виқор билан таъкидлаганидек, катта ижод олдидан қўлининг чигилини ёзиб олган экан!

Мақолада Ватан учун ҳалок бўлган қаҳрамон Умрзоқов Ўроқ ҳақида, чунончи, катта бир мактаб қаҳрамон номи билан атала бошлаганию эл ўғлонига ёдгорлик — бюст ўрнатилгани тўғрисида мароқли ҳикоя қилингач, чўлқуварларнинг қаҳрамон юртдош руҳига, шаънига муносиб, фидойиларча меҳнат қилишаётгани, кўтарингки кайфият, зўр куч-ғайрат билан далаларда жавлон уришаётгани ҳақида гапирилган эди.

Ҳа, ҳа, Улаш агроном-шоир ҳаддидан ошди! Унинг мақоласи туману вилоят қолиб, республика кўламида чоп этиладиган, керак пайти, идора ё дала-даштда кўчма дастурхон вазифасини ўтайдиган нуфузли газеталарнинг бирида босилди. Ҳойнаҳой, Тоғай тоғалар тўдаси бу гал ғафлатда қолгану мазлум ижодкорнинг битиклари, ниҳоят, кўзланган манзилга эсон-омон етиб борган.

Ўша ёзнинг ўша қайноқ кунлари ўша машҳур газетанинг ўша машҳур сонидан бир нечасини агроном-шоир қўйнигинасида асраб юрар, шу сабаб, тирговичи бор толдай қад тиклаб, кўкрак кериб қолган эди.

«Балли, азамат пахтакорлар, — дер экан у пайкалма-пайкал кезиб юрган чоғлари томорқаларида ивирсиб юрган эл-улусга қарата. — Ҳаммангиз ҳақингизда ёзаман ҳали, насиб бўлса, достонимга баринғиз сиғасиз...»

Ўша шапалоқдеккина мақола чинакам шапалоқдек кўпларни бир қур сергак торттирган эди. Алалхусус, қўшни хўжаликдан «экспорт» қилинган бош агроном — Улаш ака-ни олдидан келса тишлаб, орқадан келса тепкилаб, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, деб юрадиган сержаҳл нусха, ипакдек майин тортган, ўғитчи агрономига гоҳ ортидан, гоҳ олдидан ҳавас билан тикилиб ўтирса ўпгудек, турса тавоф қилгудек, ялтоқланиб қолган эди.

Чинор Тоштемирович-ку тоза таслим бўлди. Идора мажлисидаги халоскорлиги сабаб Улаш аканинг соясига салом бериб, аҳён-аҳён, соф инсоний туйғулар ҳақидаги ҳайқирикларини дуодай такрорлаб юрадиган бу амалдор шапалоқдек мақоланинг мўъжизасидан сўнг «чўллик Пушкин»-нинг ҳикматли ибораларидан шиорлар ёздириб, ўз идорасига остириб қўйишни хаёл қилиб қолди.

«Шоир, — дея тез-тез эҳтиром кўрсатиб турар эди у Улаш акага. — Шогирдингиз Шербекжон хатларида сизга кўпдан-кўп салом айтибди».

«Раҳмат, раҳмат, — дер экан агроном-шоир камтарона сурбетлик билан. — Шербек Чинорийга айтинг, шеър-ғазалларидан бизга ҳам ёзиб жўнатсин. Эски запаснинг сийқаси чиқиб кетди. Тўйларда янги-янгиларидан би-ир чангини чиқариб ўқийлик».

Ҳа, ҳа, Шербек Чинорий ҳам ҳаддидан ошди ўша ёз. Бечора акахонимни соғинч ўртаб ётган бўлса керак, ҳар уч-тўрт кунда ундан келган семиз-семиз хатларни Шабнамга ташиб тинкам қуриди. Ҳатто баъзиларини очиб ўқишга ҳам эринар эдим.

Шабнам эса соғинчдан қурқшаб қолганга ўхшамас эди. Юз-кўзининг бўёқлари қуюқлашиб, кету кўкраги диркиллаб, оғзида сақич, димоғида пишқирик, кавш қайтараётган сигирдай депсиниб юрар эди.

— Самадбе-е-ек, — дея тантиғланиб илжайди Шабнам ўша ёзнинг ўрталарида мен етказган Шербек акахонимнинг дуои саломини лоқайдлик билан қўлига олиб. — Энди менга хат ташишдан қутулдинг.

— Нега? — дедим унинг семиз юзига ҳайрон термилиб.

Шабнам сирлигина елка учириб, сирлигина кўз қисди.

Шу пайт Шабнамга басма-бас, гуркираб келаётган синглиси Шабада дарвозадан отилиб чиқди-да, лашкар туғини ярадор сафдошидан олаётган жасур жангчидай опасининг қўлидаги мактубга узалди. Шабнам хатни қўшқўллаб топширди.

— Самадбек, — деди у синглиси ҳиринглаганича тағин ичкарига йўрғалаб кетгач. — Шербек акам мени кечирсин. Мен... бошқа иложим йўқ. Энди Шербек акамнинг ширин хотираси билан яшайман. Унга айтиб қўй, унга... севгим абадий...

Шабнам дил изҳорини тугатар-тугатмас, зўр маҳорат билан лўппи қўлларини лўппи юзларига ҳиқиллаб босди-да, тағин зўр маҳорат билан бошини хам қилганича ичкари томон отилди.

Мен Шабнамнинг ўртаниб бўзлашларининг мағзини чақолмай, анчагача пешона қашлаб туриб қолдим ўшанда.

Ўшанда орадан уч-тўрт кун ўтиб, ўртанишларнинг мағзи чақилди. Шабнам эрга тегди! Йўқ, йўқ, дабдурустдан, шошқалоқларча бундай дейиш инсофдан эмас, албатта. Ахир, бу жараён ғоят изчил, зўр матонату зўр маҳоратларга лиммо-лим эди.

Узунқулоқ гап-сўзларга қараганда, кўпдан бери Қалқонов муаллимнинг эшигидан совчилар аримай қолган экан! Шабнам Шербек Чинорийга бўлган севгисига садоқатиданми, ё эрликка даъвогарлар ичида пичоққа илашадигани йўқлигиданми, ишқилиб, ҳар гал кўз ёшу дод-фарёдлар тўфони билан совчилар тўдасини тўзғитиб юборар экан. Ҳатто маслаҳату насиҳатга чоғланган холаларига, «севганим бор», деган эмиш мағрур. Севгани борлиги эрга тегишига нечук халақит беришини ҳеч тушунолмай холаларнинг ҳам обдан боши қотибди анча пайт. Ниҳоят, қай бир чўл посёлкасида яшовчи, қай бир институтни битириш арафасида турган қай бир қариндошидан совчилар келибдию... қаршилик қурби қуриганиданми, холаларнинг бошини қотирган ҳақли савол аллақачон унинг бошини бўшаштириб қўйганми, ҳар нечук, Шабнам зоз-зор, чун абрў навбаҳор йиғлаб, оҳу нолалар чекиб, ноилож розилик билдирибди!

Ҳа, ҳа, ўша ёз Шабнам ҳаддидан ошди! Қалқонов муаллимнинг тўнғич қизи нақадар қайноқ қалб, қайноқ кучоқ, устига-устак, оқила ва тадбиркор хилқат эканини икки карра кўрсатиб қўйди! Бир пайтлар, Дурбекнинг момоси ҳақ рост, айтганларини, ҳақ рост, дугоналари даврасида шарҳлаб, ҳақ рост эгаллаган кайвонилик мақомига маҳкам ўрнашди.

«Севгисига хиёнат қилди», — дейишар экан баъзи бир дугоналари, гўё ўзларида бундай имкон йўқлигидан хафа бўлишгандай.

«Қаллиғини кўрдингми, қаллиғини, — дея тамшанишар эмиш айримлари. — Келишган, ўқимишли... хиёнатга арзийди-да...»

Ҳа, ҳа, куёвтўра унча-мунча севгиларни қурбон беришга арзирди: кўркам, серсавлат, устига-устак, замонавий, тушунган...

Ўша жазирама ёзнинг адоқларида, муборак кунлардан бирида Шабнам хийла тинка қуритар пардоз-андозлардан сўнг оппоқ, тўр-тўр фата кийиб биннойигина келинчак бўлди.

Қалқонов муаллимнинг қўшниси — Тоғай тоғаникига қўнган куёв ва унинг навкарлари барча расм-русмлардан эсон-омон қутулиб, келинни тезроқ олиб кетиш иштиёқида

сўнгги кўрсатмаларни кутиб, бетоқат туришар эди. Ана шу пайт ҳар икки тараф — қудаю қудағайлар бир қур типирчилаб қолишди. Ана шу пайт бир неча қадоқ ўсмаю сурма, атиру упаларнинг шўрини қуритган Шабнам биби нафақат ҳусну жамоли, балки бутун оқилалигию кайвонилиги ҳам барқ уриб очилиб кетганини эл-улусга кўрсатиб қўйди! Олачалпоқ тўйхона узра гармселдек кезиб қолган пичир-пичир, шивир-шивирлардан андоғ маълум бўлдики, баррагина келинчак мактаб ҳовлисидаги қаҳрамон ўғлон Умрзоқов Ўроқнинг ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйиб бир зум сукут сақлашга, изидан қаҳрамон ўғлоннинг садоқатли беваси Лолахоннинг этакларини ўпиб, оқ фотиҳасини олишга қасд қилибди!

«Пок муҳаббат, пок садоқат борлигига ишонаман, — деган эмиш у дугонаю янгаларга, сербўёқ кўзларида ғилт-ғилт ёш айланиб. — Айтганларимни бажармасдан, Лолахон онамни бир зиёрат қилмасдан ҳеч ёққа жилмайман!..»

Шабнамнинг, атак-чечак келинчакнинг дали-ғули талаби дарҳол ижросини топган эди ўшанда.

Ўшанда суюкли неварасини ортиқча машмашасиз тузуккина хонадонга узатаётганидан шоду хуррам мулла Мирза машаққату исрофгарчиликларга кўз юмиб, ўз қўли билан идора боғидаги гул-чечаклардан бир хуржун ўриб келиб, беш-олти ёш-ялангнинг кўмагида ғаройиб-ғаройиб гулчамбару гулдасталар тайёрлаб берди.

Ниҳоят, келин-куёв бир-бирини ибо-ҳаё билан қўлтиқлаб кўча томон оҳиста-оҳиста қадам ташлашди. Келиннинг дугоналари, куёв навкарлари уларни ярим қуршовга олиб, гулчамбару гулдасталарни кўтариб боришди. Моҳир суратқаш ҳам ўша куни тўйхонада ҳозиру нозир эди. У бўйнига осилган фотоаппаратини ўйноқлатиб, навкарлар орасида оёғи куйган товуқдай типирчилаб юрар, келин-куёвни тез-тез гоҳ олдидан, гоҳ ёнидан «шиғ-шиғ» — суратга олар эди.

Кун беҳад иссиқ. Қуёш жазава билан олов пуркайди. Сертупроқ, ғадир-будир йўл бўйлаб кетаётган зиёратчиларнинг оёқлари остидан кўтарилаётган чанг-ғубор иссиқ ҳавода хийла вақт гангигандай туриб қолар, сўнг ланжлик билан эшилиб-тўлғаниб, бетон ариқ чеккаларидаги сап-сариқ янтоқ, шувоқ буталарига қўнар эди.

Биз болалар кинолардаги чапдаст ҳиндулар каби ундамунда қўққайган дов-дарахтларнинг соясидан соясига ўтиб, зиёратчилар тўдасини таъқиб қилиб борар эдик.

Кўча ёқасидаги қатор-қатор уйларнинг деразаларию дарвозалари ёнида қорайган-қизарган томошаталаблар лаҳза сайин қуюқлашмоқда.

Ниҳоят, мактабнинг ярми бетон девор, ярми темир панжара билан ўралган ҳовлисига оёқ босилди.

Шу пайт барчанинг кўзи Лолахонга тушди! У ҳамишаги узун-кенг кўк либосига чувалашиб, шанбаликка чиқарилган хизматчидай алланечук эринчоқлик билан қизғиш ғиштли ёдгорлик теварагини супирар эди. У бу ерга кимнингдир қаттиқ тайинлаши туфайли келган, ҳойнаҳой.

Жим ва ҳорғин бораётган тўда ичида пичир-пичир, шивир-шивир бошланди. Айниқса, бу ерларга бегона куёв навкарлари ошкора қизиқиш билан бир-бирини туртиб-суриб узуқ-юлуқ гап ташлашади.

«Зўр ҳайкал экан-а...»

«Шаҳарлик келин анови-да, а?..»

«Йўғ-е... ёшгина-ку?! Мен кап-катта хотин хаёл қилгандим...»

«Бечора ҳар куни супириб-сидириб юрса кераг-а?..»

«Ҳа... кўпинча кечалари шу ерда ётиб қолармиш...»

«Ўҳ... ҳақиқий севги...»

«Ҳа-а, шундай хотининг бўлса бемалол ўлсанг арзирди...»

Янги ўқув мавсумига оз фурсат қолганиданми, мактабнинг ланг очиқ кириш эшигию у-бу деразаларидан узуқ-юлуқ шовқин-сурон қулоққа чалиниб, ичкарида созлаш-тузатиш, ювиш-тараш юмушлари қизғин экани сезилади. Икки-уч жойда муаллимлару хизматчилар тўп-тўп бўлиб мактаб ҳовлисига дориганларни иштиёқ билан кузатиб туришибди. Зиёратчилар тўдаси ёдгорлик томон оҳиста-оҳиста яқинлашди.

Лолахон қўлидаги супургисини бўшашибгина бир чеккага ташлади-да, у ёқ-бу ёғини алланечук бепарволик билан орасталаган бўлди.

Гулчамбару гулдасталар бир-бирининг етовидан бўшаган келин-куёвларга топширилди. Шабнам бир уюм гул даста-

ларини, куёвтўра гулчамбарни қучоқлаб, маъюс бош эгишганча тўдадан ажралишди.

Шабнамнинг сербўёқ кўзларида жиққа-жиққа ёш айланар, гўё ҳўнграб юборишдан ўзини аранг босаётгандай, қип-қизил, қалин лабларини қимтиб-қимтиб қўяр эди. Куёвтўра эса сипогарчиликни қўлдан бермай, қайноқ кўз ёшли, қайноқ қалб, севги-садоқатга эътиқоди баланд ёр топганидан кўнгли тўлгандек у ён-бу ён фахрланиб-фахрланиб кўз ташлаб олади.

Келин-куёв ҳурмату эҳтиром билан тиз чўкиб, аллақайларгадир хўмрайганча тикилган «Умрзоқов Ўроқ»нинг қизғиш ғиштли пойига гулчамбару гулдасталарини қўйишди. Зиёратчилар бир зум сукутга толдилар. Моҳир сураткаш пайтдан фойдаланиб қилпинглаганича зиёратчиларни суратга ола кетди.

Лолахон ёдгорликка хиёл елка тираб, уюлиб кетган гулдасталарга хомуш тикилиб турар эди.

Шабнам ҳиқ-ҳиқ йиғлаганича Лолахонга бақамти борди. Тирноқлари сербўёқ, қўш-қўш узукли қўлларини кўксига қўйиб икки-уч таъзим қилди. Таъзим қилдию илкис интилиб бева келиннинг қовушган қўлларига юз-кўзини босиб, алланималар деганича ҳўнг-ҳўнг йиғлай кетди. Лолахон алланечук ҳорғин ва зериккан қиёфада бир зум уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Сўнг кўз ёшлару сўлакайга беланган ўнг қўлини суғириб олиб, Шабнамнинг чўпон ўтовидай оппоқ, тўр-тўр шляпасини силади. Силай-силай, охири, тақдирга тан бергандек андак эгилиб қайноқ кўзёшли, қайноқ қалб, атакчечак келинчакнинг манглайидан оналарча ўпиб қўйди. Ғамхўрликдан, оқ фотиҳадан руҳланган Шабнам тағин жазава билан Лолахоннинг юз-кўзларидан ўпа кетди. Бева келин бир зум саросималаниб тургач, енгил бир ҳаракат билан ўзини четга тортди. Баррагина келинчакнинг кўз ёшлари ивитган пардоз бўёқлари унинг ҳам афт-ангорига хийлагина чапланган эди.

Шабнам таъзим билан орқага чекинди. Сўнг куёвтўра етовида зиёратчилар тўпига қайтди.

Юз-кўзларига бўёқ чапланган Лолахон томоша кўрсатиб чарчаган масхарабоздай, ҳорғин ва маъюс ерга термилиб қолди.

* * *

Биз саккизинчи синфга қатнай бошлаган кузнинг ўрталарида Ашур аскарликдан қайтди!

У бир пайтлар қандай одатдан ташқари тарзда ҳарбийга жўнаб кетган бўлса, тағин шундай одатдан ташқари манзараларда қайтиб келди.

Одатда, аскарликдан қайтаётган йигитлар вилоят марказидаёқ бирор киракашнинг автоуловига талтайганича ўтириб, бутун сиру синоатга кўмилиб, бемисл дабдабаю асъаса билан уйига кириб келар эди. Худо бергани шу-да, киракаш мўмайгина кира пулидан ташқари, бош-оёқ сарпога бурканар, ҳатто бироз безбетлик билан талаб қилса, бирорта бўрдоқига ҳам эга бўларди-қўярди.

Аммо Ашур...

— Э, ҳе-ҳе-ҳе-е-ей! Э, э ҳе-ҳе-ҳе-е-ейййй!

Бу ўктамгина ҳайқириқ катта трасса йўл тарафдан эшитилди. Биз ўқувчилар трассадан андак берида, Али муаллимнинг инжиқ назорати остида эгилиб-букилиб пахта терар эдик.

— Э, ҳе-ҳе-ей!

Биз қад ростлаб, зирқираб оғриётган белларимизни силай-силай товуш таралаётган тарафга аланғладик. Ҳатто Али муаллим ҳам ўнг қўлини кўзлари устига соябон қилганича ўша ёққа термилиб турди.

Ниҳоят, йўл ёқасидаги дов-дарахтлар орасидан бош-оёқ аскарча либосдаги хипчагина йигит кўриниш берди. Бир қўлида вазмингина чамадон, бир қўлида фуражка. У ҳарбийча фуражкасини ҳавода силкитиб, ҳануз шашт билан қийқирганича биз томон келаяпти.

— Э, ҳе-ҳе...ей!

— Ашур полвон-ку?! — деди Тўлқин аскарни биринчилардан бўлиб таниганидан тўлқинланиб.

— Ҳа! — дея тасдиқлади тағин кимдир. — Буғалтер бованинг ўғли!

Одатда ҳовлиққанича яёв келаётган бу аскарни танигандаёқ қийқира-чинқира ўраб олишимиз, баъзи бирларимиз суюнчи илинжида посёлка ёққа чопқиллаб кетишимиз керак эди. Аммо Ашурларнинг хонадонига дориган кулфат хаёлимизда лоп-лоп жонланиб, эс-ҳушимиздан айрилиб турар эдик.

Аскарни аллақачон таниган Али муаллим ҳам безовталаниб қолди.

Бу орада анча яқин келган Ашур чамадонини ерга қўйиб, фуражкасини бошига омонат қўндирди-да, қўлларини белига тиради.

— Ҳа, пахтакорлар, танимадингларми мени?! — деди у ҳануз-ҳануз ҳаяжон ва қувончдан энтикиб.

Биз аскарга анграйганча мум тишлаб турар эдик.

Ашур бир қарашда ўзгармагандек эди. Ўша-ўша ўйноқи, митти кўзлар, серпай, озғин юзлар... фақатгина ранг-рўйи пахтадек оппоқ, ҳамиша қулоқ-чаккаларини кўмиб турувчи қуюқ-ўсиқ сочлари калта орасталанган эди. Хипча, чайир қоматини сириб турган ҳарбий мундирининг тилларанг тугмачалари, чап кўксидаги аллақандай шода-шода орден-нишонлар кун нурида ялтираб-ялтираб кетади. Ҳойнаҳой, у ана шу серҳашам аскарча кийимини кўз-кўзлаш учун қачонлардан бери соғинтирган, ўзига муқаррар кўрсатилажак ҳурмату эътиборнинг, олқишу ардоқнинг лаззатини зарралаб сипқориш учун бутун пайкалларни оралаб, кўрганлар билан кўришиб ўтишга қасд қилган эди.

— Ҳа, нега бақрайиб қолдиларинг? — деди аскар ҳовлиқишларидан хижолатланиб, хижолатланганидан тобора тажанглашиб. — Бу мен, Ашурман-ку?!

Биз ҳамон анграйганча сўзсиз қотиб турибмиз.

Охири Али муаллим ботинмайгина аскар томон юрди.

— Ий-я, Ашурбой, ўзингизми?

Аскар қўнжи ғадир-будир этиги билан бир депсиниб:

— Ҳа-а, домилла, — деди илжайганча. — Танимадингиз-а?

Улар қучоқлашиб кўришдилар.

Аммо Али муаллимнинг довдираб омонатгина қучоқлашиши, бизларнинг ҳануз ҳурка-ҳурка анграйишимиз Ашурга ҳам юқиб улгурган эди. У Али муаллимнинг синиқ-синиқ ҳол-аҳвол сўрашига бош ирғай-ирғай қисқа-қисқа жавоб берар экан, оппоқ юзларига ташвишу таҳлика тошиб чиқди.

— Бизнинг уйлар тинчми? — деб сўради Ашур белидаги салқи камарининг орасига қўлларини тиқиб.

Али муаллим ҳамон тавозедан бўшамай минғиллади.

— Яхши... яхши.

Шу пайт катта трассадан посёлкамизга элтувчи йўл томон Тоғай тоғанинг кажавали «Урал»и пат-патлаб бурилдию Али муаллимга жон кирди.

— Ҳозир, — деди у чаққон-чаққон ариқ ҳатлаб, сийрак дов-дарахтларни оралаб йўл бўйига чиқар экан.

Ашур гоҳ йўл бўйига, гоҳ биз ёққа саросимали-саросимали кўз ташлаб, фуражкасини бир энсасига, бир чаккасига суриб қўйди.

Тоғай тоға ўзи томон сирли-сирли имо-ишоралар қилаётган Али муаллимнинг ёнига мотоциклини тўхтатди.

— Эй, солдат,— дея Ашурни имлади синф раҳбаримиз, гўё маълуму машҳур ҳамқишлоқнимас, аллақандай адашиб қолган дайдини чақираётгандек. — Бу ёққа...

Муаллимнинг чорловидан Ашур баттар таажжубланиб чамодонини қайта қўлга олди. Асабий бир тарзда ариқдан ҳатлаб «Урал» томон юрди.

Бу орада Тоғай тоға ҳам уловидан аранг тушиб, аскарнинг истиқболига айиқдай лапанглаганича икки-уч қадам ташлади. Унинг ҳам қоп-қора ўчоқдай юзларида синиқ бир илжайиш қотиб қолган:

— А, ҳа-а, ўзимизнинг жиян-ку!..

Биз ҳануз бақрайганча қотиб турибмиз.

Хийлагина қия келиб қолган қуёш аёвсиз қиздирмоқда. Теваракда ола-қуроқ пайкаллар лоҳас мудраб, унда-мунда кўтарилаётган ҳовурдан эриб бораётгандек эди.

Кўп ўтмай Тоғай тоға «Урал»ини тепкилаб тағин ўт олдирди. Ашур сўлғин бир шашт билан мотоциклнинг кажавасига жойлаша-жойлаша фуражкасини қўлига олди. Биз Тоғай тоғанинг улови оғир қўзғалиб, кўздан пана бўлгунча кузатиб қолдик.

— Эй, болалар, — деди Али муаллим елкасидан тоғ қулагандай, чаққон-чаққон пайкал оралаб келар экан. — Тезроқ-тезроқ теринглар, барака топкурлар...

Ҳамиша дағдағаю пўписадан бери келмайдиган синф раҳбаримизнинг қўққис мулойим тортиб, ўйчан қиёфага кириши негадир ҳеч биримизни ажаблантирмади ўшанда. Ўшанда биз болалар ҳам алланечук ҳалим тортиб, ич-ичимизга шилимшиқ бир ғашлик оралади. Ҳойнаҳой, ҳаммамиз Файзулла ака хонадонини тағин зир титратадиган қий-чув, дод-

фарёд ҳализамон бошланиб қолишини тасаввур этиб, ўз-ўзимизча маъюс ва ўйчан эдик. Шу сабаб бўлса керак ўша куни тушдан сўнг посёлкадан бўшашибгина келган Ҳужжатуллохон синфдошимизга яқин боришга ҳайиқдик.

Ҳужжатуллохоннинг пир-пир учаётган катта-катта кўзлари ичи тўла гап эканидан дарак берар эди. Шак-шубҳасиз, ана шу гап-сўзлар синфдошимизни биз томон ҳайдаган. Ҳолбуки, у ўша куни эрталаб алламбалоларни баҳона қилганича Али муаллимни мумдай эритиб, пахта теримидан қутулиб кетган эди.

— Эй, жўралар, жуда чатоқ бўлди-да, — деди у этак боғлаб, Тўлқин иккимизнинг ўртамиздаги эгатдан пахта теришга киришар экан. — Буғалтер бованикидан яна ўлик чиққандай бўлди.

Ҳужжатуллохоннинг пичирлаб-пичирлаб, аланглаб-аланглаб ҳикоя қилишича, акасининг қора қисмати ҳақида эшитган Ашур ўкирганча ўзини отиб ерга урибди. Сўнг гоҳ отасининг, гоҳ онасининг бағрига ўзини гўдакдай ташлаб ҳўнг-ҳўнг йиғлабди. Ҳатто оғзидан оппоқ кўпик тошиб, анча пайт ҳушидан кетган эмиш. Хосият холаю Файзулла акаларнинг оҳу зорини эшитган бирор кас тоқат қилиб туролмас экан. Уларнинг ҳоли забунини кўриб, ўксиб-ўксиб йиғлашларини эшитганнинг кўзларидан тирқираб-тирқираб ёш отилган эмиш.

«Нега менга хабар бермадиларингиз?! — дея бўғилиб-бўғилиб қичқирибди Ашур. — Мен... тўппа-тўғри ўша ёққа кетардим. Акажонимнинг душманларидан қасос олардим. Қўйдай бўғизлардим уларни. Қўйдай... Вах, бечора акажоним, ув... Вах, ука бўлмай мен қурий! Энди қандай бош кўтариб юраман, энди қандай яшайма-ан... вах... ув-в...»

Айтиб-айтиб йиғлаётган Ашурни йиғилганлар ҳеч овутолмай хўб машаққат чекишган эмиш. Охири, бўзлашлари андак босилган Ашур айвонга мук тушиб ётганича тек қотибди. Шунчалар тек қотибдики, ҳатто баъзи бировлар чинакам ваҳимага тушиб, уни силаб-сийпалаб турғизиб олиш пайига тушиб қолибди.

Ашур анчадан сўнг дик этиб ўрнидан турган эмиш. Кўз ёшлардан бўғриққан юзлари, қурқшоқ лаблари асабий бир тарзда пирпирармиш. Ашур аскарча кийимининг у ёқ-бу ёғини тўғирлаган бўлиб, бир маҳал ҳе йўқ, бе йўқ, ташқарига от-

ланиб қолибди! Фақатгина дарвоза ёнида бир депсиниб олиб, ота-онасига юзланибди. Кўзлари жиққа-жиққа ёш экан!

«Отажон, онажон! — дебди у бўғиқ ва титроқ товушда. — Мени кечиринглар. Ортиқ уйда қололмайман. Ичим ёниб кетаяпти! Военкоматга ариза бераману, мен ҳам акажонимнинг изидан жўнайман. Қонга қон, онажон. Инилик бурчимни бажармасам армон бўлади, онажон...»

Ашурнинг қайғу-ҳасрат тўла дил изҳори тугар-тугамас Файзулла ака ва Хосият хола тағин оҳ-воҳ билан, кўз ёшлари сел бўлиб ҳоварга ялпайиб қолишган эмиш. Ғам-ғуссадан гангиб турган қўни-қўшнилар ташқарига оёқ оширган Ашурга ташланишибди.

«Кетманг, полвонжон, кетманг, — дея ялинибди кимдир. — Ота-онангизни ўйланг, қариндошларни ўйланг. Бизларни қайғуда қолдирманг!..»

«Полвонжон, — дея қақшабди тағин биров. — Ёмонларни қўйинг, худога солинг уларни, бўлар иш бўлди, сиз шу ерда кўпроқ зарилсиз...»

Бироқ Ашур ялиниб-ёлворганларга қулоқ солмай, бир силтаниб кўчага отилибди. Кўча тўла одам экан! Ҳамма қайғу-ҳасратга тўлиб, Файзулла ака хонадони томон термилибгина туришар экан.

Ашур ташқарига оёқ оширгандаёқ ичкарида жунбушга келган доду фарёд, йиғи-сиғи бутун қишлоқ бўйлаб таралибди. Яхшиямки, Файзулла ака хонадонига йиғилганлар орасида Сафармурод чавандоз бор экан! У далли-девоналарча бўзлаб, анчагина йўл босиб қўйган Ашурга лапанглаганча етиб олибди. Қасосу қайғу туйғуларидан энтикиб бораётган аскар инини бир амаллаб тўхтатиб, меҳрибонларча бағрига босибди. Ғам-ғуссадан тақа мўйловлари шалвираб, ўз қадрдон полвонининг қулоғига алланелар деб шивирлаган эмиш. Бир пайт Ашур ҳам юзларини чавандознинг кенг кўкракларига яшириб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлабди.

«Чавандоз ака. Фақат сиз тушунасиз мени, ор-номус нималигини фақат сиз биласиз. Нима қилай, ичгинам ёниб кетаяпти!»

Сафармурод ака қайта-қайта пичирлаб, аскарча либосли яғринни силаб-силаб ғамбода, ёқавайрон Ашурни яна ҳовлисига етаклаб кирибди.

Ашур ҳовлисига кирибдию алланечук шаҳдам қадамлар билан уй ичкарисига юрган эмиш! Ҳамма бир зум ҳангу манг қотиб қолибди. Ҳануз-ҳануз қасосу қайғу туғғуларидан энтикиб турган Ашур аскарлик чамадонини тит силайтиткилай билакдек келадиган, дасталари нақшинкор ханжарни қўлга олибди. Сафармурод чавандоз кўзлари ваҳимадан чақчайиб қадрдон полвоннинг қўлларига ёпишган эмиш. «Оғажон, ўзингни бос! Нима қилмоқчисан?!»

Ашур бепарво бир тарзда чавандознинг рапидадек қўлларини нари суриб, нақшинкор ханжарни боши узра аввал азод кўтарибди, сўнг эҳтиром билан лабларига босибди. Ҳовлидагилар аллақачон йиғи-сиғини бас қилиб, ғамбода аскар томон бақрайиб қолишган экан!

«Эй, қавми қариндош! — дебди Ашур бўғиқ ва титроқли товушда. —Мен қасам ичдим! Эртами-кечми акажонимнинг қонини тўкканлар шу ханжардан ўлим топади. Акажонимнинг руҳи покини хўрлаганлар ҳам мендан омонлик кутмасин! Йигитлик қасамим шу!»

Ашур сўнгги сўзларини айта-айта қўлидаги дудама ханжарини енгил бир тўлғаниб улоқтирибди. Ўткир тиғ яроғ айвон шипига зарб билан қадалибди.

Йиғилганлар бир гувраниб олганмиш:

«Вах!»

«Ах!!»

Андакдан сўнг маълум бўлибдики, бундай қаттол қасам ичишни Ашур кавказлик дўстларидан ўрганган экан! Нақшинкор ханжарни ҳам ўша биродарлари совға қилишган экан!

— ... лекин пичоғига беш кетдим-ей, — дея оғизларидан тупик сачратди Ҳужжатуллохон ўшанда. — Чип-чиройли, ялтиллайди. Ҳамма Ашурнинг пичоқ сермашига қойил қолди. Ўлай агар, кинолардаги апачиям ундай отолмайди!..

Ўша куни синфдош дўстимиз гоҳ қайғули, гоҳ ваҳимали пичирлаб қилган ҳикояси ҳаммамизга қаттиқ таъсир қилганди. Ҳатто, Файзулла ака хонадонидаги қий-чув, додфарёдни ўз қулоғимиз билан эшитгандай бўлдик. Ашур полвоннинг ғам-қайғудан ўртаниб ўкиришлари, ўзини қўярга жой тополмай типирчилашлари кўз ўнгимиздан лип-лип ўтиб турди.

Ўшанда мен Лолахон ҳақида сўрагим келардию бироқ ийманар эдим. Назаримда ич-ичимни ўртаб ётган алланечук соғинч, алланечук ширин бир ғусса сўрашим биланоқ бўғзимдан отилиб чиқадию ҳамма устимдан куладигандек эди. Йўқ, барибир, чидаб туролмадим.

— Ҳужу, — дедим товушим ҳирқираб. — Сен Лолахон янгамни кўрмадингми?

Ҳужжатуллохон афтимга бир зум ўйчан тикилиб тургач, ҳорғин тўнғиллаганди:

— А-а, уми, йиғлаб ўтирганига бир кўзим тушганди. Кейин негадир. Анови... хашак бостирманинг орқасига югуриб кетди... шу-шу кўрмадим-ов...

Мен дўстимнинг айтганларига ўзимча бепарво, лекин жону жаҳдим билан қулоқ соларканман, юзларим мисдай қизиб, қулоқларим шанғиллаб кетди.

Ўша куни ялчитиб пахта термадик. Ҳар кечки пайт талаб қилинадиган миқдорнинг ярмисига ҳам етказолмадик. Бироқ Али муаллим ҳам биз ўқувчиларни койимади, қоп-қора юзлари ғазабдан баттар қорайиб ўшқирмади. Ҳув, Ашур пайкал бошида пайдо бўлгандан бери ҳамма-ҳаммамиз ўйчан ва дилтанг торгиб қолганмиз.

Одатда биз болалар қишлоғимизга бирорта аскар қайтса, тезроқ у билан дийдорлашиб, хушомаду суйкалишни дўндириб, биримиз фуражкасини, биримиз тилларанг тўқали камарини эгаллашга ошиқар эдик. Ҳеч қурса, ялтироқ-ялтироқ нишонларидан бирини кўксимизга тақиб қўйса ҳам бошимиз осмонга етар эди. Аммо одатдан ташқари тарзда ҳарбийга кетиб, одатдан ташқари қайтган Ашурга одатдагидек суйкалиб боришга ҳеч биримиз ботинолмадик.

Бироқ мен болалар ичида биринчилардан бўлиб Ашур билан дийдорлашдим.

Ўша Тоғай тоға мотоциклининг кажавасида олиб кетгандан сўнг уч ё тўрт кун ўтиб, уни туйқус кўриб қолдим.

Ўша куни сочимни қатиқ билан ювиб тарайман, деб далага кечикиб қолган эдим. Ҳа, ҳа, саккизинчи синфга ўтганимиз ҳурматига Қалқонов муаллим — мактабимизнинг қаттиққўл директори, калта, ораста қилиб юриш шарти билан соч қўйишимизга изн бергандилар. Эсам, илгари, «сенларга бундай бодичиликни ким қўйибди», деб ҳаммамизни устарада бош тараштлатиб юришга мажбур қилар эди.

Ўша пахта пайкалига кеч қолган куним, муаллимларнинг қаҳрли қиёфаси кўз ўнгимда бот-бот жонланиб, қатиқлаб ювилган соч касрига бош ҳам балога йўлиқишидан қўрқиб дарвозамиздан отилиб чиқдим. Тушлик емиш солинган бўз этак елкамда синган қанотдай шалпиллаб осилган.

Дарвозадан ҳовлиққанча чиқдиму туйқус Ашурни кўриб қолдим!

Устида яп-янги қора сатин тўн. Тўнининг очиқ олдидан баданига чиппа ёпишган йўл-йўл, ҳаворанг матросча майкаси жозибали кўзга ташланади. Ранг-рўйи оппоқ, калта сочлари тўзғин, дум-думалоқ кўзлари қонталаш, ҳойнаҳой, эндигина уйқудан туриб ташқарига чиққан эди. Ашур уйларининг биқинғинасида алланималарни териб-тергилаб, пилдирабгина ўйнаётган жажжи жиянини хомуш кузатиб турган экан.

Мен саросимада қолдим. Одатдаги хизматини ўтаб қайтган аскарлардан бўлганда-ку, ҳеч иккиланмай, қийқирганча Ашурнинг қучоғига отилардим, бироқ айни чоғда у оғасидан ажралиб қолган азадор ини ҳам эди-да, бундай ноқулай ҳолатда аскар билан қай йўсун дийдорлашув удум эканини билмасдим.

Мен синфдошимнинг маҳзун ҳикоясидан бери Ашурни алланечук телбавор, ғам-ғуссадан икки букилган бир қиёфада тасаввур этиб юрар эдим. Йўқ, ҳарнечук, ўша дам оҳорли тўн, жозибали матросча майка уни ўктамгина кўрсатиб турар эди.

— Эй, Самадмисан? — деб сўради, ногоҳ кўзи менга тушгач Ашур, хириллоқ товушда.

Мен ботинмайгина у томон юрдим:

— Ассалому алайкум, Ашур ака!

Ашурнинг кўзлари алланечук порлаб кетгандай бўлди.

— Ўх, ти, — деди менга юзма-юз келаркан. — Бўйинг ўсиб, овозинг дўриллаб қопти, а? Зўр-ку!

Ашур мени қучоғига олди. Шундагина унинг қўл-кўкраклари тошдай қаттиқ эканини ҳис қилдим.

— Эҳ, Самаджон, сизларни роса соғиндим, — деди Ашур мени ўзидан андак узоқлатиб, бошу оёғимга тикиларкан. — Роса ўзгарибсан.

Бир пайт унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Сени... — деди лаблари пир-пир учиб. — Акам жуда яхши кўрарди-я! Ах... — Ашур яна мени бағрига тортди-да ҳиркираганча юзларини бошимга қўйди.

Шу пайт негадир сарғиш киприкларини пирпиратиб, илжайганча мени овлоққа имлаётган Ўроқ кўз ўнгимга келиб кетди.

Ўпкам тўлиб Ашурга қаттиқроқ суйкалдим.

* * *

Кеч кузнинг кечиккан муздек шамоли каловланиб-каловланиб кезиб юрар, унда-мунда сўппайган дов-дарахтлар титраб-қақшаб хазон ташлар эди.

Мулла Мирза эшилиб-тўлғаниб Қуръон сураларидан бирини тиловат қила кетди. Марҳум Ўроқнинг «йиллик» маъракасини хотималаётган Файзулла ака хонадони яна оғир сукунатга чулғанди.

Вақт пешиндан оққан. Қуёш яллиғланган ярадай қалқибгина турибди.

Чорпояда ҳазину ҳиркироқ товушда тиловатга зўр бераётган бир тутамгина қариянинг у ён-бу ёнида отам, Чинор, Улаш ва Абдулла акалар хомуш ўтирар эди. Ойнабанд айвонда ғам-ғуссадан эгилиб-букилган хотин-халажлар тўпи ғира-шира кўзга ташланади. Улар орасида маърака кунини мўлжаллаб, олис-олислардан етиб келган, Лолахоннинг онасию холаси, тағин аллақандай қариндоши шаҳарча турқу тароватлари билан яққол ажралиб туришибди.

Қора сатин чопони қатларига сингиб кетгудек бир тарзда бурканиб, чорпоянинг бир чеккасида илашибгина ўтирган Файзулла ака сийрак, сарғиш киприкли кўзларини буткул юмиб олган.

Ўша куни эрталабдан бери бу хонадонда марҳум ҳақига дуойи фотиҳа қилиш учун келиб-кетувчиларнинг кети узилмади. Ҳатто масъул ходим билан қора мўйлов ҳарбий амалдор ҳам бир неча мулозимлари қуршовида етиб келишган, анча фурсат сукут сақлаб, хомуш тортиб туришгач, ғалма-ғал, учтўрт оғиз расмий нутқ сўзлашиб, Умрзоқов Ўроқ ўлимидан сўнг мукофотланган ажабтовур ялтироқ нишонни Файзулла акага эҳтиром ила топширган эди. Ниҳоят, кун пешинга етар-

етмас, гўё дошқозонда дамланган маърака оши соб бўлганини сезишгандек савобталаб қадамлар хийла тинди.

Ҳаво салқин ва намхуш. Марҳум Ўроқнинг маъракасидан бир кун илгари шаррос қуйиб ўтган ёмғир эрта баҳордан бери жазавадан тушмай келаётган жазираманинг шаштини анча пасайтирган.

Мулла Мирза гўё марҳумнинг муқаддас хотираси мангу эканини таъкидлагандек тиловатни чўзгандан чўзар эди.

Исқирт идиш-товоқлар айқаш-уйқаш бўлиб ётган қопқора ўчоқ бошида Сафармурод чавандоз ва Қалқонов муаллим ҳам тизза букиб, омонат чўнқайишган кўйи титроқли тиловатга қулоқ осишган.

Чорпоя рўпарасидаги келиб-кетувчилар учун махсус қўйилган, устига ола-қуроқ кўрпача тўшалган темир ўриндиқда қалампир нусха дўпписи чеккасига қийшайиб, ғужанак тортиб ўтирган Ашур қилт этмаса-да, унинг бутун турқи-тароватидан алланечук зарда, иддао ёғилиб турибди.

Ашур аскарликдан қайтиб, қасос ва қайғу қутқусидан қутириб аянчли қасам ичгач, қаҳрамон жигарининг номи ва шаъни бемисл ардоқда эканини эшитиб-кўриб юпанганми, ҳарқалай босиқ-вазмин қиёфага кириб қолган эди. Аммо бу шунчаки бўрондан олдинги сукунат экан! Орадан бешолти кун ўтар-ўтмас у яна вулқондай қайнаб тошди.

Ашур қайта жунбушга келган ўша кун, қоқ туш пайти, Тўлқин иккимиз муаллимларнинг топшириғига кўра далада пахта тераётган ўқувчиларга ичимлик сув олиб бориш учун посёлкага келган эдик (дарвоқе, биз ўша кеч пахта хирмонига қоровуллик қилиб,ҳув, тоғлар қўйнида кечмиш муҳаббат можароси ҳақида, сулув Майсарани «ағожон»латган маймоқ жиловдор ҳақида холис гувоҳнинг холис ҳикоясини тинглагандик). Тўлқин иккимиз терлаб-пишиб эндигина ҳувуллаб ётган мактабимиз ёнига етган эдикки, ўрта йўлда ўкириб-бўкирганча чарх уриб келаётган Ашурга кўзимиз тушди.

Сочлари тўзғин, башараси кўз ёшу тердан бўғриққан, ёқавайрон ҳолда эди у! Зум ўтмай муюлишдан Улаш аканинг ҳам ташвишли қиёфаси кўринди. У кулгули бир тарзда чопқиллаб Ашурга етиб олди-да, алланелар деб қулоч ёйганча йўлига кўндаланг бўлди.

— Шойир ака, қочинг олдимдан, — дея бўкирди Ашур бақувват қўлларини мушт қилиб. — Эсам қаттиқ хафа қиламан!

Улаш ака устига тик бостириб келаётган Ашурдан ҳайиққандай орқага тисарила-тисарила ялинганнамо минғирлади:

—Полвонжон, ўзингизни босинг, полвонжон...

Биз чарчоқни ҳам унутиб уларга яқин бордик.

Довдир-довдир, кайпанг-кайпанг хатти-ҳаракатларидан ҳар иккиси ҳам ширакайф экани сезилади. Ҳойнаҳой, Улаш ака урф юзасидан хизматдан қайтган аскарни бир пиёла чойга таклиф этгану сўздан-сўз, гапдан-гап чиқиб улфатларнинг чин инсоний туйғулари жунбушга келган эди.

— Шойир ака, тўсманг йўлимни, — дея бақирди Ашур ер депсиниб. — Барибир ниятимдан ҳеч ким қайтаролмайди!

Улаш ака пайт пойлаб-пайт пойлаб липпа қучоқлаб олди унинг белидан:

— Полвонжон, ука... Оркашлигингизни ёшу қари билади, ука... Ҳозирча шошманг...

Шу орада идора ёқдан чайқала-чайқала чиқиб келган оппоқ «Нива» уларни қуюқ чангга буркаб тўхтади. Эшиги шарақлаб очилиб, айвони кенг шляпасини энсаси томон сурганча Абдулла ака машинасидан тушди. У бир-бирини қучоқлаб йўл ўртасида олишиб ётганларни андак кузатиб тургач:

— Ўв, Улашбой, — деди агроном-шоирни имлаб. — Қўйворинг уни, берман келинг.

Улаш ака Ашурни қучоғидан бўшатиб, саросима билан машинага яқинлашди.

— Тегманг унга, — деди Абдулла ака гоҳ депсиниб, гоҳ чайқалиб кетаётган жиянининг изидан нописанд қараб қўяр экан. — Майли, бораверсин.

Агроном-шоир тунд-бадқовоқ амакининг ҳиссиз, ўзи таърифлагандай зерикарли афтига бир зум таажжубли тикилгач, ташвишу таҳликага тўла товушда зор қақшай кетди:

— Ий-я, бой бова, ундай деманг, Ашур ариза бериб яна армияга кетмоқчи, қасосга бел боғлаган жиянингиз, бой бова, қайтарайлик уни... индамай қўйманг, полвон ҳозир ҳеч нарсадан тап тортмайди, бой бова...

«Бой бова» эса гоҳ йўрғалаб, гоҳ имиллаб, аҳён-аҳён жазавали бўзлай-бўзлай узоқлашиб бораётган Ашурнинг ортидан яна андак тикилиб тургач, Улаш аканинг жаврашларини чўрт кесди.

— Агрўнўм, — деди у томдан тараша ташлагандай. — Бизга озроқ ўғит керак.

Эзгуликка даъват этиб ётган агроном-шоир:

— Нима?! — деди гўё умрида кўрмаган-билмаган нарса ҳақида эшитгандай. — Ўғит?!

— Ҳа, ўғит. Ҳозирча бир тонна етарли. Оз-моз ёрдам бермасангиз қийналиб қолдик-ку.

— Йў, йў, — дея бош чайқаб ожизона қаршилик кўрсатди Улаш ака. — Бор-йўғини саратонда қуритдик-ку... Нима, менинг ўғит завўтим борми?

Абдулла бадқовоқ димоғида илжайиб, агроном-шоирнинг елкасига дўстона қўл ташлади-да, алланеларнидир шивирлай кетди. Шивирлаган сайин Улаш аканинг башарасидаги ташвишу таҳлика ўрнини мамнун бир ифода эгаллай бошлади. У «бой бова»нинг сирли-сирли имо-ишоралар қилиб пичирлашларига тобора эҳтиросли қулоқ солар экан, орачора бош ирғаб, «яхши-яхши» деб қўяр, ҳозиргина Ашур сингиб кетган томонга тикилган кўзлари, ёрқин истиқболни кўраётгандай илҳом билан порлар эди.

Ашур эса шу-шу сингиб йўқолиб, ўша куни кечқурун қайтди. Тўғрироғи, трасса-йўл бўйларида қўй-эчки боқиб юрувчи қўшни қишлоқлик чол уни эшагига мингаштириб ғира-шира шом қоронғусида уйларига келтириб қўйди. Чол отамга яхшигина таниш экан. Ўша кеч Ашурни эсон-омон дарвозаларидан киргизиб юбориб, кўнгли тинчигач, отам билан кўча четида ғўнғир-ғўнғир бироз гурунглашиб қолишди.

— Хўб бинойи жигит экан, — деди қария қуюқ оқ оралаган соқолини тутамлаб-тутамлаб. — Кечга довур ёнгинамда ёнбошла-аб гурунг берди. Гаплари маънили-маънили.

Чўпон чолнинг узуқ-юлуқ ҳикоя қилишича, «гаплари маънили» йигит ўзини танитмабди. Бироқ гоҳо-гоҳо чолни ҳангу манг қолдириб, ўтирган ўрнидан ирғиб туриб «раёнга бораман, военкоматга кираман», дея пўнғиллаганича трасса-йўл ёқасига югуриб чиқар экан. Чиқаркану ғиз-ғиз ўтиб-қайтиб ётган машиналарга тош отиб, сўкиниб-бўкириб яна

изига қайтар экан. Тағин хийла эзмаланиб ўтиргач, яна трассага югургилар эмиш. Бир пайт сўкина-сўкина тош отиб ётган «маънили» йигитнинг ёнгинасига эски бир «Жигули» келиб тўхтабди. Пачоққина шофёр йигит кабинадан бош чиқариб, «Йўл бўлсин, ака? Раёнгами? Ўтиринг, ҳангомалашиб кетамиз», деган эмиш. «Маънили» йигит болахонадор қилиб сўкиниб, «йўлингдан қолма, дебди, шалтоқ аравангга куним қолгани йўқ...» Ҳалиги шофёр ҳайрон-ҳайрон кабинадан тушиб, атрофига бир аланглаб олиб, антиқа йўловчи томон юрибди.

Чўпон чол бу ёғидан бехабар қолган эмиш. Пайкал оралаб бораётган сурувига андармон бўлиб, кейин не ҳодисот юз берганини, «Жигули» қачон жўнаб кетганини пайқамай қолибди. Орадан анча фурсат ўтгач, «маънили» йигит каловланибгина ёнига келибди. «Ай, болам, бетингга нима бўлди?» деб сўрабди қария. «Маънили» йигит бепарво қўл силтаб машина ғилдираги остидан сирпаниб учган тош келиб текканини айтибди.

— Мастлик қурсин, мастлик, — деди чўпон отамнинг уйга таклиф этишларига қулоқ солмай, хайрлашар экан. — Шундай туппа-тузук жигитларниям йўлдан уради...

Ўша машмашалардан сўнг гум-гурс, уч-тўрт кун бўсағa ҳатлаб ташқарига чиқмаган Ашур, охири, юраги сиқилиб, хилватнишинликка ортиқ тоқат қилолмай, ичи қизиб, яна кўча кезиниб қолдию унинг чап кўзи остидаги кўкимтир доғ, оркашлигу қасоскорлик учун берилган нишондай ҳаммаҳаммани ҳангу манг қилиб ташлади. Ашур эса ўша вулқондай қайнаган куни гўё ҳарбий комиссариатга боргану бефаросат военкўм унинг аризаси қолиб юзига муҳр босгандек асабий ғўддаяр, бутун режаларини чиппакка чиқарган сирпанчиқ тошни бўралатиб сўкар эди.

Кўкимтир доғ марҳум Ўроқнинг «йиллик» маъракаси ўтказилаётган кун ҳам унинг афтидан буткул аримаган экан. Ашур айнан шу арзанда, антиқа доғни асраб-авайлаётгандек бош кўтармай чопонига бурканиб-бурканиб ўтирди.

Ўша кун барча маҳзун, барча хомуш эди. Мулла Мирза марҳумнинг мангу хотирасини мияларга мўмиёлаб муҳрлаётгандай эзиб-эзиб, чўзиб-чўзиб тиловат қилмоқда.

Чорпояда, уй айвонидаю ўчоқ бошида ўтирганлар буткул эзилиб-чўзилгандай, бемажол, эгилиб-букилган кўйи тек қотишган. Фақатгина Улаш агроном-шоир ора-чора тевараккa ўғринча аланглаб-аланглаб, хомуш кўзларида хомуш бир илҳом милтиллаб-милтиллаб қолади. Ҳойнаҳой, у ҳануз-ҳануз тараддуди тугалланмаган, юксак инсоний туйғулар тараннум этилажак достони учун теграсидаги маҳзун манзарани миясига муҳрлаб олиш илинжида эди.

Мулла Мирза ниҳоят марҳумнинг муқаддас хотирасини эзиб-эзиб, узоқ-узоқларга улоқтириб юборгандек эзгин-эзгин, узоқ-узоқ тиловатини тугатди. Ўтирганлар елкаларидан тоғ улоқтирилгандай енгил-енгил тин олиб, эркин-эркин бош кўтариб қолишди.

— Оми-ин, — деди мулла Мирза узоқ-узоқлардан ҳориб қайтгандек ҳирқироқ ва ҳазин товушда, кўзларини ярим юмган кўйи тебранар экан. — Ўроқбойнинг шаҳидлиги чин бўлсин, худойим-таоло ўз жаннатини дариғ тутмасин, тирикларимизга сабр-чидам берсин... Ом-и-ин...

Ўтирганлар дуога очилган кафтлари билан юз-кўзларини беармон силаб олдилар: «Ом-и-ин...»

Улаш ака чаққонгина интилдию ёнидаги чойнакдан бир пиёла яхна чой қуйиб, чин соқиёна маҳорат билан мулла Мирзага узатди. Қария миннатдорона бош ирғай-ирғай пиёлани қўлига олди.

Ҳовлини енгил бир шовур-шувур тутди.

Чорпояда ўтирганлар ҳам ўзаро пичирлашиб, Чинор акага саволчан тикилишди.

Чинор ака мулла Мирзага юзланиб:

— Бошланг! — деб қўйди.

Бу орада тағин бир пиёла чойни сипқориб улгурган қария сийрак соқолларини ўйчан қашлай-қашлай енгилгина томоқ қириб олди. Афтидан, маъраканинг сўнгги қисми аввалдан режалаштирилиб, ўзаро келишиб қўйилган эди.

— Ҳурматли жамоат, — дея гап бошлади мулла Мирза ўртадаги дастурхонга тикилиб. — Худога шукр, ҳаммамиз мусулмонмиз. Худойим таоло Қуръони Каримда, шариатда бева қолган аёл хўжайинига кўпи билан уч ой аза тутсин, деб рухсат берган. Ана кейин аёлнинг боши очиқ ҳисобланади. Унга зулм...

— Эй!

Бу чинқирик махсус ўриндиқда махсус ғўддайиб ўтирган Ашурники эди.

— Эй, мулла бова! — дея тажангланиб ўрнидан туриб кетди у. — Нималар деяпсиз?! Уч ойда ҳаммаси эсдан чиқиши керакми, а?! Қандай мусулмонсиз ўзи?

Бутун маърака давомида энсаси қотиб ўтирган Абдулла ака жиянини жеркиб берди:

— Ўв, гурри, сен жим тур!

Ичкарию ташқарида ғала-ғовур жонланди. Кимдир Ашурни, кимдир Абдулла акани тинчлантирган бўлди.

Мулзам тортган мулла Мирза Чинор аканинг ўзига ўқрайиб турганини кўрдию бир томоқ қириб, гап ўзанини ўзгартириб қолди:

— Энди-и... ҳаёт бошқа экан, ҳозирги ёшлар бошқа экан... — Қария бу ёғига сўз тополмай ўчди-қолди. Пичадан сўнг минғирлаганча қўшиб қўйди: — мана директиримиз Чинорбой, ўзи бир нарса дер...

— Илтимос, ака-опалар, бироз жим турингизлар, — дея гап жиловини ўз қўлига олди Чинор ака. — Менинг ҳам икки оғиз гапим бор эди. Хўш... ҳа, энди-и, эски китобларда ёзган бўлса ёзишгандир. Ҳозир замон бошқа, биз инсон қадр-қиммат топган, соф инсоний туйғулар ҳурматланадиган жамиятда яшаяпмиз, — Чинор Тоштемирович бу ваъзни ҳамма тиловатга андармон пайти миясига муҳрлаб, пишитибгина олган, шекилли, ҳеч тутилмай, қоқилмай гапирар эди. — Ўроқжондек ўғлонларга уч оймас, уч юз йил аза тутсак ҳам оз. У Ватан фарзанди эди, Ватан учун қурбон бўлди. — Чинор ака товуши титраб, «уф» тортиб, чўнтагидан дастрўмол чиқарди-да кўзларига босиб-босиб олди. Сўнг хотин-халаж томон, тўғрироғи, Лолахоннинг қариндошлари ўтирган ёққа тусмоллаб тикилиб гапида давом этди. — Азиз қудағайлар, биламиз, сизларнинг ҳам қайғунгиз чексиз. Бироқ начора, сабр қиламиз. Энди-и... сизлардан катта илтимос, Лолахон қизимизга тегмасаларингиз, у биз билан қолсин. Бу сиз азиз қудағайлар томонидан катта олийҳиммат лик бўларди. — Чинор ака ҳозироқ рад жавобини эшитиб қолишидан қўрққандек, беихтиёр, қўлларини кўксига қўйиб гап маромини тезлаштирди. — Агар уни олиб кетсала-

рингиз Файзулла ака хонадонида яна бир аччиқ айрилиқ бўлади. Қолаверса... ҳим-м... Лолахон учун Ўроқжоннинг хотирасидан улуғроқ, муқаддасроқ нарса йўқ. Улар бир-бирининг юрагига айланиб кетишган. Икковининг пок муҳаббати ҳаққи, биз Лолахонни хўрлатиб қўймаймиз. Ҳамиша ардоғимизда у. Лолахон биз учун, ёшларимиз учун чин садоқат тимсоли...

Чинор Тоштемирович авжланган сайин мулла Мирза ҳув, темир тобут келтирилган машъум кунни эслади, шекилли, тағин машъум хатога йўл қўйишдан қўрққандек ихчамгина салласини ушлаб-ушлаб қўйди.

Оташин ваъз тугар-тугамас хотин-халаж ўртасида қийчув, йиғи-сиғи куч олди. Бева келин Чинор аканинг ўтинчлари ижобат бўлганига ишора қилгандай Хосият холанинг елкаларига юз босиб силкина-силкина йиғлади.

Файзулла ака Чинор Тоштемировичга миннатдорона кўз ташлаб, бош ирғаб қўйди.

Мен ўша куни азадор хонадондан тунд бир қиёфада чиқиб кетдим. Бироқ ич-ичимда аллақандай қувонч хиёнаткорона илжайиб турарди.

* * *

Алоқ-чалоқ туш кўрибман. Дўстим Тўлқин иккаламиз жазирамадан жизғанак бўлиб ётган чек-чегарасиз дала-дашт бўйлаб аллақайларгадир гоҳ югуриб, гоҳ учиб-учиб кетаётган эмишмиз. Ҳаммаёқ қип-қизил, алвон-алвон тусда жилванармиш...

Ўша ғалати туш тағин неча-неча кунлар мени дилгир қилиб юрди. Ўша алвон-алвон жилвалар кўз ўнгимдан кетмай қолди. Ҳатто бу ҳақда Тўлқин дўстимга ғапириб бермоққа бир неча бор чоғландим. Бироқ ўша қишнинг ёғинсочинсиз, илиқ кунлари Тўлқиннинг қовоғидан қор ёғар эди. Саккизинчи синфга ўтгандан бери, тўғрироғи сочларимиз устара балосидан қутулгандан буён ҳаммамиз ҳам ўзимизни анчайин улғайган ҳис этиб, қош-қабоқларимиз уюлиб, андак босиқ, андак вазмин тортган эсак-да, Тўлқин ошнанинг ваҳимаси барчамизникидан ошиб тушди. Қурмағурнинг бўйи барчамизникидан бир қаричча баландлигидан

бемалол узоқ-узоқларга ўйчан тикилиб, биз нимкалалар кўролмайдиган сиру синоатларни кўриб-билган, шекилли, алланечук сиру синоатларга кўмилиб қолди.

«Фу-у, боди бўп кетаяпти», деди Дурбек, бодичиликнинг минг бир нағмасини аллақачон ўзлаштириб олган синфдош, оқсоқ директорнинг ўртанчи арзандаси. Ҳа, ҳа, Дурбекка бошқача таърифу тавсиф беролмасдик ўша кунлар. Ўша кунлар у қайгўрдандир тиш орасидан «чирт-чирт» туфлашни ўрганибди. Ҳувв, ёздан бери, отаси бир гувраниб қад ростлагандан буён пода боқмайди. Қўй-эчкиларини совхоз фермасининг чўпонлари оталиққа олишган. «Жинси», «кроссовка» деган ғалати-ғалати кийимларни, кўпириб шишадиган ширинтаъм сақични илк марта Дурбекда кўрдик. У худонинг берган куни яп-янги велосипедидан тушмасди. Назаримда, Дурбек биз билан бир синфда ўқиб, кўзи кўзга тушиб тургани учунгина ноилож гаплашадигандек эди.

Ҳа, ҳа, ўша қишнинг ёғин-сочинсиз илиқ кунлари биз уч қадрдон дўстнинг орасига шундай бир совуққонлик оралади. Уччовмиз ҳам назаримда, бир-биримиздан ҳуркиб қолгандик. Гўё аллақандай ўта муҳим сирни ўзимизча бир-биримиздан яширар эдик.

Ниҳоят, Тўлқиннинг сири очилди! Ўша қишнинг узун-узун кечаларидан бирида Тўлқин кўпириб шишган ширинтаъм сақичдек ёрилди.

Ўша кеч бўйчан бўйинсам бирга дарс тайёрлаш баҳонасида бизникига келди. Беҳад қувонганимданми унинг қўлларини анча пайт маҳкам сиқиб турдим. Ўшанда бизнинг меҳмонхонага биқиниб ўтириб, китоб-дафтарларимизни беҳафсала титкилай-титкилай бир-биримизга саволчан-синовчан тикилдик.

— Нега менга бундай бақраясан? — деб сўради ниҳоят тоқати тоқ бўлган Тўлқин.

— Сен-чи?

— Мен... сен... — деб чайналди Тўлқин.— Қандайдир ўзгариб қолгансан, шуни сўрамоқчи эдим.

— Менми?!

— Ҳа, сен. Биз билан ўйнамайсан. Ўзингча ғўддайиб, тентакка ўхшаб юрасан. Дурбек сени боди бўп кетаяпти, деди. Кўзларинг аланг-жаланг...

— Ўзинг-чи? — деб бақириб юбордим мен. Очиғи, Тўлқиннинг мендан илгарироқ қилич кўтарганидан анчамунча гангиб қолгандим.

— Нима, мен?

— Қовоғингдан қор ёғади, ваҳиманг дунёга сиғмайди. Шоирларга ўхшаб хаёл сурасанми-ей.

Тўлқин худди муаллимдан дакки эшитаётган ўқувчидай тўзғиган китоб-дафтарларга анча маҳал хомуш тикилиб қолди.

— Самад, — деди у бир пайт товуши титраб. — Бир гап айтаймми сенга?

— Айт, — негадир менинг ҳам овозим ҳирқираб чиқди.

— Аввал қасам ич! Ҳеч кимга айтмайман, деб қасам ич!

— Бировга миқ этсам нон урсин.

Тўлқин учқунлар сачраётган кўзларини менга саволчан-синовчан тикиб тураркан, қасамимдан қониқмагандай бўлди. Бироқ елкасидан юкни улоқтириб юбормоқдан ўзга иложи йўқ ҳаммолдай чуқур бир тин олиб, тағин тўзғин китоб-дафтарларга паришон термилди.

— Самад, — деб гап бошлади у хира бир товушда. — Бир... бир синфдош қизни негадир... доим кўргим келади. Кечаю кундуз уни ўйлайман. Нега?! Ўзим ҳам билмайман, жўра. Кўрсам юрагим дукуллаб уради. Қўлларим ҳам қалтирайдими-ей... билмадим, жўра. Билмадим, менга нима бўлди ўзи...

Тўлқин қулт-қулт ютиниб бир зум жим қотди. Мен ҳам чип-чиройли, ўйноқи капалакни чўчитиб юборишдан қўрққандек, дам урмай турардим. Негадир юрагим дук-дук тепиб, қўлларим билинар-билинмас қалтирарди.

— Шу... ўтган... — дея ғудраниб гапида давом этди Тўлқин, — пахта теримидан бери ҳолим шу. Теримга биринчи чиққан кунларимиз у билан ёнма-ён туриб пахта териб қолдик. Шунчаки гурунглашдик. Гурунгга хўб қизиқиб, ҳамма синфдошлардан ўзиб кетган эканмиз. Бир пайт бармоғимга тикан кириб кетди. У игна тўғноғичи билан тиканни ситиб чиқармоқчи бўлди. Эгатнинг ичига ўтирдик. Ғўзапоя орасида кўринмай қолдик. У тикан кирган бармоғимни қўлига олганда худди тўк ургандай бўлди, жўра. Баданларим жимирлаб кетди. Сесканиб тушганимдан хавотирланиб, қўлингизни оғритдимми, деб сўради. Овози шун-

чалар майин, шунчалар ширин эдики, жўра. Менга ғамхўр-ғамхўр тикилиб турган кўзларини айтмайсанми? Янги туғилган улоқ кўзидай. Шундан бери уни ўйлайман, уни кўргим келади.

Тўлқин энтика-энтика яна жим қолди. Мен бўшашган кўйи юзим қизиб, қулоқларим шанғиллаб ўтирардим. Дўстим аллақандай қиз ҳақида гапирарди-ю, менинг кўз ўнгимда негадир Лолахон янгам жонланиб турарди.

— Ўв, сен нега ўчиб қолдинг? — сўради Тўлқин юзимга шубҳали тикилиб.

— Нима? — дедим аранг, кўз олдимда алвон-алвон жилвалар жимирлаб-жимирлаб ўтди. — Қўрқма, бировга миқ этмайман.

— Қўрқмайман. Сен чин жўрамсан, Самад. Эсам айтмасдим. Жўра, нима қилай, а? Уни ўйламасдан ҳеч туролмайман. Ҳозирам хаёлимда у. Ўйлаганим сайин негадир ўкириб-ўкириб йиғлагим келаяпти, жўра. Ишонмайсанми? Ишонмасанг, ҳозир ҳўнграб бераман...

Тўлқин мен томонга юзланди. Унинг кўзлари шунчалар маъюс, шунчалар паришон эдики, ўтган қиш Кенгсойда ҳаммамизни пирпиратиб отган «қаҳрамон»дан асар ҳам йўқ эди.

— Тўлқин, — дедим ботинмайгина. — Исмини айтмадинг-ку?

— Айтмайман.

— Нега?!

— Қўрқаман... Барибир бировга сотиб қўясан.

— Майли, айтмай қўйганинг яхши... Кел, энди дарс тайёрлаймиз.

Мен ўзимча китоблардан бирини варақлашга тушдим.

— Самад, — деб ғудранди Тўлқин, ҳануз-ҳануз гоҳ менга, гоҳ китобларга хомуш тикиларкан. — Чин дўстсан-а, анови боди Дурбекка ўхшаб қилпангламайсан-а?..

— Ҳа, сўз бердим-ку?!

— У қиз... Шаҳина...

Шаҳина! Кўз олдимда лоп этиб ҳаммамиз «корейс» деб атайдиган, кўзлари қисиқ, бурни пачоқ, юзларига сепкил тошган синфдош жонланди. Ранг-рўйи отасининг тус ўзи бўлган бу хилқат ҳам Қалқонов муаллимнинг қизи эди! Ҳа,

ҳа, оқилаю кайвони Шабнамнинг, севги туғини яродор юрак опасидан юлқиб олган Шабаданинг синглиси эди! Лекин афт-ангорлари холаларига тортган ўйноқи, шаддод опаларига сира-сира ўхшамас, анчайин босиқ, уятчан қиз эди Шаҳина. Биз унинг мактабга бирор марта ҳам янги кўйлак кийиб борганини ҳеч кўрмагандик. У Шабнаму Шабададан қолган кийимларни чеварликка сал-пал уқувли Зумрад опага у ёқ-бу ёғини суроблатиб кийиб юрар, шу сабабли, ҳарнечук, Тошбиби чечанинг эртакларидаги зулму зуғумдан боши чиқмаган бечора, етимча қизларни эслатиб юборарди. Ҳойнаҳой, онасининг сон-саноқсиз бундай эртаклари эс-хушига сингиб, ғариба заифларга меҳри товланиб юрган Тўлқиннинг камсуқум, уятчан Шаҳинага кўнгли чопган, охир-оқибат муроду мақсадга етишмоққа бел боғлаганди.

Шаҳина! Ўша қишнинг ўша дилгир кечаси бу жарангдор исмни эшитиб жаранглатиб қаҳ-қаҳ отгим келган, кўз ўнгимдаги алвон-алвон жилвалар тумандай тўзиб тамом бўлганди. Бироқ қуруқликка чиқиб қолган лаққа балиқ каби типирчилаб, андуҳларга тўлиб-тошиб турган Тўлқиндан, тўғрироғи, ҳали-ҳали эгасидай маъюс-майин тортмаган зил-замбил муштларидан қўрққандим.

Ўша кеча биз икки дўст ўзимизча эркакчасига қўл ташлашдик. «Нон урсин», «Аёл бўлай» каби жайдари қасамларга кўнглимиз тўлмай, ошхонадан ошпичоқни ўғринча келтириб Ашурнинг кавказча усулини қўлладик. Ошпичоқни галма-гал қўлга олиб, лаб-даҳанимизга тегизиб, «дўстимга хиёнат қилсам шу тиғдан ўлай» қабилида қасамлар ичдик.

Ҳа, ҳа, аскарликдан қайтган Ашурнинг аҳд қилиш усули ҳаммаёқда дув-дув гап бўлибгина қолмай, ёш-яланглар-нинг пинҳона онт ичиш усулига ҳам айланиб улгурганди ўша кезлар. Ўша кезлар кавказча қаттол қасами сабаб Ашур яна олқишу таҳсинларга кўмилиб қолди. Барча-барча уни оркаш, жувонмарг кетган жигарига жонкуяр сифатида севар, эъзозлар, шу ёғи камдай, айвон шипига қадалиб қолган дудама ханжардан чиппа-чин қўрқишар эди.

Қаҳрамон ўғлон — Умрзоқов Ўроқнинг «йиллик» маъракасидан сўнг Ашур ишга жойлашди. Совхоз гаражидаги муҳим амал унга тегди. Узунқулоқ гап-сўзларга қараганда Чинор Тоштемирович анчадан бери бўш турган бу иш ўрнини

зимдан «ким ошди савдо»сига қўйиб, талабгорларни зир-зир югуртиб юрган экан! Файзулла аканинг, унинг мўътабар хонадонининг иззат-ҳурмати бўлдими, ё айвон шипига қадалган нақшинкор ханжар ғойибона ўз сўзини айтдими, ҳар қалай, ўша арзанда лавозим ҳеч бир макр-ҳийласиз, ҳеч бир «чой-чақа»сиз Ашурга тегди. Аммо бу кундан-кун Чинор аканинг қаппайиб бораётган чўнтаги учун арзимас бир қурбонлик эди. Ўша қиш бошларида у туппа-тузук ишлаб юрган уч омбор мудирини, бош миробни, тағин икки ҳисобчини минг бир инжиқлик, минг бир мижғовлик билан атай ишдан бўшатириб, ўринларига совға-саломи мўл-кўл талабгорларни қўйди.

Ҳа, ҳа, Чинор Тоштемирович жазирама саратонда бир гувраниб чинакам чинордай қад ростлагандан бери, чинордай қулоч ёйиб, қўйин-қўнжини тўлдиришга киришиб кетди. Энг ғалатиси, жанжалкаш агрономлару қилни қирқ ёрар не-не аризабоз, шикоятгўйлар ҳам эндигина ундан кўнгиллари тўлгандай, пусиб-пусиб кетган эди.

Ўша мавсум 41-совхоз вилоятда биринчилардан бўлиб пахта планини бажарди! Ўша мавсум ҳосилнинг чўғи ҳаминқадар бўлганига қарамай, мажбуриятлар дўндирилган, Чинор Тоштемирович туман қолиб вилоят раҳбарларининг олдида ҳам чинордай қад тиклаган эди.

Марҳум Ўроқнинг «йиллик» маъракасидан сўнг уч-тўрт кун ўтиб посёлкамизни казо-казолар босди. Оқ-қора-қизил уч хил рангда уч хил товланиб, уч «Волга» автоулови совхоз идорасининг биқинида савлат билан қўр тўкди. Кўча-кўй ари уясидай бузилди. Супир-сидир, сув сепа-сеп авжига чиқди. Ташриф буюрганларни кимлардир казо-казо тафтишчи-текширувчилар дея, кимлардир саёҳатчи меҳмонлар, дея миш-мишларга зўр беришарди. Ҳа, ҳа, ўшанда ҳар икки томон ҳам адашмаган экан! Тантанаю дабдаба билан ташриф буюрганлар оз-моз текширув ўтказиб, мўл-кўл саёҳату меҳмоннавозлик қилиб, зимдан-зимдан тафтиш ўтказадиган бир жамоат экан!

Улар беш-олти нафар эди. Беш-олти пўрим уст-бош, беш-олти уюлган қош-қабоқ пойу патак мулозимлар қуршовида оғир-вазмин булутлардек кезиниб юришди.

Улар посёлкага келишган илк маҳал совхоз идорасига кириб, бир неча соат худди бетон деворлар ютиб юборган-

дай жимжит, йўқолиб қолдилар. Шу орада ичкаридан керакли кўрсатма олишган, шекилли, Улаш ака бош-қош идора хизматчилари иморатнинг ичу ташида типир-типир югургилаб қолишди. Улар шунчалар ҳовлиқиб, эс-ҳушларини йўқотиб қўйгандики, агроном-шоир Тоғай тоғанинг «Урал»ини пат-патлатиб қайгўрдандир мулла Мирзани топиб келган, идора томорқасидаги гул-чечаклардан дарҳол гулчамбар тайёрлашни қарияга тайинлаган эди. Ҳолбуки, идора томорқаси аллақачон қиш фасонига кириб, Улаш аканинг сийрак, тиканакдек сочлари каби нав-навдалар у ер-бу ерда шир-ялангоч, дийдирабгина туришар эди.

«Технический ашибка», деганди Тоғай тоға қоп-қора ўчоқдай юзлари кулгудан қат-қатланиб.

«Технический ашибка» дарров тўғриланди. Ана шундай долзарб кунлар учун Чинор Тоштемирович, бир пайтлар вилоят марказидан келтиртириб қўйган, қайси бир хизматчининг хонасида сақланадиган сунъий гулчамбарлар тизмасининг дарҳол чанг-чунглари қоқиб-тозаланиб жанговар ҳолатга келтирилди.

Бу ташвиш бежиз эмас эди, албатта. 41-совхознинг ички-ташқи ҳаётидан аллақачон бохабар бўлган казо-казолар элулус аро юришни, энг аввал шу элнинг фахр-ифтихорига айланган қаҳрамон ўғлон — Умрзоқов Ўроқнинг ёдгорлигини зиёрат этишдан бошлашга қарор қилишган экан.

Ўшанда зиёрат чиндан-да казо-казоча бўлди. Гўё улар марҳум Ўроқни тирилтириб, тош орасидан чиқариб олишаётгандек бутун маҳалла-кўй, узоқ-яқиндан мактаб ҳовлисига анграйиб турарди. Казо-казоларнинг бир жуфти сунъий гулчамбарни худди зил-замбил чамбаракни кўтараётгандай қўшқўллаб ушлашиб, эгилиб-букилишганича ёдгорликнинг қизғиш ғиштли пойига зўрға элтишди. Сўнг барчалари бош кийимларини ечиб бир зум сукутга толдилар.

Албатта, улар орасида мулла Мирза йўқ эди. У зиёратдан илгарироқ зийраклик билан тағин Тоғай тоғанинг «пат-пат» — мотоциклининг кажавасига чўкиб, тезлик шамолида тўзғиб кетмаслик учун ихчамгина салласини аҳён-аҳён ушлаб-ушлаб далага, сурувгинасини ташлаб келган жойга қайтган эди.

Ўшанда гулчамбар қўйиш маросими одатдаги келин-куёвларнинг зиёратидан анчайин фарқ қилгани учунми, ҳар

қалай, Лолахон ёдгорлик ёнига келмади. У казо-казолар, идорага кириб йўқолишган пайтдаёқ ташриф хабаридан сергакланиб, ўз «Маданият уйи»га шоша-пиша етиб келган, шоша-пиша супир-сидир ишларига шўнғиган эди.

Мактабимизнинг ичу таши ҳам алғов-далғов бўлиб кетди ўшанда. Дардисар дарслар бирмунча муддат тўхтатилиб, ҳамма саранжом-саришталаш юмушларига сафарбар этилди.

Биз бир неча синфдошлар синфхонамизни нари-бери тартибга олгач, ҳар хил баҳоналар билан гоҳ мактаб йўлагида, гоҳ ҳовлида валақлашганча ўралашиб юрар эдик. Қўққис «Маданият уйи»нинг айвонига кўлоблатиб сув сепаётган Лолахонга кўзим тушиб қолди! Юрагим «шиғ» этиб пастга тушгандай бўлди. Негадир хижолат тортиб кетдим. Юрагим қўққис бежо ура бошлаганиданми, ё айни долзарб пайт бекорчихўжаларча валақлашиб юрганимиздан ми, ҳар нечук ўнғайсиз ҳолга тушдим.

— Мен Лолахон янгамга ёрдам берсам, майлими, — деб сўрадим эндигина танбеҳ беришга чоғланаётган Али муаллимдан. — Бир ўзига қийин...

Али муаллим бир менга, бир «Маданият уйи» томон тикилиб бир зум ажабсиниб қолди. Назаримда, шу олижаноб фикр сал илгари ўзининг миясига келмаганидан хижолат чекаётгандай эди.

— Балли, Дўланип, — деди у мени яна бир карра синовчан кўздан кечираркан. — Жамоат ишига доим шундай, кўзларингиз порлаб киришинг. Хўп, боринг... балли...

Мен «Маданият уйи» томон тез-тез юриб кетдим. Ҳа, ҳа, илгаргидек чопқиллабмас, шунчаки, чаққон-чаққон, салмоқли қадамлар билан кетдим. Аслида чопиш тугул учиб боришга ҳам тайёр эдимку-я, бироқ олти-етти ойдан бери устара кўрмаган бошим оғирлик қилиб қолганми, ҳар нечук, эмин-эркин шаталоқ отиб югуролмас эдим.

Мен минг бир саросима ичида қадрдон гўшанинг ланг очиқ қўш табақа эшигидан оёқ оширганим чоғ ичкарию ташқарида озодалик нафаси уфурди. Бино айвонига, «кутубхона-музей» йўлакларига сепилган сувдан намиққан тупроқ иси ҳавони тутиб кетган.

Лолахон!

У кутубхонага кираверишдаги ўз иш столига мук тушган кўйи аллақандай семиз китобни ўқиб ўтирибди. Ўроқнинг «йиллик» маъракаси ўтгандан сўнг Лолахон ҳам Хосият хола қатори кўк кийимларини ечган, ранги паст оддий газмолдан кенг-узун тикилган либос кийган, бошига эса ҳамишагидек оппоқ рўмолини сириб ўраган эди.

— Ҳорманг, янгажон, ҳорманг, — дедим мен, ўзимни қувноқ ва дадил тутишга киришиб.

Лолахон илкис бош кўтариб мен томон паришон тикилди. Йирик-йирик кўзлари алланечук таажжуб, алланечук норизоликка лиммо-лим эди.

Дадиллик ва қувноқликдан асар ҳам қолмади.

— Мени муаллим юборди, — дедим шоша-пиша ғудраниб. — Ёрдамлашишга юборди.

Лолахон стулининг суянчиғига яйраб ястанди-да, керишганнамо қулоч ёйиб жилмайди:

— Келинг... Жа қизиқ жойида чалғитивордингиз-да.

Мен китобхонга ботинмайгина яқин бордим.

— Мана, бу ерини ўқинг-да, — деди Лолахон алланечук қувлик билан семиз китобнинг очиқ саҳифасидаги илк қаторга бармоқ нуқиб. — Ўқинг!

Мен ўша сатрларга кўз югуртдим:

«У бор дунёни унутиб лабларига лаб босди...»

...кўз югуртдиму биров туртиб юборгандай орқага тисарилдим.

— Ҳа, намунча, — деди Лолахон ҳануз менга айёрона тикилиб турар экан. — Уялдиларми? Мунча бўғриқасиз?

— Йўғ-е...

Лолахон менинг ҳирқирашимга эътибор бермай, кутубхонанинг қай бир бурчига ўйчан тикилиб қолди.

— Йўқ, сиз тушунмадингиз, — деди у гўё ўз-ўзига гапиргандай. — Хаёлингиз дарров бошқа ёққа кетди. Мен «бор дунёни унутиб», деган жойини ўқинг дегандим.

— Шу... шу...

— «Бор дунёни унутиб...» Жа ғалати-я?! Мумкинми бу, ахир?

Иккимиз ҳам бир нафас жим қотдик.

— Ҳа-я, — мен томон намиққан кўзларини қадади Лолахон. — Нега келдим, дедингиз?

— Шу... муаллим юборди. Ёрдам бер, деди.

— Э, йўғ-е, ўзим бир амалладим, ана, кўринг...

Ҳа, ҳа «ана, кўриш»дан, Лолахондан узоқлашишдан бошқа иложим қолмади. Мен каловланганча «музей» хонасига ўтдим.

Дарҳақиқат, ҳамма нарса саранжом-саришта эди. Ҳатто янги кўргазмалар пайдо бўлибди. Диққатимни бўёқлари униққан, ҳисобчиларнинг иш чўти тортди. Унга ёпиштирилган бир парча қоғоздаги қинғир-қийшиқ ёзувни ўқидим:

«Мен биринчи марта шу совхозда ҳисобчи бўп иш бошлаганман. Тўғриси, техникумда ўқиганларим ҳеч нарсага арзимади. Мен чин ҳисоб-китобни шу ерда, шу чўтни қоқиб ўргандим. Устозим Файзулла акага раҳмат. Дунё ўзи ҳисоб-китобли-да... Имзо...»

Бу кўргазма-хатни, ҳойнаҳой, Чинор Тоштемирович ишдан бўшатиб юборган бўшангина ҳисобчи йигит қолдирган.

— Жа, ғалати-я.

Ялт этиб орқага қарадим. Лолахон елкам оша қоғоздаги ёзувларни ўқиб турар эди.

— Жа, ғалати-я, — дея такрорлади у елкаларимга билинар-билинмас тирғалиб. — Унисида «бор дунёни унутиб», бунисида «дунё ўзи ҳисоб-китобли...»

Мен шундоққина қулоқларим остида Лолахоннинг илиқ нафасини туйиб, аллақачон бор дунёни унутиб қўйган эдим.

Шу пайт ланг очиқ қўш табақа эшик томондан элас-элас ғала-ғовур қулоққа чалинди.

Иккимиз ҳам дарҳол сергак тортдик.

Лолахон гўё саҳнага отланган артистдай чуқур бир тин олиб, ғамгин ва одамови қиёфага кирди:

— Қаранг-чи!..

— Ҳозир.

Мен кириш эшиги ёққа отилдим.

Чиндан-да ўрта йўл бўйлаб сипо бир тўда ғала-ғовур билан «Маданият уйи» томон келишар эди. Улаш ака ташвишу таҳлика тўла қиёфада аллақачон бино айвонига қадам босган экан.

— Ҳаммаси жойидами? — дея ҳансираганча сўради у менга кўзи тушиб.

— Ҳа.

— Мудира ўрнидами?

— Ҳа.

Улаш ака жавобларимдан қониқмагандай шашт билан ичкари кириб кетди.

Бу орада тафтишчи меҳмонлар тўпи анча яқин келиб қолди.

Улар ўртасида пак-пакана, тепакал нусха пилдирабгина келар, теварагидаги бўйдор, қориндор казо-казолар шу кўримсизгина кимсадан бошқа нарсани кўриш тақиқлангандай, эгилиб-букилиб унинг башарасига термилишар, кулса кулишиб, чимирилса чимирилишар, ҳатто оқсоқлана-оқсоқлана каловланиб келаётган Чинор ака ҳам гоҳ у ён, гоҳ бу ён ўтиб, айнан шу хўппасемиз зотга яқинроқ бўлишга интилар эди.

Мен уларга юзма-юз тўқнашишдан чўчиб ўзимни ичкарига олдим.

Ичкарида Улаш ака Лолахон билан алланималарнидир нари-бери сураради.

— Сен оёқ остидан қоч, — ўшқирди агроном-шоир мен томон чақчайиб. — Гап тегизасан.

Аммо мен қочишга улгурмадим.

Казо-казолар шовур-шувур билан қўш табақа кириш эшигига кўндаланг бўлишди.

— Марҳамат!..

— Марҳамат!..

Улар бир-бирига мулозаматлар қила-қила бирин-кетин ичкарига доришди. Йўлак ногоҳ қоронғулашиб кетгандай бўлди.

Мен кутубхона деворига тирғалганча туриб қолдим.

— Ассалому алайкум, марҳабо, марҳабо... — деди Улаш ака музей ёнида тавозе билан тебранаркан. Ҳойнаҳой, у бу саломини эртадан бери минг марта такрорлаган бўлса керак, овози чархлангандай жаранглаб кетди.

— Та-ак, — деди ўша пак-пакана, тепакал зот атрофига бир-бир кўз ташлаб. — Мана бу кутубхона-да, а? Яхши...

Ҳаммалари гўё киришга чўчишгандай бўсағадан кутубхона ичига бирин-кетин мўралашди.

Бир амаллаб хўппасемиз нусхага бақамти келган Чинор ака тушунарсиз ғудранди:

— Ҳа... шундай... китоб-журнал кўп...

— Қани, музейингизниям кўрайлик-чи, — деди ҳамма учун гапириб, ҳамма учун кўрадиган ўша пак-пакана зот.

— Хўп... хўп... — Чинор ака диконглаганча тафтишчи-меҳмонларни қўшни ҳужра томон бошлади.

Зум ўтмай, казо-казолар музей ичида ғуж бўлиб қолишди. Лолахон худди ноёб кўргазмалардан биридай дераза ёнида тек қотиб турар эди.

— Та-ак, зўр-ку, — деди тағин ўша ўктамгина овоз у ён-бу ёнига кўз ташлаб. — Маладес, ўртоқ Мойлиев, яшанг!

Меҳмонларнинг ҳаммалари ҳам ғалати-ғалати кўргазмаларга қизиқиш билан тикилишар, аммо ўктамгина овоз-эгасидан ўзиб, бирор нарсага яқин боришга ботинмай, сипо туришар эди.

Пак-пакана зот қўққис орқасига бурилдию мулозимлар орасида қўлидаги қалин ёндафтарига алланималарни ёзиб-чизиб қўяётган, бўйнига қоп-қора фотоаппарат осган жиккаккина йигитга юзланди:

— Қанақа мухбирсизлар ўзи... Мана бундай ибратли ишларни давно вилоятга, керак бўлса, бутун мамлакатга кўрсатиш керак эди.

Худди шу танбеҳ туртиб юборгандай мухбир фотоанжомини шайлаб олға ташланди. Эшик ёнида қийшиқ қоқилган қозиқдек қотган Улаш ака алланечук рашкдан бир эмраниб қўйди.

«Маданият уйи»нинг айвонида қолиб кетган маҳаллий мулозимлар ҳам қизиқишлари қитиқлаб, галма-гал ичкарига мўралашар эди.

Мухбир фотоанжомини «шиғғ-шиғғ» эттириб, ҳар «шиғғ» этган чоғ аллақандай ёғдулар сачратиб, у ён-бу ённи суратга ола кетди. У азбаройи ҳовликқанидан ҳатто музей дераза-си ёнида ҳануз тек қотиб, оёқлари остига термилиб турган Лолахонни ҳам фотоанжом нишонига олди. Ногоҳ бир сачраб сўнган ёғдудан чўчиб кетгандай мудира бир чайқалиб, узун енглари билан юзини тўсди.

Тепакал зот Лолахонга қадалиб-қадалиб қаради. Афтидан, у ҳам дераза ёнида анчадан бери қилт этмай турган, ажабтовур уст-бошли бу хилқатни ноёб ёдгорлик хаёл қилган, шекилли, дум-думалоқ юзларида ажабсиниш аломатлари пайдо бўлди.

— Бу қизимиз ким? — деб сўраганича Чинор акага тикилди у. — А, ўртоқ Мойлиев?

Ўртоқ Мойлиев томоқ қириб-қириб хўппасемиз башара томон энгашди-да:

— Боя, идорада... — дея шивирлади, — айтганим... Лолахон... мудирамиз.

Пак-пакана, тепакал зот илкис ҳушёр тортиб, кибр билан шимининг чўнтагига тиқиб турган калтабақай қўлини суғириб олди. Арчилган тухумдек афтларида алланечук тавозе, эҳтиром пайдо бўлди.

— Кечирасиз, қизим,— деди у лўппи қўлларини думдумалоқ қорни устида қовуштирар экан. — Хизматчилик, сал эътиборсизлик қилибман.

— Йўғ-е, нега, — аранг саси чиқди Лолахоннинг. У ҳам узун енглар учидан андак кўриниб турган қўлларини кўксида чалиштирди.

Бебаҳо тарихий топилдиқни томоша қилишаётгандай бошқалар ҳам Лолахонни ярим куршовга олишди. Барчалари хомуш тортиб, чуқур ҳурмат билан қўл қовуштиришган.

— Сиз ҳақингизда кўп эшитганмиз, — дея давом этди тепакал кимса, бисотидаги бор-йўқ самимий сўзларни териб-териб. — Иродангизга, юксак ахлоқингизга қойил қолганмиз. Сизнинг ҳаётингиз тўла жасорат, қаҳрамонлик. Умрингизга барака, қизим... Ҳеч чарчаманг...

Лолахон пак-пакана зотнинг эҳтиромли эътирофларига муносиб бўлмоққа сўз бераётгандек ҳануз қўлларини кўксида чалиштириб енгил-енгил таъзим қилиб турар эди.

— Ўртоқ Мойлиев, — дея хўппасемиз зот Чинор акага юзланди. — Аввало сизга катта раҳмат. Вилоят раҳбарияти номидан ташаккур. Бу музей, бу бой кутубхона, бу... ҳалиги, мактабдаги ёдгорлик, ҳамма-ҳаммаси сизнинг улуғ меҳнатингиз. Қолаверса, қаҳрамон халқимизни қадрлаб, улар хотирасини ёш авлод онгига чуқур сингдириб маънавий камолот сари бошлаяпсиз. Албатта, ҳукуматимиз бу жонкуярликларингизни унутмайди, юксак баҳолайди...

Тепакал зот калтабай қўлини «ўртоқ Мойлиев»га узатди. Узатилган «юксак баҳо»ни Чинор ака қўшқўллаб олар экан, юзларига босгудай эгилиб-букилди.

— Хўш-ш... — дея тағин ўша зот бир Лолахонга, бир Чинор акага кўз ташлади. — Бу қизимизнинг ёш авлодга...

нафақат ёшларга ўрнак, фидойилиги ҳам юксак тақдирланиши шарт. Сиз, ўртоқ Мойлиев, кейинги ойнинг бошларида би-ир қабулимга киринг! Хўп? Муҳим бир маслаҳат бор.

Чинор ака ҳозироқ атрофдагиларни уриб-суриб қабулга кириб кетгулик тарзда тағин эгилиб-букилди:

— Хўп, хўп...

Ҳамма учун гапириб, ҳамма учун кўриб ётган зот, ниҳоят, ҳамма учун сўнгги сўзни айтган бўлди:

— Яхши... Яшанг, Мойлиев! Энди-и, бу музейни кенгайтиринг! Биз бу ерга бутун вилоят бўйича экскурсиялар уюштирамиз. Ишингизни тарғиб қиламиз...

— Хўп, хўп... Эл хизматига ҳамиша тайёрман, — деди Чинор ака теварагини тавозеларга тўлдириб.

Ўша кун тафтишчи-меҳмонлар тўпи дала-даштларни ҳам бир қур номига айланиб келган бўлишдию, сўнг зиёфатга шўнғишди. Совхоз идораси катта бир тўйхонага ўхшаб кетди. Қўйлар кетидан қўйлар сўйилиб, дошқозонлар осилган, ўчоқ, тандирлардан ўрлаётган ўтнинг тутини, хуш таомларнинг хуш бўйи бутун посёлкадан оша узоқ-узоқларга таралган, кўзларни ачиштириб, иштаҳаларни қитиқлаб эл-улусни бир қур безовталантириб ташлаган эди. Ичкиликнинг мўл-кўллигидан ҳатто идора иморати ҳам мастона чайқалиб тургандай бўлди ўшанда.

Ўша қишнинг ўша илк илиқ кунларидан бирида қўққис пайдо бўлган тафтишчилар ярим тунда қўйин-қўнжларини совға-саломларга тўлдириб, қолган-қутганини машиналарининг юкхоналарига жойлашиб жўнаб кетди.

Ўшанда улар жўнаб кета-кета бутун салобату важоҳатларини Чинор Тоштемировичга қолдиришган экан! Унинг сиёсатли-сиёсатли ўшқиришларию кўз қарашлари дунёни бузар эди ўша кунлари. Оқсоқ оёғи мажруҳликданмас, гўё салобату важоҳатнинг оғирлигидан майишиб-майишиб кетаётгандек эди.

Казо-казолар келиб кетишгандан бир ҳафтача ўтиб, чорваси семирган сайин ўзи чўпдек қуриб бораётган ферма мудири ўша зиёфат чоғи сўйилиб кетган қўйларнинг ҳисоб-китобини расмийлаштириб, қоғозларга қўл қўйдириб олиш илинжида Чинор Тоштемировичнинг қабулига кирибдию балога йўлиқибди.

Чинор ака у узатган қоғозларни ғижимлаб ташлаб, «мен фақат ишдан бўшаш ҳақидаги аризаларга имзо чекаман», деган эмиш.

Ферма мудири неғадир бу машмашани отамга оқизмай-томизмай айтиб берган, бир семиз бўрдоқи эвазига шу балони даф қилишга кўмаклашишини ботинмайгина ўтинган эди.

«Орқа-олдингизга қаранг, раис, — деган отам атай бир кун Чинор акага юзма-юз бўлиб. — Ҳаддингиздан ошяпсиз».

«Йўқ, мен энди ҳаддимга келдим», — дебди бепарво Чинор Тоштемирович.

«Қаранг-да... майибгина нарсасиз, ишқилиб...»

Чинор ака жарангдор бир кулгу билан ҳам ўзининг, ҳам отамнинг тиззаларига шаппатилаб:

«Қўй-е, жўра, минғир-минғирни, ерёнғоқдан гапир, ерёнғоқ қалай бўлди?» — дея қувноқ сўрабди.

Отам бош ирғаб қўйган эмиш мамнун кўз қисиб.

Ҳа, ҳа, Сафармурод чавандознинг бригадасига тегишли унумдор ерга, экилган ерёнғоқ мўл ҳосил берди ўша мавсум. Сафармурод ака ҳам, ўз таъбири билан айтганда, ем еган айғирдай гижинглаб қолди. Энг қизиғи, ўша мавсум кўпроқ ер ёнғоқнинг парваришига андармон бўлганига қарамай, пахта планини ҳам дўндирди унинг бригадаси. Одатда Сафармурод ака минг ўлиб, минг тирилиб пахта пайкалидан чиқмаган йиллар тақдир ҳазилига йўлиқибми, кўзланган пахта топшириш режасини уддалаёлмай хуноб бўлар, «барибир улоқни олдирдим», дея тақа мўйлови шалвираб оҳ-воҳ чекар эди.

Ўша ерёнғоқ мўл бўлган мавсум чавандоз барибир довдирлигига борди, отамнинг жон ачитиб ҳайҳайлашларига қарамай, ўзига тегишли ҳосилни Ашур аскарликдан қайтган кунлар қайгўрдандир изғиб келган савдогарларга арзонгаров сотиб қўйди. Унинг бу енгил-елпи қилмишидан ҳатто Абдулла бадқовоқ ҳам куюниб, тақирбошини қашлаб қолган экан.

«Ўв, галварс, — дебди отам дўстига алам билан. — Гўрингга шошдингма, а? Кўкламга яқин сотганингда тағин шунча пул топган бўлардинг! Ё, тешиб чиқадими сенга сал-пал ортиқчаси?..»

«Уф... яна улоқни олдирдим», — дебди чавандоз тақа мўйловлари шалвираб.

Отам бундай олди-сотдиларга пухтагина эди. У ўз улушини обдан қуритиб, чириш-ириш офатидан сақлаш учун ҳайҳотдек бостирмамиз тагидаги, омборхонамизга тўкиб-ёйиб қўйган эди.

Ўша қиш ўрталарида ниҳоят ерёнғоқ ҳосилини қоплаш пайти етди.

Якшанба кунларидан бирида отам бизни эрталабданоқ ишга кўмиб ташлади.

— Ҳеч қурса якшанбада нафларинг тегсин, — деди у одатдагидек нолиб-нолиб омборхона қулфини очар экан. — Бошқа кунлари мактабни баҳона қилиб эртаю кеч санқиб юрасанлар.

Нурия иккимиз, одатдагидек адолатсиз айбловга норозилик билдириб, сафимизда шай турган онамга термилдик. Онам эса мулойим жилмайди, «хафа бўлманглар, феъли ўзи шунақа-ку», дегандай бош ирғаб қўйди.

Ниҳоят, чанг-тўзонга беланиб қоплаш ишига шўнғиб кетдик. Ўша куни тонгги изғирин эсиб турар эди. Осмон ғуборли. Шамол гала-гала қисир булутларни қайларгадир қувиб бормоқда.

Биз тушгача силламиз қуриб анча-мунча қопларни «семиртиб» қўйдик.

— Ҳа-а, бўшашманглар, — деб қўяди отам аҳён-аҳён. — Якшанба якшанбадай бўлсин.

Ишнинг охири кўринмайди. Қоринлар пиёзнинг пўсти бўлиб кетди. Енгил изғирин қуюқ чанг-ғубор қўзғаб юз-кўзимизга урарди.

— Эрта-индин харидори келади, — дея ўзича далда беради онам. — Сотиб, пулига сизларга қишлик кийим-бош обберамиз.

— Қиш ярим бўлди-ю, — деб минғиллади Нурия алам билан.

Шу пайт ярим очиқ дарвозамиз орқасига яп-янги «Жигули» автомашинаси шиғиллаб келиб тўхтади-да, енгил бир сигнал чалди.

Отам ерёнғоқни шопириб-шопириб тўплаётган қўлидаги белкурагини омбор деворига суяб қўйдию шошилинч, бироқ вазмин қадамлар билан дарвоза томон юрди.

Биз ҳар нечук нафас ростлашга пайт етганидан қувонишни ҳам унутиб, ўша ёққа англайиб турар эдик.

Машинанинг эшиклари «шиқ-тиқ» очилиб, уч нафар барваста-барваста башанг кийинганлар ерга оёқ босди.

Отам яқин боргач, уларни таниди, шекилли, «ия-ия, келингизлар», дея қўл узатиб учовлон билан кўришиб чиқди.

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, тик туришган кўйи нималарнидир анча вақт гаплашиб қолдилар.

Сўнг отам ўйчан бир қиёфада шошилиб изига қайтди. Уст-бошларини обдан қоққач, чорпоямиз ёнидаги обдастадан сув қуйиб, юз-қўлини чайдию ичкарига йўналди.

Онам табиий бир тортиш кучига бўйсуниб, ҳадиксираййҳадиксирай отамнинг изидан борди.

Нурия менга маъноли бир кўз қисиб қўйди-да, у ҳам ўзини ичкари урди.

Изғирин ҳануз паришон кезиниб, ерёнғоқнинг гард-қўқимларини у ён-бу ён супиради. Енгил булутлар осмон бўйлаб титилган жундай тўзғиб қолган.

Хиёл ўтмай бўсағада елкасига тўнини ташлаган кўйи яна отам пайдо бўлди.

— Емиш тугабди, томдан озроқ хашак тушириб қўйинглар, — дея эгасини айтмасдан топшириқ берди у дарвоза томон юрар экан.

Уйдан кузатувни обдан дўндирган жосусдай сирли-сирли сузилиб Нурия отилиб чиқди.

— Лолахонга совчи кепти, — деб шивирлади у яқин келгач.

Юрагим «шув» этиб кетди. Кўз олдимда оппоқ либосларга бурканиб, лўппи қўлларини силкий-силкий олислаб бораётган Лолахон жонландию беихтиёр:

— А-а?! — деб юбордим танглайим қурқшаб.

Аммо на сўроққа, на ингроққа ўхшаш бу товушимни Нурия эшитмади. У шов-шувни дугоналарига етказиш учун, ҳойнаҳой, аллақачон кўча чангитиб борар эди.

— Нега рангинг ўчиб кетди? — деб сўради, ногоҳ ёнимда пайдо бўлган онам. — Чарчадингми? Бор, хашак олиб туш, сўнг озроқ дам ол. Ҳозир отанг қайтсин, овқат сузаман.

Оёғимни зўрға судраб томига хашак ғарамланган оғилимиз томон бурилдим. Бурилдиму миямга «лоп» этиб бир хаёл урилди:

«У ердан қўшни ҳовли яққол кўринади-ку?!»

Шу хаёл қанотида зум ўтмай оғил устида пайдо бўлдим. Ногоҳ, юз-кўзларимни силаб ўтган муздек шабада тўзғин эс-ҳушимни жамлади, бироқ қўл-оёқларим ўз-ўзидан қалтираб, юрагим гурс-гурс уриб ётар эди.

Томдан чиндан-да Файзулла аканинг ҳовлиси ғира-шира кўринди. Мен у томондагиларнинг, айниқса, совчиларни бошлаб кетган отамнинг кўзи тушиб қолмаслик учун ўзимни ғарам панасига урдим.

Йўқ, меҳмонлар аллақачон ичкари кириб кетишган, ҳовли бўм-бўш эди. Фақатгина айвонда қафасга қамалган қашқирдек у ён-бу ёнга юриниб турган Ашур кўзга ташланади. У аҳён-аҳён юришдан тўхтаб, меҳмонхонанинг ланг очиқ эшиги томон қадалиб-қадалиб қарар, алланималарга сергакларча қулоқ солар эди.

Лолахон!

У ўша-ўша, енг-этаклари узун-узун, парча-парча гулли, бўзранг либосига чулғаниб ошхонанинг қия очиқ эшиги ортида бекиниб турар, уй томондан элас-элас эшитилаётган гап-сўзларни жон-жаҳди билан овлар, гоҳо-гоҳо, чап чўнтагидан кафтдеккина кўзгу чиқариб, юз-кўзига синчков-синчков тикилиб қўяр эди!

Юрагим янада бежо ура кетди: «Сезибди. Совчиларни сезибди!»

Бу ўйдан негадир тағин танглайларим қуруқшаб, ноҳақ калтакланган боладай хўрлигим келди.

Бир пайт Ашур илкис бир чайқалдию:

— Йў-ўқ! — дея чинқириб юборди. Унинг жиззаки овози олисдан ҳам яққол эшитилиб турар эди. — Акажонимнинг руҳи покини топтаб, шундай ният билан келдиларингизми ҳали?!.

Ашур гоҳ бош чангаллаб, гоҳ сонига шаппатилаб яна безовта юрина кетди.

Лолахон янгам қайнисининг чинқириғидан қўрқиб кетгандай аввал ёқа чангаллаб қолди, сўнг қўлларини юзига босиб тек қотди.

Шу орада ичкаридаги меҳмонлар тағин ножўя гап ташлашди, шекилли, Ашур яна шашт билан ланг очиқ эшик ёққа юзланди.

— Нима? Нима?! — деди у қўлларини мушт қилиб. — Бир оймас, минг йилдан кейин ҳам бу ерда қораларингизни кўрмайлик. Оиламиз ор-номусини ортиқ оёқ-ости қилишларингизга чидаб турмайман. Гап тамом. Хуш кўрдик!

Мен қандайдир ички бир қониқиш билан ачимсиқ хашакка ёнбошладим. Беихтиёр лабларимга хиёнаткорона кулгу югурди. Қоқ тепамни қоплаган сийрак булутлар астасекин тўзғиб тарқалар эди.

Файзулла ака хонадонини совчилар оғир-оғир қадамлар билан тарк эта бошлашди.

Ашур ошхона ичкарисида ҳиқ-ҳиқ йиғлаб ётган Лолахоннинг ёнига борди-да, пича ўйчан туриб қолди. Сўнг:

— Янга, қўйинг, йиғламанг, янга, — деди ҳануз тажанглик тарк этмаган товушда. — Садқаи кўз ёшингиз. Сизни ҳеч кимга хўрлатиб қўймаймиз. Бечора акажонимнинг ҳаққи-ҳурмати кўз қорачиғидай асраймиз сизни, ўксинманг, янга!..

Ашурнинг сўнгги сўзлари бева келинчакнинг аччиқ-аччиқ, «ув» тортиб юборишига аралашиб кетди.

* * *

Тумса хотинининг розилигига кўра тағин бир аёлда ўзини синаб кўришга аҳд қилган туман марказида яшовчи бадавлат кишидан келган совчиларнинг Файзулла ака хонадони бўсағасидан ҳайдалгани бутун эл-улусга ўша қиш бўйи эрмак бўлди. Оила ор-номуси, марҳум жигарининг руҳи поки, муқаддас хотираси учун мардонавор курашган Ашур, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб совчиларни қарғаган Лолахон шаънига миш-мишлардан қасидалар тўқилди. Бу қасидалар тўлқини бева келинни муқаддасликнинг, улуғворликнинг энг юксак чўққисига кўтариб қўйди. Эндигина йигирма беш баҳорни қаршилаётган, ҳали гулдеккина жувон висолидан умидвор, узоқ-яқиндаги барча сўққабошлар учун нажот эшиклари тақка-тақка ёпилди. Бироқ бундан ҳеч бир эркак, ҳеч бир сўққабош хафа бўлмади, қайтам, чин жасорат, чин садоқатнинг тирик тимсолини кўриб, қайта-қайта ҳайрату ҳурмат ҳисларига чулғаниб баҳра олдилар.

Худди шундай баҳрамандлардан бири Қалқонов муаллим ўша совчилар машмашасининг муҳокамаси айни қизиб тур-

ган кунлардан бирида ҳовлиққанча ҳовлимизга кириб келди: бошида оқ оралаган сочлари устига омонатгина қўндирилган шляпа, эгнида андак ғижимланган чипор костюм, сийрак қошу қалин қабоқлар остидаги қисиқ, тар-ғил тус кўзларида, қийшиқ бичим, лабларида мамнун бир табассум...

— Отанг қаерда? — деб сўради у.

Отам уйда, ўша куни эрталаб ерёнғоққа келган харидорлар билан савдоси келишмаганидан тажанглашиб, даҳлизда мук тушиб ётар эди. У Қалқонов муаллимни нохуш кутиб олди. Аммо мактабимиз директори ўзининг хуш кайфияти икковларига ҳам етиб-ортадигандай сурбетларча ичкарига бостириб кирдию ҳали-вери кетиш нияти йўқлигини таъкидлаган каби дарров чордона қуриб ястаниб олди.

— Оми-ин, — деди сўнг фотиҳага қовушмайгина кафт очиб. — Биз келдик, бало келмасин...

Меҳмон учун енгилгина дастурхон тузалди. Отам ва муаллим у ёқ-бу ёқдан гаплашишди.

— Эргашбой, биз ҳам бир авлиё, — дея мақтаниб қолди бир пайт Қалқонов муаллим. — Ҳув, гапимга ишонмагандингиз, ана, кўрдингиз, чин чиқди-ку!

Отам қанақа «гап» ҳақида гап бораётганини англаёлмай улфатига саволчан-саволчан тикилди.

— Ҳув, мактабда айтгандим-ку, сизга, — дея ойдинлик киритди Қалқонов муаллим. — Лолахонга совчи қўйган итдай қувилади, деб. Ана, кўрдингиз, айтганимдай бўлди.

— Ҳа-а, уми, — деди отам бош ирғаб, биратўла ҳам эслаганини, ҳам «авлиё»ликни тасдиқларкан. — Балосиз...

Қалқонов муаллим пок-покиза туширилган ёғсизгина пиёва устидан хўр-хўр чой ҳўпларкан, дастурхондан андак чекиниб деворга орқа тираб олди.

— Домилла, — деди отам меҳмонга сирли им қоқиб. — Сиз бир тилласоч жувон топибсиз, деб эшитдик. Чинми?

Қалқонов ўша-ўша мамнун қиёфада жилмайди:

— Ҳа. Анови геологларнинг отделкадри у! Ўша ерда алоҳида уйга жойлаштирганман гаплашиб. Ну, учрашиб турибмиз. Ҳозир қиш-ку, отпускага кетган шаҳрига.

— Бинойигинами, ишқилиб?..

— Зў-ўр, ну, оз-моз ичиш одати чатоқ-да.

— Лолахонга-ку кўнмаган эдингиз. Шугинани никоҳингизга олибгина қўйсангиз-чи? Сиз баҳона тилласочларга қариндош бўп қолардик-да.

Қалқонов муаллим димоғида нописанд ҳиринглади:

— Эргашбой, ҳалиям қолоқлигингиз бор-да. А, ўртада севги, ўзаро ишонч бўлса никоҳга бало борми? Оз-моз замонавий бўлсангиз-чи, ўртоқ мироб. Эски чолларга ўхшаб чирик гапларни қўзғайсиз-ей.

Отам қолоқлигидан мулзам тортгандай анчадан бери қиртишланмаган соқолини қашлаб жим қолди. Жим қолгани яхши бўлган экан. Қалқонов муаллим тағин бир пиёла чойдан сўнг мақсадга кўчди.

— Эргашбой, менга-а... Шунқор Ҳобилнинг адреси керак эди.

— Нега?

— Шу... Умрзоқов Ўроқнинг номи мактабимизга қўйилганига баҳорда бир йил тўлади. Ка-атта бир маросим ўтказмоқчимиз. Шунқоржонни шу тантанага чақиртиришни ўйлаб юрибман. Ҳозирча сир.

— Яхши, — деди отам бош ирғаб. — Лекин уни расмий таклиф қилинг. Иш жойига тумандан сим қоқтиринг, ё, хат-пат уюштиринг, тамом. Иш жойини аниқлаш қийинмас.

Отамнинг бу жўнгина маслаҳати Қалқонов муаллимга ҳам шубҳасиз маъқул бўлди.

Бироқ режанинг муддатига ҳали анча-мунча фурсат бор эди. Ўшанда қиш фаслининг сўнгги ойи эндигина яримлаб борар эди. Шу орада икки марта, шаррос-шаррос қу-йиб ўтган ёмғирни ҳисобламаганда, нақ уч ойдан бери осмондан бир томчи ёғин ёғмади. Гоҳо-гоҳо изғиринли шамол осмонларни тўлдириб, тўп-тўп булутларни ҳар ён суриб қолар, не-не умидвор кўзлар бу қувлашмачоқ ўйинига беҳуда термилиб чарчар эди.

Қиш адоқлайвериб, арзанда кунлардан бирида ҳаво туйқус ўзгарди.

Ўша ажиб кун, ниҳоят, нафақа тарқатиш ташвишига тушган Тоғай тоғадай қоп-қора, ҳайбатли-ҳайбатли булутлар оғир-оғир кезиниб қолди. Аллақайлардандир намхуш шамол эсди. Илиқ табассумлар балққан илҳақ чеҳралар уй-

уйларига сиғмай, кўча-кўйда ҳар хил баҳоналар билан изғиб, яйраб юришар эди. Ҳатто ўша кун Лолахон ҳам «Маданият уйи»нинг айвонида бетон устунга суянганича хаёл суриб қолди.

Мен у томон беихтиёр чопқиллаб кетдим! Менинг чопқиллаб кетганимни ҳатто синфдошлар ҳам пайқамай қолишди. Ахир улар ҳам ўзларича шоду хуррам, не сабабдандир дарсга келмай қолган муаллимга ташаккурлар айтиб, гоҳ мактаб йўлагида, гоҳ синфхонада ивирсиб юришар эди.

— Ассалому алайкум, янгажон! — дедим бу гал чинакам дадиллик билан иморат айвонига чиқар эканман.

— Ий-я, таъзимингиз қани, мулло йигит, — дея ҳазил қилди Лолахон жилмайиб. — Ямламай ютаман-а...

Мен муносиб гап тополмай илжайдим.

— Ёмғир ёғади, шекилли, — Лолахон устидаги енгсиз нимчасини жунжукканнамо сириб-сириб қўйди. — Осмонни қоплаб келяпти.

— Ёғса зўр бўларди-да, — шундан бўлак маънили гап тилимга келмади.

Кўкда бўғоз булутлар қуюқлашган сайин ўрта йўлдан ўтиб қайтувчи қувноқлар ҳам қуюқлашар эди. Улар «Маданият уйи»га яқин келишгач, юзларига булут соя солгандай тундлашиб, қўлларини кўкракларига қўя-қўя тавозе ва таъзимлар билан биз томон бош ирғаб салом йўллашар, анчамунча узоқлашишгач, қувноқ қийқириқли ҳангомаларини давом эттиришар эди. Айниқса, изғиб юрган хотин-халаж Лолахонга кўзлари тушгандаёқ қувнайвериб қувватлари қуригандай бир зум унлари ўчади.

— Омон-эсонгинамисиз, ўлай, — дея ҳол-аҳвол сўрашади улар, намхуш шамолдан намиққандай майин-ҳазин товушда. — Тирикчилик шу-да, кунимиз ёғин кутиб ўтаяпти-да...

Лолахон илгари кўрса қучоқлашмай ўтмайдиган опаю холажонларнинг ҳол-аҳвол сўрашларига, айбдорона ёзғиришларига маъюс-маъюс бош ирғаб қўяди.

Мен тобора ўзимни ноқулай ҳис қилар эдим. Ахир, ўтиб-қайтувчилар мени бева келиннинг ёнида кўриб таажжубларга тўлиб-тошишар, гўё мен гуноҳи азимга ботгандай, гўё мен улар йўллаётган ҳурмату эҳтиромларни эгаллаб олаётгандай башарамга ўқрайиб-ўқрайиб қарашар эди.

— Юринг, ичкари кирамиз, — деди Лолахон. — Одамларга халақит бермайлик. Юринг.

Юрдик. Лолахон алланечук зарда билан одим ташланиданми, кенг кўйлагининг этаклари сонларига ўралашиб, орқалари диркиллаб-диркиллаб кетди. Ўғри нигоҳларимдан хижолатландим.

Қоп-қора, қуюқ булутларнинг касридан «кутубхона-музей» йўлаги хийлагина қоронғу. Жимжит. Бир зум кўзларим хира тортиб кетди.

Лолахон кутубхонага кираверишдаги иш столига енгил бир уфлаб, лорсиллаганича ўзини ташлади.

Мен ҳануз жўяли бир гап тополмай ғудрандим:

— Чироқни ёқайми, янга?

— Ёқа қолинг, — деди у алланечук истамайгина.

Ёқдим. Кутубхона хира лампанинг хирагина ёғдусига чулғанди.

Қизғиш мато қопланган иш столи устида семиз-юпқа китоблар ётарди.

— Китобхон бўп кетяпман, — деди Лолахон иш столи устига мен қатори ўйчан кўз ташлаб. Сўнг юзимга қия-қия тикилди. — Сиз-чи? Китоб ўқишни ёқтирасизми?

— Ҳа, янга.

— Масалан, қанақаларини ёқтирасиз?

— Уруш ҳақида, — дедим туйқус хаёлимга келганини қайтармай.

— Ғирт ёлғончисиз, —Лолахон нозли пўписа билан кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйноқлатаркан, узун енглари тирсагига йиғилиб қолди. — Бошқача китоблар қизиқтиради сизни.

— Йўғ-е... нега?

— Нега?! Сиззи ёшингизда биз ҳам ўқирдик, анақа-анақаларидан, ўпди-қучди, а...

Лолахон шарақлатиб кулиб юборди. Унинг кулгусидан жимжит ҳужралар зириллаб кетгандай бўлди.

— Йўғ-е... — дедим мен тобора ўнғайсизланиб. Негадир бева келинга тикилиб қарашга ботинолмай.

— Йўғ-е?! Унда қизлар ёзган хатларни ўқиркансиз-да, а?

Мен мажолсизланиб Лолахоннинг ёнидаги бўш стулга ўтириб қолдим:

— Янга, мен унақа эмасман...

Ҳа, ҳа, мен «унақа» эмас эдим. Бироқ бева келиннинг башоратлари чин эди. Ҳамма гап саккизинчи синфга ўтгандан бери ўсиб-кўпириб қолган сочда эканми, ҳар нечук, синфдош қизлар илгаригидек арзимас айбимиз учун китоб-дафтар билан дўппослаб, бўкирганча қувлаб юришмас, сиповазмин тортган қош-қабоқларимизга қараб ўғринча-ўғринча шивирлашар, пана-паналарда пардоз-андозга зўр беришар эди. Бироқ ўғил болалар тўп-тўп, жуфт-жуфт бўлиб қизлар ҳақида, бева келин айтгандай, «анақа-анақа» киною китоблар ҳақида гурунглашишганда негадир мен уяламан. Негадир Лолахон янгам хаёлимдан ўтиб ўзимни алланечук гуноҳкор ҳис этаман.

— Ҳа, намунча ўчиб қолдингиз? — деди Лолахон юзларини юзимга яқинлаштириб. — Ё, севгилингиз эсга тушдими?

Енгил атир ҳиди ва алланечук ҳароратдан кўзларим тиниб-тиниб кетди!

— Янга, — дедим товушим титраб. — Сизга бир гап...

Шу пайт йўлак эшиги томондан от дупирига ўхшаш қадам товушлари эшитилди. Адашмаган эканман, кўп ўтмай йўлакдаёқ маъноли-маъноли томоқ қириб, кутубхона эшигига Сафармурод чавандоз кўндаланг бўлди.

— Ассалў-ўм, — деди у қўлларини кўксида қовуштириб мен томон таажжубли бир кўз ташлаб, Лолахонга юзланар экан.

Лолахон «от дупири» эшитилгандаёқ ўрнидан ирғиб туриб уст-бошини тартибга олганича кутубхона ўртасида шамдек қотиб турар эди.

— Кечирасиз, биби, манови сизга, — деди Сафармурод ака бир парча қоғозни Лолахон тараф қўшқўллаб узатар экан.

«Биби» ҳам қоғозни тавозе билан қўлига олди.

— Ўқинг, бибижон, ўқинг, — ғудранди чавандоз.

Лолахон варақдаги ёзувни ўқиб, авайлабгина иш столи устига қўйди.

— Шундай бўп қолди-да, — тағин айбдорона ғудранди чавандоз тақа мўйловини силаб-силаб.

Шу орада мен ҳам қоғоздаги ёзувга кўз ташладим:

«Бибижон, шу амакингизнинг айтганини бериб юборинг, илтимос. Жуда жонга тегди. Ч.Т.М.»

— Нима эди у? — деб сўради Лолахон майин, паст товушда.

— Қамчи, бибижон, қамчи, анови шкафда ётибди.

Лолахон шарпасиз қадамлар билан «музей» томон йўналди. Бўсағада турган Сафармурод ака жонҳолатда типирчилаб орқага тисарилди.

Мен чавандознинг таажжубли-таажжубли кўз қарашлари остида ўнғайсизланиб, иш столи устидаги семиз бир китобни тинимсиз варақлаб ўтирар эдим.

— Раҳмат, бибижон, раҳмат, — деди Сафармурод ака, Лолахон тезгина олиб чиққан чавандозлик қамчисига иштиёқ билан қўл узатар экан. — Сизни ҳам безовта қилдимда... Билмадим, бу каттаконларга бошқа эрмак қуриганми... музей эмиш-а...

Сафармурод ака тағин аллақандай тўнғиллашларга теваракни тўлдириб, довдир-совдир қадамлар билан қайтиб кетди.

У кўздан пана бўлар-бўлмас Лолахон пиқ-пиқ кулиб юборди:

— Жа-а ғалати киши-я, — сўнг менга юзланиб сўради. — Бу киши Тошбиби опамнинг эрларими?

— Ҳа, — бош ирғадим мен.

— Хотинлариям ажойиб... Ну, китобхон, бу ерга тез-тез келиб турадилар.

— Кўп эртак билади, — қўшиб қўйдим мен.

Лолахон гапимга эътибор бермай, узун этакларини атай тиззаларимга тегизиб:

— Қани, Самаджон, — деди илжайиб. — Нима демоқчи эдингиз менга?

Анча-мунча ҳаяжонларим босилиб, совиб қолгандим, шекилли, ортиқча қизариб-бўзармай:

— Ҳеч нарса, — дедим қуруққина қилиб.

— Бўпти, кўрамиз ҳали, — деди Лолахон тантиғланиб қошларини чимирар экан. — Ишингиз тушар... Энди кетинг...

— Кетмайман, — дедим ҳазилнамо оҳангда алланечук тетиклашиб. Бева келиннинг чимирилган қийиқ қошлари дарров қонларимни гупиртиб юборганди.

— Ўх, тий, — деди Лолахон узун енгларини шимариб оппоқ, лўппи билакларини яланғочлар экан.— Ўзим чиқариворaман энди.

Бева келин шашт билан эскигина костюмимнинг ёқасига чанг солди. Мен ҳам унинг силлиқ-майин билакларидан ушладим. Ушладиму аъзойи баданим ёқимли жимирлаб, ёлғондакам ваҳимадан ўйноқлаб турган кўзларга термилдим.

Лолахон ўзича мени бир-икки енгилгина силкитиб, гўё кучи етмагандай ёқаларимни қўйиб юборди.

— Уф, тоғ бўлинг-е, — деди у ғалати бир тарзда сузилган кўзлари намиққанича ўтириб қолар экан.

Мен шундагина юрагим гурс-гурс уриб, юзларим қизиб кетганини сездим.

— Энди боринг, Самаджон, — деди Лолахон бу гал астойдил, бироқ бетимга қарамай. — Мен ҳам кетаман. Ана, ёмғир ёғворди...

Мен оғир бир қўзғалиб қад ростларканман, «хайр, янга», дейишга чоғланган лабларимдан:

— Раҳмат, янга, — деган сас беихтиёр ситилиб чиқди.

Лолахон юзимга андак ҳайрон тикилиб, пиқ-пиқ кулди:

— Нега раҳмат? Товба!

Мен чинакамига уялиб, орқа-олдимга қарамай ташқарига отилдим.

Ташқарида шивалаб ёмғир ёға бошлаган экан! Алланечук қувончларга қоришиб, уяту ҳаяжондан бўғриққан юзларимни муздек томчиларга тутдим. Тинимсиз чарх уриб айлангим, қаҳқаҳалар отиб кулгим келар эди. Ёмғирнинг майин-майин, сирли-сирли шивирига ютоқиб-ютоқиб қулоқ солдим. Ютоққаним сайин баданларим қизиб, томиримда қонлар гупирар эди.

Мен туйқус мактаб қолиб, ўрта йўл бўйлаб дала-дашт томон жунунваш-жунунваш кетиб бораётганимни пайқаб қолдим. Ўз ҳолимдан ўзим яйраб-яйраб кулдим.

Шу пайт қишлоқ оралаб кетувчи кичик кўчадан икки қора мен томон бурилди. Уларни дарров танидим: Ашур ва Ҳалим Норбўта ўғли — Сафармурод чавандознинг бўлажак куёви. Улар шунчаки қўлтиқлашиб келаётган дўстлардек туюларди-ю, аслида Ҳалим Норбўта ўғли кайфи тароқ Ашурни суяб-судраклаб уйига олиб кетаётган эди. Кўкиш костюмига лой юқи теккан Ашур пўнғиллаганича улфатига гап уқтириб келар, тугмалари бўшаб, шалвираган кўйлаклари остидан кўкрак-қорин кўриниб ётар эди.

Ашур аскарликдан қайтгандан бери ичкиликка берилди, ҳеч қурса, ҳар уч-тўрт кунда бировнинг етовисиз уйига етолмайдиган бўлиб қолди. Айниқса, тўйхоналар Ашурдан безиллайди. Ҳали тўй тузукроқ қизимай туриб, уч-тўрт пиёла ичар-ичмас суроби келишиб қолган Ашур инжиқланар, тўс-тўполон кўтарар, гоҳо тағин қасосу қайғу туйғусидан гувранар эди. Онаси ўрнига шон-шуҳрат маъбудаси эмизган шекилли, ҳатто ипирисқи ичкиликбозлик ҳам олам-олам обрў-эътибор келтирар эди Ашурга. Гоҳ маст-аласт ўкираётган, гоҳ ҳўнграётган ана шу тажанг қиёфада жувонмарг кетган жигарига жизғанак-жизғанак куяётган ини тимсолини кўриб эл-улус мутаассир бўлар, шу боис ҳам унинг хурмача қилиқларига панжа орасидан қараб, кўнглини топишга ҳаракат қилишар, вазият буткул танглашган ҳоллардагина дўст-жўраларининг етовида уйига жўнатишар эди.

Ўша охирлаётган қишнинг арзанда куни илҳақ-интизор куттирган ёмғир шивалаб-шивалаб ёғиб турган бир пайтда Ҳалим Норбўта ўғли ҳам ширакайф Ашурни суяб-судраклаб келаркан, бу шон-шуҳрат эркатойнинг кўнглини оғритмаслик учун жамики шилимшиқ хархашаларига аранг бардош берар эди.

— Ҳалим ака, сиз менинг чин оғамсиз, — дея эзмаланди Ашур. — Акажоним ўрнида акамсиз. Қўлингизни беринг, оға...

Ҳалим Норбўта ўғли истар-истамас ўнг илкини узатди.

Ашур мен томон ҳам кўз қисиб, бош бармоғини бўрттирганча ҳавода силкитиб-силкитиб қўйди. Бу унинг «Зўр!», «Ғалаба!», дегани. Ашур, ҳув, аскарликка кетгунга қадар кураш майдонларида рақибини чалпак қилиб ургач, айнан шундай тантанали ишора билан бутун даврани бир қур айланиб чиқар, завқ-шавққа тўлган томошаталаблар худди шу тантанали ишора учун ҳам енгилмас полвонни қийқириқли олқишларга чулғашар эди.

Акасининг охирги маъракаси ўтгандан сўнг Ашур яна кураш майдонларида кўрина бошлади. Сафармурод чавандоз бошчилик мухлислар машҳур полвоннинг аскарликка жўнай туриб омонат ташлаб кетган шон-шуҳратини қайтариб беришга чоғланишгандек уни яна қўярда-қўймай тўйма-тўй, кураш-кураш етаклаб қолишди. Сафармурод чавандоз кураш давра-

лари қизиб турган пайт баковуллар билан келишиб «шер йигитни» пачоқроқ полвонларга қўйиб олар, шуб-ҳасиз чапдастлигу куч-қувватда ҳали-ҳали унча-мунча номдорларга ҳам нон бермайдиган Ашур рақибини оппа-осон юлдуз санатар эди. Найрангларни сезиб қолган синчков томошабинлар ошкора қийқира-сўкина норозиликлар билдиришар, Сафармурод чавандоз эса сира пинак бузмай ғаламисларни пана-панага тортиб, Ашурнинг аскарликдан эндигина қайтганини, «фўрма»га киргунча шунақа машқ-машғулотлар зарурлигини яхшиликча тушунтирар, тушунмаганларни қоғоздеккина ғижимлаб дарров фаҳм-фаросатга келтирар эди.

Ашур барибир полвонлик мақомига маҳкам минди! Ўша қишнинг сўнгги кунларида у яна бир карра олқишу таҳсинларга кўмилди.

Ўшанда қай бир чўл посёлкасида яшовчи холамлар тўй қилди. Тўйда катта кураш томошаси бўлиши ҳақидаги хабар аллақачон қулоқларини қизитган, Сафармурод ака бошлиқ мухлислар тўпи отамнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Ашур полвонни қаватларига олиб дабдабаю асъасалар билан боришган эди.

Қариндошимизнинг тўйида албатта биз азиз меҳмон эдик. Тўлқин, Дурбек ва мен — уччовлон, Тоғай тоғаникидаги кураш томошаси пайтидагидек давра ташқарисида сарсон бўлиб қолмадик. Бизни иззат-ҳурмат билан соврин берувчи баковуллар ёнига ўтқазишди.

Тун. Узун-узун сим дорга қатор-қатор осилган электр чироқларидан чароғон кураш майдони. Майдонга қалин қилиб ёғоч қириндиси тўшалган. Тўшама устида икки полвон гоҳ имиллаб, гоҳ илдамлаб кураш тушяпти. Майдонни қуршаган томошабинларнинг қалин давраси завқ-шавқ билан гувуллаб турибди.

Тун. Қоп-қора осмон ғуж-ғуж юлдузлар. Йўқ, назаримда улар ҳайрату ҳаяжон тўла кўзлардан сачраётган учқунлар эди. Назаримда, тентиб юрган алланечук илиқ шамол ҳам кураш даврасининг завқли-шавқли гувуллаб-гуриллашидан қўзғалаётгандек эди.

— Ё-ё, пири-им!

Бу ҳайқириқ рақибини елкасидан ошириб отаётган калтабақай полвоннинг бўғзидан отилиб чиқди. Оёқлари ҳавода саланглаб калтабақай рақибининг яғринида бир лаҳза муаллақ туриб қолган хипчагина полвон гуп этиб чалқанча тушди.

Давра еру кўкни ларзага солиб қийқириб юборди.

— Ҳалол! — Баланд бўй, гўштдор юзли баковулнинг эътирофи қий-чувлар ичида аранг эшитилди. — Ҳақини беринг полвоннинг!

Кураш майдони хийла бесаранжом бўлиб қолди. Мағлуб полвон гандираклаганча ўз тўпини излади. Ғолибнинг ҳомийларидан бири совринни олиш учун биз тарафга югурди.

Шу орада майдонга икки-уч талабгор полвонлар отилиб чиқди. Улар орасида ўсиқ сочлари тўзғин, енгсиз, дағал кураш яктаги бақувват қадди-бастига ярашган Ашур ҳам бор эди.

Бош баковул давра қирғоғида туриб ўзи томон тинмай имо-ишоралар қилиб ётган эски жўраси Сафармурод чавандознинг ҳурматини қилиб Ашурнинг қўлидан тутди.

— Шугина полвонга талабгор борми? — дея ҳайқирди у теваракка бир-бир кўз ташлаб.

Ҳалигина майдонга чиққан талабгорлар Ашурни таниш ими-жимида тўпларига қайтиб кетишди.

— Қани, давра совимасин, — деб тағин қичқирди бош баковул Ашурни етаклаб у ён-бу ён одимларкан. — Борми, юрагида ўти борлар!

Чорловнинг сўнгги сўзларига қоришиб давранинг бир бурчагидан қабоқлари қалин, кўзлари қисиқ, сийрак сочлари манглайи тарафдан тўкила бошлаган ўрта бўй талабгор тортинибгина чиқди.

Мен уни танигандай бўлдим. Қалин лабларининг ёнидаги тиртиғи кўзимга иссиқ-иссиқ кўринди. Ҳа, Тоғай тоғанинг тўйида Ашур таъзирини берган полвон эди у! Ҳа, хийлагина семирибди, лекин ўша!

Дарров тусмолимни дўстларимга айтдим.

— Энди зўр олиш бўлади! — деди Дурбек кўзлари порлаб.— Бу ўчини олмоқчи-ёв.

Бизнинг шивир-шивир битгунча бош баковул полвонларни теваракка таништириб соврин баҳосини айтиб ўтди.

Рақиблар бир-бирига зимдан-зимдан синовчан кўз ташлаб, давра бўйлаб икки-уч бор айланишди. Сўнг шаҳд билан бир-бирига юзланишдию қулоч отиб, қўл серпаб ҳужумга ташланишди.

Ашур ҳамишаги чапдаст усулларни қўллай-қўллай рақибининг салқи белбоғидан илиб олди. Аммо рақиби алланечук хотиржам тарзда Ашурнинг енг-ёқаларидан тутамлаб, шашт билан бир тортди. Ашур товба қилаётган гуноҳкордай қўққис қиринди устига тиззалаб қолди.

Давра гувуллаб юборди.

— Қайириб бос! — дея пишанг берди кимдир баралла.

Дарҳақиқат, айни чоғда полвон Ашурни тағин бир силтаб, оппа-осон чалқанча ағдариши тайин эди. Ҳайрату ҳаяжон тўла барча нигоҳлар ана шу жўнгина хотимани кутиб турар эди.

Бироқ полвон Ашурнинг енг-ёқаларини қўйиб юборди. Қўйиб юбордию яна шашт билан давра айлана кетди.

Аммо... ҳануз-ҳануз тиззалаб турган Ашур енгил бир чайқалдию «гуп» этиб юзтубан йиқилди! Қўқиб кетган қиринди уст-бошига сочқидай сочилди.

Бош баковул у томон отилди.

Давра аввалига бир гувуллаб олдию сўнг ғала-ғовурга кўмилди:

«Нима гап?! Мастми у?!»

«Э, йўғ-е, майиб бўлди-ёв!»

«Касали қўзиб қолдимикан, ё...»

«Эҳ, чатоқ бўлди-да.»

Бош баковул миқ этмай ётган Ашурни чалқанча ағдарди.

— Эй, сув-пув опкелингла-ар! — дея қичқирди у ранги қути ўчиб.

Кураш майдони талатўп бўлиб кетди! Аллақачон бош баковулнинг биқинига чопиб келган Сафармурод чавандоз ҳануз ҳушсиздек ётган Ашурни қучоғига тортди.

— Ашуржон! Ашур-ей... — дерди у ташвишу таҳликага тўла товушда. — Кўзингни оч! Эй...

Бир зумда фалокат юз берган ўртани кичик бир тўда ўраб олди. Бош баковул кимдир келтирган сувни Ашурнинг юзига сепиб юборди.

Ашур бир сесканиб кўзларини очди. Сўнг қиринди гардларига беланган лабларини қимтиб-қимтиб гапиринди:

— Акам... акажони-им...

— Гапир, гапир! — дея ваҳима билан бақирди Сафармурод ака. — Қўрқитма-да бизни!

Сафармурод чавандознинг яна бир-икки зўр бериб қийин-қистовга олишларидан сўнг, ниҳоят фалокат сабаби аён бўлди!

Ашурнинг кўзига марҳум акаси Ўроқ кўриниб кетибди. Хаёлида гўё ўз оғасининг ёқасидан тутиб тургандек бўлибдию қўққис, аъзои баданлари бўшашиб...

... Қолганини ўзи ҳам билмас экан!

Бу гап-сўз яшин тезлигида бутун давра бўйлаб ёйилди. Шу баҳона не-не дунёбехабарлар 41-совхозлик қаҳрамон-ўғлон — Умрзоқов Ўроқ ҳақида эшитди.

Ашурни ниҳоят бир амаллаб ўрнидан турғиздилар. Қачонлардан бери баковуллару бошқа жонкуярларга аралашиб, чалажон рақибининг атрофида гирдикапалак бўлиб юрган таниш полвон Ашурнинг бир қўлтиғидан олиб, давра қирғоғига чиқаришда чавандозга кўмаклашди. Сўнг ҳануз-ҳануз ола-кула кўзлари жойига қайтмаган бош баковулнинг ёнига бориб алланималар, дея хийла вақт пичирлади. Пичирлай-пичирлай, аҳён-аҳён бақувват қўлларини кўксига қўйди. Полвоннинг шивир-шивирини диққат билан тинглаган бош баковул андак хотиржам тусга кириб ғала-ғовур тобора кучаяётган даврага юзланди.

— Халойи-и-иқ! — дея бўғиқ қичқирди у теваракка кўз ташлаб. — Менга қулоқ солингла-ар!

Даврага пича жимлик инди. Ҳануз ҳаяжону ҳайрат сўнмаган кўзлар ўртага қадалди.

— Халойи-и-иқ! — деди бош баковул бир-икки томоқ қириб. — Азамат полвон Ашур полвондан узр сўраяпти. Билмай, кўнгил ярасини тирнаганим учун кечирсин, деяпти. Халойи-иқ!

Бош баковулнинг яна узундан-узоқ тушунтиришича, Азамат полвон ушлагандаёқ Ашур полвоннинг ўзидан зўрлигини сезибди. Шу сабаб ўзини мағлуб санаб совриндан воз кечган эмиш.

Аммо давра бош баковулнинг изоҳларини қулоғи тубидан ўтказиб юборар, барча-барча чуқур бир эҳтиром билан Ашурни алқашар эди.

«Кўнгли ярим бўла туриб курашга чиқибди-я?! Ана, сизга ҳақиқий полвон!»

«Қаранг-а, эс-ҳуши раҳматлик оғасида экан-а. Ана чин жигарчилик. Ҳозир кўплар тирик акасини бир бор эсламайди-ку?! У эса...»

«Худо хоҳласа, кам бўлмайди, бу полвон...»

«Қаранг-а!..»

Биз — уч меҳмон, уч мухлис бир-биримизга ҳангу манг тикилардик. Чор атрофда Ашурни олқишу таҳсинларга кўмиб ташлашаётганидан қувонишимизни ҳам, бемаҳалда нақ ғалабанинг белига тепган қаҳрамон ўғлон хотирасидан хафа бўлишимизни ҳам билмасдик.

Жўраларимдан кўзимни олиб қочдим. Қароқларим осмонга қадалди. Назаримда, қоп-қора осмонда ғуж-ғуж юлдузлар эмас, бир силтовда тиззалаб қолган, Ашурнинг кўзларидан сачраб кетган учқунлар айёрона жимирлар эди.

* * *

Баҳор сайилга ошиққан бўй қиздай ҳовлиқиб келди! Шоша-тоша чопқиллаб, чарх уриб келди! Чала-ярим каштапари дала-даштга тўшалиб қолди. Этаги тўла ранго-ранг қийқимлари йўл, ариқ бўйларига сочилиб кетди. Парча-парча чирозлари дов-дарахт бутоқларига илашиб қолди.

Баҳор сайлга чиққан бўй қиздай чарақлаб-чарақлаб кулди! Кулгуларидан еру кўк чароғон бўлди. Кулгулардан муаттар-муаттар ҳидлар таралди. Муаттар ҳидлардан масту мустағриқ қушлар чуғурлаб-чуғурлаб чарчашмади.

Баҳор сайилга кечиккан бўй қиздай қош-қабоқ уйди! Уйилган қош-қабоқдан еру осмон қорайиб кетди. Баҳор энтика-энтика, шивирлаб-шивирлаб йиғлади. Кўз ёшлардан безор момодай момақалдироқ гулдираб-гулдираб ялинди, гулдираб-гулдираб дўқ урди. Охири, қоп-қора тугунларини титкилай-титкилай топган тилла тақинчоқларини ялтиратиб-ярақлатиб кўз-кўз қилди. Баҳор яна кулиб юборди! Силқиган кўз ёшлари дов-дарахт, ўт-ўлан япроқларига марвариддек сочилди.

Ўша баҳорнинг боши беҳад баракали келди! Уч дўстим уч синфдош қизни баб-баравар беҳад севиб қолди! Уч севги

мактуби уч қизнинг қўлига эсон-омон етиб борди. Уч жавоб хати уч кун ҳам куттирмай уч дўстнинг қўлига тегди. Уч жавоб хатида ҳам сўздан кўра севги мўл эди. Ҳар уч мактуб бир-биридан кўчирилган иншодек бир-бирига ўхшарди. Ҳар уч дўстим ширин таъм сақични беихтиёр ютиб юборгандай бу ёғига нима қилиш кераклигини билмай гаранг эди. Айниқса, Дурбекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ахир у мустаҳкам қалъани забт этишга чоғланган саркардадай тағин беш-олти «запас» мактубни чўнтакларида шайлаб юрарди.

«Э-э, бўмайди булар, — деганди Дурбек тишлари орасидан «чирт-чирт» туфлаб. — Энди олис-олисга, кинодаги қизларга хат ёзаман».

Синфдошларнинг аччиқ тажрибаси ҳушёр торттирганми, ҳар қалай Тўлқин севги номаси йўллашга шошилмасди. Ширин таъм сақични узоқ-узоқ чайнаб ҳузурланишга аҳд қилган мазахўракдай ҳануз ўз-ўзича гоҳ хўрсиниб, гоҳ қувониб синфдош Шаҳинага ошиқона-ошиқона термилиб юрарди.

Шаҳина! Тошбиби чечанинг чўпчакларидан чиқиб келган ғариба қиз! Ўша кунлар беқарор баҳорнинг беқарор фитнасига учиб, у ҳам очила-сочила ўйноқлаб қолганди. Бироқ «илик узилди»нинг касридан озғин юзларини озғинлар босиб, сарғиштоб сочларининг қазғоғи тошиб уни уялтирар, уялганидан тобора ўзини четга тортар, четга тортган сайин Тўлқиннинг кўзига яққол ташланиб юрак-бағрини ўртар эди. Ўртаниб-ўксинишлар, гоҳ қувнаб, гоҳ қайғуришлар дўстимдан кўра Шаҳинанинг тинкасини қуритдими, ё, ҳовлиқма баҳорнинг ҳовлиқмалигидан юқдими, ишқилиб, шўрлик қиз ўша баҳорнинг илиқ кунларидан бирида жасорат кўрсатди.

Ўша кун чарақлаб-ярақлаб турар эди. Биз сайилгамас, шанбаликка чиққандик. Тўғрироғи, бирваракайига икки ўқитувчининг дарсга келмаганидан шошиб қолган мактаб маъмурияти туйқус биз учун шанбалик эълон қилиб, барчамизни мактаб ҳовлисига, озодалик, саришталик ўрнатишга қувиб чиқди.

«Тўзғиган қоғоз-поғозларни теринглар, хас-чўплар ҳам қолмасин, — дея кўрсатма берди раҳбар муаллим. — Ҳаммасини бир ерга тўплаб ёқиб юборинглар! Эшик олдини супириб ташланглар!..»

Муаллимнинг топшириқлари ҳеч биримизнинг қулоғимизга кирмади, ҳисоб. Ахир, теваракда баҳорнинг кайпанг-кайпанг, тентак-тентак шамоли эсиб турарди-да! Тентак шамол хаёлларимизга, кўнгилларимизга йироқ сўзларни йироқ-йироқларга учириб кетар, йироқ-йироқлардан бизга алланечук тотли хаёллар, сирли шивирлар келтирар эди.

Ўшанда раҳбар муаллим ўз топшириқларидан ўзининг ҳам энсаси қотиб ичкарига кириб кетди. Биз ўқувчилар тўп-тўп, жуфт-жуфт бўлиб тўзғиб қолдик. Кимлардир эндигина куртак ёяётган уч-тўрт дарахт тагига қўйилган ўриндиқларда гоҳ баралла, гоҳ пичирлаб суҳбатлашиб ўтирар, баъзи бировлар хаёлчан шивир-шивирлар билан мактаб биносининг теграсида айланиб юришар эди.

Биз Тўлқин иккимиз ҳаммадан айрича Умрзоқов Ўроқнинг ёдгорлиги панасида чўнқайибгина ўтирдик. Фақат иккимизгина тушунадиган кўз қарашлару имо-ишоралар билан сирлашамиз. Тўлқиннинг илҳақ-интизор қароқлари аҳён-аҳён бир шарпани излаб қоларди — Шаҳина!

Шаҳина! Тошбиби чечанинг эртакларидан чиқиб келган содда, меҳнаткаш қиз! Йўқ, муаллимнинг айтганларини фақат шугина тентак шамолларга совурмай, қулоқларига қуйиб олган экан! Шаҳина, айро ўзи, опаларидан қолган либосларига чувалашиб, у ер-бу ерда тўзғиб ётган қоғоз, хас-чўпларни тергилаб юрибди. Унинг эртаклардаги хокисор ўтинчи қиздай теварагига ҳуркиб-ҳуркиб кўз ташлашлари Тўлқиннинг ёнган юрагига баттар ўт қалар, дўстим ёдгорлик панасида чўнқайганича хаёлан унга кўмакка ошиқар, деву ялмоғизлардан қутқарар, иккаласи қўл ушлашиб узоқ-узоқларга учиб кетишар эди.

Ниҳоят, ошиқу зорининг юрак чорловларини англаб етгандай, Шаҳина анча-мунча йиғилган қоғозларни қўлида ғижимлаганича довдир-совдир биз томон юрди. Кўнглим алланеларни сездими, ҳар нечук, қандайдир баҳона билан Тўлқиндан андак узоқлашиб, ёдгорликнинг нариги ёнида ивирсиб турдим.

Қуёш ошиқларнинг интизор кўзидай тип-тиккада чарақлаб турар эди. Ёдгорликнинг ён-веридаги дарахтларнинг япроқлай бошлаган бутоқларида тўп-тўп, жуфт-жуфт чум-

чуқлар чирқиллаб-чирқиллаб ўйноқлашар, бир-бирини қувлашиб нурлар жимир-жимир оқиб ётган ҳаволарда чарх уришар эди.

Шаҳина нурлар жимир-жимиридан кўзлари қамашгандай, оёқлари остига тикилганча ўзини зимдан кузатиб турган Тўлқиннинг ёнгинасидан илдамгина ўтиб кетди. Ўтиб кета-кета қўлидаги ғижим қоғозлардан бирини ташлаб юборди! Чиқит қоғоз бехос тушиб кетди, деган хаёлга борган Тўлқин шўрлик кўмакка шай шайдо юрагининг амри билан шоша-пиша ерга узалди. Шу лаҳзада енгил бир томоқ қириб, дўстим томон «тегма» ишорасини қилдим. Яхшиямки, ошиқлар юраги ўғриникидан баттар қилпинглаб туради, яхшиямки, ўғридан баттар андак шовурдан-да ҳуркиб кетишади. Ошиқликнинг шу қусури сабаб, Тўлқин ҳам томоқ қирганимдаёқ мен томон чўчиб бурилди. Бурилдию имо-ишораларимни кўриб узатган қўлини тўк ургандай шартта йиғиштириб беихтиёр қўйнига тиқди.

Шаҳина! Тошбиби чечанинг эртакларида ҳам учрамайдиган пухта қиз! Меҳнаткаш, маккора! У мактаб ичкарисига бир югургилаб, бир гандираклаб кириб кетди.

— Шошма! — деб шивирладим ҳануз ҳангу манг юзимга тикилаётган Тўлқиннинг биқинига бориб.

Икки кўзим шундоққина дўстимнинг оёқлари остида тентак шамолдан титрабгина ётган қоғоз бўлагида эди.

Ҳа, ҳа, сезгиларим алдамаган! Бу ҳеч қанақа чиқит қоғозмас, дафтарнинг қоқ ўртасидан шафқатсизларча юлиб олингану беҳафсала қат-қатланган бир жуфт варақ эди.

— Юр, кетдик! — деб шивирладим Тўлқинга, ердан топилдиқни липпа олиб липпа чўнтагимга соларканман.

Ошиқ юраги алланималарни сеза бошлаган дўстим кўзлари чақнаб, ич-ичи қақшаб изимдан эргашди. Мен кўзлардан панароқ жой қидирдим.

— Нима у, Самад? — деб сўради ғулдираб Тўлқин, тентак шамолдай тентиб қолганимиздан ичикиб.

— Хат, — дедим ўзимча бепарво. — Сенга!

— Хат?! — ҳали мактуб йўлламай туриб мактуб олишни хаёлига ҳам келтирмаган Тўлқин чинакамига эсанкиради. — Қанақа?! Менга?!

— Ҳа, — дедим қуруққина қилиб.

Бу орада мактаб қучоғидан кўнгилдагидек пана-пасқам тополмай, ҳовлидан ташқари чиққандим. Тўлқин гоҳ у ёнимга, гоҳ бу ёнимга йўрғалаб ниманидир сўрашга оғиз жуфтлагандай эмраниб-эмраниб қўярди.

Қоқ қаншаримизда, ора йўлнинг нари бетида, «Маданият уйи» қаққайибгина турар эди. Негадир юрагим пастга ташлагандай шув этиб кетди. Бетон устунлари қўққайган айвон бўм-бўш, «кутубхона-музей» йўлагининг қўш табақа эшигига ўша-ўша каллamдек қулф осилган. Куннинг бу пайтида у ҳамиша бир кур очилар эди. Негадир Лолахон янгам бугун чиқмабди. .

Лолахон лоп этиб кўз олдимда жонландию юрагим ўзўзидан ҳаприқиб кетди. Ногоҳ аллақандай сирли хатни кўтариб юрганимдан, гарчанд у бировларники бўлса-да, негадир ўзимни гуноҳкордай ҳис этдим. Назаримда, узун енглари тирсагига йиғилиб, кўрсаткич бармоғини ҳавода силкитганча Лолахон мендан ўпка-гина қилаётгандай туюлди. Туюлдию юрагимга хира бир ғашлик инди.

— Тезроқ юрсанг-чи? — дея беихтиёр ўшқирдим Тўлқинга. Ҳолбуки, у катта-катта қадамлар билан мендан ўзиб-ўзиб бораётганди. Дўстим таажжубли-таажжубли башарамга бақрайиб қўйди.

Биз клуб томонга ўтдик. Ҳайҳотдек «Маданият уйи»нинг ёзги клуб билан кесишган биқинида панагина бурчак бор эди.

«Севишганлар хонаси» деб аташади бу ерни биздан катта авлод фахр билан. Чиндан-да тўзғиган писта пўчоқларию папирос қолдиқлари бу фахрли гўшада не бир сиру синоатлар кечганидан дарак беради.

Мен кимсасиз теваракка бир кур аланглаб қўйиб, қат-қат қоғозни чўнтагимдан чиқардим.

— Ма, — дедим ҳансираб турган Тўлқинга топилдиқни зардали узатиб. Ҳалигина ич-ичимни қоплаб олган гуноҳкорлик ҳисси мени ҳануз тарк этмаган, мактаб ҳовлисида мактубни ўқиб кўришга бўлган иштаҳам бўғилган эди.

Тўлқин минг бир саросима билан қат-қат қоғозни қўлига олди. Бундай кўлёзмани ўқиб тушириш унинг учун ҳар қандай севги азобидан азоблироқ экани терлаб кетган манглайию мўлтираётган кўзларидан билиниб турарди.

— Менгаям ўқитги-ин, — дедим ёлғондакам ялинчоқлик билан. Негадир дўстимни ноқулай аҳволдан қутқаргим келди. — Берасанми, чин дўстингман-ку?

Тўлқин қат-қат варақни баркашдек кафтларида авайлаб ушлаганича иккиланиб турди. Мен энди астойдил ташвишланиб қолдим. Ахир унинг ўзи қўлёзмани ҳижжалай-ҳижжалай ўқишга киришгудек бўлса, кун узоғи бу ердан қорамиз ўчмайди.

— Ўқитги-ин. Ё менга ишонмайсанми?

— Бўпти, — деб тўнғиллади Тўлқин сирли қоғозни узатаркан. — Шошилмай ўқи лекин...

Ниҳоят тилсимли топилдиқ очилди. Бир жуфт оқ варақнинг ичи аълочи синфдош қизнинг чип-чиройли ёзувига тўла эди. Шаҳина, ҳойнаҳой, Тўлқиннинг бутун саводхонлик имкониятларини чин юракдан ҳис этган бўлса керак, дона-дона аниқ-тиниқ ҳарфлар билан номасини битибди. Бироқ варақнинг у ер-бу ерига билинар-билинмас ёпишиб қолган қазғоқ заррачалари бу битик битгунча шўрлик синфдош хўб бош қашлаганидан дарак берар эди.

— Ўқисанг-чи, тезроқ, — деб бетоқатланди Тўлқин.

— Мана...

«Тўлқин! Аввало мени кечиринг. Шарманда, ҳаёсиз, деб сўкманг. Биламан, мени севасиз. Баъзи бир синфдошларга ўхшаб енгилтаклик билан хат ёзмаган бўлсангиз ҳам биламан, мени севасиз. Сиз мағрурсиз! Юрагингиз тоза! Мен олдингизда бош эгаман. Мулла бовам ҳамиша заифалар эркаклар олдида бир қарич паст бўлиши керак, деб кўп гапиргани қулоғимга чалинган. Тўлқин! Қаршингизда бошим эгик. Кечиринг. Мен ҳамиша содиқ ёрингиз бўламан. Ишонинг, Тўлқин! Аввало сизни худой сақласин. Агар армияга бориб, сиз ҳам нобуд бўлсангиз, Лолахон опамдай умрбод пок хотирангиз билан яшаб ўтишга қасам ичаман. Ўроқжону Лолахоннинг севгисидек муқаддас севги бизга ҳам насиб этсин.

Жавобини ёзманг. Керакмас. Шаҳина.»

Мен хатни ўқиб бўлар-бўлмас Тўлқин варақни қўлимдан юлқиб олди.

— Нима-а?! — деди у ранг-қути ўчиб ёзувларга ўзича кўз югуртираркан. — Менга ўлим тилабдими?!

Менга мактуб негадир ғалати бир таъсир қилди. Шу сабаб ҳам хаёллар қуршовида қолиб дўстимнинг эътирози қулоғимга элас-элас эшитилди.

— Самад, — дея ҳирқираганча такрорлади Тўлқин ўпкаси тўлиб.— Менга ўл, дебди-ку бу?!

— Ўчир-е, эшак! — дедим негадир уни астойдил жеркиб. — Келиб-келиб шу ерини эслаб қолдингми? Бош-адоқ ўқиганимни эшитмадингми?

— Эшитдим...

— Гўрингниям эшитмадинг. Юрагинг дук-дук уриб ётибди. Эшитсанг ҳам ундай гапларни эшак миянг тушунмайди.

Астойдил жеркишларимдан нафсонияти қўзғалдими, ҳар нечук Тўлқиннинг ҳирқироғи босилиб, мағрур-мағрур кўкрак кериб қолди.

— Севаркан-а, — деди у кўзлари порлаб.

— Жудаям севади, жўра! Бундай хатни анови ола товуққа ўхшаган синфдошлардан бирови ҳам ёзолмайди.

Тўлқиннинг ранг-рўйи ял-ял яшнаб борарди. Унинг қувончларидан негадир мен ҳам қувондим.

— Ий-я, Самад, — деб қолди бир пайт Тўлқин юз-кўзларига ҳайронлик оралаб. — Энди нима қилишим керак? А?!

Бу жумбоққа менда ҳам жавоб йўқ эди. Икковимиз бир-биримизга қувончли бир таҳлика билан тикилиб тураркан-миз, баравар кулиб юбордик.

* * *

Бу баҳор беҳад серёғин келган эди. Қиш адоқларида илҳақ-интизор қила-қила томчилай бошлаган ёмғир тўхтаб-тўхтаб, ҳар уч-тўрт кунда шаррос қуйиб берди. Намгарчилик, лойгарчиликдан ҳамма безиллаб қолди.

— Ах, чёрт, — деди Улаш ака кунлардан бир кун, юзидай қорайиб келаётган осмонга тикилиб. — Жуда жонга тегди-да!

Агроном-шоир тағин алланималар деб тўнғиллаганича ташвишли ва тажанг бир қиёфада, ҳатто саломимга алик олмай ёнгинамдан ўтиб кетди ўшанда.

Ўшанда унинг «жуда жонига теккан» фақатгина безбет баҳор осмони эмас экан. Чин инсоний туйғуларни тараннум

этувчи достонининг тараддуди эндигина битай, деб турган бир пайтда агроном-шоирни жонидан тўйдириб юборган «чёрт» идорада ўтирган экан. Биз бу ҳақда кейинчалик эшитдик.

Ўша куни баҳор осмонига эндигина ёйилиб келаётган қора булутлар аллақачон агроном-шоирнинг бошини қоплаб, ёмғиру қор ўрнига таънаю маломатлар ёғдирган экан.

Ўша куни тушга яқин туман раҳбариятидаги муҳим бир мажлисдан қайтган Чинор Тоштемирович Улаш акани дарҳол қабулига чақиртириб, ўғли Шербекнинг тутинган устози эканига қарамай бўсағада тик турғизиб қўйибди.

«Одамни шарманда қилишни тўхтатасизми, йўқми?» дея ўшқирганмиш Чинор Тоштемирович ҳе йўқ, бе йўқ.

Қабулига чақиришгандаёқ тағин бош агрономликнинг жиловини қўлга олиш пайти етганини ўз-ўзига башоратлар қилиб, умидвор-умидвор тамшаниб турган Улаш ака ўшқириқлардан ҳангу манг қотибди:

«Қанақа шармандалик?! Мен-а?!»

«Ҳа, сиз?! Ҳувв, ёздаги мақолани қайгўрдан олгандингиз?»

«Ўзимники...»

«Бекорларни айтибсиз. Ўзингиз яхши танийдиган масъул ходим сизни ўғри, деди...»

Чинор Тоштемировичнинг узуқ-юлуқ тушунтиришича, темир тобутни олиб келишга бош бўлган масъул ходим ўша мақолага даъвогарлик қилибди. Унинг айтишича, Умрзоқов Ўроққа ёдгорлик қўйилган куни, тантанали маросим пайти, масъул ходим ўтирган жойида маросим жараёнидан мутаассир бўлиб, қоғоз-қалам олиб мақола ёзишга киришган экан. Мақола битай-битай, деб турган маҳал қаҳрамон ўғлонинг онаси ҳушсиз йиқилибдию талатўпда қўлидаги қораламани ерга тушириб қўйган эмиш. Шу-шу, олатасирга ўралашиб мақолани унутиб юборган экан.

«...ҳа, ўғирлаб олиб газетага жўнатибсиз, яхши... А, ўлармидингиз шу кишининг ҳам номларини охирида тиркаб қўйсангиз? А, жонингиз чиқиб кетармиди?»

«Мен... мен... — дея чайналибди агроном-шоир шўрлик, маломатларданми ё маломатларгами, ишқилиб тили айланмай. — Ўғирлаб олганим йўқ. Шу оёқ ости бўп ётган еридан, оппоққина варақ увол бўлмасин деб олдим. Қарасам, ичида

ёзувлари бор экан. Кўпмас, аттиги йигирма қаторча, ўлай агар... Қолган ҳаммасини ўзим қўшдим, ўзимнинг меҳнатим...»

Чинор Тоштемирович димоғида киноялы илжайибди:

«А, чиққан мақола неча қатор эди? Атай санадим, кичкина устунда ўн бешта ҳам чиқмайдию...»

Улаш ака ҳисобчилик жиловини ҳам, ҳеч қурса, бирор марта силаб қўймаганидан шу пайт ич-ичида афсуслар чекачека ғудранибди:

«Шу... ўн беш қатордан ортиғини ўчирганман-да».

«Билмадим, ўртоқ... Гуноҳингизни қандай ўчирасиз энди?»

«Чинор Тоштемирович, — дея қўлини кўксига қўйибди агроном-шоир. — У кишининг номлари мақоладан тушиб қолган бўлса, бу ёғига қарздормиз. Насиб этса, достонимга у кишини, албатта, асосий қаҳрамонлардан қилиб оламан».

Агроном-шоир кўзни чирт юмиб шундай ваъда бериб юборибди. Ашурни достонга киритаман, деб кўриб қўйган барча тараддуди тўзғиб, қайта тараддудга киришиб хўб азиятлар чеккан бўлишига қарамай, маломатчи масъул ходим касрига уқубатлар яна нақд турган эса-да, тишни тишга босиб чидабди, тағин қайта тараддудни бўйнига олибди. Бироқ, боз надоматлар бўлсинким, Чинор Тоштемирович унинг тантанали ваъдаларига эътибор ҳам бермай, буткул бошқа тараддудни бўйнига қўйиб юборган эмиш.

«Яхши! Қарздорликни ҳис қилиш, яхши, — дебди у Улаш акага айёрона кўз қисиб. — Қалам ҳақини ҳушингиз жойидалигида узиб қўйганингиз тузук».

«Қанақа қалам ҳақи, Чинор ака?! Мен газетадан бир тийин ҳам олганим йўқ!»

«Ну, мақолани жўнатган сиз, газетадан сиз талаб қилинг гонорарни, а, мақолани тап-тайёрлаб қўлингизга тутқазган бу киши, демак, бу киши мутлақо ҳақли ўз ҳақ-ҳуқуқини сиздан талаб қилишга. Тушундингиз-а?»

«Ҳа, тушундим... а, қалам ҳақиси қанча бўларкан?»

Чинор Тоштемирович мамнун-мамнун илжайиб дебди:

«Си-из уйга бориб, Зумрадхон билан маслаҳатлашиб тараддуд кўраверинг. Ҳали ўзим яна чақиртираман. Қўрқманг, бўрдоқи кетса кетсин, обрў кетмасин. Ҳали бу киши икковимизга кў-ўп керак бўлади».

Ўша куни туш пайти таъна-маломат тошларидан қоп-қора юзлари баттар қорайиб, буюк достонининг буюк тараддудидай чўзилиб-чўзилиб, эзгин бир аҳволда Улаш ака ташқарига чиқибди. Хира тортган кўзлари билан бир ерга, бир кўкка тикилибди. Кўк ҳам таҳқирланган талант эгасининг ҳоли забунига аза очаётган каби тунд, юзларига қора парда қоплаган экан ўша пайт.

Ўша пайт биз — саккизинчи синф, тағин бирваракайига мактабга келмаган уч муаллимнинг шарофатидан шаталоқ отиб уй-уйимизга қайтаётган эдик. Ўша куни чошгоҳ маҳалиёқ бебарака дарслардан қутулдик. Бироқ ҳаво айниб-гина турганига қарамай, ҳеч бир синфдош уйига қайтишни, яна уй-рўзғор, тирикчилик ташвишларига ўралашишни истамас эди. Шу сабаб ҳам ҳув, шанбаликка чиққан кунимиздагидек, мактаб ичу ташида соатлаб тентиб юрдик. Охири, пиёзнинг пўстидеккина бўлиб кетган қоринлар садоқат билан уйларимиз томон етаклади.

Ўша пайт, мен дарвозамизга етар-етмас, Улаш ака ташвишли, тажанг қиёфада мени кувиб ўтди. Кувиб ўта-ўта дарду дунёсидай қоп-қора осмонга тикилиб, айниётган ҳавони сўкмоқчи бўлдими, ё қиш бўйи боқилган бўрдоқилардай булутларга ҳасрат қилдими, ишқилиб:

— Ах, чёрт, — деди қақшаб. — жуда жонга тегди-да.

Ўша кунлар димоғим чоғ, вақтим хуш эди менинг. Қишнинг охирларидаёқ ота-онам ўзаро зимдан пичирлашиб, «энди Самаджонни қўй-қўзи боқишдан бўшатайлик, ўқишга зўр берсин», дея қилган маслаҳати, ниҳоят, амалга ошди. Қуёш бекорчининг кўзидай чарақлаб турган куни отам иккимиз анчагина кўпайишиб қолган қўй-эчкиларимизни Лангар тоғ этагидаги овулда яшовчи таниш чўпоннинг сурувига қўшиб келдик. Ўша кунлар Чинор аканинг «мол-ҳолингни фермага қўшиб қўй, кўз олдимда бўлади, эгардалигимда фойдаланиб қол», дея астойдил жон куйдиришларига отам негадир кўнмади.

— Казо-казоларга едириб қўясан, — деди у ҳамишагидай заҳархандалик билан. — Кейин кимга шикоят қиламан? Сен фақат ишдан бўшайдиганларнинг аризасига қўл қўясан. Мен бечора, кичик бир мироб, ҳали ишим жонимга текканича йўқ.

Ўшанда Чинор ака ёлғондакам қовоқ-тумшуқ уйди:

— Йўғ-е, бирорта қўзи-пўзи берсанг, мушкулингни осон қиладиган топиларди-да... — деди.

Отам ферма мудирининг орасига тушиб, эвазига катта бир қўчқорли бўлганидан дўсти хабардор эканини англаб, таслим бўлгандай бош қашлаб сўлжайди. Бироқ дўстининг таклифларини рад этди.

— Устингга, ҳадеб ўлигимизни ташлайвермайлик, — деди у узр сўрагандай. — Сен ҳали бизга кўп керак бўласан.

Агроном-шоир қўққис қувиб ўтган пайт мени баъзи бир рўзғор юмушларини ҳисобламаганда буткул бекорчилик кутар эди. Шу сабаб ҳам димоғим чоғ, вақтим хуш эди. Шу сабаб ҳам дарвозадан дадил-дадил оёқ оширарканман, ҳовлимизда «Жигули»нинг капотини кўтариб қўйиб, машинани тузатаётган отамга миннатдорона кўз ташлаб, салом бердим. Отам ҳам бош ирғаб, ҳатто овоз чиқариб, ҳатто озгина жилмайиб алик олди.

Қоп-қора, қуюқ булутлар қучоқ ёйиб, қайларгадир оғир вазмин судралишар, майин бир эпкин эркаланиб-эркаланиб эсиб турар эди ўшанда.

Ўшанда мен илитилган шавлани пок-паққос тушириб, мириқа-мириқа лаб-лунжимни ялаб, мириқа-мириқа чой сипқордим. Кейин «бизга хизмат йўқми», дегандай, ҳануз машина билан андармон отамнинг ёнига бордим. Ўзимча «Жигули»нинг у ёқ-бу ёғини намчил латта билан артишга чоғландим.

— Кераги йўқ, — деди отам қорамтир осмонга бир кўз ташлаб қўйиб. — Барибир яна ботади.

Шу пайт қия очиқ дарвозамиздан ботинмайгина Лолахон кириб келди!

Ногоҳ булутлар чекиниб, қайноқ қуёш чарақлаб чиққандай юзларим қизиб, кўз олдим жимирлаб кетди!

— Э, э, келинг, ҳамсоя, — деди отам шоша-пиша қўлини кир латтага артиб, дарвоза томон пешвоз юрар экан. — Келинг, тортинманг.

Лолахон йирик-йирик каҳрабодек кўзларини пирпиратиб ерга қараб турар, енгил шамол этакларини эркаланиб-эркаланиб тортқилар эди.

— Мени... — деди у паст ва майин товушда. — Ойим юбордилар, анақа... ҳўкизимиз арқонини узворибди, шунга... уйда ҳеч ким йўқ эди.

— Хўп, хўп, — деди отам бева келиннинг мақсадини тезгина англаб. — Дарров ҳал қиламиз-да. Ҳозир бориб боғлаб қўямиз.

Лолахон индамай ортга қайтди. Изидан отам, унинг изидан мен ўша узилган арқонга боғлангандай беихтиёр эргашдик.

Отам бева келиндан ўзиб кетмаслик учун атай салмоқлаб-салмоқлаб қадам ташлар экан, кенг-узун кийимлар ҳам алланечук ярашиб турган қоматга қарамасликка ҳаракат қилар, гўё хижолат тортгандай гоҳ иягини, гоҳ энсасини тез-тез қашлар эди.

Эпкин шамолга айланиб тобора зўраймоқда. Осмон тўла уюм-уюм булутлар ҳануз-ҳануз қайларгадир судралиб ўтмоқда эди.

Биз бирин-кетин Файзулла аканинг ҳовлисига кирдик. Ойнабанд айвон ортидан Хосият холанинг ҳам неварасини, ҳам ўзини овутиб, алланелар, дея минғирлаши элас-элас қулоққа чалинади.

Отам бир-икки дадил-дадил томоқ қирди-да, ойнабанд айвонга кирди.

— Ассалому алайкум, опа. Невара чопқиллаяптима? Уй-ичкари тинчма... Ҳа... ҳа... худога шукр, ҳаммамиз яхши... А, буқа бўшалибдими? Э, товба-ей... ҳа... хўп, хўп... ҳозир, опа... Ҳозир, хўп...

Отам Хосият хола билан ҳол-аҳвол сўрашиб чиққан бир пайтда Лолахон ҳовли этагидаги буқа боғланган оғил, бостирма ёнига бориб ичкарига мўралар эди.

Мен айвон биқинида турибман.

Отам менга ҳеч бир эътибор бермай, шоша-пиша Лолахон турган ёққа йўрғалади.

Ҳовли ораста, саранжом-саришталн эди. Ям-яшил япроқлари барқ уриб қолган дарахтлар шамолда шитирлаб, енгил-енгил чайқалишади. Бостирма ёнидаги пичан ғарами қиш бўйи камайгандан камайиб ер бағирлаб қолган.

— Та-ак, — деди отам гўнг ҳиди анқиб турган пастак оғил ичига кираркан. — Арқони сийқаланибди-да, шунинг учун узилган.

Оғил ичи нимқоронғи эди. Сувоқлари уқалиб тушган охур ёнида баҳайбат, боқиманда буқа кўзлари ёниб, пишқириб турибди.

Узун бир ғўзапояни омонатгина тутган Лолахон отамнинг биқингинасида қўрқа-писа ўзича кўмакка шайланди. Бегона шарпалардан безовталанган буқа пишқириб, баҳайбат бошини сараклатди.

— Озроқ хашақ обке! — деди отам мен томон бир кўз ташлаб. — Бунинг дарди шу.

Мен бостирмадан сал наридаги кичик ғарамга қараб югурдим. Юзларимни муздек шамол сийпалаб-сийпалаб ўтди. Бир уюм хашакни қучоқладиму икки-уч ҳатлаб яна оғил эшигига юзландим.

Шу пайт буқа асабий тепсинганча бош чайқаб, Лолахоннинг чўп тутган қўли томон таҳдидли интилди.

— Вой!

Лолахон беихтиёр ўзини отамнинг бағрига отди. Саросимада қолган отам бева келинни қучоқлаб олди. Назаримда ҳар иккисининг ногоҳ порлаб кетган кўзлари нимқоронғи оғилни ёритиб юборгандай бўлди.

Оғил эшиги ёнида бир қучоқ хашакка қоришиб анграйганча турганимни Лолахон туйқус кўриб қолди. Кўрдию ҳалигина беихтиёр отамнинг бўйнига чирмашган қўлларини шоша-пиша йиғиштириб олди.

— Кўрқманг, Лолахон, қўрқманг, — деб ғудранди отам бева келинни оҳиста қучоғидан бўшатар экан.

Лолахон минг бир хижолатда андак тисарилди.

— Сен нима қилиб юрибсан? — дея ўшқирди отам хашак уюмини қучоғимдан олиб. — Бор, йўқол! Ишингни қил!

Ҳа, ҳа, мен йўқолишим керак эди!

Мен отамни деярли кўрмас эдим. Аллақачон кўзимни намчил, хира бир парда қоплаб олган эди.

Шашт билан орқага бурилдим. Муздек шамол қўл-оёқларимдан силтаб-силтаб тортқилаб, ўзи билан тентишга ундагандай бўлди. Тунд, бадқовоқ осмонга, баҳайбат буқалардек судралаётган булутларга қараб, узо-о-оқ-узоқ увуллагим келди.

* * *

Ўша баҳорнинг ўрталарида илиқ, осуда кунларнинг бирида шом қоронғуси қуйилиб келаётган бир пайт ҳар оқшом кўк тоқида ўзини кўз-кўзлаб, папирос чўғидеккина милтираб турадиган митти юлдуз қўққис хонадонимизга қўнди!

Йўқ, йўқ, аввал у вилоят марказига учиб тушган экан. Сўнг шашту шиддатининг зарбу зўридан юмалаб-юмалаб туман марказигача, ундан бизнинг фақиргина чўл овулгача етиб, охири Дўлановлар дарвозасига дориган экан!

Қўққис кўча ёқдан, шундоққина ҳовлимиз биқинидан эшитилган шовур-шувур отам икковимизни бир қур сергаклантирди. Ўшанда биз меҳмонхонамиз деразасининг ўша кунги қаттиқ шамол касридан чил-чил синган ойинаси ўрнига янгисини эндигина қўйиб бўлган эдик.

— Қара-чи, нима гап, — деди отам таажжуб тўла кўзларини кўча ёққа тикиб.

Қарадим. Дарвозамизнинг кичик темир эшигини очиб, бош чиқариб қарарканман, Қалқонов муаллимни сузиб юборишимга оз қолди.

У қувончу мамнунликдан лаб-лунжи ёйилиб, қисиқ кўзлари баттар қисилиб, дарвозани қоқишга шайланиб турган экан.

— Отанг уйдами, чақир, — деди у ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмай ҳовлимизга бостириб кириб.

Шу чоғ дарвоза ортида ғира-шира шомқоронғисида митти юлдуздек милтираётган папирос чўғига ғира-шира кўзим тушди.

— Келинг, домилла, — деди отам муаллимга пешвоз юриб.

— Ўртоқ Дўланиплар суюнчи берадими, йўқми?

— Берамиз, домилла, берамиз, — деди отам товушидаги ташвиш ўрнини қизиқиш эгаллаб. — Тинчликми, ишқилиб?

Қалқонов муаллим саҳнадаги бошловчилардек қилпанглаб:

— Кутиб оли-инг, — деди чўзиб, қўлларини дарвоза томон тўлғар экан. — Элимизнинг юлдуз шоирларидан Шунқор Ҳобил! Марҳамат!

Шугина чорловга илҳақ турганми, худди саҳна ортидан чиқиб келаётган артистдай, дарвозанинг ланг очиқ эшигидан узун, оқиш плашчига чувалашиб бир шарпа ҳовлимизга кирди.

— Ассалому алайкў-ўм, — деб дўриллаган овозда салом берди у.

Отам ҳам мамнуният билан алик ола-ола меҳмонга қучоқ очди.

— Дўланиплар хонадонида бу кеч қуёш порлайдиган бўлди, — дея ўз бошига сўзамоллик қилди Қалқонов муаллим бир-бирини бағирларига босиб кўришаётган қариндошларга қараб турар экан.

Бу орада меҳмонхонамиз чироғи чарақлаб ёнган, кутилмаган кўнок шарпасини сезган онам ичкарига шоша-пиша оҳорли кўрпачалар тўшаб ҳозирлик кўрар эди.

Шунқор Ҳобил мен билан ҳам қўл қисишиб кўришди. Шундагина унинг қуюқ, ўсиқ сочларию дўнг манглайига, жағ-ияк суяклари туртиб чиққан орик, заҳил юзига бир-бир кўз ташлаб олдим. Чап елкасига осиғлиқ узун тасмали, енгилгина йўл тўрваси унинг шаҳарча фасонини бўрттириб кўрсатар эди.

— Хуш келибсиз, қариндош, — дея мулозаматлар кўрсатди отам. — Хуш келибсиз. Қани, уйга кирамиз.

— Эргашбой, ўзингиз хабардор, эртаю кеч мактабда кўтарамиз, — дея жағи-жағига тегмай мақтанарди Қалқонов муаллим меҳмонхонамиз томон юришар экан. — Баъзан мулла Мирзанинг хуфтонигача ҳам идорадан чиқолмайман. Ишлар кўп. Ўқув жараёни қизғин. Бугун шуйтиб, каллани би-ир шамоллатай, деб...

Ҳа, ҳа, ўша оқшом у мактаб бўсағасида, калласида бор-йўғини шамолга совуриб турган бир пайт туман раҳбариятига тегишли оппоқ «Волга» идора томон учиб ўтибди. Қалқонов муаллим дарров сергакланибди. Юраги нималарнидир сезгандай бўлган эмиш. Йўрғалабди идора ёққа. Борса, ҳаммаёқда чопа-чоп. Чинор Тоштемировичнинг икки-уч ёрдамчилари оқ «Волга» атрофида безовта-безовта туришган экан. Мойлиевнинг ўзи эрталаб вилоят марказига, катта бир йиғинга кетгандан бери ҳали қайтмаган эмиш. Оқ «Волга»дан тушиб, папирос тутатганича хаёлчан-хаёлчан юриб турган жигит Қалқонов муаллимнинг кўзига иссиқ-иссиқ кўринибди. Секин суриштириб билса, пойтахтдан келган журналист экан! Ана, сўнгра жигитни дарров эслабди — Шунқор Ҳобил! Дарров қўшқўллаб кўришибди. Ўзини танитгач, асли сизни таклиф этган биз, дебди. Шунқор Ҳобил кўнгли сал жойига тушгандай, туман раҳбариятининг хизматчи машинасига қайтиб кетиш учун изн беribдилар. Хуллас, Қалқонов муаллим меҳмонни бу ёққа эргаштириб жўнаган эмиш.

Идора хизматчиларига ҳаммасини тушунтирибди, шоирни қариндошлариникига олиб бораман, дебди. Чинор Тоштемирович қайтиб келган заҳотиёқ дарров Дўлановларникига киришини идора хизматчиларига бот-бот тайинлаган эмиш...

— Шуйтиб, Шунқоржонни бошлаб кеп қолдим, — дея буюк хизмат кўрсатган қаҳрамондай керилди Қалқонов муаллим, меҳмоннинг изидан тўрт тарафига қалин-қалин, оҳорли кўрпачалар тўшалиб, лўппи-лўппи ёстиқлар ташланган меҳмонхонамизга кирар экан. — Овлоққинада би-ир гурунг қилиб, шеърлардан эшитамиз-да.

Шунқор Ҳобил мезбонларнинг анча-мунча қийин-қистовидан сўнг тўрга ўтиб ўтирди. Ўтира-ўтира ечган плашчи ва йўл тўрвасини бир чеккага қўйди.

— Оми-ин, — деди Қалқонов муаллим қовушмайгина кафтларини дуога очиб. — Биз келдик, бало қочсин, оми-ин, оллоҳу акбар!

Енгил-елпи фотиҳадан сўнг меҳмону мезбонлар бир-биридан қайта-қайта ҳол-аҳвол сўраша кетди.

Машҳур қариндошимизнинг ташрифидан боши кўкка етган отам гоҳ муллаваччалардек чўк тушиб, гоҳ чордона қуриб, бесаранжом ўтирар эди.

Шунқор Ҳобил ҳам афт-ангоридан сипо бир табассум аримай мулозиматга мулозимат қайтарар экан, кулранг костюмининг тугмаларини бўшатиб, оппоқ ёқаларини сириб-гина турган бўйинбоғини андак бўшатиб, қулайроқ ўрнашишга киришди.

Мен айвонда отамдан кўрсатмалар кутиб, хизматга шай турар эдим. Уйимизга юлдуз қўнгани шарофатиданми, онам ва опам куймаланиб юрган ошхонамиз ҳам алланечук чарағонлашиб кетгандай эди.

Шу пайт тобора қоронғуликни қўқитиб Улаш ака ҳовлиққанича пайдо бўлди. Афтидан у меҳмоннинг дарагини идорадаёқ эшитган, юз-кўзлари тўла ҳаяжон. Улаш ака енгил-енгил қадамлар билан, енгил-енгил томоқ қириб айвонимизга оёқ босар экан, бурканиб олган беқасам чопонининг қўйнидан икки шиша ароқ чиқариб, индамай менга узатди-да, ошхона томон ияк қоқиб қўйди. Сўнг уст-бошига бир кур разм солиб кўнгли тўлгач, меҳмонхонага бош суқа-суқа қироат билан салом берди:

— Асалому алайкў-ўм...

Узоқ йўл азоби ҳақида ғўнғир-ғўнғир гурунглашиб ўтирганлар ўринларидан қўзғалиб қолишди.

— Э, э, сиз қимирламанг, меҳмон, — деди Улаш ака Шунқор Ҳобил билан кўришиш илинжида тўрга интилар экан.

Шу орада менинг қўлимдаги бўйдор шишаларга кўзи тушган отам агроном-шоирга зимдан қараб миннатдорона бош ирғаб қўйди.

Мен «омонат»ларни қўйиб келиш учун ошхонага чопдим. Онам жирканганнамо, «ордана қолсин-е», дея шишаларни қўлимдан олар-олмас, гўё қизиқ бир кинонинг қизиқ бир қисми ўтиб кетаётгандай яна илдам-илдам айвонга қайтдим.

— Бу киши бизнинг ҳамсоя, — деб Улаш акани меҳмонга таништирарди отам. — Катта агроном, катта шоир, тузуккина мухбир, фаол жамоатчи...

Шунқор Ҳобил отамнинг таъриф-тавсифларига бош ирғай-ирғай нописанд илжаяр, бундай қатор-қатор сифатлар фақат ўзигагина тегишли эканини таъкидлагандек иягу бўйинларини силаб-силаб қўяр эди.

— Бу меҳмонни яхши биласиз, — дея таништирувда давом этди отам, ёнгинасига омонат чўккан Улаш акага юзланиб. — Аввало бизнинг қариндош, аммамнинг ўғли, пойтахтда яшайди. Таниқли шоир, журналист, ёзувчи ва ҳоказо ва ҳоказо...

— Шунқоржонни нафақат биз, бутун мамлакат танийди, — дея қўшиб қўйди Қалқонов муаллим, негадир шу оқшом сўзамоллашиб.

Улаш ака қўлини кўксига қўйиб, унсиз-сассиз жон ҳолатда бош ирғар экан, ҳурматли меҳмоннинг машҳурлигига сўзу таъриф йўқлигини тинмай таъкидлагандай бўлди.

Отам пайт пойлаб-пойлаб букчайибгина ўрнидан турдида, айвонга чиқди.

— Самад, — деди у менга шивирлаб. — Бориб, Сафар акангни айтиб кел, биргина кўрайин, деб қақшаб юрганди.

— Хўп.

Отам бир пайтлар берган ваъдага кўра, эртагаёқ қариндошимизга қўшиб мени олис шаҳарга жўнатадигандай ўзимча

қувониб, ширин-ширин хаёллар етовида кўчага чиқдим. Ҳаммаёқ қоп-қоронғу эди. Осмон тўла ғуж-ғуж юлдузлар гўё мени имлаб чорлаётгандай жимирлашади.

Сафармурод чавандознинг хонадони бизникидан анчагина узоқда эди. Бироқ мен шошилмасдим. Негадир ширин-ширин ўйлар оғушида узоқ-узоқ тентиб юргим келар эди. Ҳаво илиқ эди. Ҳув, Улаш ака кўкка қараб «жуда жонга теккан»идан шикоят қилгандан бери ёғин-сочин тийилиб қолган.

Ўшанда мен барибир Сафармурод акасиз қайтдим. Чавандоз юмуш билан қўшни қишлоққа кетган экан. Тўлқин «шоир, журналист, ёзувчи ва ҳоказо...» қариндошимизни шунчалар таъриф-тавсиф қилсам ҳам бизникига келмади. «Эртага эл қатори кўрарман», деб тўнғиллай-тўнғиллай эснади. Алланечук нафсониятимга теккандай аччиғланиб қайтдим. Қайтишда қадамларим ўз-ўзидан илдамлашди.

— Нега йўқолиб кетдинг? — деб сўради отам жаҳл билан, ошхона ёнида менга дуч келиб. — Сафар қани?

— Уйда йўқ экан.

Отам ортиқча тафсилотларни суриштирмай, ўз-ўзича тўнғиллаб бир чойнак чойни кўтарганча меҳмонхонага кирди. Назаримда, унинг барча қувончу ҳаяжонлари босилиб, ўрнини афсус-надомат эгаллагандай эди.

Меҳмонхона қуюқ сигарет дудига чулғанган. Ўртага аллақачон дастурхон ёйилиб, онам сандиққинасида сақлаб юрадиган ҳар хил ширинликлар билан тўппа-тузук безатилибди. Дастурхон устидаги ушатилган нон, чаккиси яримлаб қолган икки-уч коса, бир чеккада юмалаб ётган бўш шиша зиёфат анчадан бери бошланиб кетганидан дарак берар эди.

Шунқор Ҳобил тўрда гоҳ ёнбошлаб, гоҳ ўтириб сигарет тутатяпти. Қалқонов муаллим ҳам Улаш ака ҳам эмин-эркин ястаниб, чой ҳўплашиб ичкиликдан қизарган кўзлари билан меҳмоннинг оғзига термилишган эди.

Шарпасизгина бориб дастурхоннинг бир четига ўтирганимни ҳеч бири пайқамагандай бўлди.

— Дард билан ёзиш керак, — деб қўйди Шунқор Ҳобил, ҳойнаҳой, узилган гапини давом эттириб. Бутун суҳбат жилови ўз илкида бўлган, шекилли, овози бўғиқ ва ҳорғин эшитилди.

— Масалан, — деди Улаш ака қизишган товушда. — Сиз ёзган асарларнинг ҳаммаси ҳам уруш ҳақида...

— Мен урушдан нафратланаман, — дея унинг гапини бўлди Шунқор Ҳобил, ошкора нописандлик билан.

Аммо агроном-шоир бўш келмади. Афтидан у гапи бўлинавериб, меҳмондан дашном эшитавериб сурбетлашган эди.

— Нафратлансангиз ёзманг, — деди у елка учириб. — Масалан, мен «Портвейн» виносини ўлгудай ёмон кўраман, сиз айтгандай нафратланаман, шунинг учун ичмай қўя қоламан, тамом-вассалом.

Шунқор Ҳобил сигарет қолдиғини дастурхондаги пиёла ичига босаркан, «қойил-е» дегандай бош чайқаб, қош учириб қўйди.

Отам ва Қалқонов муаллим ҳам анчадан бери ҳайрат тўла кўзларини агроном-шоирдан узишмас эди.

— Гапларингизда жон бордай, ака Улаш, — деди меҳмон чуқур бир тин олиб. — Лекин мени унча тушунмадингиз. Гап шахсий манфаат устида бораётгани йўқ. Ёзувчилик шахсий ишим бўлганида балки сиздай тамом-вассалом қилишим мумкин эди. Лекин...

Шунқор Ҳобил яна бир чуқур тин олиб, «бу ёғи сизларга қоронғи», дегандай бош чайқаб қолди.

— Хўп, хўп, лекин... — дея луқма ташлади Улаш ака, ҳануз меҳмонни ўз ҳолига қўймай, ундан саволчан-синовчан нигоҳини узмас экан.

— Лекин... бугун ўлаётган адабиётимиз қурбонлик талаб қиляпти. Мен ҳам ноилож нафратли мавзуга ўзимни қурбон қилдим. Чунки уруш мавзусини ёритишда адабиётимизда каатта бир бўшлиқ бор, чунки ҳеч бир ёзувчи бундай кенг кўламли, дарди оғир, чалкаш мавзуда қалам тебратмаган, тўғрироғи, тебратолмаган.

Шунқор Ҳобил дардга тўла юрагига малҳам излагандай пайпасланиб, қип-қизил сигарет қутисини яна қўлга олди. Шошилмай чекишдан бир донасини лабларига қистирди.

Отам ва Қалқонов муаллим баҳсни тезроқ якунлашга ундагандай кетма-кет, узун-қисқа ҳомуза тортишди.

— Демак, адабиётнинг оғир йўлидан кетибсиз-да, — деб қўйди Улаш ака оғзига бир дона шўрданакни ташлаб, қарс-қурс чақар экан.

Шунқор Ҳобил «кўриб турибсиз-ку» дегандай елка қисиб, пешона тириштирди.

— Шуйтиб... қўлдан келганича ёзаяпмиз, — деди у бироздан сўнг чала чекилган сигаретини тағин кулдон пиёлага босиб. — Лекин машаққатларим ўз мевасини бераяпти. Адабиётимизда уруш психологияси яратилди. Умуман дунё адабиётида уруш психологиясини ярата олган учта адиб бор, Хэмингуэй, Толстой ва мен.

— Хайрият-е, — беихтиёр оғзидан отилиб чиқди отамнинг. — Инсофи бор жияннинг, анови икки дардисарни шерик қилибди.

Шунқор Ҳобил мезбоннинг қочирмасини тузукроқ эшитмай қолди, шекилли, паришонлик билан ғудранди:

— Ҳа, шундай, шундай...

Қалқонов муаллим ва Улаш ака таажжуб тўла кўзлари билан бир-бирига бақрайганча қараб қолишди. Ҳатто агроном-шоир ҳаммаларини ҳангу-манг қилиб ташлаган буюк даъволар меҳмоннинг оғзидан чиққанига шубҳалангандай киши билмас хонтахта остига кўз ташлади.

— Шунқоржон, — деди Улаш ака ҳануз меҳмонга саволчан-синовчан тикилиб, афтидан, агроном-шоир улфатининг ҳали ҳуши жойидалигига буткул ишонч ҳосил қилиш учун атай гапга тутди. — Бу... асарларингизга мукофот-пукофотлар ҳам бўб турибдими?

— Ака Улаш, биз сийлов учун ижод қилмаймиз. Ну... албатта қуруқ қўйишмайди. Ҳозирча уч мукофотга лауреатман.

Шу пайт меҳмонхонанинг қия очиб қўйилган эшигидан Нурия опам секин томоқ қириб, мени имлади.

Липпа туриб бўсағадан бош чиқардим.

— Буни ол, — деб шивирлади у қўлидаги бир лаган паловга имо қилиб. — Дастурхонга қўй-да, ўзинг ошхонага кел.

Паловнинг хуш ҳиди иштаҳаларимни қитиқлаб ўтди. Шундагина чошгоҳдан бери туз тотмаганимни, қорним роса очиққанини ҳис этдим.

— Об-бо, овора бўбсиз-да, тоға, — деди Шунқор Ҳобил ёнбош узалган жойидан қад ростлаб ўтираркан. — Қоринни тўйғазгандик-ку?!

Отам қўлимдан олган лаганни дастурхон ўртасига қўя-қўя айбдорона минғирлади:

— Қўй сўймоқчи эдим, кеч бўб кетди.

— Қўяверинг, калласини олишга арзийдиган нарса ҳамиша топилади, — деди Улаш ака навбати етган шишанинг қопқоғини юлиб олар экан, алланечук қувноқ оҳангда.

Шу кеч агроном-шоир Шунқор Ҳобил билан суҳбати қизиган сайин гўё икковлари ҳам бир нусха эканини ногоҳ англаб етганини таъкидлагандек, билиб-билмай ўтирган ўрнидан меҳмоннинг қабатига тез-тез силжир, юз-кўзлари қувончдан ял-ял жилваланар эди.

— Энди-и, Шунқоржон, — деди Қалқонов муаллим пайтдан фойдаланиб. — Шу гап, тантанали маросимни эртага соат ўнларда бошлаймиз. Сиз дам олиб турасиз, ўзим опкетаман...

Мен меҳмонхонадан чиқиб ошхона томон йўрғаладим. Оч қорнимнинг бошқа қизиқарли суҳбатга тобў токати йўқ эди.

* * *

Қаҳрамон ўғлон — Умрзоқов Ўроқ хотирасига ёдгорлик ўрнатилиб, мактабимиз унинг номи билан атала бошлаганига роппа-роса бир йил тўлгани шарафига ўтказилган ўша тантанали маросимда қатнашиш менга насиб этмаган экан.

Ўша куни эрталаб тантанали йиғинга тантанали тараддуд кўриб, ўсиб-ҳурпайибгина қолган сочимни қатиқ билан ювиб-тараб, кўзгу олдида турганимда ичкари уйдан отам чақириб қолди.

— Самад, дарров 3-«А» га бориб келмасанг бўлмайди.

— 3-«А»га?!

Адашмагандим, 3-«А» совхозига, аммамникига боришим керак экан!

Аммамнинг нафасқисма касали бор эди. Шу дардга даво ноёб дорини отам аллақайдандир аллақачон топиб қўйган, бироқ анов-манов сабабларга чалғиб неча кунлардан бери етказиб беролмай юрган экан.

— Бугун меҳмонни ташлаб кетолмайман. Сен ғирра бориб кел. Барибир, бугун беҳудага мактаб ҳовлисида сарғаясан.

— Беҳуда сарғаймайман, — дедим отамнинг нописандлигидан аччиғланиб. — Ахир, мен...

Ҳа, ҳа, ахир, мен — мактабнинг фаол ўқувчиларидан бири тантанали маросимда фаол қатнашишим шарт-ку?!

Мен нажот сўрагандай онамга илтижоли қарадим. Бироқ онам ҳам астойдил бош ирғаб отамнинг айтганларини маъқуллаб турар эди.

— Илдам-илдам йўлга чиқсанг, дарровгина бориб-қайтасан, — деди у ҳам бугунги зарил ишларимни тан олмай. — Ҳеч қурса, анови маъраканинг ярмига улгурасан.

— Какраз, Тоғай тоға ҳозир марказга жўнайди, — дея шошилтирди отам. — 3-«А» нинг муюлишига етиб олсанг бўлди.

Бу маслаҳат ўзимга ҳам жўяли туюлди. Дорини зарда билан қўйнимга солдиму ташқари отилдим.

— Ҳа, айтганча, — дея бўсағада тўхтатди отам. — Аммангнинг ўғли велосипедини сотмоқчи бўб юрганди. Агар сенга маъқул келса, савдолашиб ўтирмай дарров миниб қайтавер.

Албатта! Шу гапдан бошлаш керак эди ҳаммасини, фаол ўқувчини беҳуда сарғайтирмай!

Зардаларим зангдай ювилиб, ичу ташим қувончдан ялял ярақлаб қолди.

Шўхлигим тутиб, меҳмонхонамиз деразасидан ичкарига ўғрилардек мўраладим. Саҳар туриб, тонг сеҳридан, қушлар чуғуридан илҳомланиб, хаёлчан-хаёлчан дала-дашт кезадиган шоирлардан бири, уй тўрида ғира-шира ёруғликдан ғашлангандай оҳорли кўрпага бурканиб ҳануз уйқуни урар эди.

Негадир завқим қистаб пиқ-пиқ кулиб кўчага отилдим.

Ўшанда бир амаллаб манзилга етдим. Ҳали ноёб дори қўлига тегмай туриб, мени кўргандаёқ аммамнинг нафас йўллари тугул гап халтаси ҳам очилиб кетди. Мени қучиб-ўпиб, алқай-алқай, аввал хўб қувнаб-яйради, сўнг сержин юзларига ташвиш оралади. Отамнинг нега ўзи келмаганини сўраб-суриштирди. Терлаб-пишиб тушунтиришларимга ишонмади. Бир пайт келинларининг ҳайҳайлашига қарамай, «инижоним тинмай тушларимга кириб ётибди, кўриб қайтмасам тинчимайман», деб ўзи ҳам сафарга отланиб қолди. Ўғилларидан бири иддао билан шалоққина «Москвич»ини йўлга ўнгарди. Худо, «ол, қулим», деган экан, анчадан бери қантариб қўйилган велосипедни ҳам машинага ортдик.

Пешинга яқин бизникига кириб келдик. Велосипедни машина багажидан тушириб олгач, меҳмонларни кутилма-

ган ташрифдан ҳангу манг онамнинг истиқболига қолдирдиму кўчага отилдим. Йўқ, йўқ, кўчага учдим.

Велосипед худди кўнглимдагини сезгандай тўппа-тўғри мактаб ҳовлиси томон елдек уча кетди. Тантанали маросимга тантанали кириб бориш ниятида эдим-да. Бироқ мактаб ҳовлиси бўм-бўш эди. Беш-олти нафар ғўддайган ўнинчи синф ўқувчилари ичкарига киргизаётган стол-стуллар, Умрзоқов Ўроқнинг ёдгорлиги пойига уюлган гул-чечаклар тантанали маросим яқиндагина тугаганидан дарак берар эди.

Шу пайт идора томондан велосипедини елдириб келаётган Дурбекка кўзим тушиб қолди. Мен ҳам «тойчоғим»га липпа миндиму қайқайиб-қайқайиб дўстимга пешвоз ҳайдадим. Дурбек мени кўриб, велосипедини тўхтата-тўхтата оёқ ошириб устидан тушди.

— Самад, сенмисан? — сўради у таажжубланиб велосипедга тикилар экан. — Ўзингникими? Қачон олдинг буни?

— Бугун аммамникидан опкелдим.

Дурбек тишлари орасидан нописанд «чирт-чирт» туфлаб қўйди. Шундагина ўзим ҳам велосипедим уникининг олдида абжаққина, хирагина эканини ҳис этдим. Дурбекники олинганига олти ойдан ошган эса-да, гўё заводдан ҳозиргина чиққандай ярқираб турибди, ҳаммаёғи бус-бутун.

— Бугун мактабга бордингми? — деб сўрадим Дурбекнинг диққатини велосипеддан чалғитиш илинжида.

— Ҳа. Ўзинг қаёққа йўқолдинг?

— Айтдим-ку, велосипед опкелдим, деб.

— Мажлис зўр бўлди-да. Анови қариндошинг бир соат гапириб, бир соат шеър ўқиди. Шаҳардан келганми у?

— Ҳа, шаҳарда яшаб, шаҳарда ишлайди.

— Мен тушунмадим,— деди Дурбек тишлари орасидан «чирт-чирт» туфлаб. — Бир қарасанг шойирман, дейди, бир журналистман, дейди, яна икки-уч марта ёзувчиман, деб айтди-ёв, ка-атта китоб ёзганмиш... Биз қайси бирига ишонишимизни билмай ҳайрон қолдик.

— Урушда ҳам қатнашган, қаҳрамон, — деб қўшиб қўйдим мен.

Дурбек ҳеч бирига ишонмагандай лаб буриб, елка қисиб қўйди.

— Файзулла акалар ҳам чиқишдими йиғинга? — сўрадим мен.

— Ҳа. Хосият хола чиқмади лекин.

— Нега?

Дурбек яна лаб буриб, елка қисди. Сўнг кўзлари ваҳимали-ваҳимали олайиб:

— Эй, — деди пичирлаб. — Каттаконларга қўшилиб раёндан бир момо ҳам келди. Қари, бетлари чайнаб ташлангандай ғижим, мункиллаб қолган, кўзлари шилпиқ. Лекин кўкраклари ҳар хил орденларга тўла, юрганида шиғирлайди. Раёнлик бир фаол ўқувчи етаклаб юрибди. Каттаконлар уни Лолахон опанинг ёнига ўтиргизиб қўйди. Лолахон опа жирканибми, қўрқибми ёнига сурилиб олганини ўзим кўрдим.

— Ким экан у? — деб сўрадим негадир аччиғланиб. — Бошқа жой қуриган эканми момога?

— Билмадим... Айтишларича, урушда эри қаҳрамонларча ўлиб, ўзи икки боласи билан бева қолиб кетган экан. Ҳурмати раёнда зўр эмиш момонинг. Орденлари ҳам шунинг учун берилганакан.

— Каттаконлар кўп келишдими раёндан?

— Ҳа, икки «Волга» тўла. Йиғилишдан сўнг бир мошин каттаконлар қайтиб кетишди. Анови... масъул ака билан ҳалиги момо қолди. Сенинг қариндошингни кутиб туришибди. Олиб кетишаркан.

— Қани улар?

Дурбек сўровимга жавоб бермай тағин бир зум хаёлчан-хаёлчан турди-да:

— Эй, Самад, — деди кўзлари қувончдан порлаб. — Зўр нарсалардан қуруқ қолдинг-да! Ҳув, пак-пакана бошлиқ билан келган расмчи — мухбир эсингдами, ана шу киши ҳам йиғилишда қатнашди. Ҳаммамиз ҳайкалнинг ёнида туриб суратга тушдик. Ка-атта рангли журналда чиқарармиш расмларимизни.

— Ким айтди?

— Қалқонов муаллим. Бу зўр гап сенинг қариндошингдан чиққанмиш. Шунинг учунми, билмадим, қариндошинг расмчи мухбиргаям ўргатимчилик қилди, ундай суратга олинг, бундай туширинг, деб бечорани тоза ғаранг қилди.

Ҳатто пойтахтда чиқадиган журнал вилоят газетимас, сифатсиз сурат чиқарсанг меҳнатинг куяди, деб қўрқитди. Бизга ҳам бақириб берди қариндошинг — анграймай, ҳайкалга ғамгин қараб туринглар, деди. Лекин мен барибир расмчига қараб-қараб олдим, бетим кўринмаса, рангли журналда чиққаннинг нима қизиғи бор, тўғрими?

— Тўғри, лекин ҳамма сендай ўйлаган бўлса, бечора расмчининг чини билан меҳнати куйибди.

— Қариндошинг Лолахон опани ҳам қўярда-қўймай суратга туширтирди. Лолахон опа ҳайкалга бошини суяб, йиғлаб-йиғлаб расмга тушди. Қариндошинг мақтади. Журналнинг муқовасига зўр чиқади, деди.

— Лолахон чини билан йиғладими? — дея сўрадим юрагим ачишиб.

— Ҳа, дугоналари ўйиндан чиқариб қўйган қизчаларга ўхшаб йиғлади. Унинг йиғлаганидан каттакөнлар ҳам таъсирланиб, бош кўтаролмай қолишди. Анови момо «уйинг куйсин, уруш», деб кўз ёши қилди.

Томоғимга нимадир тиқилгандай бўлди менинг. Одатда, бўғизлаш учун ётқизилган жонлиқнинг мўлтираган кўзларига кўзим тушса шундай аҳволда қоламан.

— Э, Самад, — деди Дурбек тағин тишлари орасидан бир-икки «чирт-чирт» туфлагач, сирли бир тарзда пичирлаб. — Хафа бўлмагину, сенинг қариндошинг мақтанчоқ, ўғри экан!

— Нима? Қай гўрдан олдинг бу туҳматни?

— Ўзим тусмолладим. Отам билан Эргаш акам пичирлашганини эшитиб қолдим. Сенинг қариндошинг нутқ сўзлаётганида бир нима деди-ёв. Ҳозир эсимда йўқ.

— Эсла, ўв, эсам туҳматинг учун уриб каллангни ёраман.

Менинг ростакамига жаҳлим чиқди. Билмадим, ё Дурбекнинг машҳур қариндошимизни кўролмаслик қилишиданми, ё шундай қизиқарли маросимда қатнашолмаганиданми тобора тажанглашиб борар эдим.

Дурбек тинмай ўнг чакка сочини тортқиларди. Одатда, у муаллимлар берган саволга зўр бериб жавоб изласа, худди керакли гапни миясидан сидириб олмоқчидек шундай қилиқ қилади.

— Ҳа, ҳа, — деди Дурбек, ниҳоят кўзларини пирпиратиб. — Оз-моз эсладим, сенинг қариндошинг нутқ сўзлай-сўзлай, урушда ҳеч қачон ғолиблар бўлмайди, деди, тағин,

яна бир ерида, биз топталган авлодмиз, деди, худди ўзи ичидан тўқиб чиқараётгандай айтди, ҳатто айта-айта зўр гапи қандай таъсир қилганини билмоқчидай, каттаконларга қадалиб-қадалиб қаради.

— Хўш, — дедим дўстимнинг гапини шартта бўлиб. — Айтган бўлса айтган, қараган бўлса қараган.

— Шошма, ўв, — деди Дурбек энди менинг гапимни бўлиб. — Боя қариндошинг бир соатча гапирганини айтдима?! Айтдим. Шу бир соат ичида ҳалиги зўр гапларни бешолти марта қайтарди. Охири, отам чидаёлмай, отангнинг қулоғига пичирлади. Эшитдим.

— Хўш, нима деди Чинор ака?

— Отамни биласан, чакана китоб ўқимаган. Сенинг ҳам отанг китобхўр. Отам бу гаплар анови машҳур ёзувчининг гаплари-ку, деб пичирлади. Эргаш акам эса, қўявер, буларнинг бари тенг шерик, бири ёзади, бири элга ёяди, деди. Иккови пиқ-пиқ кулишди. Улаш аканинг ҳам қулоғига чалинган экан, сал энгашиб, уруш психологияси, деб шивирлади.

— Улаш гўрнинг ўзи-чи, — дедим, негадир агроном-шоир кўзимга балодай кўриниб. — Шеър-пер ўқидими?

— Йў-ўқ. Сенинг қариндошингга қараб, худди ўзи гапириб, шеърлар ўқиётгандай керилиб ўтирди, у ёқ-бу ёққа салтанг-салтанг юрди.

— Э, ўргилдим савлатидан, — дедим аранг, агроном-шоирни бадном қилишга бошқа сўз тополмай.

— Эй, жўра, айтганча, — деди Дурбек ноёб топилдиқ топгандай кўзларини пирпиратиб. — Ҳалиги, Улаш аканинг эпиграф, деган шеъри бор эди-ку, эслайсанми?

— Қанақа-а?

— Ҳув, Ўроқнинг ҳайкали очилган кун тантанада ўқиб берганди-ку? Эсладинг-а? Ана шу эпиграф шеър ҳалиги... Ғажиган чирик олмадай момога бағишлаб ёзилган экан...

— Ким ёзган экан?

— Билмадим, шоир-да... — деб мужмал елка қисди Дурбек. — Улаш ака ёзган-да.

— Ўтрик! — дедим, ниҳоят, агроном-шоирни ерпарчин қилиш пайти етганидан қувониб. — Сенинг Улаш акажонинг кўчирмачи, ўғри. Эсингдами, Чинор акам боплаб шармандасини чиқарган.

Дурбек иккимиз велосипедларимизнинг орқа ўриндиғига миниб, ғалати бир тарзда эгилиб-букилиб гурунглашар эканмиз, машҳур қариндошимизни жон-жаҳдим билан ҳимоя қилишга киришгандим.

— Шунқор ака, барибир зў-ўр шоир, — дедим бир пайтлар қариндошимизни телевизорда кўрсатишганда отам унинг шеърларидан таъсирланиб мақтагани эсимга тушиб.

— Тўғри, тўғри, — дея шошиб бош ирғади Дурбек. — Зўр шоир экан, шеърларини эшитиб, отам ҳам каттаконларга мақтади. Кейин яна секи-ин Эргаш акамга пичирлади, кўп гапирмай, шуйтибгина шеърларидан ўқиб қўйса бўларди-я, деди.

Дурбекнинг шу чала-ярим мақтовидан сўнг андак ичим илиб қолди. Аммо дўстим бир зум тишлари орасидан «чирт-чирт» туфлаб тургач:

— Сенинг қариндошинг, — дея гап бошлади, тағин ҳафсаламни пир қилиб. — Барибир хафа бўлди-ёв. Йиғин тугаб ҳамма тарқаётган пайт отамга қош-қабоқ уюб қаради, раис бова, бизники хизматчилик, энди-и, би-ир хўжаликнинг у ёқ-бу ёғига қарайлик, деди, газетамга долзарб мақола тайёрлаб бермасам, гап тегади, деб айтди.

— Тўғри-да.

— Нимаси тўғри? Сенинг қариндошингнинг шу гапидан сўнг отам атрофга аланг-жаланг қараб қолди. Масалан, мен ўйин пайти бировнинг ғирромлик қилганини кўрсам, шуйтиб бесаранжом бўп қоламан. Отам кайфияти тушиб, хўп, хўп, деди. Ҳозир улар далаларни айланишгани кетишди. Гаражни кўришди, музейни кўришди, иккита искладниям текширишди.

— Нимасини текширишди?

— Билмадим... Сенинг қариндошинг худди бир нима йўқотгандай, ҳаммаёқни синчиклаб-синчиклаб қараб юрибди. Қош-қабоғидан қор ёғади. Ҳозир улар бадқовоқнинг далаcига кетишди. Эргаш акам отамга шипшиб, шу ёқни кўрсатамиз, Абдулла аканинг пайкаллари зўр, деди. Кейин Сафармурод аканинг бригадасига боришаркан. Ёнларида ўша масъул ака ҳам бор.

— Юр, Дурбек! — дедим қизиқишим қитиқлаб. — Кетдик, нима қилишларини томоша қиламиз, юр. Велосипедда ғирра учамизу борамиз.

Дурбек алланималарни ўзича чамалаб бироз тараддудланиб қолди. Сўнг:

— Сафармурод аканинг даласига борамиз, — деди шошиб. — Барибир бадқовоқнинг бригадасига улгурмаймиз. Улар у ёқни кўриб чавандознинг даласига боргунча биз ғирра етамиз. Кетдикми?

— Кетдик!

Дурбек шу чоғ эндигина кўриб қолгандай велосипедимга масхараомуз тикилди:

— Бунинг ярайдими, ишқилиб? Ҳалиги қирчанғи момога ўхшаб етакласанг аранг юради, шекилли, а?

Ногоҳ унинг масхарасидан ўша сўлиган олмадай кампир эсимга тушиб:

— Э, айтганча, —деб сўрандим. — Ҳалиги момонг қани? Масъул ака билан қолди, дегандинг-ку?

— Ҳув, музейда, — деди Дурбек чала-ярим кўриниб турган «Маданият уйи» томон ияк қоқиб. — Лолахон билан ўтирибди эзмаланиб. Ановиларнинг қайтишини кутаяпти.

— Бечора, нега келган экан-а?

Дурбек лаб буриб, елка қисди. Елка қисиб, тура-тура, бир пайт менга алланечук ваҳимали тикилиб:

— Э, жўра, — деди пичирлаб. — Айтганча, сени Лолахон опа сўраганди.

Ногоҳ юзларим қизиб, қулоқларим шанғиллаб кетди.

— Нима-а?! — дедим аранг, овозим алланечук ғулдираб эшитилди ўзимга.

— Чин. Йиғилишдан сўнг дарвоза ёнида Тўлқинни кутиб тургандим, ўша бева келин ёнимдан ўта-ўта, Самаджон дўстингиз қаерда, бугун кўринмадилар, деб сўради. Билмадим, дедим, тўғриси, у билан ғаплашишдан қўрқдим, жўра.

— Нега қўрқасан? — деб сўрадим унинг ҳар бир сўзини бутун вужудим қулоққа айланиб эшитар эканман.

— Билмадим, — деди Дурбек хаёлчан-хаёлчан. — Илгари яхши эди. Шўх-ҳазилкаш келин эди. Ҳозир ғамгин...

— Ҳозир ҳам шўх, ҳазилкаш, — беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди менинг, алланечук қувончу жўшқинликдан мастона гангиб турар эканман.

— Ўв, — деди Дурбек чинакам таҳликага тушиб. — Ундай, дема, эшак. Гуноҳ бўлади! Ишонмасанг, момомдан сўра.

Лолахон опани доим ҳурмат қилишимиз керак, дуосини олишимиз керак. Агар кўнглини оғритсак ёмон бўларкан.

Мен насиҳатлари қулоғимга ғира-шира эшитилаётган дўстимни қучиб-қучиб олгим келар эди. Лаб-лунжимни эплаб йиғолмай илжайдим.

Ҳа, ҳа, аразларим бутқул тарқаб кетди! Оғилдаги ҳодисадан сўнг, дарду дунём қоронғу бўлиб, Лолахонни ҳеч қачон, ҳеч қачон кўрмасликка, беҳаё юзларига қарамасликка қасамлар ичдим. «Ахир, бу бир шунчаки тасодиф эдику?!» дея ич-ичимдан тошган муросасоз овозларни назарписанд қилмас эдим. Еру кўкка сиғмай беҳаловат, беқарор юрдим. Овлоқ-овлоқларда ўз бошимга энтикиб-энтикиб йиғладим. Ҳа, ниҳоят, кулдим! Ниҳоят, гина-кудуратларим омонат тумандай тарқади!

— Мунча гангидинг? — дея Дурбек ажабланиб башарамга тикилди. — Худди биров тумшуғингга ўхшатиб туширгандай. Қўрқма, Лолахон опага нолойиқ гап қилганингни ҳеч кимга айтмайман. Далага кетдикми? Эсам улгурмаймиз!

— Кетдик.

* * *

Мен елдек учиб борар эдим. Велосипед ғилдираклари сертупроқ ўйдим-чуқур дала йўлига тегиб-тегмай, жазавали-жазавали силкиниб айланар, енгил-елпи кўтарилган чанг-ғубор ортимдан тўзғиб-тўзғиб эргашар эди.

Тўлишган келинчакнинг тип-тиниқ чеҳрасидай тип-тиниқ осмон бошим узра энгашиб юзларимдан ўпиб-ўпиб олаётгандек, майин, илиқ нафасидек шабада қулоқларимга сирли-сирли шивирлаётгандек туюларкан худди қанот боғлаган каби ҳаволаниб-ҳаволаниб олға интилар эдим.

— Мана, келдиг-у, — деди Дурбек чанг-ғубордан чимирилиб, мени ортиқ қистамасликка кўндирмоқчидай. — Улгурдик.

Ҳа, етиб келдик. Юз-юз эллик қадам нарида Сафармурод аканинг хирмонжойи қуриган кўлдеккина қовжираб ётар эди.

— Ий-я, нима гап?! — деди Дурбек кўзларини каттакатта қилиб. — Қара!

Қарадим! Чиндан-да ҳалигина хирмонжойнинг қирғоғига қайрилибгина тўхтаган «Жигули»дан оғир-вазмин тушган таниш қиёфалар, қўққис, бир фалокатни пай-қашгандай пайкал томон анграйиб-анграйиб қолишди. Улар ўртасида узун, оқиш плашчининг барлари саланглаб Шунқор Ҳобил яққол кўзга ташланади. Масъул ходим шляпасини энсаси томон суриб қўйди. Отам билан Чинор ака ора-чора бир-бирига жонсарак-жонсарак кўз ташлаб олишди.

— Тезроқ юрсанг-чи, — деб қистаб қўйди Дурбек.

— Мунча аланглашади, нима гап экан-а?

Биз ҳам ҳовлиққанча етиб бордик.

А, ҳа-а! Ана томошаю мана томоша! Хирмонжойдан андак қуйидаги пайкалнинг бир чеккасидаги намчил тупроғи кўпчибгина ётган майдонда томоша қизғин экан!

Сафармурод чавандоз билқиллаган тупроқ устида тиззалаб, қўлларини ерга тираб, асов айғирдай турар, бизнинг синфдош Ҳужжатуллохон унинг белига минган кўйи у ён-бу ён қамчи серпар эди.

Сафармурод ака чинакам тулпордай олд «оёқ»ларини андак кўтариб чинакамига кишнаб юборди! Сўнг бўғиқ бир товушда:

— Ҳа-а, эшонжоним, бўш келманг! — деб қийқирдию олға йўрғалади. — Ана, улоққа етдингиз, узалинг! Ҳа-а, бўшашманг, интилинг!

Ҳужжатуллохон ҳам чавандозларга хос қийқириб ерга узалди. Ўзича қийнала-қийнала тупроққа қоришиб ётган бўм-бўш шишани илиб олди.

— Ана! Энди қамчи босинг! — дея бўғилгандан бўғилиб қичқирди Сафармурод ака секин-секин йўртаркан. — Бундай пайт отни аяманг! Уринг сағрисига!

Ўзича у ён-бу ён қамчисини серпаб ётган Ҳужжатуллохон ботинмайгина «от»нинг сонига қамчи солди.

Сафармурод ака чинакам тулпордай гувраниб, тиззалари остидан тупроқ тўзғитиб югургилаб кетди.

Шу пайт от бошини хирмонжой томон бурган Ҳужжатуллохон, қўққис бизни кўриб қолди. Кўриб қолдию алланима, деб Сафармурод аканинг белидан ирғиб тушди. Ирғиб туша-туша қўлидаги шишани бир чеккага улоқтирди.

Бу орада Сафармурод ака ҳам бизни кўрди. Бироқ у ўша тарзда хирмонжой томон бир зум чимирилиб турди-да, тағин тақа мўйловлари жийрилиб, чинакам тулпорчасига кишнаб қўйди.Сўнг ҳануз биз ёққа бақрайиб турган Ҳужжатуллохонга юзланиб ўшқирди:

— Ё, эшоним, нима, томошабин кўрмагансизми? Қани, мининг, от совумасин!

Ҳужжатуллохон минг бир саросима билан яна Сафармурод аканинг белига минди. Бироқ бақрайган кўзлари ҳамон биз тарафда эди.

— Ё-ё, эшонжоним, — дея бўғиқ қичқирди Сафармурод ака бошини отларга хос сараклатиб. — Томошаталабга анграйган чавандоз гўрам бўлмайди. Қани, қамчиланг!

Биз ҳануз-ҳануз анқайиб турар эдик.

— Бу нима гап?! — дея масъул ходимга юзланди Шунқор Ҳобил. — Қанақа масхарабозлик?! Ғирт маст-ку, у?

Мен шундагина унинг қўлидаги қоп-қора, чарм жилдли қалингина дафтарини, ола-чипор ручкасини пайқадим.

Чинор ака майиша-майиша, саросима билан уларга яқинлашди.

— Ҳали... кейин тушунтираман, — деди у бир масъул ходимга, бир бизнинг қариндошга жонсарак тикилиб. — Шундай бўб қолди-да.

Сафармурод чавандознинг таърифи анча-мунча қулоғига чалинган масъул ходим мийиғида илжайиб қўйди.

Бироқ Шунқор Ҳобил алланечук зарда билан машина томон йўналиб аразлаган гўдакдай димоғида ғудранарди:

— Устимдан кулаяпсизлар-а? Атай мени шундай жойга опкелдиларингизми? Кўрамиз. Охирида кулганники амал.

Масъул ходим илдамгина интилиб унинг қўлтиғидан олдида, шивирлашга тушди.

— Йў-ўқ, катта бова, — деди Шунқор Ҳобил дўстона тутган қўлдан юлқиниб чиқаркан. — Сиз ҳам жавоб берасиз ҳали. Нима, давлатнинг экин даласи кўпкари майдонимиди? Яна шундай долзарб мавсумда-я?! Кўрамиз...

Отам пайкал чеккасидаги ола-тасирдан аранг кўз узиб, қариндошимизнинг билагидан тутиб тўхтатди.

— Шунқоржон, бир қошиқ қонларидан кечинг буларнинг, — деди у мулойим илжайиб. — Ҳаммасига айбдор мен.

Анови ҳам бегона эмас, — отам боши билан кўпкари майдони томон ишора қилди. — Сиз билан би-ир кўришсак, деб орзу қиларди, шуйтиб, мен икковингизни учраштирмоқчи бўб...

— Нима, у тентак-пентакми? — деб тўнғиллади Шунқор Ҳобил сал шашти пасайиб. — Бизни одам ўрнида кўрмади.

Отам бир зум муросабоп сўз излай-излай ияк қашлаб тургач:

— Бу шўрлик ҳам уруш ветерани, — деди туйқус мия-сига урган жўяли баҳонадан енгил тортиб. — Контужен.

Шунқор Ҳобил «контужен»лар фақатгина аҳли қалам орасида учрайди, деган хаёлда бўлса керак, алланечук рашк билан тумшайиб қолди. Сўнг илкис интилиб машинанинг орқа эшигини очди-да, ўзини ичкарига урди.

— Кўрамиз ҳали, — дея ғудранарди у. — Мен сизларни ўзимизнинг эл-улус, деб юкингандим. Матбуотда би-ир мақтамоқчи эдим. Ҳаммаси бекор экан. Садқаи одам кетларинг. Калака қилишларингга қараб ўтирмайман.

Отам истеҳзо билан ияк қашлаб қариндошини кузатиб турди. Чинор ака ва масъул ходимнинг кўзлари таажжуб ва ташвишга тўла эди.

Бу орада Сафармурод ака Ҳужжатуллохонни ортиқ қистамай, белидан тушириб ташлаган эса-да, ҳануз-ҳануз тиззаларию тугилган мушт — «туёқлари» билан намчил тупроқни тўзғитиб у ён-бу ён йўртар эди.

Қўққис у тулпорларга хос пишқира-пишқира тўхтади. Тўхтай-тўхтай калласини илкис кўтариб, тер ва тупроқдан тарғил тусга кирган юзларини тип-тиниқ, тип-тиниқ олис осмонга теккизмоқчидек сапчиди, сапчина-сапчина, гўё тип-тиниқ, олис-олис осмонга арзу ҳол айлаган каби тағин бир бор чўзғин-чўзғин кишнаб юборди.

* * *

Йўқ, Шунқор Ҳобил ўша куни кетмади.

Чинор ака бизнинг қариндошни қўярда қўймай олиб қолган экан.

Тун ярмидан оққан бир пайт отам иккиси бир-бирига суяниб дарвозамиздан кириб келишди.

— Тоға, ошнангизга беш кетдим, — дея мастона ғудранарди Шунқор Ҳобил. — Оёғи чўлоқ бўлсаям калласи бут, юраги тоза одам экан. Анови киши... анови тақа мўйлов...

— Саппар, — аранг пўнғиллади кўзлари сузилиб-сузилиб, юмилиб-юмилиб бораётган отам. — Чаваго-он...

— Саппар акага ҳам қойил қолдим. Тоға... бундай ошнолар билан хор бўлмайсиз. Мўйлов ҳам покиза одам.

— Шунқоржон, — отам меҳмоннинг юзларидан ўпиб-ўпиб олди. — Сиз... ўзингиз покиза жигит, юрагингиз тоза, шуйтиб, ҳамма кўзингизга тоза кўринади-да.

Шунқор Ҳобил ҳам жавобан отамнинг афт-ангорини сўлакайга белади.

— Ҳаммаларингизга раҳмат, — дея ғудранди у. — Ҳаммангиз чин инсонлар. Сизларни шарафлайман. Туркум очерклар ёзаман сиз азиз одамлар ҳақида. Йў-ўқ, керак бўлса, қисса ё роман ёзаман...

Йўқ, ўша тун Шунқор Ҳобил шунчаки мастликдан, шунчаки ҳавойи гап қилмаган экан!

Эртаси куни эрталаб меҳмонхона деразаси ёнидан ўтиб кета туриб, туйқус унга кўзим тушиб қолди.

Шунқор Ҳобил эгнига, ажабтовур, енг-кўкраклари оқ, йўл-йўл, ям-яшил спорт либоси кийган, сочлари қўқиб, соқоллари тиканакдек ўсган, тунги ичкиликбозлик касридан ранг-рўйи бўзариб, кўзлари киртайган бир аҳволда хонтахтага тирсак тираб паришон ўтирар эди. Хонтахта устида ўша қора чарм жилдли, қалингина дафтари, ола-чипор ручкаси ётибди.

Меҳмон мени пайқаб қолдию имлаб чақирди. Шундагина киртайган кўзларининг қорачиқлари алланечук илҳом билан порлаб турганини сездим.

— Мактабга кетаяпсанми? — деди у салом бериб ичкарига кирганимда. — Ҳали эртароқ эмасми?

— Йўқ, соат саккиз бўлаяпти, — дедим хонтахта ёнига омонат чўкарканман.

— Йўғ-е?! — Шунқор Ҳобил ажабсиниб илкис интилдию дераза токчасига қўйиб қўйган сарғиш бандли соатини қўлга олди. — Да-а, айтганинг чин, — деди соат милларига ҳайрон-ҳайрон тикилиб манглай қашларкан. — Ҳалигина қараганимда олти бўлганди. Дарров шунча вақт ўтибди-я?!

Шу пайт даҳлиз эшиги ғийқ этиб очилиб, елкасига қора сатин чопонини елвагай ташлаб олган отам чиқди. Унинг ҳам салқи қовоқ кўзларида, куя тушган кигиз парчасидек-кина киртишланмаган соқол-мўйловларида тунги ичкилик-бозлик аломатлари қалқиб турар эди.

Отам меҳмонхона ёққа эснай-эснай бир кўз ташлаб қўйди-да, ивирсиганича ҳовли этаги томон кетди.

— Мана, бу сенга эсталик, — деди Шунқор Ҳобил йўл тўрвасини титкилаб ичидан ўзиникидек ола-чипор, чип-чиройлик ручка чиқариб менга узатаркан. — Сен ҳам катта ёзувчи бўл.

— Раҳмат, — дедим эсталикни қўлга олиб. Сўнг азбаройи қувончимни яшириш учунми, ё сийловга яраша сийлов сўзлар айтгим келдими, хонтахта устидаги очиқ-сочиқ дафтарга кўз ташлаб сўрадим. — Шеър ёзаяпсизми, Шунқор ака?

— Йў-ўқ. Баъзи бир каллага келган фикрларни ҳозир қоғозга тушириб қўймасам, эрта-индин ҳеч эслаёлмай гарангим чиқади. Умуман... бу ҳам ижод.

— Шунқор ака, сиз зўр шоирсиз, — дедим қариндошимизнинг илҳомидан юқтириб.

Шунқор Ҳобил камтарона илжайиб, бош ирғаб қўйди:

— Раҳмат, Самадбой, раҳмат.

Шу орада ювилган юз-қўлларини сап-сариқ сочиққа арта-арта ҳовлида бўшашибгина турган отам меҳмонхонанинг ланг очиқ эшиги ёққа ажаблангандек кўз ташлаб олди. Сўнг шошилмай қўлидаги сочиқни равон ромига қоқилган михга илиб, биз томон юрди.

— Ассалому алайкў-ўм, — деб салом берди у хириллаган товушда. — Мен, меҳмон ҳали дам олаяпти, десам, бу киши хўроз қичқирмасдан илгари турган экан-ку.

Шунқор Ҳобил илжайиб ўрнидан қўзғалди.

— Ў-ҳў-ў, — деди отам меҳмоннинг бош-адоқ ям-яшил, оқ, йўл-йўлли спорт либосига кўз ташларкан. — Ана, энди фўрмага кирибсиз.

— Соат бешдан бу ёғига уйқу қочиб кетди, — деди Шунқор Ҳобил қайта ўтираркан. — Туриб, озгина ҳовлини айландим, сўнг... — у кўз қири билан дафтар, ручкага ишора қилди. — Баъзи нарсаларни қоғозга илдириб қўяй, деб...

—Бинойи, бинойи, — деди отам соқоли қуюқ ияклари-ни қашлаб. — А, бош оғримаяптими?

— Йў-ўқ, биз шунга ўргатганмиз.

— Меники тарс ёрилгудек бўлаяпти, — дея тўғрисига кўчди отам, манглай сочларини ғижимлаб. — Ҳали пича уйқудан кам бўлди-ёв.

Шунқор Ҳобил тағин йўл тўрвасини кавлаштириб кичкина, ялтироқ қути чиқарди-да, отамга узатди:

— Мановидан бир дона ичиб юборсангиз, калла дарров жойига келади. Уйқу-пуйқу керакмас.

Отам бир интилиб қўлига олган ялтироқ қутичанинг жилдидаги ёзувларга синчиклаб-синчиклаб қараб қолди.

Шунқор Ҳобил гўё пайтдан фойдалангандек:

— Тоға, — деди хижолатли илжайиб. — Агар сизларга малол келмаса, яна икки кунгина қолсам.

— Э, қўйсангиз-чи, — деб юборди отам, туйқус кир-тайган кўзлари катта-катта очилиб, қўлларини қанотдай ёяр экан. — Малол деганингиз нимаси, шу ҳам гап бўлдию!.. Қани эди, икки кунмас икки ой қолсангиз. Унақа бегонача гап қилманг, қариндош.

Шунқор Ҳобил ҳануз хижолатли илжайган кўйи мин-натдорона бош иргади.

— Тўғриси, — деди бир оздан сўнг дераза оша хаёлчан тикилиб. — Дала-даштни роса соғинибман. Би-ир пою-пиёда кезайин.

— Йўғ-е. Мана, бизнинг мошин бор, мана, Самадбой-нинг велосипеди бор. Сизни пиёда қўйиб, ўлибмизми, — деди отам астойдил тавозе билан.

— Вақт топсам, — деди Шунқор Ҳобил қалин дафтари-ни нари-бери суриб. — Очеркимнинг биринчи қораламаси-ни шу ерда тинчитиб олсам зўр бўларди-да. Жонли чиқади.

Отам қувонч билан қулоч ёйиб, бош тебратди:

— Қани эди шуйтсангиз... Асарингиз чиққанда бизники-да ёзилган, деб кариллаб юрардик-да...

Мен ҳам отамнинг ҳар бир сўзини бош ирғай-бош ирғай тасдиқлаб толмадим ўша эрталаб.

Ўша эрталаб биринчи қўнғироққа аранг улгурдим. Учинчи чорак таътилидан бери илк марта мактаб бўсағасидан оёқ ошираётганим учунми, аллақандай қувончу ҳаяжон, алла-

қандай соғинчу илҳақлик бутун борлиғимни қамраб олди. Ўшанда мактаб йўлагини тўлдирган намиққан тупроқнинг, қандайдир бўёқларнинг исидан бошларим айланиб кетгандай бўлди. Тинмай гапиргим, қаҳқаҳа отиб кулгим, синфдошлар чув-чувига кўмилгим келди.

Ўша кунни ҳамма синфдошлар ҳам илҳақу интизор кутишган экан. Бутун таътил бўйи йиғилиб қолган миш-мишу ҳангомалар, шивир-шивиру пичир-пичирлар бирварака- йига тўкиб солинди.

— Дўланов С. шаҳарга кетяпти! — дея баралла эълон қилди Дурбек биринчи дарс танаффусидаёқ.

Озгина ҳавас, кўпроқ ҳасад ва озгина киноя аралаш-қуралаш бу эълон дўстимнинг истагига қарши алланечук тантанавор отилиб чиқди унинг бўғзидан. Шусиз ҳам мен сотиб олган велосипеднинг, икки-уч кундан бери уйимизга танда қўйган «шоир, журналист, ёзувчи ва ҳоказо» қариндошимнинг муҳокамасини оғизларида сақичдек чайнаб турган синфдошлар «Дўланов С»ни дувва ўраб олишди. Албатта, мен ҳовлиқма синфдошлардан хафа бўлмадим. Қайтам, мактаб бўсағасидаёқ қувончу соғинчдан ёйилиб кетган лаблунжим баттар ёйилиб, ҳаммасини гапириб бердим. Ҳатто ўзимдан пича-пича қўшиб, машҳур қариндошимнинг шарофатидан мактабни битириб, шаҳарга боргунимча ёзувчилар институтида бир ўрин мен учун ҳамиша банд туришини бажонидил ошкор этдим. Насия гапларимни синфдошларим ҳам бажонидил эшитишди, ҳатто, қўлимни сиқиб, табриклаб қўювчилар ҳам топилди.

Ҳаммамиз эзма, ҳаммамиз шўх-шаддод, ҳаммамиз билағон эдик ўша кун.

Ўша кун катта танаффус арафасида эрталабдан бери ичичимдан қайнаб-тошиб ётган қувончу ҳаяжон, соғинчу илҳақлик заррача босилмаганини туйқус пайқаб қолдим! Ҳануз-ҳануз нелардандир ҳаяжонланар, алағда кўнглим неларнидир илҳақ-интизор қумсар эди. Катта танаффус лайти беихтиёр ташқарига ошиқдим. Бироқ болаларнинг қий-чувига тўла мактаб ҳовлиси ҳам мени овутолмади!

Кўзларим беихтиёр мактабимиз рўпарасидаги маҳобатли гўша томон алангланди! Мен шундагина Лолахонни соғинганимни, жуда қаттиқ соғинганимни англаб етдим!

Кўзларим илҳақ, жуда илҳақ излаган қўш табақа эшик худди мени бағрига чорлаётгандек ланг очиқ эди! Мен дарёга интилган ташнадай, жуда ташнадай ўша ёққа югурдим.

Қуёш ярақлаб-ярақлаб нур сочар эди. Барқ уриб япроқлаган дов-дарахтлар ҳаяжонимдан ҳаяжонлангандек енгилгина титраб турибди. Қушлар чарх уриб, чуғур-чуғурлашиб кўнглим арзини ҳароратли ҳаволарга сочишаётгандек эди.

Қўш табақа эшикдан бош суқар эканман, таниш, жуда таниш намиққан чанг ва ёғоч исидан бошим енгилгина айланиб кетди. Атай қадамларимни дупуллатиб босдим.

Қўққис, Лолахон йўлакка отилиб чиқди! Ўша-ўша оқ рўмол, узун-кенг кўйлак, ўша-ўша шаҳло кўзлар, қийиқ қошлар, ўша-ўша тиниқ чеҳра, бўртган ёноқлар...

— Самад!

Бетон деворларга урилиб жаранглаб кетган бу таниш, жуда таниш товуш ҳам илҳақ-интизорликка, ҳасрату ғуссага лиммо-лим эди.

— Самад, сизлигингизни билдим, дарров билдим, — дея қалдирғочдек вижирлади Лолахон. — Қаранг, ўйланмай отилиб чиқдим, қадам ташлашингиздан билдим, қаранг...

Мен тилим сўзга айланмай, бутун вужудимдан силқиб чиқаётган титроқ билан олиша-олиша унга яқинлашдим. Шу пайт бўғзимга нимадир тошдек тиқилди, шу пайт шундоққина юзларини юзимга теккузгудек тарзда арзу ҳол этаётган Лолахоннинг каҳрабодек қорачиқларида ўзимни кўриб қолдим!

— Сиз аразчисиз, ёлғончи, номардсиз...

Мен унинг шикоятларини ажиб бир мусиқа тинглаётган шинавандадек жону дилим билан ютоқиб-ютоқиб, ҳузурланиб-ҳузурланиб эшитар эдим.

— Вой, ўлсин, — дея ҳануз тўлиб-тошиб сўзлар эди Лолахон. — Икковимизнинг музейимиз ивирсиб, бир қат чанг босиб кетибди. Ўлиб-тирилиб юваётгандим. У куни сиз кўринмадингиз-у... анови... Тан-та-танта-танали маросимда роса кўп одам йиғилди. Бу ерга ҳам кирдилар. Бўпти, — Лолахон кўзларини ҳинд киносидаги гўзаллардай карашма билан қисиб қўйди. — Сиз кутубхонада ғимирлаб туринг, мен бир минут...

У қалдирғочдай вижир-вижирлаб ўзини музей ичкарисига урди. Мен шундагина юракларим гурс-гурс тепиб, томоқларим қуруқшаб қолганини сездим.

Кутубхона ҳамишагидек озода, саранжом-саришта эди. Кираверишдаги ўша қизил мато қопланган иш столи устида мен илгари кўрмаган бир неча китоблар тахлаб қўйилган ва тахлам ёнида учишга шайланган қанотдек бир жуфт оқ варақ ястаниб ётар эди.

Хат! Майда, тиғиз ёзувлар. Ҳа, ҳа, бу — мактуб эди!

Мен варақлар очиқ-сочиқ ётгани учунми ҳеч бир саросимасиз, қўлларимни иш столига тираб энгашган кўйи майда, тиғиз ёзувларга тез-тез кўз югуртира бошладим...

«Ассалому алайкум, холажон! Аҳволларингиз тузукми, жиянларим ҳам соғ-саломатми? Ҳаммаларига менинг, Бахтиёржоннинг, ҳамма-ҳамма қариндошлар номидан саломлар айтиб қўйинг. Холажон, сизни жуда соғиндим. Туриб-туриб, негадир ойимгамас, сизга хат ёзгим келиб кетди. Ўйлайманки, ойижоним бир галга хафа бўлмаслар. Ойижонимга алоҳида кў-ўп салом айтиб қўйинг.

Холажон! Мендан хавотир олмангизлар, тузукман. Ҳеч бир камчиликлар йўқ. Бахтиёржон катта бўлаяпти. Тили ширингина чиқиб қолган. Бувисига дум. Қайга борса изларидан боради. Бирга овқатланади, ҳатто бирга ачом-ачом қилиб ухлайди. Мени икки-уч кун кўрмаса ҳам иши йўқ, аммо бувисини сал-пал йўқотиб қўйса, ана, харҳашани кўринг. Тўғриси, ойимлар мана шу невараси билан овуниб юрибдилар. Анча чўкиб қолганлар. Кўни-қўшниларникига ҳам кам чиқадилар. Тиқ этса эшикка қарайдилар, биласиз-у-у.

Холажон! Сизнинг кўп китоб ўқишингизга кулардик. Аммо мен ҳам китобхон бўп кетдим. Хола, очиғи, дунёда китобдай меҳрибон, китобдай яқин дўст бўлмас экан. Мен ҳозирлар ҳар куни ишхонамга чиқаяпман. Бўш вақт топилди, дегунча китобга ёпишаман. Энди бўш вақтим ҳам бўлмаса керак. Бир куни раисимиз Чинор ака, биласиз-у, ҳув, оқсоқ киши, жуда ўқимишли, маданиятли инсон, ана ўшалар идорасига чақиртирибди мени. Бахтиёрнинг буваси билан идорасига кирдик. Жуда хомуш тортиб, бизлани ярамизни тирнамайдиган, кўнглимизни кўтарадиган қилиб анча пайт гапирдилар. Охири, вилоят раҳ-

барияти сўзининг устидан чиқди, дедилар. Қишнинг бошида, ҳалиги «йил» маъракадан беш-олти кун ўтиб, қишлоғимизга жуда кўп казо-казолар келишганди. Ўшаларга бош-қош пакпакана киши алланималаргадир ваъда берган экан, шуни уддалабдилар. Хуллас, Чинор ака айтдиларки, энди мен вилоят Кенгаши, деган жойга депутат эканман. Анов-мановмас, фахрий депутат эканман. Шу пайтгача ҳамиша фахрли депутат бўлиб келган кампир қариб-чарчаб, ярамай қопти. Ўрнига мен ҳар томонлама муносиб эмишман. Раҳбарлар ҳамма расмиятчиликларни ўзлари тўғирлашаркан. Хуллас, мен шунақа... мажлисларда ўтирадиган, идорама-идора юрадиган бир амалдор бўп қолдим. Тўғриси, қанақа вазифани бажаришимга, қанақа иш билан шуғулланишимга ҳеч ақлим етмайди. Лекин Бахтиёржоннинг буваси хурсанд бўлдилар. Йўқ, депутатлик у кишига ёқиб тушганданмас, шунчаки, мен овуниб юрадиган, баҳайбат иш топилганидан қувондилар. Чинор акамларга, бутун раҳбариятга раҳматлар айтди, Лолахон қизим ишончларингизни оқлайди, деди. Раисимиз ҳам, бибимиздан кўнглимиз тўқ, бутун вилоят хотин-қизларига ўрнак бўлади, деб шунча яхшиликлари камдай таъзим ҳам қилиб қўйдилар.

Ҳа, айтганча, мен биби бўп қолдим. Бу ерда энг ҳурматли, энг покиза, анақа... отинойимларга ўхшаш доно, дуогўй аёлларни шунақа аташар экан. Ҳа, холажон, бу элдан, бу содда, кўнгилчан одамлардан жуда-жуда миннатдорман. Улар раҳматлик Ўроқ акамнинг, менинг шаънимга заррача ғубор қўндирмай пок сақлашаяпти. Мен ҳам уларнинг эъзозига, ҳурматига муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Улар хоҳлагандай кийинаман, улар хоҳлагандай юраман. Мана, улар исташди, фахрли депутат ҳам бўп қолаяпман. Аммо шу ишга розилик берганимдан Бахтиёржоннинг буваси анча енгил тортдилар. У киши анча қийналиб, ўзича менинг кўнглимни тополмай, ғамга ботиб юрганди. Мени бу хонадондан узоқлаштирса, раҳматлик ўғлининг руҳи поки чирқиллашидан қўрқади, иннайкейин, ўшанақа ниятини билдирса, менинг ҳам кўнглимга қаттиқ ботишидан чўчийдилар, хуллас, икки ўт орасида қолгандилар у киши. Йўқ, депутатликка розичилик билдирганимдан сўнг, салпал енгил тортдилар. Умрингдан барака топ, қизим, сени она эмас, фаришталар эмизиб катта қилган экан, деб алқадилар, кўзларига ёш олдилар.

Холажон! Яқинда раҳматлик куёвингизга ёдгорлик ўрнатилганига, мактабга у кишининг номи берилганига йил тўлиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Роса одам кўп йиғилди. Казо-казолар келишди. Шу маросимга анови менга фахрли депутатликни топшираётган кампир ҳам келди. Уни бошлаб келган масъул ходим мени ўша кампирга кўрсатиб, сизнинг ўринбосарингиз деди. Кампир ҳе-ҳелаб кулди, мени бош-адоқ кўздан кечирди. Қўрқиб кетдим! Негадир эртаклардаги ямламай ютадиган ялмоғиз хаёлимга келди. Назаримда, ёнгинамда қари депутатмас, уни ҳам ямламай ютиб, энди менга кўз олайтираётган аллақандай юҳо, жодугар ўтиргандай эди. Холажон, ростакамига ўтакам ёрилди. Тўғриси, қаттиқ хафа бўлдим. Хаёлимда руҳлар, жинлар менга атай, келажагимни опкелиб кўрсатгандай бўлди. Аммо кампирнинг жағлари ҳали бақувват, овозлари тетик-тетик экан. Анча пайт бизнинг кутубхонада гаплашиб ўтирдик. Кампир икки соатча эзмаланди, дардуҳол қилди, йиғлади. Эри урушда ҳалок бўлган экан. Йигирма беш ёшимда бева қолганман, деди. Бир ўғил, бир қизи бор экан. Шу болаларни деб, эрининг пок хотираси, деб бошқа эр қилмаганмиш. Шукр, ҳукуматимиз қадримга етти, эъзозлади, мукофотлади, яхши-яхши ишларни ишониб топширди, деди. Болалари ҳам тузуккина қарашар эканлар. Лекин қизим, негадир кўнглим ярим, деб шивирлади. Айтишича, кўча-кўйда гоҳ бир-бирини койиб, гоҳ бир-бирини алқаб ўтиб-қайтаётган чолу кампирларни кўрса юраклари тутдай тўкиларкан.

Холажон!..

Шу пайт музей ичкарисидаги нималардир тарақлашдан чўчиб тушдим. Илкис қад ростлаб, худди айб устида қўлга тушишдан қўрққандай, кутубхона тўрига қараб юрдим. Кўз ўнгимда ҳануз майда-тиғиз ёзувлар жимирлаб турар эди.

Ҳойнаҳой, Лолахон янгам супир-сидирни тугатиб, кўргазмаларни қайта тартиблаб қўяётган бўлса керак, «тарақ-туруқ», «тап-туп» товушлар анчагача тинмади.

— Уф, силлам қуриди-ей, — деб нолиди уст-бошларини орасталаганча пайдо бўлган Лолахон янгам ўз иш столи қиррасига омонатгина суянаркан.

Мен ўзимча варақлаб ётган журнални қайта сўрига қўйиб, Лолахон ёққа илжайиб қарадим:

— Тинмайсиз-а, янга.

Шу пайт йўлакдан енгил-енгил қадам товушлари эшитилди. Лолахон ирғиб қад ростлади-да, теваракка синчиклаб бир қур кўз ташлади, иш столи устидаги очиқ-сочиқ хатни китоблар тагига бостириб қўйди, енг-ёқаларига қўл тегизиб олди.

— Ассалў-ўм...

Виқорли бир салом берганича кутубхона бўсағасида Шунқор Ҳобил пайдо бўлди. Ўша ям-яшил, оқ йўл-йўлли спорт либоси бўй-бастига ярашган, қўл билан тароқлаган сочлари тўзғин, соқоллари тиканакдек ўсиқ бир тарзда майин жилмайибгина турар эди у.

— Кечирасиз, — деди қариндошимиз иш столи биқинида бош эгиб турган Лолахонга юзланиб. — Кутубхонангизни би-ир томоша қилмоқчи эдим, агар рухсат берсангиз. У куни талатўпда тузукроқ кўз ҳам ташлаёлмадик.

Лолахон билинар-билинмас бош ирғаб қўйди.

— Самадбой, сиз ҳам шу ерда-ку? — деди Шунқор Ҳобил менга кўзи тушгач, таажжуб билан қошларини кериб. — А, ўқиш нима бўлди? Ҳали дарслар тугамади-ёв?

Мен қаттиқ уялиб кетдим. Қариндошимизнинг «ҳозирча фақат ўқишга зўр беринг», деган насиҳати ёдимга тушдию ўнғайсиз аҳволда қолдим.

— Шу... бир зарил китобга келгандим, — дедим аранг, беихтиёр эшик томон юриб.

Негадир Лолахонга бош кўтариб қараёлмадим.

* * *

Шунқор Ҳобил посёлкамизда уч кун турди. Уч кун унга ва шўрлик велосипедимга тиним бўлмади. Шоир ўзи орзу қилгандай дала-даштларни кўрди, экин пайкалларини оралади. Чинор Тоштемировични минг бир шубҳа-гумонларга ташлаб, у ер-бу ерда қора-қура деҳқонлар билан узоқ-узоқ суҳбатлашди. Уч кун ичида у қорайиб, қўллари қадоқлашиб, отам айтгандай, шу ернинг одами бўлиб қолди.

Шунқор Ҳобил ҳар кун эрталабдан то чошгоҳга довур меҳмонхонамизда гоҳ ястаниб, гоҳ чўзилиб ўша қора чарм жилдли дафтарига алланималарни битди. Сигарет бурқситиб хаёллар сурди.

Шоир уч оқшом меҳмондорчиликдан бўшамади. Бир кеч Сафармурод чавандозникида, бир кеч Қалқонов муаллимникида зиёфатга кўмилди. Учинчи оқшом эса уни тағин Чинор ака қўярда қўймай уйига таклиф этди. Ҳойнаҳой, «шоир, журналист, ёзувчи ва ҳоказо» қариндошимизнинг узоқ чўзилган сафари сабаб кўнглига оралаган ғулғула Чинор Тоштемировични яна чиқимдор бўлишга мажбурлади.

Шунқор Ҳобил кўзимга балодай кўриниб қолди. Йўқ, йўқ, ҳар учратганда адабиёт, тарих фани бўйича эзмаланиб, саволларга кўмиб ташлаганидан, икки-уч марта қайгўрдаги ариққа йиқилиб велосипедимни майиб қилганидан, зиёфатлардан ярим тунда отам иккови маст-аласт қайтиб безовта қилганидан эмас, мен уни бошқа айби учун ёмон кўриб қолдим.

Шунқор Ҳобил ҳар уч кун ҳам тушга яқин «Маданият уйи»да кўкарди. У ерда узоқ-узоқ қолиб кетди. Уч кун ҳар гал катта танаффусга чиққан маҳалим, «Маданият уйи»нинг айвонида мунғайибгина турган велосипедимни кўриб ўзим ҳам мунғайиб қолдим. Хўрлигим тошди. Қўлларим ўзўзидан мушт бўлиб тугилди. Уч кун дарду дунём қоп-қоронғу бўлиб юрди.

Учинчи оқшом отам иккиси Чинор аканикига зиёфатга кетишгач, пайт пойлаб меҳмонхонамизга кирдим. Хонтахта устида сурбет эгасига ўхшаб ўзини кўз-кўз қилиб ётган ўша қора жилди баттар қора бўлгур дафтарни варақладим. Дафтар ҳали янгигина экан. Шунқор Ҳобил, ҳойнаҳой, буни биз томонларга жўнар чоғи тутган кўринади. Қайд этган саналарига қараганда ҳали оҳорли варақларга бизникида ёзишни бошлаганди.

Мен шошилмай, гўё хаёлан Шунқор Ҳобилни бурда-бурдалаб, ёзувини ўқидим...

Чўл туйғулари

Ваъда бердимми бажараман. Очеркми очерк! Тўғриси, чўл қўйнида ҳам очерк тугул катта-катта романга арзигулик одамлар яшашаркан. Бир қараганда, бу ерда ҳеч ким ичкиликдан бош кўтармайдиганга ўхшайди. Оддий ишчисидан тортиб, туппа-тузук амалдоригача бўйдор шишага ошно. Бир қараганда ҳаммаси ҳам эзма, танбал, худбин кимсалар. Ҳа,

ҳа, бу шунчаки, бир қараганда. Аслида далаларда иш қайнайди. Ҳатто баҳорнинг серёғин келганига қарамай, пайкалларга аллақачон уруғ қадаб улгуришибди, азаматлар. Тўғриси, қанақа экин экишганини билолмадим. Ҳали семирган бетдай кўпчибгина турган тупроқни кавлаб кўрмаймиз-ку?! Пахта дейишяптими, демак пахта.

...Ҳа, ҳа, бир қарашда келган туйғулар нақадар алдамчи. Аввалига ялқов, жоҳил ва ёввойи туюлган одамларни мен қайта кашф этдим! Ҳаммалари ҳам содда, оқ кўнгил, тоза юрак инсонлар экан. Айниқса, шу совхоз тарихидаги олтинчи, оқсоқ директори — Мойлиев Чинор Тоштемирович. Барака топсин! Чинакам деҳқон, чинакам ташкилотчи раҳбар! У ташкил қилган музейнинг биргина ўзини бутун юртга овоза қилгулик! (Қиламиз ҳам!) Эл учун, Ватан учун муқаддас бурчини бажара туриб ҳалок бўлган қаҳрамон ўғлоннинг хотирасини мангуга сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари-чи?! Бу югур-югурнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун улкан Қалб керак, эл учун фидойилик керак. Чинор ака назаримда, сўнгги пайтларда семирган. Лекин ҳалол семирган у! Баъзи бир боқимандаларга ўхшаб, лунжлари пуфакдек омонат шишиб тургани йўқ. Тўлишган бетининг гўштлари дағал, қаттиқ, яғринлари ҳам ем тиқилган қопдай тап-таранг, биққи (маст бўлсам-да, ўпишган чоғимиз буни яққол ҳис этдим)...

...Ў-ў, менинг чавандоз акам Сафармурод! Тақа мўйловларига тасанно. Ҳа, ҳа, ўша куни, хирмонжой биқинидаги пайкалда у ғирт маст экан! Мен ҳам худди шундай ўйлагандим. Мастлик қурсин, инсонни бир қарасанг итдай улутади, бир қарасанг, отдай кишнатади. Ҳа, майли, ҳеч қиси йўқ, энг муҳими юраги тоза одам. Соддагина.

...Дарвоқе, мастлик касридан ортиқча сўзамоллик қилиб юбормадимми, ишқилиб? Ишқилиб, шармандаю шармисоримни чиқарадиган бирор-бир сиримни оғзимдан гуллаб қўймаган бўлайин-да... Тўғри, қариндошимга тўлиб кетган кўнглимни ёрдим. Нима қилай? Ҳаёт, турмуш мураккаб экан. Нигора билан ажралишганимизни айтдим. Тоғам ҳангу манг бўлиб қолди. Нигора иккимиз бутун талабалик йиллари Лайли-Мажнунлардек севишиб юрганимиздан, охири, чиройликкина тўйи-

миз бўлиб ўтганидан, ҳатто жажжигина қизимиз борлигидан у ҳам хабардор экан. Қаттиқ ачинди. Кайфлари тарқаб кетди-ёв. Келин туппа-тузук эди-ку, нега ундай қилдиларинг, деб қақшаб сўради. Айтдим. Дардимни тўкдим. Нетай? Характерларимиз тўғри келмади. Нигора молпараст, дунёпараст бир жодугар чиқиб қолди. Шоир юраги, нозик ҳис-туйғулар унга бегона. Мени тушунмади. Бўпти, чидаймиз. Лекин тоғам чидаёлмаётган кўринади. Турмушинг қандай кечаяпти, уй-рўзғорингга, кир-чирингга ким қараяпти, деб астойдил куйиниб қолди. Чуқур-чуқур ўйларга толди. Кулибгина қўйдим. Эҳ, содда тоғагинам. Мен ҳали ерда қолганим йўқ...

...Ҳа, ҳа, ҳаммалари ҳам очеркбоп одамлар. Энди фақат ёзиш қолди. Тўлиб-тошиб, илҳом билан ёзиш қолди. Хўш... Туркум очеркларни нима, деб атасам экан? Бунга ҳам бош қотириш керак. Ҳа, топдим! «Жазирамадаги одамлар!» Э, йўқ, «жазодаги одамлар» деганга ўхшаб қолди. Бошқа топиш керак. Қолаверса, «Жазирамадаги одамлар» сал жарангдор экан. Исроф қилмай турай-чи, худо хоҳласа, қисса ё роман ёзсам, керак бўлиб қола-ар...

...Ия, жуда гўзал экан-ку бу, бева келин?! Исми ҳам жозибали — Лолахон! Ҳув, талатўпда эътибор бермаган эканман. Олдида анови кампир ўтиргани учунми Лолахон ҳам кўзимга алланечук қаримсиқ, зерикарли кўринганди. Яхшиям кутубхонага бош суққаним.

Йўқ! Чинакам чўл Мадоннаси — Лолахон! Тавба, намунча гўзал юзларини тундлаштиради у? Худди қайғуришга биров мажбурлаётгандай. Йўқ, бу хилқат менинг сеҳрли сўз соҳиби эканимни билмайди, шекилли, а? Инсон юрагининг, айниқса, аёллар қалбининг муҳандиси эканимдан бехабар-ов... Кўрамиз, икки-уч илҳақ-илҳақ кўз қарашимдан сўнг нималар бўлишини?! Биламиз, бўғзимдан ҳирқираб чиқадиган икки-уч оғиз чин ошиқона сўзларим қандай таъсир этишини?

Ана! Дарров ўзгарди! Дарров, гулдай барқ уриб қолди! Ана, атай чимирилди, атай жилмайди. Китоблар ҳақида бошланган суҳбатимиз шаҳарга кўчди, ундан ҳаёт ва турмушга ўтди, ниҳоят, оила ҳақида шивир-шивир бошладик. Мен сўзлар сирли, жозибали чиқиш учун атай пичирлаб гапирдим. У мендан

ҳам ўзиб кетди. Унинг шивир-шивирларидан ич-ичида гувуллаб қайнаб ётган эҳтиросларнинг тўфони барибир сезиларди. Уни ўзим ҳақимда, менинг оилам тўғрисида қизиқсиниб сўраб-суриштиришга мажбурладим... Ҳа, дастлабки учрашувларга етарли.

Бугун у буткул бошқа эди! Йирик-йирик кўзларида кечаги ғам-ғуссадан асар ҳам йўқ! Порлабгина турибди. Кутубхона бўсағасидан киришим биланоқ, «чарчамадингизми», деб сўради. Нақадар мусаффо, нақадар майин ва ҳароратли бу сас?! Нечоғлик меҳрга, хайрихоҳликка тўла бу сўров?! Тўғриси, юрагим бир қалқиб кетди! Нигора билан кечган беш йиллик турмушим давомида ундан «чарчамадингизми», деган сўровни минг марталар эшитгандирман-ов, бироқ бундай оҳанг, бундай жозиба ва жаранг ҳеч қачон сезилганмас менга! Ҳа, ҳа, Нигора тугул, жўшқин ҳаётим давомида юрагимга кириб-чиқиб юрган не-не аёллар овозида ҳам бундай хайрихоҳликни, бундай ҳамдардликни ҳис этмагандим.

Суҳбатимиз яна қизиб кетди. Мен китоблар ўта озодалик, ўта сариштalик билан териб қўйилган қатор-қатор сўричалар орасида ивирсиб, гоҳ ёғоч тўсинларга суяниб гапирардим. У эса гоҳо мато қопланган иш столига тирсак тираб ўтирар, гоҳо дераза ёнида тик турарди. Бунда-ай ўйлаб қарасам, биз деярли кечаги гурунгни такрорлардик. Лекин бу қайтариқ ҳеч биримизга малол келмасди. Ҳеч биримиз зерикиб қолмагандик. Айниқса, унинг кўзлари гоҳ шўхчан, гоҳ маъюс порлаб ҳар бир сўзимни аллақандай ташналик билан эшитарди. Ташналик билан савол-сўроқлар қиларди. Аллақандай ташналик...

Бугунги учрашувда ҳам бутун суҳбат давомида ошиқона-ошиқона пичирлашларни қойиллатдим. Асли актёр бўлсам арзиркан...

...Бугунги суҳбатимиз анча пойинтар-сойинтар бўлди. Негадир икковимиз ҳам довдирардик. Мато қопланган иш столи ёнига ўтирдик. У ўз жойига, мен бўш стуллардан бирига чўкдим. Назаримда ўзим қўйган тузоққа ўзим тушдим-ов. Негадир унга ботиниб қараёлмасдим. Кечаги сўзамолликларим ҳам қайгўргадир йўқолди.

Унинг кўзлари... Ногоҳ бир кино ёдимга тушди. Ўша кинода муқаррар юз берадиган фожиа хабарини кимга, қайга

етказишни билмай турган бир қаҳрамоннинг кўзлари шундай порлаганди.

У нимадир демоқчи, шекилли, а... Йўқ, бу кўз ўйинини, юрак ўйинини дарҳол тўхтатишим керак! Бу ерга серқатнов бўлиб қолганимни кўрган одамлар башарамга ўқрайиб-ўқрайиб қарашяпти! Тошбўрон қилиб юборгудек важоҳатлари бор.

Нақадар ор-номусли халқ! Инсон қадр-қимматини, шаънини кўз қорачиғидек асровчи эл! Улар қаҳрамон ўғлонининг пок хотирасини, унга юрак ришталарини боғлаб шу чўлу биёбонлар бағрига келиб қолган, қаттол қисматнинг қаттол кўргуликларига бўйсунмай, ҳануз севикли ёридан юрак ришталарини узмаган аёл шаънини менга хўрлатиб, топтатиб қўярмиди?! Йўқ, асло!

Мен бу буюк элнинг хоҳиш-иродасига бўйсунаман! Қон томиримнинг бир учи шу халқ билан боғлиқлигидан фахрланаман. Мен билиб-билмай уларнинг муқаддас туйғуларини таҳқирладим, шекилли?! Уларга муносиб фарзанд сифатида ўз қилмишларим учун ғойибона кечирим сўрайман...

Ҳа, дарвоқе, у нима демоқчи бўлди экан-а?! Қизиқ, жуда қизиқ. Ҳа, ҳа, унинг аллақандай айтар сўзи бор! Майли, бу мен учун сир бўлиб қолсин! Мана, шу кўз қароқларидан, мана шу ҳаяжонли титраб турган лаблар оша ҳатлаб чиқолмаган ўша ғаройиб сўз мени бир умр қийнаб, ўртаб юрсин. Юрагимга дардли-дардли илҳомлар берсин!

Мен кетаман...

* * *

Шунқор Ҳобил кетди. Ажойиб тонгларнинг бирида ниҳоят, йўл тўрвасини орқалади у. Шубҳали шоирни Чинор ака гўё ҳеч кимга ишонмагандай «Нива»сига ўтқазиб, ўзи тўппа-тўғри туман марказига олиб кетди.

Меҳмонхонамизда папироснинг ачимсиқ иси қолди. Онам бурунларини жийириб-жийириб деразаларни иддао билан очди. Қарғанди. Отам аллақачон ичидаги дорилари соб бўлган ялтироқ қутичага хомуш тикилиб қолди.

Ўша тонг каби ниҳоят, менинг кўнглим ҳам ёришди. Алланечук енгил тортиб мактабга жўнадим. Бироқ ҳайитликка ҳали узоқ экан!

Ўша куни ҳам катта танаффус пайти ҳамишагидек ички бир иштиёқ турткисидан мактаб ҳовлисига отилдим. Отилдиму кўзларим беихтиёр ўша ёққа аланглади.

Лолахон! У ўша бетон устунлари қўққайган айвонда алланечук безовталаниб турибди. Эгалари ҳар куни бир маҳал донлашга ўргатган ола товуқдай у ён-бу ён олазарак-олазарак кўз ташлайди.

Ҳа, ҳа, ола товуқ! Ўша куни ўша лаҳзада унинг таърифига бошқа сўз тополмадим. Ич-ичимда шоирнинг аччиқ тамакисидай тутаб ётган алам, нафрат кўзларимни хира туман каби қоплаган эди.

Тишларимни тишимга босиб, қўлларим беихтиёр муштга айланиб, зардали қадамлар билан ўша ёққа юрдим.

Лолахон! У уч кун менинг велосипедим мунғайганча суяниб турган бетон устунни қўллари билан силаб-сийпалаб қўйгандай бўлди. Киши билмас, ўрта йўл эшилиб-эгилиб кетган ўнгу сўлга жонсарак-жонсарак кўз ташлади.

Мен бева келинга ўқрайганча тикилиб, мактаб ҳовлисидан чиқдим. Хаёлларим алғов-далғов эди. Ногоҳ унинг саросима, илҳақ-интизорлик тўла кўзлари менга тушдию сидрилибгина ичкари кириб кетди.

Наҳотки, пайқамади мени?! Ҳа, ҳа, мен пайқашга арзимайман! Мен... жирканч чувалчангман, ўрмалаб юрган искирт қуртман, йўл бўйида тўзғиб ётган тош-кесакман!

Қуёш қоқ тепамда олов тўла оғзини ор-номуссиз аёлдай очиб ўт-аланга пуркар эди. Унда-мунда қўққайган дов-дарахтларнинг қуюқ япроқлари қорамтир тортиб, ожизона титраб-қақшаб турибди. Қушлар безовта-безовта чуғурлашади.

Мен шашт билан айвонга кўтарилдим. Бева келиннинг кўнглидай кенг очиқ қўш қопқа эшикдан кўнглидай бўш, ҳувиллаган йўлакка кирдим. Юрагимнинг гурс-гурс уриши бетон деворларни зириллатиб, бутун тевараккa баралла таралаётгандек эди.

Лолахон! У ўша мато қопланган иш столи ёнида ҳуркак ола товуқдай қўққайиб, негадир қадам товушлари келаётган йўлаккамас, парча-парча осмон кўриниб турган деразага термилиб турар эди.

— Сизми, келинг, — деди у, елкам оша бўм-бўш нимқоронғи йўлакка кўз ташлаб.

— Янга, у кетди, — дедим бутун нафрату аламим тишларим орасидан сизиб чиқаркан. — Меҳмонимиз кетди.

Лолахон бир қалқиб беихтиёр ёнидаги стулга ўтириб қолди.

— Кетдими?! — деди у ҳануз елкам оша бўшлиқларга тикилар экан. Алланечук таажжуб ва таҳлика йилтиллаётган каҳрабодек қорачиғларида бетон деворлар қалқиб турар эди.

— Ҳа, бугун эрталаб.

Лолахон чуқур-чуқур нафас олиб тевараккa жавдиради. У титраб-қақшаб узун енгли қўллари билан иш столи устида бемақсад тимирскиланар экан, ич-ичимда алланечук ҳузур, алланечук лаззат бутун борлиғимга таралди.

— У, — деди Лолахон синиқ бир илжайиб, — сизга ҳеч нарса тайинламадими? Ҳеч нарса айтмадими?

— Йўқ.

Овозим ғолибларга хос бўғиқ ва дадил чиқди.

Лолахон иш столига тирсак тираб, бошларини қўллари орасига олди.

— Раҳмат, Самаджон, бораверинг, — дея пичирлади у.

Иддао билан ташқарига отилдим. Аммо ҳалигина бир зум яйратган ҳузур-ҳаловат қайларгадир сингиб йўқолди. Негадир энтикиб, қулт-қулт ютиндим.

Қуёш қоқ тепамда, илҳақ-интизор кўздай тикилиб турар эди. Илкис бош кўтариб унга термилдим. Кўзларимни қамаштириб-қамаштириб, ғилт-ғилт ёшга тўлдириб-тўлдириб олдим.

* * *

Ўша баҳорнинг адоқларида Шербек ҳарбийдан қайтди!

Мен хаёл қилгандай, хиёнатга қарши ошкора исён кўтариб, олис ўлкаларнинг овлоқ гўшасида ўзини осиб, ё отиб қўймади. Уни яродор юрак опасининг қўлидан севги туғини юлқиб олиб баланд кўтарган Шабаданинг севги-садоқатга тўлиб-тошган умидбахш, нажотбахш мактублари қутқариб қолганидан ҳали бехабар эдим. Шербек оппоқ тўлишиб, пўримгина аскарча либосига сиғмай, қалин лабларига сигарет қистириб, қувончу соғинчга лиммо-лим қайтди.

Қуёш аскар кўзидай чарақлаб-ярақлаб турган ўша кун мен Файзулла ака хонадонида ҳашарда эдим. Пичан ғарамла-

ётгандик. Ўн-ўн беш кунча илгари Ашур тутинган оғаси — Ҳалим Норбўта ўғли иккови, тағин бир тўп дўст-улфатлар кўмагида дала-даштдан йиғиб келиб, обдан қуриш учун ҳовлига ёйиб қўйган хас-хашакни уюб босаётган эдик.

Файзулла ака тобора чўпон ўговидай қад ростлаётган ғарам устида чапдастларча чарх уриб, гоҳ мен, гоҳ Ашур узун дастали паншаханинг темир учларида ҳурпайтиб-ҳурпайтиб узатаётган хас-хашакни қўлидаги ўроқ билан чаққонгина илиб олиб, у ён-бу ёнига сочқилай-сочқилай кирза этиклари остида босарди.

Пичан ғарамлашда посёлкамизда Файзулла акадай устаси фаранг топилмас эди. Умри тоғу тошларда хас-хашак йиғиб ўтган не-не чўлқуварлар ҳам унинг бу соҳадаги маҳоратига қойил қолишган.

«Буғалтер бова масалага илмий ёндашади, — дер эди Чинор ака ҳув, илгари ҳамманинг димоғи чоғ пайтлар. — Аниқ математик ҳисоб-китоб, аниқ геометрик ўлчам билан ишлайди».

Файзулла ака ён-веридаги мақтовларга камтарона илжайиб қўйса-да, ҳақиқатан ҳам унинг қат-қат хитой томларини эслатувчи, ғалати-ғалати ғарамларини кўрганлар, беихтиёр кўз узолмай қолишар эди. Ҳамма анграяверіб, сиру синоатини сўраб-суриштираверіб, охири жонига теккан шекилли, эл қатори оғил-бостирмалар устига ғарам ясайдиган Файзулла ака, Ўроқ ва Лолахоннинг тўйидан икки йилча илгари ҳовлисига, кўзга ташланмайдиган бостирма ёнига ғарам уюшни одат қилган эди.

Ўша тўйдан сўнг Файзулла ака кетма-кет икки баҳор бу севимли машғулоти, Қалқонов муаллим айтгандай, «хобби»сига қўл урмади. Қаттол қисмат Тоғай тоға тимсолида темир дарвозани тақиллатган баҳор Ўроқ ва Лолахон бу ташвишни шоду хандон уддалашган эса, кейинги кўргуликлар кўкайини кесган кўклам, ғам-қайғуда қоврилиб ётган хонадон учун Сафармурод чавандоз бошлиқ бир тўп ҳашарчи ими-жимида хас-хашак келтириб, қуритиб, ғарамлаб беришди.

Шербек аскарликдан қайтган ўша кун Файзулла ака алланечук иштиёқ билан ишга от қўйган эди. Азбаройи зўриққанидан унинг қалампир гулли дўпписи чаккаси томон

қийшайиб, оқ-сарғиш, озғин юзлари қизариб-бўзарган, тез-тез ҳансираб, юпқа лаблари қуркшаган эди.

Ашур ишлаганиданмас, ишёқмаслигидан тинкаси қуриб, тез-тез паншаха дастасига суянганича гап сотади.

Лолахон эшиги ланг очиқ ошхонада, ўчоқ-қозон бошида куймаланар, аҳён-аҳён бўсағадан бош чиқариб, бизнинг ишимизни алланечук хайрихоҳлик билан кузатиб турар, ҳойнаҳой, Ўроқ иккови ғарам ясаган дамларини эсласа керак, хаёлчан-хаёлчан кўзлари шўх-шаън порлаб кетар эди.

— Самаджон, нечанчи синфда ўқияпсиз? — деб сўраб қолди Файзулла ака қизғин гурунгимиз ичида.

— Буғалтер бова, саккизинчини битиряпман, — дедим галдаги хашак уюмини паншаха учига қистириб узатар эканман. — Бир ҳафтадан сўнг дарслар туғайди.

— Неужели? — дея гапга аралашди Ашур мени бош-оёқ ажабсиниб кўздан кечираркан. — Мунча тез?

Файзулла ака ҳансирай-ҳансирай бир зум нафас ростлаб маслаҳат берган бўлди:

— Энди-и, бирорта техникумга илашиб олинг. Мактабда салтоёқ юргандан фойда йўқ.

— Биз ўқиган жой зўр эди, — дея Ашур тағин ўзича гапга аралашди. — Самад, шу ёққа бор, маза. Бирорта муаллим қисталанг қилмайди ўқишингни тергаб.

Шунқор Ҳобил билан хуфиёна тил бириктирганларимиз ёдимга тушиб кулибгина қўйдим.

Шу пайт кўча тарафдан чопа-чоп ўтаётган Ҳасан-Ҳусанларнинг бири қўйиб, бири олиб қийқиришгани қулоқларимизга чалинди.

— Э, ҳе-ей, Шербек акам келди! Солдат қайтди-и! Шербе-ек...

Паншаха дастасига суянган кўйи қийқириқларни эшитаётган Ашурнинг кўзлари порлаб кетди.

— Ия, Шербек жўрам! Аҳ, довдир қайтибди-да, а?! Мен кетдим, би-ир кучоғимга босай.

Ашур паншахани енгил улоқтириб, туппа-тузук қад ростлаб, бўй чўзиб қолган ғарамнинг биқинига санчди-да, ювиниш пайида исмаланиб қолди.

— Ашур!

Отасининг амирона овози тажанг полвонни ортга қарашга мажбурлади.

Файзулла ака ўғлига тунд бир қиёфада «борма, ҳали ўзи келади», дегандай бошу кўзи билан сўзсиз имо-ишоралар қилди. Имо-ишоралар маънисини мен ҳам ўзимча фаҳмладим.

Удум бўйича, аскарликдан қайтган қадрдонлар машъум воқеа ҳақида эшитганданоқ азадор хонадонга етиб келиши, ҳув, Ашурникидан-да зиёда бўзлаб-бўзлаб, марҳумни йўқлаши шарт эди.

Ашур ҳам имо-ишораларни дарров англади. Англадию чув тушириб қўйишига сал қолганидан хижолатландими, ё ишга қайта интилишга бўйни ёр бермадими, ҳар нечук, анча нарида бош қашлаганича туриб қолди.

— Гаражда зарил иш бор эди-да, ота, — ўйлаб-ўйлаб, охири топган баҳонаси шу бўлди унинг.

Файзулла ака мен узатган хашакни босқилай-босқилай андак энгашиб, ғарам теварагини енгил бир кўздан кечирди. У иш охирлаб қолганидан кўнгли тинчиб ўғлига юзланди:

— Овқат еб кет! Туш бўб қолди.

— Дарров қайтаман, бировга зарил бир нимани бераману қайтаман, — деб тўнғиллади Ашур, апил-тапил ювинишга киришар экан.

Ўша баҳор қаҳрамон ўғлон униб-ўсган хонадонга кўрсатилаётган ғамхўрликдан Ашур ҳам қуруқ қолмаган эди. Вилоят раҳбарияти унга институтга кириб ўқиш учун махсус йўлланма тақдим этди.

Ўша бир парча қоғозни туман масъул ходими идора йиғинларидан бирида тантанали топширишга шайланган маҳал фаоллар орасида ўтирган Ашур мажлисни тантанали тарк этган экан. Айтишларича, у чоғроққина залдан чиқиб кетакета, «акамнинг руҳи поки билан савдо қилмайман, қасамим ҳали ўз кучида», деган эмиш. Олқишу таҳсинларга тўла нигоҳлар полвонни хайрихоҳларча кузатиб қолибди. Ҳатто масъул ходим ҳам бу оркаш йигитга ҳайрату ҳавас билан термилган эмиш. Шунинг учунми қайтар чоғи ўша бир парча қоғоз — йўлланмани Чинор Тоштемировичга қолдириб, қатъий тайинлабди: «Бу ўртоқ лубой институтга арзийди, уни албатта ўқитамиз».

Ашурнинг мардона раддиясидан мутаассир бўлган Ҳалим Норбўта ўғли тутинган инисининг қўлларини жанговарчасига сиқиб қўйгали келганида, уни кўрган-билганларнинг оғзи ланг очилиб қолган эди. Ахир, ўша кун пачоққина, писмиқигина тутинган оға дабдурустдан чинакам жанговар-милиция мундирида пайдо бўлганди-да! Ўшанда тилларанг тугмалару зарҳал ҳошияли пагонлар қуёш нурида товланиб, Ҳалим Норбўта ўғлининг мамнун юз-кўзларида кезиб юрар эди. Шундагина эл-улус унинг ота изидан бориб, аллақанча пинҳона тараддудлардан сўнг туман ички ишлар бўлимига хизматга кирганини англаб етди.

Ўша кунлар зарҳал ҳошияли погоннинг қоқ ўртасидаги миттигина юлдуз Моҳигул Сафармурод қизининг ҳам қоқ манглайида порлаб қолгани ҳеч кимга сир эмас эди. Сафармурод ака хонадони тўй тараддудига тушиб кетган эди. Афтидан, қонун қўриқчисига айланган Ҳалим поччанинг ноқонуний, пинҳона висоллашувларига ортиқ тобу тоқати қолмай, хизмат мундири ёнида куёвлик сарупоси ҳам бўлишини, тўй-тантанани тезлатишларини талаб қилган эди.

Шабнаму Шабададан тортиқ либосларни эпақайга келтираверіб, уқув-тажрибаси тағин ошган Зумрад опанинг қўли қўлига тегмасди ўша кунлар. Бўшанг ва хаёлчан қиёфаси алланечук сергак, жиддий тортган Тошбиби чеча уни бир дунё тикиш-бичишларга кўмиб ташлади.

Шербек аскарликдан қайтган куни ҳам эрталабданоқ Тошбиби чеча ўзининг эртак-чўпчакларида учрайдиган серямоқ, яғир бўғчасини бошига қўйганича Зумрад опаларникига кириб кетди.

Ўша куни қоқ туш пайти пичан ғарамлашни дўндирдик. Мен Файзулла аканинг миннатдорона минғирлашлари остида ювиниб-артиндим.

— Энди-и, ҳашарнинг ошарига, Самаджон! — дея илжайди у, сарғиш киприкли, андак мамнун, андак маҳзун кўзларини мендан узмай.

Дастурхонга Лолахон янгам дамлаган лаззатли палов тортияди. Тиззасига невараси бош қўйиб ухлаб қолган Хосият холанинг мени беадоқ алқашлари остида ошхўрлик қилдик.

— Энди-и, идорага чиқай, — деди Файзулла ака ош устидан уч-тўрт пиёла чой ичгач, ўрнидан қўзғалиб. — Ҳам-

ма аскар кўргали кетган-ов. Тағин биров-ярим каттакон келиб қолмасин.

Мен ҳам кўчага, Шербек билан тезроқ дийдорлашишга ошиқар эдим. Бироқ яшовраётган кўзларини узун енгларига арта-арта айнан менга қараб эзмаланаётган Хосият холанинг шаштини қайиришга ботинолмадим. Устига-устак, лаззатли палов устидан янада лаззат бағишлаётган аччиққина кўк чойни ҳам кўзим қиймади.

— Хола, энди менга дуо беринг, — дедим, ниҳоят, Хосият хола ғингшиётган неварасига чалғиган пайтдан фойдаланиб. — Борай, зарил ишлар кўп.

Хосият хола қўлларини фотиҳага очиб ёшланаётган кўзларини тез-тез пирпиратиб:

— Оми-ин, — деди йиғлоқи бир оҳангда. — Бошинг тошдан бўлсин, болам. Ота-онангнинг бахтига гуркираб юр. Худойжоним бевақт балодан асрасин. Илоё, ҳаммамизни кулдириб Ўроқжоним ҳам лоп этиб кириб келсин...

Мен ҳовлига чиқдим. Кун ярақлаб-чарақлаб қиздирар эди. Биз ясаган хашак ғарами ҳовли этагида, бостирма биқинида баҳайбат замбуруғдай савлат тўкиб турибди.

Лолахон! У ошхона эшиги ёнида шўх-шаддодлик билан кўрсаткич бармоғини букиб-букиб мени имлади. Юракларим ширин бир ҳапқириб кетди. Лолахон бир пайтлар бахтиқболдан сармаст келинчаклик чоғлари худди шу тарзда ёнига чорларди мени! Қувончлардан қабариб бир зумда қабатида ҳозиру нозир бўлар эдим. «Кўзингизни юмиб, оғизни очинг» дерди янгам, бирор-бир ширинликни томоғимга ташлашга шайлаб.

Ҳашарнинг ошаридан кекириб турган ўша маҳалим, ошхона ёнида шўх-шаддодларча имлаётган Лолахонга кўзим тушдию лаззатли паловнинг тоти танглайимдан ҳали аримай туриб, томоғимга ташланажак ширинликнинг таъмини туйдими, ё шунчаки ширин хотиралардан ҳузурландимми, ишқилиб, бутун борлиғим бир қур яйраб кетди.

— Кўзлар юмилсин, оғизлар очилсин! — деди Лолахон мен ёнига борганимда.

Кўз юмиб очгунимча танглайимга таралган хуш бир таъм аллақандай ширинлик билан сийланганимдан дарак берар эди.

— Тисс-с, — деди Лолахон янгам бармоғини лабларига босиб, сўнг теваракка ёлғондакам таҳлика билан аланглаганча пичирлади. — Сиз мени қароқчилардан қўриқлайсиз.

У мени ҳангу манг қолдириб, ҳовлининг этагига пичан ғарами томон шўх-шаддод қизчалардай чопқиллаб кетди. Зум ўтмай, ҳалигина биз қўйган нарвонга тирмашиб, узун-кенг этаклари чувалашганича ғарам устига чиқа бошлади.

Мен Лолахонни алланечук хайрихоҳлик билан кузатиб турдим. Унинг завқ-шавқи аллақачон менга ҳам юққан эди.

Лолахон ғарам устига чиқиб қўни-қўшнилар тарафга олазарак-олазарак қараб олди. Сўнг кўнгли жойига тушди, шекилли, оёқлари остидан бир тутам қуп-қуруқ хашакни юлқиб олдию ҳузурланиб-ҳузурланиб ҳидлади. Ҳидлай-ҳидлай мен томон илжайиб-илжайиб, сузилиб-сузилиб кўз ташлади. Кўз ташлай-ташлай илкис бир қулоч ёйиб, ғарам устига чалқанча қулади. У шу алфозда хас-хашакка кўмилиб икки-уч дақиқа ётдию тағин шашт билан оёққа қалқди. Лолахоннинг юз-кўзлари бахт-иқболдан ял-ял порлаб турар эди.

Неча-неча кунлар Лолахоннинг завқу шавққа лиммолим ўша чеҳраси, ўша табассумлари ранг-баранг тасвирдай кўз ўнгимда балқиб турди. Ҳатто ўша ёзнинг бошларида саккизинчи синф билан хайр-хўшлашиб, синфдошларим алланечук дилгир, алланечук ғуссага чўмиб ғарқалган пайт ҳам Лолахоннинг ўша-ўша яйраб-яшнаган қиёфаси кўз ўнгимда жонланиб турар, ҳар қалай, тенг-тўшларимдан айрича, мен ўз бошимга қувониб, мамнун-масрур юрар эдим.

Қўққис, аъзойи баданим жимирлаб кетди. Ўша куни тушга яқин, бир тўп синфдошлар чаҳчаҳлашганча мактабдан қайтарканмиз, «Маданият уйи» — ўша қадрдон гўшанинг ланг очиқ, қўш табақа эшигидан тавозелар билан тисарилиб чиқаётган Тоғай тоғага кўзим тушдию негадир юрагим «шув» этди.

Тоғай тоға менинг ҳолу забунимдан бехабар, қоп-қора, бақ-бақалоқ афт-ангорининг терини арта-арта идора томон имиллаганича жўнади. Беҳудачиликдан безор бу нусха, албатта, қўш табақа эшикдан беҳуда кириб-чиқмаган эди!

Ўшанда мен бир баҳонани рўкач қилиб, синфдошлар билан енгилгина хайр-хўшлашиб, гўёки идора томон кетган бўлдим.

Тенг-тўшларим кўздан пана бўлар-бўлмас, тағин шоша-пиша ортга қайтиб, қадрдон гўшанинг ланг очиқ эшигига ўзимни урдим. Ҳаяжону ҳадикдан одатдагидек тиззаларим қалтираб, юрагим гурс-гурс тепарди.

Лолахон! У кенг-узун, парча-парча гулли оқ кўйлагига арвоҳдек чувалашиб, музей ичкарисида телбавор кезинар, худди сўнгги бор видолашаётгандек ҳар бир жиҳозни қўллари билан силаб-сийпалаб қўяр эди.

Мен беихтиёр ўзимни панага — кутубхона ичига урдим! Бошим айланиб, кўз олдим жимирлади. Ногоҳ мудиранинг иш столи устида сочилиб ётган варақ парчаларини пайқаб қолдим. Илкис интилиб қоғоз бурдаларидан бирини қўлга олдиму ундаги йирик-йирик ҳарфлар билан битилган ёзувга кўз югуртирдим.

«... ахири, қайғу-ғамларинг эвазига худойим сени мукофотлабди. Депутатлик ҳазилакам ишмас, жиянгинам. Шунақа вазифа дардида даста-даста пул кўтариб юрган нечча-неччасини кўрганман. Лолахон, азиз жиянгинам, бўш келма! Ҳар хил икир-чикирларни ўйлайвериб сиқилма! Омадингни маҳкам тут. Ғамхўр...»

Мен шу жойидан бўғизланган қоғоз парчасини қайта иш столи устига ташладим. Ташладиму негадир Лолахонга юзланишга юрагим дов бермай, шарпасиз қайтиб кетиш пайида тисарила-тисарила йўлакка чиқдим.

Шу пайт музей ичкарисидан Лолахон чиқиб келди! Ранг-рўйи бошидаги сириб ўралган рўмолдек оппоқ эди. Нимқоронғи ҳужралар гўё шу оқликдан ёришиб кетгандай бўлди. Унинг қийиқ қошлари остидаги каҳрабодек кўзлари ҳасрат билан термилар эди.

— Самаджон, — дея аранг пичирлади Лолахон синиқ жилмайиб. — Келинг.

Мен беихтиёр унинг қучоғига отилдим:

— Янга, янгажон, — деб ҳиркирадим ҳеч ўпкамни босолмай. — Кетманг, кетиб қолманг.

Мен Лолахоннинг момиқ кўкракларига юз-кўзимни суркаб, баралла ҳўнграб юбордим. Бўғиқ, шикаста товушимдан бетон деворлар бўғиқ ва шикаста зириллаб кетди.

Лолахон сочларимни меҳр билан силаб-сийпаларкан:

— Эҳ, менинг жажжигина юракчам, — деди овози титраб. — Қўрқманг, кетмайман, ҳеч ёққа кетмайман. Қаёққа ҳам борардим, ахир...

* * *

Тўй!

Шом қоронғуси қуюқлашган сайин авжланаётган куй-қўшиқ садолари нуфузли бир хонадонда бахт-иқбол тонги отаётганидан дарак беради.

Моҳигул ва Ҳалимбой Тошбиби чечанинг хайрли эртакларидагидек мурод-мақсадларига етай-етай деб қолишган эди. Ўша жазирама ёз бошларида, жазирама кунлардан бирида данғиллама тўй бошланиб кетди. Сафармурод ака хонадонида бошланган шўх-шодон, завқ-шавқли кулгую қийқириқлар пешиндан сўнг Норбўта мелисаникига кўчди.

Норбўта мелиса калта енгли, оқиш кўйлак, қопдай кенг қора шим кийиб, яланг тўшию ғўладек-ғўладек билакларининг жунларини кўпиртириб, тўй-тантана ташвишлари билан жонсарак изғиб юрар эди. Юз-кўзларида балққан мамнунлик ва масрурликни, ҳатто важоҳатли қошу мўйлови ҳам яширолмас, ҳойнаҳой у бўй-бастига яраша фаросату зукколикда ҳам ягона қизни келин қилаётганидан хурсанд эди.

Ўша кун Моҳигулнинг Шабнамдан-да зиёда оқилаю кайвонилиги эл-улусга ошкора бўлди. У андак инжиқлик, андак эркалик билан тўйни ўша кунга атай тайинлатган экан! Ўша санада, роппа-роса уч йил аввал, Ўроқ ва Лолахоннинг никоҳ базми бўлиб ўтган экан! Моҳигул Сафармурод ака оиласида униб-ўсган тантиқ гул, севги-садоқат тимсолларига ўз ҳурмату эъзозини ана шу тахлит изҳор этган эди.

Ҳурмату эъзозга кўмилган хонадон аҳли эса хийла ноқулай аҳволда қолгандилар. Файзулла аканинг қудаси, узоқ туман марказида яшовчи тўнғич қизининг қайнатаси, пайғамбар ёшига тўлиши муносабати билан ўтказаётган тантанага таклиф этиб, барчаларини олиб қайтиш учун машина юбортириб, ўша кун эрталаб қўшнимизнинг дарвозаси ёнига келиб тўхтаган, Ашурнинг тепакал поччасига тегишли «Волга» ана шундай холис хизматга бел боғлаган экан.

Посёлкадаги икки нуфузли, икки қадрдон хонадон бошлаб юборган тўйни ташлаб, барчалари бирваракайига бошқа бир тумандаги тантанага жўнаб кетиши анчайин ноинсофлик, ошкора нописандлик бўлиб кўринишидан чўчишдими, ҳар нечук, Файзулла ака ва Хосият хола бу ноқулай аҳволдан чиқишга чора излаб, бош қотириб қолишди. Сўнг маълум бўлишича, Ашур ота-онасини кутилмаган тангликдан қутқаришни истабми, ё қуда буванинг чорловида ичкилик иси йўқлигини сезибми, ишқилиб, тутинган оғасининг тўйини ташлаб кетолмаслигини рўкач қилиб, Файзулла аканинг мамнун маъқуллашлари остида, бошқа тумандаги тантанага боришдан бош тортибди.

«Ўрнимга Бахтиёржон бора қолар, — дея пичирлаган эмиш Лолахон ҳам. — Мен мол-ҳолларга қараб тураман».

Бироқ тепакал почча у ёқдаги қариндошлар қайта-қайта тайинлашганини, Лолахон бориши зарурлигини айтиб, оёқ тираб олибди. Охири, Файзулла ака куёвини бир чеккага тортиб, пичир-пичир билан вазиятни тушунтирган эмиш. Лолахоннинг уй-рўзғорга қараб туришдан-да ўта муҳим вазифаси борлигини, эл-улус орасида қатъий удумга айланган зиёрат маросимида қатнашмаса, тўй эгалари шаънига ҳақоратдай туюлиши мумкинлигини бир амаллаб уқтирибди. Савоб дардида олис йўл босиб келган тепакал почча ноилож кўнибди.

Ўша куни чошгоҳ маҳали, бир қур енгил тортган Файзулла ака ва Хосият хола аввал Сафармурод чавандозникига, сўнг Норбўта мелисаникига бир-бир киришиб, «тўй муборак» қилиб чиқишган, бемаврид жўнаб кетишаётганлари учун қуюқ-суюқ узрлар сўрашган, ниҳоят, уйга қайтишиб, момосининг этагига елимдек ёпишган Бахтиёржонни олиб, бетоқатларча йўлга шайланган машинага ўтиришган эди.

Лолахон жўнаб кетаётганларни кузатиб қўяр экан, машина ғилдираклари остидан қўзғалган қуюқ чанг-ғуборга қоришиб, дарвоза ёнида узоқ-узоқ туриб қолди ўшанда.

Ўшанда унинг бу тахлит бўшашиб туришга ҳақи йўқ эди. Ахир, садоқатнинг тирик тимсолига айланмиш бу хилқатни бутун бошли халқ ғойибона ҳурмат-эъзозлар билан меҳробга, қаҳрамон эл ўғлонининг ёдгорлиги ёнига ғойибона чорлар эди.

Ўша кун тушга яқин, ҳувиллаб ётган мактаб ҳовлиси беқиёс тантана майдонига айланиб кетди. Ҳаммаси Чинор Тоштемирович бошчилигидаги бир гуруҳ идора мулозимлари «Маданият уйи»нинг ҳайҳотдек соясида бетоқатларча кутиб турган туман раҳбариятига тегишли оппоқ «Волга» савлат билан келиб тўхташидан бош ланди. Машинадан масъул ходим етовидаги сочлари лайлак уясидай юз-кўзлари қуюқ-қуюқ бўяб-бежалган, енг-ёқасиз, тор-калта кўйлаклари биққи қоматларини сириб турган икки нафар жувон тушди. Андакдан сўнг маълум бўлдики, келинлардан зиёда пардоз-андозни дўндирган бу икки танноз давлат никоҳ уйининг ходималари экан! Улар нафақат пардоз-андозни дўндиришда, балки оқилаю кайвониликда манаман, деган келинчакларни йўлда қолдиришларини намойиш этиб, Моҳигул ва Ҳалимнинг никоҳ қайдини айнан шу зиёрат масканида, қаҳрамон ўғлон ёдгорлиги пойида, садоқат тимсолининг муборак кузатуви остида амалга оширишга, шу билан янги бир юксак инсоний туйғуларни қадрловчи удумга тамал тошини қўйишга бел боғлашган экан.

Бу орада ўлжа ҳидини пайқашган жондорлардай мактаб ҳовлисию теваракдаги соя-салқин жойларга томоша- талаблар йиғилишар эди.

Лолахон эса аллақачон супириб-сидириб қўйилган ёдгорлик ёнида турар, аҳён-аҳён «Умурзоқов Ўроқ»нинг бўзарган-гезарган афт-ангорига, гўё ҳасратлашаётгандек узоқ-узоқ термилиб қоларди. Бу ҳол у ён-бу ёндан бева келинни зимдан кузатиб турганларга қаттиқ таъсир қилар, қайғуларга кўмилишиб, бош чайқашарди.

Ниҳоят, мактаб ичкарисидан судраб чиқилган стол-стуллар ёдгорлик ёнидаги дарахтлар соясига қўйилиб, никоҳ уйининг ходималари жой-жойларини эгаллаган бир маҳал ўз навкарларию канизаклари қуршовида келин-куёв пайдо бўлди.

Қуёш қоқ тепада ярақлаб-чарақлаб турибди. У гўё икки севишган ёрнинг қайноқ қалбидан қуввату қудрат олиб, жазава билан борлиққа олов пуркайди.

Моҳигул оппоқ, тўрсимон келинлик сарпосида оппоқ қорга бурканган чўққидай кўзга ташланиб турар, ҳам одоб сақлаб, ҳам ўзидан бир қаричча паст куёвтўрани аяб эгилабукила одимлар эди.

Ҳалимбой оқ кўйлак, қоп-қора костюм-шими қадди-қоматига ярашганиданми, ё бўй-бастига яраша чирою доноликдан ҳам худо қисмаган ёр топганиданми, ҳар қалай, калта, ораста сочли бошини мағрур-мағрур кўтарар, мағрур кўтарилган бошу баланд пошна туфли шарофатидан эгик-букик қаллиғи билан анча-мунча бўйлашиб қолар эди.

Келин-куёвни ярим қуршаб келаётган навкарлару канизакларнинг қўл-қўйинлари ранго-ранг гулу гулчамбарларга тўла.

Ҳаммалари одат юзасидан маъюс-маҳзун бош эгиб, ён атрофдагиларнинг синчков-синовчан нигоҳлари остида қаҳрамон ўғлон ёдгорлигига яқин боришди.

Жазирама тобора забтига олмоқда. Қуюқ япроқлари қорамтир тусга кирган дов-дарахтлар ҳам лоҳас мудраётгандек эди. Аллақайдадир зериккан мусича «ку-қу»лаб ўз жуфтини чорлайди.

Кўп ўтмай ёдгорлик пойи ранго-ранг — оқ-сариқ, қизил-яшил гулу чечакларга кўмилиб кетди.

Ҳалигина раҳбариятга қўшилиб салобатли машинада келган, сочлари ўсиқ, узун бурун, ёшгина сураткаш тажрибасизгина эканми, ё маъюс-маҳзун манзарадан мутаассир бўлдими, ҳар нечук ўз вазифасини унутиб, бир чеккада қимтинибгина турар эди. Охири, масъул ходимнинг имо-ишорасидан сўнг шоша-пиша фото анжомини шайлаб, гул-чечакларга бурканган ёдгорлик пойига таъзимлар кетидан таъзимлар қилаётган келин-куёвни, оғир сукутга толган жамоатни суратга ола кетди.

Лолахон одатдагидек қўлларини кўксида чалиштириб, уюм-уюм, ранго-ранг гул-чечакларга паришон термилиб қолган, ҳиқ-ҳиқ йиғлашга тушган Моҳигул қимматбаҳо келинлик сарпосини ҳам аяб ўтирмай, бетон қопламали ерга тиз чўкдию унинг узуң этакларига юз-кўзини сурта бошлади. Лолахон оқ фотиҳа талаб келинчакни кўп уринтирмай, кенг манглайидан ўпди-да, бақувват, ярим ялан-ғоч билакларини силаб-сийпалаб ўрнидан туришга ундади.

Ола-чалпоқ дарахт соясидаги стол ортида турган никоҳ уйининг ходималари зиёрат маросимининг бу қадар қизғин, бу қадар маҳзун ўтишини кутишмаганми, қалин-қалин чизилган қошларини чимириб, ростакам ғам-ғуссага чўкиб

қолишди. Улар ёнида қўл қовуштириб турган масъул ходимнинг ҳам рангпар юзларида, косасига чуқур ботган синчков кўзларида хайрихоҳлик, некбинлик шарпалари кезиб юрар, аҳён-аҳён, у чап биқинига қадалгудек тарзда тавозелар билан тек қотган Чинор Тоштемирович томон ўйчан кўз ташлаб, бош чайқаб-чайқаб қўяр эди.

Ниҳоят, келин-куёв ўз дўсту дугоналарининг ярим қуршовида давлат никоҳ уйининг ходималарига рўбарў бўлишди. Ўртадаги нари-бери оқ мато қопланган стол устида бир неча шиша ширин, нордон сув, икки-уч дона оқ-қизил атиргул, ҳурпайган ёстиқдай семиз, залворли қайд дафтари ётибди.

Ходималардан бири ёдгорлик қурилмасига елка тираб, расмий никоҳ маросимини лоқайд кузатиб турган Лолахоннинг узун енгли билакларидан авайлабгина тутди-да, стол ёнига, ўз қабатларига етаклаб келди.

Узоқ-яқиндан зиёрат маросимини иштиёқ билан кузатган томошаталаблар тўпи тобора қуюқлашиб, расмий никоҳ қайд этилаётган жойни аста-секин қуршаб келишар эди.

Давлат никоҳ уйининг иккинчи ходимаси барча икир-чикир ёзувлари аввалдан битиб, тайёрлаб қўйилган қалин қайд дафтарининг керакли саҳифасини очди-да, лўппигина қўлидаги ручкани стол устига авайлабгина қўйди. Шундоққина рўпарасида турган куёвтўра ходиманинг ярим очиқ ёқаларидан тошиб кетгудек билқиллаётган оппоқ сийналарига суқланиб қарашдан қўрқиб, кўзларини у ён-бу ён олиб қочар, суюкли ёрининг семиз, бақувват қўлларини киши билмас силаб-сийпалар эди.

— Азиз ўртоқлар! — дея гап бошлади ниҳоят, ўша ходима қад ростлаб, теваракка чақноқ-чақноқ кўз ташлар экан. — Мана, бир-бирига севги-садоқат билан икки қалб қовушадиган дамлар ҳам етиб келди. Жамиятимиз яна бир янги оила ҳисобига бойиш арафасида. — Ходима бу жозибали нутқ ирод этишга уч-тўрт кун кўзгу олдида туриб тараддуд кўрган, шекилли, ҳеч бир тутилиб-қоқилмай, ҳатто қош-кўзларнинг муқомларини ҳам эсдан чиқармай гапирар эди. — Бу кун ёш оила хотирасида умрбод муҳрланиб қолишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Нафақат улар, балки туман ЗАГС идорасининг хизматчилари ҳам бу қутлуғ дамларни ҳеч қачон унутмаймиз. Бу

икки ёш ўз аризаларида расмий никоҳ маросимини мана шу қутлуғ, муқаддас жойда ўтказишимизни, Лолахон Умрзоқованинг фахрий гувоҳ бўлишларини илтимос қилишган. Биз ҳам бажонидил қабул қилдик. Ўйлайманки, бу анъана, бу тадбир бундан кейин кенг қулоч отади.

Шу пайт масъул раҳбар никоҳ уйининг ходимаси томон андак энгашиб алланималар, деб пичирлади-да, унинг шошапиша маъқуллашлари остида:

— Ҳурматли ўртоқлар! — деди тевараккa бир-бир кўз ташлаб. — Бир минут. Сизларга бир расмий хабарни билдириб қўймоқчи эдим. Келгуси душанба куни Лолахон Умрзоқова вилоят Кенгашидаги ўз фахрий депутатлик ўрнини эгаллайди. Раҳбарият ана шу хабарни эътиборларингизга ҳавола қилишимни тайинлаган.

Тевараклни қуршаб олган гавжум томошаталаблар ўртасида алланечук миннатдорона, хайрихоҳона ғала-ғовур жонланди.

Лолахон расмий никоҳ ходималари ёнида қўлларини кўксида чалиштирган кўйи лоқайд бир қиёфада турибди.

Мен гоҳ соялардан сояларга ўтиб, гоҳ ғуж-ғуж одамлар орасига суқулиб, маросим кетидан маросимни кузатар эканман, фақатгина Лолахонни кўргим, у ҳақида ўйлагим келар эди. Тоғай тоға холасининг хатини келтириб берган кундан бери, назаримда, у алланечук ташвиш-таҳликага тушиб қолгандай, туйқус олис шаҳрига жўнаб юборадигандай эди. Мен ҳамма-ҳаммасидан кўра Лолахоннинг кетиб қолишидан қўрқар эдим.

Маросимлар тугаб, барча тарқаб бўлгач, Лолахон ёдгорлик ёнида яна бироз ивирсиб турди. Сўнг алланечук енгил тортгандай, илдам-илдам қадамлар билан уйига қайтди. Қайта-қайта, ногоҳон менга кўзи тушдию бахт-иқболли келинчаклик кезларидагидек қўлларини шўх-шаън силкитганича кўз қисиб, жилмайиб қўйди. Мен ҳам беихтиёр илжайиб қўл силкитдим. Бироқ бутун вужудим билан истаб турсамда у томон югуриб кетолмадим. Ёнимда Дурбек бор эди. Дўстим Лолахоннинг шўх-шаън қилиғидан бир уялиб, бир чўчиб, гоҳ унга, гоҳ менга анграйиб турди.

Қувончим ичимга сиғмас эди. Назаримда, Лолахон бир пайтлардагидек тағин ҳамма учун суюкли, ҳамма учун эрка, шўх-бахтиёр келинчакка айланиб қолаётгандек эди.

Уша куни кечқурун қувончларим тағин каттароқ қулоч отди.

Ғира-шира шом қоронғуси қуйилиб, жазирама жазавасидан тушган маҳал таниш бир хонадонда оқшом базми эндигина жазавага минаётган эди.

Кўчамизнинг тўйталаб, томошаталаб қизлари бизнинг уй ёнида шўх-шодон чуғур-чуғурлар билан йиғилишди.

Шу пайт Файзулла аканинг дарвозаси ёнида Лолахон пайдо бўлди.

— Опа, юринг тўйга борамиз! — дея қийқириб юборди Нурия қувончлари ичига сиғмай.

Лолахон бундай таклифни сира кутмаган, шекилли, бир зум қай томонга юрарини билмагандай саросималаниб қолди. Сўнг:

— Ҳозир, — деди алланечук ҳаяжон-ҳадик инган товушда. — Ҳозир, қизлар, эшикларни ёпиб чиқай.

Лолахон ичкари кириб кетар-кетмас, Нурия беихтиёр қийқириб юборгандаёқ дами ичига тушиб кетган қизлар бири қўйиб-бири олиб ваҳимали пичирлашга тушишди:

— Эй, жинни, — деди Гулсанам Нуриянинг бошига нуқиб. — Нега унақа, дединг?! Лолахон опани хафа қилдингку?! У юзимиздан ўтолмай рози бўлди.

— Вой, энди нима қилдик?! У ёқдаги қизлардан роса гап эшитадиган бўлдик-да, — деди тағин бир дугона юзларини чангаллаб.

Чумчуқдай чирқиллаб ётган қизлардан бири бошини сараклатди:

— Энди бемалол ўйнаб-кулолмаймиз. Эҳ, ёмон бўлди-да...

— Эҳ...

— Ву-уй...

Шу орада ташқари чиққан Лолахон дарвозани зичлаб ёпди-да, алланечук хуш кайфиятда қизлар тўпига қўшилди. Қўшилдию ўзига ташвишу таҳлика билан тикилаётган нигоҳлар остида яна бўшашиб, қимтиниб қолди.

— Ий-я, — деб юборди Гулсанам бир пайт. — Қаранглар, ҳилол чиқибди, янги ой чиқибди!

— Қани?!

— Кўринмаяпти-ку?

— Ҳа, ҳа, ана, топдим мен...

Ҳаммалари ҳаяжон билан чуғурлашиб, милт-милт юлдузлар порлай бошлаган қорамтир осмонга аланглаб қолишди. Чиндан-да кўк тоқининг бир чеккасида келиннинг тиллақошидеккина янги ой чирой тўкиб турар эди.

— Лолахон опа, дуо қилинг, — деди дугоналардан бири энтикиб. — Яна шундай ойларга эсон-омон етайлик!

Бирин-кетин, астойдил кафт ёйиб, ўзига чинакам ихлос билан термилиб турган қизлардан ҳайиққандай Лолахон ҳам қовушмайгина қўлларини дуога очди. Ўзича ичида пичирланиб юзига енгил бир фотиҳа тортди.

— Оми-ин, яна ой юз билан омон кўришайлик, — деб қўйди Гулсанам кайвониларча ёноқларини силаб қўяр экан.

Улар Лолахонни ўртага олиб тўйхона томон жўнашди. Ҳалигина кўча-кўйни тутган шўх-шодон чуғур-чуғурлар босилиб қолган, ҳаммалари ҳам онда-сонда пичирлашиб, гўё тўйгамас, азага отланишгандек истар-истамас боришар эди.

Мен оқшом базмига анчагина кеч қолдим. Аввалига отам қатъий тайинлаб кетган, Нурия, «ўзинг эплаб қўйгин», дея ёлворган, мол-ҳолларнинг кечки емишини бердим. Сўнг ваъдалашганимиздек, биргалашиб тўйга бориш учун Дурбекларникига югурдим. Бироқ дўстгинам мени кутиб ўтирмай аллақачон тўй-тўйлаб кетган экан.

Тун қора пардасини ёпиб юборди. Тўнкарилган қозондек қоп-қора осмон жимир-жимир юлдузларга тўлиб-тошди.

Мен ҳовлиққанча тўйхонага етиб бордим. Кўча бўйлаб тизилиб турган янги-эски, оғир-енгил машиналар узоқ-яқиндан меҳмонлар ташриф буюришганидан дарак берар эди. Машиналар ичида, ҳатто белидаги узун кўк ҳошия устига ўқловдай-ўқловдай ҳарфлар билан «Милиция», деб ёзиб қўйилган уч-тўрт машина ҳам беозоргина кўзга ташланади.

Норбўта мелисанинг қонундек мустаҳкам, қонундек бағрикенг ва улуғвор ҳовлиси буткул тантанага бурканган. Ҳаммаёқ сон-саноқсиз электр чироқларидан чароғон. Жазавали куй-қўшиқ чинқириғидан ер кўк зириллайди. Ёп-ёруғ ҳовли ўртасига улкан паншаха шаклида тизилган базм столлари тегараси ёшу қари, эркагу аёл меҳмонлар билан банд. Ҳаммалари базм столлари бўйлаб тузатилган дастурхон устидаги ичкилигу егуликларга андармон. Келин-куёв дўсту дугоналари билан давра тўрини эгаллашган. Давра этагидаги чор-

пояда эса созандаю хонандаларнинг бир галаси ўтириб дам олишар, ўртадаги дастурхондан еб-ичишар, тағин бир галаси базм столларига яқин жойда созу чилдирмалар чалиб, куй-қўшиққа зўр беришар эди:

Ҳай ёра-а, ёр-а — ёра-а,
Мен ўзим сенга зор-а...

Афт-ангори беармон бўяб-бежалган хипчагина ўйинчи қиз нозу карашмалар билан ўртада йўрғалар, лип-лип учиб-қўнаётган қип-қизил рақс кўйлаги сон-саноқсиз маст-аласт, қонталашган кўзлар зуғумидан баттар қизарар эди.

Одатдагидек, базм столидан жой тегмаган эркагу аёл, қизлару болалар ўтирганлар теграсида давра қуриб қий-чув, ғала-ғовур билан ўзларича базмни томоша қилишади.

Ҳай ёра-а, ёр-а— ёра-а,
Сен ўзинг менга зор-а...

Тўй қизигандан қизимоқда. Мен хотин-халаж, ёш-яланглар орасидан Дурбекни изладим. Алдаб, кетиб қолгани учун оч биқинига боплаб мушт туширгим келди.

Қўққис Лолахонни кўриб қолдим! У тўдасидан адашган оҳудай давра сиртида, сершох бир дарахт танасига елка тираб,теваракка ҳурка-ҳурка кўз ташлаб турибди. Ҳойнаҳой, ҳалигина уни бошлаб келган қизлар ҳар хил баҳоналар билан ўзларини ҳар тарафга уришган.

Йўқ, ҳар тугул икки дона олмани чангаллаганича ошхона тарафдан Нурия чопиб келди. Алланималар, деб олмалардан бирини Лолахонга тутқазди-да, бирини ўзи асабий тарзда чайнашга тушди. У қандайдир инжиқ синглисини алдай-сулдай ташлаб кетишни эплаёлмаётган ўйинқароқ опага ўхшар, ўқтин-ўқтин, базм томошаси авжланаётган давра томон илҳақ-илҳақ аланглаб қўяр эди.

Мен шундагина бир чеккада сўппайиб, кўзга ташланаётган бева келинни кўпчилик аллақачон пайқашганини, кимлардир таажжубланиб, кимлардир ачиниб уни кузатишаётганини сездим.

Куй-қўшиқ, шовқин-сурон ҳануз еру кўкни зириллатади:

Даҳани гул,
Бадани гул,
Ҳамма ери гул...

Бир пайт бир хотин етовида Дурбекларнинг момоси имиллаганича ўша сершох дарахт ёнидан ўтиб қолди. Шўх-шодон қийқирғу чапаклар чарх ураётган даврага суқилмай, бир чеккада қимтинибгина турган заифалар диққатини тортди, шекилли, Нурияларга қадалиб-қадалиб қаради. Пир-пир учаётган хира кўзларини, айниқса, Лолахондан ҳеч узолмай ўша жойда оёқ илиб қолди.

— Лолахон қизимми бу? — деб сўради охири, бир Нурияга, бир ўзини етаклаган хотинга жонсарак юзланиб.

Лолахон айб устида қўлга тушган қизалоқдай аввал узун енгларини шалвиратганича қўлларини юзига ёсди, сўнг илдамгина интилиб кампирнинг елкаларидан ярим қучди-да:

— Ҳа, менман буви, — деди гуноҳкорона, синиқ бир товушда.

— Ай, бўйларингдан айланай, фаришта қизим, — дея алқаганича момо минг машаққат билан бева келиннинг ёноғидан ўпди, қуйилиб келаётган кўз ёшларини енгларига артиб-артиб олди. Сўнг Нурия томон бир норизо кўз ташлаб қўйиб, тағин Лолахонга юзланди: — Қизгиналар овора қилибди-да, а, журинг, тўйга борамиз, деб гаранг қилган-да, а булар ҳали ёшда, кўп нарсани тушунишмайди, қизим...

Лолахон момодан ҳол-аҳвол сўраш учун бир-икки эмрандию бироқ кампирнинг гал бермай жаврашлари касридан оғиз очолмади.

— Бунинг бари шайтоннинг нағмаси, — деди Дурбекнинг момоси қий-чув, қарсаклар авжланаётган давра томон ишора қилиб. — Буларни қўйинг, ўлай, юринг, қабатгинамда ўтирасиз.

Кампир шундай дея ҳамма бемазагарчиликларга узр сўрагандай, Лолахоннинг билагидан юмшоққина ушлаб, ошхона биқинида қари-қартанг, хотин-халаж учун атай қўйилган чорпоя ёққа етаклашга шайланди.

— Йў-ў-ў, буви, — деди Лолахон беихтиёр юлқиниб қўлини бўшатар экан. — Мен шунчаки... Ҳозир кетаман, уйда ҳеч ким йўқ, қаровсиз...

Кампир бева келинга бир зум маъюс-маҳзун тикилиб қолди. Тикила-тикила қуйилиб келган кўз ёшларини яна узун енгларига артиб ғудранди:

— Тақдир қурсин. Ўткинчи ҳаёт шу экан-да, қизим.

Момони етаклаб турган хотин ҳам ўз-ўзича шўрқиллаб рўмолининг учини кўзларига тегизиб-тегизиб олди.

Лолахон каловланиб, қўлларини кўксида чалиштириб ерга тикилди:

— Хуш қолинг, буви. Мен уйга борай.

— Ай, жувонмарг, — деди момо алланечук зарда билан Нурияга кўз ташлаб. — Опангни уйгинасига кузатиб қўй! Э, қилиқларинг қурсин...

Нурияга жон кирди:

— Хўп, момо, хўп.

Узоқ-яқиндан сершох дарахт томон синчков-синчков кўз ташлаб қўяётганлар ҳам алланечук енгил тортгандай башараларига мамнунлик инди.

Тўй қизигандан қизимоқда. Аллакимнингдир табрик сўзидан сўнг анча пайт жимиб кетган созу чилдирмалар тағин жунбушга келди. Бетлари тобоқдай, қориндор ашулачи савлатига ярашмаган бир тарзда қилпанглаб, шўх-шўх ялла бошлаб юборди:

Кўрдим икки пари келар,
Келар соллана, соллана-а...

Ўйинчи қиз бор-йўғини диркиллатиб чарх ура кетди. Қувноқ, мастона қийқириқлар, беҳаё ғулдирашлар, ҳиринг-ҳиринг кулгулар тобора авжланар эди. Аллақандай кайфи тароқ нусха пулларини чангаллаганича ўрнидан туриб, чирчир айланаётган раққоса томон интилди.

Мен бир тўп қизлар орасига суқилиб базмни томоша қилиб турар эдим. Негадир юрагим беадоқ ғашликка чулғанган. Ҳалигина Лолахон Нурия билан етаклашиб тўйхонадан шарпадек чиқиб кетгандан бери ҳаммаёқ ҳувиллаб қолгандай туюлди. Шу сабабми, ҳар нечук, нағмакашлар тарафдан ғира-шира кўзга ташланаётган дўстларимнинг ёнига боришга, улар билан валақлашишга тобу тоқатим йўқ эди.

Анчадан сўнг Нурия қайтди. У ҳовлиққанча қизлар орасига суқилиб, бир балои бадни даф этиб қайтгандай:

— Лолахон опамни уйига элтиб қўйдим, — деб пичирлади Гулсанамга.

Гулсанам шундоққина рўпарасидаги базм столига ўмганлаб, ароқ тўла пиёласини шериги билан чўқиштиришга ункаётган олифтанамо йигитдан кўз узмай:

— Яхши қилибсан, — деб қўйди.

Қўққис куй-қўшиқ ниҳоялаб, ўйинчи қиз атрофида гирдикапалак бўлаётган икки-уч сўлоқмондай-сўлоқмондай йигит жонсаракларча жойларини излаб қолишди. Ғала-ғовур, қий-чув бутун тўйхонани тутиб кетди. Қориндор ашулачи узатган микрофонни давракаш — Улаш агроном-шоир назокат билан яна ўз илкига олди. Тўй-ҳашамлардагина махсус киядиган оҳорли кўйлак-шимида, соқол-мўйлови обдан қиртишланиб, арзон атир сепилган жағ-ияклари лампа чироқлар ёғдусида лакланган пойабзалдай ялтирар эди.

— Санъаткорларга олқишлар бўлсин, олқишлар! — деб қўйди Улаш ака, тиканакдек сочларини қўли билан тароқлаб-тароқлаб базм столлари аро юрар экан..

Унинг ичкиликдан андак сузилган кўзлари уч-тўрт достонга етгулик илҳом билан порлайди. Бироқ агроном-шоир соф инсоний туйғулар тараннум этилгувчи достонини аллақачон тугатган эди. Ҳа, ҳа,ҳув, Шербек ҳарбийдан қайтган кунлар, ҳеч тараддуди битмай ётган буюк достон, биратўла ўз поёнига етган, тўғрироғи, туғилмай туриб бўғилган эди. Йўқ, йўқ, асл асарнинг бу аччиқ қисматида Улаш агроном-шоир ҳеч бир айбдор эмас. Аллақандай эскилик сарқитлари, исм қўйишдаги аллақандай ибтидоий унсурлар туппа-тузук тараддудни барбод қилди.

«Эҳ, нодонлик, эҳ, жаҳолат, — дея дардини дастурхон қилар экан агроном-шоир, ҳасрату надоматларини тоқат билан тинглагудек бирор кас топилса. — Уйгинамни куйдирди-я, ижодимни расво қилди-я?! Қаранг, севги-вафо, ватанпарварлик тараннум этилган лубой достонни олиб, қаранг! Ҳаммаси ҳам бош образларнинг номи билан жаранглар, гўзал аталган: «Фарҳод ва Ширин», «Юсуф ва Зулайҳо», «Зайнаб ва Омон», ана, кўрдингизми? Хўш-ш, мен қандай атай достонимни, «Ўроқ ва Лола» дейми?! Фу-у, нақадар бефаросатлик! Ўйламай-нетмай шунақа исмлар қўйишган-а? Бир-бирига мутлақо қарама-қарши, бир-би-

рига ғирт тескари номлар-ку булар?! Уф-ф... Ҳаммаси тамом, ҳаммаси тугади...»

Ҳа, ҳа, агроном-шоирни ўртаган дарду ҳасратларнинг ўзи бир достон бўлиб кетди ўша кунлар.

Ўша кунлар маъюс-маҳзун сузилиб қолган унинг кўзлари тобора авжланиб-мавжланаётган тўй оқшомида тағин илҳом билан порлаб, янги бир достонига янги бир жарангдор, ғўзал исмлар излаётгандек келин-куёвнинг номлари ёзилиб, қўш ҳалқа тасвири туширилган, давра тўрида осиғлиқ гиламга ўқтин-ўқтин тикилади.

Оқшом базми қизигандан қизимоқда эди.

Улаш ака шеърни шеърга, сўзни сўзга улаб хийла вақт эзмалангач, келин-куёвни табриклаш навбатини туман ички ишлар идорасининг салобатли раҳбарларидан бирига, ўзи бот-бот таъкидлагандай, зўр мамнуният билан берди.

Афт-ангори арчилган тухумдек, қуюқ сочлари силлиқ таралган табрик навбатини олган киши бахтиёр ёшларнинг исмларини обдан ўқиб олмоқчи бўлдими, ё, мустаҳкам кишандай, қўш ҳалқа тасвири кўзига иссиқ-иссиқ кўриндими, ҳар нечук, ўрнидан тура-тура, жозибали гиламга бир зум тикилиб қолди.

— Ҳурматли ўртоқлар, — дея табрик бошлади у, қўлидаги микрофонни зир-зир титратиб бир-икки томоқ қиргач, — Норбўта акамнинг хонадонида бугун тўй, катта тантана! Ҳалимжон ва Моҳигулхоннинг никоҳ оқшоми, бахт оқшоми...

Ниҳоят, салобатли идоранинг салобатли раҳбари салобатли табригини тугатдию бетоқат турган созандаю хонандалар яна жазава билан куй-қўшиқ бошлаб юборишди:

Ҳа, ўйна, ўйна, ўйна-а,
Хипча белгинам ўйна-а...

Хипча бел ўйинчи қиз не-не йўғон белларни букиб қўйиш илинжида нозу карашмалар билан базм столлари аро йўрғалай кетди.

Келин-куёвларга яқин столда анчадан бери гоҳ мастона ғулдираб, гоҳ қийқириб ўтирган Ашур гандираклаганича ўйинчи қиз томон талпиниб қолди. Бироқ биқинидаги Шер-

бек уни бир тортиб жойига қайтарди-да,худди ёш болани овутаётгандай, ширин сув тўла пиёлани қўлига тут-қазди.

Шербек ҳарбийдан тўлишиб, қуюқ қошлари тағин қуюқлашиб, узун бурни баттар сўррайиб қайтганди. У аскарликдан қайтган ўша куниёқ кечга яқин, урф-удумга амал қилиб Файзулла ака хонадонига Ўроқ акасини йўқлаб бўзлаганича кириб келган. жони ачир қадрдонлигига барчани бир кур ишонтиргач, Ашур билан бип-бинойи етаклашиб, яна кўча-кўй кезиб қолишган эди.

Оқшом базми авжланаётган ўша дамда келиннинг ёнида ял-ял яшнаб ўтирган Шабада Шербек билан тез-тез кўз уриштириб, иккови тушунадиган ноз-ишвали имо-ишоралар қилиб қўяр эди.

Кокилларинг силкитиб,
Ғунча лабгинам ўйна...

Бор товушда кучаниб куйлаётган хонанданинг чинқириғи чирпирак қилиб юборгандай, чир-чир айланаётган ғунчалаб ўйинчи қизнинг нозу карашмаларга лиммо-лим кўзлари ҳеч бир пул чангаллаган бойваччани назардан қочирмайди.

Ашур елкасига тегиб ўтган раққосанинг қип-қизил этаклари томон мастона бўкирганича тағин талпинди. Талпиндию тўзғиб ётган стол устидаги талай идишни ерга тушириб юборди. Шербек тағин уни тортқилаб тартибга олишга уринди.

— Полвон акам соб бўпти, — деди Гулсанам алланечук ачинганнамо. — Энди уни уйига жўнатишади.

Дугоналардан бири бурнини жийирди:

— Ўзидан кўрсин.

Шу пайт Нурия елкамга туртиб ўзига қаратди-да:

— Онам чақиряпти сени, — деб пичирлади.

Чиндан-да давра четида бетоқат турган онам одамлар орасидан лип-лип кўзга ташланади.

— Нима ишлари бор экан? Бормайман, — дедим аччиғланиб.

Нурия ялинганнамо минғирлади:

— Бора қо-ол... Эсам, менга иш буюрадилар.

Истамайгина одамлар орасидан сидрилиб давра четига чиқдим. Шундагина онамнинг ёнидаги Дурбекка кўзим тушди. Ювиб-таралган соч, баданга чиппа ёпишган енг-ёқасиз

кўйлак, тор шим, истеҳзо, шўхликка лиммо-лим юз-кўз қилпанглабгина турар эди.

— Самаджон, — деди онам ҳам ялинганнамо елкаларимни силаб.— Уйдан бир боғ исириқ опкелиб бер, болам. Келиннинг чимилдиғига тутатамиз. Мана, Дурбекжон ҳам сен билан боради.

— Нима, бу ерда қуриган эканми? — деб пўнғилладим томошани тарк этишим муқаррарлигидан тобора аламим ошиб.

— Э, сўрама. Тўй тўполонида қудаларнинг ҳам эси кетиб қолган. Нима қаердалигини билмай гаранг. Чопинглар, болаларим. Дарров опкелиб беринглар, кейин томоша қилаверасизлар, югуринглар.

— Уф... Хўп:

— Қаердалигини биласан-а?

— Биламан. Бостирманинг бурчагига бир қучоғини осиб қўйибсиз-ку.

— Югуринглар, болажонларим, зарил-да, эсам...

Дурбек иккимиз онамнинг тағин аллақанча юмшоқ-мулойим қистовлари остида тўйхонадан чиқдик. Дурбек аразимни тарқатиш илинжида гоҳ бўйнимга осилиб, гоҳ белимдан қучиб, тегажоқликлар қилади.

— Нега мени ташлаб келдинг? — дея гина-кудуратга ўтдим мен андак юмшаб.

— И-ий, — Дурбек елкамга туртиб қўйди. — Ўзингнинг қоранг ўчди-ку? Роса кутдим. Мени ташлаб суриб юборгансан, деб ўйладим. Роса жаҳлим чиқди. Бу ёққа югурдим.

Тўйхона теварагидаги машиналар янада қуюқлашган эди. Унда-мунда тўп-тўп бўлиб, тамаки тутатишганича ғўнғирғўнғир гурунглашиб турганлар ғира-шира кўзга ташланади.

Икковлон илдам-илдам бизникига томон жўнадик.

— Эй, Самад, — дея алланечук сирли, алланечук эҳтиросли пичирлади Дурбек. — Мен ўйинчи қизнинг кўкрагини ушладим.

— Нима? Йўғе! Қандай қилиб?! — Овозимдаги ошкора қизиқишдан ўзим ҳам уялиб кетдим.

Бироқ дўстим бунга сира эътибор бермай, шошиа-пиша, ютоққанича ҳикоя қилишга тушди:

— Бир акахоним ўргатгандай қилдим. Киссамда уч сўмлик бор эди. Ўйинчи қиз ўйноқлаб олдимизга келганда пулимни

сал-пал гиз-гиз қилдим. Дарров сезди. Ҳаммаёғини диркиллатиб олдимдан кетмай қолди. Елкасини кўкрагимга бир-икки тегиздиям. Мен пулимни шартта очиқ ёқасига тиқиб юбордим. Баҳонада оппоқ эмчагини бир чангаллаб олдим. Зўр экан-ей, ю-юмшоқ... Баданларим жимирлаб кетди-е, жўра...

Менинг ҳам баданларим бир қур жимирлаб ўтгандай бўлди. Негадир кўз олдимда кўрсаткич бармоғини ёлғондакам пўписа билан силкитаётган Лолахон жонланди. Беҳаё нарсалар ҳақида бемалол, қизғин гурунглашиб бораётганимиздан баттар хижолатга тушдим. Ҳалигина базм томошаси андак овутган юрагим тағин ғашланиб ўртаниб қолди.

Дурбекнинг жағи-жағига тегмайди:

— Самад, яна беш сўмлигим бор. Ҳозир қайтганимиздан сўнг шуни қистираман, деб ўйинчини ўпиб оламан.

Мен ўзимни одоблигина, бепарво тутишга ҳарчанд уринсам-да, барибир дўстимнинг валақлашларига беихтиёр ютоқиб, эҳтирос билан қулоқ солар эдим.

Тун. Қоп-қора, илиқ тун. Ғуж-ғуж юлдузли осмон эрка келиннинг сўзанасидай бошимиз узра жилваланиб туради. Кўча бўйлаб тизилиб кетган ҳовлиларнинг ёниқ чироқларидан таралган ёғдулар қоронғулик қаърига тиғдай-тиғдай санчилган.

Дурбек гапиргани сайин ўзи ҳам ҳузурланиб кетаётган бўлса керак, ҳануз-ҳануз иштиёқ билан пичирлайди:

— Самад, хоҳласанг пулимни бераман. Сен ҳам ўйинчининг ёқасидан бир қўл тиқиб кўр, ма-аза қиласан.

Негадир жаҳлим чиқа бошлади. Ўз-ўзимдан нафратланиб қўлларимни мушт қилдим. Лолахоннинг андак тантиғ, андак маъюс чеҳрасини кўз олдимдан ҳайдаш учун бош чайқаб, кўзларимни уч-тўрт қаттиқ-қаттиқ юмиб-очдим.

— Ўчир-е, овозингни, — дедим Дурбекни астойдил жеркиб.

Ниҳоят, дарвозамизнинг темир эшигини очиб, ичкари кирдик. Айвондаги лампа ёруғидан жимжит ҳовлимиз хирагина ёришиб турар, унда-мунда ола-чалпоқ кўланкалар ўйноқлар эди.

— Ҳеч ким йўғми уйда? — деб сўради Дурбек чўчиганнамо шипшиб.

— Ҳамма тўйда-ку, — тўнғилладим мен.

Шоша-пиша бостирма томон юрдик. Шарпамизни сезган қўтондаги сигир қисқагина «мў-мў»лаб, пишқириб қўйди.

Айвон чироғининг ёғдуси бостирма тагини ҳам ғ ра-шира ёритиб турибди. Бироқ Дурбек тағин олға юришда чўчигандек бостирма бўсағасида тўхтаб қолди.

Мен бурчакдаги ғадир-будир устун тепасига осиб қўйилган исириқ боғламига интилдим. Интилдиму чўчиб тушдим! Беихтиёр кўзларим Дурбек томон қадалди! Дўстим ҳам менга бақадай бақрайганча қотиб қолган! Шундоққина ёнгинамизда Лолахоннинг қиқир-қиқир кулгуси эшитилганди! Ҳа, ҳа, шундоққина девор ортидан қўшнимизнинг пичан ғарами томондан Лолахоннинг шўх-шаън ҳиринглаши рўй-рост қулоғимизга чалинди.

Мен беихтиёр ғадир-будир устунни қучиб, тошдай қотдим. Бутун вужудим қулоққа айланди.

Лолахон узиб-узиб, қиқир-қиқир куларди.

— Ву-уй, — алланечук тантиғликка тўла товуши эшитилди унинг. —Ву-уй, бунақа қилманг, ву-уй...

Хас-хашаклар шитирлаб кетди.

— Мени севасиз-а, — тағин эҳтиросга лиммо-лим саси келди Лолахоннинг. — Жуда қаттиқ севасиз-а... Мен сизникиман, фақат сизники...

Хас-хашаклар баттар шитирлаб кетди. Қандайдир типирчилашларнинг шовури бемалол сезилар эди.

Дурбек ҳавода муаллақ қотган баҳайбат қушдай қўлларини қанотдек ёйиб ҳануз бақрайганича тек турибди. Унинг ҳам бутун вужуди қулоққа айлангани афт-ангоридан яққол сезилади.

Мен буткул гангиб қолдим. Қулоқларим шанғиллаб, юзларим мисдай қизиб кетган. Юрагимнинг гурс-гурс тепишидан мен қучиб турган устун, қоп-қора бостирма оғир-оғир тебранаётгандай эди.

— Ву-уй, — яна нозли-нозли овози эшитилди Лолахоннинг. — Сизни роса кутдим, роса соғиндим...

Унинг сўнгги сўзлари алланечук ҳузурли, ингроққа айланиб кетгандай бўлди.

— Қочдик! — ваҳимали шипшиди Дурбек кўзлари ўйноқлаб. — Йўқолдик бу ердан, эй! Эсам анови ўйнаши иккови-мизниям сўйиб ташлайди.

Дўстимнинг етовида гандираклаганча бостирма тагидан чиқдим. Қуруқшаган томоғимга алланима тошдай тиқилди. Негадир кўз ўнгимдан Лолахоннинг, ҳув, ола товуқдай қилпинглаб туриши, ҳув, отамнинг бўйнига беҳаёларча осилиши лип-лип ўтди.

«Ифлос, бузуқ...», дея хаёлан ўкирдим қўлларимни мушт қилиб. Юрак-бағримни алам, хўрлик тиканакдай тирнайди.

— Ёнидаги ким бўлди-я?! — деб қўрқув билан пичирлади Дурбек, ҳамон қўлларимни бўшатмай, эсанкираган кўйи олға юрар экан.

Мен «билмадим» демоқчи бўлдиму бироқ бўғзимдан аранг ҳирқираган бир сас чиқди.

Аммо Дурбекнинг оғзидан отилган савол аллақачонлардан бери менинг бутун вужудимни тиканли симдек чулғаб, беаёв тортқиларди. Титраб-қақшаб ўйлардим. Ўйлардиму негадир кўз ўнгимда гоҳ Шунқор Ҳобил, гоҳ отам гавдаланар, баъзан соқоллари ўсиқ, қоп-қора чақчайган қиёфалар хаёлимда айқаш-уйқаш бўлиб кетар эди.

Дурбек дарвозамизнинг темир эшигини ғийқиллатиб очгандагина, ҳовлидан чиқиб бораётганимизни пайқаб қолдим.

Кўча жимжит, қоронғуликка қоришиб ётар эди. Тўйхонадаги куй-қўшиқ саслари, қувноқ қийқириқлар элас-элас қулоққа чалинади.

Ҳайҳотдек кўча, узуқ-юлуқ эшитилаётган шодиёна шовурлари Дурбекнинг қўрқув-таҳликасини ҳайдади, шекилли, у сурбетларча ўшшайди:

— Бир илож топиб, томоша қилмадик-да. Зўр кино кўргандек бўлардик.

— Ўчир-е! — деб ҳирқирдим аранг, нақ бўғзимга келган хўрлигимни зўрға босар эканман.

Мен беихтиёр дарвоза ёнига чўнқайиб ўтириб қолдим. Кўзларим жиққа-жиққа ёшга тўлди. Ҳалигина тасаввуримда чарх уриб ётган соқоллари ўсиқ, қоп-қора, чақчайган қиёфалар қоронғулик қаърига сингиб-йўқолиб, бутун ўй-хаёлларимни Лолахон эгаллаб олди. Унинг нозли-нозли чимирилганда қиялаб-қиялаб кетадиган қошлари, чуқур кулгичли ёноқлари кўз ўнгимда жонланиб турар эди. Мен шундагина Лолахонни жуда-жуда қўмсаётганимни, ўкириб у томонга югургим, бағрига отилгим, қўлларига, этакларига юз-кўзимни суркаб-суркаб ҳўнграгим келаётганини англаб етдим.

Шу пайт муюлишдан уч-тўрт шарпа кўринди.

— Қўйворинглар, ўзим юраман, — деб ғудранди улардан бири.

— Ашур! — деди Дурбек энтикиб, келаётганлар томон синчков-синчков тикилар экан. Сўнг ҳовлиққанча ўша ёққа югурди.

Чиндан ҳам Шербек икки нафар жўраси кўмагида маст Ашурни етаклаб келишар эди.

«Дурбек айтиб қўйса-я?!» — шу ўй онг-шууримга чақмоқдай урилди. Урилдию сапчиб ўрнимдан турдим. Бироқ...

— Ашур ака! — дея ҳансиради Дурбек шарпаларга юзланар экан. — Полвон ака...

Ашур дўстларининг етовидан бир силтаниб бўшади-да, мастона ғудранди:

— Дур, сенми? Нега типирчиляпсан, ким хафа қилди, укажон?..

Хийлагина кайфи тароқ Шербек ва унинг шериклари ҳам саросимада қолишди. Мен эсанкираганча уларга яқинлашдим. Бироқ...

— Ашур ака, — деди Дурбек энтикиб, унинг товушида алланечук таҳлика, тантана қоришиб кетганди. — У ёқда ғарамларингизнинг ёнида Лолахон биров билан қучоқлашяпти, ўпишяпти...

— Нима?! — Ашур бир гувраниб қад ростлади, митти кўзлари чўғдай ёнарди. — Ах, қанжиқ!

Ашур гандираклаганича олға интилди.

Қўққис ҳушёр тортган Шербек ҳануз ҳансираб турган укасининг қулоқ-чаккасига шапалоқ тортди:

— Йўқол, суюнчихўр! Ит! Йўқол!

Ўйдим-чуқур йўлга мункиб кетган Дурбек баралла ҳўнграб юборди. Унинг йиғисидан Шербек баттар ғашланди, яна дўппослаш илинжида ғудраниб укаси томон ташланди. Аммо ёнидаги жўралари билагидан тутиб, тинчлантирган бўлди. Дурбек ариллаб йиғлаганича тўйхона ёққа йўртди.

Бу орада Ашур довдир-довдир, бироқ алланечук зардали қадамлар билан уйларига етиб қолди.

— Ўв, тентак, тўхта! — деб бўғиқ бақирди Шербек, дўстининг изидан истамайгина борар экан.

Мен алланечук тетиклашиб, югургилаган кўйи Ашурга етиб олдим.

— Полвон ака, — дедим ҳансирай-ҳансирай ботинмайгина унинг тирсагидан тутиб. — Ёлғон, Дурбек алдади.

— Қоч, сен қанжиқнинг думи! — ўкирди Ашур қўлимни силтаб. — Йўлимни тўсма!

Мен беихтиёр орқага тисарилдим. Ожизлигимдан, қўрқоқлигимдан яна хўрлигим келди.

Ашур дарвозанинг темир эшигини тепиб очди.

— А-а, қаердасан, урғочи?! — дея бўкирди у айвоннинг хира чироғидан ғира-шира ёришиб турган ҳовлига отилиб кириб. Кира-кира мастликдан мункиб кетдию ерга тиззалаб қолди. Бу ҳол Ашурни баттар жунбушга келтирди.

— Чиқ бу ёққа, бузуқи! — бўкирди у ўрнидан даст туриб ҳовли этаги томон юрар экан.

Лолахон! У қоп-қора сағанадай пичан ғарами ёнида этакларига илашган хас-хашакларни қоқа-қоқа биз томонга ваҳима билан аланглар эди.

Бу орада Шербеклар ҳам қоқила-сурина ҳовлига киришди.

— Сенми ҳали номусимизни булғайдиган! — Ашур аламиздан ўзини тутолмай ғарам томон бора-бора, дарахт панасига суяб қўйилган калта дастали паншахани қўлига олди. — Жавоб бер, қанжиқ?!

— Ўв, тентак, ўзингни бос, — деди Шербек гандираклаганича дўстининг изидан бориб.

Лолахон турган жойида тошдай қотиб, қайнисига ҳануз ваҳима билан анграйиб турар, хира чироқ ёғдуси йирик-йирик кўзларида жилваланар эди.

— Гапир, қанжиқ! — ўшқирди Ашур паншахани ўқталиб. — Ким билан эдинг?! Акажонимнинг руҳи покини қандай ифлос билан булғадинг, айт! Қани у?!

Лолахон нажот сўрагандай биз томон жонсарак-жонсарак кўз ташлаб, беихтиёр бир-икки қадам орқага тисарилди.

Калта дастали паншахани шайлаб ҳануз депсинаётган Ашур:

— Ах, бузуқи! — дея бўкирганича олға ташланди.

Ташландию алланимага қоқилиб ерга юзтубан қуларди. Қўққис қўлидан ситилиб кетган паншаха шундоққина икки қадам нарида саросар турган Лолахоннинг қорнига санчилди.

— Вой, ойижон! — дея чинқириб юборди Лолахон, аввал бир букилиб, сўнг хас-хашак устига чалқанча йиқилар экан. Йиқила-йиқила у жон талвасасида паншахани суғириб ташлади.

Бутун вужудим дағ-дағ қалтираб, ўша ёққа отилдим.

— Ашур! — Шербекнинг бўғиқ қичқириғи қоп-қора туҳни қиймалаб юборгандай бўлди. — Нима қилиб қўйдинг, ит?! — дея ариллади у дўстининг сочларидан тортқилаб турғизмоқчи бўлар экан. — Қоч! Ўлдинг энди!

— А-а-а... — Ашур юзтубан ётган жойда ер муштлаб бир-икки хирилладию ўқчиб-ўқчиб қуса кетди.

Лолахон қонига беланиб, гоҳ ёнбош, гоҳ чалқанча типирчилаб ётаркан, тобора сўниб бораётган товушда ҳамон «вой, ойижон», «вой, худойжон», дея инграр эди.

Мен беихтиёр тиз чўкиб у томон эгилдим.

Лолахон талваса билан кўзларини катта-катта очиб, қуруқшоқ лабларини ялай-ялай пичирлади:

— Самаджон, сизми... Айтинг... айтинг, уларга... мен ёлғиз... Мен ёлғиз эдим! Ўзим билан ўзим...

Лолахон бир эмраниб жим қотди.

Ашурни жонҳолатда турғизишга уннаб ётган Шербек бир сакраб ёнимга келди.

— Самад, қўлингни тегизма унга! — деб ўшқирди у мени даст кўтариб нари улоқтирар экан.

Мен қуруқ гўнг аралаш тупроқ устига гандираклаб йиқилдим. Аъзойи баданим қалт-қалт титраб, қулоқларим шанғиллар эди.

— Чоп, одамларни чақир! — тағин ўшқирди Шербек Лолахон ва Ашур ўртасида жонсарак туриб.

Мен қоқила-сурина кўчага отилдим. Жон талвасасида типирчилаб, бемажол пичирлаётган Лолахон кўз ўнгимда қалқиб турар эди.

— А-а-а, у-у-ув-а-а!

Ногоҳ бўғзимдан отилиб чиққан йиғи аралаш овоз қопқоронғу бўм-бўш кўчани тўлдириб юборди.

Мен ич-ичимдан силқиб тошаётган кўз ёшларимга қоришиб тўйхона томон югурарканман, қоп-қора осмон, гуж-гуж юлдузлар, ҳурпайган иморатлар худди устимга қулаётгандек чайқалар эди.

Қўққис кўчани тўлдириб чопа-чоп келаётган шарпаларга кўзим тушди. Шундагина Шербек Ашурга ташланган пайт даҳшат билан ташқарига отилган унинг шериклари аллақачон тўйхонага хабар етказганини англадим.

Зум ўтмай, кўча-кўйни ўткир фара ёғдуларга белаганича изма-из келаётган бир неча машина кўринди.

Мен кўзларим қамашиб ҳансирай-ҳансирай тўхтаб қолдим. Ваҳимали чув-чувлашганча келаётган одамлар ёнимдан ўтиб кетишди.

Машиналар ҳам «ванг-вунг» — сурон солиб, ўйдим-чуқур йўлда чайқала-чайқала ўтишди.

Мен кўча бўйидаги симёғочга беҳол суяниб қолдим. Тердан жиққа ҳўл кўйлагим баданимга чиппа ёпишган. Ҳануз-ҳануз бутун вужудим дағ-дағ титраб кўнглим айнийди.

Куй-қўшиқ саслари қачонлардир тинган тўйхона томондан тағин шарпалар кўринди. Мен уларга юзма-юз бўлишни истамай, алланечук таҳлика билан изимга қайтдим. Бироқ буткул ҳолдан тойган оёқларим аранг судралар, кўзларим тиниб, бошим айланар эди. Тўйхона томондан шошқин-тошқин йўртиб келаётганлар ён-веримдан ҳансирашганча ўтиб кетишди. Ҳеч ким менга эътибор ҳам бермади.

Тун. Қоп-қора, ҳўмрайган кеча мени ямламай ютаётгандек эди. Тўзғин-сочқин юлдузлар юз-кўзларимга чўғдай босилади. Қайлардадир тун ҳашоратлари талваса билан чирқиллар, қайлардадир итлар таҳдидли-таҳдидли ҳуришади.

Одамлар безовта-безовта уймаланиб ётган Файзулла аканинг дарвозаси ёнига боришга юрагим дов бермай, кўча деворга суянганча туриб қолдим. Гоҳ ичкарига, гоҳ ташқарига жонсаракларча югуриб-елаётганларнинг узуқ-юлуқ, ташвишли таҳликага тўла товушлари қулоққа чалинади.

Кимдир фараларни ўчириб-ёқиб «ғур-ғур» юришга шайланган машинанинг кабинасига энгашди-да:

«Ҳа, шаҳар касалхонасига», деб қўйди асабий овозда.

Машина енгил бир силкиниб олға жилди.

Шу орада икки-уч, барваста-барваста нотаниш кишилар қўллари орқасига қайрилган Ашурни судраб чиқишди.

— Атай қилганим йў-ўқ! — гоҳ дебсиниб, гоҳ типирчилаб бўкирарди полвон. — Маст эдим! Хоҳлаганим йў-ўқ! Кечиринг-ла-ар...

Ашурнинг тун зулматини зириллатаётган оҳу зорлари бўғзида қолди. Судраб чиққанлар уни «ванг-вунг»лаб юришга чоғланган иккинчи бир машинанинг салонига бир боғ хашакдай тиқишди-да ёнига ўзлари ўтиришди.

Шашт билан қўзғалган машина милтираб турган чўғдай орқа чироқларини пирпиратиб бир зумда қоронғулик қўйнига сингиб кетди.

Файзулла аканинг дарвозаси ёнида талатўп, ташвишли таҳликали ғала-ғовур ҳануз авжида эди.

Бир пайт саросар типирчилаб юрган шарпалардан бири тўдадан ажралиб мен томон юрди.

У отам эди!

Мен бу орада беихтиёр судралганча қўшнимизнинг дарвозаси томон анча-мунча яқин бориб қолган эканман. Худди изғирин эсиб тургандек баданларим музлаб, қалтирайди.

— Юр, бу ёққа!

Отам жаҳл билан билагимдан чангаллаб уйимиз томон судради.

Мен алланечук тетиклашиб унга эргашдим. Отамнинг қаҳру ғазаби юрагимда заррача ҳам қўрқув қўзғамади.

Отам ҳовлига кира солиб, ошхона биқинидаги дарахтнинг савағичдек шохларидан бирини бир силтаб, синдириб олди.

Айвон чироғининг хира ёруғида мен унинг кўйлагига қон юқи текканини ғира-шира пайқаб қолдим. Ҳалигина бўм-бўш, ором тортиб қолган юрагим тағин гуп-гуп ура кетдию ич-ичимдан қўзғалган ҳасрат-алам томоғимга тошдек тиқилиб қолди.

— Ҳа-а, чақимчи, чўчқа! — дея хириллади отам мени туртиб-суриб даҳлизга қувиб кирар экан.

Унинг ичкиликданми, йиғиданми қонталаш кўзлари қайғу-изтиробдан сузилиб, бурун катаклари пир-пир учади.

— Мана сенга! — отам қулочкашлаб бўйним аралаш елкамга хивчин серпади.

Мен ҳеч бир оғриқни ҳис қилмай, жиққа ёшдан хиралашган кўзларим билан унга тик қараб турар эдим!

Отам илкис интилиб ёқамдан тутди-ю, мени даҳлизнинг бир бурчига улоқтирди. Эскигина шолча устига юзтубан йиқилдим.

Отам бел аралаш яғринимга хивчин билан аёвсиз савалай кетди:

— Мана, сенга! Мана...

Мен қилт этмай чўзилиб ётардим. Чайир, бақувват хивчин аъзойи баданимни ҳар гал шилиб ўтганда алвон-алвон жилвалар кўз ўнгимда жимир-жимир мавжланар, сеҳрли шивир-шивир аста-секин, майин-майин аллалар эди.

Ҳирқираб савалаётган отам бир пайт ёнимга гуп этиб ёнбош қулади:

— Эҳ, Лолахон... эҳ, бечорагинам, — дея хириллаб пичирлади у қон юқи теккан қўлларини юзига босиб. Сўнг туйқус ҳўнграб юборди.

Мен алвон-алвон жилваларга қоришиб, аллақандай оппоқ, о-оп-поқ бўшлиқ ичига сингиб борар эканман, отамнинг йиғиси қулоқларимга элас-элас эшитилди.

* * *

«Лолахон янга! Мени ташлаб кетманг, янга. Янгажон! Қўлларимдан етаклаб юринг! Мен сизни қароқчилардан қўриқлайман, жажжи Бахтиёрни ўйнатаман, юмушларингизга қарашаман. Шўх-шўх кўз қисиб имласангиз, бас, янгажон, мен ёнингизга елдек елиб бораман. Энтика-энтика тикилиб кўзларингиз ичида ўзимни, фақат ўзимни кўраман. Янгажон, биргина жилмайинг, биргина. Кулгичларингиз мунчалар чиройли! Янгажон, биргина чимирилинг, янгажон, қошларингиз мунчалар чиройли!

Янгажон, қаранг, учиб-учиб боряпман ёнингизга. Ҳаммаёқ қип-қизил, ҳаммаёқ алвон-алвон. Нима бу?! Қизғалдоқзорми? Ё ўйинчи қизнинг қип-қизил этагими? Йў-ўқ, бу қон, бу қип-қизил қон! Сизнинг баданингиздан сизиб чиқаётган қон. Янгажон, қўрқиб кетяпман. Қўлларингизни беринг! Беринг, қўлларингизни юзимга босай!..»

Мен тошдек зил-замбил қабоқларимни аранг йириб кўзларимни очдим.

Кўз ўнгимда оппоқ ранглар жимирлаб кетди.

Қўққис оқ рўмолини сириб ўраган, оқ кийимли маъюс чеҳра бошим узра энгашди.

— Лолахон янга, — беихтиёр пичирладим, қурушқоқ лабларимни ялаб-ялаб. — Янгажон, қўлларингизни беринг!

Маъюс чеҳра аллақаёққадир юзланди:

— Кўзини очди. Гапиряпти.

Зум ўтмай, тепамда оқ кийимли, оқ қалпоқли бир неча қиёфа пайдо бўлди.

— Хайрият, — деди улар ичидаги орик юзли киши, енгил бир тин олиб. — Нақ икки сутка ҳушсиз ётди-я?!

Бошим узра энгашган оқ қалпоқ, оқ кийимли қиёфалар ўзаро пичирлашиб, бирин-сирин нари кетишди.

— Озгина сув беринглар унга, — деди ҳалиги киши кимгадир юзланиб.

Димоғимга аллақандай дори-дармонларнинг иси урилди. Дик этиб туриб кетмоқчи бўлардиму бироқ қурбим йўқ эди.

Кўп ўтмай тепамда отамнинг маъюс-маҳзун юз-кўзлари пайдо бўлди.

— Самаджон, болам, — деди у дағал қўлларини пешонамга қўйиб.

— Кўп безовта қилманг, Эргаш ака, — бу овоз тағин ўша оқ кийимли кишиники эди. — Ҳали дам олсин.

— Абдушукуржон, раҳмат, — деб минғирлади отам тепамдан узоқлашиб. — Барака топинг, дўхтир.

Мен шундагина касалхонада ётганимни англадим.

Абдушукур ака билан отам мендан сал наридаги стулларга ўтиришиб, ғўнғур-ғўнғур суҳбатлаша бошлашди.

— Ташвишланманг, Эргаш ака, ҳаммаси яхши бўлади. Ўғлингиз қаттиқ қўрққан, таъсирланган. Буни биз нервний стресс, деб атаймиз. Устига-устак қаттиқ терлаб шамоллаган.

— Бу ҳам ҳалиги воқеаларнинг устида бўлган-да.

— Шунақа. Бундан ташқари, Эргаш ака, ўзингиздан қолар гап йўқ, ўғлингизда андаккина... ҳалиги... юрак ўйноғи пайдо бўлган... Тушундингиз-а? Жигитгина бўп қолаяпти-да, ўғлингиз...

— Ҳим-м... Қаттиқ савалаб бирор ерига лат етказдимми, — деб қўрққандим.

— Йўқ, савалаб яхши қилгансиз. Ҳа, ҳа, беҳазил. Урган пайтингиз организмдаги ички қувватлар қўзғалган. Эсам, аҳвол жуда чатоқ бўларди. Ҳатто қаттиқ таъсирлангандан мия ҳам зарарланиши мумкин эди.

— Раҳмат, Абдушукуржон, раҳмат.

— Эргаш ака, энди гап бундай. Самадбой бу ердан даволаниб чиққандан кейин уни дарров қишлоқдан узоқлаштиринг. Хўп? Ўзингиз тушунасиз, яна ҳалиги гап, хуллас, жигитнинг юрак ўйноғи босилиши керак.

— Хўп, хўп.

Шу пайт қоғозлар тахлаб қўйилган стол устидаги кулранг телефон зардали-зардали жиринглаб қолди.

— Аллў! — деди дўхтир телефон гўшагини қулоғига тутиб. — Ҳа, Абдушукр Халилов, мен. Эшитаман...

Отам ўрнидан турди-да, мен томон юрди.

Мен беихтиёр кўзларимни юмиб олдим.

* * *

Мен касалхонада ўн кунча даволанган бўлдим. Ўн кунча ҳамшира қиз-жувонларнинг юз-кўзига илҳақ-интизор, хаёлчан-хаёлчан тикилдим. Бироқ уларнинг таажжуб ва ҳайрат билан боққан кўзларида мен барибир ўзимни кўролмадим. Фақатгина ғаш юрагим баттар ғашланди.

Ниҳоят, отам мени уйга олиб кетди.

— Самаджон, мана буни эшитибгина уйдан чиқмай дам оласиз, — деди у хушомад билан машинадаёқ яп-янги магнитафонни қўлимга тутқазиб.

Мен бош ирғаб қўя қолдим. Ҳолбуки, бусиз ҳам уйдан чиқишга, бировларга юзланиб валақлашишга тобу тоқатим йўқ эди.

Онам кўз ёшларини тиёлмай, дарвозадаёқ мени қучоғига олди. Опам Нурия, сингилчам Робия ҳам худди мен олис сафардан қайтгандай, афт-ангоримга ғалати бир қизиқсиниб термилишди. Мен ростдан ҳам тағин уч-тўрт кун уйда қамалиб ётдим. Тўлқин ва Дурбек мен билан дийдорлашгали келишди. Мен аввал тажангларча рўйхушлик бермай турдим, сўнг қизара-бўзара гурунгга шўнғиб кетганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Тайин гапки, дўст-жўраларнинг ҳимматидан унча-мунча шивир-шивир, миш-мишлардан хабар топдим.

Ўша тун Ашурнинг қўлига кишан солинса-да, бироқ довруғи, шон-шуҳрати озод ва эркин қолган экан! Эл-улус

ҳануз-ҳануз уни ор-номус ҳимоячиси тимсолида улуғлашар, оила шаъни учун, марҳум акасининг пок хотираси учун ўзини балоларга мағрур ва мардона йўлиқтиргани ҳақида мутаассир бўлиб гапиришар экан. Бир пайтлар пусиб-пусиб кетган миш-мишчилару ғийбатчилар тўдасига ҳам, ниҳоят, худо берибди. Улар олис шаҳардан пайт пойлаб келган алла-қандай ўйнаши билан Лолахон хашак ғарами устида айни ялаб-юлқашаётган пайт қўққис Ашур полвон сезиб қолгани ҳақида, номард эркакнинг девор оша қочганию қасоскор қўл орқасидан отган паншаха хиёнаткор урғочига санчилгани ҳақида, ҳатто Тошбиби чеҳанинг олди-қочди чўпчакларини ҳам йўлда қолдирадиган, теша тегмаган миш-мишларни тўқиб чиқаришган экан.

«Ҳақ рост, ҳақ рост, — дермиш улар бир-бирига гап маъқуллатиб. — Осмонда парипшталар бор. Ана шу парипшталарнинг каромати билан бошқа бировга отилган паншаха бурилибгина анови ер ютқурнинг қорнига қадалган-да! Худойжоннинг ўзи қилмишига яраша жазолаган-да, қора бос-гурни...»

Баъзи бировлар Лолахоннинг асли бузуқи феъл жодугар экани, Ўроқ бечоранинг тупроғи ҳали совимай туриб пар-доз-андозга зўр бергани, кундан-кун хушрўйлашиб, қўринганга кўз сузиб, қош қоқиб қилпанглаб юрганини ашёвий далиллар билан исботлашга астойдил киришган эмиш.

Қўққис ҳаммалари Лолахоннинг қорнидаги уч-тўрт ойлик ҳомила билан келин бўлиб келганини эслашибди!

«Бу шаҳарнинг асл суюқ оёқларидан, — деганмиш суюқ оёқликнинг барча сиру асрорини ўзида синаб кўрганлардан бири. — Анови, туғиб ташлагани бечора Ўроққа тирноқча ҳам ўхшамаган».

Шу орада бева келиннинг тантанали маросимга ташриф буюрган «шоир, ёзувчи, журналист ва ҳоказо» билан суйкалишиб турганини кўрган холис гувоҳлар ҳам топила қолибди.

Мен бу ғаройибдан-ғаройиб миш-мишларни юрак-бағрим қонаб, ич-ичимда ўкириб-ўкириб эшитдим.

Бироқ ўша мудҳиш туннинг эртасига тушга яқин қариндош-қудаларинникидан тўй-тўйлаб, тўлиб-тошиб қайтган Файзулла ака ва Хосият хола қаттол қисматнинг галдаги қора қилмишидан хабардор бўлишган чоғ не бир кўргулик-

лар юз берганини эшитганимда кўз олдим қоронғулашиб, қадам етмас чўлу биёбонларга шамолдек елиб, тўзғиб-тўзғиб йўқолгим келди.

Ўшанда Хосият хола даҳлиздаёқ гурсуллаб қулаб тилдан қолган экан! Файзулла ака эса кўзлари чақчайиб-чақчайиб анча пайт ҳовлида оч арвоҳдек кезиниб, телбавор қаҳ-қаҳ отганича хашак ғарами биқинига беҳуш йиқилибди! Чинор ака ўзи бош-қош бўлиб, чалажон эру хотинни касалхонага жўнатган эмиш. Жажжи Бахтиёрни меҳрибон аммаларидан бири ўз қарамоғига олибди.

Ниҳоят, отам дўхтирнинг қатъий маслаҳатларига қатъий амал қилган ҳолда мени қишлоқдан узоқлаштирди. Олис бир тоғли туманда яшовчи тоғамникига жўнатди. Жўнай-жўнай мен ҳамманинг кўзини шамғалат қилиб, бир пайтлар Лолахон янгам ҳадя қилган, анчадан бери йўқотиб қўйишдан қўрқиб, ёнимда олиб юрмай, хуфия бир жойга беркитиб қўйиб, аҳён-аҳён ўпиб-ҳидлаб юрганим — ўша шиша балиқчани қўйнимга тиқдим. Ўшанда қишлоқдан узоқлашдиму, бироқ барибир ўкинч-аламларга тўла ўй-хаёллардан узоқлашолмадим. Ўтирсам-турсам фақатгина Лолахон ҳақида эзилиб-эзилиб, ўртаниб-ўртаниб ўйладим, овлоқ-овлоқда, ўша ҳадя шиша балиқчани ўпиб-қучиб юм-юм йиғладим. Тоғли туманнинг хушманзаралари ҳам, қариндошларнинг беадоқ ғамхўрликлари ҳам мени овутолмади. Озиб-тўзиб, роппа-роса бир ойдан сўнг тағин қишлоққа қайтдим.

Ашур қамалиб кетибди! Бутун суд-сўроқ давомида кўз ёшларини сел қилиб, узрлар кетидан узрлар сўраши ҳам ордона қолибди. Бутун суд ҳукми давомида ёнгинасида қоққан қозиқдай турган тутинган оғаси — Ҳалим Норбўта ўғли у томон илдамгина интилган эмиш. Албатта, бу гал Ашурнинг қўлларини жанговар сиқиб қўйиш ниятида эмас, билакларига кишан солиш учун интилибди.

Отам мени қишлоқдан узоқлаштириш режаларини ҳормай-толмай амалга оширар эди. Ўша куз мен бир юмалаб вилоят марказидаги қурувчилар билим юртининг толибига айландим. Улаш аканинг билим юртимизга яқин маҳаллада истиқомат қилувчи аллақандай қариндошлари менга бошпана берди. Агроном-шоирнинг ўзи эса ўша кунлар севги-садоқат тараннум этилгувчи достонини ёзмай, беҳуда ово-

рагарчиликдан қутулиб қолганининг шукронасига «Порт-вейн» виносидан бўкиб-бўкиб ичиб юрар эди.

Шу орада Файзулла ака ҳам узоқ даволанишдан қайтди. Юмшоқ феъл, хокисоргина бу инсоннинг иродаси, мустаҳкам жону танига дўхтирлар ҳам қойил қолишибди. «Бизнинг хомчўтимизча бу одам, — дея шивирлашган экан улар, — аллақачон ақлдан озиб, хароб бўлиши керак эди».

Файзулла ака уйига бардам-тетиккина, ўйчан бир қиёфада кириб келди. Бироқ Хосият хола касалхонадан чиқмай ўша қишнинг бошларида қазо қилди! Айтишларича, бу ғамбода она мангуга кўзларини юма-юма «Менинг Ўроқжоним қани, қани менинг Лолахоним», дея пичирлаган эмиш.

Хосият холанинг ўлимидан сўнг роппа-роса бир йил ўтгач, Файзулла ака яна уйланиш пайига тушиб қолибди. Айтишларича, оталарининг қароридан норизо қизлари уни ўртага олиб, марҳума оналарининг руҳи поки, муқаддас хотираси ҳақида гап бошлаб, айюҳаннос кўтара бошлашган маҳал — Файзулла ака қизларига шундай бир ўқрайиб қарабдики, ўша заҳотиёқ меҳрибон фарзандлар қариябоп аёл изламага тушибдилар.

Ниҳоят, Тоғай тоғанинг қачонлардир тул қолган, туман марказидаги бекатларнинг бирида писта сотиб ўтирадиган, қоп-қора, иприсқи синглиси Файзулла акага танмаҳрамликка рўйхушлик берибди!..

Мен таътилларнинг бирида қишлоққа борган чоғим қўшнимизнинг дарвозаси ёнида турган ўша аёлни кўриб, аранг таниб, ҳайратдан лол қотдим. Йўқ, йўқ, битта менмас, кейинчалик эшитишимча, Тоғай тоғанинг тул синглиси Файзулла акага текқандан бери бутун эл-улус ҳайратдан ёқа ушлаган экан!

Қоп-қора, иприсқи, пистафуруш хотиндан асар ҳам йўқ! Мен дарвоза ёнида кўрган сўлим аёлнинг оқ-қизғиш юзларида, қалин лабларида, таманно билан чимирилган сийрак қошлар остидаги қийиқ кўзларида шўх бир табассум қалқиб турар эди. Қия-қия қўндирилган дуррачаси тагидан тошиб турган зулфлари, кенг-узун, одмигина, ораста кийимлари ажиб бир тароватга чулғанган эди.

Мен ўша кунлар Файзулла ака ҳам алланечук ёшариб, жўшқин ва масрур қиёфага кириб қолганини пайқадим.

Мен аскарликка кетишга чоғланиб юрган кезлар ўша янга Файзулла акага қўчқордай ўғил туғиб берди. Айтишларича, мурғак гўдак Ўроққа қуйиб қўйгандек ўхшар экан!

«Буғалтер бова масалага илмий ёндашади, — дебди Чинор ака қувноқ қийқириб, тантанали бешик тўйида. — Аниқ математик ҳисоб-китоб, аниқ геометрик ўлчам билан ишлайди...»

Қувноқ ҳазилдан йиғилганлар яйраб-яйраб кулишган эмиш...

* * *

Мен Лолахон ҳақида ўйлар эдим. Қақшаб-қақшаб, ўртаниб-ўртаниб ўйлар эдим. Бироқ унинг тақдири тўғрисида бирор кимсадан сўраб-суриштиришга ҳеч ботинолмадим. Ўша тоғдан қайтган кунларим, қулоғимга чалинган, машъум тундаёқ касалхонага етмай Лолахоннинг жон таслим қилгани, шошилинч етиб келган қариндошлари кўз ёшларига беланиб, чўлликларни қарғай-қарғай, жасадни олис шаҳарга олиб кетишгани ҳақидаги миш-мишларга негадир ишонмадим. Кўп ўтмай, кимнингдир оғзидан чиққан муждадан эса ичим илиб, лабларимга беихтиёр кулгу ёйилиб қолди.

«Лолахонни қариндошлари шаҳарга олиб кетишибди, — деган эмиш ўша оғзидан ош аримагур аллаким. — У ёқда зўр-зўр дўхтирлар қараётган эмиш. Ҳозир Лолахон анча тузалиб қолибди».

Мен ана шу муждаларга ишондим, жуда-жуда қаттиқ ишондим. Шу сабаб ҳам, ногоҳ умидларим сароб бўлиб чиқишидан қўрқиб, Лолахон ҳақида ортиқ сўраб-суришти-ришга ҳеч ботинолмадим.

Тағин бир ғарибгина ҳодиса менинг умид-ишончларимни тоғдай юксалтириб, юракларимни беадоқ қувончларга чулғади.

Ўшанда мен вилоят марказидаги билим юртида эндигина ўқишни бошлаган эдим. Кузнинг адоқлари эди. Серташвиш кунларнинг бирида ойлик маош олинжида хийлагина одам тўпланиб турган идора ёнига яп-янги «Жигули» келиб тўхтади.

Мен қадрдон билим юртимга отланиб, ўз машинасида вилоят марказигача олиб кетишга ваъда берган Абдулла акани кутиб турар эдим.

«Жигули»нинг орқа эшиклари шарақлаб очилиб, пўрим уст-бошларию турқи савлатларидан шаҳар нуқси уфуриб турган икки нафар барваста йигит такаббурона ерга оёқ босишди. Иккисининг ҳам оғзида сигарет, қўллари белга қадалган.

— Ўв, — деди улардан бири ўзлари томон англайганча қотган қишлоқ меҳнаткашларига юзланиб. — Ўв, тасқаралар, биззи сингилчага қўл кўтарган тирриқ қани?! Би-ир башарасини кўрсатсин-чи ўша исқиртларинг!

Идора биқинида беозоргина ойлик-маош кутиб турган қавмнинг дами ичига тушиб кетди. Аллақачон ноёб жонивордай панжара ортига ташланган ор-номус ҳимоячисининг ўрни дарров билиниб, ҳақоратларга муносиб жавоб қайтара оладиган одам топилмай қолди. Ҳатто Сафармурод чавандоз ҳам тақамўйловининг орқасига бекиниб, аллақандай баҳоналар кўмагида ўзини идора ичкарисига урди.

— Эй, туршаклар, тилларинг борми ўзи?! — дея ўшқирди тағин шаҳарликлардан бири сигарет қолдиғини тўпланганлар томон чертиб.

Шу пайт идора эшигидан Абдулла ака чиқиб келди. Афтидан, у ташқаридаги кўнгилхираликлардан хабардор эди. Абдулла ака нотаниш нусхаларга бир зум синчков-синчков тикилиб тургач, тақир бошидаги шляпасини қошлари устига бостириб қўйиб, улар томон бамайлихотир юрди.

Шаҳарлик зўравонлар беихтиёр қўл қовуштириб, елка қисиб қолишди.

— Ассалў-ўм, — деб салом берди улардан бири Абдулла акага пешвоз юрар экан.

Абдулла ака ҳар иккиси билан бирма-бир, вазмин қўл олиб кўришди. Сўнг туйқус эснай-эснай:

— Пиёз бор, меҳмонлар, — деди томдан тараша тушгандек. — Зўр, кузги пиёз, арзон...

Қасоскорлар бир қур сергакланиб, ўзаро кўз уриштириб олишди.

— Ока, юринг, машинада гаплашамиз, — деди улардан бири «Жигули» томон ишора қилиб.

Учовлон мамнун-мамнун машинага ўтиришди.

Ўшанда маошталаблар кутилмаган бир балодан омон қолишганидан, оркаш шаҳарликлар «зўр, арзон» пиёзга йўлиқишганидан димоғлари чоғ бўлди.

Мен эса ўз ҳис-сезгиларимдан олам-олам қувончга чулғандим. Шаҳарликларнинг юриш-туриши, гап-сўзлари менда, гўё Лолахон соппа-соғ, ўйнаб-кулиб юргандай фикр уйғотди. Ўшанда чимирилган қийиқ қошлар, табассум тўла йирик-йирик каҳрабодек кўзлар, ногоҳ хаёлимда жонланиб, беадоқ соғинчу изтиробдан ўртаниб, ўпкам тўлиб кетди. Беихтиёр кўзларимга қалқиб чиққан ёшларни арта-арта Абдулла акани ҳам кутмай, ўрта йўл бўйлаб далли девоналарча жўнаб қолдим.

Оёқларим остидаги ўйдим-чуқур, чанг-тупроқ кўпчиб ётган қадрдон йўл мени қувончу қайғуларга қоришиқ қишлоғимдан, сержилва капалакдек беқарор болалигимдан, маҳзун-масрур ўсмирлик кунларимдан олислатиб-олислатиб кетаётганини мен ҳали билмас эдим.

Ҳали мен юрагимга инган ширин бир ғусса, алланечук соғинч изтироби бир умрлик ҳамроҳим эканидан буткул бехабар эдим.

* * *

Мен сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Хаёлларга қоришиб ётган жойимда андак кўзим илашиб, туш кўрдимми, ё чиндан-да бир сирў-синоат рўй бердими, билмадим: хонам бўйлаб бир шарпа оҳиста-оҳиста кезиб ўтгандай бўлди! Бир шарпаки, паричеҳра, қалдирғоч қанотидек қошлари ноз билан чимирилган, юз-кўзлари тўла табассум. У сийму танидан ажиб тароватлар таратиб ҳатто бошим узра энгашгандай, қулоғимга шивирлагандай бўлди. Шивирлай-шивирлай мендан оҳиста узоқлашди, узоқлаша-узоқлаша юз-кўзларига бир мунг, бир маъюслик қалқди, араз-гина билан лаб қимтиб бош чайқади, оппоқ, нозик қўлларини ҳавода силкитди, узун енглари билагига шимарилиб қолди.

Мен сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

«Лолахон, янгажон, кетманг!» — бу ҳайқириқ бўғзимга тошдек тиқилиб қолди. Шарпа сари узатган қўлларим ҳавода муаллақ қотди. Шу алфоз бир лаҳза туриб қолдим. Кўзим тиниб, юрагим гурс-гурс ура кетди.

Хона жим-жит эди. Кетма-кет чекилган сигаретларнинг аччиқ дуди теварагимни тумандек қоплаган. Мен тун бўйи минг чўзилиб, минг ўтирган каравотимнинг кўрпа-тўшаги Кенгсойнинг қир-сойларидай баланд-паст, айқаш-уйқаш бўлиб ётибди.

Шу кеч менинг эзгин-эзгин хотиралар билан олишиб чиқишимни билгандек қай бир дўстиникига кетган ҳамхонам қайтиб келмади. Шу тун хона ҳам, маъюс-маҳзун хаёллар ҳам ёлғиз ўзимники бўлди. Шу тун торгина ҳужрам кенг, бепоён даштга айланди. Бепоён даштнинг беаёв жазирамаси шундоққина юз-кўзларимга уфуриб тургандай бўлди. Шу торгина кулбам мен билан ўксиниб-ўртанди, титраб-қақшади.

Хаёллар... Хотиралар... Хаёллар...

Мен чоғроққина ёзув столим устидаги лаби учган чойнакдан яхна чой сипқордим. Бироқ ич-ичимни куйдириб ётган ғалати бир ташналик барибир босилмади. Яна сигарет тутатиб деразани ланг очиб юбордим.

Ғира-шира оқариб тонг отмоқда. Юз-кўзларимни муздеккина сабо силаб-сийпалаб ўтди. Ётоқхона ҳовлисидаги настариннинг хушбўйлари димоғимга урилди. Бу хушбўйлар тағин бошим узра энгашган келинчакни хаёлимда жонлантирдию кўз ўнгимда тағин Лолахон қад ростлади.

Ўша кўргуликлардан сўнг уни чиндан ҳам қариндошлари шаҳарга олиб келиб, даволатишдимикан?! Университетга ўқишга киргач, беихтиёр Лолахонни излашга тушдим. Бироқ унинг, тўғрироғи қизлик уйининг манзилини билмас эдим. Бирор кишидан сўраб билишга эса юрагим бетламади. Бир пайтлар Ўроқ ўқиган институт теварагига танда қўйдим. Ўша ёқларда беихтиёр изғиб қолдим. Кўзларим нигорон, юракларим илҳақ эди! Бироқ мен Лолахонни топа олмадим.

Шундай илҳақ-интизор излашларнинг биридан маъюс-маҳзун бир кайфиятда ётоқхонага қайтар эканман, туйқус йўлда сулувгина курсдош қизни учратиб қолдим. Негадир, юрак-бағрим алланечук соғинч, илинжлардан ўртаниб, беихтиёр унинг қўлидан тутдиму, ўзимга қаратдим. Ҳамсабоқ қиз ялт этиб менга ўгирилди. Қуралай кўзларида аввал таажжуб, сўнг қувонч порлади: «Самад ака, чўчитиб юбордингиз-у-у, нега бугун дарсга бормадингиз?»

Қиз тўлиб-тошиб бугун ўқув гуруҳимизда бўлиб ўтган ҳангомаларни сўзлашга тушди. Унинг ёшлик, гўзаллик балқиб турган кўзлари менга эркаланиб-эркаланиб боқар эди. Мен унинг қароқларига тикилиб-тикилиб қарадим. Ўша илҳақ-интизорлик ҳануз бутун вужудимни ўртаб турар эди. Бироқ, бироқ мен қиз қароқларида ўзимни кўролмадим! Қўққис ўгрилдиму, ортимга қайтдим. Ҳануз бир гапириб, ўн кулаётган сулув қиз ортимдан ҳангу манг қараб қолди.

Шу-шу курсдошлар орасида «Галстукли Мажнун» деган лақаб орттирдим.

Хаёллар... хаёллар...

Тонг. Оппоқ тонг отмоқда. Ётоқхона ҳовлисида икки-уч талаба бадантарбия билан машғул. Мен уларнинг чайир, бақувват қад-бастларига қараб тағин Ашурни эсладим.

Отамнинг ёзишича, қамоқдан қайтган Ащурни энг аввал Сафармурод чавандоз билан Улаш агроном-шоир учратибди. Бу икки улфат катта трасса — йўлга яқин пайкал ёқасида бир шиша ароқни «майдалаб», карта ўйнаб ўтиришган экан. Бир пайт қарашсаки, ўн-ўн беш қадам нарида тўзғин уст-бошли, соқоллари ўсиқ бир дайдинамо нусха уларга тикилиб турибди.

Икки улфатнинг ўтакаси ёрилиб ичидан қиринди ўтган.

«Ўлдик, қароқчи бу», дея аранг пичирлабди Улаш агроном-шоир.

Сафармурод чавандознинг эса буткул тили айланмас эмиш.

Ашур уларга анча пайт тикилиб тургач, мунғайибгина посёлка томон кетибди. Ғалати нусханинг ортидан анграйиб қолган икки улфат «омон-омон»нинг шарафига тағин бир-бир пиёладан сипқориб, картабозликка шўнғишган эмиш...

Ашур ҳозир нима қилаяпти экан? Оғир тушлар кўриб, босинқираб ётгандир? Балки у ҳам эзгин-эзгин хаёлларга ғарқ, ўртанишу пушаймонлар исканжасида тонгни қарши олаётгандир?!

Файзулла ака-чи?! Сафармурод чавандозу Улаш агроном-шоирлар-чи?! Отам, Чинор ака...

Балки ҳамма-ҳаммамиз бедор, тонгга юз тутаётгандирмиз? Ишқилиб шу тонг, шу оппоқ, бокира тонг чин бўлсин...

КИНОЯГА ЙЎҒРИЛГАН УМИД

Ҳозирги адабиётда воқеликни тасвирлашга қараганда инсон руҳиятини таҳлил қилишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бугунги адиблар учун ҳаётий реаллик бирламчи аҳамият касб этмайди. Бунга бадиий реалликни таъминлаш воситаси дебгина қаралади. Бугун бадиий асар қизиқарли воқеалар тасвиридан эмас, балки инсон кўнглининг микротаҳлилидан иборатдир. Ҳар бир инсон олам ва одамиятни ўзини англар даражадагина англай олади.

Қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўқувчилар эътиборини қозонган ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг **«Жазирамадаги одамлар»** романи ана шу йўналишда битилган асардир. Айтиш керакки, ёзувчининг илк романида ижтимоий муаммолар эмас, алоҳида одамларнинг кечинмаю сезимларини тасвирлаш етакчилик қилади. Адиб ушбу асарида ўзи яратган бадиий воқеликни ўқувчига туйдиришга, уни тушунарли қилишга уринади. Дунё замонавий эстетик тафаккурининг оталаридан бири Ортега-и-Гассет: «Санъат санъаткор бўлишдан ортиқроқ нарсани орзу қилган ҳар қандай кишидан шафқатсиз ўч олади», деган эди. Луқмон асосий эътиборини романининг санъат асаригина бўлишига қаратади.

Унинг кулиб-кулиб ўқиладиган, осонгина ёзилгандай тасаввур қолдирадиган романи миллий адабиётшуносликда илгари шаклланган фикрий қолипларни синдириши жиҳатидан тенгсиз бир эстетик ҳодисадир.

Кимларнингдир истаги, қандайдир сиёсий ёхуд мафкуравий манфаатлар учун одамлардан зўраки қаҳрамонлар ясаш, инсонни табиати ва истагига мувофиқ яшашга қўймаслик, унинг турмуш тарзига тазйиқ ўтказиш изсиз кетмаслиги «Жазирамадаги одамлар»да катта самимият билан тасвир этилган.

Роман бошдан-оёқ киноя ёйғрилган, ифодада пичинг етакчилик қилади.

«Ашур икки шериги билан чорпоя томондан даврага тушди! Тана ҳароратининг ошиши касалликни билдиргандай Ашурнинг даврага оёқ қўюви ҳам тўй базмининг тинч, «маданий» қисми хотима топганидан дарак берарди». Ёзувчи ортиқча тавсифларсиз ҳеч кимдан тап тортмайдиган безори йигитнинг жангари та-

биатини оча билган. Асарда тасвирнинг шу йўсини ортиқча тавсилотларсиз давом этади.

Роман воқеалари бўлиб ўтадиган 41-ширкат хўжалиги (романда мустақилликдан олдинга воқеалар акс эттирилган ўринларда «совхоз» шаклида қўлланилган.) ерлари, аслида, чўл бўлган. Унга сув келтириб, экин экиш даштнинг ўзига хос табиатига четдан аралашиш бўлиб, бу эса ҳеч қачон беиз кетмайди. Шу боис ўзлаштирилган ер маълум вақт ўтгандан сўнг унга қилинган зўрликка қаршилик кўрсата бошлайди. Чўлнинг бунга қарши исёни ва норозилиги асарда хўжалик етакчиси Чинор тилидан: «Шўрлаб кетаяпмиз... Эргаш, чўл қаршилик кўрсатаяпти... тағин, уч-тўрт йилдан сўнг ҳосил олиш нари турсин, уруғ ҳам унмай қолади...» тарзида ифода этилган. Унинг жўраси ва суҳбатдоши Эргашнинг бу борадаги фикри янада кескинроқ: «...Ҳа, чўл қаршилик кўрсатаяпти, — деб гапида давом этди отам ичкиликдан қизарган кўзларини бир нуқтага қадаб. — Чўлнинг бўстон бўлгиси келмаяпти, тамом. Уни ҳеч қачон енголмаймиз. У... барибир, қачонлардир, ясама боғу чаманларни ямлаб ютади, чўл... барибир аслига — чўллигига қайтади». Романнинг бош бадиий концепцияси қаҳрамонларнинг шу сўзларига жо бўлган. Шу сингари одам ҳам ўз табиатига мувофиқ яшаши лозим. Одам ёлғиз ғоялар билан ёки ғоялар учунгина ҳаёт кечира олмайди. Инсонда тан ва руҳ борлиги, унинг ҳаёти ана шу иккиси талабига мувофиқ кечиши лозимлиги романда таъсирчан акс эттирилган.

Роман қаҳрамони Лолахон — гўзаллиги ва мулойимлигини ҳисобга олмаганда, оддийгина аёл. Унинг жисми ва руҳида ҳам ўзгалардаги сингари хоҳиш-истаклар бор. Лекин шахсий ҳаётнинг атай ижтимоий мақомга эга қилинганлиги, инсонлар орасидаги муносабатларнинг сунъий ва мантиққа мувофиқ эмаслиги, бева қолган ёшгина аёлнинг табиий эҳтиёжлари ҳисобга олинмай, барчанинг кўз ўнгида севги ва садоқат тимсолига айлантирилгани уни ҳалокатга олиб боради. Кўнгли ҳаёт ишқи ва яшаш завқига, жисми ёшига муносиб лаззатларга ташна бўлган гўзал бир жувон нодонларча қарор топдирилган сохта қадриятларнинг қурбонига айланиши асарда таъсирли кўрсатилган. Лолахон мақтанчоқ ва сохта обрўга ўч Ашур томонидан ўлдирилмаганда ҳам, у барибир бундай ёлғон ҳаётда, мунофиқ қиёфада узоқ яшай олмаслиги, фожиа ўзгача бир тарзда рўй бериши романда сезилиб туради. Асарда одамлар томонидан маъбудага айлантирилган ёш аёл қисмати мунгли бир қўшиқдай куйланган.

Асарнинг диққатга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, у кўпчиликда қишлоқ аҳли, айниқса, унинг меҳнаткаш қатлами ёппа-

сига ғоят содда ва самимий бўлади деган янглиш хаёлий-экзотик тасаввурга таҳрир киритади. Луқмон Бўрихон овлоқ қишлоқ одамларининг дунёдаги барча одамлар сингари хилма-хил: бирда қув, бирда довдир, бирда мунофиқ, бирда олижаноб кишилар экани, уларни ёппасига содда ва самимий одамлар, деб қараш янглишлигини жуда ишонарли очиб берган. Асарда оддий қишлоқ одамларининг мураккаб ва чигал табиатли шахслар экани, ҳатто, Сафармурод чавандоз, Улаш агроном, Ашур, Тоғай тоға каби довдирроқ тимсолларнинг ҳам, ўрни келса, шайтонга дарс бера оладиган шумликлари ғоят билгичлик билан кўрсатилган. Ашурнинг чоғи келса, зўрлигини ишга солиши, чоғи келмайдиган пайтларда ҳалок бўлган қаҳрамон акасини ўйлайвериб адойи тамом бўлган жигар қиёфасига кириши, ўз мағлубиятини ҳам ғалабага айлантирадиган даражадаги қувлиги, ҳатто бу усулдан шуҳратини ошириш йўлида фойдаланиши, меҳмон қизларга мақтаниш учун бор пулини сарфлаб, ўғирлик қилишдан ҳам ҳазар қилмаслиги, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати хўжакўрсинга, ўзгаларни қойил қолдиришга қаратилгани қизиқарли фош қилинган.

Асарда Ашур тимсолига катта эътибор берилгани, романнинг у ҳақидаги хабар билан бошланиб, шу билан тугагани бежиз эмас. Чунки унда миллатга хос анчагина номатлуб иллатлар намоён бўлади. Унинг хўжакўрсин ҳаёт тарзи, ёлғон фидойиликлари, бировлар учун қилинган сохта жасоратлар, ўзгалар назари учун жон куйдиришлари ана шундай жиҳатлар сирасига киради. Романнинг қуйидаги ўринларида бу персонажнинг асл башараси тўла кўринади: «Ашур нақшинкор ханжарни боши узра аввал азод кўтарибди, сўнг эҳтиром билан лабларига босибди. Ҳовлидагилар аллақачон йиғи-сиғини бас қилиб, ғамбода аскар томон бақрайиб қолишган экан!»

«Эй, қавми қариндош! — дебди Ашур бўғиқ ва титроқли товушда. — Мен қасам ичдим! Эртами-кечми акажонимнинг қонини тўкканлар шу ханжардан ўлим топади. Акажонимнинг руҳи покини хўрлаганлар ҳам мендан омонлик кутмасин! Йигитлик қасамим шу!..» Ҳамма нарсани намойиш учун қиладиган, томоша кўрсатиб яшаган, кўрсатган томошаси ўзига ҳам, ўзгалар тақдирига ҳам тузалмас жароҳатлар етказган, аммо айни шу намойишкорлиги, сохталиги боис одамлар эҳтиромига сазовор бўлган бахтсиз ва шахсий қиёфадан маҳрум йигит тимсоли маҳорат билан қаламга олинган. Романнинг бошқа бир ўрнида енгил шон-шуҳратга ўч Ашур ўзидан кучли рақиб билан олишиб йиқилганда, ўзини акасини ўйлаб ҳушидан кетган қилиб кўрсатгандаги ҳолати ҳикоячи томонидан шундай баён қилинади: «Мен беихтиёр дўстларимдан кўзимни олиб қочдим. Қароқларим қоп-қора ос-

монга қадалди. Назаримда, қоп-қора осмонда ғуж-ғуж юлдузлармас, бир силтовда тиззалаб қолган Ашурнинг кўзларидан сачраб кетган учқунлар айёрона жимирларди». Ашурнинг адиб томонидан турли ракурсларда тасвирланган хўжакўрсин ва сохталикка асосланган ҳаёт тарзи, ғалати шахсияти унинг қанчалар «содда ва самимий» эканини ортиқча изоҳларсиз ҳам кўрсатиб туради.

Ёзувчи роман тимсоллари тасвирида одамнинг ўта мураккаб яратиқ эканини ҳамиша назарда тутади. Жумладан, қишлоқнинг «содда ва самимий» қизларидан бири Шабнамнинг ғалати табиати мактубларни етказиб турадиган Самад томонидан: «Шербекнинг галдаги оташин мактубини чапдастлик билан Шабнамга етказгандим. Шу сабаб бўлса керак, у бутун томоша давомида гўё чўнтагига хат эмас, нақ Шербекнинг ўзини жойлаб олгандай, хотиржам сақич чайнаб, кунма-кун етилиб келаётган қадқоматидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини истаётган каби экран ёруғига атай ўзини солиб, ўриндиққа ўтирмай тик турганди» тарзида чизиб берилган. Вақти келиб, Шабнамнинг Шербекни ҳам бир четга суриб, учинчи бир йигитга турмушга чиқиб кетиши, шу ҳолига кайвонилик қилиб, яқиндагина ўзи искалашиб юрган Ўроқнинг беваси Лолага севги ва садоқат тимсоли сифатида топиниш одатини бошлаб бериши тоза кўнгилли ҳикоячи бола қалбида иштибоҳ уйғотади. Яхши бўлиш эмас, яхши бўлиб кўриниш ғамини ейдиган, ўзгани тушунмайдиган, бутун кучини одамларда яхши таассурот қолдиришга сарфлайдиган мунофиқ кишиларга хос бу қиёфаларни бола кўнглидаги излари романда ишонарли акс эттирилган. Шербекнинг ҳеч қайғуриб ўтирмай, Шабнамнинг синглиси Шабада билан «чин севги»сини давом эттиравергани боланинг тоза муҳаббат ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилиб ташлайди. Романда қишлоқ қизларининг одатдагидай содда ва алданган ожизалар тарзида эмас, балки севгини сақичдай алиштирувчи Шабнам тимсолида кўрсатилгани ҳаёт ҳақиқати нуқтаи назаридан ҳам, бадиий чинлик маъносида ҳам ўзини оқлаган.

Яратганнинг қудрати шундаки, ҳар бир одамни фақат ўзига хос мижозу феъл билан тақдирлаган. Шу боис бир ҳолат ҳаммада ҳар хил муносабат уйғотиши мумкин. Адиб буни романда жуда катта маҳорат билан акс эттирган. Яъни асардаги қаҳрамонлар бир қиёфали эмас, уларнинг ҳар бири кутилмаган жиҳатлар, башорат қилиб бўлмайдиган тутумларга эгадир. Муаллиф персонажларини гўё бир мусиқа билан турли рақсларга ўйнатгандай, ҳар бирининг табиатида кўзга ташланган киноявий йўсинда кулгили ҳолатларда тасвирлагани ҳолда фожиали қирраларни ҳам, жиддий ўй-мулоҳазаларини ҳам тўкис бера билган.

Романда тортинчоқ, бўшанг ўзбек аёлининг юксак инсоний сифатлари маҳорат билан тасвирланган: «Ўша кеч Сафармурод ака ҳам уйига дағдаға билан кириб борган экан! «Кетаман, — дебди у ҳам аллақачон бир уйқуни урган Тошбиби янгани аранг уйғотиб. — Шаҳарга кетаман... У ёқда эпподиром деган жойда чавандозлик қиламан, еганим олдимда, емаганим кетимда бўлади... Не-не бойваччаларнинг болалари мендай устозга зориқиб ўтирибди...» Эрининг дийдиёларини уйқусираб эшитган Тошбиби янга «Ҳозир жўнайсизми?» — дея сўрабди хаёлчан бўшашиб. Чавандоз хотинининг муқаррар дод-вой содиб, «кетманг»лаб оёқлари остига йиқилишини кутган, шекилли, кутилмаган сўров анча-мунча ғулдиратиб қўйибди: «Йў-ў?... Ҳа... йўқ... умуман». Эридан аниқтиниқ жавоб ололмаса-да, Тошбиби янга тағин ўсмоқчилаб сўрабди: «Қайси кийимларингизни тайёрлай?..» Ана шу суҳбатда ювош ва мағрур ўзбек аёлининг қиёфаси яққол кўринади. Лекин у ортидан кимларнидир эргаштирувчи, ҳаммани ўзи сингари бўлишга ундовчи замонамиз қаҳрамони эмас, балки аждодларнинг қадимий қадриятларини ўзида сақлай олган бетакрор шахс. Тошбиби янгаларга айнан ана шундай ҳолатда ҳам эрининг ҳурматини оширади. Айни шу жиҳат уларни юксакка кўтаради. Бундай аёллар хўжаси билан масала талашмайди, балки итоатининг чексизлиги билан эрларни итоат қилдиради: «— Ахир, бизни ташлаб шаҳарга кетаяпсиз-ку?! Довруғи достон бир чавандоз эрим бор эди, охири куни шаҳарлик байталларни минишга қолиб, ўзини шарманда қилди, бизни уятга қўйди, улоқиб шаҳарга кетиб қолди, деб эслаб юраман-да».

« — Тишлаб-тишлаб олаяпсан-а, Биби?!»

« — Йўқ, байтал тишлаган жойга туз сепаяпман...» Ҳеч қачон аччиқланмайдиган, мулойим табиатли Тошбибининг нишонга хатосиз урадиган бу гаплари ўзбек аёлининг дунёдаги ҳеч бир миллат аёлига ўхшамайдиган феълини кўрсатиши жиҳатидан ҳам, тилимизнинг ифода имкониятларини намойиш этиши жиҳатидан ҳам тенгсиз саналади.

· Одам турли ҳолатларда ўз «мен»ининг турли қирраларини кўрсатади. Самад ҳам ўрнига қараб, ўқувчи кўз ўнгида гоҳ содда ва ишонувчан, гоҳ муғамбир ва қув ўсмир тарзида намоён бўлади. Боланинг янги келинчак Лолахонга ихтиёридан ташқарида, ўзўзидан тийиқсиз меҳр қўйгандаги ҳолати асарда ишонарли тасвирланади. Асарда кўнгли гўзалликка ташна, аммо бўғиқ бир шароитда яшашга маҳкум ўсмирнинг руҳий ҳолати ҳаққоний берилган. Лола келин Самад тасаввурида эзгулик ва муҳаббат тимсолига айланиб улгурган. Бола шаҳарлик янгасини нега севиб қолгани сабабини билмайди. Бундай ҳолларда бирон-бир сабаб йўқлигининг ўзи ҳам сабабдир.

Самад Лолахон янгасини Ўроқнинг борида қанчалар яхши кўрган ва уни қизғанган бўлса, йигит ҳалок бўлгач ҳам шундай суйиши, ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган бу сирли туйғу сабаб тортган озорлари ўспиринга роҳат бериши романда жуда табиий кўрсатилган. Лолахон бева қолгач, янгасини ўз отасидан, қариндоши шоир Шунқор Ҳобилдан қизғаниши, бева аёлнинг уларга мойиллигини пайқаганда ўртанишлари ғоят таъсирли ифода этилган. Тиниб-тинчимас, топқир болакайнинг умидсиз ва истиқболсиз севгиси кишида ғаройиб таассурот қолдиради. Лола Самад учун шунчаки гўзал бир аёл эмас, балки муҳаббат, эзгуликнинг ва олижаноблик тимсоли сифатида бирга яшайди, бирга қийналади. Бола бу аёл тимсолида тенгсиз бир маънавий идеалини кўрди дейиш мумкин. Унинг Лолахон фожеали тарзда ўлдирилгандан кейин ҳам бунга ишонмай, унинг қайлардадир тирик юрганига умид боғлаши шундан далолатдир. Чунки умид ўлиши, эзгулик хазон бўлиши мумкин эмас.

Романнинг тасвир йўсинига доир асосий хўсусият шундан иборатки, ҳар бир қаҳрамон ўз табиатига мос ўй ўйлайди, гап гапиради, иш қилади. Асарда қаҳрамонлар табиатига зарра қадар зуғум ўтказилмайди. Киноялн оҳанг персонажлар характери табиийлигини таъминлашда қўл келган. Адиб Ўроқ образини чизишда ҳам тасвир маромини бузмайди. Романнинг бирор-бир ўрнида Ўроқда алоҳидалик, фавқулоддалик борлигига ишора қилинмайди. Ўроқнинг ўқишга ҳаваси зўр эмас: ҳеч иккиланиб ўтирмай, сиртқи бўлимга ўтиб кетади. Билими ҳам кучли эмас: Чинорнинг шўрга қариши дори ҳақидаги саволига эплаб жавоб қилолмайди. Агрономликка ҳам астойдил меҳр қўймаган: ишига боришдан ўғилчасига қарашни яхшироқ кўради. Ҳарбий хизмат хаёлида ҳам йўқ: хизматга бормаслик учун барча чораларни қилиб кўради. Ҳатто аскарликка юбормасликларини ўтиниб кўзёши тўккани сабаб туман ҳарбий комиссари уни жазолаб, атай нотинч жойга хизматга жўнатади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Ўроқ айни шу қўрқоқлиги туфайли қалтис жойга тушганидан қаҳрамонга айланади. Муаллиф қўрқоқдан қаҳрамон чиққанига алоҳида эътибор қаратмайди. Чунки инсоннинг ёзуғи унинг ўзига боғлиқ эмаслигини яхши англайди. Романда Ўроқнинг қай ҳолатда, нима учун ҳалок бўлгани аниқ кўрсатилмайди. Чунки асар учун Ўроқнинг қандай ҳалок бўлгани эмас, балки йигит ҳалокати тирик қолганлар тақдирига қандай таъсир кўрсатгани муҳимлик касб этади.

«Жазирамадаги одамлар» романи олимларимиздан бири ҳозирги адабиёт олдига: «Эл-юрт учун жонини фидо қиладиган, халқнинг оғирини елкасига оладиган фидойи қаҳрамонлар образи бугунги кунда яратилмаяпти ҳисоб. Ҳозир «айни вақтида яра-

тилган» асарлар, «замонамиз қаҳрамони» образи етишмаяпти. Бугунги кунда кишиларга ибрат бўладиган, одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар жуда-жуда зарур», — деб қўйган талабларга ўзига хос жавоб бўлди. «Жазирамадаги одамлар» асари тўлиғича «одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар» ва қаҳрамонларга эргашишга шай турган оломон қисматини кўрсатишга бағишланган. Шу маънода бу роман адабиётшунослар учун тадқиқ материалигина бўлиб қолмай, ўзига хос эстетик ёндашув улгиси ҳам дейиш мумкин.

Асардаги асосий тимсоллардан бири — ҳикоячининг отаси Эргаш, роман персонажларидан бири айтмоқчи, «бутун одам». Унинг қандай одамлиги талабалигида домланинг ахлоқсизлигига исён сифатида ўқишни ташлаб келишиданоқ маълум бўлади. Эргаш дунёга очиқ кўз ва теран фикр билан қарайди. Шунинг учун ҳам бева қолган Лоланинг, аввало, одам эканини, ундан садоқат маъбудаси ясаш ўрнига, турмушга бериш тўғрироқ эканини англайди. Одам кўнглини, унинг орзу-ўйларини илғашга уринган боис бева аёлни қаҳрамон жангчига садоқатли ёр тимсоли сифатида асрашдан кўра Лолахон қалбидаги туйғуларни ҳисобга олиш лозим деб билади. Айни вақтда, ёзувчи сунъий равишда ундан одамийликнинг ҳақиқий тимсолини ясашга уринмайди. Эргашни ҳам фазилату камчиликлари билан рўй-рост кўрсатишга интилади. Шу боис унинг директорни «юмшатиш» эвазига ферма мудиридан қўчқор олиши, яширинча ерёнғоқ экиб фойда кўриши, аёлларга муносабати, ичкиликка яқинлиги сингари жиҳатлар шу шахс табиатининг ажралмас қирралари сифатида кўрсатилган. Эргаш — ўз фикрига эга шахс. У соғлом ва аниқ фикрлагани сабаб кам янглишади. Унинг бу хусусияти музей очишдан, мактабга Ўроқнинг номини бердириб, унга ҳайкал ўрнаттиришдан хўжалик етакчиси Чинор қандай мақсадни кўзлаганини аниқ билишида, бева Лолахоннинг истаги нимадалигини туйишида, Чинорнинг Қундуз муаллимага муносабатига берган баҳосида, чўлнинг келажаги борасидаги гапларида яққол намоён бўлади.

Асарда меҳнаткаш, тўғри, лекин бир қадар довдир, лақма Сафармурод чавандоз тимсоли ҳам ўта жонли ва таъсирчан ишланган. Чавандознинг ҳамиша жўралар кулгисига сабаб бўладиган ҳовлиқмалиги, доим чув тушиб юриши, айни вақтда, ўзини дўстлари: Эргаш мироб билан Чинор директордан асло кам санамаслиги, вақти келса, уларга дашном беришга уриниши романда бу персонажнинг тийнатини намоён этувчи хусусият сифатида ишонарли тасвир этилган. Романда отсиз чавандознинг ўзига кераксиз қамчисини музейга беришни истамаслиги, бергандан кейин қайтариб олиши каби ўринларда Сафармурод ча-

вандоз табиати яхши очилган. Чунки ўзбек эркаги бош кийим, қурол-аслаҳа ва от-абзални бировга бермайди.

Асарнинг киноявий йўналиши худди тақдирнинг пичинги сингари оқсоқ директорнинг Чинор деб аталиши, оғзидан от тушмайдиган, номига «чавандоз» сўзи қўшиб айтиладиган Сафармуродда отнинг йўқлиги, хўжаликда имони бутун ёлғизгина шахс Абдулла бадқовоқнинг ҳеч кимга ёқмаслиги, уятсиз ва сохтакор Ашурнинг қишлоқ ор-номуси ҳисобланиши, уч йигитнинг ўртасида юрган Шабнамнинг садоқат ҳақидаги аҳдини эл-юрт олдида тантанали равишда Лолахонга айтиши каби лавҳалар тасвирида тўла намоён бўлади.

Луқмон асарда устомон ва доғули сохтакор кимсаларнинг эл-юрт «виждони»га айланиши билан Абдулла бадқовоқ сингари асл кишиларнинг қадр топмаслиги, кўпчилик унинг шахсини баҳолай оладиган даражага етмаганини бир маҳзунлик билан акс эттиради. Чунки Абдулла ака киши кўрсин учун ҳеч нарса қилмайди. Ҳар бир айтган гапи ва босган қадами ички мантиққа, фикрий асосга таянган бўлади. Ишнинг кўзини билгани учун тўқ яшайди. Тўқ яшагани, бировга қарам бўлмагани учун ўзини ҳурмат қилади. Ўзини ҳурмат қилган ва ҳаммага ўхшамаганларни эса ўша «ҳамма» яхши кўрмайди. Адиб жигарининг ўлими маросимига кириб келаётган Абдулла руҳиятини усталик билан ифодалаган. Асарда ёзувчининг одам руҳиятини яхши билиши кўриниб туради. У ким қайси жиҳати билан кўрсатилса, табиати тўла намоён бўлишини аниқ тасаввур қилади. Абдулла ака сингари кўнгил ва ақл кишиси аза ва тўй каби бир қолипга туширилган маросимларда қийналади. Чунки у қолипга тушолмайди, бирор ҳаракатни хўжакўрсин учун қилолмайди. Бир умр ўзгалар кўзи учун яшаб юрган кишиларга бундай ишларни қилиш осон, бу қолипдан ташқари субутли кишиларнинг ҳолати эса тушунарсиз. Абдулла бадқовоқ одам бировлар назари учун яшай олмаслиги ва яшамаслиги кераклигини билади. Аммо ўзбек турмуш тарзи одамдан унга ҳеч қачон қаноту қуйруқ бўлмайдиган кимсалар кўзи учун яшашни талаб қилади.

Романда Абдулланинг ўғли ҳалок бўлган акаси Файзулла билан кўришуви саҳнаси билгичлик билан ёзилган. Абдулланинг ўкириб йиғламаганида, ўкиролмаганида бировга ўхшамаган шахснинг ўкириги яшириниб ётибди: «У ниҳоят кўрдай пайпасланиб ичкари кирди ва довдирай-довдирай чорпоя томон, қорасатин тўни устидан қўш белбоғ боғлаб, бир неча яқинлари қуршовида таёқ суянганча турган оғаси ёққа юринди. Файзулла ака эртадан бери бўзлай-бўзлай чарчаб қолганиданми, ё укасининг урф-одатларни ошкора бузганидан хафа бўлдими, ишқилиб

шилқ-шилқ бурун тортганича, истамайгина ўзини жигарининг бағрига берди. Абдулла бадқовоқ эса уни минг йиллар кўрмай соғинган сингари маҳкам қучоқлаб олди, шундагина гўё қаттиқ сиқувдан жон жойи жазиллагандай Файзулла ака чинакамига бўғиқ товушда ҳўнграб юборди. Абдулла бадқовоқ акасини бағрига баттар босган кўйи шафтоли данагидай бўртиб чиққан кекирдагини ғилт-ғилт ўйноқлатиб, қачондан бери нақ бўғзигача бостириб келган, теваракдагилар қачондан бери отилиб чиқишини илҳақ-илҳақ кутиб ётган ўкирикни, негадир зўр-базўр изига қайтарарди». Бир қараганда, унчалик катта юк ташимайдиганга ўхшаб кўринган бу тасвир салмоқли эстетик вазифани бажарган. У Абдулла шахсиятига хос жиҳатларни кўрсатиш билан бирга, атрофдаги томошаталабларнинг табиатини ҳам намоён қилган.

Асарда катта-кичик ҳар бир образ ўзига яраша бадиий юк ташийди. Ўроқнинг онаси Хосият опанинг турли вазиятлардаги ҳолати тасвири кишида кучли қизиқиш уйғотади. Қишлоқнинг соддагина аёли фарзандларининг бахти кулган кунлари гулдай очилиб, яшариб кетганлиги, шаҳарча шевада гапира бошлагани, ўғли ҳалок бўлган кунларда эсидан айрилгандай бўлиб қолиш ҳолатлари жуда ишонарли ва таъсирли очиб берилган. Ўроқнинг отаси ҳеч бир жиҳати билан ўзгалардан ажралиб турмайдиган, имкон қадар кўзга ташланмасликка интиладиган Файзулла ака руҳиятидаги ботиний ва зоҳирий эврилишлар асарда жуда табиий қилиб кўрсатилган. Руҳий хотиржамлик, ўзига ишонч кишини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлиги романда ўзининг гўзал ифодасини топган. Бўшашибгина юрадиган Файзулла аканинг маъшуқа орттирадиган даражада ўзгариши романда киноя пичинг билан жуда таъсирли акс эттирилган.

Одатда, жабр тортган кишилар тасвирида маҳзун ифодалардан кўп фойдаланилади. Чунки ҳар бир одам тортаётган жабрнинг ўзиёқ бошқаларни ҳамдардга айлантиради. Луқмон Бўрихон илк бор шу анъанани бузишга журъат этди. У улкан бахтсизлик комига тушган Хосият опани ҳам, Файзулла акани ҳам табиатига мос тарзда кўрсатиш йўлидан боради. Тақдирнинг кутилмаган сийловига ҳам, ногоҳ синовига ҳам дуч келган бу кишиларнинг Лолахон ҳолатини тушунадиган даражада сезгир, унинг табиий истакларига майл билдира оладиган даражада инсофли эмасликлари асарда борича кўрсатилади. Файзулла аканинг одамни тушунмаслиги ва танимаслиги романда бир-икки лавҳада маҳорат билан чизилади. Файзулла аканинг одам танимаслиги Лолахоннинг «Қориндор, сергўшт қошу қабоғи орасида кўмилиб кетган кўзлари туксиз, оппоқ, сийрак сочли хум калласига омонатгина дўппи илган, олтмиш ёшлар атрофидаги»

тоғасига муносабатида яққол кўринади: «Ўшанда Файзулла ака, энг яқин, энг сирдош биродарига ҳасрат қилгандай негадир қудасининг қучоғига ҳўнграб отилганди. У ҳатто ўз туғишган иниси Абдулла бадқовоқнинг-да бағрига бунчалар жонсараклик билан ташланмаганди». Ана шу парча билвосита тасвир усулининг энг самарали кўринишларидандир.

Асарнинг бош концепцияси романдан олинган қуйидаги парчада ҳам акс этган дейиш мумкин.

« – Нега ўйинни буздинг? Сен қаҳрамонларча ўлишинг керак эди-ку?! – дея алам билан қичқирдим мен.

– Ўлишни хоҳламайман, – деб тўнғиллади Тўлқин хаёлчан хас чайнаркан. – Қаҳрамон бўлиб, орден-медаллар тақиб уйга қайтишни истайман...

Алам ўтида қоврилаётган Ҳужжатуллахон ҳам киноялн ҳиринглади:

– Ай... ай... Яна нимани хоҳлайдилар?

– Яна... мени қаноргa тиқиб ўзларинг тушлнкни паққос туширишларингни хоҳламайман...

– Қаҳрамон бўлгандан кейин чидайсан-да, – дея чинқирди Дурбек.

Тўлқин ҳамон хаёлчан хас чайнаган кўйи тўнғиллади:

– Менга унақа қаҳрамонлик керакмас.

– Яна нима хоҳлайдилар? – деб тағин киноялн ҳиринглади Ҳужжатуллохон.

Тўлқин ўтирган жойига чалқанча ётди-да, гўё илиқ ҳавони қучаётгандай қулочларини кенг ёйиб ҳайқирди:

– Абдулла акадай бой, зўр одам бўлмоқчиман!»

Тўлқиннинг болаларча иқрорида ҳам романнинг мағзи акс этган. Ҳа, чиндан ҳам одам қаҳрамонларча ўлишга эмас, қаҳрамонларча яшашга, яшаганда ҳам оёқни зўрға судраб хору зор бўлиб эмас, балки Абдулладай тўлиб-тошиб, зорликни билмай ҳаёт кечиришга лойиқ. Адабиётдан ҳам, адибдан ҳам одамни фидо бўлувчи, қурбон тарзида кўрсатишни талаб қилавермай, бу дунёда яйраб яшай оладиган кишиларни тасвирлаш имконини бериш керак. Қаҳрамонлардан юксак ғоялар учун фидо бўлишни талаб этишдай ҳуқуқ ҳеч кимга берилмаслиги керак. Ватан шу ватанда яшаётган кишилардан азиз бўлмаслиги, бу икки тушунча бир-бирига қарши қўйилмаслиги, қаҳрамонлик ҳамиша фидо бўлиш билан биргаликда тасаввур этилмаслиги лозим. Ватан ўғлонлари унинг учун ўлиш эмас, балки яшашлари зарурлигини тасвирлаш пайти етди.

Олдинлари алоҳида бир одамнинг инсониятга муносиб бўлиши кераклигига урғу берилар ва ҳамиша инсоният юксакликда тасаввур этиларди. Бу романда инсоният, яъни кўпчилик битта

инсонни тушунишга уриниши лозимлиги таъкидланган. Бу ҳол одатий ёндашув тарзини бузиб, қадриятлар тизимига ўзгаришлар киритган. Одам ва унинг қадри ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаган қуйидаги лавҳада кўпчиликнинг руҳияти ва моҳияти яхши акс этган дейиш мумкин: «Базм дастурхонига қараб бўлмасди. Ивирсиб ётган бўш шишалар, идиш-товоқлар, томган-тўкилган овқат қолдиқларию мева-чева пўчоқлари кўнгилларни беҳузур қиларди. Кимдир папирос қолдиғини чайқала-чайқала ҳозиргина емак еган идиши ичига босиб ўчирар, тағин аллаким носвой юқи теккан лаб-лунжини энгашганча дастурхонга ишқалаб артар, ҳувв, томошалар бошида ўйинчи қизга «бир ойлик насибаси»ни қистириб юборган ўша йўғон нусха стол тагига энгашганча қусиб ётарди». Бу шафқатсиз тасвирда кўпчиликнинг ҳолати, унинг маънавий тубанлашуви қай даражага етиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кўпчиликнинг ҳақ ёки ноҳақликни баҳолашга ожизлиги роман якунида яққол акс этган. Одамлар учун моҳият эмас, балки ташқи кўриниш муҳим экани Ашурнинг қилмиши ва Лолахон ҳалокатига муносабатда аниқ кўзга ташланади. Умрини томоша кўрсатиш, сохта обрў орттириш, намойишкорона яшашга бағишлаган, бадмаст чиранчоқлиги туфайли Лоланинг ўлимига сабаб бўлган Ашур қишлоқдошлари назарида оила номусининг фидойи қўриқчисига айланади. Бутун бошли қишлоқ аҳли Ашурнинг муғамбирлигини, сохтакорлигини пайқамайди. Ўз томошаларининг қурбонига айланган йигит кўпчилик деб аталмиш тўдаларнинг истакларига қул бўлиб ҳам ўз умрини, ҳам Лолахон ҳаётини хазон қилади. Асарда мана шу ҳолат тагида улкан дард яширингани киноя билан ифода этилади: «Ўша тун Ашурнинг қўлига кишан солинса-да, бироқ довруғи, шон-шуҳрати озод ва эркин қолган экан! Эл-улус ҳануз-ҳануз уни ор-номус ҳимоячиси тимсолида улуғлашар, оила шаъни учун, марҳум акасининг пок хотираси учун ўзини балоларга мағрур ва мардона йўлиқтиргани ҳақида мутаассир бўлиб гапиришаркан». Кўпчиликнинг оломонлиги шундаки, кечагина соясига салом бериб, олдида кулиб гапириш ноқулай деб ҳисоблаганлари бегуноҳ Лолахонни бемалол бузуққа чиқаришади: «Улар олис шаҳардан пайт пойлаб келган аллақандай ўйнаши билан Лолахон хашак ғарами устида айни ялаб-юлқашаётган пайт қўққис Ашур полвон сезиб қолгани ҳақида, номард эркакнинг девор оша қочганию қасоскор қўл орқасидан отган паншаха хиёнаткор уруғочига санчилгани ҳақида теша тегмаган мишмишларни тўқиб чиқаришган экан. «Ҳақ рост, ҳақ рост, — дермиш улар бир-бирига гап маъқуллатиб. — Осмонда парипшталар бор. Ана шу парипшталарнинг

каромати билан бошқа бировга отилган паншаха бурилибгина анови ер юткурнинг қорнига қадалган-да! Худойжоннинг ўзи қилмишига яраша жазолаган-да, қора босгурни...» Романда асл билан сохтанинг фарқига бормайдиган, лекин қозилик қилишни хуш кўрадиган оломон қиёфаси киноялы йўсинда беқиёс улкан андуҳ билан тасвир этилган. Оломоннинг беқарор ва бетайинлиги асар сўнгида қамоқдан қайтган Ашурнинг айнан уни бир замонлар кўтар-кўтар қилиб, қишлоқнинг «виждони» даражасига чиқарган Сафармурод чавандозга йўлиққани ва унинг ўз «кумир»ини танимаслиги тасвирида яна бир марта акс эттирилган.

Асарда инсон руҳияти маҳорат билан кўрсатилган. Ўроқнинг тобути келтирилган вақтда «Файзулла ака ва Хосият холаларнинг ўққа учган мусичалардек илкис чайқалиб темир тобут устига қулаш»лари, Файзулла аканинг «ич-ичини қўпориб келаётган ўкирикни қувиб чиқаролмаётгандек юз-кўзлари тиришабуриша ўзини отиб ерга ур»иши, «Унинг каппа-қаппа очилаётган оғзидан на ингроқ, на қичқириққа ўхшаш «А-а... у-у-увв... а-а...!» деган товуш чиқиши, умрида бировнинг юзига тик қарамаган Хосият опа: «А-а-ай, — дея ўкирди. У масъул ходимнинг оппоқ ёқаларига беаёв чанг соларкан. — Сен боламни топиб бер! Мунча ватанлаб қолдинг, нега ўзинг ўлмайсан Ватан учун... Нималар деб валдираяпсан-а?! Болажоним ҳали ўзининг уйини ҳам тузук танимасди-ку... Сенлар бошига етдилари-и-инг...», дейиши инсон руҳиятидаги кутилмаган бурилишларни акс эттириши жиҳатидан тенгсиз чизгилардир. Фарзанди ўлганига ишонмай юрган онанинг мактаб ҳовлисига Ўроқнинг бюсти ўрнатилганини кўриб: « — Аҳх, сизла-ар, — деб пичирлади у қуруқшоқ лабларини қимтиб-қимтиб. — Охири... боламнинг бошини опкелдингиз-а-а...», дейишида она руҳиятидаги энг нозик сезгилар маҳорат билан ифодалангани кўринади. Романда Хосият опанинг Ўроқ ҳалокатига ишонмаслиги жуда ишонарли тасвирланган. Умидвор она шундай ўйлайди. Унга ўғлининг қаҳрамонларча ҳалок бўлганидан қочоқ бўлса-да, тирик юриши афзалдир.

Романда пейзаждан усталик билан фойдаланилган. Ф. Ницшенинг: «Дунёда нарсалар ҳақидаги тасаввурлардан бошқа ҳеч нарса йўқ», деган фикри ҳақ экани ушбу романда яққол намоён бўлган. Айни бир ҳолат ҳикоячи шахснинг кайфиятига қараб тамомила қарама-қарши таассурот уйғотади. Ҳикоячи Самадга аммаси бир лавҳанинг ўзида гоҳ олижаноб ва ёқимли, гоҳ ялмоғиз ва ёсуман бўлиб кўринади. Дунёда тасаввурлардан бўлак нарса йўқлиги Лолахоннинг буқа таҳдидидан чўчиб, ўзини беихтиёр Эргашнинг бағрига отгани ва бундан роҳатланганини кўрган ҳикоячи ҳолати мисолида ҳам кўриш мумкин: «Муздек шамол қўл-оёқларимдан

силтаб-силтаб тортқилаб ўзи билан тентишга ундагандай бўларди. Тунд, бадқовоқ осмонга, баҳайбат буқалардек судраклапаётган булутларга қараб, узо-о-оқ-узоқ увуллагим келарди» тарзида ифода этилади. Иложсиз ўспиринга осмон бадқовоқ, булутлар ҳозиргина Лолахонни отаси бағрига отилишга мажбур этган буқалардек баҳайбат ва бадбашара кўриниши, унинг ожизликдан увлашга тайёрлиги жуда ишонарли кўрсатилган. Муаллиф табиатни катта маҳорат билан тасвирлар экан, ундан персонажлар руҳий ҳолатини ифодалашда усталик билан фойдаланади: «Жазирама тобора забтига оларди. Қуюқ япроқлари қорамтир тусга кирган довдарахтлар ҳам лоҳас мудраётгандек эди. Аллақайдадир зериккан мусича «ку-ку-ку»лаб ўз жуфтини чорларди». Мусичанинг оддий эмас, балки «зериккан» экани, «жуфтини чорлаши» ёлғизлик, ёлғонлар, зуғумлар, тушунмасликлардан зериккан бева аёл ҳолатига уйғун келади. Кичкинагина бир тамсил тимсолнинг моҳиятини очишга катта хизмат қилади.

Пейзаждан ўринли фойдаланиш асарнинг ширасини оширган. Тафсилотларга, воқеалар ривожидаги шиддатга таянадиган романга бу хил тасвир тоза руҳ, енгил бадиий эпкин олиб киради. Луқмон тимсоллар ҳолатини табиат манзараси билан уйғун беришни хуш кўради. У одам хуш кайфиятда бўлса, олам унга гўзал кўринишини, нохуш бўлса, қизғалдоқ ҳам тикандай тўюлишини жуда ишонарли тасвирлайди: «Ўша йили қиш анчайин совуқ ва серёғин келди. Посёлкамиз кулранг бир туман ичида ҳорғин ва ўйчан бўзарганди».

Луқмон романда шевадаги сўзлардан ўринли фойдаланган. Адабий тилимиз айрим минтақаларда қадимдан ишлатилиб келинган «яшовраб», «серри», «зарилман», «ҳовар», «қўшхона», «тизинглаб», «қашшанг» «сўнариб», «кўлик», «бодичилик», «кайпанг», «гурри», «гапчиноз», «қашқатаёқ», «ўр» каби сўзлар билан бойиди. Улар персонажларнинг айни ҳолатдаги руҳиятини аниқ ифода этишга хизмат қилган.

Бир қишлоқ кишилари мисолида миллат турмуш тарзи ва табиатидаги камчиликлар киноявий йўсинда тасвирланган романнинг: «Ишқилиб шу тонг, шу оппоқ, бокира тонг чин бўлсин!» тарзида тугалланишида эзгуликдан умид, инсон табиатининг тозарувига ишонч бор. Нурсиз ва заволли ҳаёт ҳақида ички бир қаноат билан ёзилган бу ёруғ асарда эртанги кунга умид сезилиб туради. Чунки ундаги киноя масхаралашга эмас, балки покланишга қаратилгандир.

Қозоқбой Йўлдошев,
ЎзМУ профессори

Адабий-бадиий нашр

Луқмон Бўрихон (Бўриев Луқмон Каримович)

ЖАЗИРАМАДАГИ ОДАМЛАР

Роман

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*
Мусаввир *Рустам Зуфаров*
Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Галина Отаскевич*

ИБ № 4272

Босишга 14.02.05 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108 1/32.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 17,64 шартли босма тобоқ.
19,0 нашр тобоғи. Жами 5000 (1-завод 1000) нусха.
46 рақамли буюртма.
78—2004 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30//700128. Тошкент.
Усмон Юсупов кўчаси. 86.